

ЛАТИФ МАҲМУДОВ

БУРГУТ ОЛИБ ҚОЧГАН БОЛА



Қиссалар ва ҳикоялар

Тошкент
Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети
«Еш гвардия» нашриёти
1985

М $\frac{4803010000-120}{356 (04)-86}$ 130—86

© Издательство «Еш гвардия», 1985.

НОЗИК ТАЪБ, ХАССОС ИЖОДҚОР

Ўзбек адабиёти қадимий ажойиб шеърят анъаналарига эга. Улуғ Октябрдан сўнг эса республикада жиддий проза ҳам пайдо бўлди. Ҳозирги кунда Ҳамза Ҳакимзода, Ғафур Ғулوم, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қаҳҳор, Асқад Мухтор, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров ва бошқа адибларнинг номлари ўзбек элидан олис-олисларда ҳам машҳур. Кўп таниқли ёзувчилар ёшлар учун асарлар яратганлар ва яратмоқдалар. Ўзбекистонда болалар ёзувчилари ҳам етишиб чиқди. Латиф Маҳмудов ана шулар жумласидандир.

«Бургут олиб қочган бола», «Икки ўртоқ», «Икки дангасанинг саргузаштлари», «Бургут», «Жасур болалар», «Сирли хат», «Эски дуторнинг сири», «Чинор» ва бошқа талай машҳур китобларнинг муаллифи.

Республика театрлари сахналарида унинг «Бургут олиб қочган бола», «Али-Вали», «Сирли хат» пьесалари қўйилмоқда. Муаллифнинг асарлари СССР халқлари тилларига таржима қилинган.

Латиф Маҳмудовнинг «Чўққидаги лолалар» қиссасида ғаройиб, фавқуллода ва ғоятда қизиқарли воқеалар ҳикоя қилинади. Қиссада сирли йўловчилар ҳам, шаҳар ҳовлиларидан бирида содир бўлган ғалати воқеа ҳам, дом-дараксиз ғойиб бўлишлар ҳам, антиқа излашлар ҳам бор. Қиссага Қизбулоқ ҳақидаги афсона ниҳоятда табиий ҳамда ўринли суръатда едириб, сингдириб юборилган. Ана шу боисдан ҳам қисса қизиқиб ўқилади.

Аммо, шубҳасизки, гап фақат саргузаштлардагина эмас. Қиссанинг аҳамияти, муҳим жиҳати — у яхшилик билан ёмонлик ўртасидаги кураш хусусида, Совет ҳокимияти Ўзбекистон аҳлига берган янги ҳаёт ҳақида, ақлли, заковатли, тиришқоқ, қалбан сахий, меҳри дарё кишилар — катталар ва болалар ҳақида ҳикоя қилади.

Қиссада яна бир ғоятда муҳим ғоя мавжуд.

Гулнора исмли қизалоқ тасодифан масжидга кириб қолади. Бу ерда у даҳшатли диний оғуға дуч келади. Қизалоқни бу жаҳаннамдан муаллима, рус аёли Раиса Максимовна халос этади.

Қисса саҳифаларида турли-туман ўғилу қиз болалар, бизнинг замондошларимиз гавдаланади. Булар Равшан ва Асқар, Шахло ва Мунира, Озода ва Нортожилар. Улар сира бир-бирларига ўхшамайдилар, феъл-атворлари ва истак-майллари турлича, аммо уларни бир нарса — ҳалоллик, садоқатли чинакам дўстлик бирлаштириб туради.

Катталар — Мўминжон, Мулладўст, уста Ашир образлари ҳам муваффақиятли чиққан.


Латиф Маҳмудов нозик таъб, хассос ижодкор, у инсон характери, кайфиятининг турфа хил қирраларини маромида тасвирлашни жуда яхши уддалайди.

Латиф Маҳмудовнинг «Чўққидаги лолалар» қиссасини ўқир эканман, бу шоир битган проза асари-ку, деган фикр хаёлимдан нари кетмади. Зотан, ушбу таассурот бежиз эмас. Латиф Маҳмудовнинг ўз асарлари қаҳрамонлари билан муносабатида қандайдир ўзгача бир илиқлик, тасвир оҳангида самимият акс этиб туради. Айнан шу нарса асар қаҳрамонларини жонли, ҳаётий ва тўлақонли тасаввур этишига имкон беради. Ёш китобхонларнинг адиб асарларини нима учун бунчалик севишларининг боиси ҳам ана шундадир.

Сергей Баруздин.



ҚИССАЛАР



ЧҶҶҚИДАГИ ЛОЛАЛАР

Биринчи боб

ТУНГИ ЙУЛОВЧИЛАР

Вақт ярим кечага яқинлашган эди; тоғдан қалқиб кўтарилган ой илон изи йўлни, йўл ёқасидаги қўшчинорни сутга чайгандек бир ёритиб, паға-паға булут орасига сингиб кетди. Шаҳар чеккасидаги бу йўл бўм-бўш, ҳеч зор кўринмас атроф ҳувиллаб қолганди. Аҳён-аҳён тун жимлигини бузиб, битта-яримта кечиккан машина ғувиллаб ўтиб қоларди. Машина чироқлари қоронғи зулматни хапжардек тилиб, дарахт сояларини айқаш-чайқаш қилиши билан ариқ бўйида чўққайиб олган киши ўзини дарров четга олар ва машина йироқлашиб, овози тиниши билан чинорнинг панасидан чиқарди. Унинг хаёли паришон, кўзлари бежо. Зўр бериб олис-олисда бақаларнинг пойма-пой вақиллаши-ю, чигирткаларнинг тинимсиз чириллаши орасидан алланарсаларни илғамоқчи бўлиб сергаклик билан қулоқ тутар, йўлдан кўз узмасди. Шу аҳволда талай вақт ўтирди, ниҳоят, увушган оёқларини уқалай-уқалай жойидан қўзғалган эди, олисда араванинг ғирчиллашига ўхшаш ғалати бир товуш қулоғига чалингандай бўлиб, ёшига номуносиб чаққонлик билан ирғиб турди, товуш келган томонга илдам-илдам юра кетди.

Олиса араванинг қораси кўринар-кўринмас шошиб сўради:

— Типчликми?

Аравакаш — наमत қалпоғини қошигача бостириб олган, увоққина чол, жавоб беришга шошилмай, яқин қолганда жиловни тортди, елкасидан оғир юк қулагандек чуқур нафас олди, тизгинини шеригига тутқазди, аравада сочилиб ётган икки боғ ичанин устма-уст кўйиб ёнбошлади.

— Ҳайда,— деди чол,— тонггача қишлоққа борайлик.

Арава жилди, шериги кўнглига гўлгула солган алланарсаларни билмоқчи бўлиб ўгирилган эди, чол, чарчадим, тиш қўй, дегандек ҳафсаласизлик билан қўл силтади, кўзларини юмиб гужанак бўлиб олди. Шериги ҳам уни ортиқ гапга тутгани журъат этолмай жимгина борарди. Ой булут қуршовидан чиқиб, яна бир ярқираб ўтди, йўлнинг икки томонидаги поёнсиз далалар, боғлар, олисада чўққилари оппоқ қорга бурканган тизма тоғлар устидан тунинг қора чодраси бир лаҳза кўтарилди. Чол хира, нурсиз кўзларини очиб бирпас қараб қолди. Бу дала, бу тоғу тошлар унга кўндан таниш эди. Аммо боғларнинг кўркини, далаларнинг файзини, тоғдан тушган жилғаларнинг қуёш ёғдусида тўлиб-тошиб оққашини кўришдан бенасиб эди. Эссиз, умри юмрон-қозиққа ўхшаб дарбадарликда, тунларда соядек дайдиб ўтди, қанча кунлару қанча ойлар, қанча йиллар шамолдай бир елиниб ўтди-кетди-я. Балиқ сув билан деганларидек, у ҳам фақат тунлари кун кўрди, фақат қоронғи, зимистон кечалари тўйиб-тўйиб нафас олди. Одамларнинг қаҳқаҳасидан, шовқин-суронидан даҳшатга тушиб, то қуёш ботгунча қоронғи ҳужрадан бош чиқармади, писиб ётди, бора-бора одам боласининг товуши унга галати туюладиган, кулгисн юрагига хаижардек қадаладиган бўлиб қолди, балки, шунгамикини, умрида бир марта қилган раҳм-шафқати учун чол шу топда ўзини сира кечира олмас эди! Қизик, нега ўшанда шундоқ қилди, ўйлаган режасини нега охирига етказмади, кўнгли бўшлик қилмаганда ҳозир юрагини ҳовучлаб мана шунақа дайдиб юрмасмиди?! Шунча йиллардан кейин ўша тирмизак ҳаловатинини бузади деб ўйламаган эди. Ҳали-ҳали ёдида: милт-милт юлдузлар ўчмаган, бир парча кемтик-ой қишлоқнинг эгри-бугри кўчаларини, дарёга тушган эссиз ёғоч кўприкни хирагина

Ўритган, этни жунжитувчи саҳарпалла эди. Қишлоқдан чиқиб кўприкдан ўтилса; на бирор уй-у, на бирор тиккайган дарахт кўринар эди. Қир-адир бошланарди. Ҳозир-ку қишлоқ кенгайиб, ўша тақир қирдан ному нишон қолган эмас. Қишлоқнинг ярми дарёнинг бу томонига кўчган. Қатор-қатор пишиқ гиштдан қурилган тупуқа томли янги уйлар, текис, равош кўчалар, колхознинг ҳаммоми билан фермаси ҳам шу томонда. Эски қишлоқнинг юқори қисмида каттагина сайхон жой бор эди, ташландиқ, ажриқ ўсиб ётган бу ерга ҳеч ким йўламас, дарёнинг шовуллаши-ю, аҳён-аҳён олисдан ўтган машинанинг овози демаса, кеча-кундуз бирдек жимжит бўларди. Уша ерга ўтган йили янги мактаб тушди, бу қурилишнинг ярми эмиш, бу йил ёзда ҳовлининг этагига яна бир катта бино тушади, деган гап бор, хуллас, қишлоқ буткул ўзгариб кетган эди. Авваллари қир билан қишлоқни чегаралаб турган дарё ўртада қолиб, иккала қирғоқни юк машина бемалол ўта оладиган катта кўприк туташтириб турарди. Аммо ўша кезлари дарёнинг бу бети дашту биёбон, овлоқ жой эди, ҳали-ҳали эсида, ўша саҳарпалла қўқон аравада шаҳарга кетаётган боланинг орқасидан келиб гардашга мушт туширди-ю, бола отдан учиб кетди. Этиги билан боланинг биқинига яна икки-уч теғди, аммо бола ишрамади ҳам, овоз ҳам бермади. Қайта кўтарилган қўли ҳавода муаллақ қолди, нега ниятидан қайтди, ер тинглаб ётган болага ачиндим, раҳм-шафқат қилдим, чол ҳали-ҳали билмасди, аттанг, қайта мушт туширмай ўшанда чакки қилган экан!

— Яқинлашдик,— деди шериги чолнинг хаёлини бузгиси келмай, худди ўзига-ўзи гапиргандек оҳиста ва кўз қирини ташлаб қўйди. Чол чўчиб бош кўтарди. Атрофга аланглади, дарҳақиқат, қишлоққа яқин қолган эди. Булут тарқаб, олисда симёғочларда чироқлар порларди. Дарё ой ёруғида илондек тўлғанар, катта кўприк қорайиб кўринарди. Чироқлар чолнинг кўзини қамаштирди, негадир ичнда гижиниб, фўлдираб бир сўкинди-да, юзини тескари бурди, анчадан сўнг:

— Узум пишибдими?— деди.

— Ҳа.

— Апавини... қада қилма!

— Хўп!

Бу пойма-пой сўзларни икковидан бўлак ҳеч ким

тушунмасди, яна анча-мунча шунақа узук-юлуқ гаплардан кейин чол бир оз сукут сақлаб:

— Э, аттапг,— деб қўйди.

Шериги елка оша қаради.

— Ҳа?

— Иш-ку ўнгидан келди-я,— деди чол ташвиш билан,— аммо кўнглимни бир чеккаси хира, нима бўлгашни қайтиб кўзим билан кўролмадим, қўшни қиз халақит берди, падарлаънати, зумраша, қумтошдек ухламай, кечаси бировникида нима қилиб юрибди?

...Тонг отиб, юлдузлар ўчди. Дарёнинг шовуллаши қулоққа чалинди. Кўприк баралла кўзга ташланди. Қишлоқ кўчасида саф тортган новча теракларнинг учлари оқариб қолди, чол қишлоққа совуқ бир назар ташлади-да:

— Аравани бур,— деди,— кўприкдан ўтма, қуйида саёз ер бор, ўша ёққа ҳайда!

Шериги итоаткорона бош силкиди, отни чапга бураркан, оёғининг тагини тимирскилаб кичкина тугунча олди, чолга узатди, чол шоша-пиша тугунчани еча бошлади...

Иккинчи боб

РАИСНИНГ ТАШВИШЛАРИ

Мўминжон ака бир қўлида пиёла, бир қўлида чойнак ушлаб идорадан чиқди-ю, кўзи билан салқинроқ жой қидириб остопада туриб қолди.

— Хўжайини, буёққа келинг!

Мўминжон ака овоз келган томонга қаради. Идорадан сал нарида, новдаларни сувга ёпирилиб тушган мажнуптолнинг тагида қўл қовуштириб турган паст бўйли, чувак юзли, яккам-дуккам соқолига оқ оралаган кишини кўриб, ёйилиб жилмайди. Бу чойхоначи эди. Мўминжон ака кўприкдан айланиб ўтгани эриндими, ариқдан ҳатлаб қўя қолган эди, мўлжални тўғри ололмай оёғининг учи қирғоққа аранг илди-ю, лапанглаб қалқиб кетди. Чойхоначи чаққонлик билан тирсагидан ушлаб қолмаса бор бўйи билан сувга йиқилар эди.

— Қариб қолибмиз, Мулладўст!— Мўминжон ака кула-кула сўрининг четига оёғини осилтириб ўтирди. «Бе, шима деяпсиз, ҳали сиз тўртта чишорни қаритасиз», деб чойхоначи илиб қолган чойни дарров янгилаб кел-

ди. Шопириб-шопириб қайтарди. Шамасини тиндириб, раиснинг олдига қўйди-да, худди оёғининг учида юрган-дек енгил қадам ташлаб жиз-биз қилётган қозоннинг тепасига қараб кетди. Шу одамни кўрганда, негадир Мўминжон аканинг чиройи очилиб, даладан ҳориб-чарчаб келганини ҳам унутарди. Кўнглининг ғубори тарқаб, ўзини алланечук енгил ҳис қиларди. Ё тавба, одамнинг тафтини одам кўтаради, деганлари шумикин-а! Чор-пояга оғир чўккалаб: «Хўш, Мўлладўст, оламда нима гап?»— дейиши билан Мулладўст эрталабдан бери топган-тутган гапларини раиснинг олдига тўкиб соларди; кеча кимнинг уйида нима овқат бўлгани-ю, қай бирининг сигири қачон туққанигача ярим жиддий, ярим ҳазил билан гапириб берганда, ранс қотиб-қотиб кулар, ёшланган кўзларини кафти билан арта-арта:

— Ҳой, Мулладўст, қаёқдан биласан?— деса, чойхоначи ҳеч тап тортмай:

— Э-э, чойхонада қанча чой ичганидан биламан!— дерди ва ўша ҳазил-ҳузул билан боланикига ўхшаган кичкина қўлларини очиб, уйларида ҳар куни эришмай ёғлиқ-ёғлиқ палов дамлаган барча колхозчи аёлларнинг ҳақиқага узундан-узоқ дуо қила кетарди.

Дарҳақиқат, унинг билмаган нарчаси-ю, қилмаган иши йўқ: арава ҳайдайди, машина тузатади, ғишт теради, эшик-ром ясайди, самовар-палов уёқда турсин, катта ошларни ҳам илик қилиб юборади. Қолхозда иш кўпайиб, одамларнинг қўли-қўлига тегмай қолган кезлари эса, кимнинг олма-анорию, кимнинг ишком-ишком узуми борки, ўзи узиб, ўзи яшикка жойлаб от-арава билан шаҳарга жўнарни-ю, арзонгаров бўлса ҳам пуллаб келиб, эгаларига топширарди. Ҳамма ортиқча ташвишдан қутулганига, бу бечора одамларнинг ҳожатини чиқарганига хурсанд бўлиб, терисига сиғмай юрарди. Раиснинг таъбирича, Мулладўст «қўли гул, оёқ-қўли чаққон» одам эди. Мана шу чойхонага илгари одам қараб бўлмас эди, шу келди-ю, сон кириб, ҳаммаёқ саранжом-саришта бўлди-қўйди; сўрнинг атрофи гир айланган гулзор, оқ, сариқ, қизил, яна аллақандай анвойи гуллар чаман бўлиб ётибди, ҳув анави ариқнинг бўйидаги барглари бир парча-бир парча ош райхон билан қора райхоннинг кўчатини баҳорда уч кунга жавоб олиб, аллақайси қишлоқда турадиган танишиникидан олиб келди, бола-чақаси йўқ, сўққабош, кўнгли яримта, шунақалар билан ўзини овутиб юрмаса, бечорага қийин, деб хаёли-

дан ўтказиб қўяди Мўминжон ака баъзи-баъзида, яна шунча ишбилармонлигининг устига ўта ҳокисорлигини айтмайсизми! Ҳлик-тирик, тўй-ҳашам уёқда турсин, ҳатто маҳалла-кўй нималигини ҳам билмайдиган қари бир холаси бор, ўша билан қишлоқнинг чеккасида, қадимдан қолган эски уйда туради. Бўлмаса, Мўминжон ака иморатга қурбинг етмаса, колхоз солган янги уйлardan биттасига кўчиб чиқа қол, деб айтди ҳам, аммо Мулладўст негадир унамади. Шундан кейин ранс бу ҳақда қайта оғиз очмади. Ҳзига қўйиб қўйди. Қим билсин, нчида нима дарди бор, бедаво дардга йўлиққан холасини одамларнинг олдига олиб чиққани ниймандими, ё бошқа бирор сабаби борми, бўёғи Мўминжон акага қоронғи эди. Аммо рансини қувонтирган нарса — идоранинг нимаси кўп, вақтин кўп оладиган майда-чуйда ишлари, хат-хути, ҳисоб-китоби, мапа бир неча йилки, ҳаммасидан қутулди, ҳаммаси мапа шу Мулладўстнинг қўлида эди.

— Ҳой, Мулладўст!

— Лаббай!

— Қани, бери кел,— деди Мўминжон ака, кейин пиёланинг тагидаги бир қултум шамали чойни ариққа сеппиб, уни патнисга тўнкариб қўйди, бу рансининг чойга қонганлигининг белгиси бўлганидан Мулладўст қайта чойга уннамай, капирни ушлаганча сўрипинг четига омонатгина келиб ўтирди.

— Ҳўш?

— Эссиз, яна иккитаси қурибди,— деди Мулладўст.— сурштирдим, ҳеч ким билмади.

Бу хабар ҳозиргина очилиб-сочилиб ўтирган рансининг кайфиятини буздигина эмас, юрагини аллаким чапгаллаб олиб сиққандек вужудини қақшатиб юборди-ю:

— Анавилар-чи?— деди.— Мактаб болалари, улар нима дейди, сўрадингми?

— Бе,— деб қўйди Мўлладўст қўл силтаб.

Мўминжон ака чуқур бир хўрсиниб, Мулладўстга:

«Бор, шинингни қилавер», деб бош ушлаганча ўйлаб қолди. Мўминжон акани ташвишга солган нарса ажаб-товур иш эди; бу қанақаси, аллаким колхознинг теракларини қурита бошласа, ҳар теракларки, кўрган сари одамнинг кўзи қувнаб, остидан ўтиб қолса шабадада шовуллаши қулогини битириб юборади. Буларни ранс бир неча йил аввал идора билан янги мактабни туташ-

тирган катта кўчага атайлаб эктирган эди, эссиз, ўшанда бир нарса хом бўлган экаири. Аммо ундай деса, ўқувчиларнинг ишидан бирон нарса чиқади деб хаёлига желган эмас, бу шунчаки эрмак деб кўн қолган эди. Раиснинг яхши одати бор эди: колхознинг шунча ташвишига қарамай, бот-бот мактабга кириб турарди, болаларнинг ўқиши, ишлари билан қизикар, ўқитувчиларнинг илтимосларини: «Бойим тўла ташвиш, фермага уч минг фишт керак, хўш, Сотволдиннинг опаси қаттиқ ётганимиш, шаҳар касалхонасига ётқизишга ваъда берганман, кўприкка яна бир тонна цемент етмапти, далага соладиган дорининг ярми ивиб қопти, хуллас, санайвергам саноғи йўқ, ёдимдан кўтарилмасин», деб этигининг кўнжида олиб юрадиган чарм муқовали кичкина дафтарчасига дарров ёзиб олар ва имкони борича ёрдамни аямасди. Унинг шу одатига кўрами, болалар ҳам ранедан сира ҳайиқишмасди, ранс ҳам улар билан бирпас чақчақлашиб, кўнгил чигилини ёзгандек бўларди, хуллас бир кунни ана шундай учрашувларнинг бирнда, болалар чувиллашиб раисни ўраб олишди. Уларнинг орасида ўз ўғли, кичкина Равшан ҳам бор эди.

— Дада,— деди Равшан.

— Нима, ўғлим?

— Юрши!

— Қаёққа?

— Кейин кўрасиз,— деди кўзларини ғалати ширинратиб ва ҳаммадан аввал пилдираб йўл бошлади. Мўминжон ака бир чеккада маъподор кулимсираб турган ҳам вожатий, ҳам мактабнинг биология ўқитувчиси Усмоналига нима гап, дегандек қараган эди, Усмонали: «Майли, болаларнинг сазаси ўлмасин», дегандек боши билан Равшан кетган томонга ишора қилди. Ранс болалар билан бошлашиб мактабнинг каттагина тажриба боғига борди, савағичдек бўлиб қолган пайвандларни кўриб нима гаплигига дарров тушунди, болаларнинг ишидан кўп мамнун бўлганини айтиб, катта йўлнинг ёқасига экишга рухсат берди. Шу воқеадан икки-уч ҳафта ўтгач, Мулладўст бир арава терак кўчати босиб келди. Теракда хосият кўп, деди Мўминжон ака, ҳам ҳавоши тозалайди, ҳам бир кун корихайрга ярайди. Ушанда ранс: «Йўл ёқага экилган меванинг ҳоли нима бўлиши аниқ, мол тегади, битта-яримта шохини қайиради, нест-побуд бўлади-ю, вақт ўтгани қолади», деб теракларни олмаларнинг орасига эктириб юборган эди.

Аммо ҳар иккови ҳам бехато тутди. Унга сари қизиқиб, болалар олмаларни ҳам тоза парварниш қилишди, ҳашпаш дегунча йиллар ўтиб, олмалар ҳосилга кирди, терак ҳам қарқара бўлиб ўсди. Мана, ўша кичкина Равшан ҳам каттагина йнгитча бўлиб, еттини битириб саккизга ўтди ҳисоб. Вақт ўтишини қаранг-а!

Бора-бора шохлари тарвақайлаб, олмалар қисилиб қолди, раис ҳар кўрганда юраги ачишиб, таваккал қилиб олмаларни кузда бошқа ёққа кўчиришни ўйлаб юрган эди, бир кун бирдан иккита терак қуриди, ҳафта ўтмай яна бештаси! Раис касал тушдимкин, деб ўйлаган эди, йўқ, агроном ғалати гап топиб келди. Аллаким остига керосин қуйиб кетибди. Буни эшитиб, раис индамай отга минди... Ўқиш тугаганига уч-тўрт кун бўлган, аммо ҳали имтиҳонлар бошланган эмас, болалар бўш-бўш вақтларида боғдаги ишлар билан ўралашиб, мактабда қолиб кетишарди. Бугун ҳам шундай бўлди. Кечки томон гуриллашиб катта кўчадан боришаркан, яна иккита теракнинг қуриганини кўриб тўхтаб қолишди. Ҳамма ачинди, айниқса Равшан ғалати бўлиб кетди, дадаси эшитса яна дили оғрийди. Қайси кўнгли тош одамнинг иши экан-а?!

— Аттанг!— деб юборди Усмонали ака ташвиш билан,— раис эшитса...

— Ана!— деди кимдир секин, Усмонали ака олисда келаётган саман отнинг бесаранжом йўрғалашидан раиснинг авзойи бузуқлигини дарров пайқади. Ҳозир ҳаммалари идорага боришаётган эди, эссиз, шу кўнглисиз ҳодиса бўлмаганда болаларнинг яхши ташаббусини эшитса, раис роса қувонган бўлармиди. Бундан икки ҳафта аввал Усмонали ака қизиқ мунозаранинг устидан чиқиб қолди. Мактабнинг этаги катта сайҳон жой бўлиб, қишки спорт залини шу ерга қуриш мўлжалланган, ҳатто бинонинг беш-олти қатор фишти териб ҳам қўйилган эди. Нима ҳам бўлиб қолиб кетди, ё пудратга олган ташкилот вақтида битказиб беролмадими, ё бошқа зарур иш чиқиб қолдими, унча катта қурилиш эмас, материал берса ўзминзининг куч билан ҳам эплаштирсак бўлади, деб ўйлаган эди раис. Ферма кенгайдиган бўлиб, ўтган ёз усталар ўша ерда бўлди. Мўлжал бу йил эди, гап-сўзга қараганда, ҳали ферма чала эмиш, хўш, колхоз битта уста берса, қолган ишларнинг урдасидан ўзлари чиқиша олмасмикин, ёзи билан ҳазилакам иш битадими, жилла бўлмаса томи ёпилади-ку, қолга-

нини қишда ҳам битказса бўлади-ку! Раис нима деркин, бари бир болаларнинг кўпчилиги ҳеч қаёққа кетмас экан. Иш бошланса бошқа синфдан ҳам қурилишга қатнашувчилар чиқиб қолар, деб баҳслашиб туришганининг устига Усмонали ака кириб қолди-ю:

— Яхши гап,— деди,— хўш, нима дейсизлар?

— Майли,— деди Асқар,— қизларимиз аччиқ-аччиқ чой дамлаб, дошқозонларда ширин-ширин овқат пишириб туришса...

— Ҳо!— Мунира қошларини кериб Асқарга ўгирилди:— Билиб қўйганимиз яхши, Асқаржон, кўнглингиз қанақа таомларни тусайди?

— Сели оқиб турган кабоб!

— Яна?— чувиллашди қизлар.— Яна-чи, манти қилсак ейсизми?

— Майли,— деди пинагини бузмай Асқар, кейин кўзларини сузиб тамшаниб қўйди.— Оҳ, оҳ, оҳ, устига қатиқ солиб, озгина мурч сепилса, манти ҳам яхши овқат, аммо чўзма лағмон бўлса...

— Ҳай, ҳай!— деди унинг гапини илиб Озода,— хамирини сочдай қилиб ойингга чўздириб келсанг, чўзма лағмон ҳам яхши!

— Ҳой, Асқар,— деди Мунира,— нимани яхши кўришингни-ку билдик, хўш, қўлингдан нима иш келади, шуни айт!

— Олдига фартук тутиб қўйсанг ошхона супурарди,— деди кимдир.

— Йўғ-е,— деди бошқаси,— анави Мулладўстга ўхшаб самовар қўяди.

— Ҳой, нима деяпсизлар,— Асқарнинг кичкина кўзлари ўйнаб кетди.— Самоварни... ана Анзор, мен қўяман, деяпти!

Шов-шув тўхтаб орага ноқулай жимлик чўкди. Беғараз ҳазил Анзорга қаттиқ ботди, уни самоварчиликдан бўлак ишга ярамаслиги шусиз ҳам аниқ эди; Анзорнинг чап оёғи тўпигидан юқориси ногирон бўлиб, юрганда бир томонга шох ташлаб юрарди. Ҳазил-ҳузугга ичида ёғиниб ўтирган экан шекилли, баҳона бўлди-ю, қошлари алланечук баланд-паст тушиб, доимо аланг-жалаңг бўлиб ўйнаб турадиган кўзлари, чап юзи пир-пир уча бошлади, ипдек ингичка бўйнини чўзди, елкасида омонатгина осилиб тургандай узун, беўхшов қўллари ни ғалати силкитиб:

— Мен ёзда дам оламам,— деди ва ўқрайиб Равшанга қараб қўйди.— Самоварини бултур ёзда, Қора денгизда дам олганлар қўйсин.

Равшан бу кутилмаган гаждан:

— Нима?!— деди сесканиб.— Нима дединг?

Равшанининг қалин лаблари титраб кетди, кўзларини катта-катта очганча Анзорга қараб бир қадам ташлаган эди, олдинги қаторда ўтирган Муниранинг ёлвориб турган кўзларига кўзи тушиб бўшашиди, тўхтаб қолди. Мунира лабини тишлаб, билинар-билимас бош чайқадди, қўй, ўша билан айтишма, деб пичирлагандек бўлди. Анзорнинг безрайиб турган башарасига бир зум тикилди-да, Равшан жойига бориб ўтирди. Демак, бултургининг алами ҳали ҳам чиқмаган экан-да! Анзор худди безгак хуруж қилган одамдек қалт-қалт титраб ўрнидан турди. Лапанлаганча синфдан чиқиб кетиши билан ҳаммалари кўнгилсизликни унутишди, яна бояги баҳсга қайтиб, қатъий қарорга келишди. Богдаги ишлар туғгани учун уйдан олиб келган ҳамма асбобларни— теша, арра, болта, кетмон, куракларини йиғиштириб, энди идорага боришаётганда бир ёқда кўнгилсиз ҳодиса, иккинчи ёқда шу томонга келаётган Мўминжон акага кўзлари тушиб саросимада қолишди.

...Ранс отдан тушди. Болаларнинг саломига бош силкиб қўя қолди. Унинг қовоғи солиқ, кўзлари ташвишли эди. Қуриган теракларни бирма-бир кўздан кечирди. Оёғининг учи билан негадир остидаги тупроқни ҳам титкилаб кўрди, алланарсани ўйлаб бир лаҳза туриб қолди-да, энди отга минмоқчи бўлиб юрган эди:

— Қайтага олма яйраб ўсади,— деб юборди кимдир, бу гап секин айтилган бўлса ҳам рансинг қулоғига чалинди, ялт этиб орқага қаради. Қаради-ю, ташвишли кўзлари аллақандай чақнаб:

— Шунақами?!— деди.— Қани, буёққа ол!

Равшанининг юраги шувиллаб, тўдадан ажралди-ю, дарров дадасига яқин келди.

— Нимани, дада?

— Болтани!

Равшанининг оёқ-қўли бўшаниб кетди. Аммо ҳозир, шу тобда ҳеч ким, ҳеч нарса дадасини жаҳлидан тушира олмаслигини сезиб, поилож Мунирадан болтани олиб дадасига узатди ва жавдираб қараб қолди. Мўминжон ака жаҳл билан болтани силкитганча олмага яқинлашди ва таңасини мўлжаллаб болтани даст кўтар-

ди-ю, назарида бирдан аллаким секин ишгаб юборгандай бўлди, фақат шуидагина ўғлига ўғирилди. Қап-катта, йигитча бўлиб қолган Равшаннинг кўзларида қалқиган ёшни кўриб алланечук бўшашиб кетди. Болтани четга улоқтирди, шахдам юриб отга яқинлашди, анчагача панжалари билан отнинг ёлини тараб, индамай турди-да, оҳиста, шунда ҳам орқасидаги Равшанга ўғирилмай:

— Олма сувдан қопти,— деди ва отга минди...

...Идорадан эшитилган телефоннинг қўнғироғи Мўминжон аканинг хаёлини бўлди, яна кўприкдан айлангани сабри чидамай ариқдан ҳатладн-да, очиқ турган деразадан шошиб-пишиб телефонни олди:

— Ало!— ромнинг токчасига омонатгина ўтирди:— Ҳа, ҳа, боя мен телефон қоққан эдим, э-э, лойиҳа ўша, ҳа, материал бўлса бас, эплаштирамиз, раҳмат-е, кам бўлманг!

Мўминжон ака қайтиб келганда, Мулладўст секин сўради:

— Ош дам еди, нима қилай?

— Э-э, суз, қорин ҳам пиёзининг пўсти бўлиб кетди,— деди Мўминжон ака, афтидан телефондаги гапдан анча кўнгли очилган кўринарди. Раисдаги ўзгаришни Мулладўст дарров пайқади. Сопол лаганга ош босар экан:

— Ким билан гаплашдингиз, Мўминжон ака?— деди.

— Э-э, пудратчилар билан, усталар ўзимизда бўлса,— деди раис,— ҳа-ҳў билан битадиган нарса, эплаштирармиз дейман, Мулладўст.

— Қайдам,— деди Мулладўст иккиланиб, Мўминжон ака:

— Ҳарҳолда анави қайси бемазанинг иши экан, бир бил-чи,— деди,— ё иморатга, ё ўтин-пўтинга кўзлаб қилган қургур бу ишни!

— Шундай бўлса,— деди илжайиб Мулладўст,— буёғини яна бир оз менга қўйиб қўйинг-чи, Мўминжон ака!

Учинчи боб

БИР ЖУФТ ЛОЛА

Дарё ёқасида, семон кўприкдан сағал берироқда қадимдан қолган катта тепа бор. Қишлоқнинг ярми устидаи кафтдек кўриниб туради. Чеккада бўлиб, ҳеч ким-

га ҳалал бермаганигами, ё бошқа бирор сабаб биланми, қишлоқнинг қанчадан-қанча паст-баландликлари, ўн-қир-чўнқир жойлари аллақачон йўқолиб кетган бўлса ҳам, бу тепаликка ҳеч ким теккан эмас. Қандай бўлса шу кўйи қолиб кетган эди. Ёзу қиш бу жой гавжум бўларди. Дарёда чўмилган болалар сувдан чиқа солиб кунбўйи қизиб ётган тепага қараб югуришар, қиш кезлари, қалин қор ёққанда эса чаналарга чалқанча ётиб олиб, пастга учишгани-учишган эди. Кунлар илиши билан шу тепанинг қори эриб, кўм-кўк майсалар аввал шу ерда кўринар эди, илк бор очилган лола ҳам шу тепанинг устида ловиллаб, ўтган-кетганининг ҳавасини келтирарди.

Ушанда шатир-шутур ёмғирдан кейин паға-паға булутларни ёриб офтоб ярқираб чиққан эди. Далалардан, қир-адирлардан оппоқ тутунга ўхшаш ҳовур кўтариларди. Дов-дарахтларнинг янги баргларида, тўлиб-тошиб оқаётган лойқа ариқларнинг бўйлари-ю, тепаликдаги кўм-кўк майсаларда ёмғир томчилари биллур доналаридек кўз қамаштирарди.

Болалар ҳозиргина мактабдан чиқишган эди. Кўзлари аллақандай қувонч билан жавдираб келаётган Мунира:

— Вой!— деганча папкасини силкитиб ҳаммадан аввал тепаликка қараб чопди. Олисда бир жуфт лола-қизғалдоқ оловдек ловиллаб, кўз оларди. Озода ҳам, Равшан ҳам югуришди, нима гаплигига тушунолмайд судралиб келаётган Анзор бирпас қараб турди-да: «Тавба, қизғалдоққа шунча машмаша», деб қўйди ва негадир ўзи ҳам болалардан орқада қолишни истамай лапанглаб югура бошлади.

Мунира кела солиб тепага чиқа бошлаган эди, майсалар ҳали нам экан, қўллари, тиззалари жиққа ҳўл бўлди, аммо у бунга эътибор ҳам бермай папкани биллагига илиб, жон-жаҳди билан юқорига тирмашди. Майсаларни чангаллай-чангаллай лолага етди-ю, энди узиши билан тийғониб пастга тушиб кетди, оёқ-қўли шилинди, аммо бунга парво ҳам қилмай, қувончдан чақнаган кўзларини лоладан узмади. Асқар кулиб юборди.

— Ол-а, нима бўлди сенга?

— Вой-бў,— деди Озода,— афти башарангга қара!

— Шунақа яхши кўрасанми?— деди Асқар.— Э, унда мен билан юр!

— Қаёққа?

— Қирга! Шу ҳам лолами, сенга шунақаларини те-
риб берайки!

Мунира мулойим жилмайиб:

— Йўқ,— деди оҳиста бош чайқаб,— бу ҳам яхши-
ку, қара, товланишини қара!

Авваллари Равшан уни сира бунақа аҳволда кўрма-
ганигами, негадир дадасининг: «Кўнгли покиза одам
гулни яхши кўради», деган гапларини эслаб, ўзича
жилмайиб қўйди. Мунира ойисининг иши туфайли
яқинда қишлоққа кўчиб келган. Биринчи кўргандаёқ бу
қиз Равшанга негадир ёқмаган эди. Қизиқ, ўшанда ҳат-
то Муниранинг ўзи ҳам қизлар билан анчагача арала-
шиб кетолмай юрди. Девор-дармиён қўшни бўлганига-
ми, ё бир партада ўтирганигами, фақат Анзор билан
тотув эди. Бир марта Равшан синфга кириши билан:

— Ишлаганмисан? Масаланинг жавобини айтиб
юбор,— деганда, Мунира дафтаридан бош ҳам кўтармай:

— Китобингни орқасига қарай қолмайсанми,— деди.
Равшан бирпас ғалати бўлиб турди-да, секин бориб
жойига ўтирди. Қизнинг совуққина берган жавоби Ан-
зорга мойдек ёқиб кетиб, илжайди, аммо дарров қонсиз,
чўзинчоқ юзларидан кулгини йиғиштириб олди-ю, кўз-
ларини аланг-жалаң қилиб Равшаннинг ёнига бориб
энгашди:

— Э, хафа бўлма, чиройли қизларнинг ҳаммаси шу-
нақа, кўнгли қора-ю, муомаласи сассиқ!

Тавба, чиройли дегани нимаси. Равшан шу маҳалга-
ча бировни чиройлигу, бировни ҳунукка ажратиб ўрган-
маганигами, секин Мунирага икки-уч қараб қўйди.
Аммо унинг бошқа қизлардан сира ортиқ жойи йўқли-
гини кўриб, Анзорнинг гапига ичида кулиб қўя қолди.
Анзор эса лапанглаб бориб жойига ўтирди-ю, худди
биров қитиғига теккандек секин қиқир-қиқир кулиб,
Муниранинг қулоғига алланарсани пичирлай бошлаган
эди, гаплари Мунирага ёқмади шекилли, юзини тескари
буриб олди, кўп ўтмай Озоданинг ёнига ўтиб кетди.
Анзорнинг авзойи бузилиб, негадир уч-тўрт кун типир-
члаб юрди. Буни ҳеч ким сезмаса ҳам Асқар пайқади:

— Анзор!

— Нима?

— Мунира нега ёнингдан туриб кетди, нима бало,
ораларингдан ола мушук ўтдимиз?

Анзор қизариб, чап юзи, бесаранжом кўзлари пир-

нир уча бошлади, икки чаккасига тартибсиз ёйилиб ётадиган сочларини пичка, ориқ панжалари билан тез-тез орқага тараб (жаҳди чиққанда унинг шунақа одати бор эди), анчадан сўнг алла нарса деб пўнгиллаб қўйди:

— Ана, эшитдингми, Мушира!— деди Асқар яна тегажаклик қилиб.— Ола мушук эмас, қора мушук ўтди, даялти.

Мушира Анзорга кўз қирини ташлаб, лабларини галати буриб қўйди.

— Ола мушук ҳам ўтгани йўқ, қора мушук ҳам, сабабини Анзорнинг ўзи айта қолсини, гуноҳсиз мушукка тўнкаб нима қилади?

Унга сари Асқарга жон кириб:

— Вой, Анзор писмиг-е,— деди Асқар,— гап буёқда экан-у, айбни қора мушукка тўнкаб юрибсан-а, гапир!

Ҳамма қийқириғу кулги билан: «Оғзингга толқон солганмисан, Анзор», деб чувилалаша кетди. Анзор ғазабдан қалт-қалт титраб, ўршидан туриб ўтирди, аммо Муширанинг яна гапириб қолишидан чўчиб индамади. Шу-шу Муширани кўрса юзини тескари буриб ўтиб кетадиган бўлди. Равшан ҳам Муширанинг ўша совуқ муомаласидан кейин анчагача хуш кўрмай юрди. Мана ҳозир, ҳув бир марта айтган гаплари пана қилиб, Анзорнинг қулоғига пичирлади:

— Ҳамма «чиройли» қизларининг ҳам кўнгли қора бўлмас эканми, ана унга бир қара, Анзор!

Анзорнинг қовоғи осилди, бошидан қалпоғини олиб панжалари билан сочларини тарай-тарай нари кетди. Шу пайт ҳовучидаги лолани ҳаммага кўз-кўз қилаётган Мушира бенхтиёр Анзорга ўгирилди-ю:

— Вой, Анзор, мана буни қара,— деди,— ўша, ўша галати парсалардан кўра... мана буни шеърга солсанг бўлмайдимми, жон-жон деб ўқирдим.

Муширанинг самимий айтган гапларини Анзор бошқача тушунди. Баҳона билан ярашмоқчи деб кўнглидан ўтказдим, оғзининг ташоуби қочиб, чап оёғини бир спикитиб жилланглаб қўйди-да, ҳазиллашмоқчи бўлган эди, ҳазил ўлгур ҳам қўполдан-қўпол чиқди: Муширанинг ҳовучидан лолани тортиб олиб қоча бошлади. Ҳозир орқамдан қувади деб ўйлаган эди, аммо Мушира бўзрайганча туриб қолди, худди оғзидаги ширинлигини олдириб қўйган ёш болага ўхшаб кўзларига филт этиб ёш келиб кетди. Озода: «Қилангинг бунча совуқ», деди. Асқар эса овозининг борича:

— Ҳой, Анзор!— деди.— Бер буёққа, тентак!

Анзор орқага қайтишни ҳаёлига ҳам келтирмасди, ҳамон лапанглаб бораркан, кўприкка стай деб қолганда Равшан худди биров беҳос бошидан бир челак муздек сув қўйиб юборгандек сесканиб, бирдап Анзорнинг орқасидан югура бошлади. Анзор кўприкка бурилди. Равшаннинг стай-стай деб қолганини кўриб, Анзор эпитика-эпитика кўприкнинг қўл ушлайдиган темирига суянди-ю, шунда ҳам лолани бошидан балад кўтариб:

— Тегма!— деди қичқириб.

— Буёққа бер!— Равшан ғазаб билан лоллага қўл чўзган эди. Анзор саросимада қолиб: «Сенга ҳам эмас, менга ҳам эмас», деб бирдап гулни дарёга улоқтирди. Қилмишидан хўп мамнун бўлиб, ҳузур қилиб ишшайган эди, Равшан қўлидаги папка билан башарасига бир туширди. Анзор орқага қалқиб кетди, яна калтак ейишдан чўчиб қўллари билан дарров юзини тўсиб олди. Олисдан Мушранинг: «Вой, Анзор, нима қилдинг», деб йнғламсираб қичқиргани эшитилди. Алланарсанинг сувга шалолаб тушганидан, қирғоқда қолган болаларининг пойма-пой қий-чувида чўчиб қўлларини олди-ю, ҳайратдан бўзрайиб қолди. Тўлиб-тошиб ҳайқириб оқаётган дарёда Равшан бир кўришиб, бир тўлқинларининг орасида узоқ-узоқ йўқолиб, сувнинг бетиде қалқиб бораётган лоллага қараб жон-жаҳди билан сузарди. Болалар чувиллашиб қирғоқ бўйлаб чопишди. Озода бор овози билан:

— Бу нима қилганинг, Равшан!— деди. Мушира эса алам ва даҳшат билан қичқирқиб юборди:

— Буёққа чиқ, Равшан!

Аммо унинг ипгичка овози дарёнинг шовуллани остида йўқолиб кетди. Асқарни бу кутилмаган ҳодиса довдиратиб қўяёзди. «Вой тентак-е, вой ақлдап озган-е, битта лола деб кийим-пийим билан сувга шўнғийсанми», деб оёғи куйган товукдек бир ерда гир-гир айланди, сувга тушмоқчи бўлиб пастга югурди, аммо юраги бетламай, оёқ-қўли бўшашганча тўхтаб қолди. Портожи билан Мирқобил чириб ётган каттагина ғўлани елкаларига қўйиб қирғоқ бўйлаб чопишди. Равшандан беш-ўн қадам илгарилаб ғўлаши сувга иргитишди, қирғоққа урилган тўлқинлар Равшанни дам ўнгга, дам чапга улоқтириб ташлар, дам кўмиб юборар, аммо у сувнинг юзида қалқиб бораётган лолодан кўз узмасди. Сув қирғоққа урилганда ғўлани суриб Равшаннинг олдига

келтириб ташлади. У бир қўли билан аранг ушлаб олдию, иккинчи қўли билан суза-суза сувнинг ўрамасига тушиб қолган лолани олиб, қирғоқ томон суза кетди. У сувдан чиққанда худди безгак хуруж қилгандек қалтирар, тиши-тишига тегмас, қўллари, юзлари совуқдан моматалоқ бўлиб кетган, ҳаммаёғидан шариллаб сув оқарди. Аммо кўзлари... чақнаб кетган кўзлари, негадир Муниранинг ёдида қолди... Кейин, эртасига Мунира мактабга келса, Равшаннинг ўрни бўш, қўнғироқ чалингандан кейин ҳам анчагача хавотирланиб эшикдан кўз узмади, йўқ, келмади. Кўнгли алланечук бўлиб кетди. Ушанда, қизиқ, ушанда туни билан тиканга ағанагандек бўлиб мижжа қоқмай чиққан эди... Равшан эртасига ҳам келмади, индинига ҳам, роса бир ҳафта тоби қочиб уйда ётиб қолди. Ана шунда Усмонали ака бир парча қоғоз ушлаб синфга кирди. У хурсанд эди. Билишса, Қора денгиз бўйидаги лагерга бир дона путёвка келган экан. Педсовет еттинчи «Б» синфига лозим кўрибди. Усмонали ака яхши ўқувчилар кўп, ҳеч ким ўксимасин деб чек ташлашни таклиф қилганда, Муниранинг кўнгли орзиқиб кетди; қани Равшанга чиқса, борди-ю, Муниранинг ўзига насиб қилган бўлса-чи? Йўқ, йўқ, бари бир путёвкани Равшанга беради, олса ҳам, олдирадн, олмаса ҳам!

— Қойил-е,— деб юборди Асқар бирдан,— Равшан!

Мунира қувончдан энтикиб кетди, ҳамма, Анзордан бошқа ҳамма ўзида йўқ хурсанд эди, фақат Анзорнинг қовоқлари осилиб, қошлари ўйнаб: «Ой чиқса ҳам, кун чиқса ҳам раиснинг ўғлига экан», деб қўйди. Аммо ҳеч ким унинг пичингига эътибор ҳам бермади. Ҳамма Равшанни хурсанд қилгани жўнаб қолди.

...Буларнинг бари ўтган йили содир бўлган эди. Бир йил ўтибди-я! Мана, Мунира боя колхоз раиси Мўминжон ака билан бўлган йўлдаги тўқнашувдан сўнг болалардан ажралиб уйига кетаркан, ўша тепанинг олдидан ўта туриб, негадир беихтиёр бирпас тўхтаб қолган эди.

— Мунира!

Мунира чўчиб ўғирилди-ю, уч-тўрт қадам наридаги Равшанга кўзи тушди.

— Нима қилиб турибсан?

— Ўзим,— деди Мунира билинар-билишмас қизариб, анчадан сўнг:— Сен-чи?— деди,— Нега ҳаммадан ажралиб қолдинг?

Бу савол Равшани довдиратиб қўйди, тузуккина баҳона тополмай бирпас кўзларини пирпиратиб лом-мим деёлмай қолди. Негаки, Равшанларнинг ҳовлиси бу томонда эмас, идоранинг олдида эди. Шу топда жим тура-вериш поқулай туюлиб:

— Узим,— деди беихтиёр, икковлари ҳам бир-бирларига берган жавоблари наша қилиб кулиб юборишди. Равшанга бир оз жон кирди.

— Кечқурунлари нега тепада ўтирасан?

— Қасқдан биласан?

Равшан лабини тишлаб қолди. Аттанг, мени пойлаб юрганмидинг, деб изза қилса, Равшан нима дейди. Йўқ, йўқ, Равшан уни сира пойламаган, бунақа нарса хаёлига ҳам келмаган, фақат кечқурунлари дадасининг олдидан қайтаётганда, олисдан икки-уч бор Муширанинг тепа устида чўнқайиб ўтирганини кўрган, холос. Мунира унинг поқулай аҳволда қолганини пайқади шекилли:

— Ойимни пойлайман,— деди,— ойим ишдан кеч қайтса, йўлига чиқиб ўтираман.

Улар битта-битта юриб уйга қайтишаркан:

— Бугун-чи?— деди Равшан. Мунира анча узоқлашиб орқасига қараб, бир кулиб қўйиб, жавоб бермай чопганча кўчасига бурлиб кетди.

Тўртинчи боб

У Ч Р А Ш У В

Мунира тепага чўнқайиб тиззаларини қучоқлаб олди. Ой қалқиб чиқди, дарённинг икки томонидаги паст-баланд уйлар, олисда кўприкка тақалган катта йўл элас-элас кўзга ташланди. Мирзатеракларнинг узун-қисқа кўланкалари узала тушган бу йўл Мунирага таниш — опаси ишлайдиган жойга, қишлоқ касалхонасига олиб боради. Ҳар куни ана шу йўлда онасининг қораси кўришди дегунча Мунира сапчиб туради-ю, талпиниб, энтикиб қаршисига югуради. Дунёда ҳеч нарса унга мана шу дамдагидек ширин, ҳаяжонли туюлмасди... Аммо бугун негадир эртароқ чиқди, бўлмаса оинсининг келишига ҳали анча бор. Қизиқ, кўкда бирин-бирин юлдузлар милтираши билан негадир уйда ўтиролмади, юраги арғимчоқ учаётган боланикига ўхшаб ғалати-ғалати шувиллаб, оёғи шу ёққа тортаверди.

...Аллаварса шитирлаб, Муниранның юраги бирдан гурсиллаб уриб кетди, ранги оқарди, аммо, ўзини бепарво тутишга тиришиб, нягини тиззасига қўйганча жимгина ўтираверди. Кўп ўтмай ёнига узун соя тушди ва қимир этмай туриб қолди.

Мунира қайрилиб қарашдан ўзини аранг тийиб, совуқда қолган одамдай вужудини титроқ босиб сўради:

— Бемаҳалда нима қилиб юрибсан?

— Узинг-чи?

— Вой, боя айтдим-ку.

Равшан пешанасини шиқаб бир лаҳза нима дейишини билмай турди-да, довдирай-довдирай:

— Қарасам... ўтирган экансан,— деди секки.

— Вой, уйинг идоранинг олдида-ку, уйингдан шу тепалик кўрнарканми?

Равшан шидамай ердан бир қисм ўтин чангаллаб юлиб олди-да, бош кўтармай кафтларининг орасига олиб узоқ гижимлади, атайлаб келганини биллиб турибди-ку, нега ўзини билмаганга олади-я. Муниранның бояги титроғи тўхтагандай бўлди, ёнига кўз қирини ташлаб секки кулиб қўйди.

— Нега кулдинг?

— Узим.

— Айта қол.

— Жаҳлнинг чиқмайдими?

— Нега чиқар экан?

— Боягини эсладим.

— Нимани?

— Дадаңг шундоқ олмани чопиб ташлай деди-я, уйда ҳам шунақами?

— Қанақа?

— Жаҳли тезми?

Равшан узоқ ўйлаб:

— Йўғ-е,— деди,— аммо галати одати бор; хурсанд бўлса ҳам, хафа бўлса ҳам бирдан тошиб-кўшириб кетди, «дада, нега бунақасиз?» десам, «мижозим ўртачасини кўтаролмайди», дейди кулиб.

Мунира Равшаннинг дадаси ҳақидаги гапларни қизиқиб эшитаркан:

— Кўнгли тоза одам шунақа бўлади,— деди худди катталардек,— дадаңг яхши экан.

Қизиниң чиройи очилиб, бемалол гаплаша бошлаганидан Равшан бир оз дадилланди. Мунирадан қуйироққа чўккалади. Мунира позик қўлларни биллап пешанасига

тушган сочларини оҳиста орқага тараб қўйди, чиройли катта-катта кўзлари галати пирпираб, ёнига яна бир қараб қўйди-да:

— Сен ҳам...— деб гап бошлади-ю, жиниб қолди. Равшан ялт этиб унга ўгирилди.

— Нима мен?

— Дадангга ўхшаркансан,— аммо бу гапдан негадир Мушира ўзи чўчиб, шошганча қўшиб қўйди.— Жаҳлнинг-ни айтаман.

Унақа маънода айтилдими, бунақа маънодами, бари бир бу гап Равшанга мойдек ёқиб кетиб, юрагининг аллақасери ширингина увушиб, бир эптикиб қўйди-ю, гапининг узилиб қолишидан қўрқиб, шошиб сўради:

— Жаҳлimgа нима қилибди?

Мушира кулди.

— Сагал бўлмаса тунов кунин Анзорнинг ёқасидан олай деднинг-а.

— Кўрмайсанми?

— Олишма,— деди Мушира худди ёлворгандай;— қизиқ бола экан, ўша билан тенг бўласанми? Сепдан катта шекилли?

— Ҳа,— деди Равшан,— ...у билан ўқиган болалар ҳозир ўзинида.

— Шунақами?— деди Мушира ажабланиб,— мен ҳам айтдим... ундай бўлса ёнидан кетганим яхши бўлган экан.

— Нега?

— Узим,— деди Мушира гап чайнаб,— айтдим-қўйдим-да.

Дарҳақиқат, бунинг сабаби битта Равшанга эмас, ҳаммага қоронғи эди, шунинг учун қизиқиши ортиб яна сўради:

— Нега, айта қол?

— Боя, қизиқ бола экан дедим-ку,— деди Мушира.— Ҳаммага ёймайсанми? Анави кунин галати шеър ёзиб, дафтарининг орасига қўйган экан, уйда олим... кўриб қолибди... шу.

Мушира жим қолди. Вой сурбет-е, гап ҳали буёқда экан-да.

— Нега индамадинг?

— Ке, қўй,— деди Мушира,— йўлимни тўсиб, минг марта узр сўради, ана ўзи.

Олисда, дарёнинг нариги томонидаги йўлда Анзор лапанглаб эшакнинг жиловидан тортиб келарди. Усти-

даги нима экан-а, ҳа, ўтин. Анзорнинг дадаси колхоз боғида қоровул, кузда кертиб ташланган шох-шабба уюлиб ётибди, ўшани ташиб келяпти шекилли. Мунира:

— Равшан,— деди оҳиста ва бир нарса демоқчи бўлиб оғиз жуфтлади-ю, қимтиниб айтолмай турганди, Равшан тепаликнинг бошқа томонига ўтиб, қуйроққа чўккалади. Энди Анзор кўрмай ўтиб кетиши мумкин эди. Мунира Равшаннинг дарров фаҳмлаганига ичида суюшиб:

— Ҳар кун шу пайтда ўтин ташийди,— деди гапни бошқа ёққа буриб,— ўзига эмас.

— Қимга?

— Чойхоначига.

Кўп ўтмай дарёнинг бериги томонида, янги мактабнинг этагидаги катта сайҳонга олиб борадиган эски йўлда Мулладўст кўрибди. У шошилмай келарди. Анзор билан кўприкда учрашиб, бирпас ниманидир гаплашиб туришди, сўнг Мулладўст эшакни уйига етаклаб кетди. Анзор яна боягидек лапанглаганича орқага қайтди-ю, йўл-йўлакай бир оз тўхтаб, тепалик томонга қараб қўйган эди, Муниранинг юраги шувиллаб кетди. Шу ёққа келса-я. Аммо Анзор яқинлашгани журъат этолмадими, кўприкдан ўтиб боққа қараб кетди. Кумушланиб оқаётган дарёнинг бир меъёрда шалоплаб қирғоққа урилишига қулоқ солиб Мунира ҳам, Равшан ҳам алламаҳалгача жимгина ўтиришди. Олисда дарё ёқалаб ўрмалаб келган машина кўприкдан ўта туриб порлаган чироқлари билан бир кўз қамаштириб, чойхоначи кетган йўлга бурилиши билан яна ҳаммаёқ жимжит бўлиб қолди. Мунира машинанинг орқасидан қараб, қизиқ, ҳафтада бир марта шу пайтда ўтади, колхозники эмас, шаҳарники, кимшикига келаркин-а, деб хаёлидан ўтказиб қўйди.

Равшан унинг хаелини бўлди:

— Мунира?

— Нима?

— Ушанда нега шундай қилдинг-а?

— Нима қилдим?

— Эсингдами... ўшанда, масаланинг жавобини сўраганимда, шунақа қўполлик қилгансанки... эсингдами?

Мунира кулди:

— Эсимда.

— Нега?

— Хафа бўлмайсанми?

— Йўқ.

Мунира бир оз жим қолиб:

— Синфга кирганимда,— деди,— довдираб бирпас эшикнинг олдида туриб қолганман, сену Анзорнинг ёнида бўш жой бор эди. Анзор ўрнидан дарров туриб жой кўрсатди-ю, сен бўлсанг... менсимагаидек қошларингни чимириб қараб қўйгансан.

— Йўқ,— деди Равшан шошиб,— йўқ, унақа қараган эмасман.

— Йўқ, шунақа қарагансан.

— Йўқ, дедим-ку,— деди ўзиникини маъқуллаб Равшан,— сенга... шундай туюлган, сени, сени кек сақлайдиган одатинг ҳам бор экан-а?

Мунира хандон ташлаб кулди.

— Вой тавба, қизларнинг кўнгли позик бўлишини билмайсанми?

Мунира шундай деди-ю, бирдан хушёр тортиб, лабини тишлаганича ердан кўз узмай қолди. Вой тавба, уйдан чиққанда ҳам, Равшан ёнига келиб ўтирганда ҳам ораларида мана шунақа ғалати-ғалати гаплар ўз-ўзидан қуйилиб келаверади деб сира-сира хаёлига келтирмаган эди-я. Нега бунақа бўляпти, нега? Муниранинг вужудини яна худди боягидек титроқ босиб, аллақандай ваҳима билан сапчиб туриб кетди.

— Ойим.

У сакраб пастга тушди, кўприкка яқинлашиб қолган ойисига қараб югуриб эмас, йўқ, йўқ, учиб бораркан, Равшан ўзини тутолмай овозининг борича «тўхта» деб қичқирмоқчи, кетидан югурмоқчи бўлди, аммо нима дейди, нега югуради, шу тобда ўзи ҳам билмас эди. Мунира ойиси билан уйи томонга бурилиб кетди. Равшан бирдан ўтга думалаб, негадир тўлиб келган ўпкасини босолмай майсаларга юз-кўзларини ишқаб узоқ жим қолди.

...Ойиси Тўтихон опа, тўладан келган, куйди-пишди аёл, ўғлининг кечикканидан алағда бўлиб ўтирган экан, Равшан эшикдан кириши билан:

— Қаёқда юрибсан, болам?— деди ўпкалаб ва шоша-пиша қозоннинг тепасига кетди. Она-бола ҳовлининг ўртасидаги баланд сўрида жимгина овқатланишди. Равшан иштахасизлик билан, шунда ҳам ойисининг кўнглига қараб уч-тўрт қошиқ тотинган бўлди. Ойиси ўғлининг хомушлигини чарчаганликка йўйиб, товоқ-қо-

шиқларни йиғиб, пастга тушиши билан Равшан сўрининг бир чеккасидаги кўрпа-тўшакни ёзиб, дарров ёринга кира қолди. Аммо анчагача уйқуси келмай, ўқтин-ўқтин эптикиб, осмон тўла юлдузларга қараб ётганда юлдуз кўз қамаштириб учди. Қизиқ, Мунира кўрдимикини-а, балки...

Анча вақт ўтгач, дадасининг овози келди.

— Эрта ётибдими, нима гап?

— Ҳа,— деди ойнаси.

— Ҳалинг катта бўлиб қолибди,— деди дадаси паст товуш билан, чорпоёга чиқиб чордана қураркан,— бая Усмонали келди, ҳаммаси ёзда қурилишида ишланмоқчи эмас.

— Сиз нима дедингиз?

— Нима дердим, «ҳа», деган туяга мадор, ҳам колхозга фойда, ҳам ўзларига...

— Шаҳардан хабар борми?

— Йўқ,— деди дадаси ташвиш билан,— қизиқ, нима бўлдикини-а?

Бу гап, дадасининг шаҳардаги ташвишининг Равшан тенги қизи бор, оти Шахло, ўшага тегишли. Утган ёз Шахло уч-тўрт ҳафта қишлоқда туриб кетганди. У ойнасига ҳам, дадасига ҳам, жуда-жуда ёқиб қолган. Тунов кунги хатига қараганда, Шахло икки кун аввал қишлоққа келган бўлиши керак эди, ҳалигача дараги йўқ: аммо шу топда бу парса Равшанин унча ташвишга соямас, унинг хаёли тамоман бошқа ёқда эди: қизиқ, ошпоқ из қолдириб учган бояги юлдузга Муниранинг кўзи тундимикини-а?

Бешинчи боб

ШАХЛО НЕГА КЕЧИКДИ

Уша, арава минган йўловчилар қишлоққа тушган кечаси, шаҳарнинг камқатнов кўчасидаги хонадонларнинг бирида галати ноқса содир бўлганди: уй эгаси Солижон ака, сочига битта-яримта оқ оралаган, ўрта бўйли, қора тўридан келган, қўй кўзлари ажабтовур товланиб одамнинг меҳрини ўзига тортиб турадиган киши эди. Унинг хушфетъллиги-ю, болажонлиги туфайли мактаб ўқувчилари ҳам, маҳалла-кўйдагилар ҳам яхши

кўришарди. Девор-дармиён қўшини эр-хотин Иссикқўлга дам олгани кетишаётган экан, Солижон ака зотилжамдан яқинда турган ўн бир яшар ўглини «ҳаво алмашсин» деб хотини билан ўшаларга қўшиб юбориб, уйда ёлғиз қолган ва ўқиш тугаши билан ўзи ҳам олдларига бориб, бирор ҳафта дам олиб келиш ниятида эди, насиб қилмаган экан; бир куни эрта билан ўзини ҳовлидаги сим каравотда боши боғланган ҳолда кўриб, таажжубда қолди. Вожаб, бу нима гап, нега кўнгли беҳузур бўлиб бу ерда ётибди, нега олдида қўшинининг қизи Шаҳло билан бувисин ўтирибди?.. Солижон ака тирсагига суяниб не машаққат билан турмоқчи бўлганда, боши тошдай оғирлашиб жойида қола қолди. Кампир хира кўзларини жавдиратиб энгашди:

— Тузукмисиз, болам?

Солижон ака хаёлни аранг тўплаб сўради:

— Менга нима бўлди?

Аммо кампир эшитмадини ё шу топда жавоб беришин лозим кўрмадини, нидамай ўрнидан турди, битта-битта юриб ҳовлисига ўтиб кетди. Кўп ҳам ҳаялламай бир товоқ қатиқ олиб чиқди. Солижон ака уч-тўрт хўп-лам қатиқдан кейин кўнгли айишини қолиб, ўзини бир оз снгли ҳис қилди. Кампир билан невараси ҳовлида майда-чуйда ишлар билан куймаланишиб юрганда Солижоннинг кўзи илиниб, бир оз тиниқиб турди-ю, тўкилган олмаларни нақирга йиғиб юрган Шаҳлонини имлаб чақирди. Кампир чойнак кўтариб ошхонадан чиқди. На Шаҳлонинг узук-юлуқ гапларидан-у, на кампирнинг тутила-тутила айтганларидан бирон нарса тушунолмади яна боши қотди, яна таажжубда қолди. Солижон ака учун буларнинг бари бир англашилмовчилик-у, қўрқинчли бир тушга ўхшаб туюларди. Кампир неварасига «шу ерда бўл» деб, сизирга ем солгани чиқиб кетди. Шаҳло Солижон аканинг олдида қолди. Уни қайта гап сўраб қолишидан чўчигандай кўнгли аллапечук орзиқиб кетди, шу топда кечаги воқеани яна бир бор эслашга юраги сира-сира дов бермасди. Шундай бўлса ҳам Солижон аканинг олдида ўзини бепарво тутишга уришиб кўрган эди, бўлмади, хаёлида кечаётганларини авзойидан пайқаб олиш унча қийин эмас эди. Солижон ака ташвиш билан:

— Хўш, қизим?— деди.

...Шаҳло кеча мактабдан кела солиб кўчанинг бошидаги ўртоғиникига ўйнагани чиқиб кетди. Охирги имти-

ҳондан қутулганига қувониб, анча ҳаяллаб уйга келса, бувиси сигирни соғолмай хуноб бўлиб ўтирган экан. Бузоқни ушлаб турди, кейин бувиси енгилгина деб ҳолвайтар қилган экан, тақсимчага солиб:

— Шунни домлангга бериб чиқ,— деди.

Солижон ака боғнинг этагида шохлари ерга эгилиб ётган олмаларга тиргович қўяётган эди. Қизчанинг қўлидаги нарсага олисдан кўзи тушар-тушмас «чакки овра бўпсан», дегандек кулимсираб бош чайқаб қўя қолди. Шаҳло тақсимчани хонтахтага қўйиб дарров чиқиб кетди.

— Хўш?— деди Солижон ака,— бу ерга кираётганингда ё бу ердан чиқаётганингда кўчада бирон бегона одам бормиди, ҳеч кимга кўзинг тушдими?

— Йўқ, кўчада ҳеч ким йўқ эди.

— Ундан кейин-чи?

...Уйга чиқса, эрта билан бир одам аравада пичан тушириб кетган экан, бувиси: Қарашадиган эркагим йўқ, агар ўзингиз ташиб берсангиз, майли, ола қолай», деганига, ўша от-аравасини бир танишиникига қўйиб келиб, ҳовлида уюлиб ётган пичанни отхонага босаётган экан. Шаҳло унга эътибор ҳам бермай уйга кириб, йўл ҳозирлигини кўра бошлади. Шунча ташвиш, имтиҳон олдидан бўладиган шунча уйқусиз тунлар-у, шунча ҳаяжонли дақиқалардан сўнг қишлоққа бориб тўйиб-тўйиб ўйнаб, дам олиб келмоқчи эди. У ерда дадасининг таниши бор, колхозга раис. Дадаси уч йил аввал касалхонада ётганда танишган. Дадасининг ўша таниши ўтган йили шаҳарга келганда Шаҳлони қўярда-қўймай олиб кетганди. Аввалига Шаҳло бегона жойда нйманган бўлса ҳам, кейинчалик қишлоқ маъқул тушиб қолиб, сира-сира кетгиси келмай қолган эди. Уйга келганда ҳам анчагача оғзидан қўймай юрди. Ойиси билан дадаси яқинда дам олгани жўнаётганда журъатсизлик билан секин гап очган эди, дадаси:

— Қизим, биз кетсак, сен қишлоққа жўнасанг, буving ёлғиз қолмасмикин?— деди. Шунда бувиси орага тушди:

— Бо, мени бўри ермиди, бола бечора ўқиш билан эзилиб кетди, рангини қара, тоғ ҳавоси даво, тўйиб-тўйиб нафас олиб келсин.

Хуллас, бувисининг зўри билан дадаси ҳам розилик берди...

— Менга қара, қизим,— деди Солижон ака,— ўша

пичан олиб келган кишини илгари ҳам кўрганмисан, аввал ҳам келганмиди?

— Йўқ, кўрган эмасман.

Солижон ака пича ўйланиб турди-да, негадир ўша одам билан қизиқиб қолди-ю, афт-башараси, бўй-басти, кийими, пичанни қаердан олиб келгани, хуллас ҳаммасини суриштира бошлади. Шаҳло тузук-қуруқ жавоб беролмади, ҳатто, пичанни ташиб бўлиб қачон кетганини ҳам аниқ айтиб беролмади. Унинг гапига қараганда, бувисининг ҳам бундан яхшигина хабари йўқ экан.

— Ҳа, майли,— деди Солижон ака узоқ жим қолиб:— Хўш, кейин-чи?

...Кейин, она-бола овқатланиб, бувиси чала қолган кўрпани қавий бошлади. Шаҳло бувисининг ёнида мудрай-мудрай ухлаб қолди. Орадан қанча вақт ўтганини билмайди, бир маҳал бувиси Шаҳлони уйғотиб:

— Ҳой, болам,— деди,— домланг уйдаими?

— Ҳа, буви,— Шаҳло аранг кўзларини очди,— нега сўраяпсиз?

— Деворнинг нарёғида алланарса тарақа-туруқ қилиб кетди, боядан бери чироғи ҳам ёнмади, ўзи бўлмаса, битта-яримта ҳовлига кириб қолдимикин дейман-да.

Шаҳло уйқуси қочиб, ўрнидан турди, дарҳақиқат, қўшни ҳовли қоп-қоронғи, жимжит эди. Одатда Солижон аканинг чироғи ярим кечагача ўчмасди. Бугун вақтлироқ ухлаб қолдимикан, йўғ-е, бунақа эрта ётмасди-ку. Бувиси: Юрагимга гулгула тушса, кўзимга сира уйқу келмайди, юр, болам, чиқиб келайлик», деб увушиб қолган тиззаларини уқалай-уқалай ўрнидан турганига Шаҳло ҳам ноилож эргашди.

Шаҳло бирпас жим қолди, оҳиста энтикиб қўйди, бундан кейингисини ўйлаш оғир, даҳшатли эди...

— Хўш?— деди Солижон ака.

...Буви-набира кўчага чиқишди. Шаҳло эшикни итарса, берк. Солижон ака бирор ерга борса, одатда эшикнинг қалитини бувисига ташлаб кетгувчи эди, бу гал кечроқ қайтадиган бўлса, безовта қилмай деб, ёнида олиб кетдими, деб ўйлашди. Орқага қайтишганда кўнгли тинчмай бувиси: «Шундай бўлса ҳам бир тақиллатиб кўр-чи, болам», деб қолди. Шаҳло эшикни икки-уч қарсиллатиб урди, ҳеч ким овоз бермади-ю, қимирлаганига орқадаги танбаси сирғалиб тушиб кетди. Она-бола ҳайрон бўлиб ичкари киришди. Шаҳло айвонга чиқиб, чироқни ёқди, яна чақирди, газхонанинг эшиги

қия очиқ экан, ғалати қўланса ҳид димоғига урилгандай бўлди, «чойни пастлатиб қўйган бўлса, олови ўчиб газ чиқиб ётганмикин», деган хаёл билан Шахло шошганча ичкарига кириб кетди... Уёғи эсида йўқ, уёғини билмайди.

Уёғи Солижон акага кампирнинг чала-чулпа гапларидан тахминан маълум эди, аммо шундай бўлса ҳам шубҳаланар эди; қари нарса, бунинг устига кўзи яхши илғамайди, бирон нарсани чалкаштириб юбормадмикин?

...Кечаси невараси айвошнинг чирогини ёққанда кампир каловлаб пастда, зипанинг олдида турарди. Юқорига чиқай деса юраги бетламасди. Оёғининг тойиб кетишидан чўчирди. Невараси ошхонага ўтиши билан алланы нарса гурсиллаб кетди. Шахло даҳшат билан қичқириб юборди. Кампир зинадан қандай чиққанини, ошхонага қандай кирганини ҳали-ҳали яхши эслайди. Даг-даг титроқ босиб, ҳадегайда ҳушини йиғолмай қолди, ошхонадаги қўланса, бадбўй ҳид бирпасда бошини айлантдириб, кўзини тиндириб юборди, шундай бўлса ҳам:

— Ҳой, Шахло, қаёқдасан?— дея жон ҳолатда пайнаслаб алланы нарсанинг устида узала ётган Шахлони зўрбазўр турғизиб ташқарига судраб чиқди. Шахлонинг кўзлари соққасидан чиққудай олаяр, ҳадеб ошхонага қараб, алланы нарса деб гўлдирад, аммо кампир унинг гапидан ҳеч нарса тушунмасди. Алламаҳалдан сўнг она-бола эс-ҳушларини ўнглаб, ошхонанинг чирогини ёқиб киришганда, Солижон ака газ плитанинг олдида узала тушиб ётарди. Шундагина кампир нега Шахло қоронғида қоқилиб йиқилганини, нега даҳшат билан қичқириб юборганини англади. Плитанинг бир қулоғи очиқ эди, пиллаб газ чиқарди. Она-бола Солижон акани судраб ташқарига олиб чиқишди.

— Яхшики,— деди Солижон ака,— эшик хиёл очилиб қолган, бўлмаса...

Солижон ака қолган ганини айтмади, аммо айтмаса ҳам буёғи Шахлога аниқ эди. «Чироқ ёққанда ошхона портлаган бўларди», хаёлидан кечирди ва вужуди титраб кетди. Солижон ака узоқ жимликдан сўнг ўзига-ўзи гапиргандай «қизиқ», деб қўйди. Унинг ажабланганча бор эди. Негаки, боғдаги олмаларга тирговчи қўйиб бўлиб, чой қайнатди. Шахло олиб чиққан ҳолвайтарни еб, бирпас сўрида ёнбошлаб мизғиб ҳам олди. Сўнг пастга тушиб, ариқнинг бўйидаги садарайҳоннинг шохи-

дан уч-тўрттасини синдирди-да, уйнинг эшигини очиб, энди чироқни ёқмоқчи бўлиб қўл чўзганини билди, буёғи: қандай қилиб яна ошхонада пайдо бўлди-ю, яна бунинг устига қандай қилиб плитанинг қулоғини очди, сира-сира ёдида йўқ. Кампир икки гапнинг бирида: «Уй-лаб кўрнинг, болам, чой қўяман деб яна ошхонага ўтган-сиз, плитани очиб, олов ёқиб улгурмай, бирдан бошингиз айланган-у, йиқилгансиз», деб ўзинча тахмин қилди, аммо, бунга Солижон аканинг ўзи ҳам, қанчалик ишонгиси келса, шуначалик шубҳаланарди ё ҳарқалай кампирнинг тахминда жон бормикин-а? Аммо шу кеча Солижон ака бир ўлимдан қолгани аниқ эди. Бечора кампир билан невара ҳам тоза кўрқиб, бўладигани бўлган кўринарди. Солижон ака қизининг докадай оқариб кетган юзига, жавдираб турган кўзларига қараб атайлаб бепарвогина:

— Палакат оёқнинг остида деб шуни айтади-да,— деди гапни бошқа ёққа буриб,— хўш, қизим қачон жўнайдингиз бўлдингиз?

— Билмадим,— деди Шаҳло оҳиста.

— Йўлдан қолма, қизим,— деди Солижон ака,— уч-тўрт ҳафта ён этиб ўтади-кетди. Баҳаво жой, дарёда чўмиласан, балиқ тутасан, билмадим, дарёнинг бўйида катта тепалик бўларди, баҳор келиши билан уни чўққисидан бирам долақизғалдоқ очилардики... текисланиб кетмаганимкин, сувдан чиқиб тепалик ёнбағрида думалаб ётишни яхши кўрардим.

— Сиз-а?.. Сиз ўша жойда бўлганмиёиз?

Солижон ака кулди.

— Ҳа.

— Қачон?

— Эҳ-ҳе,— деди Солижон ака,— у жой, қизим, меннинг туғилган қишлоғим, афсуски, ўтган ёз — ўша ерда бўлганимни қайтиб келганимдан кейин билдим... Қишлоқдан ёш болалигимда кетганман. Ун йилча болалар уйида яшадим, урушдан кейинги оғир йиллар эди, ҳам ўқиб, ҳам ишладим, ўқини битириб, чўлдаги янги мактабга кетдим... Шунақа, вақтнинг ўтишини қара-я, мен билган, таниган одамлардан ҳам ҳеч ким қолмагандир дейман. У пайтда қишлоқ ҳам кичкинагина эди.

Солижон ака жим қолди. Шаҳло унинг гапларига қизикини билан жимгина қулоқ солар, қачонлардир Солижон аканинг ҳам ёш бола бўлганини, боя айтганидай чўмилди, тепаликнинг устида думалаб ётганини бир дам

тасаввур қилмоқчи бўлар, аммо буни сира-сира кўз олдига келтиролмасди.

— Ҳа, қизим, борганинг маъқул,— деди Солижон ака,— кетаётганингда сенга айтадиган гапим бор.

— Майли.

Олтинчи боб

РАЙҲОН ХОЛА

Солижон ака эртасига кун ёйилганда турди. Роса ухлабдими, Шахло кўча эшикни очиб кирганини ҳам, ошхонага ўтганини ҳам сезмабди. Уйқу ўлим билан баробар деб, шуни айтади-да. Бир оз тиниқиб турганига бошининг зирқираб оғриши ҳам қолган, аммо оғзи карахт, кўнгли ҳеч нарса тусамасди. Шундай бўлса ҳам, Шахло дамлаган аччиқ чойдан ярим пиёла ичди, зўрлаб бўлса ҳам бир бурда нон еди, кампир бир коса ширчай кўтариб чиқди.

— Ҳўплаб-ҳўплаб ичинг, болам, мурч солдим, ширчай кўнгли очади.

— Раҳмат, она.

Солижон ака косани қўлига олган жойида:

— Ариқининг бўйидаги анави ошрайҳонининг баргидан уч-тўртта узиб кел, қизим,— деди.

— Ҳўп!

Солижон ака қаламтарошда райҳонни ҳафсала билан майдалаб косага солди, ширчайни босиб-босиб хўпладди. Шахло уйинга чиқиб кета туриб, ширчайга ҳам райҳон соладими, деб ажабланди. Кампир тўғри айтган экан, ширчайдан кейин Солижон аканинг кўнгли очилиб, кайфияти ҳам ўзгаргандай бўлди. Йўлканинг четидан бир туп садарайҳон эгилиб қолган экан, ўрнидан туриб, авайлаб кўтариб қўйди. Кичкина бир шохинни синдириб димоғига тутган эди, райҳоннинг гуркираган тароватли исидан вужудни аллақандай яйраб кетди. Ойиси раҳматлининг жон-таши райҳон эди, райҳонсиз туролмасди, қор кетиб, эрта баҳорнинг илиқ-иссиқ кунлари келиши билан ҳовлининг уч-тўрт бўйра ерига райҳон сепарди. Кўчати тўрт энли бўлар-бўлмас дарров қўни-қўшнига улашиб чиқарди. Ез бўйи қулоғидан райҳон тушмасди, кузда қурнган баргини ўғирда туюб, халтачада ошхонанинг қознига осиб қўймагунча кўнг-

ли тинчимасди. Қишлоқнинг тақводор домласи ҳам: «Ихлос билан экилган нарса ҳам пок, ҳам таъми бўлакча», деб ёзи билан шуларнинг ҳовлисидаги райҳондан олдириб ичарди. Балки шу одатига кўрамин, Райҳон хола демаса, қишлоқда ҳам кўпчилик танимас, асл отини унутиб юборган эди. Ойиси бундан аччиқланмас, аксинча, мулојимгина жилмайиб қўя қоларди. Солижон қанча шўхлик қилмасин, кўча чангитиб, колхоз раиси Мамат буванинг Мелиқўзи деган невараси билан ёқалашиб, кўйлагини йиртиб келганда ҳам, ойиси сира коймас, аммо бирор туп райҳонни билмай босиб ўтса:

— Болагиннам-ей,— дерди кўзлари ғалати жавдираб, дарров ранжиб,— эҳтиёт бўла қолсанг нима қилади.

— Э, ойи, шу ўтга ҳам ачинасиз-а!

— Унақа дема, болам!— Ойиси эгилган райҳонни авайлаб тўғрилаб қўяркан, кичкина шоҳини синдириб, дарров ўғлининг димоғига тутарди,— искаб кўр, болам, исини қара, гуркирайди-я!

Ойисининг жиғига тегиш учун Солижон атайлаб афтини бужмайтирарди. Шунда ойиси кула-кула:

— Ҳо, кўзларинг аксини айтиб турибди-ку, болам,— дерди.

Солижон баттар талтайиб, ё бир туп райҳонни тагтуғи билан юлиб қочарди, ё оғилхонанинг олдида, офтобда мудраб ҳансираб ётган бузоқни ечиб юборарди. Ойиси ҳай-ҳайлаб бузоқни тутиб боғлагунча деворнинг нураган жойидан ўрмалаб томга чиқарди-ю, иссиқнинг зўрига қарамай, томнинг лабига чўққайганча олис-олислардан, қишлоқ чеккасида буралиб-буралиб оқаётган дарёнинг битта қўқонарава зўрға ўтадиган ингичка ёғоч кўпригидан кўз узмай ўтирарди. Қишлоқ тоғ этагидаги кафтдек адирга жойлашган эди; ёз келиши билан паст-баланд лой томлар, ўрик, шафтоли, олма қоқиларга тўлиб кетарди. Олисда, чинорнинг қуриган шохида бир оёқлаб ўтирган лайлак аҳён-аҳён, зерикканида «тақ-тақ»лаб қўярди. Бундай кезлар қишлоқнинг эгри-бугри кўчалари аксари бўм-бўш, кўпчилик болалар қўй-сигирларини ҳайдаб пастга — дарё бўйига тушиб кетган бўларди. Мол боқинш баҳона-ю, ўзлари кечгача сувдан чиқишмасди. Айниқса, жазирама офтобда тандирдек қизиб ётган дарё ёқасидаги тепалик талаш бўларди. Ҳамма сувдан чиқа солиб тепаликка қараб чопарди. Солижон тақир чўлнинг ўртасида илон изи йўлда қўқонараванинг ўрмалаб келаётганини кўрар-

кўрмас дарёга шўнғирди-ю, балиқдек сузиб нариги қирғоққа ўтарди. Ҳаммаёғидан сув сачратиб, дадаси томонга қараб югурарди. Дарров отга миниб, дадаси, кўприкка ҳайда деса ҳам, аравани дарёнинг саёз ерига қараб бурарди. У сувдан аравани олиб ўтишга ишқибоз эди. Шитоб билан оқаётган сув аравани судраб кетмоқчи бўлиб пишқиради, от бор кучи билан талпиниб қирғоққа интилади, Солижон қамчини ҳавода қарсиллатиб (дадаси отга қамчи урганини жуда-жуда ёмон кўрарди) овозининг борича «чу-чу»лаб отга далда берарди. Тепаликдаги болалар Солижонга ҳавас билан қарашар, раис Мамат буваннинг невараси Мелиқўзи ҳаммадан аввал пайқаб, арава қирғоққа чиқиши билан Солижонни отдан тушириб, ўзи минар, то идоранинг олдиғача ҳайдаб борарди. Бу икки ўртоқнинг хархашасига Солижоннинг дадаси — қирқ бешларга ҳали бормаган бўлса ҳам соқоқли оплоқ, юзидан донм мулойим кулги аримайдиган Нортой ака унча қаршилиқ кўрсатмас, фақат идорага яқин қолганда:

— Бас энди,— деб отнинг жиловини ўзи оларди.

Бундан буёғига ортиқ гаплари ўтмаслигини пайқаб, болалар дарров орқага қайтиша қолар ва қирғоқдаги шерикларига қўшилишиб, ё чўмилишар, ё кеч тушиб қолган бўлса жимгина уй-уйларига тарқаб кета қолишарди. Бир куни Нортой ака: «Ҳадемай мактаб очилди, энди умринг кўчада дайдиб ўтмайдиган бўлди, ўғлим», деб қўйди. Бу гапни, яъни домла поччанинг эски, ташландиқ бостирмасида мактаб очилишини Мелиқўзидан ҳам эшитган эди, бостирма деганда ўша қиш кечасидаги ёнғин, дадасини чалажон ҳолда уйга кўтариб келишгани, ўтакаси чиқиб кетган онасининг сочларини юлиб «дод» дегани кўз олдига келарди-ю, «қарғиш теккан» ўша бостирманинг яқинига йўлагани сира юраги дов бермасди. Авваллари бу домланинг муридлари истиқомат қиладиган жой эди. Олди катта боғ, этагидан шарақлаб бир тегирмон сув оқар, кичкина кўприкдан ўтилса, домланинг данғиллама ички-ташқи ҳовлисига чиқиларди. Бостирманинг олдидаги икки ўчоқнинг кечгача олови ўчмас, ҳар ер — ҳар ердан сувдай оқиб келаётган назир-ниёзни ҳисоби йўқ, тўда-тўда қўй-қўзиларни кети узилмас эди. Домланинг ер-суви қўлдан кетиб, бостирма бўшаб қолди. Анчагача қаровсиз ётди, уч-тўрт йилдан бери колхоз уруғлик учун ажратган дон-дуни шу ерда сақлайдиган бўлди-ю, бостирманинг

ёнидаси кичкина хужрага Портой ака битта эски бўйра, пўстак, қумғон, чойнак-пиёласини олиб келиб жойлашиб олди. Портой ака кундузлари колхознинг аравасини ҳайдар, кечаси идорани қўриқларди.

— Бу иш маъқул бўлди,— деди Мамат бува,— оморга алоҳида одам ажратай десам, кўриб турибсан, иложи йўқ. Идора билан бостирманинг ораси бир қадам, худога шукур, қишлоқ тишч, энди икковига ҳам ўзинг кўз-қулоқ бўласан, ука.

Аммо қор бўралаб турган тулларнинг бирида «тишч» қишлоқ нотишч бўлиб уйғонди. Бостирмага тушган ўт изғирин шамолда аланга олиб, бутун қишлоқни ёритиб юборди! Бу тасодифми, ё колхозга ёмон ният билан қараб юрган битта-яримта ғаламиснинг шимми, ҳеч ким билмасди. Портой ака хужрада мукка тушиб беҳуш ётарди. Уша кеча, эшон ойнининг донмо қора кўйлак, қора рўмолга ўралиб юрадиган овсар синглисидан бўлак ҳамма ўт билан олишди. Ҳаво айниб, қор аралани изғирин турганигами, Эшонқул сўфи билан домла иттифоқо мачитда тунаб қолишган экан, олинда бостирма ёнаётганини кўриб ҳаммани оёққа турғизишди. Эшонқул сўфи одамлар етиб келгунча Портой акани хужрадан судраб чиқиб, икки бетига, бошига қор суркади. Портой ака ўзига келмагач, икки йиғит оёқ-қўлидан кўтариб, уйига олиб кетди. Эшонқул билан домла сувнинг личоқ дамидек кесаётган захрига қарамай, ярим белгача дарёга тушиб, челақлаб сув олиб бериб туришди. Тошготарда ҳамма ўтнинг дамини қайтариб, ҳориб-чарчаб уй-уйига тарқалди. Мамат бува Портой аканинг ҳолидан хабар олгани кирганда, Портой ака кўзини очган, бироқ бошининг лўқиллаб оғришига чидаёлмай зўрға тишини-тишига қўйиб ётган эди. «Ҳеч нарса эслай олмайман,— деди у Мамат бувага,— идорани айланиб хужрага қайтганимни биламан, бошимга теккан алла-нарсанинг зарбидан ҳушимни йўқотиб қўйдим».

Мамат бува соқолини тутамлаб пича хаёлга толди.

— Ҳеч кимни пайқадимми?— деган эди, Портой ака узоқ ўйлаб, оҳиста бош чайқади. Кейин: «Чамаси бирор соат аввал анави овсар дарё томонга ўтгандек бўлган эди», деб қўйди, аммо на ўзи, на Мамат бува бунга эътибор берди. Негаки, эшон ойнининг овсар синглисини ҳеч ким одам қаторига қўшмас, домла почча ҳам: «Тил-оғзи йўқ, худонинг махлуқи» дер эди. Уни бирор одам билан гаплашганини, қўйишгани, овозини ҳам шу

чоққача ҳеч ким эшитган, ённки, афғ-башарасини ҳам ҳеч ким тузуккина кўрган эмас эди. Чақчайган, хунук кўзларидан пастини ёзу қиш бошидан тушмайдиган қора шол рўмол билан яшириб юрар, баъзан ҳафталаб уйдан чиқмас, баъзан эса одамлар уни дарёнинг нариги бетидаги тақир чўлда кўришарди. Жазаваси тутса, овсар ярим кечалари ҳам уйдан чиқиб кетаверарди. Аммо ҳеч кимга, ҳеч нарсага озор бермас, шунинг учун истаган вақтида дам у ерда, дам бу ерда мақсадсиз дайдиб юришига одамлар ҳам кўнникиб қолишган эди... Шу-шу калаванинг уни йўқолиб кетди-ю, келаси йили омборхонани бошиқа ёққа кўчиринди. Бостирма яна бўшаб қолди. Хотин-халаж орасида: «Домла поччанинг жойларига ризосизлик билан қўл ургани учун колхоз шу кўйга тушди», деганга ўхшаш гап-сўз бошланган эди, бир жума намоздан сўнг домла хўрознинг тожидай қип-қизил, салқин юзини қоплаган яккам-дуккам соқоллини тутамлаб, бундай бўлмағур гап-сўзга йўл қўймасликка чақириб колхознинг ҳақиқа узундан-узоқ дуо қила кетди. Шунда пойгакда ўтирган пакана, чувак юз Эшонқул сўфи битиникига ўхшаш кичкина кўзларига ёни олиб, ингичка хириллаган тавуш билан «пирим» деб, домланинг саховатидан ўпқасини босолмай икки букчайганча келиб банорас тўпининг баридан ўпди, шундан сўнг домланинг ихлосмандлари ҳам анча-мунча кўпайишиб қолди... Хулмас, бирон муқим жой топгунча ана шу бостирмани уёқ-буёғини тузатиб, мактаб учун фойдаланадиган бўлишди-ю, Мамат бува томшин янгитдан ёптирди, эшик-ром қўйдирди. Мактаб учун жой тайёр, деган мазмунда шаҳарга хабар бериб чиққандан кейин учтўрт кун ўтгач, Норттой ака аравада ўқитувчини олиб келди. Солжон дарёнинг бўйида бузоғини боқиб юрган эди, кўқонараванинг қорасини кўрар-кўрмас югурди-ю, аравада ўтирган малла соч, кўккўз, сини калга чит кўйлак кийган потанин аёлини кўриб, туриб қолди. Аёл шабадада тўзғиған сочларини қўллари билан тараб, кўзларини ғалат қисиб жилмайди ва Норттой акага ўтирилди. Норттой ака «келавер» дегандек Солжонга нмо қилди ва елка аралаги аёлга қараб:

— Уғлим,— деди.

— Шунақами?— аёл аравадан сакраб туниди.— Менинги биринчи ўқувчим дег.

— Ҳа.

— Отинг нима?— деди боядан бери бош кўтармай

дам қизариб, дам бўзариб турган Солижонга энгашиб. Солижон тутила-тутила айтди.— Мана, танишиб олдик, меники Раиса Максимовна, ёдингда қоладими, қани, айтиб кўр-чи?

Бироқ Солижоннинг тили келишмай уялиб кетди, шаталоқ отиб қочиб қолди.

Ўқитувчи Райҳон холага ёқди.

— Қўйлагини торлиги-ю, сочининг калталиги демаса, бинойидек жувон экан, тил билишини-чи, мўмин-мусулмондек гапирар экан-у, шу отини айтгани ҳеч оғзимни жуфтлай олмаяпман, дадаси, ўзимиз Райҳоной дея қолсак нима бўларкин-а?

Нортой ака қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди-ю, ёшланган кўзларини кафти билан арта-арта:

— Буёққа қаранг, синглим,— деди ҳовлида айланиб юрган Раиса Максимовнага,— холангиз сизга янги ном кўйди:— Райҳоной!

Раиса Максимовна оппоқ тишларини кўрсатиб жилмайди.

— Нортой ака, «райҳон» жаннатнинг гули эмиш. Жаннатнинг гули бўлсам ёмонми?

Бу гап Райҳон холага мойдек ёқиб кетди.

Кечга томон Раиса Максимовна билан Нортой ака идорага — Мамат буванинг олдига кетишаётганда, мачитдан қайтаётган домла эркак кишининг ёнида сира тап тортмай бораётган калта соч, кўккўз, «бегона» аёлга совуққина бир қараб «астафурилло» деб қўйди-ю, бедана юриш қилиб тезгина уйга кириб кетди. Кўп ўтмай эшон ойим домланинг: «Қитоб кўриб, бу аёл ўрис қовмидаги шайтон бўлса ажабмас», деган гапини қишлоққа тарқатди. Уша куни Солижон дадасини анчагача кутди, мудрай-мудрай ухлаб қолган экан, ярим кечада гангур-гунгур гапдан чўчиб уйғонди. Нортой ака билан ўқитувчи идорадан қайтиб келишган, Райҳон хола самоварни яшгилаб, ҳаммалари энди чойга ўтиришган эди. Маълум бўлишича, бостирма ўқитувчига унча ёқмаган, Нортой ака: «Уч киши бўлса, ички-ташқи ҳовлини нима қилади домла», деганди. Мамат бува ҳам домлани намозхонлар ўртасида: «Лозим бўлса колхозга уй-жойимни ҳам бўшатиб бераман», қабилдаги гапларини эслаб: «Вақтинча ташқари ҳовлисини бериб турар», дея Нортой ака билан Раиса Максимовнани бошлаб домланкига борган, улар эшикдан кирганда овсар сўрида чалқанча ётар, домла билан эшонойим овсар-

нинг бёғини уқалашарди. Уларни кўрар-кўрмас эшон ойим билан овсар ичкарига кириб кетган. Домла эса Нортой ака билан Мамат буваннинг илтимосига «ҳа» ҳам, «йўқ» ҳам демаган. Чой устида Ранса Максимовнанинг «овсарнинг қараш и одамга тикандек санчилади-я, кўзлари мунча совуқ», деган гапи Солижоннинг эсида қолди-ю, яна мудрай-мудрай ухлаб қолди.

Мактаб ўша, Мамат бува мўлжаллаганча бостирмада очилди. Ранса Максимовна билан Нортой аканинг роса бир ҳафта уйма-уй юриб қилган тарғиботига қарамай, мактабга атиги икки киши келди: Солижон билан Мелиқўзи!

Ушанда ойини:

— Отин қизининг қўлига бер!— деб бир даста райҳон узиб берган эди. Мана шу гуркираб, муаттар ис таратиб турган райҳондан узиб берган эди ойини!

Еттинчи боб

ГУЛНОРА

Эртасига қизиқ бўлди: олисда бир тўда бола кўринди, афтидан улар ўқишга эмас, шунчаки томошага келишган бўлса керак. Тўданинг олдида келаётган найнов бола беўхшов узун қўлларини силкитиб бир нима дейиши билан ҳаммалари бостирмага яқин қолганда тўхташди. Ораларида қизлар ҳам бор эди. Бир оз четроқда кичкина, мулойим кўзларини жавдиратиб Мўмин қўшчининг қизи Гулнора ҳам турарди. У бошмалдоғини оғзига солганча бостирмадан кўз узмас, ора-чора ёнидаги найнов болага қўрқув аралаш қараб қўярди. Ранса Максимовна деразадан кўз қириши ташлаб, ўзини бенарво туттишга ҳаракат қилса ҳам, юраги гупиллаб уриб кетди; ажабо, нега тўхтаб қолишди, нима гап, бунча кўзлари бежо? Ораларида фақат найнов болагина ўзини хотиржам гутарди. Ранса Максимовна уни дарров таниди. Бу кечаги бола. Эшонқул сўфнинг ўғли, билса, Гулнорага холавачча ҳам экан. Балки шунгани ё бошқа сабаб биланми, Мўмин қўшчи болани кечаги безорилигига лом-мин демади, асли Нортой ака: «Қўшчи оғир табнатли одам, ёлғиз бормаганингиз маъқул», деганда чакки кулоқ солмаган экан. Ушанда Ранса

Максимовнага, аксинча, Нортой аканинг соддадиллик билан айтган гапни ҳатто кулгили бўлиб ҳам туюлди-ю, пешиндан сўнг қўшчиникига йўл олди.

Мўмин қўшчиники қишлоқнинг чеккасида эди. Эгри-бугри кўчалардан ўтиб бораркан, эшикдан қараб турган хотин-халаж, бурчак-бурчакда мўралаётган қора-қура болалар аллақандай қизиқиш, баъзилари сабабини англаб бўлмайдиган қўрқув билан кузатишарди. Қўшчининг ҳовлисига яқин қолганда бир аёл ариқдан сув олиб кетаётган экан, Раиса Максимовнага кўзи тушар-тушмас биров орқасидан келиб гарданига чангал солаётгандай лапаанглаб югура кетди. Оёғи билан тешиб эшикни очди, шошиб остона ҳатлаши билан қоқилди-ю, пақирдаги сувни тўкиб юборди.

Мўмин қўшчининг пастак эшигидан ичкарига кирган Раиса Максимовна нафаси қайтиб, эшикнинг олдида туриб қолди. Чоғроққина ҳовли, ҳаммаёқ жазирама офтоб, ҳовлининг уч-тўрт бўйра ерига олачалпоқ соя ташлаган бир туп ўрикдан бўлак ҳеч нарса йўқ. Мўмин қўшчи айвонда орқасини ўгириб олган. Алланарса билан банд. Оғилхонанинг олдида занжирлаб ташланган буқа узала тушиб, кўзлари косасидан чиққудек ҳансирайди; ҳовлининг этагида таппи тепаётган Гулнора кўзларини катта-катта очганча туриб қолди, чўккалаб таппи юмалатаётган ойиси — пешанасини танғиб олган, қотма аёл Раиса Максимовнани кўрар-кўрмас бўшашиб ўрнидан турди, ғалати бўлиб:

— Дадаси...— деди секингина. Унинг қизиникига ўхшаш катта-катта кўзларида ғалати ифода бор эди. Мўмин қўшчи елка аралаш қаради, қаради-ю, кўзлари чақнаб кетди. Соқол босган гўштдор юзи тортишиб, ҳар бири бошмалдоқдек-бошмалдоқдек оқ оралаган қошлари баланд-паст бўлиб, бирпас тикилиб турди-да, юзини терс буриб яна букчайиб олди. Анчадан сўнг хотинига совуққина бир назар ташлаб:

— Бунча анграйднинг, Гулнор!— деб қўйди. Она-бола чўчиб, апил-тапил ишга тушиб кетишди. Оғилхонанинг томида найнов бола кўринди, орқадан, қўшни томондан чиққан бўлса керак. Томнинг лабига чўққайди, афтинг қурсин, деб қўйди Раиса Максимовна ичида, одам ҳам шунақа совуқ бўладими. Қишлоққа келгандан бери шу бола сояга ўхшаб кетидан эргашиб юради, қилиғичи, тунов кунни Раиса Максимовна кўчадан бехос ўтиб бораётганда ариққа тош отиб, ҳаммаёғига сув сачратиб

юборди, боя ҳам орқасидан кетма-кет келаётган эди, бирдан ғойиб бўлди. Хайрият, деб қўйди Ранса Максимова кўнглини хижил қилиб турган бир нарсадан қутулгандек. Аммо ҳовлига кириши билан худди оёғининг тагидан чиққандек томда мана яна ишшайиб қараб ўтирибди!.. Ранса Максимова одамларнинг чала-пула гапидан кўшчининг қанақалигини тахминан тасаввур қила олган эди-ю, бироқ бу қадар совуқ муносабатда бўлар, деб хаёлига ҳам келтирмаган эди. Келганига нича афсусланди ҳам, бироқ энди қайтиб чиқиб кетишининг иложи йўқ эди.

— Ассалому алайкум,— деди айвонга яқин бориб, қўшчи миқ этмади, бош ҳам кўтармади. Бесўнақай елкаларининг тез-тез силкинишидан аранг чидаб ўтирганини пайқаш қийин эмас эди, анчадан сўнг ўғирилиб:

— Ҳа,— деди дағал, ёқимсиз товуш билан. Унинг буқаникига ўхшаш совуқ кўзларини яқиндан кўрган Ранса Максимова бирдан эсанкираб қолди, бироқ дарров ўзини қўлга олиб, айвоннинг четига бепарвогина ўтираркан:

— Уйда экансиз, яхши бўлди,— деди босиқлик билан,— мен Гулнора мактабга борса, деб келган эдим.

Бу гапга қўшчи «ҳа» ҳам, «йўқ» ҳам демади. Дағал бармоқлари билан тўрқовоқнинг ипини уларкан:

— Ана,— деди тўнғиллаб,— туққанндан сўра!

Аммо туққан она ишдан бош кўтариш уёқда турсин, айвон томонга ўғирилиб қарагани ҳам юраги дов бермасди, қўшчи кўйнидан бедана олди, дағал бармоқлари билан қанотларини силлади, шошилмай оёғини жуфтлаб тортиб қўйди, оғизда сув ичирди, тўрқовоққа солиб, айвоннинг қозигига илди. Бу тунд одамдан ортиқ бирор гап чиқмаслигига ишониб, Ранса Максимова ўрнидан турди. Кўча эшикка яқин қолганда кутилмаганда воқеа содир бўлдики, ҳамма, шу жумладан айвоннинг зинасига оёқ қўйиб тушаётган қўшчи ҳам даҳшатда туриб қолди; буқа занжирини биарақлатиб бир ғалати силкинди-да, зарб билан ўрнидан турди. Занжирни судраб ўрикка яқин келди, қаёққа юрсам экан, дегандек кўзларини ғалати ўйнатиб бирпас туриб қолди. Қўшчи унинг қутурган табиятини яхши биларди; икки марта ўлимдан қолган эди. Утган ёз қоқ биқинидан илиб ерга кўтариб урганда, қўшчи роса уч ой кўкка қараб ётган. Шу-шу чап оёғи ногирон, чапга шох ташлаб юрадиган бўлиб қолган. Буқани шамоллатиш лозим бўлса, албатта би-

рор қўшнини чақириб чиқарди. Икки томонлама занжир билан тортиб, ҳовлини бир айлантиришарди-ю, ҳовуридан тушириб дарров жойига етаклашарди. Қўшчи оғилхонанинг деворини тешиб қўйган, занжир ўша тешикдан ўтказилиб, ичкаридаги қозиққа боғланарди, девор паналаб турганига ечаётган ё боғлаётган одамга буқа ҳамла қилолмасди. Мана ҳозир эса занжирни судраб ўрикнинг олдига келиб қолган асов буқанинг важоҳатини кўрди-ю, қўшчининг тиззалари қалтираб кетди.

— Қоч!— деди даҳшат билан ва ҳаммадан аввал ўзи айвонга қочиб чиқиб олди. Хотини аллақачон ошхонага кириб олган эди. Гулнора ойисининг кетидан шайтонлаб чопди. Бироқ ошхонага яқин қолганда тойиб кетиб узала тушди-ю, ортиқ туриб қочгани мадори қолмай:

— Дада!— деб қичқириб юборди жон ҳолатда ва титроқ қўллари билан юзини тўсди. Буқа овоз келган томонга ўгирилди. Қўшчи буқа мабодо айвонга қараб келгудек бўлса, уйга қочишни мўлжаллаб қўйган эди. Аммо Гулнорага бурилганини кўрди-ю «қоч», деди яна жон аччиғида, бироқ қизча қочиш уёқда турсин, юзидан қўлларини олишга ҳам юраги дов бермади. Қутурган буқа эса Гулнора томонга секин юриши билан қўшчи айвондан тушмай, турган ерида гир-гир айланиб, аламиндан қичқириб юборди:

— Қадамнинг қурсин, касофат!

Қўча эшикка яқин бориб қолган Раиса Максимовна ялт этиб қўшчига қаради.

— Ким?

— Сен? Сен остона ҳатладинг-у...

— Буқа ечилиб кетдимми?— деди Раиса Максимовна аранг ўзини тутиб.— Бекор гап, ана ундан сўранг-чи, бу кимнинг касофати экан?

Қўшчи фақат шундагина оғилхонанинг томида ишшайиб ўтирган болага кўзи тушиб, буқани ким ечганини фаҳмлади. Аммо негадир лом-ним деёлмай қолди. Буқа эса бу жанжалга ўзининг қандай даҳли борлигини билмоқчи бўлгандай ҳаммага бир-бир қараб чиқди. Сўнгра занжирни шарақа-шуруқ қилиб, зарб билан бош чайқаб қўяркан, Раиса Максимовна қутурган махлуқнинг чалғиганидан фойдаланиб тезгина орқага қайтди-ю, эс-ҳушини йўқотиб қўяёзган қизчани даст кўтариб бағрига босди. Буқа кўзларини олайтириб орқага тисарила бошлади. Энди бир ҳамла билан Раиса Максимов-

ка ва Гулнорани тилка-нора қилиб ташлаши ҳеч таян эмасди. Қўшчининг хотини қичқириб, эшикнинг кесаки-сига ҳолсизгина суянди. Қўшчи эса безгак хуруж қилган одамдай қалт-қалт титраб, жойида ўтириб қолди. Аллаларса деди, аммо овозини ўзидан бўлак ҳеч ким эшитмади. Буқа ғужанак бўлиб, бирдан олдинга ташланди. Раиса Максимовна вақтни бой бериб, ғайритабiiий чаққонлик билан ўрикнинг панасига ўтиб олди. Лекин шундай бўлса ҳам буқанинг шох и чап елкасини ханжардек тилиб кетди. Қутурган махлуқ муродига етолмай яна ғужанак бўлди. Раиса Максимовна вақтдан фойдаланиб Гулнорани айвондаги пўстакка ирғитди, қутурган махлуқни боладан чалғитиш учун яна қайтиб ўрикнинг панасига ўтиб олди. Буқа аста-секин шу томонга кела бошлади-ю, дарахтнинг танасига шох уришдан чўчиб, ўрикнинг рўпарасида тўхтади. Раиса Максимовна панадан чиқиб бир кўришди, яна чаққонлик билан орқага чекинди. Раиса Максимовнага ташланган буқа бешатиёр бурчилиб, зарб билан бошини ўриikka уриб олди. Ўрик силкиниб кетди. Буқа гандираклаб туриб қолди, афтидан қайта ҳамла қилгани ҳоли ҳам, ҳафсаласен ҳам қолмаган эди.

Раиса Максимовна занжирининг учини ўриikka боғладди, буқа қайта ўзига келгунча кўча эшикка бориб олди.

— Мўминжон ака, — деди, — ҳар қалай Гулнора мактабга қатнаса яхши бўларди, ўйлаб кўринг!

Раиса Максимовна қўшчини ҳайратда қолдириб, худди ҳеч нарса рўй бермагандек бамайлихотир кўчага чиқди.

...Болалар ҳамон бостирманинг яқинида туришарди, кўпчилик билан Раиса Максимовна таниш эди. Икки кун уйма-уй юриб, ота-онаси билан гаплашиб мактабга ёзиб келган эди. Ажабо, нега тўхтаб қолдишди, нега? Раиса Максимовна сабри чидамай ташқарига чиқини билан Гулнора бостирмага қараб югурди. Ўнга уч-тўртта бола эргашди, қолганлари чувиллаб қочинди. Аммо найиов бола дарров орқага қайтиб, Гулноранинг йўлини тўсди. Қўлшини орқага буради. Гулнора қичқириб юборди. Раиса Максимовна қизчага қараб югурди. Найиов Гулнорани қайтара олмаслигига кўзи етиб, қизчанинг у юзига-бу юзига тарсаки торта бошлаган эди:

— Бас қил! — деб қичқириб юборди олнсдан Раиса Максимовна. Унинг товушига синфдан Солижон югуриб чиқди. Найиовнинг кетидан қува бошлаган эди, Раиса

Максимовна тўхтатди. Чунки найнов аллақачон лапанглаб анча ерга бориб қолган эди. Олисда, чинор тагидан сояга ўхшаб овсар ўтди, бўлаётган машиналарга бирпас лоқайд қараб турди-да, дарахтзорга кириб кўздам ғойиб бўлди.

Гулнора мукка тушиб ётарди. Ранса Максимовна кела солиб ўрнидан турғизди, кўйлагини қоқди, ерда сочилиб ётган нарсаларини йиғиштирди. Гулнора эса бошмалдоғини оғзига солиб бирпас ғалати қараб турди-да, бирдан хўрлиги келиб Ранса Максимовнанинг бўйнидан қучоқлаб олди, Ранса Максимовна қизчани бағрига босиб юз-кўзларидан ўпар, жамалак сочларини силаб эркалар, аммо ўзининг ҳам кўзларидан оқаётган кўз ёшларидан беҳабар эди... Шу воқеадан сўнг мактабга яна тўрт бола келди-ю, аммо бу қувонч кўпга чўзилмади...

Саккизинчи боб

СОЛИЖОН АКАНИНГ ҲИКОЯСИ

Бир кун қишлоқ остин-устин бўлиб, ҳамма оёққа турди. Қўшчининг қизи Гулнора мактабга бораман деб, уйда чикиб кетганча бедарак йўқолган эди. Мамат бува билан Ранса Максимовнанинг қидирмаган жойи, сўрамаган одами қолмади. Аммо ҳеч ким аниқ бир гап айтолмади. Нортой ака бир неча одам билан ҳар эҳтимолга қарши тўғонга бориб келди. Қўшчи ғазаб билан бостирмага қараб югурди, аммо у ерда қидирган одамини учрата олмади. Алампдан ўзини ерга отиб, бошини гурсиллатиб уриб, қичқириб юборди. Одамлар бирон ному нишон тополмай ҳориб-чарчаб қайтиб келганда бостирманинг олдидаги майдончага тумонат йиғилган эди: оломон аллақандай оғир, кўнгилсиз сукут сақлар, қўшчи эса ўртада чўққайиб ўтириб, дам пешанасига, дам кўкрагига муштлар, бўғзига пичоқ кетган буқага ўхшаб типирчилар, даҳшат билан ўқтин-ўқтин инграб қўярди. Ҳамма, каттаю кичик шу топда унга далда беришдан ё бирон калима гап билан кўнглини кўтаришдан ожиз эди. Ҳатто умрида иккита аёлга қўшилмаган, одамнинг қорасини кўрса шамолдай бир елпишиб ўтиб кетадиган овсар ҳам ёзу қиш бошидан тушмайдиган қора шол рўмолига ўралганча бир чеккада турарди. Одамлар ўзларини четга олиб, аллақимга йўл бўшатиш-

ди. Домла кирои виқор билан шу томонга битта-битта қадам ташлар, орқароқда эса филнинг думига илашган каламушдек, жуссаси кичкина Эшонқул сўфи пилдираб келарди. Домла яқинлашганда қўшчи жон аччиғида домланинг тиззасидан қучоқлаб олди, банорас тўннининг этагига юз-кўзларини ишқаб, ўкириб юборди.

— Эшитдингизми, домла почча!

— Пешонанг, шу бўлса...— деди домла аллақандай ҳазин, ингичка товуш билан, сабр-тоқатдан бўлак чоранг йўқ.

Домланинг тасаллиси қўшчини баттар қутуртириб юборди, аламидан тўлғаниб, бошини яна гурсиллатиб ерга ураверди, аллаким «пиқ-пиқ» йиғлай бошлади. Раиса Максимовна титраб кетди.

— Қўйинг, домла почча, қўйинг, бир норасидани элбурутдан ўлдига чиқариб, нима қиласиз.

Домла ёнғоқнинг палласидек қавариб турган қовоқларни остидан совуққина қараб қўйди. Орага ғалати, одатда мудҳиш нарса олдидан бўладиган кўнгилсиз жимлик чўкди-ю, шундагина Раиса Максимовна гапга бемаврид аралашиб қўйганини тушунди. Нортон ака лабини тишлаб, ер остидан Мамат бувага қаради. Мамат бува эса даҳшатли тўлқиннинг олдини тўсмоқчи бўлгандай шошиб қўшчи томон юрганда, кутилмаган ва шу топда ҳеч кимнинг ақли бовар қилмайдиган воқеа рўй берди: бир чеккада турган овсар ғалати товуш чиқариб, бирдан ҳўнграб, шайтонлаб қоча бошлади. Одамлар шунча йилдан бери унинг овозини биринчи бор эшитишлари эди. Ҳамма, шу жумладан қўшчи ҳам, хотини ҳам ҳайратда қолган эди.

— Оҳ!— деб юборди домла почча овсарнинг кетидан қараб,— бу ғам сени ҳам дилингни ўртаб юбордими?!

Эшонқул сўфи пиқиллаб, кўзига ёш олиб «пирим» деб қўйиши билан чекка-чеккада, тўп-тўп бўлиб турган хотин-халажнинг пойма-пой йиғи-сиғиси бошланиб кетишига сабаб бўлди. Мамат буванинг юраги орқага тортиб кетди, бирдан кечикканини, бояги даҳшатли тўлқин уни ҳам чўп-ҳасдай суриб кетаётганини фаҳмлади-ю, бир лаҳза саросимада қолди. Қўшчи гандираклаб ўридан турди, кўзлари соққасидан чиққудек аланг-жалаң бўлиб Раиса Максимовна томон кела бошлади. Фақат шундагина қўшчининг титроқ қўллари билан белига қистирилган болтани олаётганини кўриб, ҳамма бирдан орқага қалқиб кетди. Раиса Максимовна билан қўшчи

бир лаҳза рўбарў туриб қолишди, қўшчининг кўзлари қонга тўлган эди! Мамат бува эс-ҳушини ростлаб, то Раиса Максимовнанинг олдига ўтгунча қўшчи қўлидаги болтани Раиса Максимовнага қараб улоқтирди, аммо қўшчининг хотини чинқириб, Раиса Максимовнани зарб билан туртиб юборди. Болта шундоқ Раиса Максимовнанинг қулоғи тагидан ўтиб, ўн-ўн беш қулоч жойга бориб тушганда, одамлар ҳушларига келиб, қўшчига ташланишди. Бироқ қўшчига ҳеч ким бас келолмасди: олдидан келганни муштлаб, орқадан яқинлашгани жон-жаҳди билан тепиб, уч-тўрт одамни четга суриб ташлади. Оломон тарафма-тараф бўлиб тўзиб кетди, домла билан сўфи ўзларини базўр четга олишди. Эшон-қул сўфи Раиса Максимовнага қараб жон аччиғи билан «қоч палакат!» деб қичқирди, аммо овозини ўзидан бўлак ҳеч ким эшитмади. Раиса Максимовна чаққонлик билан ердан болтани олди, одамларининг қуршовидан чиқиб, тўппа-тўғри бостириб келаётган қўшчининг оёғи остига ташлади:

— Олинг!— деди ҳаммани ҳайратда қолдириб,— олинг, шу билан дардингиз енгиллашса, мен розиман!

Қўшчи болта оёғининг остига эмас, худди бошига теккандек кўзларини маъносиз жавдиратиб гаранг бир аҳволда қолди. Аммо шунда ҳам шайтонлаб, талваса билан болтани энгашиб олди-ю, кўз олди бирдан тиниб гандираклаб кетди. Қўлидан болта тушиб, унинг хап-жардек учи чап оёғининг жимжилоғини шартта узиб кетгандагина ҳушига келди!

Бахтсизлик бир келмасин экан... Кечқурун шаҳарга мол олиб кетаётган Нортой ака кўприкнинг ўртасига келганда устун чириган эканми, кўприк лопиллаб арава ағдарилиб кетди. Нортой ака сувдан сузиб чиқолмай, араванинг остида қолди. Эрининг ўлиmidан сўнг Райҳон хола ётиб қолди, ўзига келмади. Шаҳардан ииниси келди, ўзи билан олиб кетмоқчи эди, насиб қилмаган экан: Райҳон хола қоқ ярим кечада пўстакда мукка тушиб ухлаб қолган Солижонни уйғотди, бу Нортой аканин ўлиmidан сўнг биринчи ва охирги айтган гапи бўлди.

— Болам,— деди пичирлаб,— болам, анавининг уруғидан... олиб кел.

Солижон ҳовлига тушиб, райҳоннинг уч-учида қурий бошлаган уруғидан йиғиб келди. Райҳон хола уруғни кафтида узоқ эзғилаб димоғига олиб бориб искади, кейин кўзларини юмганча жим ётди.

— Ма болам,— деди инқоят,— туз-насибагини қаер-га сочган бўлса ҳам, ҳар йили бир бўйра-бир бўйра жўйга мана шунн экиннини канда қилма...

Солижон довдираб бир лаҳзагина онасига термилиб турди-да, ўлкаси тўлиб кетди, ўзини босолмай ҳўнграб юборди. Ҳовлида сўрида ётган тоғаси чўчиб уйғонди... Қишлоқда, эшон ойим айтгандек «қарғиш теккан» ҳовлида Солижон ортиқ туролмади. Бунинг устига мактаб ҳам ёпилди, Раиса Максимовнанинг Гулнорани йўқолишида айби бўлгани учун қишлоқдан қочганмиш, деган гап тарқалди. Хуллас, Солижон шаҳарга, тоғасиникига жўнашга жазм қилди. Мамат бува: «Қўй, болам, кетма, майли десанг, меникида тур, Мелиқўзи қандоқ бўлса, сен ҳам менга шундоқсан», деб уввало қилди, Солижон сира унамади, ёлғиз қолди дегунча ҳар кунн эшикдан мулойим кулимсираб кириб келадиган дадаси, тепасида минг айланиб, минг ўргилиб, гирдикапалак бўладиган онаси кўзига кўришаверди, кун ўтган сари ўзи ҳам чўпдек озиб, кўзлари киртайиб қолди. Раисанинг руҳсат беришдан бўлак иложи қолмади. Кўч-кўронга от-улов бериб турадиган бўлди. Шунда ҳам шаҳарга элтиб қўйиш учун ёнига одам қўшиб бермоқчи эди, Солижон кўнмади. Раис ҳам унча қаршилик кўрсатмади. Негаки, шаҳар билан қишлоқни туташтириб турадиган биттау битта йўл, адашиб-сегиб кетади деб ўйлаш ноҳўя эди, қолаверса, колхозда ишчи кучи етишмай қолган долзарб кезлари Мелиқўзи ҳам, Солижон ҳам шаҳарга бир неча бор мол ташлаб келишган, яна бунинг устига колхознинг бир одами икки кун аввал баъзи керак ашжомларни харид қилгани шаҳарга тушиб кетган, Мамат бува ўшага арава юбормоқчи бўлиб турган эди. Буёғи ҳам яхши бўлди: Солижон тоғасиникига етиб олиб, аравани колхоз дўконига элтиб берса бас, ўша одам олган парсаларини аравага ортиб, қишлоққа қайтаверади. Хуллас, бир кунн Солижон кўч-кўронини дадасининг ўша қўқонаравасига ортиди, ойиси яхши кўрадиган ўша ҳожирайҳонининг уруғидан бир дўппи йиғиб халтачага солди, эртасига тонг-саҳарда йўлга тушди-ю, аммо...

— Аммо,— деди Солижон ака бир оз хаёлга толғач, боядан бери ҳайрат тўла кўзларини узмай, жимгина қўлоқ солиб ўтирган Шаҳлога,— аммо аравани дарёнинг саёз жойидан ўтказиб, қирга камар бўлиб тушган иложи йўлдан анча-мунча юриб қўйганимни биламан, аллакимни муштини зарбидан эгардан учиб кетдим.

Хушимга келиб, кўзимни очсам, ярим кеча, осмон тўла юлдузлар назаримда сакраётгандек, кўнглим нари бориб, бери келиб беҳузур бўлар, турай десам бошим тошдай оғирлашиб сира ердан кўтаролмасдим. Қизиқ-ку, дедим ўзимга-ўзим, қаерда ётибман, менга нима бўлди? Аранг эс-хушимни йиғиб, ёнверимга қарасам, от-арава йўқ, юрагим шувиллаб кетди. Тирсагимга суяниб турдим, йўқ, от узоқда ўтлаб юрган экан, демак, эрта саҳардан бери шу ерда ётибман, демак бу ердан бирон кимса, бирон арава ўтган эмас, энди нима қилай орқага қайтайми ё шаҳаргами, қишлоққа қайтгани сира кўнглим бўлмади. Минг машаққат билан туриб, гандираклай-гандираклай аранг аравага етиб олдим-у, шаҳарга жўнадим. Ушанда йўлда бўлган воқеани тоғамниқкидагиларга айтиб берганимда ҳеч ким ишонган эмас. «Бошинг айланиб йиқилгансан» деб, мени снгишган. Бора-бора бу фикр ўзимга ҳам сингиб, кўинкиб кетган эдим. Хўш, бу-чи, хўш бу воқеа-чи?!

Солижон ака Шаҳлога қаради. Шаҳло кўзларини катта-катта очганча қўрқув ва ҳаяжон билан сўради:

— Сиз... демак сизни...

— Балки шубҳаларим ўринсиздир,— деди Солижон ака шошиб, ким билсин, тўсатдан ҳушимдан кетишим ҳам бир тасодифмикин ё менинг авлод-аждодимда шунанча бир иллат бормикин, аммо нима бўлганда ҳам бир нарсага тушунолмайман, хўш, қандай қилиб газхонада чўзилиб ётибман. Яна бунинг устига нега газни бир қулоғи очилиб қолган, қизиқ ё бунингни гапида жон бормикин-а?

— Қайдам,— деди Шаҳло оҳишта, негадир вужуди жимирлаб кетди, у ҳеч маҳал Солижон аканинг ўтмиши, болалиги билан, ҳатто мактабдан ташқари ҳаёти билан ҳам қизиққан ё айтайлик, бу ҳақда у билан мана шунанча гаплашган ҳам эмас. Тўғриси, у бунга ҳатто журъат ҳам қилолмас эди, бугун эрта билан хабар олгани чиққанда Солижон ака қишлоққа қачон кетишини яна суриштирди. Шаҳло эрталаб салқинда йўлга тушсаммикан, деган эди, Солижон ака бошқа ҳеч нарса демай хаёл билан ҳовлида аччагача айланиб юрди. Мана ҳозир чой устида кечаги воқеа сабаб бўлди ми. ё болалиги ёдига тушди ми, «райҳонни кўрсам, раҳматли ойим билан Раиса Максимовна деган ўқитувчимизни эслайман, отини айтгани тилимиз қовушмай, Райҳон опа, деб чақирардик», деб шунчакки айтган гапи ўтмиши

хотираларни жонлантириб юбордими, аммо Солижон аканинг ўзи ҳам негадир ўша шаддод, ўша куйди-пишди, ўша жасур аёлни тез-тез эсларди. Бахтга қарши ўшандан бери қишлоқ билан алоқаси узилиб қолган, ҳамқишлоқларидан биронтасини ҳам учратмаган эди. Бултур Шахло ўша қишлоққа борганини кечроқ эшитиб, кўп афсусланганди, бундан икки-уч ой аввал бир хат ҳам ёзиб кўрди. Ўзининг кимлигини, қишлоқдан қачон чиқиб кетганини батафсил айтиб, Раиса Максимова ё бўлмаса ўзи билан ўқиган болаларни (улар ҳам кўпчилик эмас, атиги уч киши эди) суриштирди, бироқ жавоб бўлмади. Фақат, манави воқеадан уч-тўрт кун аввал: «Сиз излаган одамлар қишлоқда қолган эмас, суриштирдик, аммо дарагини излаб тополмадик», деган мазмунда жавоб олди. Афтидан, қишлоқдан бирон одам шаҳарга тушганда эшигига ташлаб кетган бўлса керак. Негаки, хатнинг адреси ҳам йўқ эди. Солижон ака «ҳозир», деб уйдан ўша хатни кўтариб чиқиб, Шахлога берди. Шахло катак дафтарнинг бир варағига ҳарфлари дона-дона аммо негадир ўннга эмас, чапга қийшайтириб ёзилган хатни ўқиб чиқиб, бирон нима деёлмай:

— «Қ»ни думини гажакдор қилиб ёзаркан-а!— деб қўйди. Солижон ака ҳам дастлаб ўқиганда шунга эътибор берган шекилли, «рост айтасан» деб кулимсиради ва бояғидай ўйчан қиёфада деди:

— Борганинда, вақтинг бўлганда, бир суриштириб кўр-чи, қизим, мен таниган-билган одамлардан биронтаси бормикин?

— Майли,— деди Шахло ва эртасига шаҳардан қишлоққа олиб борадиган катта автобусга чиққанда эшитганларини яна бир эшлашга ва кўз олдига келтиришга тиришиб, автобус ойнасида, олисда чўққилари оппоқ қорга бурканган тоғ тизмаларига хаёлчан тикилди...

Тўққизинчи боб

ЯНГИ МЕҲМОН

Ғира-шира тонг отганда Мушира алланарсанинг шитирлашидан чўчиб уйғониб кетди-ю, ёнидаги ўриннинг бўшлигини кўриб, бошини кўтарди.

— Шахло!

— Ҳа.

— Қаердасан?

— Бу ерда,— деди пичирлаб Шахло бесўнақай, йўғон танаси деворга ёпишиб турган ёнғоқнинг панасидан чиқиб. Қўшни ҳовлига алаңлаб бир қараб олди-да, жим, дегандай бармоғи билан лабини босиб қўйди. Қўлида супурги, нима қилмоқчи, саҳарлаб ҳовли супурмоқчимми? Унда нега девор остига чўққайиб олди, қизиқ? Муниранинг уйқуси қочиб кетди, нозик қўллари билан тиззасини қучоқлаганча дугонасининг қилиқларига ҳайрон бўлиб ўтирганда, хиёл ўтмай Шахло оёқ учида юриб келиб сўрининг четига омонатгина ўтирди.

— Уша!

— Ким?

— Анави, тегажаклик қилган бола-чи, ўша!

— Ҳа, Анзорми?

Шахло ёнғоқ томонга яна бир шубҳа билан қараб, ҳа, дегандай бош ирғиди.

— Уша бўлса нима қипти?

— Қаради!

— Нима, нима?

— Девордан қаради, кўзимни очсам, девордан қараб турибди, мени кўриб дарров бекиниб олди.

— Вой, шунақа демайсанми?— деди Мунира кулиб ва ўрин-кўрпани йиғиштира бошлади,— шу ҳовлида турди-ку.

Шахло ҳам бўшашиб, шунақами, дегандек кулимсираб қўйди, қўлидаги супургини «тап» этиб ерга ташлади, оёғига шиппагини илди. Шафтоли шохидан сочиқни олиб, ювинмоқчи бўлиб ариққа юрганда, Мунира:

— Супургини нега олиб юрган эдинг?— деб қолди.

— Анавини бошига туширмоқчи эдим!

Мунира кулиб юборди. Девордан яна Анзорнинг боши кўриниши билан:

— Эшитдингми, Анзор!— деди овозининг борича. Анзор ҳеч нарса демай Шахло кетган томонга совуққина бир қараб қўйди-да, Мунирага муштумини кўрсатиб туриб кетди...

Чойдан сўнг икковлари эски коржомаларини кийиб, уйдан чиқишганда, олисдан, кўча бошидан эшагини дикиллатиб Анзор ўтиб кетди. Боққа бораётган бўлса керак. Анзор бари бир ўша бир марта синфда айтганини қилди. Мана, бир неча кундан бери ҳамма қурилиш-

да. Аммо Анзор бирор марта қорасини кўрсатгани йўқ. Мунира ўтган ишга саловат деб, ўзини билмаганига олиб, йўлда учраганда нега бормаяпсан, деб сўраб қўярди. Анзор эса дам қизариб, дам рангининг қони қочиб нидамай юрди-ю, охири бир кун ўзини тутолмай:

— Ҳой, қиз!— деди.— Мени тинч қўясанми?

— Ҳа?

— Мен у ерда нима қиламан, хўш, спорт залининг менга нима кераги бор?! Спорт зали сен билан ана ушга керак, битса, ичида дикир-дикир сакрайсан!

Мунира сира уни бупақа аҳволда: кичкина кўзлари соққасидан чиққудай, алам билан титраб-қақшаб гапирганини кўрган эмас. Балки шунинг учун бўлса керак, Анзорнинг гапларига лом-мим деёлмай бақрайиб қараб қолди. Унинг жаҳл билан лапанглаб кетишига қараб турар экан, бирдан ғалати бўлиб, раҳми келиб кетди. Рост, спорт зал тўғрисида гапирилганида, бечора, логи-роллиги эсига тушиб, ич-ичида куйса керак. Ҳагго физкультурадан бўладиган оддий машқларга ҳам қатнашмайди-ку! Ҳов бир марта синфда бўлган мунозарада нега Асқарнинг бегараз, арзимаган гапига бунчалик куйиб-пишиб, ловиллаб кетганининг сабабини энди бир қадар тушунгандай бўлди. Равшани ҳам шу туфайли ёқтирмаса керак. Ушанда, қурилишга қатнашини Равшан таклиф қилган эди. Бундай ўйлаб қаралса, Мунирада нима гуноҳ? Айтайлик, Равшан ё бошқа болаларда нима айб, ахир ҳеч ким ўзини ўйлаб шу ишга қўл ураётгани йўқ-ку. Лекин нима бўлса ҳам, бари бир, унинг тунов кунги қилиғини сира-сира кечириб бўлмасди. Мунира ўйлаган сари икки бети лоладек қизариб, ғазабдан тутақиб кетарди. Борди-ю, ўшанда жинишлик қилиб кўйлагини олиб қочганда ҳоли нима бўлишини хаёлидан ўтказган сари Шаҳлога меҳри ошарди. Шаҳло билан танишини ҳам ғалати, жуда тасодифий бўлди. Уша кун ҳамма ваъдалашган жойга йиғилди. Усмон-али ака хурсанд бўлиб, ҳали замон ранс ҳам келиб қолишини айтиб турганда, олисдан шу томонга йўрғалаб келаётган саман отга кўзи тушар-тушмас:

— Ана!— деб юборди ва рансга пешвоз чиқиб, кутиб олди. Мўминжон ака болалар жам бўлганини кўриб мамнуллигини яширолмади, жилмайди. Қўлидаги қамчининг калта, гулдор сопи билан икки лунжигга осилиб турган мўйловининг учини силаб, бирпас разм солиб турди-да:

— Хўш, азаматлар, — деди, — гап-пухтами ё ишн-чала ташлаб...

— Пухта! — чувиялашди болалар.

— Хўш, Усмонали, сени ишнинг аниқ бўлдими?

— Ҳа, — деди Усмонали ака, — кечкурун!..

— Шунақами, оқ йўл, ишим, — деди раис, — ўринингга ким қолади, битта-яримтани...

— Равшан! — деди раиснинг гапни бўлиб Усмонали ака.

Раис жилмайди-ю, индамади, орадаги гап-сўз ҳаммага тушунарли эди. Усмонали ака университетда сиртдан ўқирди, бугун кечкурун бир ойга шаҳарга жўнаётган эди.

Поччасининг эски этиги билан шимини кийиб олган, сени тирсагингача шимарилган кўйлаги ҳам ўзиники эмас шекилли, елкаси осилиб турган Асқар, устарада қирдирган бошини офтобда ялтиратиб тўдадан ажралиб чиқди-да, сира тап тортмай деди:

— Раис бува!

— Ҳа, ўғлим?

— Битта гап айтсам майлими?

— Хўп, айта қол.

— Анави, — бирдан раиснинг салобати босди, Асқарнинг ҳалиги дадиллигидан ҳеч бало қолмай, кўзларини жавдиратди. Қулт этиб ютинди, аммо бари бир гапни ютиб тураверниш ноқулайлигини сезиб, бир амаллаб гўлдираган бўлди, — анави, йўл ёқасидаги олмаларни экканимизда ҳам бизга унча шиоқирамагансиз-а, аввал ёшит, семонни тўкиб бериш, раис бува, қанақа ишлашимизни ўшанда кўрасиз!

Асқар шунақами, дегандек шерикларига бир-бир қараган эди, ҳеч кимдан садо чиқмади, бирпасда ҳаммаининг авзойи ўзгариб қолганига Асқарнинг ўзи ҳам ғалати бўлиб, бирон ножўя гап айтиб қўйдиммикин, деган ҳадиксираш билан секин болаларининг орқасига ўтиб олди. Усмонали аканинг юзидан кулги қочиб, ер остидан Мўминжон акага разм солди, Равшанининг кўзлари олазарак бўлиб қолди. Озода ёнида турган Мунираининг қулоғига аллапарса деб пичирлади, бироқ Мунира эшитмади. У шу топда, йўл ёқасидаги олмаларни тилга олиб нима қиларди, мана ҳозир қуриб қолган анави тераклар раиснинг ёдига тушиб қолса борми... деб хаёлидан ўтказди. Лекин кўпчилик хавотир олганчалик Мўминжон аканинг авзойи ўзгармади, аксинча,

Асқарнинг соддадиллик билан айтган гапи кўнглига уш келиб:

— Балли!— деб қўйди.— Отинг нима?

Асқар Равшаннинг елкасидан қараб:

— Асқар,— деди секин.

— Кимнинг ўғлисан?

— Жуманқул акаси.

— Қайси, қирдаги Жуманқулними?

— Ҳа.

— Э, шундай демайсанми, қани, бери кел,— деди Мўминжон ака,— сенда гап бор.

Асқар ҳайрон бўлиб яқин келганда, Мўминжон ака бир оз қаддини эгиб Асқарнинг елкасидан оҳиста қучди-да:

— Ука... Сенга иккита юмуш бор,— деди.

— Майли, айтинг.

— Дарёнинг қирдаги ўзанида тоза қум бор деб эшитган эдим, уч-тўрт кундан кейин машина бўшаса, бераман, даданган анигини билиб келасан, хўш, ундан кейин,— Мўминжон ака бош кўтарди, кўзи билан аллакимни қидира бошлади, сўнг ўғлига, қани, дегандай савол назари билан қараган эди, Равшан кулиб юборди.

— Э, дада, унингиз тоза уйқучи экан, ҳали тургани йўқ.

— Шунақами,— деди Мўминжон ака ҳам мийиғида кулиб: «Шаҳар боласи, қишлоқдагиларга ўхшаб саҳарлаб туришга ўрганмаган, қолаверса йўлда ҳам чарчаган», дея хаёлидан ўтказди.— Хўш, шаҳардан меҳмон келган, яйловда сира бўлмаган экан, шунга яйловни кўрсатиб, бир томоша қилдириб келасан, хўпми?

— Хўп!— Асқарга рансинг топшириғи жуда-жуда ёқиб кетиб, оғзининг таноби қочиб илжайди. Мўминжон ака ҳамма бўладиган ишларни болалар билан яна бир гаплашиб олди-да, сўнг: бугун-эрта сайхонни тозалаб, эски пойдеворнинг уч-тўрт қатор терилган гиштларини кўчириб, бир чеккага тахлаб қўйишни тайинлаб отганиди. Болалар баҳонаси билан кўпдан чала қолиб ётган ишнинг битишидан хурсанд бўлди-ю, бу хайрли ишнинг нимасидир Мулладўстга унча ёқинқирамаганини эслаб, ўйлаб қолди. Мулладўст кўнглидагини очиқ айтмади, аммо хонаси келганда гап орасида «асли шу ишни кейинга сурсангиз бўларди, Мўминжон ака,—

деди,— болаларга ишониб бошляпсиз, ўлда-жўлда бўлиб қолиб кетмасмикин деб қўрқаман». Мўминжон ака ҳамма ишни усталарга юклаймиз, болалар кўмаклашадди холос, деганди, Мулладўст бошқа оғиз очмади, хўш, нима гап деб қизиқмади ҳам. Қизиқ, ўтган сафар пойдеворга ғишт терила бошлаганда ҳам Мулладўст анчагача калавасни йўқотиб қўйган одамдек талмовсираб юрди, бироқ иши чала қолиб, усталар фермага ўтгандан кейингина яна аслига қайтди, яъни, юриш-туришига ҳаловат киргандай бўлди. Қизиқ, нега бунча шу ишга рўйхуши йўқ? Спорт зал Равшаннинг таъбири билан айтганда, эски қишлоқдан якка-ягона «намуна» бўлиб қолган ўша, Мулладўстнинг холасининг эски уйига тақалиб, ораликда битта машина аранг ўта оладиган жой қолган, уни ҳам раис кейинчалик болаларга кийим-кечак ечадиган жойга айлантириб беришни ўйлаб қўйган эди. Ё шовқин-сурон кўпайса, Мулладўст холасининг тинчи кетишини ўйлармикин, тавба, ўша, аллақандай домладан қолган, тутдай тўкилай деб турган уй-жойга мунча ёпишиб олмаса... Раис, олисдан шаҳардан чиққан меҳмонларга кўзи тушиб, отга қамчи босди... Мўминжон аканинг салобати босиб турган эканми, у жўнаши билан болаларга жон кирди. Ҳамма қий-чув билан ким нима иш қилишини аниқлай бошларкан, овсар эшикни қия очиб бир қаради-ю, яна ёниб ичкарига кириб кетди. Аммо унга ҳеч ким эътибор бермади. Ҳамма ўзи билан ўзи овора эди. Самовар билан ўтинга замбил-ғалтакни судраб Мирқобил билан Нортोजи кетди, қизлар сайҳонда сочилиб ётган нарсаларни йиғиштира бошлашди, болалар эса эски пойдеворнинг нураб қолган ғиштларни кўчиришди. Уюлиб қолган ахлатларни қаёққа йўқотишни билмай қизларнинг боши қолиб турганда, Озода:

— Ҳой, Равшан,— деди,— буларни нима қиламиз?

Равшан қўлидаги ломни бир чеккага ирғитди-да, бошини қашиб туриб қолди. Рост, шунча чиқиндини қаёққа йўқотса бўларкин-а?

— Анави ер-чи,— деди Мунира, пойдевордан сағал нарида қачонлардир лой олиниб, кейинчалик шундоқ қолиб кетган каттагина чуқур ўрани қўли билан кўрсатиб. Равшан майли дегандек бош ирғитди, бузилган ғиштларни Мирсалим замбилга тахлаб бўлиб қараб турган экан, дарров ишга тутиниб кетди. Қизлар челақларни, икки-уч замбилни ахлатга тўлдириб, энди чуқур

томон юришган ҳам эди, бирдан аллақаяқдан Асқарнинг өвези эшитилиб қолди:

— Ҳой, тўхтаглар!

— Ҳа?

— Чуқурга тегманглар, эрта-индин машина-машина сёмон келганда қасрга ағдарамиз, ўша ерга-да, эс деган нарса борми сенларда!— деди Асқар олисдан. Фақат шундагина ҳамма Асқарнинг бир чеккада, дарахтнинг соясида чордана қуриб ўтирганини кўриб, ишдан тўхтади. Қўлларидаги челақ-замбилларни ерга қўйиб, чувиллашиб тепасига келишди, Озода шундоққина рўпарасига чўнқайди-да:

— Ҳа, нега ўшқирасан?— деди Мунира эса ҳеч нарсага тушунмай сўради:

— Ҳа, нега бекор ўтирибсан?

— Бекормиш-а,— деди Асқар ва йилтиллаб турган бошига бир шапати уриб қўйди.— Хаёлим қочиб кетди.

— Қаёққа?

— Қирга.

— Ана холос,— деди Озода ва жиғига тегинш учун қошларини ғалати чимириб, хиргойи қила кетди,— ўзим ҳар жойдаман, кўнглим қирдадир!

— Бас!— деди Асқар. Ҳозир унинг ҳеч қанақа ҳазил-ҳузулга тоби йўқ эди.— Хўш, раиснинг гапини эшитдиларингми?

— Эшитдик.

— Бўпти-да!— деди. Асқар чинакамига уф тортиб.— Шундоқ иш қайнаб турганда раис меҳмонни яйловга олиб бориб ўйнатиб кел, дедими, демак, меҳмоннинг кўнглини олиш ҳамма нарсадан муҳим экан, уқдиларингми?! Хўш, мен уни қаерларга олиб борай, Қизбулоққами?— Асқар Мунирага қараб қўшиб қўйди.— Ҳозир баҳор бўлиб, ўша меҳмон ҳам сенга ўхшаш лөла жиннис бўлганда-ку, оппа-осон қутулардим-а!

Озода, аввалига ҳазил деб, ўзини аранг тутиб турган эди, йўқ. Асқарнинг чиппа-чин ташвишга тушиб ўтирганини кўриб, ўзини тутолмади, хандон уриб кулиб юборди, Мунира эса овозининг борича:

— Ҳой, Равшан!— деди. Равшан олисдан нима гап дегандек бирпас ажабланиб қараб турди-да, ўртада чордана қуриб ўтирган Асқарни, унинг атрофида хахлаб кулаётган қизларни кўриб, оббо, яна масхарабозлик қилипти шекилли, деган хаёл билан шу томонга кела бошлади.

— Нима гап?

— Э, мапанга қара!— деди Озода ҳали ҳам кулгидан ўзини тиелмаи, Мунира эса кафтлари билан кулгидан ёшланган кўзларини арта-арта:

— Дадангинг топшириги бечорани жинни қилаёзибди,— деди Равшан эса қизларнинг пойма-пой гапидан бирон нарса англай олмай хуноби ошиб турганди, Асқарнинг ўзи гап бошлади.

— Тур-е, э тентак,— деб юборди Равшан,— қанақа нозик меҳмон, кимнинг кўнглини олиш керак? Нима деясан? Дадам айтган одам сенга ўхшаб соя-салқинда чордана қуриб ўтиргани йўқ, ана, ишляпти!

Дарҳақиқат, Асқар олисда Мелиқўзининг олдига тушиб баб-баравар замбил кўтариб кетаётган, эгнига шим, бошига похол қалпоқ кийиб олган бегона қизга қаради-ю, ўрнидан қандай туриб кетганини ўзи билмай қолди.

Озода ўша томонга юрди, Мунира эса негадир тўхтаб, олисдан «меҳмон»ни бўй-бастига бир зумгина разм солиб турди-да, «кўҳликкина» экан, деб хаёлидан ўтказиб қўйди. Аммо у билан танишиши жуда ғалати, сира кутилмаган жойда бўлди, мўлжалланган ишларни анча-мунчасини бажариб қўйиб, пича тамадди қилиб олиш учун бирин-кетин ҳамма топган-тутганини ўртага қўйиб, эндигина ўтира бошлашганда, Муниранинг сувга бир шўнғиб чиққиси келди. Озодага, юр, дарёга бориб келамиз, деган эди, Озода эринди, бошқа қизлар ҳам унча хоҳиш билдиришмади. Мунира Равшаннинг кейин борарсан, деганига ҳам қулоқ солмай, халтачасидан сочиқни олди-да, дарё томонга тушиб кетди. Катта семон кўприкдан тахминан уч-тўрт юз метрча нарироқда овлоқ жой бор, қирғоқдаги қалин бутазорга қўл тегмаган, қандай бўлса шу кўйи ўсиб ётибди. Мунира ҳар гал шу ерда чўмиларди. Бутазорга кириб кўйлагини ечди, мавжланиб оқаётган муздек сувга тушгани эти сесканиб, бирпас қирғоқда ўтирди. Сўнг Анзорнинг шу томонга келаётганини кўриб сувга шўнғиди, оқимга қараб сузиб кетди. Анча-мунча ерга бориб, орқасига қайтди-да, дарахтнинг сувдаги илдизига тирмашиб қирғоққа чиқаётган эди, буталарнинг орасида алланарса шитирлади. Мунира ажабланиб бир оёғи сувда, бир оёғи қирғоқда туриб қолди. Кўп ўтмай бояғи шитирлаш кучайди, аллакимнинг буталар орасидан шу томонга — қирғоққа келаётгани аниқ эди. Мунира шоша-пиша:

— Қим?— деди, аммо шитирлаш тўхтади-ю, ҳеч ким жавоб бермади.

Ит бўлса керак, дея хаёлидан ўтказди Мунира. Энди иккинчи оёғини ҳам қирғоққа қўйган эди, аллаким буталарнинг қалин шохларини қўли билан икки томонга эгиб, рўйрост ўрнидан туриб кетди. Мунира бирдан чўчиб, вой деб юборди-ю, жон ҳолатда орқаси билан тисарилиб сувга шўнғиди, бошини чиқариб апил-тапил юзкўзидан оқаётган сувни қўллари билан сидириб қараганда, қирғоқда ўтирган Анзорга кўзи тушди.

— Э, бу нима қилиқ, нега келдинг, бу ерда нима қилиб ўтирибсан?

Анзор бепарвогина ишшайди, узун-қисқа оёқларини чўзиб бемалол ўтириб олди. Жавоб бермади. Унинг қўлидаги кўйлагини кўриб Мунира қичқириб юборди:

— Қўй жойинга!

— Майли,— деди Анзор ва ўршдан туриб бутазорга кириб кета бошлади,— ҳув ашави катта йўлдаги чинорнинг шохига илиб қўяман.

— Тўхта!

— Ҳа?

— Ташлаб кет,— Мунира қўллари билан сувни шалоплатди,— ҳозир дод дейман.

Анзор яна боягидай ишшайиб, бепарвогина келиб жойинга чўққайди-да:

— Майли,— деди,— дод деганинг билан Равшан эшитмайди!

Мунира унинг гапларига киприкларини оғир-оғир силкитиб, ҳайратда қараб қолди.

— Нима дединг?

— Ҳа?

— Яна битта қайтар!

— Ёлғонми?— деди Анзор.— Тунов кун кечқурун тешаликда Тоҳир-Зухра бўлиб ўтирганларинингиз ўзим кўрганман.

— Анзор!— хўрлиги келиб қичқириб юборди Мунира.— Бас, нима деб алжираяпсан, аҳмоқ!

— Қим аҳмоқ?— Анзорнинг кичкина кўзлари соққасидан чиққудай олайиб кетди, негадир қалт-қалт титраб, ўрнидан туриб қайта ўтирди. Бутазорини шитирлатиб, аллаким шу томонга шошиб келаётганини эшитмаса, бу воқеа нима билан тугаши номаълум эди. Анзор ранги қумдай ўчиб, юраги шувиллаб ўгирилди-ю, бутазордан чиқиб келган қизни кўриб, худди сурат олдираётган

одамдай киприк қоқмай туриб қолди. Мунира эса йиғи аралаш:

— Шахло!— деб юборди. Шахло бирпас ғалати тикилиб турди-да, Анзорнинг қўлтиғидаги кўйлакка қўл чўзди. Анзор беихтиёр орқага тисарилиб, сувга жуда яқин келиб қолди.

— Ҳа?— деди аранг ўзини ўнглаб.— Кимсан, кўйлакни нима қиласан?

— Вой, сен-чи, киясанми?— деди хохолаб Шахло, кейин сапчиб қўлтиғидан кўйлакни юлиб Мунирага иргитди. Мунира илиб олди. Бунинг ҳаммаси бир зумда бўлгани учун Анзор довдираб қолиб, бирдан иккала муштипи кўтарди. Шахло қўрқиб кетиб, ётиб қолгунча отиб қол, қабилида иш тутди: жон аччиғида Анзорни қорнидан итариб юборди. Анзор буни сира кугмаганига мувозанатини йўқотиб, бир лапанглади-да, шалоплаб сувга тушиб кетди. Мунира лип этиб қирғоққа чиқиб олди. Иккови олдинма-кейин бутазордан югуриб чиқишди. Аича жойгача гап-сўзсиз, хавотир олиб, орқаларига қарай-қарай боришди, бироқ ҳеч ким кетларидан қувиб келмаётганини кўриб, ўзларини хийла босиб олишди.

— Осмондан тушдингми, Шахло?

— Йўқ, ердан чиқдим,— деди Шахло кулиб. Мунира ялт этиб бир қараб қўйди-ю, дугонасининг меҳрибонлигидан хурсанд бўлиб жилмайди. Шахло ёнида жимгина бораётган Мунирадаги ўзгаришни сезмади:

— Мунча қилиғи совуқ,— деб қўйди.

— Боягини... Равшанга айтмай қўя қол, Шахло!

Семон кўприкка яқинлашганда Шахло дарё бўйидаги катта тепаликда тўхтаб, қизиқиб туриб қолди. Ҳа-ҳа, ўша, Солижон ака айтган тепаликнинг ўзи, бу ердан дарҳақиқат қишлоқнинг ярми кафтдек кўриниб экан. Қизеқ, наҳот Солижон ака ҳам, чўмилиб юрган хув анавви қора-қура болаларга ўхшаб дарёдан чиқа солиб мана шу тепаликнинг устида думалаб ётган бўлса! Муниранинг хаёлида эса, бошқа нарса, негадир, шатир-шутур ёмғирдан кейин паға-паға булут орасидан ярақлаб чиққан офтобда ловиллаб кўз қамаштирган ўша бир жуфт долақизғалдоқ кўриниб кетди-ю:

— Юр, Шахло,— деди секин. Яхши қиз экан, ойиси навбатчиликда қолганда, уларникида ётгани чақириб чиқса-чи? Йўғ-е, меҳмон бўлса, яна бунинг устига Равшаннинг ойиси билан дадаси нима деркин? Озодани чақирса ҳам бўладди-ю, аммо унинг укалари кўл, тағни

ҳаммаси ўғил бола, қўли тегмайди. Равшанга айта қолсаммикин? Шундай қилгани яхши: Равшан ойисини ҳам, دادасини ҳам кўндиради, бу аниқ. Ё Шаҳлонинг ўзига айта қолсаммикин? Аслини олганда-ку, бунинг Муширага сира кераги йўқ, уйда ёлғиз қолишдан чўчимайди. Бироқ ойисининг кўнгли сира тинчимайди, бир кун ирим кечада азия-базза келиб хабаб олиб кетгани ҳали эсида. Ушанда Мушира ранжиб: «Ойи, нега бунақа қиласиз», деганда, ойиси шу кунгача Муширанинг хаёлига келмаган галати-галати парсаларни айтиб берган эди; шу-шу ойиси кечикса, дарё бўйидаги тепаликнинг устига чиқиб пойлайдиган бўлди, ушанда Равшан: «Нега доим кечкурун шу ерда ўтирасан?»— деганда сабабини айтмоқчи бўлди-ю, ойиси битта-яримтага гапирмай қўя қол, менга шундай туюлди шекилли, деганига нидамаган эди. Аммо ойиси кейинчалик Муширани алдаб-сулдаб кўнглига қанча далда берса ҳам, бари бир Мушира то онасининг қораси кўрингунча юрак ўйноғида ўтирадиган бўлиб қолди. Қизик, баъзи-баъзида ойисининг орқасидан қорамача-қора пойлаб келадиган одам ким-у, ойисида нима иши бор ё бирон ёмон шят билан шундай қилармикин? Ойисининг гапига қараганда, кейинчалик, касалхонадагиларнинг баъзилари билгандан сўнг ўша номаълум одам гоиниб бўлган, чўчиган бўлса ҳам эҳтимол. Аммо кўп ўтмай ойиси оқсоқлана-оқсоқлана зўрга уйга кириб келди. Мушира қараса, чап оёғининг тўнгида юқориси моматалоқ бўлиб шиниб кетган. Мушира юраги ёрилуғдек бўлиб йиғлаб юборди. Кейин билса, ойиси сёмон кўприкнинг ўртасига келганда аллаким оёғига тош отган, ойиси чўчиб ён-атрофга қараса, ҳеч ким йўқ, қўрқиб кетиб уйга югурган, то эшикка етиб келгунча жон аччиғида оёғининг оғриғини ҳам сезмаган. Яна бир воқеани ўйласа, Муширанинг аъзон баданидан совуқ тер чиқиб, эти жушжикиб кетади. Баҳор ойлари эди, ойиси ўша кун ишга эрта кетди. Мушира кун ёйлаганда турди, чой қўяман деб ошхонага ўтаётган эди, ойисининг деразасидан буралиб чиқаётган тутунга кўзи тушар-тушмас бир лаҳза ҳайратда қотиб қолди, қўлидан чойнак тушиб кетиб, жон ҳолатда уйга югуриб кирди. Ичкарига қамалиб қолган аччиқ тутундан кўзлари ёшланди, бир зум нафаси бўғилди, кафтлари билан кўзларини ишқай-ишқай аранг қараган эди, дазмолнинг остидан тўрт букланган адёл буруқсаб тутаётган экан. Мушира дарҳол адёлни тортиб олиб деразадан улоқтирди. Кейин

билса, ўша кунни ойиси дазмолга қўл ҳам урмаган экан. Хуллас, бир ярим йил ичида бўлиб ўтган ана шунақа воқеалар мана ҳозир Муниранинг хаёлидан бирма-бир ўтаркан, сесканиб кетди-ю, Шаҳлога қаради:

— Шаҳло!

— Ҳа?

— Бир нарса сўрасам йўқ демайсанми?

— Майли, сўра.

Мунира айтишга айтиб қўйиб, негадир қимтишиб пича жим қолди, аммо-лекин бекорга шунча ташвиш тортган экан. Шаҳло кўндигина эмас, жон-жон деб рози бўлди. Ҳатто, қайтага яхши бўлди. Равшан билан нимани ҳам гаплашардим, деб кулиб қўйди. Уша кундан бери ойиси навбатчиликда қолса, дарров Мунираникига чиқади. Кўп ўтмай қадрдонлардай апоқ-чапоқ бўлиб кетишди... Мана ҳозир ҳам чақчақлашиб, Анзор қайрилиб кетган кўчадан шоша-пиша қурилишга боришаркан, олисда ғишт олиб келган машиналарга кўзлари тушиши биланоқ ўша томон олдинма-кейин югура кетишди.

Унинчи боб

қурилишда

Охирги машина манзилга етиб тўхташи билан кабинетнинг эшиги очилиб, бошини қийиқча билан танғиб олган Мулладўст сакраб пастга тушди. Майда-майда қадам ташлаб уёқ-буёққа юриб, ёш боланикидек кичкина кафтини пешанасига қўйиб, ён-атрофга аланглади. Машиналар бирин-сирин жўнаши билан одам бўйи келадиган ғишт уюмлари орасида юрган болаларнинг ичидан аллакимни зўр бериб қидираётган Мулладўстнинг юзи бирдан ёришиб кетди-ю:

— Жиян!— деди мулойим товуш билан.— Буёққа қаранг!

Равшан орқасига ўгирилди. Қўли билан имлаб олди-га чақираётган Мулладўстни кўриб беҳад қувониб кетди. Хайрият-е, дадаси кеча, Мулладўстнинг авзойи бирдан яхшиликка ўзгариб қолди, оёқ-қўлли одам, деган эди. Яхши бўлди, йўқса нима қиларини билмай тоза боши қотиб турган эди. Яна бунинг устига иш бошлайман деб келган пакана, жиккак, бир тутам яккам-дуккам соқолига оқ оралаган Ашур уста ҳам эрта билан

машинадан ҳадеганда дарак бўлавермагач, бирпас тутоқиб турди-да, сабри чидамай, бекорчиликдан кимга фойда, деди-ю, шериклари уста Қосим билан уста Мўйдинни бошлаб ферманинг чаласини битказгани кетиб қолди. Кўп ҳам ўтмай олисда, кетма-кет шу томонга бурилган машиналарнинг қораси кўриниши билан Равшан Асқарни усталарга югуртирди. Энди буёғига ҳайрон бўлиб турганда, буни қаранг, ердан чиқдим, осмондан тушдим, охириги цемент ортган машинанинг олдида Мулладўст кўриниб, Равшан шоша-пиша шу томонга кела бошлади.

— Ҳорманг, жиян,— деди Мулладўст ҳар галгидек мулозаматни қуюқ қилиб,— чарчаганингиз йўқми?

Равшан кулди.

— Бе, ҳали дурустгина иш бошлаганимиз ҳам йўқ-ку!

Мулладўст илжайди.

— Камтарсиз, жиян, камтарсиз, ана шунингизни ёқтираман.

Мулладўст кичкина, юмшоқ қўллари билан Равшаннинг суяклари туртиб чиққан кенг елкаларига оҳиста уриб қўйди. Уч-тўрт кун жазирамада офтобда куйиб-пишиб ишлаганидан киртайиб қолган кўзларига бир лаҳза разм солиб, яна бояги мулойим товуш билан:

— Ҳадеб ўзингизни койитманг, жиян,— деди аччи-гандай,— анавиларни ишга солинг, ҳа, бошлиқ ҳамманинг ғайратини қўзғаб, ҳаммадан аввал енг шимарса ҳам, аммо ўзи ишламайди, иш кўрсатади, ҳа, ҳа, қани, жиян, анави аскарларни баққа чақиринг-чи.

— Нимага?

— Гап бор.

Равшан кафтини оғзига карнай қилиб қичқирди.

— Қани, ҳой, буёққа!

Сочилиб ётган ғиштларин ҳам жой ўғирламасин, ҳам усталарга қулай бўлсин деб, пойдеворга яқинроқ жойга тўп-тўп қилиб тахлаётган болалар бири-сини шу томонга кела бошлашди. Цементни ағдарса, сувдай ёйилиб кетадиган нарса, кўплашиб хаш-паш дегунча қоплаб олинса бўлади, унгача уйга кириб пича дам олиб чиқаман, деган ният билан Мулладўст бир дунё эски-туски қоғозқоп ҳам ола келган эди. Шофёр буни эшитиб, тутоқиб кетди, бир жойга гир айлантириб ғишт тердиринг, мулла ака, тўкамани-кетаман, ҳеч қаёққа ёйилмайди, деб уввало қилди, Мулладўст кўнмади. Кўпиш уёқда

турсин, ука, эсингиз жойидами, буни бир челаги нес-нобуд бўлса, давлатга қанча зиён, деб қайтага шофёрни койиб берди. Равшан ҳам Мулладўстнинг гапини маъқуллади-ю, дарров болаларни ишга солиб юборди. Мулладўст ишнинг боришини бирпас кузатди. Кабинадан кичкина тугунчани олиб қўлтиқлаганча уйга кириб кетиши билан ҳовлиқиб Асқар ҳам келиб қолди.

— Айтдингми?— деди Равшан.

— Ҳа, ҳали замон келишади,— Асқар уч тонналик катта машинага чумолидай ёпишиб олиб, бири қоп очгану, иккинчиси кўтарилаётган чанг-тўзонга ҳам парво қилмай, цементни челақлаб қопга солаётган болаларга:— Э, эс деган нарса борми сенларда?— деди.

— Ҳа?

— Қайси тентакдан чиққан ақл бу?

Равшан елкасидаги қопни тап этиб ерга қўйди.

— Нима дейсан?

— Шунча цементни қоплаб бўладими?— деди Асқар машинадан сағал наридаги кеча атайлаб ўзи супуриб, топ-тоза қилиб қўйган қуп-қуруқ ўрани кўрсатиб.— Ана тайёр жой, ўша ерга тўкамиз!

Хуноби чиқиб турган шофёрга жон кириб, қошигача бостириб кийиб олган шапкасини қоқиб, бошига қайта илди-да:

— Бормисан, ука!— деди ва бир сакраб машинанинг зинасига чиқди.

— Ҳой, ерга-я?!— деди Равшан.

— Ҳа, боши ёриладими, ёйилиб кетмаса бас-да!

— Рост-а!— деди Озода ҳам пақирнинг остидаги цементни машинага ағдариб, пастда турган Мунирага узатаркан,— ма, ол, уч-тўрт кунда ишлатилиб кетадиган нарсага шунча оворагарчилик-а, қиламан деса бошқа иш йўқми?

Озода оёғини ғилдиракка қўйиб пастга сакради, бошқалар ҳам бирин-сирин пастга тушиб, чанг босган шим-кўйлақларини қоқа-қоқа ғишт тахлашга кетишди. Равшан кўзларини маъносиз пирпиратиб шофёрга айтмоқчи бўлган гапи оғзида қола қолди. Машина кескин бурилиб, орқаси билан тисарилди, чуқурнинг оғзига келганда қаттиқ бир силкниб тўхтади. Шофёр кабинанинг ойнасидан бошини чиқариб чуқурни мўлжалга олди-да, оҳиста ричагини босди.

— Ҳой, қиз!

— Ҳа,— Шаҳло югуриб келди.— нима дейсиз, амаки?

— Бояги одам қапи?

— Билмадим.

— Анави эшикка кириб кўр-чи!— деди шофёр бўм-бўш сайхонликда яккаю ягона, деворлари аллақачон нураб кетган ҳовлини кўрсатиб.— Боя ўша ёққа киргандек бўлган эди, қара-чи, қизим, шошиб турибман.

— Майли,— деди Шаҳло ва бўёқлари аллақачон кўчиб, олатароқ бўлиб кетган бир тавақали пастак эшик томонга юрди. Аммо эшик ичкаридан тамбаланган экан. Шаҳло шофёр шошиб тургани учун тақиллатгани ҳам сабри чидамади. Эшикни икки-уч силкиб итарган эди, тамба жойидан қўзғалди. Эшик ғирчиллаб очилиб кетди. Шаҳло шоша-пиша остона ҳатлаб, кўзлари жавдирраганча ғалати бир аҳволда туриб қолди. Ажабо, қишлоқ билан бу ҳовлининг орасида қанча тафовут бор-а: мунча кўримсиз, пастқам, зах, аянчли аҳволда. Бу ерга дафъатан кирган одам худди ўтмишга қайтиб келиб қолгандай, эти жунжикиб кетади. Тарих музейидаги чарх йигириб ўтирган муштипар кампирнинг кулбасининг худди ўзгинаси-я! Фарқи нуки, бу ерда бир шох кампирнинг бошига эгилиб турган ўриг-у, тақир пўстақда чарх йигириб ўтирган уй эгаси йўқ холос. Чорсинга ҳовли юзида на тиккайган дарахту на бирорта гул бор, деворнинг остига шох-шабба босилган. Фақат эски бостирмага ўхшаган бир нарса бор, йўғ-е, лой томдаги бир туртса қулагудек аҳволда турган бесўнақай мўрнисдан ошхона дейилса ҳам бўлади. Аммо мўрнининг тепазидаги токда роса узум кўпми, қора кишмиш экан, тавба, баргидан кўп-а?! Қизик, ҳовлида ток тугул бир туп кўкат йўқ-ку, буни тупи қаерда экан. Э бўлди, кўчада, деворнинг тагида ўсган ток бўлса, ичкарига қайириб сўрига олишган. Шаҳло ичкари ҳовлига кириладиган, нусхаси фақат музейдаги топиладиган гулдор, эски эшикнинг катта-катта ҳалқаларини қизиқиб ушлаб кўрди-да, энди итариб очмоқчи бўлиб турганида, ичкаридан келган ғўнғир-ғўнғир товушдан сесканиб туриб қолди.

— Ушамми?— бу Мулладўстининг овози эди.

— Ҳа... шу кам эди,— деди хириллаган наст товуш билан аллақим ва қих-қихлаб йўталиб қўйди, шу билан гап ҳам узилиб, анчагача жим қолди. Шаҳло эшикни итариб кўрган эди, буни ҳам берк экан, «тавба, бу ҳовлига одам куппа-кундузи киргани қўрқадим-ю, бир эмас иккала эшикни беркитиб олишбди-я», дея хаёли-

дап ўтказди. Ҳалқани ушлаб қаттиқ-қаттиқ тақиллатган эди, аллаким шоша-пиша келаркан, йўл-йўлакай:

— Ким?— деди секин, бу, Мулладўстнинг овози эди.

— Сизни шофёр сўраяпти.

Мулладўст аллақачон эшикнинг олдига етиб келган бўлса ҳам, аммо очмади, эшикнинг тирқишидап қараб:

— Ким?— деди, яна,— кимсан?

— Мен... Шаҳломан.

— Меҳмон қизмисан?

— Ҳа.

— Шунча цементни дарров қоплаб бўлдиларингми?

— Йўқ, эски лой ўрага ағдардик.

Анча жимликдан сўнг:

— Аттанг,— деб қўйди Мулладўст,— бор, боравер, ҳозир чиқаман.

Шаҳло кўчага чиққанида Равшан қизариб-бўзариб, ердан ғишт олиб Асқарга отар, дам-бадам еворгудек бўлиб унга олайиб қўярди. Аммо Асқар парво қилмасди. Ҳар гал чаққонлик билан ғиштни илиб олиб миқ этмай Мунирага узатар экан, унга сари Равшан ўзини қўярга жой тополмай ора-чора Асқарнинг жиғига тегиб гап ташларди. Муниранинг сабри тугаб:

— Бас-э, бу нимаси-я,— деди,— шу арзимаган нарсага бунча тўнингни тескари кийиб олдинг?

— Ким?!

— Сен!— Мунира тутоқиб кетди,— шу нарса қопланмади-ю, Асқар айтгандек чуқурга ағдарилди, шунга шунчаман?

— Йўқ!

— Ҳа?!

Равшан қўл силкиди-да, яна ерга энгашди. Асқар эса меҳмон қизининг сира тап тортмай Мулладўстнинг ҳовлисига кириб-чиққанини кўриб:

— Ҳой,— деди,— у ерда нима қилиб юрибсан?

— Қаерда?— тушунмади Шаҳло.

— Анавиникида?— Асқар бери кел деб, илади. Шаҳло яқин келиши билан бошини маънодор чайқаб қўйди.— Оёқ-қўлинг соғми?

Шаҳло ҳеч нарсага тушунмади, Мунира пиқ этиб кулиб қўйди.

— Хайрият-е!— деди Асқар пичирлаб.— Қурилишнинг бахтига омон қолибсан, у ерга бошқа кира кўрма.

— Нега?

Аммо шу пайт «ушла» деб бирдан Равшан қўлидаги

ғиштни ирғитган эди, Асқар каловлаб илолмади, ғишт шундоқ тўпигига тегиб, вой-войлаганча ўтириб қолди. Афтидан, Равшан ҳам бунақа бўлишини хаёлига келтирмаган, фақат жаҳл устида ирғитган-у, ғишт қўлидан чиқиши билан ўзининг ҳам юраги орқага тортиб, шувиллаб кетган эди.

— Ёмон тегдимми?— деди ёнига чўккалаб.

— Йўқ,— деди Асқар тишини-тишига қўйиб,— яхши тегди.

— Кесатма.

— Ҳа?

— Ўзинг нега ағраясан?!

— Энди аламингдан чиқдингми?— деди юраги увишиб Мунира, Равшан алланечук бўлиб кетди. Шаҳло:

— Кўзингга қарасанг бўлмайдим, Равшан!— деди.

Равшан бўшашиб:

— Нима, жўрттага қилибманми?— деди бош кўтармай. Оёғининг лўқиллаб оғришига зўрға чидаб ўтирган бўлса ҳам, Асқар қизларнинг олдида сирбой бергиси келмай, зўрма-зўраки илжайди.

— Қўявер, меҳмон қиз, қўлим билан эмаклаб бўлса ҳам сени қирга олиб бориб ўйнатиб келаман!

Шаҳлонинг катта-катта кўзлари алланечук жавдираб, мулойимгина жилмайиб қўйган эди, Мунира «ҳо, гапга балосан-ку», дегандек зимдан Асқарга қараб олди. Орадаги ўнғайсизлик бир оз йўқолгандай Равшан ҳам ўзини енгил сизди-да, бир нима демоқчи бўлибми ё кўнглини кўтариш ниятидами, Асқарнинг елкасига оҳиста қўлни қўйганида эшикдан Мулладўст чиқиб қолди.

— Жиян!

— Ҳой, мунча ағраясан,— деди Асқар,— тоғанг чакриятти, Равшан, «лаббай» демайсанми?

Шаҳло билан Мунира хандон отиб кулиб юборишди. Бўш замбилни силкитиб Нортожи билан Озода ўтиб қолди. Асқар чордана қуриб латифа айтяпти, деб ўйлашди, «биз ҳам эшитайлик» деб шу томонга бурилишди. Равшан эса худди бехос тиканга тегиб кетгандек чўчиб, Асқарнинг елкасидан қўлини тортиб олди, сапчиб ўрнидан туриб кетди. Шофёр, баракалла, одам ҳам шунақа бўладими, дегандек бош чайқай-чайқай кабинага чиқди, аммо Мулладўст кетишга шошилмади. Нима бўлгани-ю, Асқар нега оёғини чангаллаб ўтирганигача бирма-бир суриштирди-да:

— Аттанг,— деди,— эринмай қоплаш керак эди, жиян.

У кўзларини қисиб, негадир бир лаҳза чуқурга қараб турди-да, ҳай, майли, бўлар иш бўлибди, деб қўя қолди. Равшан, ана, айтганимни қилганларингда шу кўргилик ҳам йўқ эди, дегандай:

— Албатта!— деди жон кириб.

— Жиян!— деди Мулладўст ва Равшанининг тирсагидан ушлаб шивирлади.— Анави ўзбилармонни ё жавобини бериб юборинг, ё чойга ўтқизиб қўйинг, дадангиз билмасин ҳам, кўрмасин ҳам, жаҳллариини биласиз-ку!

— Майли.

— Хўш, ҳали тушликка мулла Анзор икки нақир узум ташлаб кетди, мен яна гир этиб бир машина цемент олиб келаман.

— Хўш,— деди Равшан негадир орада бўлаётган гапсўзни Мушира эшитиб қолишдан ийманиб. Аммо Мулладўст қанча пичирлаб гапирмасин, баъзи сўзлар Муширанинг қулоғига чалинган эди. Мулладўст машинага ўтириб жўнаб кетгандан кейин Равшан Асқарга меҳрибончилик қилган бўлиб, бугунча дам ола қол, деганда, Асқар: «Бе, нима деяпсан», деб унамади-ю, чойга қараб туришни таклиф қилганда чор-ночор ўзи ҳам кўншига рози бўлди, негаки, тўпигининг ости мўматалоқ бўлиб, ёнғоқдек шишиб чиққан эди. Асқар «мана Анзорнинг йўғи ҳам билинмайдиган бўлди», деб яна қизларин бирпас кулдирди-да, оқсоқлана-оқсоқлана самоварнинг олдига қараб кетди. Муширанинг юраги ачишди, негадир шу топда Равшан, ўша Равшан, кўзига жуда бошқача кўриниб кетди. Иш орасида ҳам Равшан уч-тўрт бор Мушира томонга қараб қўйди. Аммо Мушира сезмаганга олди. Озода, Норқўзи, Асқарларнинг ёнида сабзи-пиёз тўғраётган Шаҳлонинг ҳазил-ҳузул гапларига бепарвогина жавоб қайтарса ҳам, Равшан томонга сира қарамади. Бир лаҳзада нега бирдан ўзгариб қолди, Равшан тушунолмасди. Ипсоф билан айтганда, Равшан хафа бўлиши керак эди, наҳотки Мушира ҳам шундай деб ўйламаса?! Бечора ҳаммага иш кўрсатиб, бир чеккада қўл қовуштириб турмай, ўлар-тириларига қарамай ўзи ҳам ишласа-ю, биттаси қизиб турган ишнинг белига тепса, ҳамманинг олдида уни бебурд қилса-я. Аттанг, Асқарни дали-ғули, юрагида кири йўқ бола деб юрарди, бир ҳафтада қанақалиги билинди-қолди. Вой ўзбошимча-ей, цемент қопланадим, ерга тўкналадим, сувга

оқингизладими, ҳамма чумолидек ёпишиб ишлагандан кейин сен ҳам белингни қайштириб, айтганингнинг демай қилавер! Хўп, ана борки, Равшан билмай одамларнинг ортқича ишга солиб қийнаб қўйдим, эртақдаги Исқандарнинг соч-соқолини олган ҳовлиқма сартарошга ўхшаб жуда юрагинг қайнаб-тошиб кетаётган бўлса, секин чеккага олиб чиқ, шундоқ-шундоқ, деб қулоғига айт, машинанинг устида ваъзхонлик қилиб нима қиласан. Тагин Мунира, бегона шофёр билан, анави меҳмон қизининг олдида-я. Йўқ, Асқар бир қоп ёнғоққа ўхшаган шалдир-шулдир бўлиб кўринса ҳам анойи бола эмас экан, атайлаб қилди. Қизиқ, мақсади нима, ана шунини Равшан тушунолмай гаранг эди. Авваллари тўрт-беш соат ўқишга боришаркан-у, чувиллашиб, кўчани бошларига кўтаришиб, ўйин-кулги билан қайтиб келишаркан. Одамнинг оласи шунақа пайтда билиниб қоларкан, шу топда уни ташвинга солган нарса Мунира билан ораларига тушган совуқлик эди. Авваллари, ҳатто кунинг кеча ҳам бунақа эмас эди. Ҳар гал Мунира «Равшан ундоқ қилайми, Равшан бундоқ қилайми», деб сўраган сари қувончдан ўзини қўярга жой тополмай, тоғни уриб толқон қилгудек ғайрат билан ишга ёпишарди. Мунира болаларнинг орасида кўринмай қолса, бир нарсасининг йўқотиб қўйган одамдек кўзлари жавдираб қоларди. Тунов кунини, Мунира пессиклаб кетдим, сувга бир шўнғиб чиқмади, деб кетганда ҳам худди шундай бўлган эди. Ҳамма гап-сўз билан овора, қизлар Асқарнинг ярим чини ярим ёлғон гапларига хандон ташлаб кулишар, аммо Равшанининг қулоғига ҳеч нарса кирмасди, охири сабри чидамай Шаҳлонини имлаб бир чеккага чақирди-да, тутила-тутила қаерга бориб, кимни топиб келишини тушунтирди. Асқарнинг назаридан шу ҳам қочмаган экан, олисда қувлашиб келаётган қизларни кўрар-кўрмас бирдан Равшанининг кўзлари чақнаб кетганини кўриб:

— Ҳой, қизлар,— деди,— ким топишмоқ топади?

— Мен,— деди Озода.

— Нега Равшанининг юзи ёришиб кетди?

Ҳамма қанча чувиллаб, овора бўлмасин, бари бир тополмагач, Асқар...

— Шаҳар бердиларингми?— деди. Қизлар:

— Ҳа!— дейишди.

— Бўпти,— деди Асқар,— ўзим айта қолай, дарё томондан офтоб қалқиб чиқди!

Ҳамма кулиб юборди. Равшан ҳам бу беғараз ҳазилга раиҷимади, йўқ, аксинча, ҳатто ўшанда кўнглига нимадир хуш келиб кетди, атайлаб қош-қовоғини солмоқчи эди, бўлмади, ўзи ҳам беихтиёр ёйилиб илжайди!.. Эсиз, наҳотки ҳаммаси кўз очиб-юмгунча йўққа чиқса, йўқ, йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас. Хўш, Равшан нима қилибди, гуноҳи нима экан? Бу бир англашилмовчилик, бунини Мунирага ҳам, лозим бўлса ҳатто Асқарга ҳам ётиғи билан айтади, ҳа, ҳа, фақат Мунира билан ёлғиз гаплашса бас!

— Ҳорманглар!— уста Аширнинг овозидан Равшан чўчиб бошини кўтарди.— Ҳа, иш деган мана бундоқ бўлибди.

Уста шундоқ пойдеворнинг ёнига эскилари ҳам, янгилари ҳам алоҳида текис қилиб тахланган ғиштларга қараб мамнунлигини яширолмайдилар:

— Баракалла!— деб қўйди Равшанга.— Дадангга ўхшаб тартибни яхши кўрар экансан.

— Фақат...

— Нима?

— Анавини,— деди,— қоплай олмадик.

— Бе, ўша жой маъқул, керагини пақирлаб ишлата-верамиз,— деди,— ортиқча иш кимга керак?

Асқар устанинг гапидан ял-ял ёниб, қувончини яширолмай Муниранинг қулоғига пичирлаб:

— Равшаннинг тоғасига керак!— деган эди, Мунира пиқ этиб кулиб юборди-ю, ўша заҳоти қўли билан оғзини тўсиб дарров Равшанга қаради. Аттанг, Асқар ҳам бемаврид кулдиради-я, ҳозир Равшан ичида нима деб ўйлади экан, ўйласа-ўйлар, бўлган-бўлмаганга қайсарлик қилаверадими!

— Хўш, ғишт теришни овқатдан кейин бошласак,— деди уста Ашир,— ҳавозагача иш жилла қийин бўлмас, анави усталар ҳам ферманни қўлдан чиқариб келиб қолишар, нима дейсизлар?

— Майли,— дейишди.

Шу пайт кимдир ҳайрат билан:

— Вой, қаранглар, Анзор-ку!— деб юборди.

Ҳамма гап билан бўлиб, Анзорнинг келганини ҳам пайқаманган экан. У эшакни жиловидан тортиб тўхтатди-да, гўё ҳеч нарса бўлмагандек илжайиб, бир-бир ҳаммага қараб чиқди. Шаҳлога кўзи тушиб, дарров юзини тескари буриб олди. Шоша-пиша хуржунни икки кўзидаги узумли пақирни олиб ерга қўйди, дарров жуфтани

уриб қолмоқчи бўлиб, жиловни қўлга олди, болалар чувиллашиб кетишди:

— Ҳой, қаёққа?!

— Тўхта, ҳеч бўлмаса дийдорингга тўйиб қолайлик,— деди Асқар,— бунча шошасан?

— Иш кўп,— деди Анзор.

— Э, тўхта, тентак,— дея Асқар ўрнидан туриб илжайганча Анзорга қараб юрди,— мен қўйган чойдан бир пиёла нимамай ҳеч қаёққа кетмайсан.

Анзорнинг юзидан кулги қочди. Ингичка бармоқлари билан бетартиб сочини тез-тез тарар экан, қалт-қалт титраб, Асқар яқинлашиши билан хиппа ёқасидан бўғди.

— Ҳа, масхарабоз!— деди Анзор қичқириб, гуноҳи нималигини билолмай Асқар бирпас эсанкираб қолди, икки-уч типирчилади-да, шунда ҳам Анзорнинг чангалидан чиқолмай:

— Э, қўйиб юбор, тентак,— деди хирллаб,— нима қилдим?

Анзор баттар қутуриб кетди.

— Ҳо, ўзингни яна билмаганга оласанми?!

Ҳаммадан аввал қозоннинг олдида уймалашиб юрган Шахло қўлида капгирни силжитганча Анзорга югурди. Анзор бор кучи билан Асқарни итариб юборди-да, лип этиб эшакка минди, эшакнинг ягринига оёғи билан турта-турта дикиллатиб кетди. Асқар гурсиллаб думалагандагина одамлар, машмашанинг сабабини англаб худди шағал ағдарилгандек тўсатдан хахолаб юборишди. Шахло ҳам ярим йўлда кулгидан қорнини чангаллаб ўтириб қолди. Асқар эса кўзларини катта-катта очганча ўрнидан туриб чордана қуриб ўтирди-да, гап нимадалигини пайқаб, кулги аралаш йиғламсираб Анзорнинг кетидан қичқирди:

— Ҳой, тўхта! Анави тентак, оёғини майиб қилиб қўйган бўлса менда нима гуноҳ?!

Шу кун Мулладўст на машинада нарса олиб келди, на ўзининг қорасини кўрсатди. Қизиқ, унга нима бўлди, бунақа одати йўқ эди-ку. Кечга томон қум тугаб қолаёзганини кўриб, идорага бориб келган Равшан, эрта билан барвақт қирга машина бўлади, деган гапнинг дарагини топиб келганда Асқарнинг оғзи қулоғига етиб:

— Ана, меҳмон қиз,— деди Шахлога,— тайёргарликни кўравер, эрталаб жўнаймиз.

Равшан атайлаб Муниранинг олдидан ўта туриб бо-

тинкасининг ипини боғлаш баҳонаси билан тўхтаб, энгашди:

— Мунира,— деди секин.— Ойингни... пойлагани чиқасанми?

Муниранинг юраги гупиллаб уриб кетди. Нима дейишни, нима қилишини билолмай, бир пақир цементни дам чап қўлига, дам ўнг қўлига ола-ола инқиллаб-сиңқиллаб бораётган Озодага:

— Шошма,— деди бирдан,— мен ёрдамлашаман!

У югурганча кетгандан сўнг Равшан бўшашиб бошини кўтарди, боягидай мамнун кайфиятда Шахлога алланарса деб гапирётган Асқарга совуққина қараб қўйди: ўша, ҳаммасига сабабчи, ўша!

Ун биринчи боб

яйловда

Ой қалқиб, ўтовнинг ярим бўйра жойи бўр сургандай оқариб қолди, ташқаридан эшитилаётган гўнғир-гўнғир товушданми, ё дарёнинг шовуллаши: кўнглига ғалати гўлгула солиб кечаси ваҳимали эшитилганиданми, Шахло чўчиб кўзини очди. Олис-олисда итларнинг поймапой увиллашига бирпас қулоқ солиб ётди-да, ўрнидан туриб тиззаларини кучоқлаб ўтириб олди. Хаёли қочди. Боя Асқар айтгандай, тоғ этагидаги бу қирни баҳор чоғлари майсалар қоплаб, минг бир хил товланган лолақизғалдоқларга тўлиб кетса керак. Асқар, ҳаммаёқни сайроқи бедананинг овози тутиб, оёқ боссанг оёғининг остидан патирлаб учаверади, дўппи ташлаб бедана ушлаганман, деганда, дадаси, мулойим, гапиргандан кўра жимгина жилмайиб тинглашни яхши кўрадиган Жуманқул ака иккита ғиштнинг орасига омонатгина ўрнатилган қора қумфоннинг остидаги чўғни титиб:

— Ошириб юбордингми, ўғлим,— деб қўйган эди. Асқар қиз боланинг, айниқса умрида бунақа яйловларда бўлмай, мана икки кундан бери нима деса оғзига қараб ўтирган меҳмоннинг олдида изза бўлишни ўзига эп кўрмай:

— Қизиқсиз-а, дада!— деди порози оҳангда.— Утган йили шу қирдан бир халта беданани холаси касал ётганда чойхоначига ўзим олиб бориб берганман-ку.

— Шунақами?

— Ҳа.

— Холаси тузалиптими?

— Бўлмаса-чи!— деди Асқар.— Уша беданини қай-
натиб, шўрвасини ичгандан кейин дармонга кириб кет-
ганмиш.

— Қари одамнинг дуосини олиб яхши қилган экан-
сан, ўғлим!

— Э, ўша дуо нималигини биладими, дада, тил-оғзи
йўқ, соқов-ку, кампир бўлса ҳам одамгарчиликни бил-
майдиган шум кампир экан.

Жуманқул акага ўғлининг гапи қизиқ туюлди, қай-
наб чиққан қумғонни тушириб, кафтида чой солди, шо-
пириб-шопириб қайтараркан, бошнини чайқаб мийингда
кулиб қўйди.

— Нега ундай дейсан?

— Ўзим...— деди Асқар истар-истамас, аммо Шаҳло-
нинг қизиқиши ортиб:

— Айта қол,— деб ялина бошлаган эди, Асқар арзи-
маган гап, дегандай беҳафсала қўл силтаб қўя қолди-ю,
аммо ўйлаган сари кулгиси қистаб, гап бошлаганини
ўзи ҳам сезмай қолди:

— Э, йўқ десам ҳам қўярда-қўймай биринчи синфга
вожатий қилиб қўйишди. Оббо, бу чурвақалар билан
нима қиламан десам, кўп-кўп китоб ўқиб беравер, зерик-
тирмасанг бўлгани, дейишган эди, мен ҳам катта танаф-
фус борми, кичкина танаффус борми, китоб мешинг
дўстимсан, деган ашулани минғирлаб, қўлимга илинган-
нини кириб шариллатиб ўқиб ташлайвердим; геометрия
дарслигидан ҳам бешта теорема билан саккизта аксио-
мани ўқиб бердим, немис тили китобидан уйга берилган
вазифани ўқитувчимиз Анна Рудольфовнага ўхшаб ашу-
лага ўхшатиб қироат билан ўқиб берган эдим, болалар
ҳеч бало тушунмаган бўлса ҳам, қиқир-қиқир кулиб
маза қилишди!.. Синф раҳбари йўлакдан ўтиб кетаётган
экан, бу нима бемаънилик, деб тоза койиб берди ва ку-
тубхонага бошлаб кириб: «Ўтмишни билмаган бола
болами, хўш, ҳозирги фаровон турмушимизнинг қадрига
етадими», деб битта китобни қўлимга тутқазган эди, хўп
деб уни ҳам ўқиб бердим. Ўқиб бердим-у, ўзимнинг ҳам
кўнглим бузилиб кетиб, бечора камбағаллар қандоқ
эзилган-у, текинхўр бою қози, домлалар қандоқ маза
қилиб яшаган, музейни бир томоша қилдирсам бўлар-
кан, деб юборган эканман, эртасига яна немис тили ки-
тобимни қўлтиқлаб синфга кирсам, қани биттаси эшит-
са, томошага қачон борамиз, деб тоза хиралик қилиб

бошимни қотириб юборишди. Шаҳарга олиб бориш осонми? Уйлаб-уйлаб чойхоначи билан овсар холянинг уйи қайси музейдан кам, томошани нақ ўзи-ку, дедим-у, ҳаммасидан ўн тийин-ўн тийиндан пуч йиғиб олдим, ярим соатда шунча пул ишласа ёмонми, бу пулларни кўриб овсарнинг юраги ёрилади, болалар ҳам ҳақикий музейга кириб чиққандай хурсанд бўлади, деб дарсдан кейин ҳаммасини олдимга солиб овсар кампириникига борсам, ўзи ҳассасини дўқиллатиб эшикка чиқиб қолди. Ҳали оғзимдан гап чиқмай кўзлари олайиб, йўғонлиги кетмон дастадай бесўнақай ҳасса билан тушириб қолди-ку...

— Кейин-чи?

— Сўрама!— деди Асқар пиқиллаб кулиб.— Бирпасда болаларнинг ҳаммаси тум-тарақай бўлиб, ҳар тарафга тўзиб кетиб, зўрға бир жойга тўпладим-у: «Хўш,— дедим гап тополмай,— хўш, аввалги замонлари бегуноҳ одамларни қандай савалашганини кўрднингларми?» Олдинда турган жамалак сочли кичкина қизча қўллари билан елкаларини ушлай-ушлай «Кўрдик,— деди йиғламсираб,— ҳали нинга ҳам кирамизми?» «Бўлмаса-чи» дейишимни биламан, ҳой-ҳойлашимга қарамай ҳаммаси чувиллаб уй-уйига жуфтакни уриб қолди-ку!

Шаҳло ҳам Асқарнинг гапига қотиб-қотиб кулди-ю, алланарса ёдига тушиб, хушёр тортиб кетди. Асқарнинг ҳам, бошқаларнинг ҳам айтишнча, бечора овсар соқов экан. Солижон ака ҳам шунга ўхшаган гапни айтган эди шекилли. Ҳа, ҳа: «Гуллиора деган қизча йўқолиб, эски босгирманинг олдидаги сайҳонликка ҳамма йиғилганда, қўшчи ерга думалаб, даҳшат билан қичқирганда, чеккада турган овсар ҳам ўкириб юбориб, галати овоз чиқариб шамолдай елпиниб, уйига қоча бошлади, дегани ёдида. Ундай бўлса, тунов кунни чойхоначининг ҳовлисинга кирганда ичкари ҳовлидан кимнинг овози эшитилди? Қизиқ, чойхоначи ким билан гаплашди экан? Жавоб берган одамнинг овози аёл кишиникига унча ўхшамасди, ҳа, ҳа, ўхшамасди. Демак, ичкарида Мулла-дўст билан овсар холадан бўлак ҳам одам бўлган. Шаҳло ўша кундан бери ҳадеб Асқарни: «Овсар хола балодай гапирар экан-ку, ўз қулоғим билан эшитдим», деб енггани-енгган. Ҳатто ўшанда қувонганидан туши билан мижжа қоқмай чиққан эди; демак, Солижон ака айтган ўша овсар ҳаёт-у, эси жойига келган-келганда унча-мунча гапира оладиган ҳам бўлиб қолган эканда,

бундан Солижон ака беҳабар бўлса керак! Мавриди келганда олдига кириб, Солижон ака қидирган одамларни ўшандан суриштирса-чи? Қишлоққа келган кунидек Мўминжон акадан сўраган эди, билмади. Солижон аканинг ёзган хатидан ҳам мутлақо хабарни йўқ экан, яна Мулладўстдан бир суриштириб кўрай-чи, ёзишмалар ўшанинг қўлида, деди. Аммо Мулладўст, чуқурнинг тепасидан чиқиб қолган одамдай кўзларини катта-катта очиб, елкасини бир силкитиб қўйди-ю, зигирдек қизчанинг одамларнинг ёдидан аллақачон ўчиб кетган нарсаларни суриштириб юргани эриш туюлиб, жим қолди. Ёшингга муносиб бўлмаган иш билан ўзингни ҳам, бировларни ҳам бошини қотириб нима қиласан, дегиси келди-ю, меҳмон қизнинг нозиклигини ўйлаб:

— Оппоқ қиз,— деди юмшоққина қилиб,— ёз деган нарса ҳув этиб ўтади-кетади. Дам олинг, ўйнанг, кулинг, машина олиб берай, Равшан билан тоққа чиқиб шамоллаб келинг. Бай-бай, у ерларнинг ҳавоси чарчаганнинг давоси, қанотим бўлса чойхонада диққиннафас бўлиб ўтирармидим, ўша тоғларга қараб париллаб учардим кетардим. У жойларни кўрганмисиз? Ҳа, балли, кўрмагансиз!

— Хат-чи?!— деди Шаҳло, қараса, ҳали-бери унинг гапи адо бўладиган эмас.— Шунақа хат келганми?

— Хат?!— дея Мулладўст кўзларини юмиб ўйлаган бўлди.— Бе, шунақа хат келган бўлса ушлаб турармидим, оппоқ қиз, дарров Мўминжон акага берган бўлмасмидим! О, хат бўлармиш-у, биз индамай ўтирармишмизми, хат деган нарсани мен ҳам, Мўминжон акамлар ҳам кўзимизга суртамиз-а!

Чойхоначи яна алланарсаларни жаврай бошлаган эди, Шаҳло, нима бало, холасидан юққанми, деб қўйди. Шу-шу Мулладўст ҳам ҳаммасини унутиб юборгандай, ҳатто Шаҳлони кўрганда мутлақо эътибор ҳам бермай, негадир ё четлаб, ё ўзини кўрмаганга олиб ўтиб кетадиган бўлиб қолди. Хуллас, Шаҳло бирон тайинли гап ололмай умидини узаёзган эди, бир куни Мўминжон аканинг ўзи: «Домланг қидирганлардан биронтаси ҳам қолмаган бўлса керак. Қишлоқ аввалги қишлоқ эмас, битта-яримта борлари ҳам ҳар қаёққа тарқаб кетган, авани аёлни эса ҳеч ким эслай олмайди, ўша кезлари уч-тўрт кун «мактаб очилармиш-мактаб очилармиш», деган миш-мишлар бўлиб, кўп ўтмай тинчиб кетган. Абл иши ўнгидан келмаганигами ё бирон бошқа сабаб

бўлганми, ҳар қалай нимагадир аччиқ қилиб, бир кечанинг ўзида ҳеч кимга ҳеч нарса демай ғойиб бўлганмиш. Хуллас, Мулладўстнинг суриштириб билгани шу, қизим», деди. Аммо-лекин меҳмон қизнинг кўнгли учун уч-тўрт кундан сўнг яна бир нарсани эслаб: «Ҳа-я,— деди — қирда бир неча булоқ бор, шундан биттасиничг оти Қизбулоқ, бошқаларининг номи йўқ, анча йиллар аввал қирда бир одамдан, кимлиги ҳозир ёдимда йўқ, нега бунақа, деб сўраганимда, афсонага ўхшаш бир нарса айтиб берган эди. Ўша янги колхоз ташкил бўлаётган кезлари сувдан одам қиёфасида малла сочли, кўзлари кўм-кўк фаришта чиқиб келганмиш-у, на гапирармиш, на кулармиш, на киприк қоқармиш. Булоқдан сув олаётган чўпон бунинг фаришталигини билмай чўчиб кетиб қочмоқчи бўлган экан, иккала оёғи жонсиз бўлиб қолганмиш. Шунда тўппа-тўғри тепасига бостириб келаётган алвастига пақирдаги сувни сепиб юборган экан, бояги фаришта одамга ўхшаб тилга кириб, бу булоқда ҳикмат кўп, бу булоқнинг сувини ичган одам бало-қазодан омон қолади, деб ғойиб бўлганмиш. Дарҳақиқат, булоқнинг суви ширин, бунга тан берса бўлади. Бояги гаплар уйдирма, афсонага ўхшаш нарса. Аммо бир нарса сира хаёлимдан нари кетмайди. Нега ўша фаришта колхоз янги тузилган кезлари сувдан чиққан, нега аввал ҳам эмас, кейин ҳам эмас, яна бунинг устига нега унинг сочлари малла-ю, кўзлари кўм-кўк? Қизиқ, ҳар қанақа афсонанинг ҳам замирида озгина бўлса ҳам, ҳақиқатга яқин бир нарса бўлади дейишадик-ку! Ўшанда ярим кечада ўша аёл дарё бўйида юргани рост бўлган-у, бирон фалокат бўлиб сувга оқиб кетганми, ким билсин, хуллас, калаванинг учини ўша кезлари қидирганда яхши бўлармиди дейман-да. Аммо ундай десам, ҳаммаёқ алғов-далғов, ур-йиқит кезлар эли. Колхоз осонликча тузилган эмас, ҳеч кимни хаёлига келмаганми, миш-мишга ишониб қўйиша қолганми?! Хуллас, қизим, машина бўлганда бир қирга бориб, ҳам қирни томоша қиласан, ҳам битта-яримтадан ўша афсонани ўз қулоғинг билан эшитиб келасан!

Алланарса чирсиллаб, Шаҳлонинг хаёли бўлиниб кетди. Бояги ғўнғир-ғўнғир овозлар эшитилмай қолди-я, деб Шаҳло ажабланиб ташқарига чиқди, чирсиллаган нарса қумғоннинг естида буруқсаб тутаётган чўп-хас экан. Асқар чўкка тушиб, пуфлай-пуфлай ёндириб юборди-ю:

— Ҳа, калла пишдимми?— деб қўйди.

— Иима, тонг отдимми?

— Йўғ-е,— Асқар ачишган кўзларини кафти билан ишқалаб қўйди, энди кеч кирди-ку, бояги кабоб билан қимиздан кейини ўзинг ҳам ичкарига кирибсан-у, ўринга таппа ташлабсан-да!

— Шунақами?

— Тоза уйқучи экансан,— деди Асқар кулиб,— ҳой, қулогингинг остида тўп отса ҳам ёстиқдан бош кўтаргинг йўғ-а.

— Қаёқдан била қолдинг?

— Вой-э, нега билмас эканман, тепангга кириб, ҳой, тур, ҳой, тур, деявериб, қара, шундоқ овозимдан айрилиб қолдим-у, яна «қаёқдан била қолдинг» дейди-я.

— Нега уйғотган эдинг?

— Дадам айтди-да.

— Нега?

— Чой ичсин, кечқурун ухласа ланж бўлиб қолади, деди.

— Чойни менга қўйдингми?

— Узимга бўлса кўзимни ачитиб зарил келибдим, булоқнинг сувидан бир пиёла симираман-қўяман, чой ичасанми?

— Йўқ, ичгим, йўқ, даданг қани?

— Э, боя молларин ҳайдаб қўтонга қамаганда билиб қолибди, битта улоқча адашиб қолган экан, ўшани қидириб кетди.

— Вой, нега сен ҳам бормаддинг?

Оббо, сени ёлғиз ташлаб-а, дегандек Шаҳлога бир қараб қўйди.

— Уйғонсанг, тағин қўрқиб йиғлаб ўтирмагин дедим-да!

— Ҳо,— деди Шаҳло,— мени унча-мувиладан чўчийди деб ўйлама.

— Шунақами?— Асқарга жон кириб, ўридан сакраб турди-да, ўтовинг орқасига ўтиб, эгарланган саман йўрғани етаклаб чиқди. Афтидан боя отин тайёрлаб қўйган-у, кетгани кўнгли бўлмай, иккилашиб ўтирган бўлса керак. То Шаҳло оғиз очгунча бўлмай, сакраб отга минди:

— Қани, чиқ, кетдик!— деди. Умрида от тугул, эшакка ҳам миниб кўрмаган Шаҳлонинг юраги шув этса ҳам, бояги гапни эсига тушиб, ноилж шимининг почаси-

ни қайира бошлади. Асқар ичда кулиб қўйди, тавба, от велосипед эмаски, шимининг почасини қайириб минса, чўчиганини яшириш учун атайлаб шундай қияпти, зора унғача олдидан дадамнинг қораси кўриниб қолса. Оббо айёр қиз-е, балодай писмиққина экансан, деб қўйди-ю, ўзини билмаганга олиб:

— Ёрдамлашайми?— деди.

— Йўғ-е.

— Қани, бўл!— шоширди Асқар.

Шаҳло ортиқ баҳона тополмаслигини тушуниб, минг-минг машаққат-у, минг-минг ҳадиксираш билан бир амаллаб отга минди. Саман от ҳам бечоранинг аҳволини тушунгандай беозор йўрғалаб кетди. Шаҳлонинг юрак ўйноғи бир оз босилгандек бўлди-да, ҳали ҳам кўнгли шувиллаб турганига қарамай, қизиқиб, ён-атрофга кўз ташлади. Қизиқ, отда ҳаммаёқ бошқача кўринарканми: ой ёғдусида дам оқариб, дам қорайиб, илондек тўлғаниб оқаётган дарё билан чўққилари ҳавога санчилган тизма тоғлар орасига жойлашган кафтдек текис қир сутга чайгандек бўлиб, баралла кўзга ташланди. Офтобда қовжираган ўт-ўланлар, тўп-тўп янтоқлар орасида чирилдоқлар тиним билмайди, қаердадир олис-олисда машинанинг товуши қуюққа чалингандай бўлади, қаердадир ит увиллайди. Кўп ўтмай дарёнинг ваҳимали шовиллаши ҳам орқада қолиб кетди. Ҳаммаёқни жимжитлик, аллақандай сокинлик қоплаб олди. От эса Шаҳлонинг хаёлига озор бергиси келмагандек бошини бир меъёрда силкитиб, йўлдаги ўт-ўланларни, чўп-хасларни, янтоқларни қирсиллатиб оҳиста ўрмалайди. Ювош экан, бунқалигини билганда Шаҳло сира-сира чўчимаган бўларди, эсинз, кеча ҳам Жуманқул ака саман йўрғага мингаштириб тоққа олиб чиқиб келай, тоғда каклик бор, айиқ бор, кўрасан, деганда юраги дов бермаган эди. Мана, Асқарнинг орқасида, ҳатто бояғидек, елкасидан ушламай, бемалол келяпти, қир шабадаси сочларини юлиб-юлқиб тўзғитган сари кўзларини юниб, юзини шамолча тутганича ҳузур қилиб борар экан, Асқар сўраб қолди:

— Қалай?

— Яхши, сенга маза экан.

— Нега?!

— Ҳар йили ёзда келсанг керак?

Асқар эшитмадими ё эшитса ҳам жавоб бергиси келмадими, ҳар қалай билинар-билимас хўрсиниб қўй-

ди, анчадан сўнг худди ўзига-ўзи гапиргандек оҳиста:
— Келардим,— деб қўйди маъюс,— авваллари жон-
жон деб келардим!

— Энди-чи?

Асқар талайгина юришгандан кейингина:

— Ойим,— деди секин,— ойим... ойим борида қиш-
лоқда сира тургим келмасди, қачон қирга машина бўлса
шофёрдан яшириб кузовга чалқанча ётиб олардим; бир
марта бўш бочкага тушиб келганман. Ойим ялниниб-
ёлвориб, жон болам, ўқишдан қолма, деб яна қишлоққа,
опамникига қўйиб кетгани-кетган эди, икки йил бўлди...
бу ойим ҳам ёмон эмас... яхши.

Орага ғалати жимлик тушди.

— Кечирасан, билмабман,— деди Шахло пичирлаб
ва товонигача зирқираб кетди. Аммо шу топда бироқ
калима сўз билан Асқарнинг кўнглини ололмаслигини
билиб жим қолди. Нега ўйламасдан сўраб қўйди, шусиз
ҳам ўзи йўлга чиққандан бери негадир маъюс бўлиб
бораётганлигини сезмаганмиди, бир гапириб, бир кула-
диган ҳазилкаш, шўх Асқарнинг кичкина кўнглида шу-
ча қайғу бор деб, сира ўйламаган эди. Балки, мапа
ҳозир ҳам ҳар қадамни табаррук бўлган ана шу жойлар-
дан кўз ололмай ойнасини, ойнажоннинг изларини қи-
дираётгандир, ким билсин... Шахлонинг кўзларига ғилт
этиб ёш келди. Укириб йиғлаб юборишдан аранг ўзини
тийди, лабларини тишлади. Ўзи ҳам бирдан ойнаси ёди-
га тушиб, шу топда уларни жуда-жуда кўргиси келиб
кетди. Ким билсин, олисда, Иссиқкўлда юрган ойнаси
ҳам шу топда балки Шахлони эслаб, қизимни бирам
соғиндим, деб дадасига айтаётгандир. Дадасини билди,
минг соғинса ҳам ойнасига ўхшаб кўз ёши қилмайди,
йўқ, маъюсгина жилмайиб хўрсиниб қўяди. Қизик, ота-
ларнинг ҳаммаси табиятан шунақа, ичидаги дардини
сиртига чиқаришдан нйманишадиган оғир, вазмин бўли-
шармикин-а? Уғил болалар ҳам шунақа-ку. Ҳа-ҳа,
бўлмаса Асқарнинг беташвиш, қувноқ, ҳазил-ҳузулга
ўчлигини кўрган одам, шу боланинг ҳам ташвиши бор-
микин, дард нималигини билармикин, деб ўйлаши ҳеч
гапмас, аммо дадаси Жуманқул ака негадир ўшанда
ўзини сира-сира тутолмай қолди; шофёр Қизбулоқнинг
олдида тушириб, қайтишда ола кетаман, деб жўнаб
кетиши билан Асқар атрофига тош терилган булоқнинг
тепасига бориб ҳовуч-ҳовуч сув ичди, юзларини чапил-
латиб ювди, Шахло унга бирпас жилмайиб қараб турди-

да, ўзи ҳам тошларнинг орасидан милтиллаб чиқаётган сувнинг тепасига чўққайди:

— Муз-а,— деди Асқар,— пичоққа ўхшаб кесади-я, аммо сен қўрқма!

— Вой, нега қўрқарканман.— Шахло ҳовучини тўлдириб, ҳаммаёғидан оқизиб кула-кула сув ичди. Ичди-ю, вужуди аллақандай яйраб кетгандек бўлди,— бу булоқнинг суви ўша афсонадаги фариштага жон берганча бор экан,— деди.— Булоқ суви шунақа ширин бўлади деб ўйламаган эдим.

— Айтмадими, оҳ-оҳ,— деди кўзларини сузиб, бошини чайқаб Асқар,— кўряпсанми, сув эмас, сут-а!

Олисда от дупури эшитилиб, Асқар сапчиб ўрнидан турди, ҳовлиққанча ғалати талпиниб югура кетди, Шахло ҳам кетидан чопди. Жуманқул ака жуда яқин қолганда, отдан сакраб тушиб, Асқарни маҳкам қучоқлаганча, узоқ туриб қолди. Шахло етиб келганда ҳам Асқарни бағридан қўймай, томирлари бўртган қўллари билан кўзига қалқиб чиққан ёшни арта-арта:

— Келдингми, ўғлим,— деди,— ойинг ҳам сени кута-кута шу бугун отаси бетоб экан, кўрганни кетган эди-я, аттанг!

Ушанда Жуманқул аканинг гапи Шахлога ғалати туюлган эди; нега бувангини кўрганни кетди, демай, «отасини» деган эди. Демак, бунда бир гап бор экан-у, Шахло фаҳламаган экан-да, сезганда мана ҳозир Асқарнинг ярасини янгилаб қўйган бўлармиди?

Ҳадеб жим кетавериш ноқулай бўлди:

— От толиқтириб қўймадими?— деди Асқар.

— Йўқ.

— Ҳар келганимда дадам атайлаб шу йўрганни менга бериб қўяди.

— Юввош экан.

— Юввош ҳам гапми?— деди Асқар,— устида тикка гуриб кетсанг ҳам авайлаб, сира йиқитмайди, бир марта...

Шу пайт отнинг туёғи бехос тегиб кетган бир туп ажриқнинг орасидан алланарса шитирлаб, худди ерга арқон силкигандай бўлди-ю, Шахло шошиб сўради:

— Нима?

Асқар бепарвогина:

— Кўрмаяпсанми, илон-ку!— деди. Шахлонинг эти жимирлаб, ҳазилакам чўчимади. Назарида ердаги илон вишиллаб келиб оёғининг учига чирмашиб олаётгандек

оир сесканиб, бенхтиёр оёқларини тортиб олмоқчи бўлганда, мувозанатини йўқотиб қалқиб кетди ва ўзини ўнглай олмай орқаси билан гурсиллаб йиқилди-ю, жон аччиғида қичқириб юборди. Асқар бошига биров тўқмоқ билан ургандек отдан сапчиб пастга тушди, ҳушини йўқотаёзган Шаҳлони даст кўтариб олди.

— Ҳой, Шаҳло, сенга нима бўлди?

Шаҳло қалт-қалт титраб на гапира олди, на Асқарнинг қўлидан пастга туша олди. Ҳадеб, кўзлари олайиб оёғининг учига қарарди. Асқар отга ўтқизиб қўйгандагина бир нима деб гулдирагандек бўлди, анчадан сўнг эс-ҳушини ўнглаб олиб, қўрқиб кетганини гапириб берганда, мана ҳозир тоза майна қилади, деб хаёлидан ўтказган эди, йўқ, аксинча, Асқар ҳеч нарса демасди, қўрққанини юзига ҳам солмасди. Эт-бетинг майиб бўлмаган бўлса бас, деб отни етаклаб кетди. Шаҳло хийла ўзига келиб, Асқарга зимдан разм солди. Асқар индамай ўз хаёллари билан банд бўлиб, эртактаги малликанинг жонини сақлаб қолган мардона чўпон болага ўхшаб буталарни қирсиллатиб, на илондан-у, на бошқа махлуқдан чўчимай, хотиржам қадам ташларди. Шаҳло унинг довураклигига ҳаваси келди. Аммо шу топда Асқарнинг жиғибийрони чиқиб, ўзини ўзи тоза койиб бораётганидан беҳабар эди. Латта, нега бояроқ, йўлга чиққандаёқ бечорани эгарга ўтқазиб ўзи отни етаклаб ола қолса бўлмасмиди?! Яна бунинг устига, ўша оёқнинг остидан чиққан палакатнинг илошлигини айтиб нима киларди. Билмайман, деб қўя қолмайдими. Ҳозир: «Асқар, ўта бетамиз бола экансан, сал қолса беланги бўлай дедим-а», деса-я?! Йўқ, йўқ, сен ўйлагандай жилла унақа ёмон бола эмасман, ҳали мени яхши билмайсан, билганингдан кейин айтган гапларингга минг-миг пушаймон бўласан, деса-ю, бирдан Шаҳлонинг кўз ўнгида шунақа мўъжизалар рўй берсаки, шунақа тўсиқлар пайдо бўлсаки, Асқар эртактаги баҳайбат аждарни пақ жингилдонидан чалажон малликани суғуриб олган паҳлавондек гердайнб ҳамма мўъжиза-ю, ҳамма тўсиқларини бир ҳамла билан енгиб, Шаҳлони лол-ҳайрон қолдирса! Асқар зимдан орқасига қараб қўйди. Дарҳақиқат, ойдин кечада танҳо от миниб келаётган Шаҳло жингалак сочларининг калталлиги-ю, эгинга шим кийиб олганини ҳисобламаса, маликаларга жуда-жуда ўхшаб кетаркан-а. Асқар отнинг жиловидан ушлаб кетаверса-кетаверса, йўл юришса ҳам мўл юриб, тоққа бориб қолишса. Шун-

да анави, аламга чидолмай ўлим талвасасида типирчи-
лаб ётган аждарнинг амри билан тоғлар уларнинг йўли-
ни тўсиб, икки баравар, уч баравар катталашса. Йўғ-е,
малика шахло кўзларидан эртақдагидек «марварид до-
налари каби маржон-маржон ёш тўкиб» энди ҳолимиз
нима кечади, деб уввос солса, Асқар, қўй, йиғлама, ма-
лика, аждарнинг ичак-чавағини бошига салла қилиб
ташлаган паҳлавон учун бу қаққайган тоғ нима деган
гап, деса-ю, маликани ҳайратда қолдириб, от-поти билан
даст елкасига қўйиб, ҳар лаҳзада баландлаб бораётган
тизма тоғларнинг энг баланд чўққисидан ҳам бир ҳат-
лаб ўтиб кетса. Йўқ, йўқ, майли, тоғ катталашмай
жойида тураверсин, минг ўсгани билан бари бир ҳатлаб
ўтиб кетди-ку. Яхшиси, бошқача бўла қолса-чи! Ҳа-я,
нега бошқача бўлиши мумкин эмас. Айтайлик, ўша чўқ-
қиннинг тепасидан ойниси, ҳа-ҳа, ойнажони қараб турган
бўлса, чўққигача ҳаммаёқни одам бўйи ажриқлар босиб
ётган-у, Асқар оёқяланг ўша томонга юрса! Ойниси олис-
олисда ёлвориб: «Болам, ўзингга озор берма», деса.
Малика ҳам (тошбағир, ҳийлакор маликалар аввал за-
монларда бўлган) қўй, оёғингда лоақал эски чоринг
ҳам йўқ-ку, деб ёлворса. Асқар қулоқ солармиди! Асқар
сира ўйлаб ўтирмасди, сира чўчимасди, ҳатто ювош
саман йўрғага ҳам озор бермай, устидаги малика-пали-
каси билан яна даст кўтариб, ҳеч дод-вой солмай, тово-
нидан қон тирқираб кетса ҳам, йўлдан қайтмасди. Сира
парво қилмай, ойнасининг, ойнажонининг овозини эшитиш,
мулоҳим жилмайиб туришларини яна бир бор куришга
муяссар бўлса, дунёдаги ҳамма ажриқларни оёқяланг
босиб ўтишга ҳам жон-жон деб рози бўлмасмиди! Эҳ,
аттанг, нега мўъжизалар фақат эртақларда бўлар-
кин-а?!

— Асқар,— хаёлини малика-Шахло бўлди,— эшитяп-
санми?

Шабада найнинг ёқимли товушини қулоққа енгилги-
на бир чалиб ўтди. Дадаси қаёққа борса, кичкина тран-
зисторни доимо ёнида олиб юргувчи эди. Уша, ҳа-ҳа,
ўша, аммо қай томондан келяпти бу куй? Асқар алаң-
лаб, олисда, тоғ ёнбағрида отнинг қорасини кў-
риб:

— Дадам!— деб юборди. Уша томонга отни етакла-
ди, масофа яқинлашган сари найнинг садоси баралла
эшитила бошлади.— Топилдими, дада?

— Мана!— дэдаси кичкина улоқчани тиззасига ўн-

гариб олган эди.— Занғар-е, сув ичгани тушганда жарда қолиб кетган экан.

— Суюнчиси нима бўлади, дада?

Жуманқул ака кулди:

— Узинг айта қол, ўғлим.

— Майли,— Асқар шу топда маликанинг, йўғ-е, Шаҳлонинг кўнглидагини топганига ичиди хурсанд бўлиб қўйди,— меҳмон қиз айта қолсин.

Шаҳло, шу топда ўша маликанинг ўзи бўлиб кетди. У Асқарга миннатдорчилик билдиргандай қаради, кейин бошини бир оз эгиб жилмайди, қимтиниб турди-да:

— Уша Қизбулоқ ҳақидаги афсонани айтиб берсангиз!— деди.

— Бўпти!— деди Жуманқул ака мамнун жилмайиб.

Ҳаммалари орқага қайтишди, бу гал Шаҳло чўчимай тизгинини ўзи қўлига олди. Асқар эса дадасининг орқасига мингашди. Қумфоннинг остидаги хас-чўп ҳам аллақачон кулга айланиб бўлган экан. Асқар то дадаси улоқчанинг оёғини боғлаб қўтонга қамаб чиққунча, чойни қайта қайнатиб дамлаб қўйди. Жуманқул ака бўйрадек эски шолчани ташқарига олиб чиқди. Утовнинг олдига ёзди. Бунақа ойдин кечани гашти хўп бўлакча бўлади-да, дегандай, ҳаммаёққа: кўкда сон-саноксиз юлдузлар орасида танҳо кезиб юрган баркашдек тўлтин ойга, олисдаги тизма тоғларга бир лаҳза завқ билан қараб тургач, шолчанинг бир чеккасига ўтирди...

Ўн иккинчи боб

АФСОНА АФСОНА ЭМАС, ШЕКИЛЛИ...

— Йўқ, қизим, бу нарса жилла афсонага ўхшамайди шекилли,— деб гап бошлади Жуманқул ака,— тоғангадан эшитганларинг билан менинг билганларим орасида анча-мунча тафовут борки, ўзим ҳам буни яқинда, тоғлик кекса бир одамдан тасодифан эшитиб, ҳайратда қолдим.

— Дада, буни менга айтмагансиз-ку!— деди Асқар дадасининг гапига ҳайрон бўлиб. Жуманқул ака ўғлига жилмайиб:

— Узинг энди келдинг-ку, ўғлим!— деди.

Асқар дадасини соғинтириб қўйганидан хижолат чекиб, шолчанинг попугини ўйшаганча, бош кўтармай,

анчагача жим ўтирди. Шахло эса кузларини Жуманкул акадан узмасди. Жуманкул ака пиёлада илиб қолган чойни симриб, осилиб тушган мўйловини силаб пича хаёлга толди.

— Уша одам раҳматли, мен зиёрат қилиб келгандан бир ҳафта ўтар-ўтмас қазо қилди. Дадам билан бирга шу тоғнинг ҳар икки этагидаги яйловларда қўй боққан экан. Ёши бир жойга бориб, кўзлари ҳеч нарса илғамай қолгандан кейингина қишлоғига қайтиб, турғун ҳаёт кечирган. Умри тоғу тошларда ўтгани учун на хотин, на бола-чақаси бўлган. Аммо қишлоқ аҳли ҳурмат-иззатини жойига қўйган, ёлғизлигини сира билдирмаган. Хуллас, шу одам дадамни кўп қўмсаган, шу дўстимнинг зурриёди бормикин деб, сўроқлай-сўроқлай меннинг даргимни топган. Айттириб юборганига мен ҳам пайсалга солиб ўтирмай жўнадим. Отда икки кун тоғ ошиб, шундоқ қишлоққа туша қолдим. Қобил бобонинг тоғ жилғалари туташган жойдаги ҳовлисини кўп ҳам сўроқламай, дарров топдим-у, толга отни боғлаб, икки тавақали пастак эшикдан ичкари кирдим. Ҳовлининг ўртасида, узала тушиб ётган баҳайбат, чиноқ итни кўриб, остонада туриб қолган эдим, ўрикнинг остидаги супадан аллаким:

— Қим?— деди ва ёнбошлаб ётган жойидан туриб, чордана қуриб олди.— Қим, кираверинг, итдан чўчманг, чироғим.

Овоз берган одам оппоқ соқоли кўксига тушган, увоққина чол, эди «бу ўша» деб хаёлимдан ўтказдим, яқинига бориб салом бердим. Чол нурсиз хира кўзлари билан узоқ қараса ҳам, кимлигимни билолмади. Ниҳоят ориқ қўлларини кўрпачага тираб каловлаб турди-да:

— Ҳой, Қимсанбойни ўғлимисан?— деди ва қайта-қайта қучоқлай-қучоқлай ёнига ўтқизди, юз-кўзларимни пайпаслаб, силаб-силаб қўйди.— Товушинг дадангинкига ўхшайди-я, овозингдан танидим, чироғим, умринг ўхшамасин, худди отангинг ўзи бўлибсан. Унинг ҳам елкалари шунақа дуркун, қирра бурун, қошлари шунақа бароқ эди!

...Қобил бобоникида роса уч кун қолиб кетдим. Дадам билан ўтказган чоғларини эслаб Қобил бобо ҳикоя қилишдан-у, мен тунлари ҳам кўзимга уйқу келмай эшитишдан чарчамадим. Нима ҳам бўлиб, гап орасида қариб, мадордан қолган итни суриштирганимда, мен бу итнинг ўша афсонага алоқаси бор деб сира хаёлимга

келтирмаган эдни. Буни қаранги, ит баҳонаси билан шу пайтгача қулоқ эшитмаган-у, ақл бовар қилмаган ҳодисадан ҳайратда қолдим.

— Дада!— деб юборди Асқар ҳовлиқиб.— Нима, ит сувдан чиққан ўша фаришта эканми?

— Йўғ-е,— Жуманқул ака кулди,— аммо фаришта фаришта ҳам эмас, афсона афсона ҳам эмас, ҳаммаси бор гап экан.

...Қобил бобонинг у пайтлари қирқлардан энди олган, қирчиллама чоғлари бўлгани учун Қобил ака дея қолайлик. Хўш, Қобил аканинг ёш, бақувват, вужудидан тоғни уриб толқон қилгудек куч ёғилиб турганига қарамай, кўзи тез-тез толиқадиган бўлиб қолган эди. Тоғлик кекса бир одам: «Қирдаги булоқнинг сувидан ичиб кўр-чи, зора шифо топсанг, деганига подалар учтўрт чақирим нарида бўлса ҳам, ҳар кунни отда келиб, дарё ёқасидаги булоқнинг сувидан мешини тўлдириб кетар эди. Нафн тегдимн, ҳайтовур, ўзини бурунгидан анча яхшироқ сеза бошладн-ю, шу-шу булоққа қатнашни канда қилмади. Бир кунни ярим кечаси, сувсаб ўрнидан турса, мешда сув йўқ, тоғ отининга ҳали анча бор, отга миниб, булоққа жўнади. Қўтонининг олдида узала тушиб ётган ит ҳам унга эргашди. Уша йили ёз ёмғиргарчилик билан келган эди. Қобил ака қорайиб турган осмонга қарай-қарай, қуймаса гўрга эди, деб хаёлидан ўтказаркан, қорама-қора келаётган ит бирдан олдинга қараб чопиб кетди, тўхтаб орқасига ўгирилди, алланечук увиллаб қўйди. Қобил аканинг юраги ғашланди, ажабо, тил-оғзи йўқ бу жонивор нимани сездн-ю, нимага ишора қиляпти, деб отнинг жиловини қўйиб юборди. Буни кўриб ит яна олдинга югурди, дарёнинг нариги қирғоғи тахминан эллик-олтмиш қулоч баландлик, ўша тепаликка қараб ёнигиб туриб қолди. Сўнг булоқнинг атрофидаги тошларнинг орқасига ўтиб писиб ётди. Қобил ака отдан тушиб, нариги қирғоққа, тепаликка қаради, аммо биров шубҳали нарса сезмади. Энди булоққа энгашган ҳам эди, олис-олисдан келаётган от дупури қулоғига чалингандек бўлди-ю, ажабланиб, атрофга алашгади. Бу томонларда ҳеч ким юрмас, ҳатто ўтлоқ жой бўлмаганига пода ҳам боқилмасди-ку! Қизиқ, ким бўлди, тағни ярим тунда-я?! Уни отнинг писиб ётгани ажаблантирди. Ҳар эҳтимолга қарши отни нарироққа ҳайдади. Ўзи ҳам тошни паналаб чўққайдида, тепаликдан кўз узмади. Ҳали-ҳали эсида, бир печа

йиллар аввал босмачилар қишлоқни талаб, уйларга ўт қўйиб, ҳамма молларни ҳайдаб кетган эди. Ушанда ҳам худди шунақа, ярим кечаси қўққисдан келиб босишган эди. Аммо бунга кўп бўлган, босмачиларнинг аллақачон уруғи қуриб битган. Аммо тоғ ёнбағридаги қишлоқнинг ҳали унисиди, ҳали бунисиди колхоз тузла бошладиди-ю, ғалати-ғалати нарсалар қулоққа чалина бошладиди, аллақандай ғаламис колхознинг омборига ўт қўйиб кетганмиш, бошқаси колхоз раҳбарларидан бирини пичоқлаб кетганмиш, хуллас, кўнгилга соя ташловчи мана шунақа воқеаларни эслаб Қобил аканинг юраги увушди. От туёқлари тобора яқинлашарди. Ғаламис одам шунақа зимистон тунда оч бўрига ўхшаб изғийди. Қизик, бу одам ким-у, тепаликка нега от қўйиб келяпти ё бу томонда йўл йўқлигидан беҳабармикни? Унда ўлар-қутуларига қарамай отни шу аҳволда чоптириб келаверса, қирғоққа етганда отни тўхтатолмай бирдан дарёга мункиб кетиши ҳам мумкин. Аммо тепаликка яқинлашган сари от туёқлари ҳам секинлашди. Демак, бу томонда дарё борлигидан хабари бор, деб қўйди Қобил ака ва тепаликдан кўз узмади. Ит ҳам секин бир ғингишиб, жим қолди. Ниҳоят кўп ўтмай тепаликда икки одамнинг узун-қисқа қораси кўринди. Қобил акани ваҳима босди: шу яқин орада юрган отни сезиб қолмишса-я! Аммо улар ўзлари билан ўзлари овора эди, шоша-пиша отдан алланарсани ерга туширишди. Иккови энгашиб бири у бошидан, иккинчиси бу бошидан даст кўтариб, бор кучлари билан дарёга улоқтиришди-ю, дарров орқаларига қайтиша қолди. Ит бетоқатланиб, сабри чидамай дарё томонга эмаклаб кетиши билан Қобил ака сапчиб ўрнидан турди, дарё томонга югурди, аммо шовуллаб оқаётган сувнинг бетиди ҳеч нарса кўринмади. Қобил ака талвасага тушиб, овозининг борича итни чақира бошладиди, қирғоқда уёқдан-буёққа югурди, на ит кўринди, на овози эшитилди. Бирдан олисда, сувнинг шитоб билан бурилиб оқаётган жойида алланарса қалқиб бораётганини аранг илғаб қолди-ю, ўша томонга югурди ва сувга шўнғиб, итни мўлжалга олиб суза кетди. Ит алланарсани тишлаб, жон-жаҳди билан қирғоққа судрарди. Қобил ака ит судраб келаётган нарсани ушлаб кўрди, қоп экан, бир учидан аранг кўтариб итга кўмак бера бошлаган эди, ҳолдан тояёзган ит дарров ўзини ўнглаб олди. Бор кучи билан яна қирғоққа тирмаша бошладиди. Итга осон бўлсин деб, Қобил ака шўн-

ғиди-ю, қопнинг остидан ушлаб кўтарган эди, қўли юмшоқ бир нарсага тегиб сесканиб кетди. Чўкиб бора* ётганига ҳам қарамай, апил-тапил икки қўллаб яна пайпаслаган эди, қўли аввал думалоқ нарсага, кейин.., кейин, даҳшат билан бирдан қичқириб юборганини ўзи ҳам билмай қолди.

— Қим бор, ёрдам беринглар, одам!

Овозини дарёнинг шовуллаши босиб кетди. Урина-урина қирғоққа яқинлашгач, дод-фарёддан фойда йўқ-лигини, муҳими, ҳозир қопни тезроқ қирғоққа олиб чиқиш кераклигини пайқаб, Қобил ака бир қўли билан қопнинг тагидан даст кўтарди, қоп енгиллашди. Ит қопни қирғоққа тортиб чиқди. Қобил ака ҳаммаёғидан сув шариллаб оқиб турса ҳам аллақандай ваҳима ва ҳаяжонда тиши-тишига тегмай, дағ-дағ титраётган қўллари билан пайпаслаб аранг белидан пичоқни олди. Қопни ўртасидан шариллатиб йиртиб юборди-ю, орқага қалқиб кетди; қопда, дарҳақиқат, қўл-оёғи боғланган ёшгина аёл ётарди! Бу нима, бу қанақа мудҳишлик, ўнгими ё тушимми? Қобил ака бир лаҳза серрайиб туриб қолди, кейин ғайритабиий бир чаққонлик билан аёлнинг оғзидаги латтани олиб, оёқ-қўли чандилган арқонни кесиб ташлади. Бу ерда қолиш ҳам хавф-хатардан ҳоли эмаслигини пайқаб, ҳали аёл ўликми-тирикми, буни ҳам билмай, дарров отни тутиб келди, аёлни даст кўтариб отга минди. Тиззасига оҳиста ётқизди.

— Нима бўлса ҳам тақдир-азалдан, чу!— деди-ю, от ўтовга қараб ўрмалаб кетди. Итнинг қувончи ичига сиғмасди, дам ирғишлаб олдинга югуриб қолар, дам орқага қайтар, ўзини қўярга жой тополмасди. Қобил ака бир нарса эсига келиб, тиззасини бир оз қийшайтирган эди, аёлнинг оғзи-бурнидан шариллаб сув келди-ю, кейин, то ўтовга ета-етгунча чак-чак томиб кетди. Ўтовга олиб кириб бошини қуйроқ тушириб чалқанча ётқизиб қўйди, шамни ёқиб яна таажжубда қолди: бу аёл сира ўзимизнинг аёлларга ўхшамайди-ку?! Сочи малла, тўри ҳам оқ-сарикдан келган. Қобил ака қўллари қалтираб, аёлнинг чаккаларини, юзларини ишқаркан, бу ким-у, қайси кўргиллик уни шу кўйга солди дея, хаёлидан ўтказди.

Тун бўйи Қобил ака мижжа қоқмади, фақат тонг отиб, кун ёришгандагина аёл билинар-билинимас қимирлади, унинг юзларидан ўлимнинг совуқ шарпаси кўтарилгандай бўлди-ю, Қобил ака қувониб кетди. Негаки,

Бу аёлда жон асари борлигига сира ишомай қўйган эди! Яна ўша дарёдан чиққанда тутган титроққа ўхшаш бир нарса вужудини қалтиратиб юбориб, бирдан кўзларига қалқиб ёш келди. Майли, дунёдаги жами азобуқубатларни менга раво кўра қол, майли, умримнинг ярмини шу шўрликка бағишла, аммо бир лаҳза бўлса ҳам бечорага, ҳали тўйиб-тўйиб кўра олмаган шу ёруғ оламни яна бир бор кўрсату, кўзларини қувонтир, дея аёлнинг тепасида чўққайиб олганча тирқираб оқаётган кўз ёшларини сира тўхтатолмасди. Бир томчи ёш аёлнинг юзига томди, аёл сесканди, кўм-кўк бўлиб кетган лаблари титрагандай бўлди, билинар-билимас эптикди. Қобил ака қувончдан ўрнидан туриб кетди, аёлнинг тепасида гир-гир айланди, бир оз ҳовуридан тушиб, яна чўнқайди, аёл оҳиста, шунда ҳам қалқиб-қалқиб нафас ола бошлади. Қобил ака: «Ҳозир сув деб қолса қатра сув йўқ, кеча эсимдан чиқиб кетиб, меш ҳам булоқнинг бошида қолаверган экан», деб ўйлади. Ўзининг бутун вужуди ташналикдан чўғ бўлиб ёнаётганини энди сезди ва ўтовдан чиқа солиб, кечадан бери эгари олинмай олисда ўтлаб юрган отни тутиб келди, фақат шундагина кўтондан чиқолмай, гир-гир айланиб, пойма-пой маъраб, тоза очиққан қўйларга кўзи тушди, кўтонининг эшигини очиб юбориши билан ҳаммаси ёпирилиб, тахта деворни қулатиб юборди, ҳаш-паш дегунча қирга таралиб кетди. Қобил ака булоқдан сув келтирганда ҳам аёл кўзини очмаган, аммо нафас олиши меъёрга тушгандай эди. Яна тепасида чўққайди, сув олиб кафтида қовжираган лабларига томизди, аёл жунжиккандек бўлди. Оҳиста лабларини қимирлатиб қўйди, анчадан сўнг кўзларини очмоқчи эди, ҳадеганда очолмади, дармони келмади. (Шу жойда негадир Шаҳло афсонадаги фариштанинг булоқ сувидан сўнг кўзларини очиб, лабларига жон кириб, қимтиниб қўйганини беихтиёр эслади.)

— Қизим,— деди Қобил ака энгашиб.

Аёл киприги силкина-силкина оҳиста кўз очди: унинг тахмини тўғри эди, бу аёлнинг сочларигина малла бўлмай, кўзлари ҳам баҳор чоғлари ёмғирдан сўнг қуёш чарақлаб чиққан мовий осмон тиниқлигини эслатарди!..

Жуманқул ака жим қолди. Анчадан сўнг ўзига ўзи гапиргандай оҳиста: «Демак, бундан чиқдики, афсона — афсона эмас экан-да», деб қўйди. Шаҳло ҳамон тиззаларини маҳкам қучоқлаб олганча киприк қоқмай Жуманқул акадан кўз узмасди. Асқар алланечук бўлиб:

— Дада,— деди.— кейин-чи?!

— Кейин, аёл икки-уч кундан кейин ўзига келиб, Қобил акага миннатдорчилигини айтиб адо қилолмаган. «Яхшиямки, булоқда шунча ҳикмат бор экан-у, кечаси дарё бўйига тушибсиз, шу баҳона бўлиб мен ҳам ўлимдан қолдим», деган. Қобил ака шунча қилса ҳам на насли насабини, на қаерлик эканини, на тунги қотиллар нима хусуматда дарёга чўктирганини айтган. Ҳеч нарса демаган-у, бир кун азонда қандайдир бир қизчани қутқаришим керак деб, қўйларни қирга хайдаётган Қобил ака билан хайрлашиб кетиб қолган. Шундай бўлса ҳам Қобил ака кутган, аммо аёлдан дарак бўлмаган. Шу яқин-атрофдаги чўпонлардан сўроқлаган, аммо ҳеч ким дарагини айтолмаган. Кўпчилик ҳатто Қобил аканинг гапларига ишонмаган ҳам. Хуллас, Қобил аканинг бир кун эмас, бир кун ўз оёғи билан келиб қолар-ку, дея ўзига-ўзи тасалли беришдан бошқа иложи қолмаган. Аммо аёлдан бошқа дарак бўлмаган. Балки афсонанинг яралишига шу нарса сабаб бўлганми, ким билсин, бу гап оғиздан-оғизга ўтавериб афсона ҳолига келганмикин дейман-да!

— Уша!— деб қичқириб юборди бирдан Шаҳло,— ўша, бу ўша аёл!

— Қим?! Қайси аёл? Нима деясан?!

Жумапқул ака қизчанинг бирдан ўзгариб кетганини, ҳовлиқиб, ўзини босолмай қолганини кўриб, таажжубланди. Ниҳоят Шаҳло энтика-энтика Солижон аканинг бир тасодиғ билан омон қолгани, қишлоқдаги ўзи бирга ўқиган болаларнинг тақдирин билан қизиққани, Шаҳло қишлоққа кела солиб, шуларни сурштиргани ҳақида айтиб берганида бу таажжуб яна ортди. Асқар дадасининг ҳикояси-ю, Шаҳлонинг ғалати-ғалати гапларини эшитгаркан, бу қизча эртақдаги маликага ўхшаса ҳам, тоза ичидан пишган писмиқ экан, деб қўйди. Тавба, ичида шунча гапин сақлаб юрган қиз, оддий бир қир илонидан ўтакаси ёрлай деди-я!

— Қизиқ,— деб қўйди Жумапқул ака,— демакки, ўша аёл сен айтган аёл бўлса, бу воқеа домланг қишлоқдан чиқиб кетгандан кейин содир бўлган.

— Неча?— ажабланди Шаҳло.

— Уйла, аёл бир неча кун йўқ бўлиб яна қишлоққа қайтиб келади-ю, бу нарса қишлоқда шов-шув бўлмай-дими? Ушанда, домланг бошидан ўтганларини айтиб берганда шу воқеани ҳам эсламасдими?

— Дада,— деди Асқар,— борди-ю, аёл ўшанда қишлоққа қайтиб боролмаган бўлса-чи?

— Нега?

— Йўл-пўлда яна ўша қароқчиларнинг қўлига тушган бўлса-чи!

Жуманқул ака ўйланиб қолди.

— Дарвоқе,— деди анчадан сўнг,— шундай бўлиши ҳам мумкин-ку, унда жумбоқ жумбоқлигича қолаверадди, борди-ю...

— Нима?— деди бирдан ҳаммаси яна афсонага айланиб қолаётганидан юраги шувиллаб Шахло,— нима?!

— Хўш, борди-ю, ҳозирча ўша Гулноранинг изига тушилса-чи? Қизиқ-а, агар Қобил ака айтган аёл чиндан ҳам янги мактаб очмоқчи бўлган ўша аёл бўлса, демак, янги мактабдан кимлардир чўчиган, бу гаплар ҳозир кулгили туюлса ҳам, у пайтда тиш-тирноғи билан қарши бўлганлар оз эмас эди. Хўш, ўшандан сўнг Гулнора топилган бўлса-чи? Гулноранинг тақдири аёлнинг қисматини бир қадар ойдинлашувига, борингки, калаванинг учи топилишига ёрдам бермасмикин, дейман-да, ё гапим чаккими?

— Ҳа!— деб юборди Шахло ҳам маъқуллаб. Солжон ака шаҳарда бўлганда бир кечада тушиб-чиқиш ҳеч гапмасди, аллақачон бола-чақасининг олдига — Иссиқкўлга кетиб қолгандир, деб афсусланиб қўйди қиз. Асқар эса ҳовлиқиб:

— Бўлди,— деди,— эртагаёқ уйма-уй юриб, ҳамма Гулнораларни суриштириб чиқаман.

Жуманқул ака кулди.

— Аввалам бор, ўғлим, ўша Гулнора ҳаёт бўлса, ҳозир элликларнинг атрофидаги бола-чақали аёл, демак, шу ёшдаги одамларнинг орасидан қидириш керак, қолаверса...

Жуманқул ака гапдан тўхтаб, пича ўйлаб қолди-да, Шахлодан сўради:

— Домланг қишлоққа хат ёзишдан аввал ҳам шунақа бирон кўнгилсизликка учраганми?

— Йўқ, шекилли, йўқ.

— Нега йўқ деяпсан?

— Ушанда, шунча нарсани айтган одам, яширмас эди деб ўйлайман.

— Ҳа, гапингда жон бор, хўш, домланг қишлоққа нима деб ёзган экан, мазмунини сенга аниқроқ айтиб бермаганимиди?

— Хатнинг мазмунини аниқ билмайман-у, аммо ўзи билан ўқиган икки-учта боланинг, айниқса, ўша аёлнинг тақдири билан қизиққанини ёзган экан.

— Нима дединг?— деди Жуманқул ака,— «айниқса ўша аёлнинг тақдири билан қизиққанини» ёзган, дедингми?

— Ҳа!— деди Шаҳло.— Солижон акани «айниқса ўша аёлни» деган гапи аниқ эсимда!

— Қизиқ.

— Нега?— деди Асқар.

— Қара-я,— деди ўзига-ўзи гапиргандай Жуманқул ака,— хатнинг жавобини аллаким атайлаб шаҳарга бориб, эшигига ташлаб кетган. Шунча оворагарчиликдан кўра, хўш, хатни олган одам домланг қидирган одамларни суриштириб, бор бўлса бор, йўқ бўлса йўқ, деб жавобини қишлоқ почтасига ташлаб қўя қолса бўлмасмиди. Шу нарса ғалати туюляпти-да!

— Демак, сиз айтмоқчисизки,— деди ҳуши учиб Шаҳло,— қизиқ, ўшанда Солижон ака ҳам шунга ўхшаш бир нарса дегандай эди-я!

Аммо Жуманқул ака:

— Йўғ-е,— деди шошиб,— унақа хаёлга борма, қизим. Балки бир-бирига сира алоқаси йўқ гаплардир. Қим билсин, орадан кам эмас, шунча йил ўтган-а! Мен бунини боя Асқар шошма-шошарлик билан иш тутмоқчи бўлганига айтяпман. Аста-аста, битта-яримтанинг кўнглига озор бермай, хўш, битта-яримтани чўчитмай, сувнинг оқимига қараб иш тутган маъқулмикин?

...Ҳаммалари ётишганда ҳам Шаҳлонинг сира-сира уйқуси келмади. Ота-боланинг узук-юлуқ гапларидан дарё ўзанида бир эмас, бир неча қурилишга етадиган қум борлиги қулоғига чалинди-ю, мудрай-мудрай уйқуга кетди, аммо туни билан тиканга ағанагандек безовта бўлиб чиқди. Тошга яқин туш ҳам кўрибди; куппа-кундузи эмиш-у, осмонда қуёш эмас, баркашдек ой сузиб юрганмиш. Ажабо, нега бундай деса, олис-олисдан найнинг овозига ўхшаш ингичка, майин, ёқимли товуш:

— Бунини мен истадим,— деб жавоб берармиш. Овоз қаёқдан келаётганига тушунолмади, Шаҳло кўзлари жавдираб (қаранг-а, кўзларининг жавдираганини ўзи ҳам кўриб турганмиш) атрофга қараса, дарё бўйида афсонадаги кўк кўзли, малла сочли фаришта ўтирган эмиш. Демак, ҳамма нарсани ҳаммадан аввал пайқайдиган Асқар боя Қизбулоқнинг сувидан олиб келаман

деб, мешни елкасига ташлаб кетган эди, фариштани дарё лабига чиққанини кўриб, булоқнинг сувидан сепган бўлса керакки, фаришта овоз берди.

— Ажабланма!— дебди яна фаришта.— Менга сув сочган Асқар эмас, Қобил ака! Асқарни эса ана қара, булоқнинг бошида ухлатиб қўйдим.

Дарҳақиқат, Асқар, бошини мешга қўйиб, қир илонининг вишиллашига ўхшаш ғалати товуш чиқариб пишиллаб ухлаб ётганмиш. Вой товба, афсоналарда рўй берадигандай, Асқар шу ётганича сира-сира уйғонмас-я! Шахло жон ҳолатда Асқарнинг ёқасидан ушлаб уйғота бошлаган экан:

— Овора бўлма,— дебди фаришта ёқимли товуш билан,— ўзинг яқинроқ кел, сен билан ёлғиз гаплашмоқчиман, чўчима, келавер!

— Вой, нега чўчир эканман,— дермиш тиззалари қалтираб кетаётган бўлса ҳам Шахло сира-сира сир бой бермай,— мени унча-бунчадан қўрқади деб ўйламам, мана!

Шахло фариштага қараб юрмоқчи бўлиб оёғини ердан узиши билан худди қанот пайдо қилгандай бир зумда фариштанинг ёнига бориб қолганмиш. Фариштанинг қош-кўзлари, жилмайиб туришлари бирам чиройли, бирам ёқимли эмишки! Шахло яхшилаб қараб олай, шаҳарга борганимда ҳамма-ҳаммасини Солижон акага айтиб бераман, деб ундан кўз узмасмиш.

— Мени излаб юрибсанми?

— Ҳа,— дебди Шахло ўпкаси тўлиб,— биласизми, Солижон акам сизни сира-сира тилларидан қўймайдилар.

Фаришта кўм-кўк кўзлари билан Шахлога қараб жилмайибди.

— Солижонни биламан, ҳали ҳам яхши болами?

Шахло сочига оқ тушган кап-катта одамни нега бола дейсиз демоқчи экан, уялиб, айтолмабди.

Шахло эндигина:

— Солижон ака сизни қаерлардан топса бўлади?— деган экан, олинсан, дарёнинг нариги бетидаги тепаликдан от дупури эшитилиб қолибди. Фаришта шошиб: «Мени яна қувлаб келишяпти, Солижонга айт, мени шу жойлардан изласин», деб кўз очиб-юмгунча, Асқарни уйғотишни ҳам унутиб, шошганча сувга шўнғиб ғойиб бўлибди. Шахло эса овозининг борица фариштани чақира бошлабди. Аммо фариштадан дарак бўлмабди. Ас-

қарнииг тепасига келиб қанча уринмасин, бошидаги мешни тортиб олиб, шариллатиб устидан сув қуймасин, Асқар сира уйғонмабди. Шахло: «Мунча уйқучисан, ҳой, тур», деб тўлиб келган ўпкасини босолмай ҳўнграб йиғламоқчи бўлармиш-у, нафаси тиқилиб, сира йиғлай олмасмиш.

— Ҳой, Шахло, ҳой, сенга нима бўлди?— деб эшитилган қаттиқ овоздан энтикиб уйғониб тепасида турган Асқарга кўзи тушиб, анчагача ҳайрат билан қараб қолди-да:

— Вой, уйғондингми, Асқар?— деб ўзини босолмай ростакамига ўкириб йиғлаб юборди.

...Кун ёйилганда машина дарё ёқалаб сўқмоқ йўлдан қишлоққа жўнаб кетди. Жуманқул ака то машинанинг қораси кўздан йўқолгунча, хомуш қараб турди-да, ҳувиллаб қолган қирга бурилиши билан тоғдан ўрмалаб тушаётган отни кўриб, ачиниб қўйди:

— Аттанг, ўғлини кўролмади-я!

Ун учинчи боб

«ҲАЙДАГАНЛАРИНГ ЧАККИ БЎЛИБДИ, УҒЛИМ»

Қурилишда иш аввалгидек қизғин бўлмаса ҳам, ҳар қалай иморатининг беш-олти ғишти кўтарилиб қолган эди. Равшаниннг айтганича бор экан. Кўп ўтмай қишлоқда қолган бошқа болалар ҳам ишлашга иштиёқ билдира бошлашди-ю, Мўминжон ака шунча одам жазирама саратонда куйиб-пишиб, қизиқиб, бир-биридан қолгиси келмай тер тўкяптими, бир маҳал пессиқ қилиб бермаса бўлмас, деб Мулладўстни вақтинча чойхонадан олиб қурилишга қўйди. Шу орада яна бир кўнгилсизлик бўлиб ўтдики, Мўминжон ака ҳув бир марта Мулладўстни «шу ишни болаларга ишониб чакки қиляписиз» деганини эслаб, негадир, ўшанда чойхоначининг гапини эътиборсиз қолдирганига пича ўкиниб ҳам қўйди. Аммо бошланган ишни тўхтатгиси келмай, қолаверса, Равшаниннг ялиниб-ёлворишидан кейин жаҳлидан тушди. Ҳа, майли, Асқар болалик қипти, бўлмаса, келиб-келиб долзарб пайтда шу номаъқулчиликни қиладими. Тағин нимага ўчакнишибди денг-а! Бай-бай, одам айтгани тили бормайдн-я. Шу ёшданки шунақа қилиқ кўрсатса, катта бўлганда қанақа бўлади?! Мулладўст ҳам йўқ демади,

ишни чаппасидан, орқага кетиб қолишини ўйладими, дарров рози бўлди. «Хотиржам бўлинг, Мўминжон ака,— деди,— ишга ўзим кўз-қулоқ бўламан, холамни ҳам уч-тўрт кундан бери тоби қочиб, турибди, қаричиликники бўлса керак, яхши бўлди, уйга яқши, бот-бот хабар олиб тураман».

— Мўминжон!

Идора олдидаги кўприкдан ўтиб бораётган уста Ашир икки-уч кундан бери беданаларнинг сайроғи-ю, чойхўрларнинг гурунги эшитилмай, ҳувиллаб қолган чойхонада ранси ёлғиз кўриб, шу томонга юрди, Ранс ҳам кўзи тушиб қўзғалди, иши ўнгидан келганига хурсанд бўлди. Кеча, олтинчи бригаданинг нахтасини ўт босиб кетганимиш, деб эшитгандан бери хуноби ошиб, аввал бирров бўлса ҳам қурилшига ўтаман-у, кейин далага жўнайман деб турган эди. Аҳволни устандан билиб қўя қолади. Аммо уста кўришиб, сўрнинг чеккасига омонатгина ўтирди, негадир чиройи очилмай Мўминжон ака узатган пиёлаин истар-иетамас олиб ёшига қўйди.

— Ҳа, Ашир, хомушсан?

— Менга қара, Мўминжон,— деди уста ганин узоқдан бошлаб,— бир кўчанинг тупроғини чангитиб катта бўлганмиз-а?

— Ҳа!

— Айт-чи, ўзинг билан шаҳардаги қурилишларда ҳам бир печа йил ёнма-ён ишладик, ранс бўлганиндан кейин қишлоққа кел, дединг, юзингдан ўтолмай болачақамни кўчриб келдим. Қолхознинг ярим иморати қўлимдан чиқди, бирор марта ишда қаллоблик нималигини билмадим ё гапим чаккими?

— Йўғ-е, нега чакки бўларкан, ҳақ гап,— деди Мўминжон ака устанинг муддаосини тушунолмай.

— Ҳа, балли,— деди уста ганида давом этиб,— хўш, нега анави палакатни менга кўз-қулоқ қилиб қўйдинг?

— Э-э, Ашир, сенга нима бўлди, ўйлаб гапирясанми? Оёқ-қўли чаққон одам, ош-овқатга қараб турса...

— Ҳа, бу бўлак гап,— деди уста Ашир рансини гапини бўлиб,— айтиб қўй, ҳадеб мошхўрдага қаттиқ бўлиб менинг ишимга аралашавермасини, уят бўлади, мен бир нимани ўйламай-петмай қилмайман, Мўминжон!

— Ҳа, мунча диққи-нафас бўласан, мундоқ тушучтириб айт!

— Қарасам, болаларнинг руҳи аввалгидек эмас,

Мўминжон. Хўш, нима гап, деб овқат маҳалда секин суриштираман, эҳ-ҳе, буларнинг шунча дарди бор экан-у, миқ этмай юришган экан. Юмушимиз фақат семон қорини, ёши ташинми, Ашир ака, устачиликни нега ўргатмайсан, деб қолишди. Ҳам қувондим, ҳам шу нарса эсимга келмаганига ўзимдан ўзим хафа бўлиб кетдим. Хўш, қалай?

— Чакки эмас!— деди ранс болаларни шунақа иштиёқ борлигидан мамнун бўлиб.

— Ҳа, балли, ёнимга галма-галдан бола олиб битта ёши у қўйса, биттани ўзим қўйдим. Ҳаммасининг ҳам туппа-тузук қўли келиб қувонганини-ю, бай-бай, ғайрати охиб-тошганини кўрсанг! Орага апави чойхоначи луқма ташлаб, ҳафсаламни пир қилиб юборди. «Уста, бунақада иш қачон битади?» деб писанда қилса-я. Ҳай, майли, болаларнинг кўнгли ўксимаси деб тилимдагини ичимга ютиб, пидамадим. Навбат ўғлинига келганда ёштин қатордан бир энлик чиқариб юборган экан, чироғим, ёши қўйинида аввал кўзингизининг қирини режага бир ташлаб олинг, десам, қозоннинг олдида кекирдагини чўзиб: «Уста, хўжайинининг ўғилларини жеркиманг, айб бўлади» дейди-я. Ҳой, Мўминжон, бу нима деган гап?

— Сенга ҳамманин олдида шу гапни айтиб бетабиллик қилибди,— деди Мўминжон ака чойхоначининг бачканалигидан ўзи ҳам ранжиб. Аммо уста Ашир хунаримни ўргатаман деб ишин судраб юборса, буёғи қандоқ бўларкин, чойхоначининг гапида ҳам жон бор шекилли, деб кўнглидан ўтказди. Бир қараганда ўрниликдек туюлди-ю, бу нарсани жигибийронни чиқиб турган устага қандоқ қилиб ётиги билан тушунтирсан экан, деб ўйлаб қолди.

— Шуми?— деди Мўминжон ака.— Қўявер, ўзим таибхони бераман. Равшанга келсак, сен ким-у, мен ким, сен койининг ишма-ю, мен уришдим нима, фойдадан холи эмас! Аммо мулла Ашир, болалар билан ўралашиб қолсанг, иш чўзилиб кетмасмикин?

— Яъни нима демоқчисан?

— Ҳозирча уларнинг кўзи пишиб турса-ю...

— Қўли-чи?— деди уста.— Булар ҳали бамисоли бебош жилга, жиллаб йўлга солмасанг, бекордан-бекорга тошадан-кўпирани, боши оққан томонга тентираб кетаверадан, йўлга солсанг қўшилиб дарёйи азим бўладикан, чўлда гул ўсадан ё гапим чаккими?

— Йўқ, нега,— деди Мўминжон ака мулоҳаза қилиб,— аммо бу жилғаларни жиловлаймиз, деб анчамунча вақтимизни бекорга бой бериб қўямизми, деб қўрқаман, ҳадемай ўқиш бошланса, буёқда йиғим-теримга тушсак...

— Гап буёқда дегин,— деди уста,— сенга буларни ҳозирги ошиб-тошиб турган ғайрати қўл келиб, шу парсани колхознинг одамларига тегмай, болаларнинг кучи билан битказиб олмоқчисан-а?

— Шундоқ, Ашир, шундоқ бўлса марра бизники,— деди Мўминжон ака,— қани, айт, ўтган йили колхознинг ярим пахтасини шулар териб бермадимми?

— Э, ҳа,— деб юборди уста,— бир ҳисобда ўйлаган режанг маъқул, ҳай, унда марра «бизники» эмас, сеники!

— Нега?

Устанинг серажин юзларига истеҳзога ўхшаш ғалати бир ифода қалқиб:

— Аттанг,— деб қўйди,— мен бошқача ўйлаган эканман, унда анави палакатдан чакки хафа бўлган эканман, у шўринг қурғур оғзингдан нима чиқса, раисники маъқул, деб чапак чалиб, кунини кўриб юрган одам-да!

— Оббо,— деди кулиб Мўминжон ака,— сени Максим акага ўхшаганинг яхши-я...

— Кулма!

— Ҳа?

— Ушани нонини еб юрибсан, Мўминжон,— деди,— Нусратилло шилпиққа ўхшамасам бўлгани,— ҳай, омон бўл!

Уста ёшига номуносиб бир чаққонлик билан ўрнидан турди. Мўминжон акага ҳам қарамай тез-тез юриб пастга — ёлғизоёқ йўлга тушиб кетди. Мўминжон акага устанинг шарттакилиги бир оз оғир ботса ҳам, ҳар қалай кўнгли нозиклигини билиб, бир кўйи тўхтатмоқчи, яна ётиғи билан бир тушунтирмоқчи бўлди, аммо устанинг табиатини яхши билгани учун индамай жойида қола қолди. Тавба, нега, нега одамлар сира ўз қобигидан чиқа олмас экан-а? Устанинг дарди битта иморату, раиснинг бошида эса бутун колхознинг ташвиши!

Уста билан ранс чорпояда суҳбатлашиб ўтиришганда бир воқеа бўлиб ўтдики, икковлари ҳам бундан беҳабар эдилар; қирдан қайтган машина болаларни қурилишга яқин жойда, катта кўчанинг муюлишида ташлаб ўтиб

кетди. Асқар олисдан болаларнинг давра қуриб ўтирганини кўрар-кўрмас ҳовлиқиб:

— Овқатга чиқишибди-ку!— деди.— Чопдик, Малика!

Шаҳло бирдан хандон ташлаб кулди-ю, Асқар ўзининг ўта хаёлпарастлигидан хижолат чекиб, қулоқларига гача ловиллаб кетди. Шаҳло:

— Менга қара,— деди тўхтаб,— сенга бир бало бўлганми-а, қачонгача унақа дейсан, нима, ўзимнинг отим йўқми?

— Охиргиси!— деди Асқар таслим бўлгандек иккала қўлини баравар кўтариб, ҳазилга олган бўлди. Аммо Шаҳло бари бир бунинг ҳазил эмаслигини пайқаса ҳам, ортиқ тортишиб ўтирмай, Асқарнинг кетидан югура кетди.

— Хў, ҳорманглар!— деди Асқар олисдан. Утирганларнинг ҳаммаси қаради-ю, аммо ҳеч кимдан садо чиқмади. Асқарнинг ҳаяжон билан елиб-югуриб келаётганини кўриб туришса ҳам, қандай ўтиришган бўлса, шу кўйи совуққина қарши олишди. Фақат, Мунира Шаҳлонини қучоқлаб, ёнига ўтқизди-ю, аммо ҳеч ким Асқарга ке ҳам, ўтир ҳам демади. Асқар ўзини ноқулай сезиб, бирпас довдираб турди-да, иморатнинг чиройли, бежирим терила бошлаган ёштларига ҳаваси келиб:

— Ишлар бошланиб кетибди-ку!— деди. Аммо яна ҳеч ким жавоб бермади. Инамадир нашъа қилиб, аллаким пиқ этиб кулди. Шундагина Асқар самоварининг олдида ўралашиб юрган Анзорга кўзи тушиб, вой-ей, тушимми-ўнгимми, дегандек ажабланиб қараб қолди. Анзор ҳар қўлида иккитадан тўртта чойнакни қўшалок қилиб кўтарганча лапанглаб даврага қараб келаркан:

— Ҳа?— деди овозини жўрттага баландроқ қилиб.— Мени энди кўряпсанми?

— Йўғ-е, илгарин ҳам бир кўргандайман!— деди Асқар орага тушган ғалати совуқликни кулги билан кўтармоқчи бўлгандай.— Аммо эшагинг йўғига зўрға танибман, вой-ей, ўзимизнинг Анзормисан-а!

Равшан бойдан бери тишини-тишига қўйиб ўзини аранг босиб ўтирган эди.

— Оббо, масхаравоз-ей,— деб юборди ўрнидан туриб,— яна ҳаммани лақиллатиш пайдасан-а? Қани, мен билан юр-чи!

— Қаёққа?!

— Ҳозир кўрасан,— деди Равшан ва тўп-тўп уюлган ёштларининг орқасига ўтиб кетди. Асқар ҳеч нарсага

тушунолмай япа ярим ҳазил, ярим чин қиёфада елкаларини учириб, кўзларини пирпиратиб тураверган эди, умрида бировга қаттиқ-қурум гапирмаган, мўмин-қобил Нортожининг овози чиқиб қолди:

— Ҳа, бор, нега турибсан?

— Ҳой, Анзор,— деди Озода,— эшагингни ташлаб келиб бекор қилган экансан.

— Нега?

— Ҳозир Асқарни эшакка тескари миндириб идорага олиб борардик!

Озода жаҳл билан айтган бўлса ҳам, бу гапга Анзордан бўлак ҳеч ким кулмади. Боядан бери Шаҳло нима бўлаётганига, нега Асқарни бунчалик совуқ қаршилашганига тушунолмай ўтирган эди, Озоданинг гапидан кейин Мунирадан секин:

— Нима гап?— деб сўради. Мунира хомушгина бир хўрсиниб қўйди-ю, аммо жавоб бермади. Асқар ажабланиб, Равшан кетган томонга юриши билан чой-чойда қолиб, ҳамма гуриллаб ўрнидан турди, Асқар ёшиг уюмини айланиб ўтганда Равшан қўлларини белларига тираб:

— Хўш, манави нима?— деди оёғининг остини кўрсатиб. Асқар шундагина тўлган ўранинг устидан яхшилаб семон сувоқ қилинганини кўриб:

— Қойил-е!— деди ва завқ билан ойнадек текис семоннинг устида икки-уч сакради, уёқдан-буёққа юриб кўрди.— Сеп қилдингми, Равшан?!

Равшаниннг пешанасидан совуқ тер чиқиб кетди, кўзлари юм-юмалоқ бўлиб, қандай ҳатлаганини, қандай қилиб Асқарнинг ёқасига чанг солганини ўзи ҳам сезмай қолди:

— Нима?!

— Э, қўлинггни торт, тентак, сенга бир бало бўлганми?

— Нима дединг?!— деди ва жон ҳолатда Асқарни уёқдан-буёққа силкита бошлаган эди, Шаҳло титраб кетди, овозининг борича қичқириб юборди.

— Эсингни, едингми, Равшан?!

Шаҳлонинг титраб-қақшаб бақиргани Равшани баттар қутуртириб юборди. Шаҳло бу гал ўзини тутиб туролмай, бора солиб Равшаниннг қўлларига ёпишган эди, Равшан жаҳл билан туртиб юборди. Шаҳло қалқиб кетди, агар Озода билан Мирқобил чаққонлик қилиб орқасидан тутиб қолмаса, бор бўйи билан йиқилиши

турган гап эди. Фақат шундагина Равшан бўшашиб, эс-хушини аранг йиғиб, Шаҳлонинг оппоқ оқариб кетган юзига қаради-ю, ўзининг ҳам юраги шувуллаб кетди. Асқар бу машмашаларнинг сабабини тушунолмади негадир хўрлиги келди. Бунинг устига Шаҳло сал бўлмаса йиқилиб кетаёзганини ўйлаб, аламига чидолмади, газаб билан Равшани шундай силтаб тортдики, у ночор орқага тисарилди. Бу воқеа кўз очиб-юмгунча, то болалар ғишт уюмларини айланиб ўтгунча рўй берди. Бўлмаса, Мирқобилнинг олдида Равшан қўлларига эрк беришга унча ботинолмасди.

— Ҳой, Равшан,— деди Озода,— бу қанақа қилиқ-а?

— Ҳа, ёнини оляпсанми?

— Гапни бурма,— деди Мирқобил,— ҳар қанча гап бўлса, юзига шартта-шартта айт, ёқасидан олиб нима қиласан?

Равшан оғир-оғир энтикиб қўйди-ю, аммо индамади. Негадир, билганларининг қилларинг, дегандек қўл силтади-да, бир чеккага бориб тумтайиб ўтириб олди... Озода кулди.

— Ҳа?— деди Равшан.

— Менимча, сен Асқарга айтадиган гапларининг айтиб бўлдинг чоғи, энди ўзимиз гаплаша қолайлик.

Шу пайт чойхоначи ҳовлисида чикди. Асқарга кўзи тушиб бир ўкрайиб қўйди, юзи тирншиб, минг-минг афсус билан бошини чайқаб Равшанингни ёнига чўккалади.

— Уста қани?

— Йўқ, овқатни менсиз еяверинглар деб кетган эди.

— Қаёққа?

Равшан билмадим, деб елка қисди.

— Менга қара, Асқар,— деди аллақандай сўник товуш билан Мирқобил,— мана шу турган жойинг аввал нима эди?

— Ҳа эди,— деди Асқар ва ҳеч нарсага тушунмай оёғининг остига қараб қўйди,— ҳа, ўра эди!

— Ичида нима бор эди!

— Семон!

— Хўш,— деди Озода,— ўша семонни кимнинг таклифи билан шу ўрага ағдарган эдик?

— Мени.

— Қойил-е!— деб юборди Мелиқўзи.— Уялмай мени дейди-я!

— Жим!— деди Мирқобил ва Асқарга ўгирилди.—

Қани айт-чи, нега ўрага сув очиб юбординг, қара, оз-мунча семон нест-нобуд бўлдимми?

— Қим?

— Сен!

— Нима?!— қичқириб юборди Асқар.— Мен? Қачон?

— Гапни айланторма, Асқар, қирга кетишингдан бир кун аввал, кечаси ўн билан ўн бирларнинг орасида қаерда эдинг?

Асқар бўшашиб, кўзлари жавдираб, йиғламсираган товуш билан:

— Йўқ,— деди,— буни мен қилганим йўқ, ишонмай-сизларми?

— Жавоб бер!— деди луқма ташлаб Равшан,— хўш, қаерда эдинг?

Орага оғир жимлик тушди. Асқар қизариб-бўзариб, анчагача бошини кўтармай ўтирди, кейин негадир кўз қири билан чойхоначига қараб қўйди. Ҳамманинг диққат-эътибори Асқарда бўлгани учун Шаҳлонинг юзи докадек оқариб, лаблари титраб кетганидан ва кўзларига қалқиб ёш келганидан беҳабар эди; нега жим, нега индамайди, нега жавоб бермайди, ахир ярим кечаси уйда бўлмай қаёқда бўлиши мумкин?

— Шу ерда,— деди ниҳоят Асқар бош кўтармай,— шу ерда эдим.

Шаҳлонинг ҳуши учиб:

— Асқар!— деб юборди,— ёлғон-ку!

Чойхоначи илжайиб:

— Сиз қаёқдан биласиз, меҳмон қиз,— деди.— Бор гапни айтяпти, уйда эмас, шу ерда эди, ўзим кўрдим, орқасидан анча ергача қувлаб бордим ҳам.

— Асқар!— Шаҳло қулоқларига ишонмай қолди.— Йўқ, йўқ, ёлғон, бу ерда бўлмагансан, шундай эмасми, Асқар?

— Бўлганман,— деди Асқар тутила-тутила,— ўша кунни кечаси бўлганман, бу рост, аммо ариқнинг яқинига ҳам йўламаганман.

— Сен-а?— деди Равшан.— Хўш, кечаси бу ерга нега келган эдинг, айбнинг бўлмаса нега қочдинг?!

Асқар ғалати, худди касал одамникига ўхшаш маъюс жилмайиш билан Равшанга қараб қўйди.

— Улсам ҳам буни сенга айтмайман!

Равшан ўрнидан туриб кетди.

— Айтмасанг айтма, ҳаммаси аниқ, ўша кунни сен билан озроқ жиқиллашиб олган эдик, кейин билмай оё-

ғингга ғишт теккизиб юборган эдим, ҳаммасининг ўчнини шундан олмоқчи бўлгансан. Ё йўқми, қани, йўқ деб кўрчи, шу қилмишингга сени қурилишдан ҳайдамоқчимиз!

— Нима деб ўйласанг ўйлайвер,— деди Асқар,— ўзини ҳам кетаман.

Озода пастга тушиб кетаётган Асқарнинг орқасидан негадир кўнгли бўшашиб кетди; аттанг, шундоқ боланинг кўлидан шу иш келади-ю, ўзини бекурд қилиб, ранс буваннинг олдида ҳамманинг юзини ерга қаратади, деб ким ўйлаган эди! Асқарнинг бу ишни қилганига сира ишонғиси келмай, юрагининг аллақаери ачшиниб турганда, Анзор Озодашнинг бояги гапни эслаб, ҳали унча йироқлашмаган Асқарга атайлаб эшиттириб:

— Э, аттанг,— деди,— эшакни бекор ташлаб келган эканман.

Асқар қадамни секкилатди-да, орқасига қараб:

— Анзор!— деди,— ҳовлиқма, ўзингининг эшагингга ўзинг тескари миниб юрма, тентак!

Анзор ҳа, алам қилдим, дегандек ёйилиб кулди-да, ғалати бир жилванглаб қўйди. Сочларини панжалари билан тарай-тарай, погироп оёғини силкита-силкита нари кетди. Боядан бери ҳеч кутилмаган бу машамашалардан ҳуши учиб, нима қиларини-ю, нима дейишини билолмай боши қотиб қолган Шаҳло Асқарнинг йироқлашиб бораётганини кўриб, кўнгли алланечук бўлиб кетди. Равшанининг ҳай-ҳайлашига-ю, Анзорнинг хахлаб кулишига ҳам қарамай, ҳаммани ҳайратда қолдириб, Асқарнинг кетидан югура кетди. Бўш-баёв Нуртожигга бу ғалаги гаёсир қилиб:

— Аттанг, битта шу бегона қизчалик бўлолмадик-а,— деб қўйди секин,— балки...

— Ҳа?!— жеркиб берди уни Равшан. Шу голда Шаҳлонинг бояги қилиғи-ю, ҳозир ҳамманинг олдида на Равшанин менсимай, на қизлик ғурурини ўйламай, Асқарнинг орқасидан югуриб қолгани тоза алам қилиб турган эди.

...Олиса уста Ашир кўрипти, у бўлиб ўтган воқеани ҳам, болаларнинг кайфиятидаги ўзгаришини ҳам пайқамади, негаки, ранс билан суҳбатдан кўнгли ғанилашиб келганига ўзи ҳам хомуш эди!

Асқар битта-битта юриб боши оққан томонга борарди. Хаёллари айқаш-чайқаш, безовта туш кўрган одамга ўхшаб ҳадеганда ўпкасини босолмай, бояги зўрма-зўраки бепарволигидан асар ҳам қолмаганиди. Тавба, шу

нарсаларнинг бари ростдан ҳам ўнгида содир бўляпти-ми? Қайси ноинсоф шунақа пасткашлик билан Асқардан ўч олмоқчи? Хўш, нимага, беғараз ҳазил-ҳузулигани? Йўғ-е, ақлга тўғри келмайди-ку! Ё Анзор атайлаб қилдимикин, бу боладан ҳар балони кутса бўлади. Унинг баъзи қилиқлари, баъзи гап-сўзлари, тазба, дадасининг ўзи-я! Қишлоқда кўп одам дадасини хуш кўрмайди. Шу одамни юракдан кулганини ё илжайганини, биров билан чақчақлашиб ўтирганини Асқар кўрган эмас. Бир нарсаси сўрасанг «ҳа, йўқ»дан нарига ўтмайди. Ҳали ўзи унча қари эмас. Новча, озғин одам бўлганигани, букчайиб, доим ерга қараб юради ё ердан биров нарсаси излармикин-а? Унинг бир нарсадан ҳадиксирганидек ғалати чўчиб юриш одати Анзорда ҳам бор. Қизиқ, Анзор қурилишда нега ўралашиб юрибди? Келмайман, оёғимни ҳам босмайман деб ҳамманинг олдида онт ичган эди-ку. Ё Равшан ялиниб олиб келдимикин, йўқ, ундай бўлмаса керак, бу чойхоначининг иши. Ҳа, ҳа, Анзор билан чойхоначи яқин. Анзор чойхоначига боғдан чиққан шох-шаббаларни ташиб бериб юради, ўша айтган, бўлмаса келармиди. Тўхта, тўхта, ўша ишни ўзи қилган бўлса-чи, ҳа, ҳа, чойхоначининг ўзи? Йўғ-е, ўлиб-қутулиб олиб келган нарсасини ўзи нобуд қиладими? Битта-яримта билмай сувни очиб юборган-у, бу нарсаси тасодиф бўлиб Асқарнинг бўйинига тушди. Ҳа-я, нега шундай бўлиши мумкин эмас. Масалан, овсар кечаси довдираб, сувни очиб юборган бўлса-чи? Хўш, ахир чойхоначининг ўзи анчагача: «Шов-шув, тарақа-туруқ холамнинг тинчсини бузадн», деб юрмаганмиди?!

— Асқар!

Асқар сесканиб орқасига ўгирилди, ўгирилди-ю, шу томонга югуриб келаётган Шаҳлони кўриб кўзларига ишонмай қолди. Йўқ, бу қиз спра малнка эмас! Мардлиги-ю, оққўнгиллиги ҳаммани ҳайратда қолдирган эртақдаги паҳлавоннинг худди ўзгисаси. Ҳа, ҳа, боя Равшан ёқасидан олганда, шунча йил бирга ўқиб, бирга ўйнаб катта бўлган қайси ўртоғи ёнига тушди? Бирон-таси ҳам, тўхта, балки ростдан ҳам буни сен қилмагандирсан, деб йўлдан қайтармади-ку! Аттанг, шундай қилганда балки бор гапни айтиб берган бўлармиди, йўғ-е, бари бир гапирмасди, бошига қилич келганда ҳам оғиз очмасди... Шаҳло келиб бирпас энтикканча туриб қолди, унинг кўзлари ғалати жавдирарди:

— Сен... сен қилган эмассан, шундай эмасми?

— Ҳа.

— Мен сенга ишонаман!

Шаҳлонинг теракнинг баргидек титраб, типирчилаб турган кўнгли бир қадар таскин топгандай бўлди. Индамай ёнма-ён боришди, дарё ёқасидаги ўша, катта тепаликка келиб қолишганини кўриб, олдинма-кейин югуриб тепага чиқишди. Мавжланиб оқаётган сувнинг бегида бир дона қизил олма қалқиб келиб, қирғоққа яқин жойда гир-гир айланиб, гирдобга тушиб қолди. Асқар ташвишни ҳам унутди, шўхлиги тутиб югурганча пастга тушди, толнинг новдасини синдирди-да, почаларини қайириб, тиззагача шалоплаб сувга тушди ва авайлаб оямани тортиб олди-да, тепаликда чўққайиб ўтирган Шаҳлога отди.

— Асқар.

— Нима?

— Бир нарса сўрасам майлими?

— Майли-ку,— деди Асқар ёлборгандай,— агар ўша нарса бўлса, қўй, сўрама.

— Менга ҳам айтмайсанми?

Асқар индамай келиб қуйироққа чўққайди, қирғоққа шалоп-шалоп тегиб оқаётган сувдан анчагача кўз узмай, кейин Шаҳлога хомушгина қараб охишта бош чайқади.

— У ерга бошқа нарсага борганман, йўқ, айтолмайман, сўрама, кейин... ўзингга айтаман.

— Майли,— деди Шаҳло ортиқ қийнагисин келмай,— эртага чиқасанми?

— Қаёққа?

— Қурилишга.

— Йўғ-е,— деди Асқар маънос кулимсираб.

— Равшан жаҳл устида айтди-ку!

— Бари бир.

— Нима қиласан?

— Билмадим.

— Қирга кетасанми?

— Йўқ,— деди Асқар ва бирдан кўзлари ғалати чақнаб кетди,— ўша тухматчинини топаман, қўймайман, мана кўрасан, бари бир топаман!

— Ёлғиз ўзинг-а?

— Сен борсан-ку!— деди Асқар. Уғил боланинг бу гапи кесатиққа ўхшамагани, аксинча, самимийлиги-ю, илиқлиги Шаҳлонинг кўнглига жуда-жуда хуш келиб, анчагача ҳаяжондан жим қолди.

— Фақат,— деди Асқар,— ўша қирда эшитганларинг-ни ҳозирча ҳеч кимга айтмай қўя қол, майлими?

— Тоғамга-чи?

— Биласан-ку...

— Нимани?

— Тоғанг билса бунга ҳам чойхоначи аралашадими, дейман, ўзи шусиз ҳам ўчакишиб қолди.

— Ҳа-я,— деди Шаҳло Асқарнинг фикрини пайқангандай,— майли.

...Тўтихон опа кўнгли алланечук бўлиб, тиқ этса эшикка қараб ўтирган экан. Шаҳлони кўрибоқ югуриб айвондан тушди, маҳкам бағрига босди, у юзидан-бу юзидан ўпди. Шаҳлонинг юраги талпиниб кетди. Ойиси ҳам уч-тўрт кун кўрмаса худди Тўтихон опага ўхшаб сира бағридан қўйгиси келмас, юзларига қайта-қайта тикилиб, минг айланиб, минг ўргилиб суйгани-суйган эди. Балки, ойиси билан бу аёлнинг нимасидир, қаеридир жуда-жуда ўхшаб кетар, шунинг учун ҳам Шаҳло бу уйда ўзини сира бегона ҳис қилмасди. Тўтихон опа катта одамни кутаётгандек Шаҳлони қўярда-қўймай сўрига ўтқизиб, бирпасда хонтахтани қант-қурс, олма-узум, нима эсига тушса, нима қўлига илинса, ҳаммаси билан тўлдириб ташлади-ю, ҳозир, қизим, деб шошганча бориб чамбаракдан атайлаб йиғиб қўйган қаймоғини олиб келди. Шаҳло очиққанини, эрталаб йўлга чиққандан бери туз тотмаганини энди эслаб, қаймоққа нон тўғради. Тўтихон опа бирпас қизчадан кўз узмай ўтирдиди-да, меҳри жўшиб, қир ёқибди, деб қўйди. Кейин қачон келганини суриштириб, нега машинадан тушининг билан тўппа-тўғри уйга келавермадинг, деб пича койиб турган ҳам эдики, не-не, оппоқ қизим, деганча эшикда Мўминжон ака кўринди. Кўп ўтмай Равшан ҳам келди. Ҳаммалари хонтахта атрофига тизилишди. Мўминжон ака Шаҳлонинг қирни томоша қилиб келганидан, айниқса қумнинг дарагини эшитиб, хурсанд бўлди, хўш, афсонани ҳам эшитдингми, деган эди, Шаҳло боши билан тасдиқлаган бўлди, аммо Асқарга берган ваъдасини эслаб, билганлари ҳақида лом-мим демади. Равшан эса гўё ўртада бояги кўнгилсизлик бўлмагандек ўзини эркин тутарди. Ойиси Равшаннинг қонталаш биллақларига кўзи тушиб:

— Вой, болам, бу нимаси?— деди. Равшан эса қўйвер, гапимга бари бир ҳеч ким ишонмайди дегандек Шаҳлога секин кўзини қисиб қўйди-да:

— Э, ойи, манави қизингизни иши, қирга бориб мушукка ўхшаб юмдалашни ўрганиб келибди,— деган эди, дадаси: «Бирор жойда бехос тилиб олгансан-у, меҳмон қизга тўнкаяпсан-а, вой шайтон-е», дегандек бош чайқаб жилмайди, ойсис ўглининг ноўрин ҳазилидан ранжиди:

— Унақа дема, болам, нега меҳмон қиз мушукка ўхшаб юмдаларкан?

Равшан Шаҳлога қараб, ана, айтмадимми, дегандек маънодор кулимсиради. Шаҳло Равшаннинг ҳазил аралаш гапларига парво қилмай, ўзини гўлликка солиб ўтираверди. Вой тентак-ей, қўрқоқ олдин мушт кўтарар, деб шунини айтади-да, бояги ўзи кўтарган машмашани Шаҳло айтиб қўйишидан чўчиди шекилли, чунки бировга қўл кўтарган, ё ёқа бўғишган одамни дадаси жуда-жуда ёмон кўради, қолаверса, Асқарнинг ёнини олгани ҳам тоза алам қипти-да!

Алламаҳалда Шаҳло осмондаги сон-саноқсиз юлдузларга қараб, қирда кўрганларим булардан ҳам каттароқ, ҳам ёруғроқмиди, деб хаёлидан ўтказиб, мудрай бошлаганда пастда, супада ётган ота-боланинг узук-юлуқ гапи қулоғига чалинди.

— Дада,— деди Равшан,— анавшини...

— Эшитдим.

— Қимдан?— ажабланди Равшан.

— Мулладўст айтди,— деди Мўминжон ака,— аммо, ўғлим, ҳайдаганларнинг чакки бўлибди, ҳа!

Равшаннинг қайтиб овози чиқмади, балки дадасининг бунақа дейишини сира кутмаганми. Шаҳло ҳам хўрсиниб, қизиқ, Асқар ўша кеча қурлишга нега борган эди, нега ҳеч кимга, ҳатто менга ҳам айтгиси келмаяпти, нега, деб ўйлади.

Ун тўртинчи боб


СИРЛИ ГАПЛАР

Асқар дарё ёқалаб аста келди. Қирғоқдаги мажнун толнинг йўғон танасига суяниб, бирпас чўққайиб ўтирди. Энди буёғи очиқ жой, кўр ойдин, ҳаммаёқ, ҳамма нарса сутга чайгандай баралла кўзга ташланиб турибди. На бирон тиккайган дарахту ва на бирон қаққайган уй бор. То чойхоначиининг ялангликда шўппайиб турган ҳовли-сигача, тахминан бир чақирим жойини Асқар хавф-ха-

тарсиз ўтиб олса бўлгани. Аммо бу айтишга осон. Тунов кунги воқеадан кейин чойхоначи сергакланиб, кечалари ҳам бот-бот уйдан чиқиб, ҳаммаёққа бир-бир қараб, остонада туриб қоладиган, ҳафсаласи келса қурилишнинг ичига кириб, узоқ йўқолиб кетадиган одат чиқарган эди. Тавба, баъзан соатлаб у ерда нима қиларкин-а? Қурилишнинг кам-кўстини ўйлаб, бечоранинг уйқуси келмасмикин, бўлмаса, уйига кириб маза қилиб ётмасмиди?.. Кеча ҳам шу жойда ўтира-ўтира таваккал қилгани юраги дов бермади, қайтиб кетди. Бир ҳисобда яхши қилган экан ҳам, ке, нима бўлса бўлар деб, шайлашиб ўрнидан турганда чойхоначи уйдан чиқиб қолди. У ёлғиз эмас эди. Ёнида овсар хола ҳам бор эди. Иккови остонада узоқ ўтиришди. Кейин овсар уйга кириб кетди. Мулладўст эса ҳовлини кўча томонидан айланиб, анчагача сайхонда уёқдан-буёққа бекордан-бекорга изгиб юрди. Аммо бугун Асқар нима бўлса ҳам ниятини амалга ошириш пайида. У сабр-тоқат билан миқ этмай кутди. Дам-бадам кўприкка, чойхоначини ҳовлисига кўз ташлаб энди секин ўрнидан қўзғалганда, олисда, дарёнинг чап томонидаги катта тепанинг олдида Мушира пайдо бўлди. Ойини пойлагани келган шекилли. Ҳа-ҳа, ана, тепа устига чиқиб чўққайини билан кўп ўтмай Равшан ҳам кўринди. Яқинига бормай олисдан бирпас қараб турди-да, битта-битта юриб орқасига қайтиб кетди. Ойини уч кун ўтиб тўртинчи кун навбатчиликда қолса, демак, Шахло эртага Муширалариникида бўлади. Асқар ўшандан бери Шахлони кўрмаган эди. Кундузи шартта олдига борай ҳам деди-ку, Равшаннинг қовоқлари осилиб, авани Анзор бетамизни қувончдан чакаклари очилиб кетишини ўйлаб фикридан қайтди. Машинанинг ғувиллаган овози Асқарнинг хаёлини бўлди. Дарёнинг нариги томонидаги катта йўлдан ўрмалаб келаётган машина кўп ўтмай кўприкка бурилди. Асқар бўшашиб кетди, оббо, яна кечаги машина-ку, нимага келяпти, ҳамма ўйлари чиппакка чиқса-я?! Ҳа, ана, кўприкдан ўтиб шу ёққа бурилди, э, аттанг, нима, нима, тўхта, нега чиппакка чиқар экан, қайтага яхши эмасми! Асқар хаёлига лоп этиб келган нарсдан юраги дук-дук уриб, ҳаяжондан энтикди-ю, машина чойхоначиникига бурилиши билан вақтин бой бермай, толнинг панасидан лип этиб чиқиб, машинага осилиб олди. Қойил, энди то машина эшикка боргунча уни ҳеч ким пайқамайди. Ҳовлига яқин қолганда тушади-ю, дарров кўча

дворнинг орқасига ўтиб олади, машина тўсиб турганда уйдан чиққан чойхоначи уни кўрмайди. Асқар то машина тўхтаб остонада чойхоначи пайдо бўлгунча югуриб токнинг сайҳондаги зангига тирмаша-тирмаша ошхонанинг томига чиқиб, узала чўзилиб олди. Юраги гурсиллаб, вужудини аллақандай титроқ босиб, анчагача қимир этмай ётди, сўнг, секин бошини кўтарди-ю, шундоқ рўпарасида ўзига ўхшаб узала тушиб ётган аллакимнинг юм-юмалоқ чақчайган кўзларини кўриб даҳшатдан дод деб юборай деди. Асқар жон ҳолатда қорни билан орқага тисарилиб, томдан қулаб йиқилишига оз қолди. Фақат шундагина, томда чўзилиб ётган каттакон бароқ мушуклигини пайқаб, хиёл ўзига келди. Мушук секин, шошилмай, шунда ҳам тинчи бузилганига норози бўлгандек ёниб турган кўзлари билан Асқарга қарай-қарай нари кетди. Асқар юрагини ҳовучлаб уёқ-буёққа аланглади. Бу ердан ташқи ҳовлининг деярли ярми яхши кўринса ҳам, ичкарини кузатиб бўлмас экан! Аммо бу ернинг қулай томони шу эдики, ошхонанинг мўриси тўсиб турганидан томда ўтирган киши кўринмас эди. Шунинг учун Асқар томда бемалол чўққайиб ўтириб олди. Тепасида баланд сўридаги ғуж-ғуж узумга ғалати бир назар ташлаб, ўзинча жилмайиб қўйди-да, олазарак бўлиб яна кўча эшикка қаради. Шофёр билан чойхоначи анчагача ичкарига кирмай, негадир кўчада қолиб кетишди. Асқар ўша ердан қайтиб кетса керак, деб ўйлаб турган эди, йўқ, йўлакка узун-қисқа соя ташлаб иккови олдинма-кейин ичкарига кириб келди. Шофёр ошхонанинг олдидаги супачага омонатгина ўтирди. Чойхоначи эса рўпарасида қаққайганча туриб қолди-ю, сал ўтмай ораларида бўлган узун-қисқа, лекин ғалати гап-сўз Асқарга аниқ эшитила бошлади...

Ниҳоят, шофёр ўрнидан турганда Мулладўст чуқур бир хўрсиниб «яқинда» деганча яна гап бошлади-ю, иккови эшикка яқинлашиб қолганлари учун уёгини Асқар эшита олмади. Кўп ўтмай эшик гирчиллаб очилиб ёпилди, қизиқ, «яқинда» деб чойхоначи яна нима демоқчи эди? Машина оҳиста силкиниб қўзғалди, моторнинг ғувиллаган товуши бора-бора эшитилмай қолса ҳам, чойхоначидан дарак бўлмади, кейин унинг товуши бирдан ичкари ҳовлидан эшитилгандай бўлди. Ҳа, ҳа, Асқар бошини ўша томонга хиёл эгиб, чойхоначининг овозини аниқ эшитди, аммо нима деганини англай олмади, бора-бора ҳаммаёқ сув қуйгандек жимиб қолди.



Асқар кўрганларни эшитганларини ўйлаб алламаҳал-гача куши учиб ўтириб қолди!

...Эртасига сабри чидамай, қурилишга жўнади. Олисдан, қий-чув, иштиёқ билан ишлаётган болаларни кўраркан, юраги орзиқиб, ўпкаси тўлиб кетди. Ўзини арабга босиб олди, қойил-е, дарров ҳавозага ҳам чиқинибди-я! Устида ишлаб ўрганмаган одамга дорда юргандек ғалати туюлса керак. Ҳа, ана, Нортोजи лапанглаб челақдаги семонни ағдарди-ю, пастга тушиб кетди. Озода эса устанинг ёнида туриб кетма-кет гишт қўйган эди, уста Озодага нимадир деди, қўлидаги куракчанинг дастаси билан гишларнинг устига оҳиста уриб қўйди. Унинг бежирим, чаққон-чаққон ҳаракатларига Асқар ҳавас билан қараб қўйгач, бу ерга нима мақсадда келганини эслаб, чўнтагидаги хатга кичкина тошни ўради ва сўқмоқдан тез-тез бораркан, Анзорнинг орқасини ўгириб ипез тўғраётгани қўл келиб, идиш-товоқ юваётган Шаҳлога оҳиста ирғитган эди, Шаҳло секин ўгирилди, ўгирилди-ю, Асқарга қараб қолди. Ағраймаса Анзор ҳеч бало сезмаган бўларди, аттанг, Шаҳло вақтин боий бериб қўйди. Асқар югуриб пастга тушиб кетгандагина олдидаги қоғозга шошиб қўл чўзган эди, Анзор кўзларини ишқай-ишқай ўгирилди, аммо анча йироқлашиб қолган Асқарни пайқамасди.

— Ҳо,— деди Анзор илжайиб,— муҳаббатнома!

Шаҳло кўзларини катта-катта очганча нима деб жавоб беришини, нима қилишини билмай довдираб қолди. Анзор ким ташлади, деб ингичка бўйинини чўзиб, уёқ-буёққа аланглади, қурилишдаги болалар узоқда, биронтаси бу томонга ўтгани йўқ, қолаверса, ҳаммаси ўзи билан ўзи овора. Қизиқ, қоғоз қаёқдан тушди?.. Шаҳло Анзорнинг сурбетлик билан айтган гапларига ичида гижиниб қўйди, ғазабдан титраб, қулоқларигача қизариб кетди. Бошқа пайт бўлганда қанақа жавоб беришини биларди-ю, аммо ҳозир ҳазил-ҳузул билан қутилиб кетмаса бўлмайди. Шунинг учун Анзорнинг гапларига индамай, нонлож жилмайган бўлди. Бу жилмайишини Анзор бошқача тушуниб, хурсандлигидан жилпанглаб, ногирон оёғини ғалати бир силкитиб қўйди; шу пайт Мулладўстнинг: «Мулла Анзор, меҳмон қизга ҳадеб ўншаймай, боғдаги сара-сара узумлар билан сийлаб туринг, хўжайинини ҳурматлари бўлади, бир чеккаси дандангизга ҳам нафи бор», деганини эслаб, эртага боққа борганда этакдаги ишкомда донаси бошмалдоқдек-

бошмалдоқдек ҳасайни бор, ҳасайники, бай-бай, одам оғзига солса тили танглайга чиппа ёпишиб қолади, ўшандан икки бошгина узиб келиб Шаҳлони меҳмон қилишни ўйлаб қўйди.

...Шаҳло кечқурун Асқар айтган жойга бормоқчи бўлганда Мунира остона ҳатлаб ҳеч қаёққа чиқмайсан, деб туриб олди. Қайтанга, нима қиласан, қаёққа борасан, деб сўроққа тутган эди. Шаҳло лом-миим деёлмай қолди. Кейин ҳеч кимга айтмасликка Мунирадан сўз олиб, чор-пачор Асқарнинг бояги хатини кўрсатди. Мунира кўз югуртириб, кулиб юборди.

— Бу сенга эмас-ку!

— Нега?

— Қара, Малика деган қизга-ку!

Шаҳло қирдаги ойдин кечани, илондан чўчиб отдан йиқилиб тушганини, кейин Асқар эртақдаги чўпон боладек на илону ва на бошқа махлуқлардан тап тортмай янтоқларни қирсиллатиб отни етаклаб борганини, ҳамма-ҳаммасини эслаб кетди, ўшандан кейин исгадир Асқар баъзи-баъзида унинг отини чалкаштириб айтишини ўйлаб, ўзинча мулоимгина жилмайиб қўйди. Мунирага нима деб тушунтирсам бўларкин, умуман буни тушунтириб бўлармикин, дея хаёлидан ўтказди-ю:

— Ҳазиллашиб шундай дейди,— деб қўя қолди. Аммо Мунира чиқармади. «Вақт топиб кечқурун тепага келиб кет, зарур гапим бор», деб хатда Асқарнинг ялинганини писанда қилди ҳам, Мунира кўнмади. Ахир Шаҳлонинг Муниранинг олдига кетдим деб, дарё бўйида юрганини Равшан билса-я? Ойиси билан дадасининг дулоғига етса-я, нима деб ўйлашади? Яна бунинг устига Асқарнинг қандай иши бўлиши мумкин, иши бўлса боя қурилмида гаплашиб қўя қолмайдими? Қизиқ, Асқарни шунақа галати бола деб сира-сира ўйламаган эди, қолаверса, бир воқеа Муниранинг юрагига ғашлик солиб чўчитиб қўйган эди, ўшани ҳозир Шаҳлога айтмаса бари бир қулоғига гап кирадиганга ўхшамайди.

— Менга қара, назаримда Анзор сени пойлаб юрганга ўхшайди.

— Мени-я?

— Ҳа.

— Нега?

— Ўтган кунни Озода чўмпилгани кетаётганда сен ҳам қўшилдинг, хўш, орқаларингдан ким эргашди?

— Анзор!— деди Шаҳло.— Эргашса нима қилибди,

яқинимизга ҳам бормай кўприк олдида чўмилди-ку.

— Чўмилдими?— деди Мунира.— Сузишни билмайди-ку, чўмилдими?!

— Ким билсин, биз бутазорга кириб кетдик, қизиқ-мисан, чўмилмаса нега боради?

— Кулма!

— Ҳа?

— Ўзим кўрдим!

— Нимани?

— Чойхоначи орқангдан секин имлаб қўйгандагина, бирдан Анзорнинг чўмилгиси келиб, кетларингдан ланганглаб югурди!

— Йўғ-е, балки сенга шундай туюлганми?

— Эсимни еганим йўқ, чойхоначининг қилигини кўрмасам кап-катта одамга тухмат қиламанми. Ҳали у-ҳали бу баҳона билан Анзор доим орқангдан сояга ўхшаб эргашиб юради-ку, ё йўқми?

— Рост!— деб юборди Шаҳло ҳам ҳовлиқиб. Қизиқ, авваллари эътибор бермаган экан-да! Мунира дарров пайқабди. Шаҳло Анзор ҳув ўшанда Муниранинг кўйлагини олиб қочганда дарғазаб бўлиб, анчагача унинг қилигини кўнглига сиғдиролмай юрган эди. Кейинчалик, яқиндан билгандан сўнг унинг баъзи қилиқлари-ю, гап-сўзларига қараб, бу боланинг турган-битгани шу экан-да, деб қўя қолган эди. Қизиқ, чойхоначи нега унақа қилади? Агар Мунира адашмаган бўлса, Анзорни нега орқасидан жўнатади? Балки тоғасининг ҳурмати учун меҳмон қизга бирон нарса бўлмасин, кўз-қулоқ бўл, деб яхши кўнгилда шундоқ қилганмикин, ҳа-я, албатта шундай, бошқа нима ҳам бўлиши мумкин?!

— Ўзинг ҳам ваҳимачи экансанки!

— Майли,— деди Мунира бари бир Шаҳлонинг хар-қашасидан қутила олмаслигини кўриб,— агар Асқарнинг гапи бўлса, айтиб келаман, шу ерда айта қолсин, майлими?

— Майли,— деди Шаҳло ноилож,— хафа бўлмаса...

Шаҳло, бекор хавотир олган экан. Кўп ўтмай Мунира иккови эшикдан кириб келганда қайтанга Асқарнинг хурсандлигини кўриб кўнгли жойинга тушди. Хуллас, Асқар икки кечадан бери пойлай-пойлай, ниҳоят, чойхоначининг ҳовлисига етиб олгани-ю, ошхонанинг томида узала тушиб шофёр билан чойхоначининг орасида бўлган ғалати-ғалати сўзларни эшитганини айтиб берганда,

Мунира ҳам кечалари ойиси ишдан қайтаётганда кимдир қорама-қора пойлаганини, тунов куни чойхоначи атайлаб Шаҳлонинг кетидан Анзорни юборгани эсига тушиб, кўнгли гашланди.

— Асқар,— деди Мунира,— шу гапларинг ростми?

— Қизиқсан-а, наҳотки...

— Рост бўлса,— деди гапини бўлиб Мунира,— ўша куни қирга кетаётганингда, нега кечаси қурилишга борганингни айтиб бермагунигча сира-сира гапингга ишонмайман!

— Мен ҳам!— деди Шаҳло, Асқар ноилож қолди. Йўқ деса тамом, охириг умиди ҳам, бирдан-бир илинжи ҳам чиппакка чиқди деган гап. Илож йўқлигини пайқаб, «кулмайсизлар-а», деб қизариб-бўзариб анчагача қимтинди-да:

— Шаҳло,— деди оҳиста,— овсар холани ҳовлисига кириб чиққанингда нима деган эдинг?

— Нима деган эдим?

— Шунақасан-да,— деди Асқар ўпкалагандай,— ҳовлисидаги узумдан бир бошгина узиб егим келдики, демаганмидинг?

— Айтган бўлсам нима бўпти,— деди-ю, бирдан Шаҳлонинг кўзлари катта-катта очилиб кетди,— наҳотки...

Асқар кулимсираб қўйди. Муниранинг кўнглидаги гулгула ҳам йўқолди, беихтиёр «вой писмиг-ей», деб юборганини ўзи ҳам билмай қолди. Аммо бунга Асқар хафа бўлмади, аксинча, қизларга қўшилиб кула-кула ўшанда қандай боргани, энди ҳовлига яқинлашганда қурилшдан чойхоначи чиқиб қолиб, орқасидан кўприккача қувлаб келганини айтиб берганда Мунира бирдан:

— Ариқни ўзи очган бўлса-чи!— деб юборди.

Асқар ҳам дастлаб шу иарса хаёлига келганини айтиб:

— Ким билсин,— деб қўйди.

— Узим ҳам билувдим!— деди Шаҳло ҳаяжон билан,— айбинг йўқлигини сезган эдим! Эртага ҳаммага айтаман, ҳеч қанақа гуноҳи йўқ, дейман!

— Ҳеч ким ишонмайди,— деди Асқар,— мени қайтага кулгига қўясан.

— Нега?

— Чойхоначининг баҳонаси ҳам, далили ҳам ишонарли. Уйлаб кўр, бир кун аввал Равшан билан жиқиллашиб олганман, кейин оёғимга атайлаб, ҳа, ҳа, атайлаб

ғишт отди, бу рост. Буни Равшанининг ўзи ҳам яхши билади-ю, ўша кунни қўрқоқлик қилиб ўзини гўлликка солди. Демак, ҳамманинг назарида мен Равшандан болаб ўч олганман, яъни кечаси ўрадаги семонга сув очиб юборганман, буни чойхоначи кўрган! Мен бир бош узумни баҳона қилолмайман-ку.

— Рост,— деди Мушира ҳам,— сен йўғингда ўша куниеқ ҳаммамиз йиғилиб шу фикрга келганмиз. Агар бўйинингга олсанг олдинг, олмасанг...

— Ҳайдамоқчи эдиларинг!

— Ҳа, қаёқдан била қолган эдинг?

— Уша кунни биронганг ёнимни олмадиларинг-ку?

— Энди нима бўлади?— деди Шахло,— бекордан-бекорга айбдор бўлиб юраверасанми?

— Қайтага яхши!

— Нега?

— Энди бу ҳақда оғиз очма.

— Бекор айтибсан,— деди Шахло ва тунов кунни Мўминжон аканинг «болани чакки ҳайдабсизлар» деган гапларини эслади,— тоғамга айтаман!

— Ана холос!

— Ҳа?!

— Хўш, тоғанг дарров кимга айтади?

— Мулладўстга!— деди Мушира.

— Ҳа, яша, чойхоначи тоғангин соясен-ку, билмайсанми, ўша ишни чойхоначи қилганми, бошқа одамми, билмайман, аммо ўша одам ҳозир ҳаммани ишонтирганга хурсанд бўлиб, хотиржам юрибди. Сени шов-шувингдан кейин нима бўлади?

— Тоғам қўймайди, топади, мана кўрасан!

— Бе!— деди Асқар,— тоғанг тополмайди, бўлар иш бўпти деб қўя қолади. Аммо ўша қилгиликни қилган одам қайтага ўчиб кетади. Мени ҳозир қанча ёмоқласанг шунча яхши!

— Нима?

— Э, тушунсанг-чи, ҳаммаси хотиржам бўлиб, аявни чойхоначи ҳам тиричса, менга шу керак!

— Ҳа-я,— деди Мушира ҳам Асқарга қўшилиб,— шов-шув кўтаришдан фойда йўқ, қайтага...

— Хавфли!— деди Асқар.— Хўш, борди-ю, чойхоначи айбдор бўлмаса-чи? Унда нима деган одам бўламан? Ҳозирча ҳаммаси сир қолса.

— Майли,— деди Мушира.— Анзорнинг қилигидан хабаринг йўқ-а?

— Йўқ, нима қипти?

Шаҳлонинг ке, қўй, дейишига қарамай, Мунира тупов кунги воқеани Асқарга айтиб берганда, Асқар бир ишониб, бир ишонмай таажжубда қолди. Бу ишни Анзор чойхоначининг хоҳиши билан қилганини ўйлаб, «бола эплай олмаяпти», деб тунда шофёрга айтганини эслади. Ўзининг хаёлидан ўзи чўчиб кетди; йўғ-е, уни бунга нима алоқаси бор? Ундай деса, нега пойлайди, нима иши бор, мақсади нима, чойхоначининг бошқа ташвиши йўқми ё Мунирага шундай туюлдимикин-а? Ҳар қалай ҳозирча бу ҳақда икковнига ҳам лом-мим демай қўя қолгани маъқул. Элбурутдан ўтакасини ёриб нима қилади. Лозим бўлса, кейинча ётиги билан айтгани яхши. Борди-ю, чойхоначи айтган бола Анзор бўлса, нимани эплай олмаяпти, буни билиш керак, билганда ҳам фақат Шаҳло орқали аниқлаш мумкин! Асқар хоҳласа ҳам, хоҳламаса ҳам бундан буёқ на Шаҳло ва на Мунирасиз бирор иш қила олмаслигини пайқаб:

— Шаҳло,— деди.— Ҳозирча ўзингни гўлликка солиб юравер, хўпми, бил-чи, нега пойлаб юрибди!

— Майли,— деди Шаҳло, Анзорнинг ишшайиб турган башараси кўзига кўриниб «афтинг, қурсин», деб қўйди ичида.

— Энди, қизлар,— Асқар чўнтагидан букланган қоғоз олиб очди, қоғозни хоптахта устига қўйиб, кафтлари билан текислади,— мапа буни ҳаммамиз бир кўрайлик-чи!

— Нима?!

— Кеча уйга хелганимда, чойхоначи билан шофёрнинг гапларини эсимдан чиқариб қўймай деб ёзиб қўйган эдим, диққат билан эшитинглар-чи, бирон нарса англаб бўлармикин?

Қизлар қизиқиб қоғозга энгашишди.

— Чойхоначининг гапи!— деди Асқар,— «айтдим-ку, ҳаловат йўқ, ҳаммаёқда одам изғиб юрганга ўхшайди, иш юришмаяпти, хавфли бўлиб қолди». Хўш, ким нима туюшди?

Қизлар жим қолди.

— Менимча,— деди Мунира,— менимча қурилишнинг чўзилиб кетганига «ҳаловатим йўқ» деяпти, мапа ўзи ҳам «иш юришмаяпти» деб тасдиқлаяпти-ку. «Ҳаммаёқда одам изғиб юрганга ўхшайди», дегани, менимча, ўрадаги семонни сув босгандан кейин бечоранинг назарида кечалари шундай туюлаётган бўлса керак.

- Сен нима дейсан?— деди Асқар Шахлога.
- Йўғ-е, бошқачамасмикин?
- Қанақа?
- Ундан кейинги гапини қара, «бола улгурмаяпти» деяпти-ку, буни юқоридаги гапга нима алоқаси бор?
- Нега алоқаси бўлмасин?— деди Мунира.— Хўш, бошлиғимиз ким, Равшан, Равшан болами, бола! Демак Равшан улгурмаяпти!
- Нимага? Бу сўз унга тегишли бўлса «бошлиқликни эплай олмаяпти» дейиши керак эди ё сен хато ёзганмисан?
- Йўқ,— деди Асқар,— қандай эшитган бўлсам, шундай ёзганман. Мен ҳам шундаймикин деб ўйлаган эдим, Мунира, аммо, ўша бир оғиз сўз ҳамма ўйлаганларимни чалкаштириб юборди. Демак, ё чойхоначи шошганидан билмай нотўғри сўз ишлатиб юборди, ё биз бошқача тушундик, хўш, буёғи-чи? Боягидап кейин шофёр: «Нима деб айтай?» деб сўраганда, чойхоначининг жавобини қаранг: «Айт, сабр қилсин, яна уч кундан кейин хабар ол-чи».
- Қурилишдан демоқчимми?
- Йўғ-е,— деди Шахло,— қурилишдан хабар олиш учун кимдир «сабр қилиш» керакми?
- Бемаъни гап!— деди Асқар ҳам.— Демак, сабр қилиш керак бўлган одам шаҳарда! Шофёр шаҳарлик, демак қайтгандан кейин шаҳардаги одамга «сабр қил, мен уч кундан кейин хабар оламан», дейиши керак. Хўш, нимадан хабар олади, ҳамма гап шунда!
- Бунн,— деди Мунира,— фақат уч кундан кейин билиш мумкин экан.
- Шундоқ!
- Ҳой, Асқар,— деди бирдан юраи ороқасига тортиб Шахло,— яна борасанми?
- Ҳа, бошқа илож йўқ.
- Қўй, қўя қол,— ёлворгандек деди Шахло,— қўлга тушиб қолсанг... кел, яхшиси, тоғамга айта қолай.
- Нима деяпсан?— деди Асқар.— Айт, расво қилмоқчимсан?
- Нега?
- Негаки,— деди Мунира Шахлодан кам ташвишга тушмаган бўлса ҳам бошқа ҳеч қанақа иложи йўқлигини пайқаб,— айтсанг, шофёр билан бўлган гап-сўзни чойхоначи ўлса ҳам тан олмайди. Асқар эса ҳамманинг олдида ифвогар бўлади-қолади. Тоғанг чойхоначига ишо-

надими ё уч машина цементни нобуд қилиб «ҳайдалган» Асқаргами?

— Бунисини ўйламабман,— деди Шахло хомуш тортиб. Шу пайт деворнинг нариги ёғида, Анзорларнинг ҳовлисида она-боланинг ғўнғир-ғўнғир товуши, кейинроқ эса ора-чора гаплари қулоққа аниқроқ чалина бошлади. Мунира: «Ҳозир Анзор девордан мўраласа-я», деб юрагини ҳовучлаб ўтирган эди, йўқ, афтидан, Анзор қаёққадир шошаётгандай эди.

— Чойхоначи ўтинга тўядими, йўқми?— деди аёл.

— Ойиси,— деб пичирлаб қўйди Мунира.

Анзор кулди.

— Яқинда тандир қуриб, нонвойчилик қилармиш, шунга йиғяпти ўтинни, ойи!

— Кеч қолма,— деди ойиси.

Анзор жавоб бермади, кўп ўтмай эшикнинг очилиб-ёпилгани эшитилди.

— Яна ташигани кетди,— деди Асқар,— чойхоначининг кўзи оч экан, ҳовлисининг ярми ўтин-а! Ошхонанинг олдида тандир ҳам бор.

— Кеча олиб кетди!— деди Шахло.

— Шунақами?— деди Асқар ва қоғозни олди.— Энди буёғига қулоқ солинглар. Буёғини юқоридаги гапга сира алоқаси йўқ, негаки, ҳовлидан чиқиб кетишаётганида чойхоначи бирдан эслаб сўради: «Анави кептими?» «Ким», деди шофёр, «ҳа уми, билмадим». Чойхоначи ташвиш билан «хабар ол» деб қўйди. Хўш, гап ким ҳақида?

— Бирон яхши таниши,— деди Мунира,— уёқ-буёққа кетган бўлса, келдими, йўқми деб суриштирган.

— Суриштиргани тўғри-я,— деди Асқар,— аммо яхши таниши устида бўлса, мен ҳам эътибор бермасдим, йўқ, гап бирон ёмон кўрган одами ҳақида, ўша одами шу қадар ёмон кўрадики, мана қара: «Падар-лаънатининг жони мингта экан, ётган жойида тинчимай расво қилади шекилли, бирон иложини топмаса бўлмас».

— Ким?!— деди Шахло,— ким иложини топини керак?

— Шофёр бўлса керак-да,— деди Асқар,— бўлмаса айтармиди, демак, ўша одам ҳам шаҳарда...

— Албатта!— деди Мунира ҳам ўйлаб.— Албатта, шу ерда бўлса, келганми-йўқми ўзи хабар қилиб қўя қолмасмиди?

— Рост!— деди юраги ачишиб Шахло.— Бечора ким экап-а?

— Ким бўлса ҳам яхши одам,— деди Асқар,— афсус, билолмадим, шаҳарга тушиб шунақа-шунақа деб, бечорани огоҳлантириб қўйган бўлардим, киму, уй-жойи қаерда?

— Жумбоқ!— деди Мунира,— буни аниқлаб бўлмас, аниқлагунича одамнинг ўзи чалкашиб кетади.

— Ҳеч-да!— эътироз билдирди Асқар.— Қалаванинг учи топилса бас, кейин...

— Топ!— деди Шахло.

— Топаман, мана кўрасан, бари бир топаман,— деди Асқар ва нимадир ёдига тушиб, шошиб сўради,— ҳой, менга қара, Шахло, ҳов бир марта овсарнинг гапирганини эшитдим, деганмидинг?

— Ушанда кулган эдинг!

— Йўқ, Шахло, ҳали-ҳали ишонмайман, ичкарида бошқа одам бўлган-у, сен овсар деб ўйлагансан, ўшанда нима деган эди, эсла-чи!

— Ушандами? Чойхоначи «ўшамми?» деб сўраганда, овсарми ё сен айтган бошқа одамми «ҳа, шу кам эди», деб жавоб берган эди, нега сўраяпсан?

— Узим,— деди Асқар ва қоғознинг бир чеккасига ёзиб қўйди,— яна жумбоқ, қара, демак овсарми, бошқами, қишлоқда аллакимми, аллаким бўлганда ҳам жини суймайдиган одамни кўриб қолган-у, чойхоначи «ўшамми» деб хавотирланиб суриштирган, қизиқ!

— Буни,— деди Мунира,— буни, шаҳардаги анови ёмон кўрган одамга алоқаси бўлса-я.

— Балки,— деди Асқар!

— Агар шундай бўлса, демак...

— Демак,— деди Асқар Муниранинг гапини бўлиб, ўзига хос шўхлиг-у, ўзига хос бетоқатлик билан ўрнидан тураркан,— сизлар ёрдам берасизлар-у, мен қалаванинг учини топаман.

— Бўпти!— деди Мунира, Шахло эса Асқарни ҳув тупов кун қурилишдан ҳайдалганда, тепаликда «сен борсан-ку» деган гапларини беихтиёр эслади.

Равшанининг ҳаётида бунақа серташвиш кун бўлмаган шекилли, кутилмаган ҳодисалар довдиратиб қўяёзди. Йўқ, гап қурилиш ҳақида эмас. Ҳар қалай ишнинг бориши аввалгидан яхши. Нолишга жилла ўрин ҳам йўқ; шу ерда, қишлоқда қолган бошқа болалар бирин-бирин қўшилишди. Уста Мўйдин ака билан уста Қобил акалар ҳам фермадаги чала-пулча ишларни тамомлаб келиб, қўлларини-қўлларига тегмай ишга тушиб кетинди-ю, ҳа-ҳу дегунча иморатнинг қадди кўришиб қолди. Уста Ашир эса бояғи-бояғидай сира эринмай болаларга хунарининг миридан-сиригача ўргатиш билан овора. Унча-мунча гап кор қилмаганигача, ҳамма нарсага «кўз-қулоқ» бўлиб турган Мулладўстининг устага пичинг аралаш айтадиган нордон-нордон гаплари ҳам эшитилмай қолди. Раис эса устанинг кўнглини қаттиқ равижитганини эслаб:

— Ҳа, иш бундоқ бўпти!— деди бир кунни устага.— Сих ҳам, кабоб ҳам куймасин, Ашир!

Бунинг маъноси фақат раис билан устага аён эди.

Устанинг шунча кундан бери энди қовоғи очилди. Раиснинг юмшаб, бир оз ён босганини кўриб, Равшан билан Нортожигга алланималарни тез-тез тушунтиришда, ёш йигитчадай ҳавозадан сакраб пастга тушишди. Мўминжон ака ўғли билан Шаҳлонинг ҳовлиқиб гапириб берганларидан, уста нима қилаётганини биларди. Ҳатто устанинг ўжарлигидан анча-мунча ранжиб ҳам қўйган эди. Аммо, эшитган бошқа-ю, кўрган бошқа эканини-а, шу топда ўғлидан бир лаҳза кўз узолмай қизик аҳволда туриб қолди. Тавба, уни шамолдай, ҳа, ҳа, шамолдай беқарор шўхликлари қани, бунақа иштиёқ, ишга бунақа ташналик қачоқу, қасқдан пайдо бўлди? Қиёфаси кап-катта одамдай жиддий. Аммо ҳаракатларида дам энтикиб, дам талпиниб, парвозга шайланган учирма қушнинг шошқалоқлигига ўхшаш бир нарса бор эдики, бу Мўминжон аканинг ўзига ҳам болаликдан таниш эди. Йўқ, буни на фақат ҳаяжонга-ю ва на парвоз олдигаги чўчиш, ҳадиксираш, борингки, талпинишга ўхшатиб бўларди! Балки одам боласи ўз қўлларини нималарга қобил-у, нималарга қодирлигини биринчи бор кўрганда шунақа лол қолиб, вужудини шунақа ширин титроқ босарминкин-а, демаски...

— Оббо уста-ей,— деди оҳиста Мўминжон ака ҳайрат билан бош чайқаб,— марра меники эмас, сеники!

Демак, ўжар уста «бебош жилға»ни шундай жиллабдимми, ҳозир бир оғиз ноҳўя сўз парвозга шайланган ўша учирма қушнинг қанотларини қайириш деган гап. Бир маҳаллар ҳавозага чиққанда ўзининг ҳам вужудини мана шундай титроқ босган, қўлидаги ғиштни билмай пакана, миқти гавдали, узун қошлари остидаги қув кўзлари доимо уккиникига ўхшаб ўйнаб турадиган проабнинг елкасига тушириб юбормаганмиди? Жуда бемаза одам эди. Оти қурғур, ҳа, ҳа, Нусратилло эди. Ўшанда Нусратилло бўҳтон ёғдириб бўзчининг моксидай ҳаммаёққа елиб-югуриб уни қурилишдан ҳайдаш пайига тушмаганмиди? Ажабо, ўшанга кўп бўлдимкин-а, шу Равшандек пайтларимиди, йўғ-е, ёшроқ эди. Дадасидан қора хат келганда она-бола тонготар мижжа қоқмай қон қақшаб чиқишган эди. Уста Аширнинг дадаси — урушдан бир қўл, бир оёқсиз қайтган раҳматли Мирзақодир ака Мўминжонни ўзи қоровуллик қиладиган қурилишга жойлаб қўйганди. Иш жилла ҳам оғир эмас, машина тўккан ғишларни усталарнинг яқинига тахлаб беришдан иборат эди. Кундузлари ишлаб, кечалари ўқиш қанчалик қийин бўлса ҳам, бора-бора кўникиб кетди-ю, кўз очиб-юмгунча юзлаб ғишларни илга тизгандай бир текис териб чиққан усталарнинг ишини зимдан кузата бошлади. Аширларнинг оиласи ҳам ночор яшар эди. Битта дадасининг топгани ҳеч нарсага етмасди. У ҳам қурилишда ишлай бошлади-ю. икковидаги ҳавас бора-бора орзуга айланди. Орзу бўлганда ҳам назарларида сира ушалайдиган орзуга ўхшаб туюларди. Усталар ишбай ҳақ олгани учун битта-яримта ёш-ялангга бирон нарса ўргатишга вақтлари ҳам, тоқатлари ҳам бўлмасди. Мабодо шунақа иш ўрганиш иштиёқида юрганлар учраб қолса, ораларида шошма-шошарликдан кўра «нимиллаб» ишлашни яхши кўрадиган Махсум ака исмли кекса уста бўларди, дарров ўшанга рўбарў қилиб қўя қолишарди. Асли оти Максим Савельевич бўлиб, тилни яхши билганигами, Махсум ака деб чақириншарди. Махсум ака камтар, сабр-тоқатли, бўш-баёвгина одам эди. Бечора атрофидаги ёш-яланглар билан ўралашиб, баъзи ойлари шерикларига қараганда икки-уч баравар кам ҳақ оларди. Аммо сира бунга хафа бўлмас, «борига барака» деб қўя қоларди. Устани Нусратилло проаб орқаворотдан мазах қилар,

ишни чўзганидан жиғибийрони чиқар эди. Ҳой, ишласа чол қургур балодай ишлайди, жарақ-жарақ сўлкавойини ҳамёнга урмайдими, девона, чурвақалар билан бошини қотириб нима қилади, деб кўнглидан ўтказса ҳам устага ҳеч нарса деёлмас эди. Шундай бўлса ҳам, алмисоқдан қолган эски кўк папкани сира қўлтиғидан қўймай, доим ёшланиб турадиган шилпиқ кўзларини дам тирсаги, дам қўйлагининг енги билан артиб ҳаммаёқда, ҳамманинг олдида ивирсиб юрарди. Шу одам ҳам ўтти-кетти-ю, ундан Нусратилло шилпиқ деган ном қолди, холос. Устадан-чи? Ашир билан Мўминжон ҳам устанинг қўлида роса икки ой иш ўрганиб бир марта учовлари баб-баравар ҳақ олишганда:

— Қаранглар-а, мен билан тенглашиб қолибсизлар-а!— деб бечора тоза қувонган эди-я, ўшанда. Шунақа, баҳоси йўқ, яхши одам эди уста. Аммо совуқ тушиб, қиш-қиров бошланди дегунча устанинг эски яраси қўзиб, икки-уч ҳафта кўрпа-тўшак қилиб ётиб оларди. Шунда иккови бот-бот хабар олгани устанинг ҳовлисига бориб туришарди. Хотини ҳам ўзига ўхшаш оқкўнги, ширин сўз, куйди-пишди аёл эди. Устанинг шогирдлари эшикдан ийманиб кириб келганда, бечора қувонганидан ўтқизгани жой тополмай қоларди. Уста ўзи ҳақида бирон марта оғиз очмас, мақтанишни-ю, эзмачиликни ёқтирмасди, сергап одамни эса ўлгудай ёмон кўрарди. Марня хола устанинг ҳаётидан ғалати-ғалати нарсаларни айтиб берганда иккови мириқиб эшитишни яхши кўришарди. Бир марта болалар устанинг касалини суриштирганида, Марня хола шуларни айтиб берган эди:

— Уша, ҳаммаёқ алғов-далғов, босмачилар қурт-кумурсқадай изғиб юрган пайтлар эди. Устангиз яраланиб уч ой кўкка қараб ётгандан кейин зўрға оёққа турди. Биттаю битта қизимизни чала қолган ўқишини ўйлаб, бир кунни бор-йўқ юкимизни кичкина бир аравага жойлаб шаҳарга жўнадик. Бир кечаю бир кундуз тишим билмай йўл юрдик. Йўл азоби деган нарса ҳаммамизни толиқтириб қўйди-ю, бир чинорнинг остида тўхтаб ҳордиқ чиқардик. Ярим кеча эди, олисда тасиртусур ўқ овози эшитилиб қолди. Демак, шу яқин орада қишлоқ бор-у, қишлоқни босмачилар босди, деб хаёлимизга келди. Бир қўйи йўлга тушсакмикин, деб ҳам ўйлаб кўрдик, уста кўнмади, қолаверса, ўқ товуши ҳам ҳадемай тўхтади. Буни қарангки, эрта билан чинордан тахминан юз-юз эллик қадам нарида бегона бир одам-

нинг чўзилиб ётганини кўриб ҳайратда қолдик. Ёш йиғитча эди! Мазмунни тушган отишмада яраланган-у, шу ёққа қочган, кўп қон кетиб беҳуш йиқилган. Ким бу, қанақа одам, эгинидаги оддий деҳқонча кийимдан бириб бўлмаса! Уста «ким бўлса ҳам инсон-ку» деганига, ярасини дарров боғлаб, она-бола аравага ётқиздик, йўлга тушдик. Бир маҳал ҳушига келиб, бизни кўрибоқ негадир аравадан тушиб қочмоқчи ҳам бўлди. Аммо қочини уёқда турсини, қимирлашга ҳам мадори йўқлигини пайқаб, сабр қилишдан бошқа иложи қолмади. Биз қишлоғингга олиб бориб қўййликми, деб ҳам кўрдик, негадир кўнмади. Сиз қаёққа кетсангиз ўша ёққа кетавераман, деди охишта. Хуллас, ўша тахминимиз тўғри экан, аммо йўл-йўлакай хаёлимга келган нарсадан гоят ажабланиб борардим. Босмачиларку оз экан, қаршиликка учраб тумтарақай қочибди, йиғитча нега қишлоққа қайтмайди, яна шунақа аҳволда, биз билан жўнаяпти? Сўрасам, хаҳ, отинг ўчгур, оти нима эди, Максим?

— Муродилла эди шекилли,— деб қўйдни уста истаристамас.

— Ҳа, ўзини шунақа деб таништирган эди. Йиғитча:— У ерда пайимга тушган одамлар кўп, бари бир мени соғ қўйишмайди,— деб жавоб берди. Бечора ёшгина экан, яна бунинг устига анча-мунча дард ҳам кўрибди, деб бор-йўғимизни оғзинга тута-тута, йиғитчани икки-уч кунда оёққа турғазиб олди-у, хатарли йўлда яна бир ҳамроҳ қўшилганига севиниб, ярим кеча бўлса ҳам йўлдан қолмайлик, деб бораётганимизда йўлда учраган чуқурчага от беҳос оёқ қўйиб мункиб кетди. Араванинг шотиси силди. От беэиён қолганига хурсанд бўлиб, шу ерда яйдоқ далада тунадик. От ҳам, ўзимиз ҳам ташна эдик. Дунёда ташналикдан ёмон нарса бўлмаса керак, Максим отга миниб, сув қидириб кетди, йиғитча ҳам эргашди, она-бола қол-қоронғи зимистон кечада аравада қолдик, пойлаб-пойлаб қизим ухлаб қолди. Кўзимга уйқу келмай, юрагим ғашланиб анчагача кутдим. Бирдан, олнедан узоқланиб бораётган от туёқлари қулоғимга чалишиб, санчиб туриб кетдим. Она-бола югурдик. Қай кўз билан кўрайликки, устангиз сойнинг бўйида мукка тушиб ер тишлаб ётарди. Унинг икки курагининг орасидан қон оқарди! Буни қараикки, икки ой ана кетди, мана кетди бўлиб, йўқ, шунчалик туз-пасибаси бор экан, уста омон қолди-ю, кўп ўтмай кўзимизнинг оқу қораси қизимиз дом-дараксиз йўқолиб,

икковимиз... э, тавба, ўшанда, йўлда, биз одам боласини эмас, илон боласини ўлимдан сақлаб қолган эканмизда, аттанг!

Уста ҳам, хотини ҳам ана шунақа одам эди! Ойиси бошингни силаб, қўлингдан етаклаган ўша табаррук одамга миннатдорчилигимни ўзим айтиб келай деб бир куни қурилишга келганда устани тополмади. Кўриш насиб қилмаган экан, уста билан кетма-кет хотини ҳам қазо қилди. Қандай покиза, қандай меҳрибон одамлар эди-я. Ушанда, ойиси қурилишга келганда, Мўминжон ўзи терган ғиштларни кўрсатган, ойиси кўзлари жавдираб ўғли терган уч-тўрт қатор ғиштга узоқ тикилиб қолган, кейин қўллари билан оҳиста силаб-сийпаб қўйган эди!

— Дада!— деди бирдан кўзлари чақнаб Равшан,— мени қаторимга кўз ташланг, қалай?

— Яхши, ўғлим, яхши!— деди Мўминжон ака, мақтов Равшанга жуда-жуда ёқиб кетиб, оғзининг таноби қочиб илжайди, худди катта усталарга ўхшаб белкуракнинг дастаси билан ғиштнинг устига оҳиста уриб қўйди-да, ма, сенинг галинг, деб белкуракни Нортोजига берди, ўзи семон қоргани бўш пақирни олиб пастга тушди. Чойхоначи устанинг рансга қараб келаятганини кўриб нари кетди, аммо ошхонада уймаланишгани билан бари бир қулоғи шу томонда бўлди.

— Қум тугаёзди, Мўминжон.

— Хабарим бор, қирга машина жўнатдим,— деди Мўминжон ака,— йўлдаги тераклардан тўсин бопини кесдириб қўйдим, қурилиш бошқармаси билан тузган шартномада қум билан тўсини ўзимиздан чиқади, деган эдим.

— Майли,— деди уста,— терак тургани билан бора-бора йўгон тортиб, мўрт бўлиб ҳеч балога ярамай қолади.

Ранс тунов кунги аччиқ-чучук гапни на у, на ўзи эсламаганига хурсанд бўлиб ўрнидан турди. Отга миниш олдида алланарса ёдига тушиб, ююшиб чўнтагини кавлади-да, ўғлини имлаб чақирди.

— Мана бу хат сенга эканми?— деди.— Идоранинг столида ётган экан, кўзим тушиб чўнтакка солиб қўйган эдим.

Равшан шоша-пиша хатни очди. Дам оғзининг таноби қочиб, дам кўзлари галати пирпираб, юраги негадир гурсиллаб ура бошлади-ю, қувончдан ҳовлиқиб, қола-

верса қум тугаб, иш ҳам жўнашмай турганига дарров болаларни йиғди. Уста ҳам овқатга яқин қолганини кўриб индамади. Боя уста билан раиснинг суҳбати ҳам, ҳар икковининг бемалол ёзилишиб гапиришгани ҳам чойхоначининг назаридан қочмаган эди. Ош-овқатни Анзорга тайинлаб, ўзи ҳам уста билан кетма-кет қаёқ-қадир дарров ғойиб бўла қолди.

— Кимдан?— деди Равшаннинг қўлидаги очилган конвертни кўриб Озода.

— Топ!

— Айта қол,— деди Мунира ҳам. Асқар қурилишдан ҳайдалгандан бери унинг Равшан билан биринчи гаплашиши эди. Равшан ортиқ болаларни қийнаб ўтирмай дарров ўқий қолди. Хат Усмонали акадан эди. Ўзи ҳақида ҳеч нарса демай, кўпроқ болаларнинг қурилишдаги ишлари билан қизиқибди. Ўзлари ҳақида батафсил ёзиб юборишларини сўрабди.

— Нима дейсизлар, ҳозир ёзамизми?

— Бўлмаса-чи!— деди Мирқобил,— шарт шуки, бор гапни ёзамиз.

— Албатта!— деди Равшан ва қоғоз-қалам олиб Озодага узатди.— Ма, сенинг хатинг тузукроқ, сен ёз! Аввал нимадан бошлаймиз, ишни қандай ташкил қилганимиз-у, ҳозирча иморатни қанча қаторини кўтариб кўйганимизни? Ёки... ҳа, нега индамайсизлар, Сайфи!

Равшан нима деса, сеники маъқул деб ҳаммадан аввал шов-шув кўтарадиган Сайфи ҳам оғзига толқон солган одамдай лом-мим демай тиззаларини қучоқлаб жимгина ўтирарди. Мунира эса ердан кўз узмас, галати жилмайганча дам-бадам болаларга қарар ва шу қараш билан қачонгача ичларингга югиб юрасанлар, деган маънони англатмоқчи бўларди. Нортожи:

— Асқарни ҳам ёзамизми?— деб қўйди секин.

— Ўзларинг биласизлар,— деди Равшан болаларда кутилмаган бу ўзгаришдан ажабланиб,— кўпчилик нима деса шу.

— Ҳо!— деб юборди Озода.— Қачондан бери?

Равшан Озоданинг пичингига тушунолмай, кўзлари олайиб бошлаб жавоб бергани оғиз жуфтлаган жойида истадир жим қолди.

— Ажабланма, Озода,— деди Мирқобил,— Асқар ҳайдалгандан бери Равшан шунақа бўлиб қолган.

— Ҳой!— деди Равшан,— кесатма!

— Ҳа?

— Хўш, Асқарни ҳайдаймиз деганимда нега бирон-танг ёнини олмадинг, хўш?

— Гўл эканман, тушуняпсанми, гўл эканман,— деди титраб Мирқобил,— ўша нарса кўнглимни тошга ўхшатиб эзгилаб юришини билмаган эканман. Асқарни қўлидан шу иш келишига... ишонмайман!

— Нега?— деди Равшан ўрнидан сапчиб туриб.— Нега, ҳаммаси аниқланди-ку!

— Хўш, ўзи-чи?

— Нима, ўзи?

— Бўйнига олмади-ку!

— Мана энди ўзингни гўлликка соляпсан деса бўлади,— деди Равшан,— қайси тентак гуноҳини индамай дарров бўйнига ола қолади!

— Кейин-чи?

— Нима?

— Шунча кун ўтди ҳам, сен ўйлагандек Асқар бўйинини эгиб келмади-ку!

— Демак, ўша нарса рост экан, хўш, қайси юз билан келсин?

— Майли, сен нима десаг деявер,— деди Мирқобил,— мингта гувоҳинг бўлса ҳам бари бир, мен ишонмайман, юрагим бошқа нарсани сезяпти. Асқар айби бўлса дангал бўйнига олишдан чўчимайдиган бола. Ёз, Озода, қисқа бўлса ҳам мана шу гапларини ёз.

— Ҳа,— деди Нортोजи ҳам,— бор гапни ёзамиз деб келишдикми, ёз!

— Яна,— деди Мирқобил,— икки оғизгина Равшанинг ўзини ҳам ёз!

— Нима деб ёзсин,— деди кулиб Равшан,— хўш?

— Кулма, ёзамаи деса гап кўп, сен бошлиқмансан, сен-а? Йўқ, сен анави чойхоначининг соясансан!

— Нима?!

— Утир!— деди Мирқобил қўл силтаб.— Сенга ёқмаган, ё гапингни қайтарган одамни дарров ёқасидан оласан, ҳамма аҳмог-у, сен ақллисан, йўқ, бошлиқ бунақа бўлмайди, йўқ!

— Хўш, қанақа бўлади?!— қичқирди Равшан.— Нима, мен бошлиқман деб қўл қовуштириб ўтирибманми ё сандан кам ишлаяпманми?

— Ҳой, бақирма, ҳеч ким кар эмас,— деди Озода,— сени ҳеч ким ишламаяпти дегани йўқ-ку!

— Бошлиқ ҳаммани ўйлайди!

— Мен-чи?

— узингдан бошқани хаёлингга келтирмайсан.

— Мен-а?!

— Ҳа, сен,— деди Мирқобил,— қани, айт-чи, мен бу ерда нимага юрибман, хўш, Сайфи-чи, Нодира-чи, Анзор-чи, бошқалар-чи? Нима, Анзор бир умр самовар қўядими, у-чи? Хўш, ғишт ташигани, семон қорганими? Устанинг олдида ўралашадиганлар сену Озода, аҳён-аҳён Нортожи, бошқалар-чи? Уста битта эди десанг, яна иккитаси келди-ку.

— Рост!— деди аллаким.

— Ҳа!— деб юборди қошларини чимириб Равшан.— Гап буёқда экан-да.

— Нима?— деди Мирқобил,— бор гапми, бор гап! Мен эртага келмайман десам, ким бўйшимдан судраб келади, ким?

— Мен-чи?— деди Мунира.

Равшан шу гап сендан чиқяптими, дегандек ялт этиб Мунирага қаради. Озода ҳам, ҳатто Сайфи билан Нодира ҳам, бошқалар ҳам бир-бирига гал бермай кўнглидагиларни тўкиб солишар экан, Анзор икки орадаги тортишувдан қувониб, ял-ял ёниб ўтирганда, чойхоначи қизариб-бўзариб, негадир кўзлари бежо бўлиб, оёғининг учида юргандек шошилиб келиб қолмаса, хат баҳонаси билан бошланган гап-сўз анча чўзилган бўларди. Чойхоначи болаларнинг безовталигини пайқаб:

— Мулла Анзор,— деди,— ош ланж бўлиб кетибди-ку, нега сузмадингиз?

Анзор апил-тапил ўрнидан турди. Озода орадаги бўлиб ўтган гап-сўзларни қоғозга қисқагина тушириш билан овора экан, чойхоначи олисдан бир қараб қўйди. Хат, Равшандан бўлак ҳаммага маъқул тушди. Шаҳло лаганларни дасталаб, қозоннинг тепасига олиб бораётганда Анзор чойхоначига алланарсаларни пичирлаб гапирётган эди. Шаҳлонинг қулоғига:

— Роса пўстагини қоқишди,— деганню чойхоначининг:

— Эшак!— деб Анзорга бир ўшқиргани қулоғига чалинди. Анзорнинг ранги ўчиб кетди. Овқатдан сўнг Озода хатни идоранинг олдидаги қутига ташлаб кетди, буни кўриб Равшаннинг қовоқлари осилиб кетди.

Иш тугашига бирор соат қолганда эртаги овқатнинг масаллигини орқалаб келган Мулладўст Равшанин имлаб олдига чақирди.

— Жиян, хомушсиз?

— Узим,— деб қўя қолган эди Равшан, Мулладўст яширманг, сабабини биламан, деган маънода кўз қисиб жилмайди, белбоғининг қатидан икки буклашган ковертани олиб, шундоқ Равшаннинг кўз олдига, самоварнинг ичига ташлаб юборди.— Сизни хомуш қилган нарса шу бўлса, ёниб кул бўлсин-е, идоранинг олдидаги почта кутини битта калити ўзимда, жиян, кўнглингиз тўқ бўлсин.

Равшан чойхоначининг ишидан на қувонинини-ю, на хафа бўлишини билмай ҳайратда туриб қолди. Чойхоначи гўё ҳеч нарса бўлмагандек бўш замбилга финг тахлаётган Мунира билан Шаҳлоннинг олдига келди, аввал мулоимлик билан қизларнинг кайфиятларини суриштириб:

— Ойингиз қаердалар?— деди Мунирага.

— Уйдалар!

— Яхши бўпти-да, ҳали кечқурун ранс бувага бир-ров учрашарканлар, айтиб қўйинг.

— Майли, нимага?

— Билмадим, оппоқ қиз, ранс бува бунишни айтмадилар.

Мулладўст майда-майда қадам ташлаб, уйга ўтиб кетди. Портожи билан ошхонанинг олдидаги галати бўлиб келган Равшан энди замбилни икки ёғидан ушлаганда:

— Равшан,— деди Мунира,— даданг ойини нега чақирибдилар, хабаринг йўқми?

— Билмадим,— деди Равшан хомуш.

...Мунира деразанинг ёнида юраги така-пука бўлиб турарди. Ойинининг ичкарига, рансининг олдига кириб кетганига ҳам анча бўлди, нега дараги йўқ, бир қанотин очик деразадан эшитилаётган гўнғир-гўнғир гапдан ҳеч нарса англаб бўлмади. Оёқ товушидан Мунира чўчиб ўгирилди-ю, Равшани кўриб, ўзини жуда ноқулай сездди, аммо Равшан бунга эътибор бермай:

— Нега бу ерда турибсан?— деди. Мунира жим дегандек бармоғи билан оғзини тўсган эди, бирдан ичкаридан ойинининг қаттиқ-қаттиқ гапиргани эшитилди-ю, иккови беихтиёр деразага яқин борди.

— Уят-е, Мўминжон ака, шунга ўзингиз ишонасизми?

— Ишонсам, синглим, сизни бу ерга чақирмасдим, аммо шунақа нарса менинг ҳам кўнглимда доғ бўлиб

қолмасин деб ўзингиздан сўраяпман, хўш, Мулладўст, сен нима дейсан?

— Менми?.. Мўминжон ака, хаста холамнинг ҳурмати, шу ишни духтир опа қилганига ишонмайман, йўқ, аммо...

— Ҳа, айтинг!— деди ойиси.

— Аммо қизиғи шундаки, йўл ёқадаги тераклар иморатга кетадиган бўлиб турибди. «Мулладўст анавини ким қуритганини билолмадинг, ким шу номаъқулчиликни қилган бўлса, бир кечада уйига ташиб олса керак», деб мана Мўминжон акамнинг ўзлари атайлаб саккизта қуриган теракни йўл ёқасига ташлатиб қўйган эдилар. Духтир опа, гапингизга қараганда, шуларни кимдир эшигиз олдига қўйиб кетган, шундайми?

— Шундай!

— Ўзингиз уйингизга ташиб олгансиз?

— Ҳа!

— Хаёлингизга ҳеч нарса келмаганига ажабланяпман.

— Хўш, нима келиши керак эди?

— Наҳотки ўйламагансизки...

— Тўхтанг,— деди ойиси унинг гапини бўлиб,— бир бошдан аниқлайлик, бу ерда қанақадир ғалати чалкашлик бўляпти.

— Майли, майли,— деди Мўминжон ака,— қани?

Терак деган гапни эшитиб, Мунира деразанинг тағи-га чўнқайиб қолди, энгашди.

— Бу жой отамдан қолган, кўп йил шаҳарда ўқишда бўлиб, ўша ёқда турмушга чиқиб қолиб кетдим, илмий ишим қишлоқ касалхоналари билан алоқадор бўлганига шу ёққа келганимдан хабарингиз бор, Мўминжон ака!

— Шундай,— деди ране истар-истамас.

— Қарасам, битта уйнинг томини очиб, қайта ёпмаса бўлмайдиган, ўйлаб-ўйлаб озгина қурилиш материали сўраб олдингизга ариза ёзиб келсам, йўқ экансиз, бу кишига ташлаб кетдим.

— Шунақами?— деди Мўминжон ака Мулладўстга.— Нега мен билмаганман?

— Ушанда, колхозда фонд йўқ, деб духтир опага айтганман,— деди ишониб Мулладўст.

— Йўқ, Мулладўст ака, демагансиз, колхозга бешолтита хода нима деган гап, деганингиз ёдимда!

— Йўғ-е,— деб гап бошлаган эди Мулладўст, Мўминжон ака қўполлик билан:

— Қўй, эшнтайлик,— деб қўйди.

— Ушанда ўзингиз ана бўладн, мана бўладн деб ёдингиздан чиқариб юбордингиз, Мулладўст ака. Кейин ўзим бу уйда нарисн билан бир йил-бир ярим йил турарканман, деб индамай қўя қолдим, боя қарасам, эшикнинг олдига кимдир беш-олтита хода ташлаб кетибди.

— Ким?— унинг гапини бўлиб деди ранс.— Қимлигини кўрмадингизми, машинадами, аравадами?

— Пайқамадим. Кечқурун навбатчиликка бораман, шунга уйни салқинлатиб ухлаётган эдим, келган одам уйғотгиси келмай шу ерга тушириб кетибди-да, деб қўя қолдим, кўриб бир кулгим қистади.

— Нега?

— Имконлари энди бўлган бўлса-ю, қайтариб олиб кетинглар, деб юборсам кўнгилларига бир нима келмасмикин деб ташиб қўя қолдим, негаки, ишларини тамомлаб бўлдим, нари борса бир ҳафта ё икки ҳафтада яна шаҳарга кўчиб кетаман.

— Кетасизми?— деб юборди Мулладўст ажабланиб.

— Қизиқ,— деди анчадан кейин Мўминжон ака,— фоят қизиқ...

— Шундоқ эшикнинг олдида турибди, олиб кетишар!

— Масала унда эмас,— деди Мўминжон ака, шу билан гап ҳам узилди. Ойиси ўрнидан туриши билан бўшаган чойнакнинг баҳонаси билан Мулладўст ҳам кетма-кет ташқарига чиқди. Чиқди-ю, Равшанин кўриб аввал қизиқ бир аҳволда қараб қолди, кейин Равшаига боягидек бир маънодор кўз қисиб қўйди-да, бамайлихотир кўприкдан ўтиб, чойхонага бурилиб кетди. Равшанининг кўзига бирдан самоварнинг ичига ташлаб юборган хат кўриниб кетди-ю, бирпас ғалати бўлиб туриб қолди, сўнг анча жойга бориб қолган Мунирага аранг етиб олди. Дўхтир опа қизидан уч-тўрт қадам олдида, ўз хаёллари билан ўзи бўлиб жимгина борарди, Равшанин пайқамади. Мунира Равшанин кўриб ёш боладай негадир ўпқаси тўлиб секин сўради:

— Сен... шунга ишонасанми?

Шу топда жавдираб турган Мунира атиги бир оғиз сўзга қанчалик маҳтал эканини Равшан билса эди! Аттанг, ҳамма нарса ҳам киши хоҳлагандек бўлавермас экан-да! Қизиқ, боя уни беҳад хурсанд қилган нарса энди, негадир, Мулладўстнинг маънодор кўз қиснишдан

кейин кўнглига галати ғашлик солиб, Муниранинг гапларини унча англай олмадимиз, секин елка қисиб қўйган эди, Мунира ойисини ҳам ҳайратда қолдириб, бирдан уйи томон югура кетди!

Равшан эса уйқудан чўчиб уйғонган одамдек сесканиб туриб қолди.

Ун олтинчи боб

СИРЛИ ИШЛАРНИНГ ДАВОМИ

Кеч кириши билан Асқар уйдан чиқди, аслида-ку, ношмаса ҳам бўларди. Машина келишига яқин чойхоначи ҳовлиқиб остонада ўтириб олади, унда бир қадам ҳам силжиб бўлмас! Яна бугун правление йиғилиши ҳам бор, демак чойхоначи ўша ёқда ёзиш-чизиш билан овора. Аммо бу ҳам ҳали гумон, бирон баҳона топиб, уйга вақтлроқ жўнаб қолса-чи? Асқар толнинг катта шохига чиқиб, оёғини осилтириб ўтириб олди. Бу жойдан Мунираларнинг ҳовлиси, ҳовлидаги чироғи ҳам яққол кўринарди.

— Қизиқ,— деди Асқар, терак воқеасини эшитгандан бери негадир унинг хаёли паришон эди,— ~~эми~~ чойхоначининг ўзи ҳам рансинг олдида: «Кекса холамининг ҳурмати, бу иш духтир опамнинг қўлидан келишига ишонмайман!» дебди-ку! Хўш, унда ким?!

Олида, Мунираларнинг ҳовлисида, ўрмоннинг шохдаги чироқ икки марта кетма-кет ўчиб-ёнди! Демак келишиб олганларидай, Шаҳло идорага бориб хабар олиб келгану, чойхоначи ўша ерда.

Асқар сакраб пастга тушди, бу гал уни осон кўчганига қувониб, сайҳондан бемалол ўтиб олди. Аммо шундай бўлса ҳам, негадир юраги дукиллаб, тоқнинг эгрибугри йўғон замида пича ўтирди. Замига оёқ қўйиши билан алланарса шитирлаб кетди-ю, Асқар нафасини ютиб, деворга биқиниб туриб қолди: тунов кунги бароқ мушук хаёлига келиб, секин бўйинини чўзиб томга қараган эди, ҳеч нарса кўришмади. Асқар томга қорин билан судралиб чиқди, анчагача боши кўтармай, боёғи шитирлаш яна такрорланганда чўчиб, секин алаңлади: ташқари ҳовлида овсар хола ивирсиб юрган экаи, тавба, ҳовлининг чироғини ҳам ёқмай қоронғида нима қилиб тентираб юрибди? Асқар ундаи кўзини узмади. Овсар деворнинг тагида уюлиб ётган шох-шаббанинг ҳали у

ерини, ҳали бу ерини титкилаб, алланарсани ушлаб, кўнгли жойинга тушгандай яна авайлаб ёпиб қўярди. Соғ бўлса, бечора, шу аҳволга тушадими, ким билсин, ҳозир хаёлига нималар келди-ю, шох-шаббаларнинг остидан нималарни қидириб юрибди!

Эшик аввал бир марта, кейин оҳиста яна кетма-кет икки марта тақиллаган эди, овсар қилаётган ишидан тўхтаб, букчайганча бирпас туриб қолди. Яна бир тақиллагандан кейингина узун, қора кўйлагини ҳилпира-тиб шошганча йўлакка юрди, «келди» деб қўйди Асқар. Кўп ўтмай чойхоначи иккови гап-сўзсиз, индамай ичкарига ўтиб кетишди, ҳаммаёқ яна сув қуйгандек жим бўлиб қолди. Уша «меҳмон» келармикан-а!? Ушанда кўчага чиққанда бошқа кунга келишиб қўйган-у, Асқар гафлатда қолган бўлса-чи?.. Асқарнинг назарида токнинг барглари силкиниб, бирдан занги ҳам қимирлаб кетгандай бўлди. Асқар эмаклаб томнинг лабига бориб пастга энгашди. Энгашди-ю, токнинг зангига тирмашиб чиқаётган аллакимни кўриб бошига биров тўқмоқ билан ургандай ҳуши учиб кетди. Ўзини ўнглай олмай тепага чиқаётган одамнинг устига йиқилди. У мункиб кетди. Асқар ерга гурсиллаб тушиши билан жон аччиғида ерда узала ётган одамнинг устига миниб олди, киши бирдан хириллаб, нимадир деб қичқирмоқчи бўлган эди, Асқар оғзини маҳкам ушлаб олди. Киши жонжаҳди билан силкинди. Асқар унинг устидан юмалаб тушди. Киши чаққонлик билан ўнгарилиб олиб энтика-энтика:

— Эшак,— деди пичирлаб,— нега бошимга сакрайсан?

— Мирқобил?

Ҳа, қоронғида баҳайбат киши бўлиб кўринган Мирқобилнинг ўзгинаси эди! Мирқобил овозини чиқармай секин кулди. Асқар ҳали ҳам ўзига келолмай довраб сўради:

— Нима... нима қилиб юрибсан?

— Ўзинг-чи?

Асқар жим, дегандай ҳовлиқиб уёқ-буёққа қараб олди-да, анчадан сўнг ўпкалаган овоз билан:

— Пойлабсан-а,— деб қўйди.

— Бекор айтибсан,— деди Мирқобил,— узоқдан ўтиб кетаётган эдим, сайҳондан шу ёққа чопганингни кўриб орқангдан югурдим... аммо... томга чиқиб ниманидир пойлаб ётганингдан кейин ҳаммасига тушундим.

— Бўпти,— деди Асқар ўрнидан туриб,— тушунган бўлсанг вақт зиқ, ҳов анави толнинг устига чиқ, ҳали-замон машина ўтади, буёққа келганда ҳам, қайтиб кетаётганда ҳам тепадан қара-чи, ичида нима борийкин?

— Майли.

— Мен боргунча толдан тушма!

— Хўп.

Асқар яна тирмашиб томга чиқди. Мирқобил оёғининг остида юмалаб ётган каттагина тошни четга суриб чўққайди. Хаёлига ғалати бир нарса келиб, тошни қўлига олди ва Асқар ҳовлига бир мўралаб: «Энди бора-вер», деб ишора қилиши билан тошни унга узатди. Асқар дарров тушунди: ким билсин, ҳали нима гап-у, нима сўз. Мабодо битта-яримтаси кўриб қолса, тошни ирғитади-ю, то вой-войлаб эс-ҳушини ўнглаб олгунча Асқар жуфтакини уриб қолади. Олис-олисида машинанинг гуриллашига ўхшаш овоз қулоғига чалингандай бўлиб, Асқар ҳушёр тортди. Ичкари ҳовлининг эшиги тарақлаб очилди, бир қўлида кичкинагина хонтахта, бир қўлтиғида шолча кўтариб чойхоначи чиқди. Супачага жой солди, яна ичкаридан майда-чуйда олиб чиқиб, дастурхоннинг устини безади, афтидан у жиянини шу ерда кутиб олишга ҳозирлик кўраётгандай эди. Бояги мотор овози тобора яқинлашиб, баралла эшитила бошлаши билан чойхоначи кўчага чиқиб кетди. Ой ҳаволанди, аксига, ҳаммаёқни, ҳамма нарсани, мўрининг орқасида узала тушиб ётган Асқарни ҳам баралла ёритиб юборди. Асқар ортиқ бу ерда қолишни хавфли сезиб, машина эшикка келиб тўхташи билан сирғалиб пастга тушди ва тоқнинг зангига оёқ қўйиб, ҳовлидагиларни кўролмаса ҳам гап-сўзига қулоқ сола бошлади. Кабинанинг эшиги боя очилиб-ёпилган бўлса ҳам, на шофёрнинг овози эшитилди ва на чойхоначининг. Кўчада туришибдимми. ё ҳовлига киришган бўлса ҳам бир-бирларига қараб индамай ўтиришибдимми? Анча-мунча вақт ўтгач, ҳовлида шохшаббаларнинг шитирлаши эшитилди. Қизиқ, овсарга ўхшаб ўтин титишяптими ё ташишяптими? Чамаси, чорак соатдан сўнг шитирлаган товуш тўхтаб, супага ўтиришди шекилли:

— Хурсанд қиладиган бўлдинг,— деди чойхоначи.

— Овора бўлганга яраша,— деб шофёр бошлаган жойида чойхоначи гапни бўлиб:

— Борига барака,— деб қўйди,— улгурмади.

Орага пича жимлик чўқди, демак, гап ўтин устида

кстаётган бўлса, ўша кунги-ю, бугунги «улгурмаяпти» деган гап Анзорга тегишли экан-да, деб ўйлади Асқар. Чойхоначи алланарса дегач, шофёр секин кулди, аммо орадаги гапни Асқар англай олмади.

— Кечикаман,— деди шофёр,— бир пиёла ичсам бас, хола тузукмилар?

— Бир нав,— деди чойхоначи,— қаричилик, бир-икки ҳафта ўйнатиб келсаммикин десам, раис жавоб бермади. Бечора, манави тарақа-туруққа ҳам юраги сиқилиб бўладигани бўлди.

— Бе, шуни эплай олмадингизми?— деб гап бошлаган эди шофёр, чойхоначи:

— Бўлмади,— деб қўйди,— шунча қилдим бўлмади.

«Қурилиш!» деб ўйлади бирдан Асқар, демак қурилишни тўхтатмоқчи бўлиб шунча қилгану, шунча урингану, бўлмаган, ҳа... демак, семонга сув қуйган ҳам шу. Энди шак-шубҳа йўқ! Узуқ-юлуқ қисқа савол-жавобдан сўнг шофёр:

— Э, буларнинг ҳаммаси арзимайдиган нарсалар,— деб қўйди,— анави билан танишдим.

— Йўғ-е?

— Ҳа.

— Хўш?— деди бирдан ҳовлиқиб чойхоначи.— Хўш, кептими?

— Қелганига бир ҳафта бўлган. Бу ҳам майли-я!

— Яна нима?!

— Қишлоққа келмоқчи.

— Нима?!— жон ҳолатда сўради чойхоначи.— Нима дединг?! Йўқ, иним, иложини қил, йўлини тўс, келмай турсин, шусиз ҳам етарли ҳозир...

Эҳ, аттанг, чойхоначи охири гапини шу қадар бўшашиб айтдики, Асқар англай олмай, аламидан бошини деворга ургудек бўлди.

— Қизиқсиз-а, мен минг йўқ деганим билан ўзи йўл тополмайдими,— деди шофёр. Чойхоначининг дами ичига тушиб, анчагача овози эшитилмади. Кейин оҳиста:

— Мен ҳозир,— деб ичкари ҳовлига ўтиб кетди шекилли, роса ярим соат деганда қайтиб чиқиб:

— Майли, келаврсин,— деди оҳиста,— ёлғиз юборма, ўзинг билан ола кел, иложи борича кечроқ.

— Бу ёғини менга қўяверинг, тоға,— деди шофёр,— нима қилмоқчисиз?

— Меҳмон қиламан, нима қилардим,— деди истеҳзо-

ли товуш билан чойхоначи. Иккови яна алланималарни гаплаша-гаплаша кўчага қараб юришди. Кўп ўтмай моторнинг гувиллаган товуши эшитилди. Машина узоқлашиши билан чойхоначи негадир аввалгидек кўчада изгиб юрмай, дарров уйига кирди. Асқар оҳиста мўралаган эди, ичкари ҳовлига шоша-пиша ўтиб қолди. Унинг бу шошқалоқлигида шунақа бир безовталиқ бор эдики, назарида чойхоначининг оёқлари худди маст одамшикидек чалишиб кетаётгандек эди!

Асқар сайҳондан ўтиб толга яқинлашганда Мирқобил «тап» этиб ерга тушди. Иккови орқага қарай-қарай анча жойга бориб олгандан сўнггина ўпкаларини босиб тўхташди.

— Хўш?

— Утин!— деди Мирқобил.

— Нима?

— Утин, машинанинг ичи тўла ўтин!

— Демак, Анзор олиб келган ўтинларни шаҳарга ташир экан,— деди Асқар,— қани, юр!

— Қаёққа?

— Сўрама,— деди Асқар ва тез-тез юриб кетди. Мирқобил индамай эргашди. Тўппа-тўғри Мунирларшикига бошлаб келганда Мирқобил таажжубда қолди, кейин Мунирадан ачкиқланди.

— Ҳой, шунақа экан, нега миқ этмай ўтирдинг?

— Қачон?

— Боя, ё Равшанин хафа қилиб қўйишдан чўчиндингми?

— Ҳеч-да, ана Асқарнинг ўзидан сўра!

Асқар кулди.

— Ошна, мени қанча ёмонлашса шунча яхши, тушундингми. Қизлар, калаванинг учи қўлимизда!

Асқар ҳамма кўрган-билганларини айтиб берганда, жиддий бир воқеа содир бўлаётганини пайқашса ҳам, аммо нима бўлиши мумкинлигини ўйлаб анчагача бошлари қотиб ўтиришди. Қурилишнинг чойхоначига ёқмагани аниқ; у қурилишни тўхтатмоқчи бўлиб халақит берган, болаларнинг орасида низо туғдириш, қолаверса, раиснинг жаҳлини қўзғаб, ишни орқага судраш пайига тушиб семонга сув очган, бу ҳам аниқ. Аммо, арзимаган шох-шабба учун атайлаб шаҳардан овора бўлиб машина келса ва яна «аллаким» шу ўтинларни зориқиб кутса, мана шуниси ғоят ажабланарли эди. Яна бунинг устига «ўша» одам ким? Ундан чойхоначи нега бунча

чўчнйди, нега шофёр «унинг йўлини тўсиши» керак?!

— Уша одам чойхоначининг аламзада танишларидан бири,— деди Мирқобил,— демак, қишлоққа келса чойхоначининг шармандасини чиқаради, нега?!

— Ҳамма гап шунда-да,— деди Асқар,— чойхоначи овсар хола билан маслаҳатлашиб чиқиб, «ўзинг билан ола кел, яна кечроқ», дегани ғалати-я.

— Унда...— деди Шахло бирдан,— унда овсар хола балодек гапга тушунар экан-да!

— Ҳа, шунақага ўхшаб қолди,— деб юборди ҳуши учиб Асқар.

— Овсар нима деган бўлиши мумкин?— деди Мирқобил.

— Бу аниқ-ку, шофёр: «Хўш, нима қилмоқчисиз?» деганда, чойхоначи овсарнинг гапини қайтариб «меҳмон қиламан», деди!

— Ҳаммаси равшан.

— Нима равшан?

— Демак чойхоначи ёмон кўрган ошнасиними, танишиними, ким билсин, хуллас «ўша» одамни яхшилаб меҳмон қилиб ярашмоқчи, қарасаки, бошқа иложи йўқ. Анзорга айтса, боғдаги узум-олмалардан олиб келиб беради-ю...

— Нима?!— деб юборди Асқар қичқириб.— Нима дединг?!

— Узум-олмалардан,— деди Шахло бўшашиб. Асқар қўли билан пешанасига уриб сапчиб туриб кетди.

— Вой хом калла! Нега аввалроқ шу хаёлимга келмади-а, ахир қайси тентак шаҳарга ўтин ташийди? Анзор, ҳа, ҳа. Анзор ўтиннинг остида боғнинг меваларини ташийди, чойхоначи эса уларни шаҳарга жўнатади. Боя овсар хола ҳам ўтинларнинг орасини бекорга титмаган экан-да?

— Анзор-а?— Мунира бақрайиб қолди,— Демак...

— Демак, дадаси ҳам чойхоначи билан шерик,— деди Асқар ва чўнтагидан чойхоначи билан шофёрнинг савол-жавоби ёзилган тунов кунги қоғозни олиб, деди:— Мана, энди ҳаммаси аниқ, ҳаммаси жой-жойига тушди-қўйди. Чойхоначи қурилиш бошлангандан бери «безовта, назарида ҳаммаёқда одам изғиб юрганга ўхшайди-ю», ўғирланган меваларни шаҳардаги мижозига юборгани чўчиб қолган. Вой, ўшанда чойхоначи нотўғри сўз ишлатган деб, ўзимиз нотўғри ўйлаган эканмиз, қа-

рашлар-а, «бола энлай олмаяпти» дегани ҳам Анзорга тегишли экан! Мана калаванинг учи!

— Ушлаш керак!— Шахло ҳовлиқиб кетди.— Эртага судраб тоғамнинг олдига олиб бориш керак.

— Бе!— деди Асқар,— тонади, моли билан қўлга тушириш керак!

— Ҳа, яша, бу бошқа гап,— деди Мирқобил.

— Вой, тавба,— деди боядан бери нималарнидир ўйлаб ўтирган Мунира,— унда анави терак-чи, булар ҳам ўшанинг иши бўлса-чи?

— Балки,— ўйлаб қолди Асқар,— Анзорни-ку, эшакка тескари миндириб идорага олиб бориш осон-а! Унда чойхоначи чўчиса, анави «одам»нинг кимлигини-ю, нега келаётганини билолмаймиз-да!

— Бу ҳам бор,— афсусланди Мирқобил,— аммо «ўша одам»ни қачон келишини аниқ билмаймиз-ку.

— Нега?— деди Асқар.— Машина қачон келса ўшанда-да!

— Демак пойлаш керак.

— Ҳа!— деди Асқар,— бу ҳеч гапмас, бошқа маслаҳат бор!

Хўш, буларни ҳозирча ҳаммадан сир сақлаб туриш керакми, яна буларнинг ҳаммасини ҳозирча фақат «ҳайдалган» Асқар кўрган, билган. Ишонармикин? Чойхоначи Мулладўст илоннинг ёғини ялаган одам кўрилади. Уни шундай қўлга тушириш керакки, лом-мим деёлмайдиган бўлсин, ҳозирча ҳеч нарсани назардан қочирмай пойлаш керак. Ҳаммалари вазифаларини тақсимлашди. Асқар ҳар куни ошхонанинг томида-ю, Мирқобил ҳар эҳтимолга қарши йўлдаги толнинг устида ўтирадиган бўлди. Борди-ю, бирон хавф-хатар, ё айтайлик, бирон жиддий иш рўй берса, Асқар томдан кўчага тушиб ёнидаги фонарнинг чироғини бир неча бор ёқиб-ўчиради. Мирқобил дарров олдига етиб келади, хуллас, ҳаммасини яхшилаб ўйлаб олишди. Утиннинг остида нима борлигини яна бир аниқлаб кўришни лозим топшиб, бу ишни Мирқобил ва сўнгги пайтда Анзор билан анчагина «тотув» бўлиб қолган Шахлога топширишди. Бу режа ҳам хавф-хатарсиз, осонгина бўлгани учун эртасигаёқ кечқурун Анзорнинг ўтин ташийдиган вақтини пойлаб Шахло йўлга тушди. У қўлидаги олмани йўл-йўлакай еб, бамайлихотир борарди. Кеч кириб, қишлоқ ҳувиллаб қолганидан чўчимас, симёғочдаги чироқлар милтирар, кўприкнинг нариги бетидagi катта

йўлдан онда-сонда вағиллаб машиналар ўтар, қолаверса у ёлғиз эмас, уни қоралаб Мирқобил ҳам келяпти. Фақат Анзорни ишонтиролса бас: Муниранинг ойсига бу-гуни ҳам касалхонада, Мунира ойсига овқат олиб кетган, ҳалигача дарағи йўқ. Шунга Шахло хавотир олиб боряпти, касалхона эса боғнинг шундоқ ёнгинасида. Тавба, меваларни шундан-шу ёққа ташиб юрмай, ўша жойдан олиб кета қолса бўлмасмиди? Аммо боғнинг олди ҳар кунни гавжум, касалхона бор, бундан ташқари боғда фақат Анзорнинг дадаси эмас, кекса шериги ҳам бор. Ҳар ҳафта машина келаверса, Мулладўстнинг жияни нима қилиб юрибди, деб кўнглига келмасмикин? Анзорнинг йўриғи бошқа, борса дадасининг олдига боради...

Кўприкдан ўтиб, анчагина юргач Анзорнинг қораси кўринди. Шахло юрағи шигиллаб, орқасига бир қараб олди. Мирқобил аллақачон чинорнинг панасига ўтиб олган эди. Шахлони кўриб, Анзор ажабланиб тўхтаб қолди. Фақат, Шахло тутила-тутила нимага келаётганини айтгандагина юзига қон югуриб, илжайгандек бўлди. Шахло унинг турқи совуқ эшагини ўлганининг кундан силаб-сийпаб:

— Мунча эшагинг чиройли? — деди.

— Зоти асл! — деди Анзор. — Бунақа эшақ қишлоқда битта!

«Ўзинг ҳам» деб юборишига сал қолди Шахлонинг. Мақтов эшакка эмас, эшак баҳонаси билан ўзига айтилгандай туюлиб, Анзор қувончдан оёғини ғалати силки-тиб жилпанглаб қўйди. Вақтни бой бермай Шахло ҳам тунов кунги узумнинг шираси ўткирлигидан тили тапг-лайнга ёпишиб қолганлигини кула-кула «эслай» бошлаган эди, бу мақтовлар Анзорга ёқиб кетиб, оғзининг тапоби қочиб илжайди-ю, аммо гапни бошқа ёққа буриб юборди.

— Қўрқмайсанми?

— Майли, олиб бориб қўя қол, — деди Шахло ҳам оғзидан чиқиши билан ёқасига ёпиштириб. Асли-ку, Шахло гапга солиб, Анзорни бордан узум олиб чиқиб боришга мажбур қилиши керак эди. Анзор боққа кирганда вақтдан фойдаланиб, Шахло дарров ўтиннинг остини қараб олган бўларди. (Ахир у эшагини судраб ишқомнинг ичига олиб кирмайди-ку!) Ё бўлмаса Анзор бирон баҳона билан Шахлонинг кўзини шамғалат қилиб, ўтиннинг остидан узум олиб меҳмон қилишч керак эди.

Негаки, Анзор бунақа имкониятни қўлдан чиқарадиган анойи бола эмас эди! На унис-ю, на буниси бўлди. Иш бошқача кўчди. Мирқобил пайқадимикин? Анзор эшакни чеккадаги теракка боғлаб, Шаҳлонинг ёнида шох ташлаб борарди. Мирқобил улгурармикин, борди-ю, Анзор бирдан орқасига қараб қолса-чи, аммо Анзорнинг хаёли бошқа нарсалар билан банд эди, у дамбадам чўнтагини ушлаб-ушлаб, нимадир демоқчи, ниманидир Шаҳлога бермоқчи бўларди-ю, журъат қилолмасди, ниҳоят, томоғини қира-қира:

— Ушани... ўшани, узумни шеърга ҳам солганман,— деб қўйган эди, Шаҳло ясама қувонч, ясама ажабланиш билан:

— Вой, сен шеър ҳам ёзасанми?— деди. Қачондан бери эгасига топширишнинг иложини қилолмай юрган бечора шоирчага жон кириб, чўнтагидаги қоғозни дарров тута қолди. Шаҳло ҳовлиқиб қоғозни очмоқчи бўлган эди, Анзор қизариб-бўзариб:

— Уйда ўқийсан!— деди. Ҳовлиққанидан Шаҳлонинг ёнида нимага бораётганини ҳам унутиб орқага бурилди-ю, бир лаҳза қотиб туриб қолди. Сўнг лапанглаб чопа бошлади. Шаҳло ҳам чўчиб орқасига қаради-ю, эшакнинг олдида ўтинни титкилаётган Мирқобилга кўзи тушиб, бўшашиб кетди. Аттанг, Анзорни лақиллатамиз, деб ўзлари қўлга тушиб қолишди-ку?

* * *

Асқар тошга энгагини қўйганча ҳовлидан кўз узмай чўзилиб ётарди. Чойхоначи эса боя кириб кетганча домдараксиз йўқолиб кетган, фақат овсар хола ҳовлида бирпас ивирсиб юрди-да, кейин ошхонанинг эшигини очиб, негадир остонада узоқ туриб қолди. Авваллари бўлса, Асқар бунга унча эътибор бермаган бўларди, аммо тунов кундан бери қизқиши ортиб, овсар холага ҳам шубҳаланиб қарайдиган бўлди. Қизиқ, нега туриб қолди, нима қиялпти? Асқар мўридан қарагани юраги дов бермади. Аввалам бор, кеча сутдай ойдин, пастдан, қоп-қоронғи ошхонанинг ичидан тепадаги ҳамма нарса шундоқ яққол кўзга ташланади, қолаверса, овсар хола ни остонада қаққайиб тургани шунчалик муҳим бир нарса эмаски, Асқар ўзини хавф-хатарга қўйса! Овсарнинг ивирсиб, юриши-ю, чойхоначининг ичкаридан чиқмай бамайлихотир ўтирганидан Асқар анави «меҳмон» бугун келмаса керак, деб хаёлидан ўтказиб қўйди. Не-

гаки, келадиган бўлса, ҳаммани қўйиб чойхоначи шунақа бепарво ўтирармиди, дам кўчага чиқиб, дам уйга кириб, оёғи куйган товукдай типирчилаб қолмасмиди, яна бир оз пойлайди-ю... Ичкари эшик очилдими, ё ёпилдими, оҳиста ғирчиллаб қўйди. Асқар ҳушёр тортиди, йўқ, очилган экан, ташқари ҳовлига чойхоначининг шарпаси тушди-ю, қимир этмай туриб қолди. Кейин овсар холага:

— Хабар олай,— деб чиқди-кетди. Овсар хола кетма-кет бориб эшикни тамбалаб, битта-битта юриб ичкари ҳовлига ўтиб кетди. Демак чойхоначи Анзорни кутгани кетди; шу топда Шахло Анзорни қандай «жинни» қилганини Муширага айтиб беряпти-ю, Мирқобил толиннинг устида... тўхта, тўхта, борди-ю, улгурмаган, ҳозир чойхоначи билан йўлда тўқнашиб қолишса-чи?.. Орадан талай вақт ўтди ҳам аммо чойхоначидан дарак бўлмади. Асқарни ваҳима босди, юраги шувиллаб кетди. Аммо тишини-тишига қўйиб, сабр-тоқат билан кутишдан бошқа иложи йўқ эди. Ниҳоят кўча эшик оҳиста тақиллади, овсар узун, қора кўйлагини ҳилпиратганча бориб эшикни очди, иккови бошлашиб ичкари киришди. Чойхоначи супанинг четига омонатгина ўтириб, ўзига-ўзи гапираётгандай оҳиста деди:

— Бола келмаяпти, бир гап бўлдими?

Овсар хириллаган товуш чиқариб секингина кулиб қўйди. Асқар унинг кулгисини биришчи бор эшитиши эди, этлари жимирлаб кетди. Демак, овсар хола унчамунча гапга тушунар экан-да! Чойхоначи кеча шофёрга худди овсар холанинг гапини қайтарганига энди Асқарда сира шубҳа қолмаган эди!

— Боққа бориб олдимга солиб келсаммикин,— деди анча жим қолиб чойхоначи,— анавини кимлигини билса, ўла қолса ҳам келмас. Боласи мол олиб келса, айтиб юборсам, шубҳаланмай келган бўлармиди, эссиз, нега бола ҳаяллади... йўқ, бораман!

Олдида қаққайиб турган овсар хола ё «ҳа» ё «йўқ» деб жавоб бергунча бўлмай, чойхоначи безовталаниб ўрнидан турди, турди-ю, олисдан шу томонга гувиллаб келаётган машинанинг товушини эшитиб, негадир бўшашиб ўтириб қолди.

Шу топда чойхоначи қанча саросимада қолган бўлса, Асқар ундан беш баттар аҳволда эди. Анзор қаёққа йўқолди, нега келмади, Шахло билан Мирқобил сездириб қўйган бўлса-чи? Йўқ, йўқ, бунинг бўлиши мумкин эмас,

унда ҳаммаси чиппакка чиқади, мана буларнинг ҳаммаси ин-инига кириб кетади. Унда... бирдан Асқарнинг товоиғача қалтираб кетди, бир кўйи томдан сакраб югурганча одамларни айтиб келишни ҳам хаёлига келтирди. Аммо ичидан келган ғалати титроқдан тиштишига тегмай, энди қимирлагани ҳам мажоли йўқлигини пайқаб, ётган жойида қола қолди. Нима бўлса ҳам Мирқобил толга чиқиб пойлаб ўтиргандир-ку, машина эшикка келиб тўхташи билан чойхоначининг кўчага чиқиб чалғиганидан фойдаланиб дарров пастга тушади-ю, ёнидаги чўнтак фонарни бир неча бор ёқиб-ўчиради!

Асқарнинг шу топда юрагига далда берган бирдан-бир нарса шу эди!

Машина яқинлашарди. Овсар яна ошхонага кириб кетди. Чойхоначи уйига ўт кетган одамдай питирлаб қолди. Асқар уни сира бунақа аҳволда кўрмаганди. Ҳозир кутилмаган бир нарса содир бўлишини кўнгли сезгандай, юраги шувиллаб «Мирқобил жойидамикин» деб яна хаёлидан ўтказиб қўйди.

Ун еттинчи боб

ЧОЙХОНАЧЕНИ ТАШВИШГА СОЛГАН «МЕҲМОН»

Аммо Мирқобил жойида эмас эди. Анзор лапанглаб жон аччиғида чопа бошлаши билан на қочишдан ва на теракнинг орқасига яширинишдан фойда йўқлигини пайқаб, эшакнинг олдидан жилмай тураверди.

— Ҳа? — деди Анзор кела солиб кўзлари соққасидан чиққудай, — ўтинга нега тегдинг?

— Ким?

— Сен!

— Вақиллама!— Мирқобил бир қадам олдинга ташланган эди, унинг важоҳати Анзорни ҳазилакам чўчиғиб юбормади,— ўтинни бошимга ураманми?

— Бўлмаса нега тегдинг?

— Ҳа, бу бошқа гап, — деди Мирқобил кўчада ҳеч зоғ кўринмаганидан қувониб,— ошна, ўтиннинг остидаги узумдан бир бошгина олиб бер, кейин айтаман.

— Нима?!

Анзор қўлидан жилови тушириб юборди, бирпас бақрайиб турди-да, кейин, секин орқасига тисарилиб, бирдан қоча бошлаган эди, Мирқобил чалиб юборди. Анзор бор бўйи билан гурсиллаб йиқилди.

— Аҳмоқ, эшакни ташлаб қаёққа қочасан?

Анзор типирчилаб ниҳоят ўрнидан зўрға турди-да, Мирқобилга совуққина бир қараб, шимини, кўйлагини қоқаркан, калласига минг хил хаёл келди: Шахло боя лоп этиб оёғининг остидан чиқиб қолганда, юраги бир орзиқиб кетган эди-я! Энди нима бўлади, орқага қайтолмаса, чойхоначиникига боролмаса, «дод», деб бировни ёрдамга чақиролмаса. Аттанг, чойхоначи кечроқ кела қол деган эди-я, бир балони сезиб шундай деганмиди-я? Авваллари ҳам чойхоначи билан гапларни тўғри келмаганда молни ҳовлига ўзи тушириб кета қолган, чойхоначи ҳеч нарса демаган эди. Шуни ўйлаб эртароқ йўлга чиқа қолган эди. Нима бўлса ҳам энди вақтни чўзиш керак. Чойхоначи пойлагани, ё бўлмаса кечикиб қолганидан хавотир олиб ахир кўчага чиқади-ку!

— Қани юр,— деди Мирқобил унинг найрангини сезиб, аммо ўзи ҳам лоп этиб чойхоначи учраса нима дейди-ю, нима қилади, хаёли шунда эди.

— Қаёққа?

— Кейин биласан.

Мирқобил эшакнинг жиловидан тортди. Анзор ломим демай эргашди, бояги довдираб қочиши ўзига ҳам худди ёш боланинг жиннилигига ўхшаб кетди шу топда. Ахир эшакнинг остидаги нарсани ташлаб қаёққа ҳам қочади, тўппа-тўғри идорага олиб боришса... Анзорнинг вужудидан муздай тер чиқиб кетди. Кўприкнинг ярмига борганда Анзор тўхтаб қолди.

— Ҳеч қаёққа бормайман,— деди қалт-қалт титраб. Мирқобил ҳам Анзордан баттар аҳволда эди. Ишқилиб анави палакат кўриниб қолмаса бас. Хўш, кўприкдан ўтиб қаёққа боради? Идорагами, йўғ-ё, ҳай, унда ҳамма иш чиппака чиқади-ку, бир амаллаб хавф-хатарсиз жойга етиб олсин-чи, уёғи бир гап бўлар!

— Бормасанг борма!— деди Мирқобил эшакни етаклаб кетар экан. Анзор саросимада қолди. Бора солиб эшакнинг думидан тортди, орқасига ёпишиб тўхтата бошлади. Эшак ўлгур ҳам бунақа ҳазил-ҳузулга ўрганмаган эканми, қитиғи келиб диконглаб қўйди. Ким жиловидан ушласа, индамай кетаверадиган эшакдан бефаҳм махлуқ йўқлигини кўриб, аламидан қорнига бир тепган эди, эшак ўлгур ҳам ўчакишгандай устидаги ўтинни лопиллатиб чопа кетди.

— Ҳа, бормисан, Анзор!— деб қувонди Мирқобил. Улар кўприкдан чапга бурилишлари билан орқама-орқа етиб келган қизларга кўзи тушиб, Анзор энди қочишга

ҳам ва ҳатто чойхоначининг ёрдамига ҳам ишонмай қолди. Аммо ҳали ҳам кўнглининг бир чеккасидаги ғалати бир илинж билан оёқлари чалиша-чалиша бефаҳм эшакнинг орқасидан индамай бораверди.

Уша, бирдан-бир овлоқ жой — Мушира чўмиладиган бутазорнинг олдида Мирқобил тўхтаб, эшакни бутазорнинг ичига олиб кириб боғлади. Қизлар етиб келишлари билан ҳаммалари Анзорни судраб бутазорнинг ичкари-сидаги кичкина сайҳонликка олиб кириб ўтқизиб қўйишди.

— Хўш?— деди Мирқобил,— ҳаммасини яхшиликча айтиб берсанг майли, қўйиб юборайлик, бўлмаса эшакни етаклаб тўппа-тўғри раис буванинг олдига олиб борамиз!

— Майли.

— Узумни кимга олиб кетяпсан?

Анзор ғалати овоз чиқариб кулди.

— Сенларга!

— Йўғ-е!

— Ҳа,— деди хаёлига келган нарсадан терисига сиймай Анзор,— эрталаб узмай кечқурун узиб қўя қолдим, раис буванинг ўзи рухсат берган, ишонмасанг ўзидан сўра.

— Шунақами?— деди Мирқобил ўзини гўлликка солиб,— унақа бўлса эрталаб едик нима-ю, ҳозир едик нима?

Мирқобил ўтининг орасидан олган узумни ҳаммага бўлашиб берди. Анзор зимдан разм солди: демак, аҳволи боя ўйлаганича унча ҳам ночор эмас экан, тасодифан қўлга тушган, бояги гапдан кейин раис бува ҳам бир нарса демаса керак, аммо унда Мирқобил ўзини шунақа тутармиди, Мирқобил-а!

— Бай, бай,— деди бошини чайқаб Шаҳло,— ширасидан одамнинг тили оғзига ёпишиб қолай дейди-я!

— Анзор ҳам апоён эмас,— деди Мирқобил ҳам, аммо фикри-зикри бошқа ёқда. Бу дардисарни нима қилсин, иш ўлгурнинг бунақа чаппасига айланиб кетганини Асқарга қандай етказсин? Ё Анзорни қизларнинг олдига қўйиб, ўзи ғир этиб бориб келсамикни. Анзор икковини туртиб жўнаб қолмасмикни. Муҳими, ҳозирча Анзор тасодифан қўлга тушдим деб ўйлайверсин. Бугун кечқурун чойхоначининг уйига машина ҳам ўтмади, балки Асқар ҳам у ерда узоқ қолмас!

— Ҳой, Анзор узумнинг таърифини шеърга ҳам сол-

ган!— деди Шахло ва шоша-пиша ёнидан боя Анзор берган қоғозни олган эди, Анзор сапчиб юлиб олди, аммо йиртиб ташлагани улгуролмади. Мирқобил қўлидан тортиб олиб Шахлога:

— Ҳқи!— деди.

Анзор қўллари билан юзларини тўсганча қимир этмай ўтириб қолди. Шахло кўройдинда қийналмай, бемалол ўқий бошлади.

Нега қошинг қора деса,
Усма қўйганман дема.
Сен узум ейман десанг,
Билки, Анзор ёнингдаман,
Ташвиш тортма, ғам ема.

— Ҳо!— деди Мирқобил. Шахло олайиб:

— Э, афтинг қурсин!— деди ва жаҳл билан қоғозни Анзорнинг башарасига отди, лекин бирдан ғалати бўлиб, то Анзор энгашгунча сапчиб ердан қоғозни олди. Шоша-пиша текислаб кўз югуртди, анчагача жим қолди, кейин секин бир Анзорга, бир қоғозга қараб бўзрайиб турди-да:

— Менга қара!— деди энтикиб.— Ҳой, менга қара!

Шахлонинг вазоҳати ўзгариб кетди, кўзлари олайиб, ҳадеганда тили гапга келмай бирдан жон-жаҳди билан Анзорнинг ёқасига ёпишди, ўтакаси ёрилган Анзор орқасига тисарилди.

— Сен... сенмисан?!

— Нима гап, Шахло!— деди унинг чангалидан Анзорни айирмоқчи бўлиб Мирқобил, аммо Шахло унга сари маҳкамроқ ёпишиб, латтадек бўшашиб ўтирган Анзорни ҳушига келтирмоқчи бўлгандай силкита бошлади.

— Айт. Шаҳарга хат ёзганмисан? Солижон ака Раҳмонов деган одамга хат ёзганмисан?!

Анзор алланарса деб ғўлдирай бошлаган эди:

— Алдама!— деди Шахло.

— Қўйиб юбор, билмайман унақа одамни...

— Ёлғон,— қичқириб юборди Шахло.— Ёлғон айтяпсан: «қ»ни гажакдор қилиб ёзишингдан танидим. Ёлғон гапиряпсан, сенинг қўлинг билан ёзилган мана шунақа хатни ўз кўзим билан ўқиганман!

Анзор сапчиб туриб кетди. Яхшики, Мирқобил чаққонлик қилиб орқасидан маҳкам қучоқлаб олди. Анзор дам силкиниб, дам елкалари билан туртиб, дам оёғи билан тепиб, Мирқобилнинг қучоғидан чиқиб кетишга

шунча уринди, бўлмади. Бўшашиб, тиззалари букилиб, ниҳоят, жойига ўтирди. Мирқобил нима гаплигига тушунолмаса ҳам, кўнгли бир нарсани пайқагандай то Анзор эс-хушнинг тўплаб улгургунча белидан тасмасини ечиб, Анзорнинг типирчилашига ҳам қарамай бирпасда оёқ-қўлини чандиб ташлади. Анзор жонҳолатда овозининг борица бақирмоқчи бўлган эди, ўтакаси ёрилиб кетганиданми, ингичка чийиллаган овозини ўзидан бошқа ҳеч ким эшитмади.

— Бақирма,— деди Мирқобил жўрттага,— чойхоначи ҳам, дадан ҳам аллақачон қўлга тушган!

Шу бир сўз Анзорни шу қадар типичтиб қўйдикки, оёқ-қўлининг боғлангани демаса, кўрган одам, болапақир ойдин кечанинг гаштини суриб, бутазорда маза қилиб ёнбошлаб ётибди, деб ўйлаши мумкин эди. Мирқобил эса пўписа қилиб айтган гапидан ўзи чўчиб кетди. Энди нима бўлади, чойхоначи билан анави шеригини қўлга тушириб бўлмаса-я? Шаҳлоннинг хаёлига эса минг хил фикр келаверди: демак, чойхоначи айтгандай, Солижон аканинг қишлоққа ёзган хати йўқолмаган. Чойхоначи, ҳа, ҳа, чойхоначи, жавобини атайлаб Анзорга ёздирган экан-да! Яна жавобини аллақим шаҳарга тушганда эшигига ташлаб кетибди. Асқарнинг дадаси ҳам, ҳатто Солижон аканинг ўзи ҳам шу нарсага қанча ажабланишган эди-я. Тўхта, тўхта, Солижон ака Иссиққўлга, бола-чақасининг олдига отланганда Шаҳлога нима деган эди?! У: «Эртароқ қайтсам, бирон ҳафтага қишлоққа ўтмоқчиман», демаганмиди? Олисдан машинанинг гувиллагани қулоғига чалиниб, Шаҳло бирдан бутазордан югурганча чиқиб кетди. Машинанинг кўприкка бурилгани Мирқобилни ҳам эсанкиратиб қўйди. Агар жиннилик қилса, манави сўйил билан бошига сол, деб қўлидаги таёқни Мунирага тутди-ю, қиз бу ерда қолишга розими, йўқми, суриштириб ҳам ўтирмай бутазордан чиқиб, дарё ёқасидаги мажнунтолга қараб югура кетди. Мунира ҳайратда қотиб қолди, нима гап, тавба, нималар бўляпти?!

* * *

Машина эшикка келиб тўхташи билан Асқар секин пастга, токнинг зангига тушди. Худди безгак тутгандай қалт-қалт титраб чўнтак фонарини олисда қорайиб турган толга қаратиб бир неча бор ёқиб ўчирди. Аллақандай гала-говур, кейин эшикни қарсиллатиб очилгани,

ниманидир гурсиллаб тушгани эшитилди. Кўп ўтмай машина қайтиб кетди. Асқар эмаклаб яна томга чиққанда ҳовли бўм-бўш эди. Қизиқ, «меҳмон» қаёққа ғойиб бўлди-ю, машина нега дарров жўнаб қолди? Чойхоначи қани, ё ҳаммалари биргалашиб ичкари ҳовлига кириб кетишдими, ё «меҳмон» келмаган-у шофёр шуни айтиб чойхоначининг кўнглини хотиржам қилиб кетдимикин-а?

Аммо мўридан ошхонанинг ичида аллакимнинг ҳарсиллаб нафас олгани-ю, кимнингдир кўксовга ўхшаб секин-секин йўталгани эшитилди. Ошхонанинг хирагяна чироғи ёнди. Чойхоначи шоша-пиша ҳовлига чиқиб:

— Келмади, мен борай,— деди орқасидан эргашиб чиққан овсарга,— падар лаънати боғбон кейинги пайтда ўзини минг ёққа соладиган бўлиб қолди!

Асқар овсарнинг чалғиганидан фойдаланиб, дарров мўрининг ичига бошини тиқиб ошхонага қаради, қаради-ю, даҳшатдан дод деб юборишига оз қолди. Ошхонанинг ўртасида номаълум бир одам қўл-оёғи боғланган ҳолда узала тушиб ётарди. Ким бу, ўша «меҳмон»ми, нега оёқ-қўли арқон билан чандилаб ташланган? Наҳотки, йўғ-е, то боғбонни бошлаб келгунимча ҳеч қаёққа қочиб кетмасин деб, ҳар эҳтимолга қарши шундай қилиб қўйдимикин? Ахир ярашишдан аввал орада аччиқ-чучук гаплар ҳам бўлади-ку, кейин албатта оёқ-қўлини ечиб юборишади... Борди-ю, ундай қилишмасачи? Унда Мирқобилни одамларга жўнатади, ўзи эса ҳар эҳтимолга қарши шу ерда қолади. Йўғ-е, чойхоначи жилла унчаликка бормас!

Овсар ошхонага қайтиб кирди, бояги кишининг тепасига энгашиб, юзига оҳиста уриб қўйди-да, ўчоқнинг тепасига келиб ўтирди. Киши анчадан кейин секин кўзларини очди. Овсар яна йўталганда киши чўчиб унга ўғирилди-ю:

— Хола!— деди ажабланиб.

Овсар хириллаган товуш чиқариб секин кулиб қўйди.

— Ҳа, танидингми, болам, ўша овсар холаги бўлман,— деди. Унинг дўриллаган, ғалати овозини, донадона гапирганини эшитиб Асқар қулоқларига ишонмай қолди. Уша кундагидек эти жунжикиб кетди-ю, аллақандай даҳшатдан дағ-дағ титраб, кўчага сакраб қочиб қолишига сал қолди. Аммо бу ерда ёлғиз эмаслигини, ҳадемай Мирқобилнинг ҳам етиб келишини, қолаверса, ошхонада оёқ-қўли боғланиб ётган одамни ўйлаб, аранг ўзини тутиб қолди. Яна эмаклаб мўрининг яқинига бор-

ди, бу орада анча-мунча гап-сўз бўлиб ўтган бўлса керак, анави одам сира тўхтамай гапирарди.

— Мен қаердаман, нега оёқ-қўлим боғлиқ, анави одам ким?

— Чўчима, болам, мен борман, чўчима!

— Сиз?!

— Ажабланма, болам. Сени кўриб ёшлигим ёдимга тушиб, кўнглим тўлиб кетди. Уша замоноларни қўмсаб-қўмсаб қўяман, болам. Э воҳ, ҳаммаси оқар сувдай ўтди-кетди, аммо ҳаммаси кечагидай ёдимда. Отанг колхознинг омборига қоровул бўлганда аллаким кечаси хужрасига яшириниб, эшикдан кириши билан гарданга мушт тушириб, фарамга ўт қўйиб юборган эди, бу ҳам ёдимда.

— Нега?!— қичқириб юборди киши.— Қанақа хусумат билан?!— Овсар кулди.

— Кейин домла поччанинг ташқи ҳовлисини мусодара қилмоқчи бўлганида яна ўша одам кўприкнинг ёғоч устунини арралаб қўйди-ю, даданг шўрлик кўприкдан ўтаётганда арава билан сувга ағдарилиб кетди. Ўзингчи, шаҳарга жўнаб кетаётганингда нима бўлганинг ёдингдами?

— Ҳа,— деди киши даҳшат билан,— отдан қулаб кетдим.

— Йўғ-е?!

— Наҳотки...

— Ҳа, шундай!

— Сиз... буларни қаердан биласиз?!

— Э, болам, мен билмаган нарса йўқ,— деди овсар хола,— домла поччага ўша одам ўз оғзидан гуллаганда эшитиб қолганман.

— Уша... ўша одам ким эди?

— Ҳовлиқма, болам, ҳовлиқма,— деди овсар хола секин,— ҳозир ўша Эшонқул сўфининг ўғлини кўрасан-у... ҳаммасига тушунасан. Мендан бўлак нарса сўрама ҳам, сўраганинг билан айтмайман ҳам!

Овсар яна бир нарса деб оғиз очганда бирдан Асқар:

— Солижон ака!— деб қичқириб юборди. Бу кутилмаган овоздан овсар чўчиб мўрига қаради. Қаради-ю, даҳшатли кўзлари олайиб сапчиб ўрнидан турганда, Асқар олдидаги тошни овсарнинг устига ташлаб юборган эди, овсар гуреллаб йиқилди. Асқар мўридан ошхонага сакради-да, шоша-пиша кишининг оёқ-қўлидаги арқонин еча бошлади.

НОМАЪЛУМ ОДАМ

Солижон аканинг бу ерда, яна шунақа бир аҳволда тўсатдан пайдо бўлиши сира ажабланарли ҳодиса эмас эдики, бу ҳақда қисқагина тўхтаб ўтган маъқул. Солижон ака болалиги ўтган қишлоқни бир кўриб келиш ниятида хотин, бола-чақасининг олдидан эртaroқ қайтган эди. Шаҳлонинг бувиси ҳам қувониб, «неварамни ўзингиз ола келадиган бўлдингиз» дегани-ю, ўша қишлоқда тоғаси яшайдиган бир шофёр йигит билан танишиб қолгани ҳам сабаб бўлиб, бу ишни пайсалга солмай дарров йўл ҳозирлигини кўра қолди. Қишлоққа олиб бормоқчи бўлган ўша шофёр билан танишуви ҳам қувончли, ҳам тасодифий бўлди. Келган куни кечқурун эшиги олдидаги ариққа юк машина тикилиб қолди. Шофёр тоза уринди, бўлмади. Солижон ака бел олиб чиқди, икки кишилашиб ариқнинг четини кенгайтиришди, ниҳоят, машина силкина-силкина катта йўлга чиқиб олди. Шофёр машинани йўл ёқасида тўхтатиб қўйиб, Солижон аканинг «қўявернинг» деганига ҳам қулоқ солмай ариқни аввалгидай текислаб қўйди. Солижон ака уйга таклиф қилди, чой қўйди, гапдан-гап чиқиб, шофёрнинг қишлоқда тоғаси яшашини, Солижон ака эса ўша қишлоққа бир бориб томоша қилиб келиш орзусида юрганини билиб олишди. Бу тасодифдан икковлари ҳам хўп қувонганликларни ҳақида гапириб ўтиш ортиқча... Эртасига тўпга яқин шофёр «бетоб» тоғасини кўриб келмоқчи бўлиб ишхонадан жавоб олиб келди. Солижон ака етти ухласа тушига кирмаган мана шунақа камтар-у, мана шунақа қувноқ ҳамроҳ учраганидан беҳад хурсанд бўлиб, кабинага ўтирди. Аммо ярим йўлга борганда машина пақиллаб, тутаб тўхтаб қолгач, шофёр йигитнинг хижолат билан:

— Ака, сизни йўлдан қўйдим,— деб узр сўрай бошлади,— бу ўлгурнинг моторини шунақа ишкали бор, ҳали кечгача уйнаб тузатсам ҳам катта гап, ё автобусга солиб юборайми?

— Бе,— деди Солижон ака уни ёлғиз ташлаб кетишга кўнгли бўлмай,— қаёққа ҳам шошаман.

Хуллас, шофёр машина атрофида уймалана кетди. Солижон ака қарашай деса қўлдан ҳеч нарса келмайди. Олдида тураверай деса, бечора уятчан йигит экан,

ўзи шусиз ҳам хижолатда. Солижон ака йўл ёқасидаги чойхонага бориб дам олиб ўтирди. Шофёр ҳам ҳаммаёғи қоп-қора мойга бўялиб, икки-уч бор олдига келиб, зерикмадингизми, деб чой-пой ичиб кетди. Вақт аллама-ҳалга борганда мотор ўлгур расмана гувиллаб, янги танишининг олдида тоза изза бўлган шофёрни беҳад қувонтириб юборди-ю, йўлга тушишди. «Кечаси қаёққа ҳам борасиз, мулла ака, бугун келаман деб айтганимга тоғам бечора юрак ўйноғи касали бор, тоза хавотир оляпти десангиз-чи, энди бугун тоғамникида тунайсиз», деб тўппа-тўғри тоғасиникига бошлаб келди. Солижон ака ҳеч нарсани хаёлига келтирмай, шофёрнинг хушмуомала тоғаси билан пастак эшикдан ичкари кирди.

...Асқар ҳаяжонданми, ё қўрқувданми, қалт-қалт титраб арқонни ечиши билан Солижон ака овсарнинг беҳушлигидан фойдаланиб, ҳовлига югуриб чиққанда, кўча эшик тарақлаб очилди-ю, бирдан қиз бола аллақандай даҳшат билан:

— Солижон ака!— деб қичқириб юборди. Солижон ака сесканиб кетди.

— Шахло?!

Қисқагина гап-сўздан кейин Солижон ака нима бўлганини, Шахло билан бошлашиб келган кишининг кимлигини билиб, қандай тасодиф билан бу ерга келиб қолганини айтиб берганда:

— Чойхоначи қани?— деди Мўмнижон ака, Асқар боғбонни бошлаб келгани кетганини айтганда:

— Кутамиз,— деди раис, ҳаммалари ошхонага ўтишди. Овсар хола ётган жойида финший-финший ниҳоят кўзини очди-ю, тепасида турган бир тўда одамларни кўриб яна юмиб олди. Оёқ-қўлидан кўтариб ҳовлидаги супага олиб чиқиб ётқизиб қўйишди. Кўп ўтмай кўча эшик фирчиллаб очилиб, ичкарига бамайлихотир кириб келган ўша, Асқар хуш кўрмайдиган, турқи совуқ боғбон рансга кўзи тушиб, ҳангу манг бўлганча туриб қолди.

— Ҳа, Турдиқул?— деди раис. Шундагина Солижон ака озиб-тўзиб, соч-соқоли ўсиб кетган одамнинг ёнига бориб:

— Сепмисан?!— деди бирдан.— Ҳой, Турди, Турдиқул, сепмисан-а!

— Биласизми?— деди раис қизиқиб. Солижон ака танишлигини қисқагина айтиб берганда ҳам Турдиқулдан садо чиқмай, боя қандай кирган бўлса, шу алфозда тураверди. Эшикда Мирқобил кўриниши билан Асқар

унинг қулоғига алланарса деб пичирлаган эди, Мирқобил зинғиллаганча кўчага чиқиб кетди.

— Чойхоначи қани?— деди раис.

— Кетди,— деди ғулдираб Турдиқул,— жияни билан... машинага тушиб кетди.

— Аттанг, машина қаерда кутиб турган эди?

— Қасалхонанинг олдида.

— Сен бу ерга нимага келдинг?

— Уғлимни қидириб келдим.

— Кечалари ўғлинг нима ташийди?

— Утин,— деди шошиб,— ўзингиз чойхоначига рухсат бергансиз, ўтни ташийди.

— Яна нима?

— Шу!

— Уғлингни нега бу ерга қидириб келдинг?— деди яна тушунмай раис.— Уғлинг ҳовлига кирмасди шекилли.

— Чойхоначи, йўлда тойиб кетиб, оёғининг эти узилибди шекилли, кўтариб ҳовлига олиб кириб қўйдим, деганига югуриб келган эдим!

Шу пайт эшикдан эшакнинг жиловини тортиб Мирқобил, эшакнинг орқасидан Анзор билан Мунира кириб келгач, Турдиқулнинг авзойи буткул ўзгариб кетганини пайқаш қийин эмас эди. Анзор дадасини кўрибоқ хўнграб йиғлаб юборди. Турдиқулнинг кўзлари олайиб, югурганча кўчага отилган эди:

— Қаёққа?!— деди раис.

— Чойхоначини...— деди-ю, бўшашиб тўхтаб қолди.

— Овора бўлма,— деди Мўминжон ака энсаси қотиб,— ўғлингнинг йўлда қўлга тушганини пайқаб, сени буёққа жўнатган-у ўзи жуфтакни ростлаб қолган. Ҳай майли, узоққа кетолмас, қани, ўтинини тушир!

Турди қимир этмади. Боядан бери бир чеккада нима бўлганига сира-сира тушунолмаётган Равшан дадасининг имо-ишораси билан арқонини ечиб, ўтинини олгач, эшакнинг икки ёнидаги узум тўла катта-катта яшикларга ҳамманинг кўзи тушди.

— Қойил-е, зап ўтин эканми?— деди раис ва Солижон акани Турдиқулга кўрсатиб сўради.— Бу одамда нима хусуматларинг бор эди?

— Билмадим,— деди Турдиқул пешанасидан муздай тер чиқиб,— ана ундан сўранг!

Овсар хола аллақачон ҳушига келиб, супада букчайганча Турдиқулдан кўз узмай ўтирарди.

— Аёл кишининг бунга нима даҳли бор?

— Аёлми?!— Турдикул қичқирганча бирдан овсар холага қараб югурди. Унинг йўлини ҳеч ким тўсолмади, Мўминжон ака билан Солижон акани ҳам туртиб супа-чага сакраб чиқди. Кўз очиб-юмгунча овсар холани супага юмалатиб, жон-жаҳди билан устидаги кийимини тилка-тилка қилиб ташлади. Ҳамма гужанак бўлиб олган увоққина чолга кўзи тушиб, орқага қалқиб кетди. Ҳадеганда ҳеч кимдан садо чиқмай қолди.

— Кимсиз?!— деди раис ниҳоят.

Чолнинг оппоқ ўсиқ қошлари остидаги совуқ кўзлари ғалати йилтираб кетди, аммо жавоб бермай ўтираверди. Турдикул:

— Буми?!— деди йиғламсираб ва бирдан қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди, унинг совуқ кулгисидан ҳамманинг эти жимирлаб кетди,— буми?! Бу кўса-ку, соқол-мурти йўқ кўса-ку!

— Нима?!— деди раис.— Турдикул!

— Йўқ, раис бува!— оғзидан кўпик сочиб қичқириб юборди Турдикул яна.— Ҳозир ҳаммасини эшитасиз, эшитмаганингизга қўймайман, эс-ҳушимни тапганимдан бери мана шу кўсани деб қон ютаман, қон!..

Аммо шу пайт фавқулодда бир ҳол юз бердики, ҳамма қотиб қолди. Улимтиккина бўлиб шумшайиб ўтирган чол шундай чаққонлик билан сапчиб туриб, Турдикулнинг бўйнига шундай зарб билан мушт туширдик, агар гасодифан Турдикул чап бериб қолмаса, шу жойнинг ўзида тил тортмай ўлган бўларди!.. Чолнинг қўл-оёғини боглаб ётқизишганда, Турдикул чўққайиб унсиз йиғларди.

— Э, аттанг, қор бўралаган ўша қиш кечаси қўрқоқлик қилмасам, шу кўргиликлар бормиди менга?! Уша кун хотиним онасининг бетоблигини эшитиб, хабар олгани кетди, олти ойлик чақалоқни кўзим қиймай олиб қолдим. Бола йиғлай-йиғлай тинчиб, ўзим ҳам энди мизгиган эканман, ўғри мушукка ўхшаб мана шу палат кириб келди-ю, менга ҳамроҳ топиб бер, деб йиғлади, сиқтади, кўнмадим, йўқ дедим, мени тиш қўй, бўлмаса сиригини ошкор қилиб юбораман, дедим. Шунда... шунда сапчиб турди-ю, беланчакада ётган чақалоқни биғиллатиб тўпидан чангаллаб даст кўтарди, кўзимнинг олови чиқиб кетди. «Дод десанг, деразадан улоқтираман», деди. Нима деса «хўп» дедим, «ота-опанинг арвоғига қасам ич», деди, ичдим. Кўп ўтмай шаҳардан ўша Мулладўстин топиб келиб ўзингизга ялиниб-ёлво-

риб чойхонага жойлаб қўйдим, бора-бора боққа қўл урди, буёғига энди йўқ деёлмадим, шу-шу... ўғлим погирон, ҳар кўрганда қон ютаман, қон!

— Дада!— деб ҳўнграб юборди Анзор. Турдиқул ўғлига қайрилиб қарамади ҳам, йиғисига эътибор бермади ҳам, афтидан, кўнглидаги ўзининг яраси шу топда вужудини ларзага солиб тирноғигача зирқиратиб юборган эди.

— Сен,— деди бирдан Солижон ака,— апавини... кимлигини билармидинг?

— Йўқ, фақат ўша қиш кечаси билдим.

— Қаердан?

— Ўзи айтди.

— Нега?! Нега келиб-келиб сирни ўзи ошкор қилди? Турдиқул елкасини қисди.

— Ким билсин, бошқа иложи қолмаганми, ҳа айтгандай, «бари бир буни бировга ошкор қилолмайсан, унда шунча пайт яшириб, нега энди айтяпсан, деб ўзининг оёғингни кишанлаган бўласан», деб уйдан чиқиб кетди, сўнг...

— Нима?!

— Сўнг... колхознинг фарамига ўт қўйишда ҳам, Нортой аканинг ўлимида ҳам отангни айби бор, дегапида...

Турдиқул ортиқ гапиролмади. Мўминжон ака эса ҳайрат билан супада гужанак бўлиб ётган чолга қараб қўйди.

— Турдиқул!— деди бирдан Солижон ака.— Ўша мен қишлоқдан кетганимдан кейин, кейин нима бўлган, эслайсанми?

Турдиқул бош чайқади.

— Йўқ, эслашиш керак, холангнинг қизи йўқолганда, Ранса Максимовна қочганимиз деган миш-миш тарқалган эди, наҳот ёдингда бўлмаса, эсламасанг?!

Турдиқул анча жимликдан сўнг:

— Шунақа гап бўлган,— деб қўйди,— аммо қочган эмас, бир ҳафтадан кейин ўзи қишлоққа қайтиб келган.

— Нима?! Ранса Максимовнами?!

— Ҳа.

— Хўш,— деди шошиб Солижон ака,— хўш, қаёққа ғойиб бўлган экан?

— Уписини билмадим.

Шу пайт боягина чолнинг фош этилиши одамларни қанчалик ҳайратга солган бўлса, Шаҳлонинг:

— Мен биламан,— деб бирдан шошқалоқлик билан айтган гапи ҳаммани шунчалик таажжубда қолдирди. Дам Шаҳлонинг, дам Асқарнинг ўша қирда эшитганларини жимгина тинглашар экан, чол галати бир силкиниб қўйди.

— Кейин-чи?!— яна Турдиқулга деди Солижон ака,— кейин, қайтиб келгандан кейин-чи?

— Кейинми?— деди Турдиқул ҳам болаларнинг гапидан ғоят таажжубда қолиб. Турдиқулнинг тутила-тутила айтганларидан шу нарса маълум бўлди:

...Раиса Максимовна озиб-тўзиб, ранги-рўйи бир ҳолатда бўлиб тўсатдан қишлоққа кириб келганда чошгоҳ пайт эди. Кўчалар бўм-бўш, ҳамма далада, тупроқ чангитиб юрадиган қора-қура болалар ҳам кўринмас, пастга, дарё бўйига тушиб кетишган эди. У ҳеч кимга ҳам йўлиқмай, йўлда малла соч аёлнинг яна пайдо бўлиб қолганини кўриб тўхтаб қолган хотин-халажга эътибор ҳам бермай, оқсоқлана-оқсоқлана шошганча бораркан, олисдан Турдиқул кўриниб қолди. Турдиқул ўзининг калтафаҳмлиги билан бу аёлнинг қаерга боргани, ким билан гаплашгани, умуман, кунбўйи қанақа ишлар билан шуғуллаганини оқизмай-томизмай дадасига айтиб берганда, дадаси жон-жон деб қулоқ солар, Турдиқулни ҳаддан ортиқ эркалаб ҳам қўярди. Дадасининг ана шу эркалашлари ёдига тушиб, малла сочли аёлнинг орқасидан эргашди, аёл мачитга бурилди. Турдиқулнинг қизиқиши яна ортди-ю, қорама-қора бора-верди. Аёл остона ҳатлаши билан эшикнинг панасида туриб қолди. Негаки, ичкарига тумонат йиғилган, юқоридаги пешайвон ҳам, мачитнинг чорсинга саҳни ҳам бугун лик тўла одам эди. Афтидан номоз ўқилиб бўлган-у, аммо ҳали ҳеч ким тарқалган эмас. Домла почча виқор билан айвоннинг зинасидан битта-битта пастга ташаётган эди, малла сочли «алвасти» аёлни кўриб, кўзларига сира ишонмай туриб қолди, сўнг оғир-оғир нафас олиб, бирдан шайтонлаб, тисарилиб айвонга чиқиб кетди. Пойгакда, ҳали ҳам жойнамознинг устида чўккалаб ўтирган сўфининг елкасига туртилиб, думалашига оз қолди. Фақат шундагина айвондагилар ҳам, ҳовлидагилар ҳам мачитга бостириб кирган аёл кишини кўриб ҳайратда қолишди. Ҳадеганда ҳеч кимдан садо чиқмади.

— Номаҳрам!— деб қичқириб юборди эшон.— Чиқ, палакат, мачитга нега кирдинг?

Раиса Максимовна сўфининг дўқ-пўписасига парво қилмай, айвон томонга аста юрган эди, ҳовлидаги намозхонлардан бирининг кўзлари аланг-желанг бўлиб, ўзича алланарсани пичирлай-пичирлай жойнамозни дарров қўлтиғига уриб мачитдан қочиб чиқиб кетди. Бошқаси атрофни тимироскилаб тош қидира бошлади. Бу ёлғиз қизининг дардида куя-куя адоий-тамом бўлган бечора қўшчи эди! Домла базўр ўзига келиб, ўрнидан турди, шуида ҳам зинага қайта оёқ қўйган юраги дов бермай:

— Астафзурулло!— деди ёқасини ушлаб.— Арвоҳми-сан?

Раиса Максимовна, дарҳақиқат, домланинг ҳазилакам чўчимаганини, кўзлари соққасидан чиққудай олайиб кетганини кўриб хандон ташлаб кулиб юборган эди, домла қўрқа-писа орқага тисарилди.

— Нима... нестайсан?

— Сиз билан одамларнинг олдида икки оғиз гап-лашмоқчиман, деди Раиса Максимовна,— чўчиманг, бир ҳафта аввал, тундаги ишларингиз тўғрисида эмас, йўқ, чўчиманг, унга ҳали сўфи билан икковингиз жавоб берасиз. Айтинг-чи, сизни дилингиз тилингизга хиёнат қилмайди-а?

— Шундоқ!

— Унда тили бошқа-ю, дили бошқа одамни жазоси нима?

Домлага бирдан жон кириб, оғзидан кўпик сач-ратиб:

— Юзига қора суртиб, эшакка тескари миндириб, қишлоқдан бадарға қилиш! — деди. — Орқасидан тош отмоқ даркор!

— Шундайми? — деди Раиса Максимовна ва ғала-ғовур бошланганига қарамай, фавқулудда бир чаққоп-лик билан домланинг барча мухлисларини ҳайратда қолдириб, сакраб зинага чиқди, даҳшатдан орқага қалқиб кетган домлани туртиб юбориб, хонақога отилди. Домла сўфининг елкасидан ошиб думалади. Сўфи қаддини тутолмай, икки букчайганча домланинг остида қолди, одамлар то эс-ҳушларини йиғиб олгунча, Раиса Максимовна хонақодан кичкинагина қизчани даст кўтариб чиқиб, зинадан тушгани ҳам сабри чидамай айвондан сакраган эди, бирдан ҳамма чўчиб ўрнидан туриб кетди. Одамлар гуриллаб ўзини эшикка урди-ю, каттагина тошни ушлаб олган қўшчи билан Раиса Мак-

симовна бир лаҳза бир-бирларига рўбарў бўлиб қолишди. Қўшчи қўлидаги тошни тушириб юбориб:

— Гулнора!— деб жон-жаҳди билан қичқириб юборди ва қизчага отилди... Раиса Максимовна одамларни ёриб ўтиб кўчага чиқди ва шоша-пиша идорага қараб кета бошлади. Аммо идорага етиб келолмади, ярим йўлда тўсатдан ғойиб бўлди-қолди... Шу кунги ярим тунда домла почча тўсатдан қазо қилди. Тонг саҳарда Эшон ойимнинг аччиқ-аччиқ йиғисидан ҳамма жунжиб уйғониб кетди...

...— Кейин!— деди Солижон ака.— Хўш, кейинчи?

— Билмайман.

— Биласан!— деди Солижон ака,— эрта-ю кеч Раиса Максимовнанинг кетидан соядек эргашиб юрганнинг юрган эди, нега ўшанда идорага етиб келолмади?!

— Унисини билмайман,— деди довдираб Турдиқул,— унисини билмайман.

— Гулнора-чи? Хўш, ўшанда қандай қилиб мачитнинг хонақосига тушиб қолди?!

— Ўзидан сўра!

— Нима?!— деб юборди Солижон ака.— Ўзи шу ердами, қани, қаерда?

Турдиқул негадир зўрма-зўраки илжаймоқчи бўлган эди, ёноқлари туртиб чиққан юзлари ғалати буришиб кетди, бир чеккада турган Муштрага ер остидан қараб:

— Анавини онаси!— деб қўйди.

— Доктор опами?— деб юборди Мўминжон ака ва тунов кунги терак воқеасига энди тушунгандек бўлди, доктор опанинг «бирор ҳафтада шаҳарга кўчиб кетман», деган гапидан кейин чойхоначининг бирдан ўзгариб кетганини эслаб:— Ҳа,— деди,— энди ҳаммаси равшан, бир ёқда тўсатдан доктор опанинг қишлоққа кўчиб келиши, иккинчи ёқда Солижон шунча йил эсламай-эсламай бирдан Раиса Максимовнани суриштириб қишлоққа хат ёзиши, мапа буларни ташвишга солиб қўйган-у, бир йўла икковидан қутулиш пайига тушиб, чойхоначи манави чол билан аравага пичан ортиб шаҳарга тушган.

— Аммо мен,— деди Солижон ака раисанинг фикрини давом эттириб,— бир тасодиф бўлиб омон қолганман! Қизиқ, боя қўл-оёғим боғлиқ ётганимда анави чол шунча йилдан бери хаёлимда жумбоқ бўлиб келган нарсаларни нега дангал очиб ташлади?

Солижон ака Мўминжон акага боя овсар билан ора-

ларида бўлиб ўтган гапларни айтиб берганда, Мўминжон ака:

— Ўша сирларни бари бир бу ҳовлидан олиб чиқиб кетолмаслигингизга қаттиқ ишонган, бўлмаса ўлса ҳам айтмаган бўларди,— деди,— аммо режасини анави Асқар остун-устун қилиб юборган! Ким билсин, бу гал томоғигача гуноҳга ботган лақма Турдиқулнинг қўли билан бирон мудҳиш нарсани амалга оширмақчи бўлганми, бўлмаса чойхоначи нега ёш боладай алдаб-сулдаб бу ерга жўнатди, хўш?

— Ҳа, шунақага ўхшайди!— деди Солижон ака ва чолга яқин борди,— демак, ўша ғарамга ўт қўйган ҳам, кўприкининг устунини арралаб қўйган ҳам, йўлда мени уриб йиқитган одам ҳам ўзингиз!

Мўминжон ака супада ғужанак бўлиб олган чолнинг тепасига келиб энгашиди.

— Қимсиз?!

Чол индамади.

— Эртами, кечми кимлигингизни айтасиз?

Чолдан яна садо чиқмади, кўзларини юмиб олди.

— Қимсиз?!— деди Мўминжон ака,— отингиз нима?

Чол кўзларини очмаса ҳам оҳишта бош чайқаб, анчадан кейин хириллаган ингичка ёқимсиз товуш билан:

— Буниси фақат ўзимга аён!— деб қўйди.

Мўминжон ака, чакки ўжарлик қилялсиз, дегандек афсус билан бош чайқади-да:

— Йўғ-е,— деди,— хўш, нега одамларни чалғитиб, аёлларнинг кийимида яшагансиз?

— Афтидан,— деди Солижон ака,— ўша алғов-далғов кезлари, қишлоққа қочиб келишдан аввал ҳам бу одам шунақа бир жиноят қилганки, фақат аёл кийимида яшириниб яшашга мажбур бўлган. Бу нарса ўша ерсуви қўлидан кетиб, аламзада бўлиб юрганларга жуда қўл келган. Қаранг-а, тавба, янги тузилган колхоз активларидан бўлган дадамдан қутулиш, ҳам бир йўла колхозни қўпориш ниятида омборга ўт қўйган. Ўша кунни атайлаб мачитда тунаб қолган домла билан Эшонқул сўфи ҳаммадан аввал одамларга ўзлари хабар қилиб, ўтти ўчиришда ўлар-қутуларига қарамай иккови сув ҳам ташиб бериб туришган! Эшон ойнимнинг «овсар синглизиси»дан ҳеч ким шубҳаланмаган-у, шу нарса ҳаммани чалғитиб қўйиб, калаванинг учи топилмай кетган.

— Дадангизнинг фожиали ўлимидан кейин эса,— деди Мўминжон ака,— нима бўлса ҳам аёлни йўқотиш

пайнга тушиб, Гулнорани яшириб, буни жоҳил қўшчининг қўли билан амалга оширмоқчи бўлишган...

— Аммо, — деди Солижон ака, — Раиса Максимовна қўшчи отган болгани ердан олиб «шу билан дардингиз енгиллашса, мен рози» деб дангал қўшчининг оёғи остига болгани ташлаганда, қўшчи аёлнинг мардлиги олдида довдираб қолиб, ҳеч бало қилолмаган. Кейин, кейин кечаси аёлнинг хужрасига бостириб кириб, оёқ-қўлини боғлаб, дарёга чўктирмоқчи бўлишган. Анавилар қўрқоқлик қилиб аёлни ўлдириб қопга солишдан чўчиган-у, тириклайини чўктирмоқчи бўлишган. Аммо Қобил бобо туфайли Раиса Максимовна омон қолиб, тўсатдан қишлоққа қайтиб келган, ҳеч қаёққа бормай, ҳеч кимга ҳам учрамай қизчани қутқариб қолмиш мақсадида хавфхатарга ҳам қарамай тўппа-тўғри мачитга югурган, қизчани хонақодалигини эса домла билан сўфининг йўлдаги гап-сўзидан тасодифан эшитиб қолган.

— Ҳа, балли, — деди Мўминжон ака, — бир-биридан хунук воқеалар-а! Аёлнинг мачитдан чиқа солиб тўппа-тўғри идорага йўл олганини кўриб, домла ҳам, сўфи ҳам, бир чеккада кузатиб турган манави чол ҳам жон талвасасида типирчилаб қолган. Негаки, аёл идорага етиб борса, сирлари фош бўлиши аниқ эди!

— Рост, — деб юборди Солижон ака ва Турдиқулга қаради, — сен, Раиса Максимовнани идорага кетаётганида орқасида пойлагаганисан?

— Йўқ, йўқ, — деди Турдиқул оёқ-қўли бўшашиб, — йўқ, мен дадам уришиб-уришиб уйга жўнатган.

Солижон ака унинг қўрқувдан алаң-жалаң бўлиб турган кўзларига синовчан қараб қўйди.

— Бу гапга ишонса бўлади, — деди Мўминжон ака, — болани ортиқча кераги бўлмаган-у, ё Эшон ойимнинг ё лақмароқ биронта аёлнинг кўмаги билан бечора сододил аёлни ярим йўлда алдаб-сулдаб тўппа-тўғри...

Мўминжон ака атайлаб гапдан тўхтаб чолга ўгирилди, чолнинг кўзлари чарақлаб очилиб, совуқ йилтираб кетди!

— Мана бу ҳовлига олиб киришган! — дейиши билан чол биров товонига игна санчиб олгандек бирдан сесканиб типирчилай бошлади, ҳамма алланечук бўлиб қолди, ҳадеганда ҳеч кимдан садо чиқмади.

— Домлани ўша кечаси, «тўсатдан» қазо қилиши ҳам тасодифий нарса эмас, — деди Солижон ака, у аввало домла қўрқоқлик қилиб аёлни тириклайини қопга

солгашининг жазосини тортган, қолаверса, унинг ўлими яна ҳаммани чалғитиш учун мана бу одамга жуда-жуда керак бўлган. Зотан, Гулнора топилгач, домла ўйиндан чиқиши керак эди.

— Қизиқ,— деди Мўминжон ака,— нега бу одам аёлдан шу қадар чўчиган?

— Ҳатто шунча йил ўтиб ҳам, эслаган одамларнинг ёстиғини қуритмоқчи бўлган, хўш, нега?— деб юборди Солижон ака.

— Демак,— деди Мўминжон ака,— ўша қишлоққа қочиб келишдан аввал ҳам бу одам Раиса Максимовнани билган, Раиса Максимовна бу одамнинг қандайдир даҳшатли жиноятининг шоҳиди бўлган, ҳа, ҳа!

— Демак,— деди Солижон ака ҳам,— бу одам аёл кийимида бўлганига Раиса Максимовна танимаган-у, бу одам...

— Ҳа, балли,— деди Мўминжон ака ва бирдан ҳаяжон билан Солижон акага ўғирилди,— нима?! Раиса Максимовна дедингизми? Демак ўша аёлнинг отасининг оти Максим, шундайми?

— Ҳа.

— Наҳотки!— қичқриб юбораёзди Мўминжон ака бирдан ва чолнинг елкасидан силкиб зўрлаб ўришдан турғазди,— сиз... сиз... сиз, отингиз Муродилла эмасми?!

Мўминжон ака шафтоли қоқидай қуришган башараси борган сари ўлимтик тус олаётган чолдан кўз узмай, устаси Максим аканинг хотини Мария холадан эшитганларини ҳаяжон билан ҳикоя қилар экан, чолнинг бояги вазоҳати буткул ўзгариб кетди. Бирдан худди биров қитиғига теккандай ўзини сира туюлмади хириллаган товуш билан телбаланиб кула бошладди.

— Ё тавба!— деб юборди қулоқларига ҳам ишонмай чол,— фақат ўзимга аён бўлган бу сирларни қаёқдан билдинг, қаёқдан?!

Х О Т И М А

Солижон ака билан Гулнора опанинг учрашганларидаги ҳаяжонларини-ю, тонг отар ўша, энди сира-сира қайтиб келмас болалик чоғларини тўлиб-тошиб, қайта-қайта эслаганликларини батафсил айтиб ўтиш ортқича бўлса керак. Болалар эса олдиларидан жилмай, бўлаётган ажойиб-ғаройиб гап-сўзларга маҳлиё бўлиб ўтиришарди. Мунира ойисидан кўз узмасди. Нега ейи-

нинг ҳаётида шушча воқеалар бўлган экан-у, унга сира айтиб бермаганлар, қизиқ... Солижон ака бир нарсага тушунмай:

— Гулнора!— деди.— Қишлоққа келганингда Турдиқулни кўрганидинг?

— Кўргандим, кўргандим,— деди жилмайиб Гулнора опа,— бир куни йўлда тўхтатиб, ўтган гап-сўзларни чулғаб юрма, деб кап-катта одам йиғлади. Мен ҳам ке, ўзи-ку адойи-тамом бўлиб қопти, ўтган ишга саловат, деб қўя қолгандим.

— Ушанда, ўшанда,— деди Солижон ака,— мачитнинг хонақосига сени ким қамаб қўйган?

— Ҳеч ким.

— Нима?!

— Мачитга... ўзим борганман.

— Ўзинг?!

— Ҳа, сенга эргашиб борганман,— деди Солижон акани ҳайратда қолдириб Гулнора опа,— ўша куни эрта билан жилдимни қўлтиқлаб кўчага чиқсам, сен кўчанинг бошидан ҳўнграб ўтиб қолдинг, ҳайрон бўлиб орқамдан боравердим, кейин қарасам, мачитга кириб кетдинг.

— Йўқ, мачитга эмас,— деди Солижон ака ҳам ўша воқеани хотирлаб,— мачитнинг ёнидаги жин кўчада ладамнинг ёлғиз холаси турарди, уларнинг кечаси ўлиб қолганини эшитиб, йиғлаб кетаётган эдим, хўш, кейинчи?

— Билмадим, хуллас, сени мачитга кириб кетдинг деб ўйладим-у, кўрқа-писа ичкарига кирсам, ҳеч ким йўқ, айвоннинг бурчагида домла почча жойшамоз устида тасбеҳ ўгириб ўтирган экан, имлаб олдига чақирди, нега бу ерга келганимни суриштирди. Кейин, «Нортонинг ўғлини қидириб келган бўлсанг, анави ерга кириб кетди», деб хонақоснинг эшигини кўрсатди. Мен ҳам домланинг ганига лаққа тушдим. Эшикни очиб, ичкарига киришимни биламан, орқамдан эшик қарсиллаб ёпилиб қолди!

— Дод демадингми?!

— Дод дедим ҳам, қарсиллатиб урдим ҳам ҳеч ким очмади, ниҳоят йиғлай-йиғлай ухлаб қолдим. Кечқурун домла келиб: «Анави одам қовмидаги шайтонни гапига кириб ота-онагни гуноҳкор қилдинг, болам, энди қирқ кечаю кундуз ота-онагни охиратини тилаб илтижэ қил», деб гашира бошлаган эди, ўтакам ёрилиб яна дод

деб қочиб чиқиб кетмоқчи эдим, оғзимга латта тиқиб, оёқ-қўлимни боғлаб қўйди...

— Ойи!— Муниранинг кўзларига ғилт-ғилт ёш келди, Гулнора опа қизини бағрига босиб:

— Қўрқма қизим, ҳаммаси тушдай ўтди-кетди,— деб қўйди.

— Хўш, кейин-чи?— деди Солижон ака.

— Қоп-қоронғи зах хонақода ётавериб, бора-бора ҳам очлик, ҳам йиғидан ҳолдан тойиб, дармонсизликдан охирги кунлари ўрнимдан туролмайдиган бўлиб қолдим. Домла: «Илтижо қил, болам, илтижо қил, она-отангнинг охирати куймасин», деб ҳар кирганда насиҳат қилишни қўймасди... Агар Ранса Максимовна бўлмаса...

— Ажойиб аёл эди!— деди Солижон ака,— кейин-чи.

— Кейин, домла поччанинг ўлимидан кейин дадам бизларни олиб шаҳардаги қариндошимизникига кўчириб кетди... қара, Солижон, ўша биз билган қишлоқ қолган эмас-а.

— Ҳа!— деди ҳаяжон билан Солижон ака ҳам уч-тўрт кун ичида ҳаммаёқни айланиб, қишлоқни буткул танимай қолганди. Болалиги ўтган эгри-бугри кўчалардан, паст-баланд пахса уйлардан ному нишон қолмаганди. Уша дарё бўйидаги тепалик ҳам қор-ёмғирларда нурайвериб кичкинагина дўмбоқчага айланиб қолибди. Ажриқзор, ташландиқ жойлар ҳам боғ-роғ бўлиб, қишлоқнинг кўркига ҳусн қўшиб, яшнаб турибди. Мўминжон ака ўша Турдиқул билан анави чолни олиб кетишлари биланоқ эски уйни текислаб ташламоқчи бўлди-ю, эmmo ўйлаб қолди; аввал ўша, табаррук аёлнинг табаррук ҳоқини топиб, қишлоқнинг энг кўркам жойига дафн этмоқ керак, чунки шу кунларимизга етиб келолмаган ўша азиз одамнинг ҳам ҳаққи бор бўйнимизда, сўнг кўркам қишлоқнинг юзида ҳуснбузар бўлиб турган бу чордеворни бирпасда сулуриб ташлаш ҳеч гапмас!

Солижон ака билан Гулнора опа бир кун барвақт қурилишга келишди. Ҳар иккови эсдалик учун бир қатор ништин уста Аширнинг назоратида териб, пастга тушганда Мўминжон келиб қолди.

— Оббо уста-ей!— деди кула-кула.— Шуларни ҳам ишга солибсан-а!

— Э, сабр қил, деди уста Ашир,— ҳали сени навбатинг турибди!

Болалар кеча ранс билан устанинг орасида қизик гап

бўлиб ўтганидан хабарлари бор эди, қизиқиш билан зимдан раис бувага қарашаркан, Мўминжон ака болаларнинг орасида турган Асқарга кўзи тушиб, имлаб чақирди. Асқар тўдадан ажраб, унга яқин келган эди, меҳр билан оҳиста елкасидан қучиб:

— Жуманқулнинг кепжасасан-а?— деди.

— Ҳа.

— Баракалла,— деб қўйди раис.

Бу мақтов Асқарга мойдек ёқиб кетиб, оғзининг таноби қочиб илжайди-ю, яна аввалгидай ҳеч нарсадан тап тортмай:

— Раис бува,— деди.

— Ҳа, ўғлим?

— Бизга ишонасиз-а?

— Ишонаман, ўғлим, ишонаман.

Мўминжон ака жилмайиб устага маънодор қараб қўйди. Орадаги гап-сўз ҳаммага, шу жумладан Гулнора опа билан Солижон акага ҳам тушунарли эди, кеча идорада уста билан анча-мушча тортншув бўлган эди. Устанинг ўжарлиги тутиб, агар айтганларимга кўнмасанг шаҳарга кўчиб кетаман, дегани таъсир қилдими, ҳар қалай Мўминжон ака устанинг шартларига кўнгандай бўлди; модомки болалар ёз бўйи меҳнат қилиб, иморатнинг гиштини ўз қўллари билан теришиптими, майли, қолгани ҳам ўзларига ҳавола! Уста бир йил муддат билан мактаб ихтиёрига ўтади, пол, ром, эшик, қўйингки, қолган пардоз-андоз ишларини ҳам меҳнат дарсида бажаришади, боя, Асқарнинг «бизга ишонасиз-а» деган гапи ана шунга ишора эди!

...Солижон ака билан Шаҳло жўнаб кетди. Ҳаммалари кузатиб қолишди, Тўтихон опа жиндаккина кўзёши ҳам тўкиб олди. Равшан эса негадир қизариб-бўзариб «агар мендан ўтган бўлса», деб гап бошлаши билан Шаҳло гўё ҳеч нарса бўлмагандек:

— Янаги йилга ё сен бор, ё мен келай,— деган эди, Равшан ҳовлиқиб:

— Йўқ, йўқ, ўзинг кела қол,— деди, бу гап бир чеккада хомушгина турган Асқарга ҳам жуда-жуда ёқиб кетди!

— Майли,— деди Шаҳло гўё бу гапни Равшанга эмас, атайлаб Асқарга эшиттириб айтгандай. Машина жилиши билан Асқар бир нарсани унутганини эслаб, машинанинг орқасидан югурмоқчи, кафтларини оғзинга қарнай қилиб:

— Хат ёз, Шахло!— деб қичқирмоқчи бўлди. Аммо қичқиргани билан эссиз, машина аллақачон узоқлашиб кетди. Шахло эшитолмайди-ку. Аттанг, нега шуни боя айта қолмади-я, майли, келаси йил келаман деди-ку, бир йил нима деган гап, ҳа-ҳу деб ўтади-кетади. Нима, нима, бир йил-а?!

Орадан бир ҳафта ўтгач, Муниралар ҳам колхознинг машинасига кўч-кўронларини ортиб кўчиб кетишди. Равшаннинг назарида Мунира аввалги Мунира эмас эди, йўқ, йўқ, ораларида бирор қаттиқ-қурум гап ўтмаган бўлса ҳам, муносабатларида нимадир йўқолгандай эди. Қизиқ, ўша «нимани» сўз билан қандай ифодалаб бўларкин-а?

...Машина семон кўприкдан ўтиб, катта йўлга бурилиши билан Мунира бирдан машинани тўхтатди. Боядан бери аллақандай китобни бағрига босганча алланечук бўлиб бораётган эди, сакраб пастга тушди, орқасига қайтиб, кўприкнинг ўртасига келди-да, суяничига энгашиб, мавжланиб оқаётган сувга бирпас қараб турди. Сўнг китобнинг ичидаги ўша бир жуфт лолақизғалдоқни авайлаб олди-да, оҳиста сувга ташлаб юборди. Уйноқи тўлқинлар бир зумда олис-олисларга суриб кетганини кўриб хўрсиниб қўйди ва бўшашибгина орқасига қайтди...

Равшаннинг назарида ҳаммаёқ негадир бирдан ҳувиллаб қолгандай, ўзини қўярга жой тополмай қолди. Қизиқ, нега бунақа бўляпти, нега? Тепа устида оёқларини қучганча чўққайиб олиб, бу ердан сира-сира кетгиси келмаяпти; майли, Мунира қаерда бўлса ҳам майли, шу тепани, ўшанда юраклари негадир арғимчоқ учгандек ғалати шувиллаганини, уй-уйларига қайтиб келишганда, мовий осмондаги сон-саноксиз юлдузларнинг орасидан биттаси оппоқ из қолдириб, кўз қамаштириб учганини бирор марта бўлса ҳам эслармикин-а?



БУРГУТ ОЛИБ ҚОЧГАН БОЛА

Биринчи қисса

«ЭСКИ ДУТОРНИНГ СИРЛАРИ»

Биринчи боб

Оппоқ чўққилари ҳавога ханжардек санчилган тоғ этакларида бир қора нуқта кўринди. У борган сари катталаниб, кенг ёйган қанотлари билан қуёшни бир зум тўсгандай бўлди. Бу бургут эди. Бургутнинг беқарор сояси офтобрўялар, ўнгирлардаги арчазорлар, лалми узумзору буғдойзорлар, тўлғаниб оқаётган азим сой, кафтдек текис далалар устидан алламаҳалгача судралиб ўтди. Бу жойларнинг ҳаммаси бургутга таниш ва қадрдон. Қизик, уни бугун осмонга қандай куч кўтарди. экаи?! Овқат ташвишимни, алланималарни қўмсашимни, шу топда у нималарни эсларкин?! Полапонлигинимни? Ё селда темир қанотлари қайрилиб қишлоққа оқиб келганинимни? Қим билсин, буларнинг биронтасини эсламас, аллақачон ёдидан ўчиб кетгандир. Аммо ўшанда, қишлоқни сел олишдан икки кун аввал тоғ-тошларда шунақа бўрон турганки, ёши бир жойга бориб қолган кексалар бунақа офатни на кўришган ва на эшитишган эди. Оппоқ тизма тоғларни, қиялама арчазорларни,

тошдан-тошга сапчиб оқаётган шўх прмоқларни, қир-адирдаги кўм-кўк майсаларни мўл-кўл нурга чулғаб, оламни яшнатиб, яшартириб турган офтоб бирдан хиралашди. Бир зумда чўяндек оғир қора булут босиб келиб, шамол турди. Аммо бу одатдаги тоғ шамолларига сира ўхшамасди, тикандек санчадиган, этни жулжитувчи заҳарли, совуқ шамол эди. У борган сари кучаярди. Дам ўнгирларга ўзини уриб, хушук увиллар, дам бургут бола очган қояга жон-жаҳди билан ёпишарди. Қоятошлар орасидан ўсиб чиққан бақувват арча шохини синдириб пастга улоқтириб юборди. Бу ҳамма нарсани, ҳаммаёқни ағдар-тўнтар қилмагунча шахдидан тушмайдиган ёвуз бўроннинг бошланиши эди! Ўлжа излаб кетган она бургутдан ҳадеганда дарак бўлмади. Кечгача ҳам, эртасига ҳам! Қим билсин, қайтиб келолмай олисларда изғиб юрибдимми ё тоғ бағридаги сийрак арчаларнинг илдизи билан қўпориб ташлаган бўрон уни ҳам азамат қанотларини қайириб, ханжардек ўткир қоятошларга уриб чилпарчин қилдимми? Ҳар қалай жуда очиққан болаларидан бири нимжон оёқларини қалтиратиб, қўрқа-писа панадан чиқди. Чиқди-ю, ҳайратда қолди; вожаб, онаси овга жўнаш олдида ё ўлжа билан қайтганда қоядаги арчанинг қуриган катта шохига қўниб ўтгувчи эди, ўша шох таг-туғи билан йўқ! Бу нарса уни буткул довдиратиб қўйди. Шу пайт катта-кичик ҳарсангтошларни бир-бирига уриб, писта пўчоғидай пастга юмалатаётган аллақандай ёвуз нарса қояда чўлтоқ супурғига ўхшаб қолган арчанинг қоқ белидан қарсиллатиб синдириб юборди. Полапон бургут жон аччиғида ўзини орқага ташлади. Аммо улгурмади. Нимадир бўйнидан маҳкам чангаллаб, бир зарб билан пастга пирпирак қилиб учириб юборди. Йўлда учраган жами нарсани: катта-кичик тошларнию тунда қарсиллаб синган арчаларни чўн-хасдек судраб пастга — қишлоққа бос-тириб тушаётган сел уни ҳам олиб кетди. Кейин... кейин ўзини бир умр танимаган, билмаган одам боласининг қўлида кўрди, у сув тутди, нон берди, овқат қўйди, анчагача тепасида чўққайиб ўтирди. Аммо полапон ҳамон дағ-дағ титраб, уйининг қоронғи бурчагидан чиқишга журъат этолмасди. Уни қоядан юлқиб, улоқтириб юборган ўша ёвуз нарса, негадир, мана шу одам боласининг қўллари бўлиб туюлаверди. У ана шу қўллардан қанча чўчиса, қанча даҳшатга тушса, бу қўллар

уни шунча авайлаб, шунча ардоқлаб эркаларди. Селда тошга тегиб синган қанотларини силаб-сийпаларди. Бу эса бора-бора унга масъуд кунларни, онасининг бағрида яшаган беозор дамларни эслата бошлади. Қандай кунлар эди-я; ўлжа билан қайтганда онаси узоқ ва машаққатли парвоздан толиққан қанотларига ором бериб, кечгача қоядан жилмас эди. Унинг бағрида полапон яйраб, шунақа ширин мудрардики... кунлар, ойлар, йиллар ўтиши билан одам боласининг силаб-сийпалашлари онасининг ана шу илиқ-иссиқ қанотларини эслатадиган бўлиб қолди. Бора-бора бу қўлларга ўзи ҳам эҳтиёж: кўрқув аралаш ғалати бир нитилиш сеза бошлади... Эгаси... яхши эди. Кўп раҳмдил, кўп меҳрибон йиғитча эди. Баъзи-баъзида «ке, бир шамоллатиб келай», деб уни тоққа олиб борарди. Бургут эса қорли чўққиларга яқин қолганда, шитоб билан осмонга кўтариларди. Оғир-оғир қанот силкиб, таниш ва қадрдон қояларнинг атрофидан сира кетолмасди. Узоқ-узоқ учарди. Эгаси эса қоянинг биқинидан туртиб чиққан катта ясси тошга чўққайиб оларди-да, ундан сира кўз узмасди. Бу ердан: туянинг ўркачига ўхшаш паст-баланд қир-адирларда ўтлаб юрган сурув-сурув қўй-қўзилару сой бўйидаги сўлим қишлоқ, ҳамма нарса, ҳаммаёқ кафтдек кўринарди. Аммо шу топда эгасининг кўзига мовий кенгликларда сокин сузиб юрган бургутдан бўлак ҳеч нарса кўринмасди. Бургутнинг ҳар қанот қоқиши унга қўл силкитгандек бўлиб туюларди. Ҳар қанот силкишидан келган шабада юз-кўзларига урилгандай ҳузур қилиб жилмаярди. Йўқ, бургут эмас, осмону фалакда ўзи участкандек, ўша бепоён бўшлиқларда ўзи қанот қоқиб юргандек энтикарди.

...Эгаси улғайди, фарзанд кўрди. Авваллари ҳовли кунбўйи бўм-бўш қолар эди. Бундай кунларда бургутнинг ҳовлида қолгиси келмай, боши оққан томонларга тентираб кетаверарди. Ёш боланинг шўх қийқирини бирдан ҳаммаёқни тўлдириб юборди-ю, унинг ҳаётида сабабини ўзи ҳам билмайдиган ғалати ўзгаринлар содир бўлди. Энди у узоқларга йўқолиб кетмас эди. Тоғ этакларида бир оз сайр қиларди-да, далалардаги одамлар орасида эгасини кўриб қолса, тепасида бир айланарди-ю, дарров орқага қайтарди. Қанотларини оғир-оғир силкиб, ошхонанинг лой томига келиб қўнганда, унинг шамолига ҳовлида юрган қизалоқ бирам энтикиб қийқирардики! Сўнг томнинг лабида ўтириб уни узоқ

кузатарди. Қизалоқ сира тиниб-тинчимас эди. Елиб-югуриб ўйнар, кейин ҳовлининг ярмига қуюқ соя ташлаган азамат тутнинг остидаги чорпояда иш тикиб ўтирган онасининг тиззаларига бош қўйиб, узоқ ётарди. Онаси унга алланарсаларни сўзларди. Қизалоқ унинг гапларига жимгина қулоқ сола-сола кўзлари юмлиб бораётганини пайқамай қоларди. Бургут эса она-бола муносабатини томоша қилишдан сира зерикмасди: ким билсин ёввойи болалиги-ю, онасининг қанотлари остида ширин-ширин мудраган ўша лаззатли дамларни ёдига солармиди бу манзара!?

Бир куни қизиқ бўлди. (Қизалоқ нарвондан ошхонанинг томига бемалол тушиб-чиқадиган бўлиб қолган эди.) Ҳар кундагидек жойига келиб қўниши билан, қизча ҳовлиқиб томга чиқди-да, бургутга кафтида нон тутди, қуш ҳуркиб бир оз нари сурилди. Аммо, нафс нафс-да, у ёнверига аланг-жаланг қараб ўлжани чўқиб олди. Қичкина юмшоқ кафтига бургутнинг найзадай ўткир тумшуги қаттиқ ботди шекилли, қизалоқ жон аччиғида қичқириб юборди. Шу-шу қизалоқ унга яқин йўламай қўйди. Аммо, бу кўпга чўзилмади. Баҳор кунлари эди. Эгаси бир елкасига қизчасини ўтқизиб, бошқасига бургутни қўндириб, ўша таниш қоянинг биқинидаги катта ясси тошнинг устига олиб чиқди. Бургут бирдан талпиниб осмонга кўтарилди. Унинг мовий бўшлиқларда салобатли парвозини кўриб қизчанинг шунақа завқи келдики... аввалги ҳадиксирашлар буткул йўқолди. Эҳ, қандай осуда дамлар эди-я. Эсиз, умри қисқа экан. Бир марта эгаси билан тоғдан қайтишарди. Осмонни сийрак булутлар қоплаган, битта-иккита ёмғир томчилаб, совуқ шамол эсарди. Аммо, шунга қарамай эгасининг руҳи тетик, кайфияти жойида эди. У ов милтиғини елкасида силкитганча тошдан-тошга енгилгина сакраб, аллақандай қўшиқни хиргойи қилиб келарди. У бесаранжом бўлиб бир лаҳза тўхтаб қолди-да, атрофга аланглади. Арчалар тоғ шамолида ерга бош қўйғудай бўлиб силкинар, унинг қулоқни қоматга келтирган шовқинидан жилғаларнинг шилдираши эшитилмасди. Табиатнинг бу машмашасига фақат қоя учида тизилиб олган қузғунлар галасигина лоқайд эди. Улар чақчайган, оч, шафқатсиз кўзлари билан олис-олисларга тикилиб, ўлжа излашарди.

Бургут қоядан анча пастда учиб юрганда чўққидаги қузғунлардан бири ҳавога кўтарилди-ю, тоғнинг нариги

томонидаги ясси қирга қараб ўқдай уча кетди. Уқнинг гумбурлаган овозидан бургут чўчиб ўгирилди. Эгаси томонга бурилганда қоядаги бир гала қузғунлар тўсатдан пастга, эгасининг устига қуюндай ёпирилиб туша бошлади. Эгаси орқага қалқиб, милтиғини пастга тушириб юборди... У жон-жаҳди билан эгаси томон уча бошлади, аттанг, улгуролмади, йўқ, кечикди. Шундай бўлса ҳам тоғ-тошларни тешиб юборгудек даҳшат билан қичқирди-ю, қузғунларга ташланди.

Ушанда бир кўздан ажраб, эгасини тоғу тошларда қолдириб аранг учиб келди. Шу-шу ўша қадрдон одамни яна бир кўриш, унинг меҳрибон қўлларининг яна бир бор силаб-сийпалаб эркалашлари насиб қилмади унга. Эсиз, кейин... ўшани деб, ўшани қўмсаб, ўзини тоғ-тошларга урди, қидирди, излади ва ниҳоят кўпириб тошган тоғ шалолалари ҳам бора-бора ҳовридан тушиб, сокин жилгага айлангандек, йиллар ўтиши билан тақдир деган нарсага тан беришдан бўлак иложи қолмади. Аммо шунда ҳам, ёпирай, ҳар гал қишлоқ тепасидан учганда пастдан кўз олмасди: ўша, ўша қадрдон одамнинг қораси кўриниб қолармикан?.. Қушларда вафо йўқ, деб ким айта олади? Бўлмаса диққинафас бўлган кезлари шу қишлоқни, шу одамларни, қишлоқ ўртасидаги чинорни ташлаб боши оққан томонларга, ҳув ўша, оппоқ қорларга чўлғаниб кўз қамаштириб турган чўққиларга, уруғ-аймоқлари олдига учиб кетишга неча бор жазм қилди. Аммо кетолмади, йўқ кетолмади. Уша тоғ чўққиларига яқин қолганда орқасидан энди қизалоқнинг қадрдон товуши эшитилаётгандек бўлаверди!

...Олислаб кетган бургут қанотларини оғир-оғир силкиб, яна қишлоқ тепасида пайдо бўлди. Сададек савлат тўкиб турган азамат чинор, қишлоқ чеккасида таранг тортилган икки қатим ипдек элас-элас кўзга ташланган темир йўл, ола-була ҳар хил мойга бўялган тунука томли паст-баланд уйлар жазирама офтобда илон изи йўлдан чайқала-чайқала ўрмалаб келаётган, тепаси брезент билан ёпилган машина устидан бургутнинг баҳайбат кўланкаси судралиб ўтди!

Машинада ўтирган бола шошиб кабинадан бош чиқарди.

— Вой, дада,— деди ҳовлиқиб,— қаранг!

Дадаси, қотма, қорачадан келган ўрта яшар киши ўсиқ қалин қошлари остидан бола ишора қилган ёққа—

уфқ гардишида сузиб бораётган бургутга лоқайд бир қараб қўйди.

— Ҳм... бу жойларда кўп бўлади.

Дадасининг беҳафсала айтган гапидан кўра, ажаб-товур одамни ҳавасини кўзгаб, осмону фалакда сузиб юрган қушга бунчалик лоқайдлиги болага ғалати таъсир қилди-да, бир лаҳза жим қолди. У ҳайвонот боғида бу қушни кўп марта томоша қилган. Уни йиртқич табиати-ю, кимсасиз, узоқ-узоқ чўлларда, тоғу тошларда ҳаёт кечиршини ҳам яхши биларди. Аммо баҳайбат қанотларини кенг ёйиб, бепоён мовий бўшлиқларда, тоғ чўққиларининг теварагида бу қадар сокни, бу қадар виқор ва салобат билан учинини биринчи бор кўриши эди. Бола дадасининг ҳам ўзи каби завқланишини кутган эди. Аммо дадаси боланинг қувончига жилла рўйхуш бермади. Бургутга қайта қарамади ҳам, бу ҳақда қайтиб бошқа оғиз очмади ҳам. Боланинг кайфияти ўзгарди. Хўрсиниб қўйди. Ҳозиргина қувончдан чақнаб турган кўзлари маънос жавдиради. Ойиси, ойнажонни уни доим «бургутим», деб суюб эркалар эди. Ойисининг гаплари мойдай ёқиб, бургут деганда унинг хаёлига чиройли, бежирим қуш келарди... Аммо бир кунни (ўшанда кичкина бола экан-да) ҳайвонот боғидаги катта қафасда, тоғ манзарасини эслатиш учун атай уюлган харсанг-тошларнинг устида шумшайиб ўтирган турки совуқ махлуқни кўриб хафсаласи пир бўлиб кетган эди. У расмларда кўрган ё ойиси таъриф-тавсиф қилган ўша чиройли қушга сира-сира ўхшамасди. Уни хунук, чақчайган кўзларини, патлари тушиб, илоннинг танасига ўхшаб қуп-қуруқ терига айланиб қолган узун ёқимсиз бўйинини кўриб, этлари жимирлаб уйга келган эди.

— Ҳа, нима бўлди бургутим?

— Э!— деди бола қовоқ-тумшуғи осилиб,— мени унақа деб чақирманг!

— Вой, нега ундай дейсан, болам?

— Ўзингиз ўша нарсани бориб кўрганмисиз-а?

Ойиси нега уни авзойи бузилиб қайтганини пайқаб шунақа шўх, шунақа завқ билан кулган эдики, вой тавба, унинг кулгуси ҳали ҳам қулоғининг остида эшитилиб тургандай-я!

— Оҳ, болагинам, кўрганман,— деди ойиси,— сен у қушни на довулларни-ю, на бўронларни писанд қилмай тоғ чўққиларидан ҳам баландда мағрур учганини бир кўрсанг эди, мен биттасини билардим...

Ойиси ўша бургут ҳақида мароқ билан сўзлаганида боланинг хаёлига бора-бора яна аввалги чиройли қуш келарди. Ойиси ҳар йили: «Ёз келса, қишлоққа олиб борай, сен уни қанақалигини ўшанда кўрасан»,— дерди-ю, аммо ҳар ёз бахтга қарши лоп этиб бир баҳона чиқарди. Дадаси уёқ-буёққа кетиб қоларди ё ойисининг дам олиши ёзга тўғри келмасди. Аммо шундай бўлса ҳам, ойиси сира умидини узмасди. Узундан-узоқ, диққи-нафас қиш оқшомлари кўнгли дилгир бўлганда шприш бир нарсани қўмсагандай «ёз келсин...» деб гап бошлашни қўймасди. Она-болага қишлоққа келиш-у, бургутнинг ҳеч нарсдан чўчимамай, ҳеч нарсага парво қилмай, чўққилардан ҳам баладда мағрур парвоз этишини томоша қилиш, эсинз, насиб қилмаган экан...

Бола хўрсиниб, кўзларини юмди. Қани, шу топда анавинга айланса, айланса-ю, чўққилардан ҳам балад жойдан туриб, пастга қараса, ҳаммаёқни, ҳамма нарсани кўрса, ҳатто ойисини ҳам, ҳа, ойисини ҳам! Ойиси ўшандагидек шўх, ўшандагидек завқ билан кула-кула қўлларини силкиб:

— Оҳ, сенга айтган эдим, болам, бу қуш бошқача бўлади!— демасди. Она-бола бургут ҳақидаги гап-сўзларига мулойим кулимсираб жимгина қулоқ солиб ўтирадиган дадаси ҳам... нима, нима дадаси ҳам... бола алаиглаб ёнига, боядан бери миқ этмай келаётган дадасига қаради, хайрият, дадаси хаёлга чўмиб кетибди. Дадаси кўнглини бузгиси келмай, бургутдан уни чалғитмоқчи бўлиб, боягидек бепарво жавоб қилганигами, ким билсин, бола ҳушёр тортиб, яна ер остидан ёнига икки-уч қараб олди. Дадасини шу ярим йил мобайнида оқ оралаган чакка сочларига, юзларидаги қават-қават ажинларга, киртайган кўзларига қараб алланечук бўлиб кетди.

Аммо дадаси бепарво кўрнса ҳам яна шитоб билан шу томонга сузиб келаётган бургутни ўглига сездирмай ички бир ҳаяжон, аллақандай бир дард билан кузатар эди: бу қуш шу топда боланинг хаёлига онасини солиб қўймаса эди!

Шу ёққа оёғи тортмаган эди-я. Бўлмаса манзилга етмай манави лоп этиб учрайдимни боланинг кўнглини вайрон қилай дейдим. Узи-ку, қишлоққа келиш етти ухлаб тушига кирмаган эди. Шу қишлоқ мактабининг Мирҳалим ака деган плимий мудри бор: ёши бир жойга бориб қолганига қарамай, тетик, юриш-туриши чаққон

одам. Эгнида каламинка шим, қордай оппоқ дастрўмолнинг учи кўкрак чўнтакдан хиёл кўриниб турган китель, оёғида мудом гард қўнмайдиган туфлиси-ю, сира қўлдан тушмайдиган садаф бандли калта қаҳрабо ҳассасигача бирон нуқсон кўрмайсиз. Бир маҳаллар, уруш йиллари хотини болалигида шу қишлоқда бир оз яшаган ва шу одамнинг қўлида ўқиган экан. Шу туфайли Мирҳалим ака шаҳарга келса собиқ талабасининг уйига тушар эди. Ўхшатмасдан учратмас экан, эр-хотин отаонадан ёш қолишган, яна бунинг устига бирор яқин кишилари бўлмай, киройи шунақа бамаъни, шунақа ширинсўз одамга муҳтож эдиларки, Мирҳалим аканинг ҳар келиши уларга бамисоли байрам эди. Шу одам ҳам: «Мулла Ҳикматилла, хўп денг, чироғим, бирор икки йил қишлоққа боринг, дарс олиб берай, ўғилчангиз ҳам овунади, ўзингиз ҳам ҳоврингиздан тушасиз»,—деб қўймади. Қараса, ўғли ҳам озиб-тўзиб, кўзлари киртайиб, бир ҳол бўлиб қолибди. Уйда ёлғиз қолса опасини қўмсайди, юраги эзилади. Бир воқеа иккилашиб юришга чек қўйди. Мирҳалим ака яна бир шаҳарга тушганда, янги юк машина ундириб, уни қишлоққа олиб борадиган одам тополмай, тоза ночор аҳволда қолди. Шунда Ҳикматилла аканинг машина ҳайдашга унча-мунча ўқуви борлигини билиб, «пайсалга солманг, чироғим, тайёр машина бўлса, керакли нарсангизни ортингу орқамдан жўнанг, сиз боргунча мен жой ҳозирлаб қўяй, деб елиб-югуриб кечгача хат-хутини тўғрилади. Машинани Ҳикматилла акага топшириб, ўзи тунги поездда қишлоққа жўнаб кетди. Эртасига телефонда қишлоққа етиб келиб қаерга боришини тушунтирди ва яна: «Иним, айнаб юрманг», деб қистади. Ҳикматилла ака юк машинага кўч-кўронини ортиб йўлга чиқди... Ҳикматилла аканинг хаёли бўлиниб, ўғлига юзланди:

— Муроджон!

— Нима, дада?

— Қара, юқорига қара, ўғлим.

Йўлга қучоққа сиғмас азамат чипорларнинг шоҳлари чирмашиб, тангадай офтоб туширмас, пастдан қараган одамга бу йўл баҳайбат ишқомни эслатарди. Анча-мунча юргандан кейингина машина қоронғи «ишқомдан» чиқди-ю, ҳаммаёқ бирдан чарақлаб, ота-боланинг кўзлари қамашиб кетди. «Зап мўъжизами-а», деб қўйди Ҳикматилла ака. Кўзларини кафтлари билан ишқайишқай қора кўзойнак олиб тақди. Қолган йўл — то ўша

баҳайбат соябондай олисда қорайиб турган якка туп чиноргача текис эди. Машина ҳам боягидек чайқалмай, боғ оралаб ўтган йўлдан равон кетди-ю, ота-боланинг кайфиятлари ҳам буткул ўзгарди. Шиға ҳосилга кирган нокзорлару меваларини кўтаролмай шохлари ерга эгилган олмазорлар, ундан нари — бамисоли туянинг ўркачидек баланд-паст қир-адирлардаги олтин буғдойзору беғубор мовий осмон этагига сингиб кетган тоғ бағридаги арчазорлар Ҳикматилла аканинг хаёлини олиб қўйди. Бир лаҳза болалигини эслади, апа шу жойларни оёқяланг босиб ўтгиси, қўй-қўзилар ўтлаб юрган кенг яйловлардаги ўша қора-қура болаларга қўшилиб юргиси келиб кетди. Узини енгил ҳис қилиб бунинг сабабчиси Мирҳалим акадан ичида миннатдор бўлиб қўйди.

Бола ҳам бургут учиб юрган томонга ортиқ қарамас, дадасини назарида қушни бутунлай унутиб юборгандек кўринарди. Аммо уни маҳлиё қилган жами нарсалар боланинг кичкина кўнглини ўша учиб юрган қушдан ҳам кўра кучлироқ айқаш-чайқаш қилиб юборганидан беҳабар эди. Ойиси, ойижони айтиб берган тоғу тошлар, бепоён боғу роғлар шумикин-а?! Ҳув, авани нокзорнинг этагида, сайҳонда ёнма-ён турган бир жуфт дарахт ойнисидан эшитган афсонадаги сирли садаларга бирам ўхшаб кетарканки! Ушанда ё ойиси ўғлини овутиш учун аслида бор нарсаларни, шунчаки афсона, деб айтиб берганмиди? Олис-олис тоғли қишлоқда бир қиз, бир ўғил бола яшаган экан. Уларнинг иноқликларига ҳамманинг ҳаваси келаркан. Уруш олиб келган оғир қаҳатчилик йиллари ҳам ўқишдан кейин барча қатори қишлоқдаги қари-қартанглар билан тиним билмай далада ишлашар экан. Ҳориб-чарчаб, ишни тугатгач, ўтин танқис бўлганлиги сабабли яна ҳамма қатори арчаларнинг қуриган шох-шаббасини кесиб-кертиб келгани тоққа боришар экан. Аммо ёши бир жойга бориб қолган ёлғизқўл одамларга бу малол келиб, баъзан туни билан совуқдан мижжа қоқмай чиқишаркан. Уша куни уйларида қозон ҳам осишолмас экан. Бир куни қишлоқдаги жами ёлғизқўл, кекса одамлар тонг саҳарда кўчага чиқиб қарашса, эшикларининг олдида бир қучоқ-бир қучоқ ўтин турганмиш. Дарров олов ёқиб исинишибди. Қумғон осиб чой қўйишибди. Қимга миннатдорчилик билдирайлик, деб ҳали ундан, ҳали бундан қанча сўраб-суриштиришмасин, «ўтинни мен олиб келдим», деган одам гопилмабди. Қиз билан бола эса хоҳ ёмғир қуйсин, хоҳ қор ёғсин,

ҳеч кимга сездирмай, ҳар кеча бир неча бор тоққа қатнаб, кекса одамларнинг эшигига қучоқ-қучоқ ўтин қўйиб кетишни то яхши кунлар келгунча сира қанда қилишмабди. Қўп қатнаганларидан эски чориклари ҳам адо бўлиб, оёқларига ажриқлар кирса ҳам буни на бир-бировларига билдиришибди-ю, на бундан битта-яримтага шикоят қилишибди!

Уруш тугаб, қизча яшайдиган етимхона шаҳарга кўчадиган бўлиб қолибди. Ҳар икковлари яхши кунларнинг қувончи-ю, соф дўстликни нишонаси бўлсин, балки бирор кун шу ерда учрашармиз, бу нарса бизга насиб қилмаса авлод-аждодларимиз учрашар, деб сайҳоннинг қоқ ўртасига биттадан сада экишибди. Аммо қанча йиллар ўтса ҳам қайта учрашиш насиб қилмабди уларга, ўша бир жуфт сада эса ҳали-ҳали бир-биридан ажрамай, ёнма-ён гуркираб ўсармиш, ойдни кечалари тоғ шамолларига сирларини шивирлаб эгаларини ё уларнинг авлод-аждодларини ҳамон кутармиш!

...Бола олисда қорайиб турган бир жуфт сададан кўз ололмай хаёл аралаш:

— Кутармиш-а?!— деб қўйди.

Машина манзилга яқинлашди-ю, чинорнинг остида турган одамни кўрар-кўрмас бола ҳовлиқиб деди:

— Амаким!

Дарҳақиқат, чинор соясидан чиқиб келган оппоқ чўққисоқолли, юзидан табассум аринмайдиган ўша одам Мирҳалим ака эди. Машина тўхтаб, ота-бола кабинадан тушишлари билан уларни бир-бир бағрига босиб, гўё ерга ҳам озор бергиси келмагандек, юмшоқ, енгил қаддам ташлаб ҳовлиси пастак четан девор билан ўралган икки табақали кўк эшик томон бошлади.

Иккинчи боб

Бундан бирор ҳафта бурун мана шу пастак четан деворли ҳовлининг эски шийпонида икки одам гаплашиб ўтирарди. Қоронғи тушиб, аллақачон қўни-қўшнинг чироғи ёқилган эди. Орадаги суҳбатнинг мазмуни бирмунча сирли бўлгани сабабли шийпон чироғи ёқилмай қолган эди. Фақат бу эмас. Юқорида бир уй, узун равон, ундан нари кўча эшикка яқин бостирмада ҳам милт этган шуъла кўринмас, афтидан, ҳовлида шу икки одамдан бўлак ҳеч ким бўлмаса ҳам, биров деворнинг орқасида қулоғига кафтини тутиб, эшитиб тургандек, жуда секин, жуда эҳтиёткорлик билан сўзлашишарди.

Уларнинг бири оқ кўйлак-иштон кийган, жиккак, сийрак соқолли чол, иккинчиси ҳурпайган жингалак сочли, елкалари кенг, қуёқ қош, кичкина қув кўзли, ўрта яшар киши бўлиб, чолни зимдан кузатганча, уни ҳар калима сўзига жон-жон деб қулогини тутиб ўтирарди.

— Ҳунарингиз нима, ниним?

Йигит қиз боладай нйманиб жавоб берди.

— Тиш қўяман.

— Э-ҳа,— деб қўйди маъноли қилиб, — ота-онадан ёш қолганмисиз, бўтам?

— Шундоқ, ота, — деди йигит,— тоғамни қўллариди катта бўлганман... Авваллари тоғам билан яхшигина борди-келдингиз бор экан. Уша чоғларни, раҳматли тоғам, кўп қўмсаб эслардилар.

Чол бир тусам сийрак соқолини ингичка ориқ бармоқлари билан тараб, юзига фотиҳа тортгандек беозор силаб қўйди-да, бир лаҳза кўзларини юмиб олди: заргар ошнаси наст бўйли, миқти гавдали, думалоққа мойил салқин юзларидан табассум аримайдиған серҳаракат, серташвиш одам эди. Аммо чмирилган бароқ қошлари, оламану олдирмайман деган уккинники янглиғ бешафқат кўзларини ўйлаб «афтинг қурсин», деб қўйди ниҳа ва йигитга деди:

— Мирзадўст заргар деса, тоғангизни мағрибдан машриқ танирди. Э дариг... Уша борди-келдимизга ҳам... вақтни ўтишини қаранг-а, бўтам, у киши қачон ва печа ёшда вафот қилдилар?

— Утган йили баҳорда, — деди йигит маънос, — саксонга чиққан эдилар.

— Мендан икки ёш катта эканлар, — деб қўйди чол,—ҳайҳот, шу саробни орқасидан қувиб умримни елга совурдим, сиз ҳам шу кўйга тушманг, дейман, болам.

Киши беихтиёр чолга энгашди-да:

— Уша... ўша сароб бўлмаса-чи! — деди шошиб.

Чолнинг ярим юмилган кўзлари чарақлаб очилиб кетди:

— Толенингиз, — деб қўйди аллапечук, — демакки, буюрганники, деймиз-қўямиз, бўтам!

— Сўзларимдан бошқа маъно чиққан бўлса маъзур кўришг, ота, — деди йигит чолдаги ўзгаришни пайқаб,— биламан, озмунча заҳмат чекмагансиз, пасиб қилса... аввало ўзингизга буюрсин.

Қолаверса сенгами, деб дилдан ўтказди чол ба оппоқ ўсиқ қошлари остидан ҳамсуҳбатига разм солди.

Йигитнинг кўзларида аллақандай илтижо, чолнигида эса шубҳа бор эди. Қим билди, шу йил мобайнида ярим кечалари ўғри мушукдек ҳовлисига бир неча бор кириб келган қўнғизмўйлов бу хушсумбат йигит ҳам заргар тоғасига ўхшаб панд бериб қўйса-чи?! Оғзи куйган қатиқни ҳам пуфлаб ичаркан. Ошнасида озмунча азият чекдими. Кўп баднафс, кўп шайтон эди Мирзадўст деган ўша заргар ошнаси. Алоқалари узилиб кетишига ҳам заргарнинг очкўзлиги сабаб бўлган. Чол шунча йиллару шунча замонлар ўтиб, заргар ҳаммасини унутиб юборган деса, бетовфиқни қарангни, ўлим тўшагида ҳам ўша нарсаларни эслабди. Шуки мудом хаёлида экан, нега бирон марта қорасини кўрсатмади? Ўзи билан гўрга олиб кетиши лозим бўлган бу сир-асрорни нега жиянига айтди? Шуларни ўйлаб чолнинг дилига кулф урилди, заргарнинг жиянига совуқ назар ташлаб, тумтайиб олди. Шунча йил на ёшлигини, на фароғатини ўйлади, на уй-жой қилди ва на бирон яқин ёру биродар орттирди. Жонини, жаҳонини елга совуриб, калаванинг учини топдим деганда, э воҳ, куч-қувватдан қолиб, мана шунақа нотавон бўлиб ўтирса! Бировга-я, яна кимга денг, умр бўйи оч бўридай орқасидан тишини қайраб келган ўша носўхтанинг жиянига дилидагини очишга мажбур бўлса, э халлоқ, тақдирнинг ўйинини қаранг. Аммо ўйлаб қараса, энди бу оламда бирдан-бир бу сир-асрордан воқиф одамдан ҳозир воз кечиши ҳам мумкин эмас эди. Чол саросимада, икки ўтнинг орасида қолди. Аммо шундай бўлса ҳам, ёш муллаваччадек қисилиб-қимтиниб дастурхоннинг попугини ўйнаб, бошини қуйи солганча ўтирган манави хушсумбатнинг кўнглига яна бир бор чуқурроқ қўл солиб кўриш ниятида:

— Бу нарсани... яна бир томон бор,— деди чол,— янглишмасам, ўттизинчи йилларинг бошлари бўлсамни. Ўша етти қишлоқда ер-суви бўлган Оппоқхўжа бадарга қилингандан сўнг етти-саккиз йил ўтказиб, уста Олим ясаб берган дуторни қўлтиғига қистириб, чамамда, яшинча қайтиб келган-у, шундай қисқа вақт ичида қишлоқнинг буткул ўзгарганини кўриб ғоят таажжубда, ғоят даҳшатда қолган: қинғир-қийшиқ кўчалар, ертўлага ўхшаш уй-жойлар бузилиб, текисланиб, ҳатто қўрасининг орқасидаги сайхонлар ҳам, қўйинг-чи... на аввалги чакалакзор қолган ва на сойнинг бўйидаги тўқайзор бор. Бари боғу экинзорга айланган. Ўша кезлари Оппоқхўжани, синган дуторни бағрига босиб кечалари юм-юм

йиғлаб, дам бузилган сайхонларда, дам қишлоқнинг те-
варағидаги овлоқ жойларда изғиб юрганини кўрганлар
ҳам бўлган. Кўплар бунга шарти кетиб, парги қолган
одамнинг девоналиғи, деб эътибор бермаган. Бора-бора
ҳовридан тушиб, бировларнинг сувини ташиган, биров-
ларнинг ўтинини ёрган, хуллас, гадойдан беш баттар
бўлиб юрган-у, аммо қаерда, кимникида дутор кўрса
жон-жаҳди билан ёпишиб, эгасининг кўз олдида дутор-
нинг қорнини ёриб, алланарса қидирган! Аммо ҳеч
вақо тополмай яна бошқа ҳовлига кириб, дутор излаш-
га тушган... Шундан кейин битта-яримта дутори борлар
ҳам яшириб қўядиган бўлган. Уни бу қилмишига ҳамма
таажжубда қолган эди... Хуллас, урушдан бир неча ой
аввал уч-тўрт кун дому дараксиз йўқолиб кетиб, қайтиб
келган-у, ҳамманиннг кўз олдида уста ясаб берган ўша
сишқ дуторни пачақлаб ташлаган, бошини ҳам тошга
уриб ёрган, бу воқеадан хабарингиз бўлса керак?

— Ҳа, тоғамдан эшитганман, ота.

— Балли, модомки шундай экан, йўқ дуторни из-
лашдан не фойда, бўтам, калавани учи ўшанда узилган
чиқмасми?

— Аксинча,— деди йигит чолга энгашиб,— бу нарса
шунча йилдан бери, шунча одамни лақиллатиб келган
ўша дуторда бир гап борлигидан далолат бермаяптими?
У шундай нарсаки... уни йўқолганини кўриб Оппоқхўжа
бундан кейинги ҳаётини маъносиз, деб билган, ўзини
ўлдиршгача борган, ё гапим чакким?

— Агарки, иш сиз хаёл қилганча бўлса, гапларингиз-
да бирмунча маъно бордек кўринади, бўтам,— чол бу
хушсумбатда ҳам шунча ақл-идрок бор, деб сира ўйла-
маган эди,— аммо кейинча мен ҳам хаёл қилиб кўрсам,
мол жинниси, жон жинниси — бу ишлар Оппоқхўжани
телбалиғи, деб ўйланса ҳақиқатга бирмунча мос туш-
масми. Молу дунё қўлдан кетиб, якка-ягона фарзанди
асранди қизини ерга қўйган, яна бадарга бўлган тирик
мурда учун оламни нима лаззати қолган эди?

— Унда,— деди киши шошиб,— не машаққату не
азоб-уқубат билан нега яна қишлоққа қайтиб келди?

— Оҳ,— деб юборди чол кўнгли ларзага келиб,—
одам боласи етти иқлимни қайси қавағида жон сақла-
масин, киндик қоши тўкилган жойларга ўзини чироққа
урган парвонадек талпинади, жон-жаҳди билан талпи-
нади, бўтам, ёшсиз билмайсиз!

— Хўп, бечора Оппоқхўжа-ку, бир сиқим тупроғим

бегона жойларда қолиб кетмасин, деб келган экан. Бировларнинг дуторини ёриб, нима қидирди? Нега уста Олимга катта пул эвазига буюртма қилиб яساتган дуторни ичидан ҳам ҳеч вақо топмагач, тошга уриб чилпарчин қилди?! Наинки, суюкли қизидан қолган ёднома-ни, тагин қанақа ёднома денг-а, бадарғада кўз қорачиғидай ардоқлаган нарсани шундоқ қилса?! Бунда бошқа бир гап борки, сиз ҳам, раҳматли тоғам ҳам назардан қочиргансиз. Шубҳасиз, ўша «наrsa»ни дуторга яшириш лозим экан, бундан уста Олим беҳабар бўлган, деб ўйлайсизми? Уста дутор ҳали-бери Оппоқхўжага керак бўлмаслигини пайқаб, ё ўша «наrsa»ни олиб қолган, ё Оппоқхўжа буюртмани олгани келганда қўлига бошқа бир дутор тутқазганки, бунга боя айтиб берганларингиз, яъни Оппоқхўжани қишлоққа қайтгандаги қилмишлари яққол далил эмасми?

Бу мулоҳазада жон бор эди.

— Ҳайҳот,— деб юборди чол,— тоғангиз иккимиз багнинг хаёлини қилиб аслида уста Олим илиб кетган нарсага шунча йил хомтама бўлиб юрганмидик?!

Киши, начораки, чамаси шунақага ўхшайди, деган маънода бош силкиб қўйди.

— Аммо ҳамма бало шундаки,— деди,— уста Олим хиёнат қилгани билан муддаога етолмаган.

— Сабаб?

— Сабаб, тоғамдан эшитганимча, Оппоқхўжа буюртмани олиб кетгач, бир ҳафта ўтар-ўтмас, уста Олим дўконида ишлаб ўтириб тўсатдан ўлиб қолган.

— Очопат,— деб қўйди чол,— бу воқеа унга аён бўлса ҳам атай ёқа ушлаб,— шунча дунё осмондан тушгандай қўлга киради-ю... юраги ёрилиб ўлган.

— Балки...— деб қўйди киши,— ўйлайманки, уста аввалам бор буни ҳаммадан сир сақлаб юрган, борди-ю, боши ёстиққа етиб, уч-тўрт кун оғир хасталанганда ҳам ҳар эҳтимол битта-яримтага учини чиқарган бўларди, кўряпсизми, ҳатто шунга ҳам улгурмаган. Демак иккидан бири: ё ўша дутор устанинг яқинларидан бирининг қўлида қолган, ё орадан кўп ўтмай, уста Олимга тегишли дастгоҳ сотилиб, бегона одамнинг қўлига ўтиб кетган, калаванинг учини бу жойдан эмас, ота, шаҳардан изламоқ лозим!

Бу мулоҳаза шунча йил жонини жабборга бериб елиб-югурган чолни ҳам ҳайратга солди, ҳам даҳшатга! Дарвоқе, нега шундоқ бўлиши ҳам мумкин эмас?! Ё

қудратингдан, печун жўнгина мулоҳаза менга эмас, манави сўхтаси совуқ қўнғизмўйловга насиб қилган экан, деб чолни аъзойи-бадани бўшашди, муздек тер босди. Энди то ўла-ўлгунча турқи-таровати тоғасиникига ўхшаш мапа шу ёқимсиз одамнинг измида эканини ўйлаб, пчидан бир нарса узилиб кетгандай инграб юборди.

— Модомики калаванинг учи қўлингизда экан, мендан нима истайсиз, бўтам?— деди араиғ тили калимага келиб.

— Бе, ҳали бу шунчаки тахмин, ота!— деди киши, уни ёш муллаваччалардек қисилиб-қимтиниб ўтиришлари-ю, гап-сўзларининг оҳангидаги бояғи монелик йўқолган, аксинча, асов отга жилов солган уста чавандоздек, авзойида шундай бир мамнунлик бор эдики, бу нарса чолнинг назаридан қочмади, кўнглига аллақандай нохушлик солди.

— Аммо,— деди киши айтганларига хулоса ясагандай,— бунга ўзингиз бош қўшмасангиз...

Чол унинг муддаосини англай олмай, чўчиб сўради:

— Нечун?!

— Тушунмадингизми?— йингит чолнинг бир ўлиб-тирилганини пайқаб, мийингида кулиб қўйди.

— Ҳа, дарвоқе,— деб қўйди чол музлай бошлаган кўнглига аллақандай илиқлик югургандай бўлиб. Дарвоқе, Оппоқхўжа давридаги эски қишлоқнинг ўрни бошқа жойда. Унинг ҳар қаричини, деяйлик, қинғир-қийшиқ кўчалари-ю, эски-туски қўрғонларини беш панжадек билмаган одамга дутордаги сир-асрордан не фойда? Бас, шундай экан, ноумид шайтон, бу хушсумбат ана шу мулоҳаза билан ўзи бирон тайини иш қилолмаслигига кўзи етиб келгани аниқ. Чол бир оз тетикланди-ю, аммо шунда ҳам ичидагини сиртига чиқармай бу ишни баъзи мушкул томонлари ҳақида бирмунча хотиржам гаплаша бошлади. Не-не кўргиликларни бошларига солиб, сарсон-саргардон қилган «қўли эгри» ўша устани уруғ-аймоғидан бирон кимсани топиб, лаънати дуторнинг изига тушмаса, бу ишдан ортиқ фойда йўқлигини, негаки, миш-мишга қараганда, тоғда аллақандай кон очилгани сабаб, қишлоқ ўртасидан янги, катта йўл тушишини сўзлар экан, чол кўзларини юмиб бир лаҳза жим қолди. Ёширай, ўша нарса қургур битта-яримтанинг қўлига тушса-я?

Анча-мунча гап-сўздан кейин уни ташқарига кузатиб

қўйиб келганда ҳам бояги хаёлига келган гүлгула, хуш-сумбатнинг авзойидаги хотиржамлик чолга тинчлик бермади. Алаmidан бошини шийпон устунига ургудек бўлди, яна боягидек бўшашиб муздек тер босди, юқорига чиққани ҳам ҳоли келмай зинага ўтира қолди. Вақт алламаҳал бўлиб, қўни-қўшниниң чироғи ўчган, хўрозларнинг олис-олислардан мудроқ қичқирғи эшитилди. Шу қўйи қанча ўтирди ўзи ҳам билмайди, мудраб туш кўрибди: қурғур ўша дуторни биров бирам чалармиш, бирам чалармиш, хонишга наинки ҳовлидаги дов-дарактлар, оламдаги жами нарса, ҳатто шийпон ҳам сел бўлиб чайқалармиш. Бу қадар назокат билан дутор чертаётган ким бўлди, деб ёнверига алаңгласа, ёпирай, чалаётган кўчадаги яккатуп чинорнинг катта шоҳида бир оёғини тақимига босиб олган Оппоқхўжа эмиш! Юзлари ғижимланган қоғоздек бужмайиб, бошини ёиртиқ қийиқ билан боғлаб олган, оёғида эски чорик, Оппоқхўжа эмас, эғнида тўн, бошида жиға қадалган қордек оппоқ салла, тарвуз ютгандек эгарнинг қошига осилиб тушган қорнидаги қалин тилла камарга сен ким-у, мен ким дегандек қўлини тираб қишлоқдан от ўйнатиб ўтганда савлатидаи ҳаммани лол-у, ҳайрон қолдирган ўша, аввалги Оппоқхўжа эмиш. Қўқон араванин гупчагидек семиз оёғини ликиллатиб, ҳар дутор чертганда икки лунжига мушукнинг думидай осилиб тушган беўхшов мўйловини силкитиб, чолни мазах қилгандек кулиб қўярмиш. Чол вақтни бой бермай сапчиб ўрнидан турибди. Қаранги, бояги хушсумбатнинг вужудидаги куч-қувват бирдан унда пайдо бўлиб, бир ҳатлаган экан, четан девордан ошиб кўчага, Оппоқхўжанин осилиб турган оёғининг остига тушибди. Яна бир юқорига жон-жаҳди билан сакраган экан, вожаб, Оппоқхўжа Оппоқхўжа эмас, ушинг қиёфасига кириб олган анави очопат заргар ошиаси экан. Чол дуторга етай деганда лаънати осилиб турган оёғидаги этигининг нағал пошнаси билан қаншарига чунонам тепибди, чолнинг мияси торс ёрилиб, туби йўқ қоронғи ўрага тушиб кетибди. Овозининг борича хушсумбатни ёрдамга чақирармиш, чақирармиш, қани гўрсўхта овоз берса, қувончдан хонтахтанин устидаги патнисни қўлига олиб, ўра оғзидан ғир-ғир айланганча қарсиллатиб чалармиш.

...Дарҳақиқат, алланарсанин қарсиллашидан зинани муздек ғиштига пешанасини қўйганча, учиб қолган чол чўчиб бош кўтарди. Бир амаллаб зипанин суйнчиғига

суянди, бу мудҳиш тушдан кўкрагини ёриб чиққудек гурсиллаб ураётган юрагини аллавақтгача босолмади. Эшик яна кетма-кет тақиллагандагина эс-ҳушини тўп-лаб, аранг ўрнидан турди.

— Қамбар ота!

— Ҳа, лаббай,— деди чол увушиб, карахт бўлиб қолган оёқ-қўлларининг қақшаб оғришидан аранг ҳаракатга келиб, бу товуш берган одамнинг кимлигини таниб, хийла ўзига келди-да, бирон кори-хайр бўлса айтгани келган, деган хаёл билан эшикка юрди. Зах ўлгур суяк-суягига ўтиб кетган экан, то остонага етиб келгунча каловлаб, уйқусираб зинанинг суянчиғига уриб олган пешонасининг лўқиллаши кўзларини тиндириб юборди. Аммо шундай бўлса ҳам, бу одамнинг бемаҳал безовта қилгани унга малол келмади, аксинча, бояги похуш тушдан ғашланган кўнглига бирмунча таскин берди. Ўша одам олиб келган хабар дилидаги ғуборини бирмунча тарқатиб юборгандек ҳам бўлди. Кўпдан бери колхоз қураётган янги уйнинг бирнга кўчиб чиқсам, деган ниятда юрарди. Эскини ямасанг, эсинг кетади, тоқайгача бу чор деворхонанинг унисини тузатиб, буни-сини бузиб кун кечиради? Яхшики, толенга мапа шу Мирҳалим домла бор. Бечора инисидай бўлиб қолган, унинг ҳолидан хабар олиб туради. Ҳар қанақа юмушга беминнат бола яхши, деб баҳор келса бир гала ўқувчиларини эргаштириб келиб, ҳовли тозалатади, ер чоптиради, қўрғонининг орқасидаги икки-уч ишком токни кўтариб беради. Мактаб қоровулчилигини ҳам барака топгур ўзи олиб берган. Шунинг андишасига бориб, чол унинг гапини сира икки қилмасди. Мактаб директори бор, чолни унча хушламайдиган, табиати кўполроқ одам, ҳатто шунинг олдида ҳам домланинг сўзини ўзи учун ишобатлироқ, деб биларди. Битта жигаргўша шунчалик-да! Бояқш беш кунлиги борми-йўқми, оёғини узатиб яшасин, деб раиснинг олдида озмунча чиқдими? Ким билади, арпасини хом ўрган эканми, раис бу ишни пайсалга солиб юрган эди. Кеча кечқурун шаҳардан кўчиб келаётган ўқитувчининг дарагини эшитиб, Мирҳалим домла «ўқитувчи отанинг ҳовлисига тушса-ю, шу баҳонада ота ҳам янги жойли бўлиб қолса» дебди. Бунга раис рози бўлиб, чолни кига барвақт келганининг сабаби шу экан. Қамбағал бўлсанг кўчиб кўр, дегандек, чолнинг ҳам ўзига ярашур майда-чуйда қақир-қуқури бор, буёғи қандоқ бўлди, деган ташвишда эди. Йўқ,

домла буёғини ҳам дўндириб келган экан. Ҳали замон колхоз машинаси билан уч-тўртта бола келишини айтиб, чолнинг кўнглини хотиржам қилди. Чамаси, бирор икки соатдан кейин кўч-кўрон машинага ортилиб, шунча йилу шунча замонлар яшаган ҳовли-жойи билан видолашиб чиққанда, чолнинг хаёлидан бир нарсга ўтиб ўйлаб қолди: беш-олти кундан кейин анави хушсумбатга бир бало қилиб тўсатдан кўчганининг хабарини қилмасам, ҳовлиқма бегона одамларнинг олдига довдираб келиб қолишдан ҳам тоймайди.

Аммо шу палла шаҳардаги хушсумбатнинг ичига ўт тушиб, кечки оқшом тўсатдан йўлга чиқиш тараддудида юрганини чол хаёлига ҳам келтирмасди!

Учинчи боб

Кеч кириб, ҳаммаёқ бирдан ҳувиллади-қолди. Муроднинг юраги увушди. Қўрққанга қўш кўришаркан. Ўйлаб-ўйлаб, қўрғоннинг томига чиқиб, тиззаларини қучоқлаб ўтириб олди. Аммо ҳаялламай тоғ томондан қалқиб ой чиқди, қоронғи оламнинг кўкимтир нурга чайиб, ҳаммаёқни ғира-шира ёритиб юборди. Унинг кўнглидаги гулғула ҳам бир оз тарқалгандай бўлди. Ҳадиксирагани шу топда ўзига ҳам нашьа қилди. Бу қилиғини дадаси кўрсам, тоза ажабланган, бош чайқаб-чайқаб, «кап-катта йигитча-я», деб ранжиб ҳам қўйган бўларди. Ўзи-ку, бироқ нарсадан хавфсираш ё чўчиш кунбўйи, ҳатто оқшом тушганда ҳам хаёлига келган эмас. Аммо чироқ ёқилганда, тоғ томондан келган кечки шабадага ҳовлидаги дов-дарахтларнинг ҳаммаёқда айқаш-чайқаш бўлиб ётган катта-кичик соялари ғалати силкинди-да, чамаси икки эшик наридаги қўшнингнинг ити занжир узгудек жон-жаҳди билан улий бошлади, кўнглига гашлик солди. Ит кеча ҳам шунақа безовта бўлган эди. Ҳовлига битта-яримта бегона одам кириб қолдимми?! Нима, нима, «бегона одам»... Юлдузлар хирагина милтираган саҳар палладаги кўнгилсизликни ўйлаб этлари жимирлаб кетди. Аттанг, нима бўлганда ҳам ўша Мирҳалим акани уйда қолаверса бўларканми, мана энди кеч кириши билан ўзини қаерга қўйишни билолмай қолди. Кўчага чиқди, ҳовлига кирди, остонада тура-тура яна секин эшикни очиб, уёқ-буёққа бир-бир қараб қўйди. Шаҳарнинг гавжум, серқатнов, сон-саноқсиз машиналар тинимсиз ўтиб турган чароғон-кўчаларидан кейин, қи-

зиқ, қишлоқни кеч кириб ҳеч зот кўринмайдиган, битта-яримта симёғочлардаги чироқлар ҳам хирагина милтираган, бунақа жимжит, тинч кўчалари одамга ғалати туюлар экан. Чинорнинг орқа томонида, қатор янги уйларнинг чироқлари ғуж бўлиб машъалдек ёпмаса, бу жойларда шунча одам бор, деб ўйлаш қийин эди. Чинорнинг ердан туртиб чиққан катта илдизига қоқ белидан осилиб ётган от кўзига кўриниб, бола сесканиб орқага қайтди. Уйга кириб китоб варақлади, шийпонинг чироғини ўчирмай бирпас ётмоқчи ҳам бўлди. Қани уйку келса, қани кўнглидаги ваҳимани қуволса! Эшик очилиб, йўғ-е, тамбаланган эшик ўз-ўзидан очиларканми, ўша одам назарида четан девордан ошиб тушаётгандай бўлаверди. Унинг хириллаган овози-ю, Муродни кўргандаги соққасидан чиққудек олайиб кетган кўзлари, воё тавба, одамнинг кўзи ҳам шунақа хунук, шунақа ёқимсиз бўладими?! Мурод бунақалигини билса, ўлса ҳам эшик очмай, миқ этмай ётавермасмиди, уйда ҳеч ким йўқ экан, деб тинчгина қайтиб кетган бўлармиди? Дадаси-ку, ўзи билан қирга олиб кетар эди-я, қараса, кабинада бўш жой йўқ. Дадаси ўғлини ёлғиз қолдиргани кўнгли бўлмай турганда Мирҳалим ака:

— Уч-тўрт кун ҳеч гапмас, холасини жон-гани бола,— деб қолди. Улар билан қўшилишиб келган мактаб директори жуссасига номуносиб йўғон товуш билан гапга аралашди.

— Уғлингиздан сўранг-чи, Ҳикматилла, ўзи нима дерки?

— Э,— деб юборди Мирҳалим, ака,— бола-бола-да! Нима дерди, бораман, деб хархаша қилаверади-да! Қани, кетдик.

Машина силкиниб қўзғалди. То Мирҳалим аканинг ҳовлисига боргунча эгри-бугри кўчалардан, янги тош йўлдан ҳам анча-мунча юришди... Кўч-кўропини ҳовлига ташиб, уйга жой солишгач, чой-пойдан сўнг пича ҳордиқ чиқаришди. Мирҳалим ака уларнинг қишлоққа келганига «бағри тўлиб», ўзининг ҳам, одам деса жонини-ю, жаҳонини аямайдиган хотинининг ҳам ҳалдан зиёда мамнунлигини қайта-қайта изҳор қилди. Кейин машинани мактабга олиб бориб бериш ва бир йўла директор билан ҳам таништириш мақсадида Ҳикматилла акани мактабга олиб борган эди. Эрта билан раис «қирда болаларингиз ўйинқароқ бўлиб юрибди», деб телефон қоққанига директорнинг тоза хуноби ошиб, шу топ-

да ҳашарчиларнинг олдига кетмоқчи бўлиб турган экан. Аввало Ҳикматилла ака ўзининг қўлида ўқийдиган болаларга қизиқиб, қолаверса «бунақа пайтда раиснинг кўзига кўринмаган маъқул», деб кулгига олган директорнинг от тополмай турганига ачиниб, мен олиб бора қолай, деган эди, директор ҳавас билан:

— Ҳунари бор ҳоримас,— деб қўйди,— қачон ўргангансиз, Ҳикматилла?

— Студентликда,— деди кулиб Ҳикматилла ака,— кундузи ишлаб, кечаси ўқиганман, хўш, нима дейсиз?

— Меҳмонсиз, дарров ишга солсак қандоқ бўларкин?

— Бе,— Ҳикматилла ака машинага чиқди,— қани, кетдик.

Мақсадлари, йўл-йўлакай ҳовлига ўтиб, Муродни ўзлари билан олиб кетиш эди. Аммо, Мирҳалим ака ҳам қўшилишиб боршга истак билдириб қолди. Бу нарса директорга унча ёқинқирамай, Ҳикматилла акага қаради. Ҳикматилла ака эса Мирҳалим акани хоҳишига бир нима деёлмай, бола ҳали бу ерда ҳеч кимни билмаса, танимаса, ҳархаша қилмасмикин, деб мнинг хил хаёлга борган эди. Йўқ, ўғлининг индамаганини кўриб, ақл-ҳуши жойида йигитча бўлиб қолибди, деб қўйди ичида.

— Ҳикматилла!— деди Мирҳалим ака устунлари қуббали катта қизил дарвозага яқин қолганда, тўхтанг ишорасини қилиб, меҳрибончилик билан Муродни қўлидан етаклаб ичкарига олиб кириб кетди-да, кўп ҳаялламай қайтиб чиқди, ҳаммаси жойида, кўнглингизни тўқ қилинг, дегандай жилмайиб машинага ўтирди...

Мурод ичкарига кириб, ҳайратда қолди. У Мирҳалим амакисининг ҳовли-жойи, хотин-бола чақасини ҳам бошқача тасаввур қилган, унингча шу хонадондан булбулларнинг овози эшитилиши, эшикдан кириши билан димоғига гулларнинг хушбўй ислари урилиши керак эди. Катта жийданинг кумуш барглари қуюқ соя ташлаган супада унинг келишини сабрсиз кутиб ўтирган холаси, хола бўлганда ҳам қанақа денг, эртақларда таъриф-тавсиф этилган фариштадек оққўнғил, одам деса жопини, жаҳонини аямайдиган холажони уни кўриб бағрига босган... Аммо... жазирама ҳовлида якка туп ўрикнинг соясига пўстак ташлаб, оёғини офтобда тоблаб ўтирган ёши ҳам ноаниқ, дийдаси қаттиққина аёл қават-қават ажинлари орасидан мўлтираган кичкина, хира кўзлари билан болага бошдан-оёқ бир қараб олиб,

ёнига ўтқизди. Гапни оёғининг оғриғидан бошлаб, кексаларга хос инжиқлик билан кими бор-у, кими йўқ, шаҳарда қандоқ яшаган-у, нега буёққа келиб қолишган, ҳаммасини бирма-бир суриштира қетди. Кейин бир нарсани ёдига тушгандай, кўм-кўк томирлари бўртиб турган ориқ кафтини пешонасига қўйиб, уй томонга бир қаради-да:

— Нусратилла,— деб қўйди.— Кун алламаҳал бўлди, болам, тур. Меҳмон бола келган, ош иснтай, бирга енглар. Бу кенжатайим,— деди Муродга тушунтириб,— сен тенги ўртанчам бор, шу тобда қирда, ўримга кетган!

Кўп ўтмай юқоридаги каталакка ўхшаш паст-баланд уйлардан бирининг очиқ деразасидан кўзлари ойисиникига ўхшаш олчанинг данагидек кичкина, хомсемиз юзларини, пучатой бурнини сепкил босган бола илжайиб қаради. Ҳаялламай остонада ётган катта эски калишни пойма-пой кийганча, шалоп-шалоп судраб шундоқ уйнинг ёнидаги усти шифер билан ёпилган, кичкина туйнукчаси ҳам бор хонага, афтидан ошхона бўлса керак, кириб кетди. Аёл кафтини ерга тираб турди. Пўстакнинг олдидаги нимдош кавушни оёғига илди. Икки қўли билан тиззасини ушлай-ушлай инқиллаб-синқиллаб ўғлининг олдида ўтиб кетди. Ичкарида она-бола анча ҳаяллаб қолишди. Аввалига ғўнғир-ғўнғир гапиришгани, бора-бора баъзи гап-сўзлари аниқроқ эшитила бошладу-ю, Нусратилланинг:

— Ойи,— деб бирдан аччиқланган товуши қулоғига чалинди,— бунишгиз бир коса чиқмайди-ку.

— Нима қилай, болам,— деди ойиси,— дадангни бефаҳмлигини кўрмайсанми?

Пўстакнинг бир чеккасида тиззаларини қучоқлаб, она-болани нега бунча йўқолиб кетганига шундоқ ҳам ноқулай аҳволда ўтирган Мурод бирдан сапчиб турди, кўчага қараб югурди: Мирҳалим аканинг хотини-ю, бола-чақаси тасавуридаги одамлар бўлиб чиқмаганигами, ҳовлига киргандаёқ ўзи шундоқ ҳам ғалати увушиб кетган юрагига ошхонада ош устида қилган можаролари қаттиқ теккан эди. Аёлни «дадангни бефаҳмлигини кўрмайсанми», дегани уни уёқ-буёғидан ўтиб кетди, кела солиб шийпондаги кўрпачага ўзини ташлаганча аллавақтгача кўнгли ўксиб ётди. Кеч кириб, ҳаммаёқ ҳувиллаб, бир маҳал шундоқ ҳовли тепасидан бургут баҳайбат қанотларини оғир-оғир силкиб учиб ўтди. Бо-

ланинг кўнглидаги нохушлик аламли дардга айланди-ю, доим уни «бургутим», деб эркалайдиган ойниси ёдига тушиб, юз-кўзларини ёстиққа суркаб, хўрсина-хўрсина ухлаб қолди. Кейин алламаҳалда уйқу аралаш эшик тақиллаганини эшитгандай бўлди. Аммо тошдек огирланган бошини ёстиқдан узолмади. Кўп ўтмай эшик гурсиллаб кетди-ю, бу гал чўчиб ўрнидан турди. Кўни-кўшишикида чироқ кўринмасди. Ойни чинор тўсиб тургани учун ҳовли қоп-қоронғи эди. Бола бироқ сабаб билан дадасини қайтиб келган гумон қилди-да, пастга тушди. Ундай бўлса, нега машинанинг овозини эшитмади, демак тоза қотиб ухлаб қопти-да! Ана шу хаёл билан кўнглига келган шубҳани қувиб, шошганча эшикка юрди...

...Отлиқ қишлоққа кириб келганда юлдузлар ҳорғингина милтираб турган саҳар палла эди. У пастак четан девор билан ўралган, эшиги икки табақали ташш ҳовлига яқин келиб отдан тушди, бўм-бўш кўчаларда зоғ кўринмас, баҳайбат соябондек соя ташлаб турган азим чинорнинг уч-учлари оқариб қолган. Яқин-йироқларда итлар пойма-пой акиллашар, ора-чора хўрозларнинг чўзиб-чўзиб қичқиргани қулоққа чалинарди. Ҳамма парса, ҳаммаёқ улугвор тонги бир силкиниб кириб келишига маҳталдек бўлиб турса ҳам, аммо ҳали қишлоқ маст уйқуда эди... От тоза кўпчиб, қора терга тушган эди. Кўзлари соққасидан чиққудек бўлиб ҳансираб нафас оларди. Жониворнинг аянчли аҳволи афтидан эгасини унча ташвишга солмас, акс ҳолда шўринг қургурни олисдан пича совутиб келмасмиди? Аммо бу парса унинг хаёлига ҳам келмаган эди. Чинорнинг осилиб турган катта бир шоҳига отнинг тизгинини калта қилиб боғлади-да, пастак эшикка қараб илдам юрди. Йўлга чиққанда ҳам, на ўзига-ўзи, на отга бир лаҳза ҳордиқ бермай қишлоққа етиб келганда ҳам, хаёлидаги айқаш-чайқаш фикрлар патнисга тушган соққадай гир-гир айлангани айланган эди... Чол уйдаминкин ё уёқ-буёққа тентираб кетганмикин, унда нима қилади? Аввал, бундан икки-уч ой бурун бир келганда чолни тополмай, кўни-кўшиилардан сурштирай деса, уни билмай, ана келиб қолади, мана келиб қолади билан кўчадаги чинорнинг ердан туртиб чиққан илдизиде ўтириб тонг саҳаргача пойлаб чиққан эди. Ушанда йўловчи машинага тушиб келганига чолнинг етти пуштни сўка-сўка роса алам қилиб яёв қайтган эди. Кейин билса, Мирҳалим

деган тутинган иниси бор экан. Ушаникида ётиб қолган экан. Уйда бўлмаса бир илинжи ўшаники, бориб биладик-қўяди. Буёғига кўнгли бир оз таскин топгандай бўлди. Аммо бўзчининг мокисидай яна буёққа келишининг сабаби фақат чолга эмас, ўзига ҳам гоят таажжубли эди. Раҳматли тоғаси қариб, куч-қувватдан қолди. Жиянини гуруллаб кетганини кўриб «хўп омади келган йнгитсан-у, аммо ўлгудай ҳовлиқмасан», дер эди. Ана шунни эслаб, бу нозик ишда шошма-шошарлик қиляпманми, деди ўзига-ўзи. Хўш, омад нима? Омад латтадай ўшашган одамни ёқтирмайди, темирни қизигида бос! Омад шошганини, югурганини, нишанини кўзидай тешикдан туядай нарсани удалаб суғуриб олганини! Утган сафар чолнинг ўзи, ҳадемай, қишлоқдан катта йўл ўтадиганга ўхшаб турибди, демабмиди? Бас, шундай экан, бирдан ўнта трактор ҳайқариб, эски жойларни вайрона қилса, чол тугул яратганининг ўзи ҳам аввалги қишлоқнинг ўрнини тополмай адашиб қолади! Чол бир қултум сув, бугун бор, эртага йўқ, бирор кор-хайр бўлса бунақа одамни қаердан топади? Аммо тоғаси ўлим олдида «чол илоннинг ёғини ялаган одам, менга кўп панд берди лаънати, у билан эҳтиёт чорасини кўриб иш тут», деганини эслаб, аввал уч-тўрт келиб синашга бўлиб олди. Кейингисида очикчасига гаплашдики, чол, афтидан, нияти холислигига бир қадар ишонди ҳам, ҳатто айтган фикр-мулоҳазасига ичида тан берди чамаси. Аммо шундай бўлса ҳам қари тулки бир нимани яширди. Ажаб, нега бундай қилди-ю, лаънатининг кўзлагани нима? Шарти кетиб, парти қопти, энди бу нарсани ёлғиз ўзи осонликча қўлга киритолмаслигига кўзи етиб турибди, хўш, нега ҳамма бор нарсани дангал ўртага ташламай пайсалга солди? Ё тоғасининг шунча йил дому дараксиз йўқолиб кетганига унутиб юборган, деб бошқа битта-яримта одам топганми? Яхшики, бу ҳам «чол билан эҳтиёт чорасини кўриб иш тутди». Яъни тоғасининг ўлиmidан кейин билганлари ҳақида лом-мим демади. Ана шунга хурсанд эди. Чолга лом-мим деган нарсаси жуда муҳим эдики, бирмунча сўроқлаб, қидириб, натижада ўша устанинг зурриётини топган эди. Уста Олимнинг ёлғиз қизидан ҳам бир ўғилча қолиб, қизи бечора минг афсуски, шу кўклам вафот этган эди. Аммо бунга ўкинмади, тез орада тоғаси айтган шошма-шошарлик билан ҳеч бўлмаса устанинг куёвининг эшигини кўриб келай, деб сўроқлаб борди ҳам. Шаҳар



марказидаги бинолардан бирининг учинчи қаватига кўтарилиб, шундоқ зинанинг рўпарасидаги устига чарм қопланган эшикнинг қаршисида тўхтаганда, ёпирай, вужудияни шунақа бир ширин титроқ тутдики! Остонасидан ҳатласа бас. Устанинг куёви мўмин-қобил, ювошгина одам эмиш. Бир таниш, икки билиш дегандай, ишнинг буёғи уни сира ташвишлактирмасди. Ширин хаёлларга фарқ бўлиб, эшикда анча туриб қолди. Буни қарангки, хаёлида устанинг бўш-баёв куёви қўярда-қўймай янги орттирган дилкаш ошнасини эшикдан энди судраб уйга олиб кирмоқчи бўлиб турганда, хаҳ, хаёл ўлсин-а, хаёл одам боласини не қўйларга солмайди-я, шундоқ бурнишинг остида киприк қоқмай турган шалпанг қулоқ болани кўриб сакраб тушди.

— Амаки... ким керак?

— Сен шу ерда турасанми?!

— Ҳа.

Демак устанинг невараси, деди хаёлида. Аммо додираб, юқоридан тушаётган эдим, пича бошим айлланиб туриб қолдим, дегандек бир бало деб гўлдираган бўлди-ю, шошқалоқлик билан гизиллаб настига тушиб кетди. Орадан бирор ўн-ўн беш кун ўтказиб, бир йўла гаплашиб олгани чолнинг олдига борди. Аммо чол очик чехра билан қаршилаб, мулоҳазаларига кўп таҳсинлар ўқиган бўлса ҳам, дилидагини айтмади. Устанинг авлодида бирон кимсани топиб дарҳол дуторнинг изига тушмаса, эски қишлоқнинг ўрнида ҳеч вақо қолмаслигини таъкидлаган бўлди-ю, ёш боладай елкасига қоқиб-суқиб жўнатди. Ушанда аллақачон бу ишнинг кетига тушганини айтиб қўйишига оз қолган эди. Яхши айтмадим, деди қайтиб келгандан сўнг... устанинг куёвини танийдиган бир ошнасини етаклаб борса, қай қулоқ билан эшитсанки, куёви эрта билан кўч-кўронини ортиб кўчиб кетибди. Ёпирай, тағни қаёққа дегн-а, қўни-қўшининг гапига қараганда, худди ўша ёққа-я. Вожаб, нега, ўша қишлоққа? Омадни қаранг деб, ўша куниеқ машинани миниб йўлга чиқди, аммо қишлоққа яқин қолганда лаънати машинанинг ишкали чиқиб, шаҳардан чиқаверишда бир танишиникида қолдирди, умрида от тугул, эшак ҳам миниб кўрмаган одам ўша ошнасининг асов йўргасини ҳайдаб юлдузлар хирагина милтираган саҳар паллада қишлоққа кириб келишининг боиси ҳам шу эди.

...Эшик ичкаридан тамбаланган экаи. Икки-уч итариши билан алланарса сирғалиб кетди-ю, аммо очилма-

ди. Оҳиста тақиллатди, сабри чидамай эшикни яна гурсиллатиб урди. Алламаҳалда аллакимнинг тез-тез шу томонга шошиб келаётгани қулоғига чалишиб «хайрият», деб қўйди хотиржам ва шундагина ўзини алланечук сезиб, бўғин-бўғинигача бўшашиб, тиззалари дармонсизликдан букилиб кетаётганини ҳис этди-да, эшикка суянди. Суянди-ю, алланарсанинг гурсиллаб кетганидан чўчиб орқасига ўгирилди. Қай кўз билан кўрсинки, шўринг қургур от чинорнинг ердан туртиб чиққан илдиизига қоқ белидан осилганча узала чўзилиб ётарди. У шайтонлаб отга югурган жойда эшик очилди. Олдинга юришини ҳам, орқага қайтишини ҳам билолмай бир лаҳза саросимада қолди; оининг хирагина ёруғида кўринган чол эмас, нимжонгина бола шекилли, ҳа, бола, ким бу, бу ерда нима қилиб юрибди, ўзи қани ё бирор найранг қилдими, беихтиёр кўкрагига биров мушт туширгандай орқага қалқиб кетди. Остонада кўргани отнинг чўзилиб ётишидан ҳам даҳшатлироқ эди. Бу... устанинг куёви эшигида учратган ўша шалпанг қулоқ бола эди. У карахт бир аҳволда кўчанинг ўртасида узоқ туриб қолди. Нега бола бу ерда?! Демак, анови «имонсиз»нинг таннишбилишлиги борки, устанинг куёвини атайлаб ҳовлисига кўчириб келган, ҳа, ҳа, ўтган сафар унда яширган нарса шу эмасми? Ўзи уйда бўлса, нега болани чиқарди, ё куёви чиқмади? Ё уйда бола ёлғизми, бе, бу ақлга сизмайдиган нарса! Демак, ўтган сафар йўлда лоп этиб эсига келган шубҳалари ўринли. Чол билан... нима, нима, ҳа, чол билан устанинг куёви шерик! У ғазабдан қалтираб кетди. Шу топда чинорни илдиизи билан суғуриб, ичкарида ўтирган чол билан устанинг куёви устига отгудек бир алам билан тутатиб турганда, отнинг қаттиқ ҳансираб кишнаб юборгани ҳушига келтирди. От типирчиларди. Бирдан жим бўлиб қолди. «Ўлди» хаёлидан ўтказди у. Отни гумдон қилиш керак! От мушук бола эмаски, ҳув анави чангалзорнинг орқасидаги зовурга улоқтириб юборса, ё чинор остини чўқилаб, кўмиб қўя қолса. Ҳадемай тонг отса... кўчада шундоқ от оёғини чўзиб ётади-ю... У жон-жаҳди билан отга ёпишди. Улиб-қутулиб, шўринг қургур отни не алпозга солиб чинорнинг орқасига — пастликка юмалатиб юборганда росмана тонг отди: қаердадир араванинг ғирчиллагани-ю, олис-яқинда битта-яримта одамнинг қораси кўринди. Қора терга ботиб, тиззалари букилиб-букилиб, худди устанинг куёви билан имонсиз чол орқасидан кела

солиб гарданига чангал солаётгандай жон-жаҳди билан югуриб бораркан, бояғи айқаш-чайқаш хаёллари тиниб, ўзига кела бошлади. Анави шалпанг қулоқ бола танидимкин?

Аmmo Мурод уйқусираб чиққани учун танимаган эди. У бир лаҳза қотиб туриб қолди-да, қочиб ичкарига кириб олди, шийпонга чиқиб бемаҳал эшик қоққан одамнинг йилтироқ совуқ кўзларидан эти жунжикиб, настига тушмади. Анчагача кўча томондан унинг ўзи билан ўзи олишгандай дам ҳансираши, дам ер тепиниб сўкинган ора-чора эшитилиб турди. Сўнг алланарса гупиллаб кетиб, ҳаммаёқ сув қуйгандай тинчиб қолди. Эшикни қайта гурсиллатиб урмадими, демак бу одам адашган, ха-я, бошқа бирсееникни тусмоллаб уларнинг эшигини тақиллатган. Унда нега шунча вақт кўчада туриб қолди, нега сўкинди, биров томоғидан бўлгандай пишиллаб нега ўзини дам уёққа-дам буёққа ташлаб типирчилади, ким билан, нима билан олишди? Буларнинг бари кўни-кўшниларникида оёқ шарпалари, одамларнинг ғала-говури қулоққа чалишиб, тонг отгандан кейин маълум бўлди.

Мурод юрагини ҳовучлаб, остонага борди, эшикни қия очиб мўралади. Елкасига ўт қўйиб келаётган қизча чинор остидан ўта туриб бир лаҳза туриб қолди. Бу қизча ким, нега турибди? Бола эшикни каттароқ очди. Қизча ғичирлаган товушга алаҳсиб қалқиб кетди. Енги калта кўк чит кўйлақ кийиб, бошини қизил рўмол билан танғиб олган узун бўйли, ориққина, қош-кўзлари қонқора бу қизчани кеча ҳам олсдан бир кўргандай эди. Қизча шунақа чўчитасанми, деган маънода қараб:

— Янги қўшнимисан? — деб қўйди.

— Ҳа.

— Оғ ўлиб қопти, — деб чинорнинг илдизига чиқди-да, бўйинини чўзиб настига энгашиди. Мурод ҳам бориб қаради... Ўлиб ётган отни кўриб, юраги яна орқасига тортиб кетди. Кейин ҳамма кўрган-билганларини айтиб берганда қизча ҳам ҳайрон қолиб:

— Ҳа, адашиб келган, — деб қўйди, — қўрқдингми?

— Бел!

— Алдама,— деди қизча,— кўзларнинг айтиб турибди-ку.

— Нимани?!

— Қўрққанингини-да... отнинг нима?

— Мурод.

Қизча бошларини хиёл қийшайтириб, негадир бирпас қараб турди, кейин кўзларини жавдиратиб жилмайдди. Бола ҳам беихтиёр:

— Узингники-чи?— деди.

— Нафиса.

Қизча нозик-ниҳол кўрингани билан абжиргина экан. Оёғи остидаги ўтти даст кўтариб елкасига қўйди, шипиллаб кета бошлади. Бола эса қизча танаси деворга ёпишиб турган тутли ҳовлига кириб кўздан ғойиб бўлгунча қараб қолди-да, анчагача уш жавдирраган кўзлари-ю, мулойим жилмайгани хаёлидан кетмади. Тўпга яқин ўлган отни икки киши аравага ортиб кетишди. Кўп ўтмай қизча бир коса серқатиқ мастава олиб чиқди.

Кеч кириши билан Муроднинг кўнгли увишиб, томга чиқиб ўтирганда, бобоси: «Бировни боласи ёлғиз чўчмасин», деганига қизча яна ҳовлига кириб келди.

— Вой... сенмисан?

Мурод чўчиб қаради. Қаради-ю, кўзларини каттакатта очганча, пастда киприк қоқмай турган қизчани кўриб хижолатдан қўрғоннинг тоmidан йиқилгудек бир аҳволда нима қилишини, нима дейшини билломай қолди. Ана холос, тентак, шу юрак билан ўғил бола бўлиб юрибсанми, деса нима важ топади?! Қиз бола борки ичи ғуж-ғуж гап, ҳаммага ёйиб юрса-я? Мурод то эс-ҳушини тўплагунча, қизча шўхлик билан торгина елкасида илиниб турган кичкина нимчасини силкитиб, нарвондан чиқди. Боланинг рўпарасига чўққайиб, кулди.

— Ҳой, нега томда ўтирибсан?

Бола довдираб, дилидаги қурғурни қандай қилиб тилга келиб қолганини пайқамай қолди.

— Қўрқмайсанми?

Қизча аввал ажабланиб болага бир қараб қўйди. Кейин оппоқ садафдай тишларини кўрсатиб жилмайдди-да, бола қай маънода сўраганини туппа-тузук тушуниб турган бўлса ҳам кулгига олиб:

— Вой, нега қўрқай,— деди,— ёмон болага ўхшайман-ку.

Бола лабини тишлади. Асли-ку, қоронғида юргани қўрқмайсанми, деб сўрамоқчи эди, шуни ҳам эплаб айтолмади. Аммо шундай бўлса ҳам негадир қизчанинг гапига кўнглининг аллақадери жуда-жуда ғалати шувиллаб кетгандай бўлди. Қизча эса ўзининг ҳазилидан ўзи чўчиб:

— Вой, қара!— деб юборди-ю, топган баҳонасига



ўзи ҳам маҳлиё бўлиб қолди. Ой ҳаволаниб, сямёғочлардаги чироқлар хиралашган, ҳаммаёқ, ҳамма нарса аллақандай улуғворлик билан жимгина мудрар, фақат қишлоқ этагида бўр сургандай оппоқ оқариб турган сойнинг ора-чора шовуллашигина қулоққа чалинарди. Олис-олис қир-адирдаги йўлларда машиналарнинг милтираган чироқлари кўриниб қолар, анчагача йўқолиб кетар ва кейин яқиндаги адирдан ўрмалаб, кўз қамаштирганча катта йўлга бурилиб кетарди.

— Кечаси билан тинмайди-я!

— Нима?

— Машина-да!

— Нега?

— Буғдой ташияпти-ку,— деди Нафиса,— қирга борсанг кўриб келардинг.

Мурод ҳам шунга афсусланиб ўтирган эканми, билинар-билинмас хўрсинди.

— Биламан,— деди Нафиса ачиниб.

— Нимани?

— Нега боролмаганингни-да.

— Қаёқдан биласан?

Нафиса бошини ғалати чайқаб қўйди.

— Биламан, ҳамма-ҳаммасини биламан.

— Яна нимани биласан?

— Даданг, директор, анави... Мирҳалим аканинг нега кетишганини ҳам!

— Нега кетишган?

Қизча қошларини чимириб:

— Узингга яраширгина экансан-а,— деди.

— Нега?

— Алдаб-суллаб, ҳаммасини билиб олмоқчисан!

Мурод кулди.

— Майли, билсанг била қол,— деди Нафиса, аммо негадир дарров фикридан қайтди,— йўқ, ҳозир айтолмайман, кейин айтаман... Ҳой, нега анави Мирҳалим аканинг ўғли келса эшик ҳам очмаяпсан-а?

Мурод кеча уларнинг уйидан қайтиб келганда эшик тақиллагандай бўлган эди, кетма-кет ўша келган эканда, деб ўйлади. Аммо қизча жавоб ҳам кутмай:

— Вой,— деб юборди бирдан сакраб туриб,— буёққа нега чиққанимни унутаёзибман-а, юр!

— Қаёққа?

— Юр, бобом чақиряптилар, юр.

Нафисанинг таклифига Мурод ийманиб нима қили-

шини, нима дейшини билолмай қолган эди, у нарвоннинг ярмига етмай тап этиб пастга сакраб тушди-да:

— Вой, ҳамма гапинг тил учнда экан,— деди бош чайқаб,— кечқурун юргани қўрқмайсанми, дейсан-у, жилла бўлмаса кўчагача кузатиб қўйишни ҳам билмайсан-а?

Мурод эса ҳа, муғамбир, ҳа айёр, боя ўзингни гўлликка солиб мени лақиллатган экансан-да, деганча шоша-пиша нарвондан пастга туша бошлади...

Тўртинчи боб

Ҳали кун ёйилмай сув ташийдиган бочкали арава кенг адирнинг ўртасидан, илонизи йўлдан ўрмалаб борарди. Йўл олис, сувни бир печа қир-адирдан ўтиб, тоққа яқин Ширинбулоқ деган жойдан олиб келиш керак. Бориб-келиш ярим кун, икки қатналса бир кун кетди, деган гап. Шунинг учун арава мингап, сочинин устарада олгани учун боши артилган тухумдай ялтираб турган, бир-биринга туташ қалин қошлари остидаги маъноли кўзлари тийраккинча бола отни ўз ҳолига қўйганча тизгинни ёнига ташлаб, бочкага бемалол суяниб ўтириб олган. Арава беозор силкинади, бола зангори уфқнинг гардишига сингиб кетган бу жойлардан кўз ололмайди; олис-олисда қанот қоқмай ювошгина сузиб юрган анави бургутнинг назарида от-арава бамисоли чумолидек бўлиб кўринса керак. Унда-бунда офтобда қовжираган ўт-ўлап, янтоқлар бирдан шитирлаб қолди. Бола алаңлаб қарайди. Аммо нималигини билолмайди. Юмронқозиқмикин-а, ҳа, шунақа шекилли, ана, катта туп ажриқнинг ёгинасида янги ўйилган бир ҳовуч тупроқ дўппидай дўппайиб турибди. Кундузлари бу жойларда жон асари йўқдек. Аммо кечалари у ер-бу ерда алланарсалар мунчоқдек йилтираб кўзга илинади. Бир-бири билан басма-бас ўйнаган чирилдоқларнинг овози-ю, аллақандай жониворларнинг сира бир-биринга ўхшамаган минг бир хил товушлари ҳаммаёқни тутиб кетади. Тонг отиб, кун ёйилиши билан яна ҳаммаёқ сув қуйгандек жимжит бўлиб, поёни йўқ бу жойлар хувиллаб қолади, ажаб, ғалати дунёси бор экан бу жойларни!.. От ҳам паст-баланд жойлардан қатнайвериб ўрганиб қолган шекилли, бошларини бир меъёрда силкитиб, унча ҳам шошилмай, эгасига ҳам, ўзига ҳам унча озор бермай бамайлихотир қадам ташларди. Йўл олис, ҳали тушлик-

ни ҳам аравада қилади. Ана, катта похол қалпоғининг остида, кичкина термосда чой, шилдироқ қоғозда нон, пишлоқ, бир-икки бош узум, бу нарсаларнинг ҳаммасини ғамлаб қўйган ҳам ўша. «Ўша», унча хунук ҳам эмас, унча чиройли ҳам эмас, аммо истараси иссиққина қизча эди. Синфда Мелиқўзи деган бола бор. Дадаси билан ойини иш важидаи шу қишлоққа кўчиб келишган. Ҳозир ота-онаси ҳув анавн қоялари оппоқ қорга чулганган чўққили тоғнинг орқасида. Бир гуруҳ геологлар билан кон қидиришяпти. Ўша Мелиқўзи бир кунн «ўлай агар, шу қизини-чи, кўзининг шайтони бор», деб ҳаммани кулдирган эди. Қизча дуркунгина, қорачадан келган, сийрак қош, чўзғиш юзининг чап томонида мошдекки-на холи ҳам бор, оти ҳам унақа-бунақамас, Холпошша. Мелиқўзи айтгандай бу қизчанинг ҳамма жозибасининг ана шу кўзларида эди. Одамнинг бетига сира тик боқмасди. Қарагудек бўлса ҳам шундай бир мулоим, шундай бир маъсум нигоҳ ташлардики, унча-мунча бола унинг қарашига тоб беролмай қоларди. Ўшанда Мелиқўзи тегажаклик қилиб (тағин қачон денг-а) математикадан имтиҳон топшираётганида доска артадиган латтани чўнтағига яшириб қўйган экан. Қизча навбатчи эди. Бир нарсага алаҳсиб ҳовлига чиқиб келса, латта ўлгур жойида йўқ. Шунда орқа партада бошини китобдан кўтармай ўтирган Мелиқўзига секин бир қараган эди, Мелиқўзи демаганлар қандай қилиб ўрнидан туриб кетганини-ю, оёғининг учида юриб келиб чўнтағидаги латтани олиб жойига қўйганини ҳам пайқамай қолди. Имтиҳондан кейин болалар Мелиқўзини ўртага олишди: латтани яширганнинг нимаси-ю, яна кўрқа-писса жойига қўйганинг шимаси, деб тоза калака қилишди. Мелиқўзи уф тортиб:

— Бир гап айтайми,— деб қолди.

— Айт,— деб чувиллашди болалар.

— Ўзига етказмайсанларми?

— Йўқ, айтавер, ўзи йўқ-ку!

— Бу қиз бир кунмас бир кун ё катта фолбин бўлади, ё катта ёзувчи!

— Нега?!— деди Мунира.

— Икковида шунақа... кўз бўлмаса фолбин қандоқ фол очади-ю, ёзувчи нимани ёзади.

Кулги кўтарилди. Нафиса кўзлари ёшлангунча кулди. Отақўзи пакана, бақалоқ, унча-мунчага тишининг оқини ҳам кўрсатмайдиган бола, аввал Мелиқўзининг

одатдаги ҳазил-ҳузули, деб бирпас анграйиб турди, кейин чиппа-чип айтаётганини кўриб, бирдан қоринини чангаллаганча ҳовлига чиқиб кетди. Хуллас, келажаги ё катта фолбин, ё ёзувчи бўлиши олдиндан аниқланган ўша қизча сабаб бўлмаса Мелиқўзи ўла қолса ҳам қирга бормас эди. Уша куни ҳамма гуриллаб машинага чиққанда Мелиқўзи юкнинг машинага ташлаб ўйлаб қолди: дадаси билан оинсининг олдига — тоққа борсинми ё мапавиларга қўшилиб қирга жўнасинми? Минг қилганда тоғ бу тоғ, салқин, шабада, арчаларнинг остида маза қилиб ётса ҳам бўлади, ўтирса ҳам бўлади. Ҳафсаласи келса ов қилади. Қирда нима бор, несиқ, жазирама, бу ҳам ҳолва, паст-баланд жойлардаги комбайн ташлаб кетган буғдойни бел қайиштириб ўриш керак, Мелиқўзи бола бўлиб ўроқ ушламаган бўлса, йўқ, тоғ яхши, деб боришдан бормаслиқни афзал билиб машинадаги юкка қўл чўзганда Холпошша гуж бўлиб ўтирган қизларнинг орасидан:

— Ҳа?!— деб қўйган эди. Мелиқўзи машинага қандай сакраб чиққанини ҳам билмай қолди. Бунини кўриб қизларнинг тоза жағи очилди.

— Холпош!— деди Муниса.

— Ҳа.

— Нима бало, сени меҳригнёҳинг борми?

— Нега ундай дейсан?

— Бир қарашда Мелиқўзини шундоққинча машинага ўтқизиб қўйдинг-а.

— Уинсини билмадим-у,— деди Холпошша,— аммо кўзимнинг шайтони бор.

— Вой, одамни кўзида ҳам шайтони бўларканми?— деди Муниса, жўрттага.

— Бўларкан, Мунис, бўларкан,— деди Холпошша ва қизларнинг орасидан ўтиб шундоқ Мелиқўзининг рўпарасида чўққайди,— ҳозир Мелиқўзининг кўнглига қирга борма, тоққа бор, деб шайтон васваса солдими, йўқми айтиб берайми?

— Қайқдан биласан?— деди ўтакаси ёрилиб Мелиқўзи. Қап-катта бўлса ҳам шўхлиги қолмай синфнинг эшигидан кирса деразасидан чиқиб юрадиган боланинг попуни пасайиб, ҳамма шарақлаб кулди. Мелиқўзи лабларини тишлаганча кўзларини қаерга яширишни билмай қолди.

— Сен-чи?!— деди бирдан Холпошша ўдағайлаб,— сен мени фолбин бўлишимни қаердан биласан-а?!

Мелиқўзининг юраги ҳазилакам шувилламади.

— Мунча, ҳой, мунча ёпишдинг,— деди Санобар, қоқвошгина, сичқоннинг думидай калта сочлари қулфининг остидан дикқайиб турган қизча,— ёзувчи ҳам дебди-ю, ке, қўй, фолбин бўлмасанг катта ёзувчи бўла қол.

— Майли!— деди Холпошша бир оз юмшаб,— аммо билиб қўй, бировнинг ғийбатини қилиш, ойнани порточкасида осилиб ётишдай осон нарса эмас.

Яна кулги кўтарилди.

Машина аллақачон қишлоқдан чиқиб, паст-баланд қир-адирдаги сўқмоққа бурилмаганда Мелиқўзи шу топда ўзини таппа ташлаб қочишдан ҳам тоймас эди. Негаки, Холпошша деразанинг дарчасини эслаганида, гап бор эди. Бир куни Мелиқўзи хоҳласам дераза уёқда турсин дарчадан ҳам туша оламан, деб болалар билан гаров ўйнаб қолди. «Бўлди, гапингга ишондик», деб ҳай-ҳайлашига ҳам қарамай дераза тоқчасига чиқди. Бошини дарчага секин суқиб кўрган эди, қийналмай ўтди, демак, бош сиққан жойдан гавда ҳам ўтади! Мелиқўзи абжиргина эди. Икки қошининг ўртасига тушиб турадиган бир тутам сочлари хурпайган, доимо кўзларининг ўйнаб туриши унинг беқарор табиатидан далолат берарди. Ана шу беқарорлиги бу гал ҳам устун келиб, дарчадан ўтишга ўтди, аммо ярим белига келганда ташқарида ушлайдиган нарса бўлмаганига лапанглаб осилиб қолди. Бу-ку, майли, шу пайт илмий мудир Мирҳалим ака колхоз раиси — бўй-басти паҳлавонларшикидай, шопмўйлов, қўйкўз, офтобда юравериб қорайиб кетган юмалоқ гўштдор юзли Икромжон ака билан машинада мактаб дарвозаси олдига келиб тўхтаган эди. Раис шофёр ушламас, машинани ўзи ҳайдарди. Афтидан, илмий мудир то кела-келгунча, ўзининг таъбирича, «одамнинг умрини узайтирадиган яхши-яхши гаплардан» айтиб келаётган экан, шекилли, деразада, йўғ-е, дераза дарчасида қоқ белидан осилиб ётган болани кўриб, ҳар икковининг қай аҳволда қолганини тасаввур қилиш унча қийин эмас эди. Мирҳалим ака туша солиб, икки қўлини белига тираб ҳайкалдек туриб қолган раиснинг орқасига биқиниб олди. Раис обдан томоша қилиб бўлгач:

— Баракалла!— деди, у уёнига-буёнига бир-бир қараб, аранг Мирҳалим акани топди,— анави шайтон кимнинг боласи бўлди, домла?

Мирҳалим ака худди раиснинг қўлтиғидан чиққандай мўралаб:

— Улуғ,— деди қўллариини кўксига қўйиб,— бу ўзимизнинг Абулқосим аканинг ўғиллари... геолог-разведканинг бошлиғи, кўп оқилу кўп серғайрат бола. Аммо... камини ғоят ҳайратдаман, бу бола унақа эмас эди...

Бошини чайқаб, раис одатдагидек қадамини бир қулоч-бир қулоч ташлаб дарвоза томон юрди. Мирҳалим ака майда, юмшоқ қадам билан дам уёнига-дам буёнига аранг қувиб ўтиб, йўл бошлаб бораётган жойда ичкаридан иккита бўш пақирни кўтариб мактаб қоровули Қамбар ота чиқиб қолди. Раисга кўзи тушиб, ўзини четга олди.

— Ота, анави дорбозни дордан тушириб қўйинг,— деди раис остона ҳатлаб. Аммо қайси дорбозни қайси дордан туширишни билмай чол ҳайрон бўлиб турганда, раис билан орқама-орқа ҳовлига ўтган Мирҳалим ака қайтиб чиқиб деразага ишора қилиб кириб кетди. Раис мактабга ҳадеб келавермас эди. У-бу гапи бўлса ё телефон қиларди, ё олдига майда-чуйда юмуш билан кириб турувчи Мирҳалим ака орқали айттириб юборар эди. Унинг тўсатдан кириб келиши, Мелиқўзининг дарчага осилиб ётиши ғалатиноқ эдики, бунинг сабаби директорнинг кабинетига кирганда аниқ бўлди. Раис истиқболига турган директорга «ўтираверинг», деган маънода қўл силкиб, нари борса беш-олти одам бир амаллаб сиғадиган ним қоронғи пастак кабинетни уёғига-буёғига бир-бир қараб туриб қолди. Ўзи сиғмас инига, ғалвир боғлар думига, кабинетнинг сағал кам ярмини эгаллаган диванга оғир чўқаркан, бунга бало борми, дегандай миёғида кулди.

— Жой йўқ,— деди директор хижолатомуз,— шундоқ нарсани чанг бостириб омборга ташлаб қўйгани... яна увол.

— Увол,— деди Мирҳалим ака,— камини ҳам Бўрижонни қўллаб-қувватлайман, увол.

— Нега?!— деди раис кинояли кулиб Мирҳалим акага қараркан,— бирон синфга қўйиб беринг домла, болаларингиз деразага осилмай устида сакраб ўйнасин!

Оббо, кираётганда битта-яримта боланинг шўхлигини кўриб қолганми, аммо заҳарханда билан айтилган бу гапнинг асл маъносини директор дарров пайқаган эди: раиснинг хоҳишига қарши залдай ўқитувчилар хонаси билан олди қабулхона, ичи ҳам бунга қараганда

икки-уч баравар катта, ҳашамдор кабинетни турли-туман тўғарақларга бўшатиб, буёққа ўтишган эди. Унинг шаъмаси шунга эди.

— Биласиз-ку...

— Биламан,— деди директорнинг гапини бўлиб,— аввало мактаб деган нарса кабинетдан бошланади!

Бўрижон ака мулоим кулди.

— Сиз ҳақсиз, Икромжон ака,— деди иложи борича босиқлик билан,— аммо манави зах, қоронғи, қишда ҳам жилла илимайдиган хонадан кўра ўша кенг, ёруғ, муҳими, битта-яримта бола шамоллаб-нетиб қолмайдиган жойда машғулот ўтиш, ўқитувчига ҳам қулай, боланинг ҳам руҳини ўстиради, деб бамаслаҳат шу ишни қилган эдик.

— Кечирасиз,— деди оҳиста томоқ қириб Мирҳалим ака,— маслаҳатда камина бетоб эдим.

— Дарвоқе,— деб қўйди директор совуққина,— нимаки қилган бўлсак, шарт-шароитни яхшилайдик деб...

— Мен ҳам қўл қовуштириб ўтирганим йўқ,— деди раис,— шарт-шароитни яхшилаш деб, домлаларингизга бир эмас, колхознинг учта янги уйини олиб бердим!

— Раҳмат.

— Шу жумладан,— деб қўшиб қўйди раис,— ўзингизга ҳам.

Бўрижон ака ҳозир шуни писанда қилмаса, деб кўнглидан ўтказган эди, ўйлаганича бўлди, ўзини ноқулай сезиб, кенг, ажиндор пешонасини уқалаб:

— Миннатдорман,— деб қўйди секин.

— Мен миннатдорчилик эшитай, деб айтганим йўқ,— деди раис, аслида ўша саноқ орасида директор ҳам бор эди, уни алоҳида бўрттириб кўрсатиши шу топда ўзига ҳам ноўриндай туюлди,— сирасини айтяпман, ука, сирасини айтганинг захри йўқ.

— Тўғри айтдингиз, Икромжон ака, сирасини айтганинг захри йўқ,— деди Бўрижон ака,— колхоздаги учта мактабдан уй-жой билан энг кам таъминлангани бизники. Шу сабаб баъзилар мактабни ташлаб ҳам кетди.

— Масалан, ким?!

— Масалан,— деди Бўрижон ака,— тиш доктори!

Икромжон ака кулди.

— Э, қўйинг ўшани, ҳафтада битта тиш суғурадими, йўқми!

— Бола азиз,— деб гап бошлаган жойда раис унинг сўзини қўпол бир оҳангда бўлди:

—Одоби ундан азиз, ука!

— Балли, улуғ, ҳақ гап айтдингиз,— деб қўйди Мирҳалим ака ҳам,— одоб, тарбиянинг ўзаги — одоб, каминна ҳам шундай деб биламан!

— Мен-чи?— Бўрижон аканинг рўйирост энсаси қотди.— Хўш, бошқалар қандай деб билади, Мирҳалим ака?!

— Бошқаларни билмадим-у,— деди раис тишини-тишига қўйиб, шопмўйлови ғалати силкиниб кетди,— аммо сизни қандай ўйлашингиз ҳам, бераётган таълим-тарбиянгиз ҳам беш қўлдай аён!

У этигининг қўнжидан икки буклоғлик кўк дафтарча олиб столга тап этиб ташлади, ўрнидан турди. Директор ҳам шошиб қўзғалди. Аммо яна қолаверинг, дегандек қўл силтаб кабинетдан бир ҳатлаб чиқиб кетди. Бўрижон ака ажабланиб дафтарни олди. Муқовасига, ичидаги ёзувга бир-бир кўз ташлаб, раис алланарсадан ранжиган аҳволда тўсатдан келишининг сабабини энди фаҳмлагандай бўлди. Ҳа, ҳамма гап буёқда экан-да!

Раис боягидай бир қулоч-бир қулоч қадам ташлаб кўчага чиқди. Машинага ўтиришдан аввал Мелиқўзи осилиб ётган деразага бир қараб олди. Орқасидан етиб келган Мирҳалим акага ўгирилмай «хўп бемаъни домлаларингиз бор-да», деганга ўхшаш луқма ташлаган эди. Бу нарса Мирҳалим аканинг қулоғига бамаънироқ ўқитувчилар қуриб қолганми, деган мазмунда чалинди. Хаёлига лоп этиб шаҳардаги бир таниши келди. Раис машинага чиққанда, мана кўрасиз, улуғ, ҳаммаси сиз айтгандек бўлади, деган маънода бир эмас, икки қўлини кўксига енгилгина босиб жилмайди... Бутун вужудидан одоб-ахлоқ деган нарса манман, деб ёғилиб турган бу одамни мактабда боридан раис ичида бир оз таскин топиб жўнаб кетди. Э, тавба, шу одам бўлмаса мактабнинг ҳоли нима кечарди?

Раис чиқиб кетиши ҳамон Бўрижон ака яна тутоқиб дафтарчи олди. Вожаб, бу нарса унинг қўлига қандай тушиб қолди? Мирҳалим аками, баъзи бачкана қилиқлари демаса... Ё болаларнинг орасида, йўғ-е, бу ҳам ҳар қанақа шубҳадан холики, боланинг табиати бунақа тубан нарсани ҳазм қилолмайди. Дафтар йўқолган-у, битта-яримта ичидагини ўқиб бирон ҳусумат билан раисга элтиб берганими, бу ҳам Бўрижон акага чўкаётган

одамнинг жон-жаҳди билан сомонга осилишидай бемаъни бўлиб туюлди. Минг хаёлга бормай дафтарнинг эгасидан сўраб қўя қолса-чи, афсус, авваламбор дафтарнинг эгаси ўзининг қизи, қолаверса, бу нарса шунчаки айтишга осон эди; бола-бола, ҳали чиниқмаган мурғак кўнгли-ю, ҳамма нарсани шундайлигича, оқни оқ, қорани қора, деб қабул қилувчи ақл-идроки буларни тушунишга қодирмикин? Ё билмай кўнглига раҳна солиб қўярмикин? Аммо бошқа иложи ҳам йўқ шекилли. Суриштирса... унда бирон ўртоғига шубҳа уйғонса, бу шубҳа ўлгур аслида яна ноўрин бўлиб чиқиб, ўзини ҳам бегуноҳ, ўзгани ҳам қийнаса, азобга қўйса. Беозор муносабатларига соя солса. Бу соя ҳар инқовининг орқасидан умр бўйи эргашиб юрмасмикин? Уйлаб кўрилса, ўзи ажаб олам эканими бола деганларининг кўнгли! Бу ҳаммаси аниқ, жўнгина нарса эмас, очилмаган кўриқдаги яна бир очилмаган кўриқ экан! Мабодо бу ўхшатиш, бу мушоҳада баъзи бировларга кулгил туюлса... ёпирай, шу топда унинг фикр-мулоҳазаларини унча ҳушламаган жами ўша «бирова»лар негадир ягона одамни, яъни Мирҳалим аканинг қиёфасида гавдалангандай бўлди-да, кўнглини айқаш-чайқаш қилиб юборган аччиқ дард-аламда у билан баҳслаша кетди.

— Хўш, сиз нима дейсиз?

— Сиз билмайсиз, улуғ яхши одам.

— Қим у кишини ёмон деяпти?

— У одамнинг манглай тери тўкилмаган бирон қарич жой йўқ қишлоқда,— деб оғзини тўлдириб гап бошлаганда Бўрижон ака сўзини бўлди:

— Биламан.

— Яъни?!— жилмайди Мирҳалим ака.

— Қишлоққа биринчи трактор миниб келганда колхоз кушандалари «шайтон аравангни даф қил», деб ярим кечаси оёғидан чинорнинг шохига осиб, остига ўт қўйиб кетганда ҳам сўзидан қайтган эмас... Ҳозир трактор ҳақидаги бу нарсалар бамисоли чўпчакка ўхшаш, одамни кулгисини қўзғайди.

— Аслида-чи?

— Жасорат эди!

— Балли,— деди Мирҳалим ака,— балли, шунда у киши неча ёшларда бўлган, деб ўйлайсиз?

— Ўсмирлик чоғлари экан, яъни ўн тўрт-ўн беш ёшларда, деб эшитганим бор.

— Ақл бовар қилмайди-я!

— Шундай,— деди Бўрижон ака,— уруш созуриб кетган йилларни мустасно қилсангиз, у кишини бутун ҳаёти мана шу колхознинг ташвиши билан ўтган.

— Шуми?

— Йўқ, мактаб биносига биринчи ғишт қўйган ҳам шу одам.

— Наинки шундай одамнинг дили ранжиса?!

— Кимдан, нимадан?

Мирҳалим ака пойгакдан туриб рансдан бўшаган диванга бориб ўтирди. Кўзлари маъносиз пирпираб, безоргина жилмайди. Оббо, шу одамнинг беўхшов қилиғи! Агар гап тополмай қолса бир илжайиш билан оппачасонгина қутулади-қўяди. Йўқ, бу сафар дилидагини рўйирост айтмагунча қўймайди, йўқ.

— Нега индамайсиз?

— Камнага бир оз қоронғу,— деб қўйди столдаги дафтарга кўз қирини ташлаб,— аммо ўзингизга аён бўлсамикин.

— Шундайми?— Бўрижон ака асабдан титраган қўллари билан дафтарни тез-тез варақлаб, керакли жойини қидириб топди,— мана эшитинг: «...яқинда қўшни мактабда қишлоғимизнинг донгдор одамлари билан учрашув бўлди. Бизни мактабдан ҳам ўқувчилар таклиф қилишганига йиғилишиб бордик. Ранс буванинг гапларини қизиқиб эшитдик. Аммо бир нарсага — «қишлоқни мен обод қилдим... мен уй-жойни қурдим, мен ҳаммом билан мактабни тикладим», деган гапларга ҳайрон қолиб, то уйга бора-боргунча ўйлаб бордим. Вой тавба, бошқа одамлар нима қилишган экан ё нонсофлар ҳамма ишни ёлғиз ранс бувамларга ташлаб қўйишиб, ўзлари бир чеккада қўлларини қовуштириб ўтиришган эканми-а?! Шундай бўлса керак, шундай бўлмаса ранс бувам «биз обод қилдик, биз қурдик», деб айтмасмидилар...» Хўш?

Мирҳалим аканинг кўзлари олазарак бўлиб:

— Ҳай, ҳай, бу нарсани сиз ўқимадингиз, камна эшитмади,— деди қути ўчиб,— ука... шу ўлгурин ёздириб нима қилар эдингиз?

Бўрижон ака маъносилмайди.

— Мен буни атайлаб қилганим йўқ,— деди.— Баъзи-баъзида эркин иш топириб тураманки, кўзлаган мақсадим: болани мустақил мушоҳадага ўргатиш, қолаверса, бу нарса унинг кўнглини, қизиқиши-ю, одамлар ҳақида мулоҳаза юритишини ўрганишимга ҳам беқиёс

фойдалики, бир маҳаллар буни ўзингиз ҳам педсоветда маъқул кўрган эдингиз.

— Шундай, Бўрижон, шундай,— деди Мирҳалим ака шошиб,— аммо камина ўшанда одоб-ахлоқ чегарасидан чиқмаслик шарти билан сизни қўллаб-қувватлаганман.

— Ажаб!— деб қўйди Бўрижон ака,— ажаб, бирон кимсани камчилиги ҳақида рўйирост мушоҳада қилмоқ беодоблик саналса! Яъни, бола деган катта одамнинг бирон қусурини пайқаса ҳам ўзини пайқамаганга олиб то соқол-мўйловни чиққунча чурқ этмаслиги лозим!

— Балли,— деди Мирҳалим ака,— таълим-тарбиянинг минг йиллик дастурамали бор: домланинг каломи фарз...

Бу гап Бўрижон акага нашъа қилди.

— Йўғ-е,— деди,— бўлмаса айтинг-чи, ҳаёт-мамот ҳал бўлаётган жангда «сўнгги қонимиз қолгунча курашайлик», деб ҳаммадан аввал ўзи жуфтакни уриб қолган саркарданинг қилмиши қандай жазога лойиқ, Мирҳалим ака?

— Улимга!— деди Мирҳалим ака,— шак-шубҳа йўқ: ўлимга!

— Нега?! Нега сиз уни ўлимга маҳкум этасиз? У ҳам «айтганимни қил-у, қилганимни қилма», қабилида иш тутмадимми?

— Каминанинг назарида андак муболаға қилдингиз, ука,— деди Мирҳалим ака,— жанг бошқа-ю...

— Тарбия бошқами?— деди Бўрижон ака,— аммо ҳар икковини муштарак қилган нарса бир эмасми; шахсий намуна!

— Ҳар тўқисда бир нуқсон,— деб қўйди Мирҳалим.

— Ҳа, яшанг, «ҳар тўқисда бир нуқсон» деб ўзимизни овутамиз, ўзимизга ўзимиз баҳона топамиз-у, оғирликни чиниққан, ҳаёт кўрган елкамизга эмас,— деди Бўрижон ака,— боланинг мўрт елкасига юклаймиз. Яъни, кўзингни юмиб айтганимни қилавер-у, аммо ўзимни қанақалигим билан сира ишинг бўлмасин!.. Ҳамма бало шунда эмасмикин-а!

— Жилла ундай эмас-е, Бўрижон ака,— деди Мирҳалим ака,— мен демоқчиманки, бола менга ишопса, мен уни сўқмоқлардан ҳаёт деб аталмиш катта йўлга елкамда беозор ўтказиб қўйсам.

— Хўш, кейин-чи, у шўрлик, кейин умр бўйи кимнинг елкасига миниб юради?!

— Э, хотирингиз жам бўлсин, ҳаётнинг ўзи бамисо-

ли коптокдек юмалатиб олиб кетаверади, Бўрижон, ўёғининг сира ташвишини тортманг.

— Вожаб!— Бўрижон ака ёқасни ушлади.

— Хўш, ўзингиз-чи, Бўрижон, ўзингиз нима истайсиз?— деди довдираб Мирҳалим ака.

— Менми?!— Бўрижон ака узоқ хаёлга берилиб, аллақандай ички бир дард билан гапира бошлади,— мен дағал, бесўнақай, аммо бақувват шохларини кенг ёйиб ўсаётган бўлгуси азамат чинорни ёшлигида шох-шаббасини кертиб-йўниб, ҳар қанақа шабадага ҳам эгилаверадиган хипча, бежирим, чиройли теракка айланишини истамайман. Йўқ! Чинор чинорлигича ўсаверсин!.. Менинг орзуим: бола ишонса, аммо бу кўр одамнинг, оламнинг жамолига маҳлиёман, деб ўзини-ўзи алдаган ёлғон ишончига ўхшамаса! Сўқмоқлардан болани жонсиз буюмдай елкамга қўйиб эмас, ўша ҳаёт деб аталмиш катта йўлга етаклаб олиб борсам. Боя мен шахсий намуна деганимда, мунча чўчидингиз, бу ирода, қунт, чидам бўлса сиз ўйлаганча мушкул нарса эмас-ку! Бола сизга бир қараса, ҳар куни унинг назари билан сиз ўзингизга минг қаранг, ҳа, ҳа, шунда бамисоли балиқ билан ҳалқумингизни ҳалоллаб тургандек бўласиз-у, шахсий намуна, деган балодан асло чўчимайсиз... Одамлар борки, болалигида вулқондай отилиб туради.

— Бунақалар билан ҳазиллашманг, ука, ҳазиллашманг, етаклаган қўлингизни куйдириб қўяди.

— Майли!— деди Бўрижон ака,— ёнсин, ёндирсин, кулсин, кулдирсин, йиғласин, йиғлатсин, ёпирай, оламда шунақалар бўлмаса, одам боласи фазога бугун эшак миниб чиқармиди?!

...Эшикнинг оҳиста очилиши Бўрижон аканинг хаёлларини жойига қайтарди. Бўлиб ўтган кўнгилсизлик туфайли кўп азият чеккани қиёфасидан кўриниб турган Мирҳалим ака оёғининг учига остона ҳатлаб шундоққина пойгакдаги бояги жойига омонатгина ўтирар экан:

— Товба,— деб қўйди,— ким шу ишни... қилган бўлсайкин-а, Бўрижон, камини изтиробда қолдим.

Бўрижон ака ялт этиб унга қаради.

Катталар орасидаги кўнгилсизликлардан бирон боланинг хабари бўлмаган бўлса ҳам, аммо дарахтнинг барги шамолсиз силкинмагандай, бора-бора ораларида ғалати муносабат пайдо бўла бошладики, бу айниқса қирга бугдой ўрнимга чиқшиганда билинди-қолди...

Адирдаги сўқмоқда арава миниб бораётган бола

бочкага суянганча ана шулар ҳақида ўйлаб бораркан, сира сабабини билолмас, нега бунақа бўлаётганига тушуниб етолмас эди... Шу топда мактабнинг янги машинасида қирга келаётган Бўрижон ака ҳам ташвишда эди, нима гап, нима бўлди?!

Бешинчи боб

Кўлоплаб сепилган сувнинг салқини юз-кўзларига урилиб, Мурод бир лаҳзагина остонада тўхтаб қолди. Ховли каттагина эди. Уртадаги гишт йўлакнинг ёнларида ерга бағрини бериб тўп-тўп намозшом гуллар чўғдек ёниб ётарди. Бир томонда беш-олти ариқ помидор, картошка, нарироқда поялари бир-бирига мингашган мак-кажўхорилар пахса деворни паналаб турар эди. Бошқа томонда эса... боланинг кўзлари ўйнаб кетди. У ҳеч маҳал, ҳатто, шаҳар ҳовлиларида ҳам бунақа кўп, ранг-баранг гулларни кўрмаган эди. Ҳар бири пиёладек-пиёладек оқ, сариқ, қизил атиргуллар қийғос очилган, ўрикнинг супага эгилган катта шохидagi осма чироқнинг олачалпоқ шуъласида минг бир хил тоблларди. Ойиси... гулни яхши кўрарди. Дадаси ишдан кейин эринмай бозорга ўтар ва сариқ чарм папкасига, албатта, икки дона атиргул солиб келарди. Эшикдаги қўнғироқнинг тугмачасини босишдан аввал дарҳол гулни авайлаб қўлига оларди. Ойиси шундай нарсани папкага солиб келганини билсам...

Нафиса хаёлни бўлди.

— Ўзим берайми-а?

Мурод маъюсгина жилмайди.

— Йўғ-е... кўп экан-а?!

Нафиса ҳам гулзор томонга назар ташлаб:

— Ҳа, дадам эккан,— деб қўйди оҳиста.

— Даданг гулчими?

Қизча ишдамади. Икковлари олдинма-кейин бошлашиб супа томонга боришаётганда бирдан тўхтади-да:

— Мурод,— деди Нафиса аллақандай бесаранжом бўлиб,— дадамдан зинҳор оғиз очма, хўпми?

— Майли,— деди Мурод тушунмай ва бўшашганча унга эргашди.

Қизчанинг бобосини, агар оппоқ соқол-мўйлаби бўлмаса, бемалол, ўрта яшар киши экан, дейиш мумкин эди. Бу баланд бўйли қотма одамнинг аллақандай меҳр-

шафқат ёғилиб турган кўзларини кўриб, Муроднинг ёт-сираши йўқолгандай бўлди-ю, ўзини енгил ҳис этди. Бобоси гапиришдан кўра эшитиб ўтиришни ёқтирадиган одамга ўхшарди. Негаки: сопол лагандаги ош ҳам ейилди, чой ҳам ичилди, гапирган бўлса икки-уч оғиз гапирди, холос. Узун, ориқ бармоқлари билан дастурхоннинг попугини ўйнаганича болаларнинг гап-сўзларини жимгина тинглар, гоҳ унисининг, гоҳ бунисининг сўзини маъқуллаб кўярди. Орадаги гапнинг мазмуни турлича эди. Дам тундаги номаълум йўловчига бориб тақаларди. Нафиса боя эрталаб Мурод айтган гапларни эслаб, «ҳа, адашган» дер, бунга бобоси ҳам қўшилгандай оҳиста бош силкиб кўярди. Дам қишлоғини мақтаб кетар, дам қирдаги ўртоқларини қўмсаб қоларди. Бола ҳам гап орасида ойисининг болалиги қачонлардир мана шу қишлоқда ўтганини айтганда:

— Бунни қара-я,— деди бобоси,— бу жойлар сенга бегона эмас экан, болам.

Бу гап болага алланечук таъсир этди-да, пича жим қолди, бу жойларнинг бегона эмаслигини ўзи ҳам негандир ҳозир ҳис этгандай бўлди-ю, кўнгли ширин орзиқиб кетди. Бу жойларда ойисининг болалиги қандай ўтган экан-а, қизиқ, тўнтарилган қозондай қорайиб турган анави чинор ўшанда ҳам мана шунақа баҳайбат бўлиб кўринганми унга? Ойиси шу чинор остидан ўтганмикан? Ўтган бўлса унинг сирли шовиллашига қулоқ тутиб, нималарни ўйлаганийкин? Шу пайт рўй берган ғалати бир нарса боланинг хаёлларини остин-устун қилиб юборди. Азамат чинор гўё тўсатдан баҳайбат қора чодирга айланди-ю, оғир-оғир силкиниб, болага қараб сузиб кела бошлади. Йўқ, бу хаёл эмас, аини ҳақиқат эди, бола бир лаҳза киприк қоқолмай қотиб қолди. Қора чодра эса супага яқинлашганда бирдан пастлаб, чунон силкиниб юбордики, ўрикнинг барглари шовиллаб кетди, осма чироқнинг лампочкаси коптокдек сакраб, ҳовли юзидаги сояларни бир-бирига уриб, айқаш-чайқаш қилиб юборди. Бола эса ўтакаси ёрилиб, ўзини чол томонга отганини пайқамади.

— Чўчима, болам,— деди чол оҳиста боланинг елкасидан кучиб,— ўргатилган бургут-ку, болам, чўчима.

— Бургут?!

— Ҳа.

Бола ажабланиб қаради.

— Сиз... ўргатганмисиз?

— Йўғ-е, болам, йўқ, темир қанот пайтида селда оқиб келган... ўғлим ўргатган, ўшанда у ҳам сендай эди чоғимда...

Кейинги сўзни чол шундай маъюсланиб айтдики, қизчанинг кўзлари олазарақ бўлиб қолди. Аммо бола буни пайқамади. Унинг хаёли ошхонанинг томида чўққайиб, бу жойга бегона одам қандай кириб қолди, дегандай чақчайган чўғдай кўзлари билан тикилиб ўтирган бургутда эди. Қизиқ, бир маҳаллар ойиси билган, ўша бургут шу бўлса-я, ҳа-я, нега шу бўлиши мумкин эмас?! Агар чолнинг ўғли Муроддай пайтида қўлга ўргатган бўлса, демак, ойиси ўшанда худди шуни тоғ чўққиларидан ҳам баландда виқор билан учганини кўрган-у, бу қуш мардлик, жасурлик, мағрурлик тимсоли бўлиб, кўнглида бир умр қолганми? Боланинг юраги гупиллаб уриб кетди, шошиб қизчага қаради. Қизчанинг аҳволи аянчли эди. Кўзлари жавдираб, ер остидан бобосига назар ташлади. Бобоси эса кўзларини юмганча узоқ ўтирди-да:

— Унинг ҳам оти... Мурод эди,— деди ва анчадан сўнг оҳиста қўшиб қўйди,— отинг ўхшаса ҳам, умринг ўхшамасин, болам.

Бола алланечук бўлиб қолди. Демак, Нафисани... «оғиз очма», деганида бошқа гап бор экан-да! Аммо шу топда бу бургут боланинг ҳам ёдига онасини солиб қўйди-ю, кўнгли бузилди. Шу топда ойисининг доимо аллалагандай мулойим овозини эшитгиси келиб кетдики... Чол ариққа ташлаб қўйган каттакон шакарпалак қовунни олиб келиб тилимлаганда ҳам унинг кўнглидаги нохушлик тарқамаган эди. Унинг кўз олдидан ойисининг бошини бир оз қийшайтириб кулимсираган қиёфаси нари кетмас, унга соғинч билан термилар, термилган сари қарагиси келаверар, дунёда на тенги-ю, на ўхшаши бўлган бу азиз қиёфани бирдан ғойиб бўлиб қолишидан жуда чўчир эди.

Бобосининг мулойим товуши унинг хаёлини бўлиб қўйди.

— Болам, кундузлари бирпас-яримпас ҳовлидан ўзинг хабар ол, кечқурунлари мен бохабар бўлай.

Бобоси ҳассага таяниб, пастга тушганда Мурод ҳам беихтиёр ўрнидан қўзғалди.

— Вой, қаёққа?— деди Нафиса.

— Ўғлим, даданг келгунча бизникида тура тур,— деди бобоси,— мен борай-чи, мабодо кечаги одам яна

довдираб келиб қолса, ўзим муомала қилай, келмаса кечроқ эшикни ёпиб қайтиб чиқарман.

Бобоси битта-битта эшик томон бораркан, «ким билсин, анави қоровулга тегишли одамми», деб қўйди ўзича.

— Бува,— деди Нафиса,— унда сўраган бўлмасмиди?

— Ҳа-я, буёғи ҳам бор.

Уша тонг саҳардаги ваҳиманинг шарпаси кўпгилга кўланка солиб, боланинг вужуди совуқ жимирлаб кетди, чолнинг гапига рози бўлишдан бўлак иложи қолмади. Аммо, бобоси айтган қоровул ким-у, унинг одами бўлса ярим кечаси нега буларникига келиб юрибди, буёғи унга қоронги эди. Нафисанинг ўзи билган, ё бобосидан эшитган анча-мунча узуқ-юлиқ гаплардан ҳовлининг собиқ эгасининг феъл-атвори тўғрисида бола бирмунча тушунча ҳосил қилгандай бўлди: бу одамнинг па бола-чақаси, уруғ-аймоғи бор, яккаю ягона яқини шу Мирҳалим акаки, уларнинг бамисоли оғаниндек иноқликларига ҳамманинг ҳаваси келарди. Шунинг учун Мирҳалим аканинг унга қилган барча гам-хўрликларига ҳеч ким ажабланмасди. Чол узоқ йиллар колхознинг устахонасида у-бу ишга кўмаклашиб юрди. Ёши бир жойга бориб, куч-қувватдан қолгандан сўнг мактабнинг қоровуллигини олиб берган ҳам Мирҳалим акаю, кейинчалик раиси билан талашиб-тортишиб янги ҳовли-жойли қилиб қўйган ҳам шу одам эди. Аммо уларнинг алоқалари Нафисанинг бобосига қалбакидай туюларди. Авваламбор, бу одамнинг ўтмиши жуда ғалати эди. Узунқулоқ гапларга қараганда, ўрганган кўпгил... дегандай, баъзи қинғир қилиқларини чол ҳали ҳам ташлаган эмас, аммо бу қинғир ишлар нима, қанақа, Нафиса тўла-тўкис билмас, баъзиларини бобосидан, қолганларини эса бошқа одамларнинг оғзидан эшитган эди. Айтишларича, ўша кезлари Оппоқхўжанинг остошасини ялаб-юлқаб, унинг ювидисини шу қадар садоқат билан оқлаганки, Оппоқхўжанинг бадарга бўлишини эшитиб шу одам «вой отам, қайларга ташлаб кетдинг, вой отам», деб катта йўлнинг билқ-билқ тўзиб ётган тупроғига ағанаб-ағанаб йиғлаган экан. Қишлоқнинг қари-қартанглари ҳали-ҳали шу нарсани эслаб қотиб-қотиб кулишарди. Аммо, қайтиб келиб қишлоқда иверсиб юрганда эса, гарданига мушт тушириб, ҳовлисида қайдаган экан. Хуллас, мана шунақа нарсалар оғиздан-

оғизга ўтиб юрди-ю, аммо буларнинг орасида аччиқ бир ҳақиқат бор эдики, Оппоқхўжа даври даврон менники, деб юрган кезлари энг «нозик» юмушларни фақат шу одамга топширади. Бу бетовфиқ ҳам шушдоқ «мўътабар одамнинг ишончи»дан терисига сиғмай, босартусариши билмай қоларди. Молу дунё совурилиб, саман йўрғада гердайиб эмас, эл кўзига эшак мишиб юрган пайтлари ҳам Оппоқхўжа шу бетовфиқнинг қўли билан анча-мунча ғаламислик қилган дейишади. Аммо буши биров кўзи билан кўриб, қўли билан тутган эмас. Уни шундай қинғир ишларидан бири ҳозирда ҳаммага танилган раис бува-ю, аммо ўшанда қишлоққа биринчи бор трактор мишиб келган шалпапқулоқ, нимжон йиғитчанинг қисматига тааллуқли эдики, буни ҳам Нафиса одамлардан чала-пулча эшитган. Ушанда баҳор чоғлари эди. Дам паға-паға булутлар ёпирилиб келиб, шатир-шутур ёмғир ёғиб берар, дам тоғ шамоллари осмонда эски уводадай судралиб юрган булутларни парчалаб, тилка-пора қилиб ташлар, бирдан офтоб ярақлаб қоларди. Каттаю кичик қўш ҳайдаб далага чиққан, яна бунинг устига одамлар «шайтон араванинг» оламини кўтаргудай ваҳимасига бирмунча кўникиб қолган пайтлар эди.

Вақт ярим кечадан ошган. Отхонанинг туйнугидан тушган ойнинг ёруғи баркашдек жойни хирагина ёритар, ҳаммаёқ жимжит, фақат олислардан битта-яримта ҳуриган итларининг овози эшитилиб қоларди. Бола кунбўйи қаттиқ ишлаганига пичанининг устида қўлларини ёнларига ташлаганча пишллаб ухларди. Сағал нарироқдаги от эса охири уер-буерида қолган-қутган чўпхасларни қирсиллатиб, чайнар, баъзан бошини кўтариб ташқарига қараганча узоқ туриб қолар, аллақандай бегона шарпани сезгандай қулоқларини диккайтириб, билинар-билимас пишқириб қўярди. Унинг безовталаниши бежиз эмас эди. Кўп ўтмай туйнукни алланарса тўсиб ўтди. От жон-жаҳди билан депсинди.

Бола чўчиб кўзини очди.

— Уйғоқмисан,— деди аллақандай паст, хириллаган товуш, бола шундагина остонадаги девқомат одамга кўзи тушиб, ётган жойида ҳангу манг бўлиб қолди; бу номаълум одам ким, нега тепасига бостириб кирди-ю, муддаоси нима?! Бола қўли билан таяниб ўрнидан тураётганда девқомат устига қулагандай олдинга ташланди-да, оёғи билан тирсагига бир тепди. Оғриқ

болани суяк-суягидан ўтиб, инграб юборди. От арқонни узиш пайида икки-уч типирчилаб силтанди. Боланинг овозига номатълум одам чўчиб, энгашди. Бошидаги салласининг учи билан оғзи-бурнини тўсиб олганидан бола унинг ўтдек чақнаган кўзларини кўролди-ю, томоғини алланарса жизиллатгандай бўлди. Шундагина бўйинини ачитган нарса пичоқнинг дами эканини пайқаб, товонтовонигача музлаб кетди. Девқомат эса пичоқнинг учини боланинг кекирдагига тираб:

— Овоз чиқарма,— деди яна хириллаган товуш билан.— Жонингдан умидинг борми?

Бола аввал унинг гапларини унча пайқай олмади. Анчадан сўнг бирдан кўнглида умидга ўхшаш нарса пайдо бўлди-да, овоз чиқаришдан чўчиб ётган жойида бош силкиган эди, пичоқнинг учи санчилди. Аммо шундай бўлса ҳам, тишини-тишига қўйиб:

— Бор,— деди пичирлаб.

Девқомат пичоғини қўнжигга солди. Аммо шундай бўлса ҳам бир қўли билан боланинг ишгичка, нимжон бўйнидан ушлаб:

— Яхши,— деди.

Бола унинг муддэ эсига бир қадар тушунгандай бўлиб, ич-ичидан келган совуқ титроқни хийла босиб олди. Девқомат яна энгашди. Унинг кўзлари... шу топда пичоқнинг дамидан ҳам даҳшатли эди!

— Хўш, шайтон арава қани?

— Саройда.

— Қалит?

Бола бошидаги бир боғ беданинг остини тимирскилаб олиб берди. Девқомат эса гўё ростдан ҳам бу ўша саройникими, йўқми, дегандай, қалитни ойнинг ёруғига солиб қарай бошлади, афтидан, муддаоси бошқа эди. У бир қарорга келиб, қалитни қайтариб берди. Барча айтганларини ғинг демай бажо келтириши лозимлигини, мабодо тилёғламалик қилса, оёғидан чинорга осиб, остидан ўт қўйиб юборишини писанда қилиб қўйди. Боланинг, бир лаҳза ўтда ҳаммаёғи жизғанак бўлиб куюётгандай вужуди ловиллаб кетди. Девқомат орқангдан таъқиб қилиб бораман, деб қўшиб қўйди. Унинг айтганлари бир қараганда анчайин нарса эди: бола саройни очади ва «Шайтон аравани» ўт олдириб, кўчага олиб чиқади. Ўз ҳолига қўйиб юборади-да, боши оққан томонга жўнайди. Бор-йўғи шу. Аммо шу арзимас нарсанинг остида қишлоқни ағдар-тўнтар қилиб юборгудай даҳ-

шат борлигини, минг «боши оққан томон»га кетгани билан узоққа боролмаслигини қишлоқдан чиқар-чиқмас гумдон қилишларини пайқаса ҳам, шу топда «кўниш»дан бўлак илож йўқ эди.

Олдинма-кейин отхонадан чиқишди. Бола тиззалари букилиб-букилиб аранг қадам ташларди. Орқага қаргани журъат қилолмасди. Анови эса орқама-орқа келарди. Ой қишлоқнинг тор, эгри-бугри кўчаларини, паст-баланд уйларини аранг ёритар, ҳаммаёқ тинч уйқуда эди. Аммо бир неча дақиқадан сўнг бу осуда дамларнинг қандай фожиага айланишини ўйлаб боланинг вужуди музлаб кетди. Дарҳақиқат шундай бўлиши турган гап эди. Қишлоққа биринчи бор вағиллаб трактор кириб келгандаги сдамларнинг ваҳимага тушгани-ю, анчагача яқинига ҳам йўламай «темир шайтон» ҳақидаги сира бир-бирига қовушмаган нарсалар ҳаммани, ҳаммаёқни ларзага солиб юборган эди. Борган сари «шайтон ғажиган ерда минг йил экин бўлмасмиш, бўлса ҳам еган одамнинг халқуми ҳаром бўлармиш», деган миш-мишлар кўпайдики... буларни на боши-ю, на охири бор эди. Хуллас, минг эшитмай бир кўрган афзал дегандай, лаҳзада бир талай ерни чуқур ва текис ҳайдаши бу миш-мишларни бир оз беқадр қилиб қўйди-ю, яна бошқаси тарқади. Экин-тикинга мўлжалланган ерларни батамом ғажиб, куч-қувватини сўриб бўлгач, «шайтон арава» ярим кечаси қўққисдан гафлат уйқуда ётган одамларга ташланармиш! Шу гапдан кейин баъзилар ҳатто болага ғалати назар билан ҳам қарай бошлашди. Бугун отдан хабар олай деб келганда, орқага қайтгани оёғи тортмай, шу ерда, отхонада тунаганининг сабаби ҳам шу эди: тавба, трактор қандоқ ўз-ўзидан юради-ю, яна бунинг устига одамларга ташланади? Аммо, ҳозир бу миш-мишларда ғаламисларнинг ёвуз нияти борлигини англагандай бўлди-да, бояги совуқ титроқ ўрнига бирдан вужудини ғазаб қоплаб олди. Йўқ, бирон чора изламоқ лозим, аммо қанақа, қандай қилиб, овозининг борича ёрдамга чақирсинми?

— Тўхта,— деди девқомат боягидай паст, аммо ўктам товуш билан,— буёққа қара.

Бола ўгирилди.

Девқоматнинг қўлида пичоқ ярақлаб кетди.

— Кўрдингми? Эллик қадам мўлжалга бехато отман... бор энди!

Бола бу гал боягидай чўчмади, йўқ, аксинча, машъ-

ум ҳодисанинг олдини ололса, ҳатто анави девқоматга кўксини тутиб беришга ҳам тайёр эди. Саройнинг остонасига етганда калласига келган хаёлдан юраги гупиллаб уриб кетди-ю, титроқ қўллари билан отнинг калласидай қулфга калит солди. Дарвозанинг икки қанотиши очди-да:

— Бери келинг,— деди орқасига ўгирилиб.

— Ҳа?!

— Манавини,— деди бола остона ҳатлаб,— манавини орқага итариб турмаса ўт олмайди.

Девқомат шубҳаландими ё анави «шайтон»ни қоронғиликдан бехос сапчиб чиқиб «ташланишидан» ўзи ҳам ҳайиқдими, ичкарига киргани юраги дов бермай эшикнинг панасида туриб қолди. Унинг бу хатти-ҳаракатини гапларимга ишонмади, деган маънога йўйиб:

— Қелаверинг, амаки,— деб қўйди бола,— алдасам қўлинигизда пичоғингиз бор-ку!

Бу гап девқоматнинг иззат-нафсига тегди-да, бироз ёқасидан бўғиб ичкарига судрагандай зўрға остона ҳатлади. Шунда ҳам бир қўлидан пичоғини қўймай, чопонининг бари билан «шайтоннинг тумшуғидан» ушлаб орқага итара бошлади-ю, «шайтон арава» расмана ўт олди. Сарой қулаётгандай ҳаммаёқ бирдан ваҳимали гумбурлаб кетди. Девқомат бир лаҳза қотиб қолди. Трактор сапчиб қўзғалди-да, девқоматни зарб билан туртиб юборди, девқомат гурсиллаб йиқилди. Аммо жон аччиғида эмаклаб ўзини четга олмаганда мажақ-мажақ бўлиши ҳеч гап эмасди.

У остонадан ҳатлаб чунон шайтонлаб қоча бошладикн, бола ҳам трактор билан шунақа қува кетдики... ана шундагина бола чинорнинг панасидаги яна бир отликқа кўзи тушиб, девқоматнинг ёлғиз эмаслигини, унинг шериклари ён атрофда изғиб юрганини пайқади... Бирпасда осуда қишлоқ тўс-тўполонга айланди. Олисолисларда аллакимнинг дод-фарёди эшитилди... Кейинчалик бу нарса қанча гуптиков қилинмади дейсиз. Бари бир натижа бермай, шубҳа шубҳалигича қолаверди. Аммо бу шубҳа шунча йиллар ўтса ҳам раис буванинг кўнглида баъзи-баъзида ўзини эслатиб қўярди. Нега, балки ўшанда чинорнинг панасидаги отлиқни аллакимга ўхшатганигами, ким билсин, буёғи Нафисага қоронғи эди

Мурод ҳуши учиб деди:

— Бобонг ҳам анави одамни шу учун хушламас?

— Йўқ, бошқа сабаби ҳам бор,— деди қизча.

— Қанақа?

Нафисанинг бирдан кўзларида ёш айланиб, кичкина кафтлари билан дарров артиб олди. Аммо кўнгли шунақа тўлиб-тошиб кетдики, ўзини аранг босиб, хўрсиниб юборди. Дарҳақиқат, бунинг сабаби оғирроқ эканини, айтиш эса ундан мушкуллигини пайқагандай бола бу ҳақда қайта сўрамади. Қизча ошхонанинг томида қўқ-қайиб ўтирган қушга қараб:

— Қани,— деб қўйди сўник товуш билан,— мўъжиза бўлса-ю, қуш тилга кирса, бор гапни айтиб бермасми-ди?!.. Ушанда бечора бир кўздан айрилиб келган экан.

— Нега?!

Қизча жавоб бермади.

— Бу қуш... дадамни эслатади,— деди анчадан кейин,— дадамни эсласам, унинг рапидадай кафтлари ёдимга келади. Бир марта кафтига ўтқизиб осмонга кўтарганда юрагим шунақа шувиллаб кетганки... ҳам қувончдан, ҳам қўрқувдан йиғлаб юборганман. Шундан кейин дадам сира бунақа қилмас, эркалагиси келса икки қўллаб елкасига ўтқизарди-да, ҳовлини айлантириб чиқарди. Бир неча бор елкасида тоққа ҳам олиб борган. Қоянинг биқинида супадай ясси тош бор. Ушанга чиқиб олиб, ота-бола бургутнинг учишини томоша қилар эдик. Хўп десанг, сенга ўша жойни кўрсатаман.

— Майли,— деди Мурод.

— Ушанда бобом, ойим, «дод» деб чинқирган. Кейин каттароқ бўлганимда билсам, дадам бургут билан тоғдан келаётганда қузғунлар талаган экан. Бургутни қутқараман деб, жон-жаҳди билан қузғунларга ташланган-у, аммо бир кўздан айрилиб учиб келган, дадам эса...

Нафисанинг кўнгли тўлиб кетди.

— Бу хабарни ўша... қоровул чол олиб келган. Бобом шу-шу уни кўрганда ўша кунни эслаб эзилади.

— У-чи,— деди Мурод,— у қаердан билган экан?

Нафиса ярим киноя билан болага қаради.

— Анови... тутушган амакинг бор-ку, Мирҳалим ака, ўша иккови ов қилиб юрган экан. Улар ҳам олисдан кўриб қолишган экан-у, ўқ узиб ҳай-ҳайлаб югуриб боргунча...

Мурод ажабланди.

— Даданг-чи?

— Нима, дадам?

— Милтиғи бўлмаганми?

— Ҳамма гап шунда-да,— деди Нафиса,— бўлган. Тоққа чиқса доим олиб бораркан. Кейин ўша жойни роса қидиришган, аммо ҳеч қаердан милтиқ топилмаган. Дадамнинг бекорга нобуд бўлиб кетганига бобом ҳали-ҳали чидолмайди.

Мурод боя ғизчани жавдираб «зинҳор дадамдан оғиз очма» деганини ва бобосининг маъюсланиб, «отнинг ўхшаса ҳам умринг ўхшамасин», деган гапини энди тушунди, тушунди-ю, ғалати бўлиб кетди. Шу топда ўз дардини, тундаги ташвишларни ҳам бир лаҳза унутиб юборди. Кўнглида қизчага нисбатан аллақандай илиқлик пайдо бўлди: бу нима, раҳм-шафқатми ё бирон нарса билан қизчанинг дардини бир оз бўлса ҳам енгиллатиш орзусими? Ўзи ҳам билмас, билган тақдирда ҳам буни қандай ва қай йўсинда қила оларди?!

Қизча хаёлини бўлди.

— Мурод!

— Нима?

— Сенга... дадамни кўрсатаймми-а?

Бу кутилмаган гапдан бола нима дейишини билолмай, кўзларини катта-катта очганича қизчага қараб қолди. Нафиса эса жавоб ҳам кутмай ирғиб турди-да, шошганча шиппагини судраб уйга кириб кетди. Анчамунча ҳаяллаб, банди йўқ нимдошгина қора чарм папкани қўлтиқлаб чиқди-да, Муроднинг қаршисига чўккалаб:

— Дадамники...— деди ва авайлаб ичидан бир даста расм олиб хонтахтага қўйди... Мурод қизиқиб энгашди. Расмлар хилма-хил, катта-кичик, баъзи йиртиқлари юпқа хитой қоғоз билан авайлаб ямалган эди. Мурод бирини қўлига олди: баланд бўйли, эғнида фуфайка, бошига телпак кийган қиррабурун, лабининг устига қора қалам билан чизиб қўйгандай ингичка мўйлабли йингитнинг кўзларига қараб:

— Даданг-а!— деди қизчага.

— Топдинг.

— Кўзлари... сеникига ўхшаркан.

Яна бир расмида кичкина Нафиса тош устида бошмалдоғини оғзига солганча мовий осмондаги қушни томоша қиларди. Бошқасида эса ойини, дадаси ва уч-тўрт ёшлик Нафиса бунда ҳам бошмалдоғини оғзига солиб ўтирарди. Бошқалари... эҳ-ҳе, бургутнинг расми шу қадар кўп эдики... Бирида баҳайбат қанотларини кенг

ёйиб учай-учай деб турибди. Яна бошқасида эса кичкина Нафиса қушга нарса беряпти, бирон егулик шекилли. Манавунисида, қойил-ё, бургут эшакка қўнган. Эшакнинг бир ёнида ўн икки-ўн уч ёшлардаги ўғил бола, бола бошылап, сурп кўйлагининг устидан энлик камар тақиб олган.

— Даданг болаликда бошқача экан,— деди Мурод ва яна расмга қаради. Эшакнинг бошқа ёнида эса энги узун чит кўйлакли қизалоқ, унинг иккала кўзи бургутда, ингичка қўллари билан қушнинг қанотларини силаб-сийпаларди; бир-бирига туташ қошлари остидаги шўх, кулимсираган кўзлари... Мурод бир лаҳза қараб қолди, йўғ-е, қотиб қолди. Юрагининг гурсиллаб уришидан энтикиб, суратни бехос қўлидан тушириб юборди.

— Қим бу?!

— Билмадим.

— Нега билмайсан?!

— Вой, қаёқдан билай, мен у вақтда йўқ эдим-ку!

Боланинг вазоҳати ўзгариб, яна суратни олди, унинг қўллари титрарди.

— Мурод,— деди Нафиса ажабланиб,— нима бўлди сенга?

Мурод унинг гапларини эшитмас, эшитиш уёқда турсин олдида ўтирганини ҳам буткул унутиб қўйган эди. Бояги, қўлларининг титроғи вужудига ўтди-да, ўзини туюлмаб қолди. Суратни юз-кўзларига суркаб:

— Ойим!— деб юборди ҳўнграб.

Бола тўлиб-тошиб келаётган кўнглини сира босолмас, аччиқ-аччиқ йиғларди. Нафиса уни овутоқчи бўлар, зўрма-зўраки илжайар, аммо кўзларида айланаётган ёшни пайқамасди. Шу алпозда анчагина вақт ўтди.

— Ойим-ку, ойим,— деди Мурод энтикиб,— демак...

Демак... ойиси, ҳа-ҳа, ойиси ўшанда эртак, деб бор нарсаларни айтган, ўша оққўнғил бола Нафисанинг дадаси-ю, ойиси «билган» ва оғзидан сира қўймаган қуш томда чўққайиб ўтирган анави бургут экан-да!

— Менга қара,— деб юборди Мурод,— тунов куни келаётганимда кўрган эдим, сайҳонда бир жуфт сада бор-а?!

— Бор,— деди Нафиса бўшашиб.

Ҳар икковлари бир-бирларига ҳовлиқа-ҳовлиқа айтганларидан шунақа ажойиб-ғаройиб нарсалар маълум бўлдики, бобоси алламаҳалда қайтиб чиққанда, Нафиса:

— Бобо!— деди ва сакраб супадан тушди-да, қаршисига югурди,— бобо, Мурод, чиндан бегона эмас экан, бобо!

Олтинчи боб

Нафисанинг бобоси эрта билан бир оз оёғимнинг чигалини ёзиб келай, деб чиқиб кетгандан кейин ҳам Мурод бир у ёнига, бир бу ёнига ағанаб анчагача думалаб ётди. Кўчадаги чинорнинг шоҳларида қушлар тиним билмай чиғиллар, яқин орадан ора-чора бедананинг сайроғи эшитиларди. Тоғдан келган майин, ёқимли шабада юз-кўзларини силаб-сийпалаб элитдими, яна ухлаб қолди-ю, кун ёйилганда уйғонди. Урин-кўрпани бир чеккага йиғиштирди. Юз-қўлини ювгани пастга тушганда, Нафиса аллақачон нонушта ҳозирлаб қўйганини пайқади, ариқ бўйидаги стол устида қордай оппоқ дастурхонга ўроғлиқ алланарса қаппайиб турарди. Дастурхоннинг бир чеккасини очиб қаради: сопол-товоқда қаймоқ, ёпган нон, ҳар ғужуми бошмалдоқдек-бошмалдоқдек ҳасайни узум, пахта гулли хум чойшакда чой, чой ҳали иссиққина эди. Мурод иштаҳа билан нонушта қилиб олди. Кўп ҳам ўтмай кўчада машина келиб тўхтагандай бўлди. Мурод то ўрнидан тургунча бўлмаётиб останада ҳовлиққанча Нафиса кўрипти. Қизчанинг кўзлари алаанг-жалаанг, алланечук ҳаяжонда эди. У «тез юр», деди-да, шошганча яна кўчага чиқиб кетди.

Муродларнинг ҳовлиси олдида кўк «Москвич» турарди. Аллаким, аллаким бўлганда ҳам бамисоли эртақлардаги паҳлавондай гавдали, кунинг иссиғига қарамай похол қалпоқини қошларигача бостириб олган киши чинорнинг ердан туртиб чиққан илдизинда туриб нариги томонга — пастликка алаанглаб қарарди. Нафиса бу одамни биласанми, дегандай киши томон ишора қилган эди, Мурод бош чайқаб қўйди.

— Раис бува-ку,— деди пичирлаб.

— А?! Нега кепти?

Нафиса овозсиз кулди.

— Сени кўргани-да, нега бўларди.

Раис бува шу аснода орқага бурилди. Ориққина, шалпанг қулоқ болани кўриб жилмайди-да, қани бери кел-чи, дегандай кўзи билан имо қилди. Мурод яқин борди. Боладан нима бўлгани-ю, отни қаерда чўзилиб

ётганини суриштирди. Номаълум кишининг афт-ангори боланинг эсида йўқ. Унинг йилтираган совуқ кўзлари билан кенг, бақувват елкаси-ю, саватдек ҳурпайган сочлари ёдида қолган эди.

— Елкалари сизникига ўхшаган эди, раис бува...— деб қўйди Мурод.

Раис бува шопмўйловини силкитиб, кулиб юборди. Ҳар бири пон ёпадиган рапидадек катта-катта, дағал кафтлари билан кўзларини арта-арта:

— Оббо сен-ей,— деди,— ҳа, менга ўхшаш бақувват бўлмаса сўлоқмондай отни ёлғиз ўзи судраб пастга юмалатармиди?.. Аммо лаънати умрида от мишмаган одам экан.

— Нега?— сўради ажабланиб Мурод.

— Отни ўлар-тирларига қарамай ҳайдаган кўрипади,— деди раис бува ва чинорнинг пастга ёпирилиб тушган шохларини синчиклаб қарай бошлади.— Ҳа, мана айтганимнинг ўзи! Шох синибди... эсиз, шўрлик от юраги ёрилиб ўлган! Машинага чиқинглар-чи.

Ҳар иккови раис бува бақувват қўллари билан машинани эпчил бошқаришига қараб, орқа ўриндиқда жимгина боришарди. Раис бува эса гўё болаларни унутгандек ўзининг хаёллари билан ўзи овора эди. Шу топда зарурият бўлмаса, ўша одамни сира кўргиси йўқ эди. Нега, не сабабдан, ўзи ҳам билмасди. Аммо ҳар гал унга кўзи тушганда кўнглида пайдо бўладиган аллақандай нохуш ҳис-туйғуларни сира-сира енголмай, анчагача табиати намозшом бўлиб юарди. Баъзида саломига алиқ олмас ё бош қимирлатиб тезгина ўтиб кета қоларди. Мирҳалим ака орага тушмаса ё манави шалпанг қулоқнинг дадасини фавқулодда қишлоққа бошлаб келмаса, раис уни янги уйга кўчиб чиқишига жилла хоҳиши йўқ эди: Мирҳалим ака раиснинг олдидан шаҳарга қўнғироқ қилиб «ука, айниб юрмаиш, тезгина етиб келинг», деб қайта-қайта тайинлаб телефонни жойига қўйгач, кўп бамаъни йигит, туғишганимдан аъло кўраман, келажакда битта мактабни эплай оладиган лаёқати ҳам бор», деб шаъма қилганда негадир раиснинг кўзига жиккак, ўжар мактаб директори-ю, яна ўша кўк дафтар қургур кўриниб кетиб, жаҳл билан «майли», деб юборган эди. Шу баҳона анови одам ҳам янги уй-жойли бўлиб қолганди. Мана энди биров бўйнига арқон солиб судрагандек ноиллож олдига боряпти, бормаслигининг сира иложи йўқ эди; от ким-

ники, ярим кечаси доводи раб эшигини тақиллатиб келган одам ким-у, нега отнинг ўлигини ташлаб қочди?! Атанг, бола болалик қипти-да, жилла бўлмаса кимни йўқлаб келганини билолмабди-да! Суриштирди, от колхозники эмас, ҳатто қўни-қўшни колхозлардан ҳам хабар олдирди, уларда ҳам бирон йўқолган отнинг дарагини билолмади. Демак, шаҳарга яқин колхозники ё бирон таниш-билишиники, балки ўғирланган отдир? Афсус, кеча бунга жилла эътибор қилмаган экан. Ҳамма тафсилотни бугун билиб, аъзойи-бадани сесканиб кетди, гоят таажжубда қолди; отнинг ўлигига озор бериб, нече аллозга солиб, пастга юмалатиб юборишни нима ҳожати бор эди?! Аммо ким бўлса ҳам девдай куч-қуввати бор, бағритош одам экан. Раис буванинг газабини келтирган ҳам ана шу нарса эди. Умуман ҳамма нарсага чидаса ҳам, бирон жониворнинг озорига бардош беролмасди. Айниқса от деган нарса унинг нозик жойи эди, буни қишлоқда каттаю кичик биларди. Яқин-яқингача ҳам машинани гувиллашига сира тоқати йўқ, от минарди. Йўрғасини колхоз отбоқарига ҳам ишонмай, иши бошидан ошиб ётишига қарамай сойга олиб бориб чўмилтирар, ем-хашагига ҳам ўзи қарарди. Машина мина бошлади-ю, шунда ҳам колхоз отхонасига бир кириб чиқмаса, бирон отни силаб-сийпаб қўймаса сира хумори тарқамасди. Мунчалик жониворга меҳр қўйишининг сабаби йўқ эмас эди; кичкина болалигида дадасининг қирчанғи, қашқа оти бўларди. Дадаси уни еру кўкка ишонмасди. Емай едирарди, ичмай ичирарди. Битта қўқон арава айланадиган қўрғонининг ярмига икки ёз лой ишлаб отхона солган, от турадиган жой ўзлари яшайдиган кулбадан яхшироқ эди. Бир қиш от қаттиқ оғриб қолди. Кўзлари соққасидан чиққудай олаиб ҳансирарди. Одамга ўхшаб ўқтин-ўқтин инграб қўярди. Уч кунгача на сувга қаради, на емга. Дадаси уч кечаю уч кундуз мижжа қоқмади. Отнинг олдида ўтириб чиқди. Қўни-қўшни ҳаром ўлмасин, сўйиб юборинг, деб маслаҳат берди. Сўйинш?! Отаси қўлига пичоқ олгунча ўзини бўғизлашни афзал биларди. Кечки пайт, ҳар кунгидай гўжа пишгач, дадасини чақирай, деб отхонага қараса, дадаси отнинг бўйнидан маҳкам қучиб, юзларини юзига ишқарди. Алланарсалар деб эркалаб, юм-юм йиғлар, вожаб, гўё ҳамма нарсага, содир бўлиши мумкин бўлган ҳамма фожиага тушунгандай отнинг кўзларидан ҳам ёш оқарди!.. Ярим кеча эди. Она-бола

чўп-хас билан зўр-базўр илиган сандал четида, пўстакда ухлаб қолишган экан. Дадаси ёш боладай ҳовлиқиб:

— Ҳой, хотин, тур,— деб юборди,— сув ичди от, сув!

Отаси гупиллаб қор ёғишига қарамай бошьяланг, минг бир ямоқ тушган юпун чопонини силкитиб яна отхонага қараб югурди. Қичкина оиланинг катта қувончи ёлғиз шу от эди. Қўрғон томида чучмомалар очилиб, илиқ-иссиқ кунларни нафаси келди дегунча ҳамма далага ҳўкиз ҳайдаса, дадаси от билан чиқарди. Уни эрта кўклам, куз омовга, бутун ёз аравага қўшарди. Шўринг қургур ҳам эгасига ўхшаш тиним билмайдиган заҳматкаш, ювош эди. Дадаси оғир хасталикдан бош кўтармай кўрпа-тўшак қилиб ётганда ҳам тепасида пилик чироқни тутатиб ўтириб чиқадиган онасини юпатиб:

— Қуйма, хотин,— дерди,— бандаси омонат, корхайр бўлса... от бор, от, бировга хору зор бўлмайсизлар, отни эҳтиёт қил.

...Шивалаб турган ёмғир тўсатдан қорга айланди. Ҳаш-паш дегунча қўрғоннинг нураб, туянинг ўркачидай паст-баланд бўлиб қолган деворлари, йўлка, ариқ бўйлари оқариб қолди. Одамлар тобутни кўтариб пилчпилч лой кечиб, қишлоқ чеккасидаги қабристонга яқин қолганда бир нарсани пайқаб ҳайратда қолди: ҳамма ўзи билан ўзи овора бўлиб пайқамаган экан, от арқонни узиб тўданинг орқасидан битта-битта қадам ташлаб борарди! Уни аранг ушлаб келиб жойига боғлашди-ю, шу-шу от безовта бўлиб қолди. На емга қаради, на сувга. Аллақандай шарпани илғаб олмоқчи бўлгандай қулоқларини динг қилиб узоқ-узоқ жим қолар, сўнг бирдан ер тепиниб, жон-жаҳди билан кишнаб юборарди. Бир куни эрта билан отхонага киришса от йўқ, икки қават арқонни узиб қочибди. Она-бола аччиқ изгирип тикандек санчиб турган каллаи саҳардан елиб-югуриб отни изламаган жойлари-ю, сўрамаган одамлари қолмади. Аммо ҳамма умидлари пучга чиқиб, дадасининг мозор бошига боришганда қай кўз билан кўришсинки, от мозор устида бошини эгиб турар... кўзларидан эса ёш оқарди!..

Олисда, икки томони нокзор йўлдан шу томон келаяётган таниш машинага кўзи тушиб, раис буванинг хаёли бўлинди. Хийла яқинлашиши билан тўхтаб, пастга

тушди. Уни кўриб қаршисидаги машина ҳам бирон ўн-ўн беш метр қолганда қалқиб тўхтади. Кабинадан чиққан ўрта яшар, оқ-сарикдан келган чўзиқ юзли одам билан раис бува эски ошнасидай қучоқлашиб кўришди.

Нафиса кафтини оғзига тутиб пиқ этиб кулди.

— Ким?

— Э, сен билмайсан, Мелиқўзи деган бола бор, келганига ҳали кўп бўлгани йўқ, ўшани дадаси!

— Нега кулдинг?

— Ўзим,— деди Нафиса гап чайшаб.

Раис бува билан анави киши икки машинанинг ўртасида туриб олиб шаңғиллаб гаплашарди. Геология-разведканинг бошлиғи ўғлидан дарак бўлмаганига хабар олгани, хўп деса ўзи билан тоққа ола кетгани келган экан. Раис бувадан ҳамма болалар қирда, буғдой ўрнимдалигини эшитиб «майли, тирмизак ишласа, ўзига фойда», деб қўйди жилмайиб. Уларнинг узундан-узоқ гап-сўзидан шу нарса аниқ эди: тоғу тошларни илма-тешик қилиб юборган қидирув ишлари ниҳоясига етай деган-у, ҳозир ҳамма нарса янги йўлга қараб қолган. Бу йўл аслида нарироқдан, икки колхознинг ўртасидан ўтиши лозим экан. Аммо режа ўзгариб, шу колхозни ўзига тушадиганга ўхшаб турганмиш. Бу гап раис бувага мойдай ёқиб кетди. Қалпоғини олиб кафти билан бошини силаб-сийпаб қайта кийди. Унинг бошида бирон тола соч кўринмас, ҳар жой-ҳар жойида пичоқ тилиб кетгандай чандиқ излари қавариб турарди. Раис бува катта, оғир кафтини ҳамсуҳбатининг елкасига қўйди:

— Раҳмат, Абдулқосим ука, шу нарса рўёбга чиқсам...

Киши ён-атрофига бир-бир назар ташлаб:

— Манавилар нима бўлади?— деди нокзор томонга ишора қилиб.

— Э, бу нима экан, ука,— деди қўл силтаб раис,— йўлингизни идоранинг устидан олиб ўтинг, ёнинг десам номард бўлай, йўл-а, йўл, буни тушунмаслик нодоннинг иши!

— Ҳар қалай,— деди киши ўйланиб.

— Бе,— деди раис бува,— менинг сўзим правление қарори, Абдулқосим, ҳа, буёғини қўяверинг... Унда анави тирмизакларни ҳам қирдан олиб келамиз, шу ерда боқишишсин, бари бир у ерда ҳам кўп иш қолгани йўқ, нима дедингиз?

— Узингиз биласиз,— деди Абулқосим ака,— икки-уч кундан кейин катта автобус билан шаҳарга тушаман... майда-чуйда нарсалар қолган эди, қайтишда балки...

— Э, бор бўлинг, ука... мактабнинг янги машинаси ҳам ўша ерда... биргалашиб ола кела қоласизми?

— Майли.

Раис бува хайр-хўшдан кейин кайфи чоғ бўлиб машинага ўтирди. Оламда зап ишлар бўляптими. Йўл-а, йўл, озмунча орзу қилганмиди. Бу нарса колхознинг қанча оғирини енгил қилмайди дейсиз. Ишни яна қойилмақомлигини қарангки, қишлоқнинг асосий қисми янги йўл устида қолади. Ажаб эмас, бора-бора шу жойлардан шаҳарга автобус ҳам қатнаса! Раис бува гурра-гурра автобусга тушиб бораётган одамларни кўз олдига келтириб, ёш боладай ҳапқириб кетди. Шопмўйловини дағал кафтлари билан силаб-сийпаб ширин бир энтиқиб қўйди. Модомики одам боласи кўрган умр билан эмас, қилган яхши-яхши ишлари билан қадр-қимматли экан, «хўш, ҳаётингда нима из қолдирдинг», десалар, фахр билан колхозни ортмоқлаб оёққа турғаздим-у, мана шу йўлни солишга улуш қўшдим, деёлса бас. Негаки, йўл солиш азалдан савоб иш. Раис бува кафтдек текис катта йўлда бўзчининг моқисидай тиним билмай ғиз-ғиз бориб-келиб турган машиналарни ўйлаб, унда ял-ял ёниб ўтирган ҳамқишлоқларини кўз олдига келтирмоқчи бўлиб турганда, бирдан автобуснинг ойнасидан пакана, зўлдирдай қаттиқ, ўжар мактаб директори билан «вой, сиз ишлаганда бошқалар қўлларини қовуштириб ўтиришганмиди-а», деган анави рангпаргина, юзида мошдай холи бор қизчаси кўриниб кетди. Биров бошидан муздай сув қуйиб юборгандай сесканди. Нега ўша нарса хаёлидан кетмайди? Қизиқ, ўшанда кўк дафтарни столига ким қўйиб кетди-ю, шу ишни қайси кўнгилда қилди? Ҳали-ҳали билолмай доғда эди. Мирҳалим ака айтганда, у бечора ҳам кўп ранжиб: «Бўрижонни ғаними бор шекилли, аммо кимки шу номаъқулчиликни қилган бўлса, камини номард деб биламан», деди. Аламинга чидай олмай мактабга борди. Анави пакана директорга қаттиқ-қурум гапирди, дафтарни башарасига отгандай олдига ташлаб ҳам чиқди. Аммо бари бир енгил тортмади. Нега, ўзи ҳам ҳайрон эди. Тавба, битта зумрашанинг ўйламай-нетмай вақиллаб айтганларини кап-катта одам мунча ийлайвермаса! У ким-у, бу ким?

Уша лаънати кўк дафтар кўнглига мунча канадек ёпишиб олмаса! Бир марта... вой тавба, эсига тушса ҳали нашъа қилади: колхоз мажлисига ҳамма йиғилган, райком вакили ҳам шу ерда. Масала жиддий: шаҳарни мўл-кўл мева билан таъминлаш ҳақида эди. Раис бува чунонам тўлиб-тошиб гапираётган жойда залнинг этагида, ғира-шира қоронғида анави холдор қизча ишшайиб ўтирганга ўхшади-ю, бирдан ўзини тутолмай:

— Мажлисда болага пишириб қўйибдимми?!— деб юборганди, ҳамма гуриллаб орқага ўгирилди. Аллаким ўрнидан туриб залнинг этагидаги чироқни ёқиб юборди, нимжонгина аёл — ферма бошлиғининг хотини экан! Кейин «раисимизнинг кўзларига бола бўлиб кўринадиган барча нимжон одамлар мажлисга кирмасин», деб ҳар чекка-чеккада кулиб юришди. Бу нарса ўлгур ўзининг ҳам ҳазилакам кулгисини қўзғамади. Уйга келиб ҳам анчагача ўзига-ўзи нашъа қилиб ўтирди. Сағал кам ярмидан кўпроқ жойига атиргул экилган ҳовлида қуруқ аравани шалдиратиб судраб юрган беш яшар набираси ҳам бобосининг сўрида жилмайиб ёнбошлаб ётганини кўриб:

— Бобо,— деб бошмалдоғини оғзига солганча сўрининг олдида ажабланиб туриб қолди,— нега куласиз?

— Ўзим, қизим, ўзим, мен ҳам сенга ўхшаб ёш бола бўлиб қопман.

Боланинг бобосиникидек қийиқ кўзлари олча данагидек юмалоқ бўлиб кетди. Вой, кап-катта киши ҳам бирдан ёш бола бўлиб қоларканми-а?! Шунини овқат сузаётган бувисидан сўрагани аравани шалдиратганча ошхонага югурди... Сира ўйламайман дейди-ю, лекин бирон нарсадан кайфи чоғ бўлиб турса ўша кўк дафтар лоп этиб кўзига кўринаверади, тавба, ичидаги гапи қургур ҳам жумлама-жумла кўз олдида! Зумраша, ўзингдан каттанинг ғийбатини қилгандан кўра хатингга, қара, хатингга, биринчи синф боласиникидай ажи-бужи, шунча йил мактаб кўриб ўрганган ҳуснихатингга балли-е!

Янги қишлоқ ҳавас қилса арзигулик жой бўлган эди: тош терилган кўчанинг икки бетида мирзатеракларнинг барглари шовуллаб тоғ томондан келаётган шабадада учлари майин силкинади. Олди пешайвон, тунука томли қатор-қатор оппоқ уйларни ён-берларида оқ, сариқ, қизил гулларга кўз қамашади. Унда-бунда осилиб ётган ҳар донаси пиёладек-пиёладек қип-қизил апорлар аҳён-

ахён кўзга ташланиб қолади. Қараса бу жойларда анор ҳам бўларканми, деб қўйди раис бува. Кўча томони пастак ёғоч панжара билан тўсилган бир ҳовлида оқ шафтолининг шохлари эгилиб, синай-синай деб турарди. Раис бува айвонда оёғини осилтириб ўтирган қизил майкали қоп-қора болага «анавининг остига тирговуч қўй», деб ўтиб кетди. Бола олазарак бўлиб машинанинг орқасидан пича қараб қолди-да, сакраб айвондан тушди. Раис бува токли ҳовлининг олдида машинани тўхтатди. Айвон олдидаги баланд сўри устунига нарвон қўйиб сўрининг ярмига ҳам етмаган новдаларини ҳафсала билан боғлаётган чолнинг ишларига разм солиб турди-да:

— Ҳорманг, Ниёз ота,— деди. Чол чўчиб орқага ўгирилди. Ешига номуносиб чаққонлик билан нарвондан тушди. Йўл-йўлакай қайчини белига қистириб «э, э, иш билан алаҳсиб пайқамабман-а», деганча раис бувага пешвоз юрди. Қуюқ кўришиб, бу новдаларни бурноғи йил шаҳарга яқин Паркентдан ҳавасга олиб келганини хикоя қила кетди.

— Оҳ, яшанг, ота!— деди раис,— кузда ўша жойга яна борасиз, ота, таниш-билишларга хат қилиб берай, кишмишни шу навидан 5—6 минг олиб келинг.

Раис бува чол билан боғдорчилик ҳақида пича гаплашиб машинага ўтирганда яна аслига, бояги қиёфасига қайтди. Қовоқлари ёнғоқнинг палласидай осилиб тумтайиб қолди. Кўча этагидаги хув ўша ҳовлига сира яқинлашгиси йўқ эди. Оиласи катта, жўжабирдай одамлар турганда келиб-келиб шу сўққабош одамга нега янги уй берди? Шаҳарлик ўқитувчининг ўзи тўппа-тўғри шу жойга туша қолса бўлмасмиди? Бўларди, шу нарса ўшанда хаёлига ҳам келган эди. Мирҳалим ака тушмагур «сизнинг даврингизда шу бечора чол ҳам оёғини узатиб яшасин, ҳовли-жойини шундоқ ташлаб чиқяптику», деб жон-ҳолига қўймади. Мана энди ҳайҳотдек уйда олақарғадай шумшайиб якка ўзи яшаётган бўлса керак. Кўча эшикда тўхтаган машинанинг овозига ичкари уйдан Қамбар ота чиқиб келди, суруп кўйлак-иштонини силкитганча ҳовлиқиб равоннинг зинасидан туша бошлади, уни қўярда-қўймай ичкарига таклиф қилган эди, раис бува бир оёғини зинага қўйганча пастда тураверди.

Раис бува Муродни имлаб олдига чақирди-да, чолга юзланди.

— Манави эски ҳовлингизга кўчиб келган домла-нинг ўғли, دادаси келган кунидек зарурият билан ҳашар-чиларнинг олдига кетган экан, нима гапнингни оғзидан бир эшитинг-чи.

Мурод тутила-тутила ҳамма кўрган-билганларини сўзлаб берди. Раис бува зимдан чолни кузатар, чолнинг авзойида бирон ўзгариш пайқай олмай ҳайрон эди. Ё пчидагини сиртига чиқармади, ё ҳақиқатан анави одамни билмайди-ю, танимайди. Қамбар отанинг авзо-йидан шуни англаш мумкин эди.

— От минадиган қариндош-уруғингиз, ё бирон та-ниш-билишингиз борми?

— А?!— чолнинг хаёлига заргар ошнасининг жияни келиб, бамисоли бир парча муз ютиб юборгандек вужу-ди бўшашиб кетди.— Нима?.. Йўғ-е... ҳозир ким от ми-пади-ю, кимда от қопти дейсиз?!

У уэр сўрагандай кўксига қўлини қўйиб гапирарди. Чолнинг тўмтоқ бармоғига кўзи тушиб, раис буванинг кўнглида яна аллақандай нохуш ҳислар уйғониб кет-ди-ю, гапни қисқа қилиб орқага қайта қолди. Шу одам-нинг тўмтоқ бармоғини кўрса, тавба, мудом шу аҳволга тушгани-тушган эди. Аммо бунинг сабаби ҳам йўқ эмас эди. Ушанда, ҳа, ўшанда «шайтон арава ҳамма гафлат уйқуда ётганда қўққисдан одамга ташланармиш», де-ган миш-мишини ростга чиқармоқчи бўлган девқоматни тоза боплади-ку, аммо... бир оқшом دادасидан қолган ўша қашқа йўрғада келарди. Ҳали унча кеч бўлмаса ҳам кўчаларда зоғ кўринмас, ҳаммаёқ типч, осойишта, кемтик ойнинг хирагини ёғдусида ҳайдалган далалар жимгина мудрарди. От бошини бир меъёрда силкиб беозор қадам ташлар, бола ҳам уни қийнамай, жиловни-ни бўйнига ташлаб қўйганча борарди, دادасидан, ора-дан кўп ҳам ўтмай ойисидан ажралди. Уларнинг ўлими-дан кейин ёш бошига нималар тушмади-ю, шу вафодор жонивор билан нималарни кўрмади?! Шаҳарга бо-риб ўқиганда ҳам отини олиб кетди. Қишлоққа трак-тор миниб келганда ҳам орқасига отини боғлаб келди!

От алланарсадан ҳуркиб кетди, бола чўчиб орқаси-га қаради, қаради-ю... ҳушига келганда ўзини ерда — чалқанча ётган ҳолда кўрди. Оёқ-қўли чандилаб таш-ланган, анави кунни араиғ қочиб қолган девқомат одам омбирдек қаттиқ қўллари билан боланинг оғзига бук-ланган дўппини тикарди. Бола жон аччиғида типирчи-

лаган эди, тўнтарилиб қолди. Девқомат оёғидан судраб чинор олдиға олиб борди ва даст кўтарди-да, бўғизлаган қўйдаи чинор шохидаги арқонга оёғини боғлади. Бола осилиб қолди. Боя ҳуркиб олинслаб кетган от қайтиб келиб кўзлари соққасидан чиққудек олайиб чинорнинг атрофида гир-гир айланарди. Бола бир лаҳза кўзини очди-ю, ойнанинг хира шуъласи аранг ёритган довдарахтлар гир-гир айлана бошлади. Фақат шундагина ўттиз-қирқ қадам нарироқда бир қучоқ шох-шабба кўтариб келаётган яна бир бошқа одамга кўзи тушди. У ҳам девқоматга ўхшаб салласининг учи билан юз-кўзларини паналаб олган эди. Девқомат лапанглаб бориб қўлидагини олиб, боланинг остига ташлади. Анависи эса яқин йўламай, ўша тўхтаган жойида «жуда соз», дегандек бошмалдоғини кўрсатди: вожаб, ўшанда, қиёфаси эмас, негадир уни тўмтоқ бармоғи боланинг ёдида қолди. Шох-шаббага девқомат ўт қўйиб юборди-ю, лапанглаганча шеригининг орқасидан ғойиб бўлди. Қуриб ётган шох зумда чирсиллаб бирдан аланга олди. Бола яна бир бор жон-жаҳди билан типирлади-да, биров бошига тўқмоқ билан ургандек ҳушини йўқотди. Ўтнинг яллиғи боланинг бошларини ялаб ўтганда от чидай олмади. Ўзини оловга урган эди, болага тегиб, бола арғимчоқ учаётгандек қаттиқ тебраниб кетди. От жон-жаҳди билан кишнаб ҳар сакраганда чирсиллаб ёнаётган шохларни янчиб ўтар, аммо ўтнинг даммини қайтара олмасди.

Узоқ-яқиндан одамлар етиб келиб, болани арқондан бўшатиб олишганда от оловнинг даммини қайтарган, аммо ўзи бир неча жойи жизғанақ бўлиб сағал нарида чўзилиб ётарди.

Шу-шу, бармоғи тўмтоқ бирон одамни кўрса, алланечук бўлиб, ўшанда оёғидан чинорга осилиб ётгани-ю, вафодор жонивор беихтиёр ёдиға келарди. Аммо қўл билан тутмай, кўз билан кўрмай, фақат бармоғи тўмтоқ бўлганига бировга айб тақаш ҳам инсофдан эмас эди.

Қизчани эрта билан ўт ўриб юрган жойидан раис бува ола кетган эди. Ўша ерга келишганда болалар машинадан тушиб қолишди. Раис бува машинани чапга — идорага олиб борадиган паст-баланд сўқмоққа бурди. Унинг салобати босиб турган эканми, ёлғиз қолиб, ўзларини эркин сезишди-ю, Нафиса ҳув ўша, сайҳон томон енгилгина югура кетди.

— Мана,— деди у ёнма-ён ўсган қуббадай дарахтларга яқин келиб,— ойинг айтган садалар мана!

Мурод ҳам сайҳонга келиб ҳайратда қолди: тунов кунни дадаси билан қишлоққа келаётганда олисда бир жуфт дўппидай-дўппидай қорайиб турган мана шу садалар экан-да! Саданинг бунақа кўркем, шох-шаббалари теп-текис қайчилангандай бежирим бўлишини билмас эди.

Буларни ойиси, ҳа-ҳа, ойиси билан анави оққўнгил бола эккан, қизиқ, қай бири ойисиники-ю, қай бири Нафисанинг дадасиники экан-а? Мурод жавдираб дам унисига, дам бунисига қарар экан, қизча бирдан хомуш бўлиб, боя юлиб қўйган бир қучоқ ўтнинг устига тиззаларини қучганча ўтириб олди.

— Ҳа?!

— Анави...— деб қўйди Нафиса,— одам юрагимни гаш қилдики.

— Ким?

— Мелиқўзининг дадаси-да.

— Нега?

— Вой, эшитмадингми?— деди Нафиса секин,— раис бува билан аллақандай йўл ҳақида гаплашди-ку, ўшанда дадаси ҳаммаёққа ғалати бир қараб қўйдики...

— Қараса сенга нима?

— Ё ўша йўл,— деди-ю, Нафиса садаларга қараб жим қолди. Унинг шу топда айтишга тили бормаган нарсасини Мурод пайқамагандек:

— Э, қўй-э,— деб юборди.

— Э, сен билмайсан-да,— деди Нафиса,— раис бува айтдимни, тамом! Боя эшитдинг-ку.

— Нимани?

— «Менинг сўзим — правление қарори»,— деганини.

Муродга ҳам боя қизиқ туюлган эди. Шаҳар боласи бўлганига бунақа нарсаларни унча тушунмасди. Правление дегани раис бува-ю, раис бува дегани правление экан-да, деб қўя қолган эди. Қизча ўрнидан туриб садага яқин борди, Муроднинг ишонч билан «қўй-е» дегани кўнглига бирмунча таскин бергандай садани оҳиста ушлаб, узоқ туриб қолди. Шу топда кўнгли алланарсадан тўлиб кетди-ю, секин деди:

— Сенга бир нарса айтайми-а?

— Майли, айт.

— Кейин... Мелиқўзига ўхшаб майна қилмайсанми-а?

— Нега майна қилай?

— Қайдам, ҳамма ўғил болалар шунақа-ку...

— Қанақа?!

Нафиса негадир «қанақа»лигини айтгиси келмай пича ўйлаб турди-да:

— Биласанми,— деди— мен... садаларни шивир-шивир гаплашганини эшитганман.

— Қачон?!

— Кечалари... ишонмайсанми?

Мурод ойисининг «бир жуфт сада бир-бирдан ажрамай, ёнма-ён ўсармиш-у, ойдин кечалари тоғ шамолларига шивирлаб ўз эгаларини ё уларнинг авлод-аждодларини кутармиш», деган гапларини беихтиёр эслаб, этлари жимирлаб кетди-да: «ишонаман»,— деди оҳиста. Қизча узоқ кўрмай, жуда-жуда соғиниб қолгандек, садани оҳиста қучиб олган, ғадир-будир танасига юзларини қўйганча бағридан қўйгиси келмас эди. Шу пайт садалар устидан баҳайбат кўланкасини судраб бургут оғир-оғир қанот силкиб ўтди. Қизча буткул ўзгарди. Кўзлари ажабтовур чақнаб, қувончини ичига сиғдиrolмай:

— Юр,— деди бирдан ва ўтни даст кўтариб елкасига қўйди-да, илдам юра кетди. Мурод ҳам мулойим сузиб бораётган бургутга қарай-қарай беихтиёр қизчага эргашди.

Еттинчи боб

Мовий осмонда бир парча лахча чўғдай осилиб қолган офтобнинг олов сели оламни оппоқ ҳовурга айлантириб юборган эди, ҳаво майингина жимирлар, ер кўк, тоғу тошлар, бепоён қир-адирлар, ҳаммаёқ, ҳамма нарса қоғозга томган симобдай қалқиб турганга ўхшарди. Аммо... иш жадал, ўрим авжида эди, ҳосилни йиғиштириб олаётган қанчадан-қанча комбайнлар, тиним билмай кеча-кундуз дон ташиган машиналар аллақачон бу жойлардан олислаб кетган эди. Сочи чалакам-чутта олинган боланинг бошига ўхшаш, қиялама, дўнг жойлардаги тўп-тўп буғдойни ҳашарчилар йиғиб, ғарам уярди. Бунақа юмушга қалин-қаттиққина қизлар тузук, ўғил болалар «нозик-ниҳол бўлади»деб Холпошша ҳазил-ҳузул билан аллақачон ғарамнинг устига чиқиб олган эди. Мелиқўзи билан Мирфаёз эса буғдой боғлаш

билан овора. Муниса елиб-югуриб уларни ташир, кўйлагини бошига саллача қилиб олган Отақўзи эса паншахага илиб юқорига — Холпошшага узатар, қолган болалар дўнгнинг нариги томонида ўроқда эди.

Мелиқўзи белларини ушлай-ушлай қаддини аранг ростлаб:

— Уф-фф!— деб қўйди,— ҳой, Отақўзи!

— Ҳа, нима дейсан?

— Уйлаб кўрсам, қип-қизил аҳмоқ эканман.

Отақўзи кулди.

— Энди билдингми?

— Аввал гапни эшит!

— Хўш?— деди Отақўзи паншахани ерга санчиб.

— Сув... борида дейман, челақ-челақ ичиб олмайманми-а!

— Шунни айт!— деди Отақўзи.

— Кўп эмас, атиги бир челақкина булоқнинг муздек суви бўлса,— деди Мелиқўзи қовжираган қалин лабларини ялаб,— қулт-қулт симириб ярмини ичардим-у...

— Оҳ! оҳ!— Отақўзи ҳам кўзларини юмиб тамшанди,— пақирни дарров менга узатардинг.

— Бекор айтибсан,— деди Мелиқўзи олайиб,— пақирнинг қолган сув-пуви билан бошимга телпак қилиб кийиб олардим.

Холпошша кулди:

— Шунақа қизганчиқмисан-а, Мелиқўзи?

— Ҳой!— деди Мелиқўзи Холпошшага,— Мутал сувга жўнаб... сув бўлиб кетдимми-а?

Холпошша пешонасига танғиб олган кўк ҳошияли қизил дуррачасини ечиб, иссиқдан кўпчиб, буруққан юз-кўзларини арта-арта кафтини пешонасига қўйиб олисолисга, қирга камар бўлиб тушган илон изи сўқмоққа узоқ аланглади-да, хўрсиниб маъюс бош чайқаб жилмайди. Боядан бери миқ этмай ишлаётган Мирфаёз афтини тескари буриб негадир пиқ этиб кулиб қўйди. Аммо бунга ҳеч ким эътибор бермаса ҳам, Холпошша олазарақ бўлиб лабини тишлаганча қизиқ аҳволда қолди.

...Ой ҳаволади. Ҳаммаёқ сутга чайгандай ёришиб кетди. Холпошша чодирнинг қия очиқ жойидан дўнгликка қараб ётиб, қизлар бирин-кетин пишиллаб ухлаши билан секин турди. Оёғини сим каравотдан ерга ташлаб узоқ ўтирди. Йўқ, унинг олдида чиқмоқчи эмас эди. Аммо... нима бало, кўнгил бошқа-ю, ақл-ҳуш дегани

бошқа-бошқа нарса эканми? Бўлмаса кунбўйи ҳам, кечқурун чодир чеккасида, тўнтарилган яшик устида лип-лип ёниб турган шамчироқни ўчириб қизлар билан анчагача пичир-пичир гаплашиб ётишганда ҳам, йўқ, турмайман, минг чақирса ҳам миқ этмай ётавераман, деб ўзини қанча ишонтирган эди.

Бўлмади. Аввалига мана ҳозир какликнинг «овози» келсин... чойшабга бурканаман-у, дарров ухлай қоламан, деб ётган одам ўзидан-ўзи ташвишга тушди, нима бўлди, нега «овози» келмади ё эшитмадимми, аттанг, атиги биттагина «сайраса» кўнгли тинчиб ухлаб қолган бўлармиди-а! Аммо дўнглик орқасидан какликнинг тўлиб-тошиб «сайрагани» қулоғига чалинди дегунча юраги гурсиллаб, сапчиб туриб кетди. Бу... бу охиргиси, йўқ, йўқ, бошқа сира-сира чиқмайман, куйиб-ёниб эрта-лабгача «сайрасин», майли, тошга ўхшаб без бўлиб ётавераман, деб ҳар галгидай ўзини-ўзи юпатган бўлди-ю, оёғининг учида ташқарига чиқди. Ойнинг кўкиш шуъласида ҳамма нарса: жўмрагидан «чак-чак» суви томиб турган бочканинг қорайган темир ҳалқалари ҳам, сағал наридаги, негадир, ёнбошлаб қолган катта мис самовар ҳам, аллакимнинг чодир арқонига илиб қўйган қизил майкаси ҳам кўзга яққол ташланарди. Ҳаммаёқ сув қуйгандек жимжит, фақат у ер-бу ерда чўчиган чирилдоқларнинг овози-ю, олис-олисда моторларнинг аҳён-аҳёнда гупиллагани қулоққа чалинарди. Холпошша «хавфли» жойдан, яъни чодир билан дўнгнинг оралиғидаги ялангликдан юрагини ҳовучлаб лип этиб ўтиб олди. От шотиси ерда тарвақайлаб ётган арава атрофида чимтиниб юрар, ҳозиргина ноласи еру кўкни ўртаган девона «каклик» эса аравада, бочка устида тиззаларини қучоқлаб ўтирарди.

Қизча қалт-қалт титраганча арава гилдирагига оёқ қўйди.

— Кеча нима деган эдинг?

— Нима деган эдим?!

— Вой, энди сира сайрамайман демаганмидинг-а?

— Нима қилай,— деди Мутал,— «сайрагим» келаверса нима қилай?

— Вой, сайрасанг ичингда сайра, тентак,— деди қизча,— ҳамманинг уйқусини бузма.

— Қимни?!

Қизча ўгирилиб қаради. Бола уни ойдинда ажабтовур жавдираган кўзларига кўзи тушиб, бочкадан дума-

лагудек боши айланиб кетди. Шу топда, анави Мелиқўзининг ҳов бир марта бу қиз ҳақида айтганларини эслаб жилмайиб қўйди.

— Биров кўрса... нима деб ўйлайди?

— Нима деб ўйлайди?!

— Ким билсин... айниқса анави.

«Анави» — бу Мирфаёз. Отини айтгиси ҳам йўқ. Одамнинг кўнглини билиб бўлмас экан. Бўлмаса туппа-тузук бола, деб юрган эди-я. Ҳазилми ё чинми, бир марта, бир болага анави иккови, яъни Холпошша билан Мутал бўлгуси... дебди-я. Вой, тилнинг танглайингга ёпишгур-е, топган гапини-чи?

— Нега кулдинг?

— Узим,— деди Холпошша секингина,— вой уятсиз, бунақа нарса на Муталнинг хаёлида-ю, на буни, йўқ, шу яхши, ҳа, шу яхши. Мутал мудом бочканинг устида, у пастда, араваинг ўрнидигида, бочкага суяниб юзларини тиззаларига қўйиб олган-у, этаклари уфқларга тута-таш қир-адирларга, кўкиш тоғ чўққиларига, узоқ-узоқларда чироқларини милтиратиб ўрмалаган машиналарга қараганча кўнгиллари ғалати-ғалати шувиллаб ўтираверншса, ўтираверншса... оҳ, бундан яхши нима бор оламда, нима?! Осмон ҳамиша мана шунақа гуж-гуж юлдуз-у, Муталнинг товуши бочканинг устидан эмас, йўқ, жуда-жуда олислардан, анави сирли юлдузларнинг орасидан келаётгандек:

— Холпош...— деди.

— Нима дейсан?

— Уша.. юлдузларни териб тушсам... маржон қилиб тақармидинг-а?

Оҳ, қани энди, дерди дилида, гўё ўзи ҳам бепоён мовий кенгликларда, ўша булоқнинг кўзидай милтираб турган сон-саноксиз юлдузларнинг орасида у билан ёнма-ён ергилгичта учиб юргандек энтикиб. Аммо тилда:

-- Қизикмисан,— деди,— ким ҳозир маржон тақадн.

-- Унда...— деди ҳовлиқиб Мутал,— унда мана шу қир адирнинг ҳаммасини гул қилиб берсам, гулзор қилиб берсам, аравадан сира тушмай ўтирармидинг-а?

Кошки эди, дерди дилида, бўм-бўш бу жойлар бир лаҳза аллақандай анвойи гулларга кўмилиб, уларнинг ёқимли исларидан боши айлангандай бўларди-ю, аммо тилда:

-- Ҳой, эси йўқ,— дерди.

— Ҳа?!

— Қайси тентак эски аравага тушиб гулзорда ўти-
ради?

Хуллас, Муталнинг «унда-ундаси» ана шу поёни йўқ осмондаги беҳисоб юлдузлардек кўп бўларди. Вақт қандай тез ўтганини пайқамай қолишарди...

— Бу... охиргиси, эшитдингми?— деди Холпошша,— бошқа чиқмайман, хўпми?

Аммо ўзининг гапига ўзи ишонмай кулиб қўярди.

— Чиқма!— деди Мутал хўрсиниб,— майли, эрта-
лабгача бочкадан тушмай «сайрайман».

Бир кун... чиқмади, йўқ, чиқмади, тишини-тишига қўйганча индамай ётаверди. Кейин... эвазига ҳеч кимга билдирмай қанча йиғлаб олган эди. Мутал то юлдузлар кул босган чўғдек хиралашиб, ғира-шира тонг отгунча дўнгнинг орқасида ўтириб чиқди. Холпошша ёстиқ билан бошларини буркаб ёта-ёта ухлаб қолди. Уйғонганда уфқ гардиши оқариб қолган, дўнгнинг орқасидан ҳамон каклик «овози» келарди. У энди тундагидек шўх, ўйноқи эмас, аччиқ-аччиқ, кўнгилларни ўртаб, нола-фиғонга тўлиб «сайрар» эди. Ўшанда саҳар палла сувга жўнаган Мутал кечгача ҳам қайтиб келмади. Баркашдай ой икки тоғ орасидан қалқиб чиққанда олис-олисда араванинг қораси кўринди-ю, дўнгда юраги шувиллаб ўтирган Холпошша сапчиб туриб чопа бошлади... Бошидан рўмоли учиб кетди. Йўқ, тўхтамади. Бир пой туфлиси оёғидан тушиб қолди, йўл-йўлакай бошқасини ҳам улоқтириб янги ўриб олинган бугдойзордан оёқяланг чопаверди... Билса, Мутал йўлда, тошдай қотиб ухлаб қопти. От сўқмоқдан адашибди! Шу-шу кечқурун олди-га чиқмаса тонг отгунча куйиб, ўртаниб ухламайдиган «девона какликка» ҳар эҳтимол нон-пон, кичкина термосда чой, хуллас егулик бирон нарса ғамлаб, араванинг яшигига солиб қўймаса, Холпошшанинг кўнгли сира жойига тушмасди...

Дўнгнинг ёнидан аллақандай шарпа ўтгандай бўлди.

— Қаёққа?!

— Йўқ, йўқ, кетдим,— деди қизча ва аравадан сакраб тушди. Йўл-йўлакай бочка жўмрагидан чак-чак томган сувни тўхтатиб, шошиб чодирга кириб кетди. Аммо юраги гурс-гурс уриб, алламаҳалгача ухлай олмади. Бояги шарпа ниманики, йўғ-е, кимники?! Мана ҳозир Мелиқўзининг гапидан кейин Мирфаёзнинг «пиқ» этиб кулгани унга негадир тунги ўша шарпани эслата-

ди ё бу ҳаммаси юрагидаги васвасу, Мирфаёз ўзинча бошқа бирон нарсани эслаб кулдимкин?!

Ким билсин...

...Отақўзи дам-бадам қуришган лабларини ялаб олис-олисларга умидвор бўлиб кўз ташлаб қўярди. Аммо у қараган ёқда арава тугул, чумолининг сояси ҳам кўринамасди. Унга сари кичкина, жиккак Муниса «офтобда сариқ мойдек эриб кетмасанг», деб Отақўзининг тўлалигига шама қилиб кулган-кулган эди. Бунақа гап бошқа одамнинг оғзидан чиқса-ку, Отақўзидан кўрадиганини кўрарди-я, аммо Мунисанинг ҳар қашақа ҳазил-хузулини негадир индамай кўтарар, аҳён-аҳён, кўзлари қисилиб, жилмайиб қўя қоларди.

Ўзи бугун жуда қизиқ бўлди. Қатор-қатор ўтовлар қаршисидаги катта бочкадан сув аримасди. Эрталаб ҳамма ўримга бораётганда идишни тўлдириб ола кетарди. Кечаси кимдир ичган-у, уйқусираб бочка жўмрагини ёлмаганми, эрталабгача бир қатра сув қолмаган эди. Катта самовар тўла экан. Уша сувнинг ярмини понуштада чойга, қолганини тушда овқатга ишлатишди. Овқатдан кейин ҳеч ким қониб чой ичгани йўқ. Бўм-бўш флягаларни тақ-тақ уриб, ҳализамон томоқларимиз мана шунақа қақраб қолмаса, деб ҳазил-хузул билан ишга тушиб кетишди. Дарҳақиқат, ҳаш-паш дегунча, офтоб қиздиргандан-қиздирди, ташналик ҳаммани қийнаб, тинка-мадорини қуритиб қўйди.

— Ҳой, Мирфаёз,— деди Отақўзи бўшашиб.

— Нима?

— Сувдан борми?

— Бе!— деб қўйди Мирфаёз бош кўтармай. Унинг чўзгиш, рангпар юзлари ғалати буришиб кетди. Олайган кўзлари билан ўқрайиб, «сув ичгинг келса, ана унга айт», деган маънода Холпошшага қараб қўйди.

Отақўзи эса қўл силтаб нари кетди. Унинг келиб-келиб Мирфаёздан сув сўраганида гап бор эди. Мирфаёз пухтагина бола эди. Унинг қопчиғидан ҳар бало топиларди. Кечки овқатдан кейин ҳамма дарров ухлаб қолса, у ҳалтачасини титиб алланарсаларни қисир-қисир чайнаб ётарди. Бир эмас, иккала флягаси сувга тўла-ю, кичкина термосида доимо дамланган кўк чой бўларди. Отақўзи наҳот бир қултум сув топилмаса, деган кўнгилда сўраган эди, сўраганига ҳам минг-миг пушаймон еди. Аммо Мирфаёз, бошқаларга қараганда анча чидамлироқ кўринарди. Сув борми-йўқми, парвойига ҳам

келтирмасди. Ишни ҳам чаққон-чаққон қилар, ўн-ўн беш боғни қаторлаштириб ташларди-да, то Муинса ийгиштириб олгунча, гарамнинг орқасига ўтиб бирпас думалаб келарди. Бир гал анча ҳаяллаб қолди. Отақўзи бошини кўтариб алаанглади. Ҳар ким ўз иши билан овора эди. Отақўзи ҳамон ҳаммаёғидан тер қуйиб ишлар, Холпошша йўл-йўл кўк чит кўйлагининг енгларини шимариб олиб, бир текис, пишиқ қилиб ғарам борарди.

— Сув!— деб юборди Мелиқўзи.

Холпошша алаанглаб қолди. Ҳаммаёқ қий-чув бўлиб кетди, ҳамма аравага қараб чопа бошлади. Энг олдинда оғинини кўлига олиб Мелиқўзи, орқароқда Муинса билан Отақўзи, бамисоли кетма-кет юмалаган коптокдек бир-биридан қолгиси келмай югуриб борарди. Холпошша ҳам тоза ташна бўлганми, арава ҳаммадан бўшаб етиб келгунча сабри етмаслигини пайқаб шошиб қолди. Қасрдан тушсам экан, деб гир-гир айланди-да, гарамнинг нариги чеккаси назарида пастроққа ўхшаб, ўша томонга узала чўзилди. Аста-секин сирғаниб, туша бошлаган эди, ярим белнга келганда оғирлиги пастга судраб кетиб, уч-тўрт боғ буғдойга қўшилишиб думалди. Боядан бери икки-уч одам бўйи кўтарилиб қолган гарамнинг бўйрадай соясида оёқларини чўзиб суяниб ўтирган Мирфаёзнинг шундоққина ёнгинасига тушди, яна юқоридан кетма-кет тушган боғ-боғ буғдойнинг орасида қолиб кетди. Бу қилмиши қизчага нашъа қилиб, овозининг борича хохолаб кулар, жон-жаҳди билан устидаги буғдойнинг орасидан чиқишга уришиб типирчилар эди. Аввалига Мирфаёз нима бўлганига тушунмай биров бошига тўқмоқ билан ургандек карахт аҳволда қолди. Аммо қизчанинг шўх қийқириғи ҳушига келтирди-ю, сапчиб туриб, устидаги боғларни икки ёнига улоқтира бошлади. Мирфаёзни кўриб қизча шу қадар ёйлиб жилмайдики, Мирфаёз бир дақиқа тепасида энгашиб туриб қолди. Уни ташналикдан кўпчиб, пўрсиллаган лабларининг пичирлаши, кўзларининг қувончдан порлаб кулимсираши... вужудига безгакнинг хуружига ўхшаш ғалати титроқ солди-ю, беихтиёр қизчанинг қўлини ушлаб олганини ўз ҳам билмай қолди. Қизча ҳамон боягидай ҳеч нарсани пайқамай:

— Сув,— деди тамшаниб.

Мирфаёз довдиради.

— Нима? Сув?!

— Ҳа.

— Мана,— Мирфаёз бир қўллаб ғарам остини титкилаб не-не машаққат билан флягасини суғуриб олди. Бояги титроғи яна баттар авжига чиқиб, сув идишининг қопқоғини аранг очди. Қизчанинг оғзига тутди. Аммо қизча ёш боладай лабларини маҳкам юмиб, бош чайқаб кулар ва кўзлари билан чувиллаб чопа кетган ўртоқлари томонга ишора қиларди. Бола эса негадир ҳадеб совуқда қолган одамдай дағ-дағ титрар эди. Қизча унинг кўзларидаги ғалати бесаранжомликни пайқаб, сапчиб турмоқчи бўлганда, Мирфаёз унинг кетиб қолишидан чўчиб иккала қўлини маҳкам ушлаб олди. Фляга отилиб ерга тушди. Оғзидан «қултиллаб» сув оқа бошлади. Қизча ваҳимали қараб, сўнг жоп-жаҳди билан болани итариб юборган эди, бола орқага думалади.

— Ҳой,— деди сапчиб туриб Холпошша,— ҳой, эсингни еганмисан-а?

У орқасига бурилиб тез-тез юра кетди.

Бола анчагача орқасидап жавдираб қолди. Кейин алампидан қўллари билан олдидаги буғдойни чангаллаганча бошини ғарамга қўйиб узоқ ўтирди: нималар деб алжиради-ю, жиннига ўхшаб нега унинг қўлларига ёпишиб олди-а? Дадасига... йўғ-е, яхшики анави мингаймас ўртоғи Нафиса бу ерда эмас, бобосининг бетоблиги сабаб қишлоқда қолган, Нафисага айтса-чи?! Унда... тепадан думалаб тушганига офтоб тегдим, деб сув бермоқчи бўлган эдим, ўзи тентакка ўхшаб мени итариб юборди, дейди-қўяди. Сув? На бочкада, на бирон боланинг идишида бир қатра сув бўлмаса-ю, сен қаёқдан олдинг, дейишмайдими? Кеча ғарам босаётганда сув идишим ғарамнинг остида қолган экан деса, биров бир нима дермиди, шунга шунча ваҳимами? Мирфаёз хаёлига лоп этиб келган оппа-осон баҳонадан мамнун бўлиб илжайди. Аммо... қанча ўйлаган сари кўнгли шунча ғашланиб борарди. Ушанда ҳам, худди шунақа бўлган эди, кечалари мишжа қоқмай ўзини юз ёққа ташлаб, хаёлига нималар келмаган эди: айни ёз чоғлари-ю, мана шунақа айни пишиқчилик маҳали эди. Дадаси билан анави мактаб директорининг алоқалари ҳам дурустгина эди. Оилавий борди-келдилари ҳам бор эди. Ойисин баъзи баъзида жиғибийрони чиқиб, дадасининг «мехмондўст»лигидан нолиб ранжиса, дадаси:

— Мен подон эмасман, хотин, ҳа,— дерди бошини бирам мулойим чайқаб, бирам мулойим жилмайиб:—

Ҳар қанақа товуққа эмас, тухум қиладиган товуққа дон бераман!

Аммо бир куни дадаси қовоқлари осилиб, қизариб-бўзариб келди-ю, ошхонага — ойисининг олдига ўтиб кетди. Анчадан кейин ойисининг аллакимни қақшаб қарғгани ва шанғиллаб «ўлинг, товуқ деб хўрозга дон сочиб юрган экансиз», дегани қулоғига чалинди. Кейин билса, анави мактаб директори дадасининг ярим дарсини «бола-чақаси кўп», деб бошқа одамга олиб берган-у, яна бунинг устига «караванинг ғилдирагидан тушиб қолган лойдек орқада қолиб кетгансиз», деб тоза койиган экан. Шу-шу оралари бузилиб қолди, дадасининг на тинчи бор, на ҳаловати. Шу-шу уйларига бир маҳаллар сочларини шаҳарчасига калта кестирган, озғин, кўҳлик-кина хотини билан қизчасини етаклаб тез-тез келиб юрадиган ўша мактаб директори кўзига жуда-жуда хунук кўринадиган бўлиб қолди. Қизча билан алоқалари ҳам яхши эди. Баъзи-баъзида дадасининг қистови билан дарс қилгани уларникига бориб турарди. Ҳадеб қиз боланинг уйига папка қўлтиқлаб боравергани бошқа ўртоқларидан ийманса, дадаси:

— Узингни бил, болам, бу бир баҳона, домланг кўрган сари меҳри товланади,— деб койиб-койиб жўнатарди. Қизча ҳам сира монелик билдирмасди, аксинча, очиқкўнгил билан қарши оларди. Мана шунақа ёз чоғлари-ю, колхознинг олма-нокларини теришганларига раис бува хурсанд бўлиб колхознинг машинасини берган-у, ҳаммалари шаҳарга бориб ўйнаб келишган, кейин... тоққа чиқишган эди.

Қишлоқдан кўп ҳам эмас, оз ҳам эмас, атиги бир чақирим юрилиб, чапга бурилса, этаклари ёзу қиш кўм-кўк арчазор тоққа кесиб чиқиларди. Ҳар бири уйдек-уйдек харсангтошларнинг офтоб тушмас зах, нимқоронғи ораларидан ўтиб, тўп-тўп арчаларнинг остида жилдираган ойнадай тип-тиниқ сувлардан сакраб, илонизи йўлдан тоғ бағрига кўтарилишаётганда ановининг минғаймас ўртоғи йўқолди-қолди. Осмонга учдими, ерга кирдими, ҳеч ким билмасди. Боягина ёввойи эчкидек тошдан-тошга энгил-енгил сакраб бораётган эди. Ён-верига қарай-қарай:

— Вой, Нафиса қани?— деди Холпошша. Муниса кафтларини оғзига карнай қилиб овозининг борича бир неча марта чақирди. Унинг ингичка, қўнғироқдек овози олисларга таралиб, яккам-дуккам арчалар орасига сип-

гиб кетди. Аммо ҳеч ким жавоб бермади. Отақўзи билан Мирфаёз, негадир ҳаммадан орқада судралиб келаётган Мутал орқаларига қайтишиб, боя ўтган жойлари — харсангтошларнинг ораларини қараб келишди. Йўқ... ана холос! Шу тобда, олис-олисда шитоб билан учиб келаётган бургутга Холпошшанинг кўзи тушиб қувончдан қийқириб юборди.

— Сизлар бораверинглар,— деди,— мен ҳозир Нафиса билан орқаларингдан етиб оламан.

У тошдан-тошга сакраб, қаттиқ шамолда қоқ белидан синиб эгилиб ётган арчанинг остига ўтиб йўқолиб кетди. Арча панасида бўлганлиги учун бу йўлни кўп одам билмасди. Сағал юрилса жар келади, ундан ўтиб, қиялама тошлар ёнидаги айланма йўлга бурилса бас, бу йўл ўша, ҳов анави, бургут уя қўйган қоянинг шундоқ биқинидаги усти силлиқ катта тошга олиб чиқади. Кўпинча тоққа боришганда Нафиса дарров ажраб, қоя биқинидаги ўша тош устига чиқиб ўтириб олиб, мовий осмонда оғир-оғир қанот силкиб, юмшоққина парвоз қилиб юрган бургутни томоша қилгувчи эди. Нафиса ўша ерда бўлмай қаерда бўлсин?! Аммо хаёлига зимзиё жар келиб, Холпошшанинг юраги алланечук увушди. Ўзи унча катта бўлмаса ҳам, остидан кичкина сув оқарди. Аммо қолган ҳаммаёғини тарвақайлаган буталар, аёвсиз сел ва довулларда илдизлари бўшаб, бири-бирига мингашган бесўнақай, арчалар босиб ётарди. Жарнинг устини биров атайлаб яшириб қўйгандек, арчаларнинг қалин шох-шаббалари чирмашиб кетган эди. Остидан ўтганда ҳар қанақа одамнинг ҳам юраги орқасига тортиб шувуллаб кетарди. Холпошша орқага қайтиб Мирфаёзни ола кетганда, Мутал негадир орқаларидан бирпас хомуш қараб турди-да, болаларга қўшилишиб юқорига чиқа бошлади. Мирфаёз қизчанинг олдига тушиб йўл бошлаб борганини эсласа, ҳали-ҳали вужуди ширингина жимирлаб кетарди. Эсини, бу... ораларидаги илиқ алоқанинг сўнгги дамлари эканини бола хаёлига ҳам келтирмаганди. Жарнинг ичи қоп-қоронғи эди. Бу ерда кучсиз шамол ҳам жон-жаҳди билан аждардай вишиллаб кўнгилларга ваҳима соларди. Агар Холпошша ўзига қора тортиб бошлаб келмаса, бу жарга Мирфаёз ўла қолса ҳам яқин йўламасди. Дадасининг олдига тез-тез келиб турувчи Қамбар ота олис-олис қиш оқшомлари қор аралаш қуюн турса, уйига кетолмай буларникида ётиб қоларди. Оч бўридай увиллаган изғирин болохо-

надаги ҳашакларни ҳар томонга тўзитарди. Симёғочнинг хирагина милтираган лампочкасини жон-жаҳди билан силкитарди. Ҳовлидаги ўрикнинг шохларини бири-бирига урар, бу ҳам етмай, отхонанинг олдидаги терт қорадиган катта данғарани қарсиллатиб тўнтариб ташларди.

— Жарнинг оғзи очилди,— дерди Қамбар ота,— бу жар не кишиларни ютмади, ҳали-ҳали... одам чақириб чинқирармиш!

Мирфаёз бўлса пойгакда жимгина чой қуйиб ўтирган ойисининг пинжига кириб оларди. Дадаси бўлса баттар уни кўнглига гулгула солиб, ана, кўрдингми, ўғлим, вақт-бевақт у жойларда дайдиб юрма, деган маънода бошини чайқаб Мирфаёзга қараб-қараб қўярди. Шамолнинг увиллаши бамисоли жар қаърида ётган одамларнинг чинқиригига ўхшаб кетар, Мирфаёз кечаси билан бошини кўрпага буркаб мижжа қоқмай чиқарди. Аммо эрта билан турганда Қамбар ота аллақачон кетиб қолган, чой устида ойисининг аччиғланиб «бу нимаси, ўтакасини ёриб, кечаси билан бола алаҳлаб чиқди» деб ранжигани қулоғига чалинарди. Дадаси ўғлига ачинишни ўйламас, аксинча, ойисини қойиб:

— Ёнини олма, хотин,— деди,— тунов кун... ўша ёқда санқиб юрганмиш. Бу жарнинг қанақалигини биллиб қўйгани маъқул.

Чўпчакка ўхшаган бу ваҳима аралаш миш-мишларни авваллари у кичкиналигида ҳам кўп эшитган. Улғайган сари эсига тушса, кулгиси қистар, аммо, ўшанда ширачдек ёпишиб олган ваҳиманинг шарпаси кечалари ёлғиз қолганда ё овлоқ жойлардан юрганда, ўзини эслатгандай кўнглининг бир чеккасида ғимирлаб қўярди. Жардан ўтишаётганда ҳам шундай бўлди. Мирфаёз кўзини олайтириб атрофига шубҳали аланглади.

Холпошша назарида энгашиб ётган бесўнақай арчалар ҳозир ёпирилиб устига тушаётгандек, Мирфаёзининг қўлларини ушлаб олди. Икковлари бир-бирларини етаклаб жарнинг нариги томонига ўтиб олишганда:

— Сен қайт, қайта қол,— деди Холпошша,— буёғига ўзим бора қолай.

— Қўрқмайсанми?

— Вой, жардан ўтказиб қўйдинг-ку.

— Майли,— деди Мирфаёз истар-истамас. Уни шу тобда қоронғи жардан орқага қайтиш кўпроқ ташвишга соларди. Қизча жар ёқалаб кета қол деганда «жон-жоп»

деб кўндигина эмас, бу нарса ўзининг ҳам хаёлига келиб турган эди. Анча-мунча олис демаса, бу йўл ҳам бари бир боя болалар кўтарилган сўқмоққа олиб чиқарди. Холпошша, то Мирфаёз бир тўп арчанинг панасига ўтиб кетгунча бошини бир оз қийшайтириб қараб турди. Сўнг айланма йўлга бурилди. Бу йўл ҳам гаштли эди. Биров тоғ ёнбағридаги тошларни чопиб, йўниб, атайлаб йўл солган, табиат ҳам сахийлигини аямаган эди; бир неча бор айланиб қоянинг биқинидаги сатҳи унча катта бўлмаган, чамаси уч-тўрт бўйра юзидек майдончага уринмай чиқиларди. Бора-боргунча тошларнинг орасида ўсган дўланалар, салом бергандай эгилган сийрак арчалар учрарди. Қизча аллакимнинг тошларни тешгудек титраб-қақшаб чинқирган овозидан қотиб қолди. Қим, юқорида Нафисадан бўлак ким бор?.. У айланиб юргани сабри чидамай ҳовлиққанча орқага қайтди, қоянинг тикка, қирралари болтанинг дамидек ўткир тошларига тирмашиб юқорига чиқа бошлади. Анчагина узоққа бориб қолган Мирфаёзга бу ғалати овоз жардан келгандай туюлиб «жар... ҳали-ҳали одам чақириб чинқирармиш», деган ўша гап хаёлига келиб товонигача музлаб кетди. Тиззалари қалтираб арчанинг олдига аранг қайтиб келди: анави қизча мунча эс-ҳушини йўқотиб, ўлартириларига қарамай бир-бирига омонат мингашиб турган харсангтошларга ёпишмаса? Жарга қуласа-чи ё тош кўчиб пиёзнинг пўстидек мажақлаб ташласа-чи? Мирфаёз талвасада қолди. Қизча эса қоянинг ярмига ўтай деб қолганда харсангтошнинг кемтик жойига оёқ кўйиб, бирдан оёғи тойиб кетди-ю:

— Мирфаёз!— деб юборди овозининг борича. Тошнинг орасидаги кичкина арчанинг шохини зўрға ушлаб қолди. Шох синса ё арча илдизи билан қўпорилса-чи? Мирфаёзни муздек тер босди. Вужудида бирдан олдинга ундаган қандайдир бир қудратли куч пайдо бўлди. Аммо энди югурмоқчи бўлганда, аллакимнинг, ҳа-ҳа, аллакимнинг... «ўзингни бил, болам», деган жуда-жуда мулойим товуши қулоқларининг остида жаранглагандек бўлди-ю, бўшашганча туриб қолди. Жардан майдачуйда тошларнинг шарақлаши, шох-шаббаларнинг ғалати шитирлаши эшитилди. Қимдир юриб эмас, жонжаҳди билан жардан югуриб чиқаётгандек эди. Мирфаёз жар ёқалаб қоча бошлади. Анча жойга бориб, кўзлари олайиб орқага қаради. Холпошша ҳамон ўша алпозда: бир қўли билан шохни ушлаб, иккинчи қўли

билан тошнинг қиррасини чангаллаб қояга ёпишиб қолгандек қимир этмасди, озгина эҳтиётсизлик қилса, пастга учиб кетиши, тошларнинг найзадек туртиб чиққан қирраларига урилиб-сурилиб жарга қулаши аниқ эди. Жардан чиққан... Мутал экан. У қизчанинг орқасидан чумолидек ўрмалаб юқорига кўтарила бошлади. Афтидан, нимага чиқаётганини шу топда ўзи ҳам билмасди. Негаки, қизча осилиб ётган ерда на биров бақувват арчаю, на бемалол оёқ қўядиган жой бор, чиққан билан ёрдам беришдан ожиз эди. Аммо бари бир мўлжалга етолмади, оёғи тойиб кетди. Қоя тошларининг ғадир-будир қирраларига туртиниб жарнинг энсиз, нари борса икки одам зўрға сиғадиган ёқасига гурсиллаб тушди. Унинг кўйлак-шимлари тилка-пора бўлиб, юзининг уч-тўрт жойи пичоқ теккандек тилиниб кетган эди. Аммо у буни пайқамасди. Кўзини қизчадан узмасди. Шундай бўлса ҳам, дарров сапчиб туриб яна қояга ёпишди-ю, бу гал бари бир чиққани билан ёрдам беролмаслигини пайқаб:

— Холпошша!— деди.— Эштияпсанми, озгина сабр қил, Холпошша!

Шу пайт қизчадан чамаси одам бўйи юқорида, қоянинг кемтик жойида... бирдан Нафиса кўринди. Пастга энгашиб, қояга ёпишиб ётган Холпошшага кўзи тушиб ҳайратдан қотиб қолди, сўнг хўнграб йиғлаб юборди. Демак, овоз Нафисаники эмас, унда кимники?! Мирфаёзнинг бўғим-бўғимигача бўшашди. Мутал Нафисани кўриб қувониб кетди, алланимани эслаб айланма йўлдан югуриб юқорига чиқа бошлади, кўп ўтмай Нафисанинг ёнида пайдо бўлди, шоша-пиша белидан энлик қайиш камарини ечди. Қорни билан ётиб пастга туширди. Аммо камар етмади, калталиқ қилди. Мутал бир-бирига мингашган иккита катта тошнинг орасига оёғини тиқиб, ярим белигача пастга осилтириб, камарни ташлаган эди, камарнинг юлдуз тамға катта темир ҳалқаси шундоққина Холпошшанинг бошига тегай-тегай, деб қолди. Ҳозир анавани ушлайман деб қўлини бўшатса ё бир амаллаб камарга осилиб, Мутални ҳам пастга судраб кетса... Мирфаёз ингичка ориқ қўллари билан мумдек қотиб қолган юзларини тўсиб олди. У қўрқа-писа юзини очганда қизча иккала қўллари билан камарга маҳкам осилиб олган, Мутал эса уни жон-жаҳди билан юқорига тортарди. Ниҳоят бола Холпошшанинг қўллари билан ушлаб олди. Шу алпозда бир-биринга осилганча

қимир этмай қолишди. Буёғи мушкул эди. Нафиса энгашиб Холпошшани тортиб чиқарай деса, қўли бўш эмас, Муталнинг оёғидан ушлаб олган... учови бир-бирига занжирдек боғланиб қолган эди. Қани шу тобда Мирфаёз, ҳа, ҳа, Мирфаёз қушга айланса, «пирр» этиб шундоққина Нафисанинг олдида пайдо бўлса-ю, ановини тортиб олса... Мирфаёз аламидан арчанинг танасига бошини уриб ёргудек аҳволда эди! Бола бир нима дедди, қизчага жон киргандек қимирлаб қолди. Бола бор кучи билан қизчани юқорига кўтарди. Қизча эса Муталнинг белидан ушлаб олди. Дарахтга чиқаётган одамдек оёқлари билан боланинг гарданига чирмашди. Бола бир қўли билан тошни чангаллади. Қизча оёғини боланинг қўлига қўйиб юқорига чиққанда... Мирфаёзнинг кўзларидан дув этиб ёш тўкилиб кетди. Мутал эса бир зарб билан қаттиқ силтаниб ўзини ўнглаб олди. Учови бир лаҳза бир-бирига термилганча ўтириб қолишди-да, сўнг жаҳондаги энг юқори чўққини забт этган альпинистлардек бир-бирларини қучоқлашиб, овозларининг борича қийқириб юборишди. Бу қийқириқ Мирфаёзнинг юрагини санчиб ўтди.

Кейин билса, одамнинг чинқириғига ўхшаш ўша ғалати товушини Нафиса ҳам эшитган, аммо бу чинқирган ким-у, бу овоз қаёқдан келди, бамисоли жарнинг «одам чақиринишдай» мавҳум бўлиб қолаверди... Ушанда Мирфаёз негадир аламидан тиканга ағанагандай бўлиб чиққан, юраги ҳозиргидек ғаш тортган эди. Қизик, нега бошиқалар бошқача-ю, бу бунақа?!

Мирфаёз ўрнидан турди. Кўйлак-шимини истар-истамас қоқди. Оламини бошига кўтариб чувиллаб бораётган болаларга қараб битта-битта юра кетди.

Саккизинчи боб

Мутал ташналикдан ҳамманинг тинкаси қуриб, бошдан бери йўлига кўз тутиб ўтирганидан хабарсиз, шонилмай, бамайлихотир келаверди. Олисдан болалар «сув-сув», деб қий-чув кўтарганда ҳам ҳазил-хузул, деб ўйлади. Аравани тўхтатди. Бочкага чиқди. Чордана қуриб устига ўтириб олди. Ҳеч кимни аравага йўлатмади. Қамчинини ҳавода чақмоқдек қарсиллатган сари донга ташланган бир гала чумчуқдек аравага ёпирилиб келган болалар орқага қалқиб-қалқиб кетишарди.

— Хўш?— деб қўлларини кўксига қўйиб жилмай-

ди,— бу шов-шувни боиси нима, камини билмоқ истай-ман?

Бошқа маҳал бўлгандами, ҳамма ҳузур қилиб, куларди-я. Негаки, Мутал истаган одамига, айниқса Мирҳалим акага шунақа беозор тақлид қила олардики, мабодо бурнининг таги-ю, даҳанига соқол-мўйлов ёпиштириб, қўлига таёқча ушласа, таппа-тайёр Мирҳалим аканинг ўзгинаси бўларди-қўярди.

Аммо ҳозир...

— Э, ҳазилнинг қурсин!— деди Муниса,— одам ўлай деса сен кулай дейсан-а!

— Ҳа?!

— Сув!— Мелиқўзи лабларини ялаб, ма, урсанг уравер, деб дапгал аравага қараб келаверди. Унинг ич-ичига ботиб кетган кўзларини, бир кунда сўлиб-сарғайиб қолган юзини кўриб Мутал бўшашганча аравадан тушди.

Ҳаммадан аввал Мелиқўзи жўмрак остига чўққайди. Оғзини катта очганча «қултиллади» ича бошлади. Аммо жон-жаҳди билан ўқчий-ўқчий ўрнидан туриб кетди.

— Оббо, очопат!— деб юборди Отақўзи,— мунча оғзингни наҳанг балиқдек очасан-а?

Мелиқўзи жавоб беролмай, ҳамон кўзлари ёшланиб ўқчирди. Отақўзи бўлса негадир унга сари оғзининг тапоби қочиб, гўё ҳаммага ўзини очопат эмаслигини кўрсатиб қўймоқчи бўлгандек жўмракни оҳишта буради-да, жилдираган сувдан кўз узмай:

— Оҳ, сув-а, сув!— деб аввал ҳовучига йиғди-да, юз-кўзларига сепиб ҳузур қилиб қийқирди,— сув дегани оз-оздан симирсанг... мазасини ўшанда биласан!

— Э, бўл-е,— тепасида Нури қафасга тушган қушдек типирчиларди.

Отақўзининг гаплари Муталга мойдек ёқиб:

— Ширинбулоқники!— деб қўйди ҳаммага бир-бир қараб.

Аммо икки-уч ҳўпламай Отақўзининг юзлари чунонам буришиб, кўзлари чунонам олайдики, ҳовучидаги сувни беихтиёр Муталнинг башарасига сочиб юборди, Мутал чўчиб орқага қалқиб кетди.

— Ҳа?!

— Нима бу?!

— Сув, тентак, сув, кўрмаяпсанми?!

Ҳаммадан кейин етиб келган Мирфаёз болаларни

ёриб ўтди-да, сувга лабини теккизиб, у ҳам бай-байлаб қолди. Ҳамма «нима-нима», деб араванинг олдида серрайиб қолган Мутални туртиб-суртиб сувдан бир-бир хўплаб кўрди-ю, баъзилар ўқчиб, баъзилар афтларини буриштириб нари кетишди. Кимдир:

— Ширинбулоқники бўлса... ўзи ичсин!— деди. Бу ўктам овоз Мирфаёзники эди. Шу баҳона бўлдимиз аламиндан нима қилишини билмайми, Мелиқўзи Муталнинг ёқасидан ушлаб бочка олдига судраб келди. Мутал ҳеч нарсага тушунмай гаранг эди. Отақўзи унинг гарданидан чангаллаб бор кучи билан пастга эгди.

— Қани, оғзингни оч!

— Шу бочкадагининг ҳаммасини ичмагин-чи!— деб Мелиқўзи қўлларини орқасига қайирган эди, Мутал муниб кетди. Холпошша Мелиқўзининг қўлларини силтаб ташлади. Мелиқўзи ўқрая-ўқрая нари кетди.

— Олиб келганинг нима бало эди?— деди Холпошша Муталга.

— Ширинбулоқнинг суви!— деди довдираб Мутал ва ўзи ҳам бир қултум ичди-ю, бўғилиб-бўғилиб ўқчий бошлади. Сув намакоб эди! Ҳамма Муталга қаради. Мутал енги билан оғзини арта-арта нима дейишини, нима қилишини билмай, ўртада қаққайганча:

— Тавба,— деди ўзига-ўзи.

Боя ташналикка қанча бепарво кўринса, ҳозир ҳаманинг сувсиз қолганига шунча дарғазаб бўлиб:

— Қани, нари тур,— деркан, Мирфаёз аравага қараб юрди,— ўзим бир бало қилиб сув топиб келмасам...

Мутал унинг йўлини тўсди.

— Бекор айтибсан!

— Ҳа?!

— От-аравани ким берган бўлса... ўшанга топшираман.

Мирфаёз бир лаҳза довдираб қолди.

От-аравани ўримнинг биринчи куни отбоқарнинг боласисан, ҳар қалай отнинг қадрига етасан, деб раис буваннинг ўзи Муталга топширган эди. Мирфаёзга тоза алам қилган эди. Сув ташиш иш эканми. Аравага пўстакни ташлаб ёнбошлайсан-у, «чу» десанг бас, шўринг қурғурнинг ўзи Ширинбулоқ тугул дунёнинг нариги чеккасига десанг ҳам лўкиллаб обориб келади. Ташна бўлсанг ёнгинагда бир бочка сув. Истасанг тўйиб-тўйиб ич. Истасанг, бошидан челақ-челақ қуй, ким нима дерди! Бор-йўғи икки қатнасанг куни ҳам кеч қи-

ласан. Шуми? Йўқ! Ҳаммани хаёли сенда бўлади. Ҳамма сени зориқиб кутади. Ҳамма сенинг йўлларингга термилади. Ҳатто, анави Холпошша ҳам, ҳа, ҳа, Холпошша ҳам! Мирфаёзга от-араванинг шуниси ёқарди. Уша, тоғдаги воқеадан кейин ораларига анави хира пашша илашди-ю... бўлмаса, «овозингни эшитсам олдинга қуш бўлиб учмасмидим», деб эртасигаёқ қизчани балодай ишонтирган эди-я! Хўш, ҳали-чи? Ҳали нима бўпти? Девонага ўхшаб қўлларини «билмай» ушлаб олгани демаса... эҳ, от-арава баҳона, яна аввалгидек-аввалгидек бўлиб кетишса-ю, бу нарса бора-бора дадаларининг алоқаларини ҳам буткул ўзгартириб юборса-я! Мирфаёз ширин эптикиб қўйди. Дадаси ҳам ранс буванинг ишидан ичида ранжиганди, от-аравани ўғлига олиб бериш кўнглида йўқ эмас эди. Аммо дадасининг ўйлаганлари ҳам, Мирфаёзни илинжи ҳам чиппакка чиққан эди. Дадагинининг хурсанд бўлган чоғларини, мабодо садаф бандли каҳрабо таёқчасини ўйнатиб, «ётиб қолгунча отиб қол», деб эшикдан хиргойи қилиб келса, онабола шундан билишарди. Шу топда дадасининг ашуласи юрагига далда бергандай, араванинг гилдирагига дангал оёқ қўйди.

— Қоч!— деди Мутал.

— Бекор айтибсан! Сувга ўзим бораман,— деди Мирфаёз. Аравага чиқиб, отга қамчи туширди, калтакка ўрганмаган от кўзлари олайиб, шунақа сакрадикки, Мирфаёз қалқиб кетди. Мутал эса жон-жаҳди билан Мирфаёзнинг оёғидан тортди. Мирфаёз лопиллаб кетиб, бор бўйи билан гурсуллаб йиқилди, от анча-мунча жойга аравани суриб кетди. То болалар ҳай-ҳайлаб отни қайтариб келгунча Отақўзи билан Мелиқўзи «қутурган» Муталнинг қўлларини орқага қайириб маҳкам ушлаб олшди.

— Шунақаман?— белини ушлай-ушлай ўрнидан турди-да, «сен билан ҳали гаплашаман», дегандай ўқрайиб, Мирфаёз аравага сакраб чиқди.

— Урма отни!— қичқирди Мутал,— тўхта... тўхта деяпман сенга!

Унинг на бақириб-чақирини, на дўқ-пўписаси кор қилди, Мирфаёз баттар жиғига тегиб, алам билан отни қамчиларди. От кўзлари олайиб, булоққа борадиган таниш сўқмоқдан эмас, паст-баланд жойлардан аравани лопиллатиб чопарди. Сув шалоплаб чайқалар, бочканинг оғзидан отилиб ҳар томонга сачрар, қақраган ерларга

жўмракдан оқиб ўрмалаган плондай из қолдириб борарди. Унга сари Мутал болаларнинг чангалидан чиқмоқчи бўлиб жон-жаҳди билан типирчиларди. Бу маша Отақўзининг жонига тегиб:

— Бас!— деди,— хўш, нима қилмоқчисан?

— Ўзим биламан,— деди Мутал энтикиб,— қўйиб юбор, ўзим биламан.

— Нима?— деди Мелиқўзи ўдағайлаб,— унга тегиб ҳам кўр-чи! Менга сув керак, сув! Мен сенга ўхшаб Ширинбулоқнинг сувини тўйиб-тўйиб ичиб келганим йўқ, ёниб кетдим офтобда, ёниб!

— Мелиқўзи!— деди бирдан Холпошша.

— Нима?

— Қўйиб юбор!

Мутал занжирдан бўшаган шердек ирғишлаб, аллақачон олислаб адирдан ўтиб бораётган аравага қараб чопа бошлади. Холпошшанинг кўнглини алланарса чангаллагандек қичқириб юборди.

— Орқанга қайт, Мутал!

Бу овоз шундай қаҳр-ғазабга тўла эдики, Мутал биров кўкрагидан итаргандек бирдан тўхтаб қолди, шу товуш ростдан ҳам Холпошшанинг товушими ё адашди, беихтиёр ўгирилди. Қизчанинг кечагина энтикиб энтиктирган, жавдираб жавдиратган кўзларининг совуқ чақнашидан бўшашиб кетди.

Ҳамма ҳафсаласи пир бўлиб тарқала бошлади. Отақўзи бир нима деб, Мелиқўзига гапини маъқулламоқчи бўлиб, қўлларини ғалати-ғалати силкитарди. Мелиқўзи эшитгиси келмай, қадамларини катта-катта ташлаб, шиддат билан борарди. Боя унинг «менга сув, сув керак», деб зорланганини эслаб, Холпошшанинг юраги эзилди, минг қилганда шаҳар боласи. бунақа қир-адирда, яна жазирама офтобда ишлаб ўрганмаган бўлса, жавр бўлди!.. Шу куни тўпдан кейин иш унмади ҳисоб. Мелиқўзи капанинг ичига кириб чўзилди. Нури ғармининг соясига ўтиб олди. Дўнгнинг нариги томонидаги Суғдой ўраётганларнинг оралари ҳам сийраклашиб қолди. Холпошшанинг ҳам кўзлари тиниб, вужуди ловуллаб ёнарди.

Аммо ана шу «саммо» уни ушлаб тургандай эди. Шу топда дадаси, ҳа-ҳа, дадаси нима деган-у, нима қилган бўларди? Й. қ. на ташналик, на жазирама офтоб дадасининг ишдан шаштини қайтара оларди, аксинча, бунақа пайтда дадасидан ўжар одам бўлмасди дунёда!

Дадаси: «Ўз ўрнида ўжарлик ҳам бир фазилат», дерди кулиб. Қизиқ, ана шуни хаёлидан ўтказди-ю, Холпошшанинг юз-кўзларига муздек тоғ шабадаси урилгандек ўзини енгил ҳис қилди.

Отақўзи аллақачон ўзини соя-салқинга урган бўларди-я, лекин ҳам бугдой боғлаб, ҳам ташиб бериб турган Мунисани кўзи қиймасди... Боя Мирфаёз қандай шиддат билан жўнаган бўлса, шундай шошқалоқлик билан бочкани сувга тўлдириб келиб қолди-ю, ҳамма ташналикдан қутулди. Уни аввал Отақўзи кўрди. Паншахани улоқтириб, бора солиб бочканинг жўмрагига ёпишди. Бошидаги кўйлагини ҳам ҳўллаб қайта саллача қилиб ўраб олган эди, баданига муздай сув томчилари ўрмалаб ҳузур қилиб кулди. Утовдан Мелиқўзи чиқди.

Мирфаёз ишни «жўнгина» дўндириб келганига «хурсанд» эди. Рангпар чўғиш юзларидан кулги аримасди. Афтидан, бояги кўнгилсизликни ҳам унутгандек эди. У югуриб сувга келган ҳар бир болага илжайиб-илжайиб қўярди. Холпошшанинг ҳам қувончдан боягидек ғарамдан думалаб, боягидек оёқланг югуриб келишини бетоқат кутарди. Аммо... негадир Холпошша пастга тушгиси келмай идишини Мунисадан бериб юбора қолди. Мирфаёз гинжинди: аравада Мутал бўлгандами... ҳечқиси йўқ, ҳали шундай чопқиллаб-чопқиллаб келадики! От-аравани бекорга қўлга киритдимиз?

...Мирфаёз унда ёш эди. Дадасининг баъзи-баъзи гапларига сира ақли етмай ойисидан сўраган кезлари, ойиси: «О, болам, бунақаларни катта бўлганингда биласан, дадангнинг турган-битгани ҳикмат», деб қўя қоларди. Дадаси бирам мулойим жилмайиб, бошини бирам мулойим тебратиб ўша «ҳикматли сўзлар»ни айтган сари назарида нуқул битта ашулани минғиллаб такрорлаётганга ўхшар, бу ашулага тушунмас, аммо оҳанги кўнглининг аллақаерига жуда-жуда хушёқарди. Кўп ўтмай унинг маъносини бир қадар англагандай бўлди: расм дарси эди. Алланечук мўлтираб ўтирган Отақўзи:

— Ҳой,— деди секин туртиб,— ортиқча... қизил қаламинг борми?

— Ўзингники-чи?

— Уйда қопти,— Отақўзи ўқитувчи ҳар сафар шу томонга қараганда партанинг остига кириб кетгудек аҳволда ўтирарди. Авваллари-ку, Отақўзи нима сўраса Мирфаёз индамай бераверарди. Аммо бу гал... ўртоғини ғалати жавдирашлари қизиқ туюлиб, кўзларига узоқ

қараб қолди, негадир кўпроқ ялинтиргиси келиб жұртага папкасини узоқ тимирскилади. Отақұзи бүйишини чўзиб-чўзиб дам-бадам ёнига қараб қўяр, унинг ҳамма илинжи шу топда Мирфаёзнинг папкасида эди! Буни пайқаб Мирфаёзнинг кўнгли шунақа яйраб кетардики! Яна бир сафар, ручка деб Отақұзини не-не кўйга-ю, не-не алпозга солмади. Аксига иншо эди. Отақұзи ялинди. Отақұзи нима десанг шунни қиламан деди. Отақұзи... зил-замбил папкасини дарсдан кейин уйнгача кўтариб олиб бориб берди. Шундан кейин Мирфаёзнинг папкаси роса бир ҳафта туз ялаб бозорга «семириб» чиққан қўй-дек мактабга қаппайиб келди-ю, шу-шу ўқувчининг папкаси эмас, девонанинг халтасига айланди-қолди. Ичида ҳар бало бор эди: даста-даста ручка, қалам, беш-ўй хил катта-кичик ҳар хил тугма, катакли, бир чизиқли, муқоваси қора қопламали «обший» дафтар, кичкина ёстиқчага қадалган қўша-қўша игна, хуллас, ким нимага илинса, Мирфаёзнинг папкасидан топарди. Энди маза-маза Мирфаёзники бўлиб қолган эди. Қармоққа тушганлар қор ёққан кунлари уни чанага солиб мактабга олиб боришарди. Уқнишдан кейин эса яна лўкиллаб уйига чанада ташлаб кетишарди. Оҳ, бунинг завқи... оҳ бунинг роҳатихонлиги!

— Мирфаёз,— деди бир куни Отақұзи,— нега шунақасан-а?

— Қанақа?

— Шунақа-да,— деди ачинибми, ҳаваси келибми Отақұзи,— бировга озгина фойданг тегадими, йўқми, бечорани тоза қийнайсан, азоблайсан, камлик қилган-дек яна эшакдек ишлатасан-а.

Мирфаёзнинг қармоғига лаққа балиқдек илинганлар аксига ўша кунлари шу қадар кўпайишиб кетгандики, ҳатто биттасига нима иш буюришни билмай, ўйлаб-ўйлаб, катта тапаффусда синф эшигининг орқасига ўтиб курагини қаштиди. Ке, минг қилса ҳам Отақұзи ҳампартам, шу бечорага ҳам бир яхшилик қилайки, ўла-ўлгунча қанақалигимни эслаб-эслаб юрсин дедими, ё Отақұзини каттароқ тўрга туширмоқчи бўлдими, ҳар қалай қўлтиқлаб ҳовлининг овлоқроқ ерига олиб борди. Юракдан бир «сирлашгиси» келганда, негадир дадасига ўхшагиси, дадаси оғзидан сира қўймайдиган ўша ширин-шакар сўзларини худди дадасига ўхшаб айтгиси келиб кетиб:

— Дўстим, Отақұзи,— деди бир эмас иккала қўлини

Отақұзининг елкасига ташлаб,— мен ҳар қанақа товуққа эмас, тухум қиладиган товуққа дон бераман, яъни бунинг маъноси шуки...

— Нима?!— деди Отақұзи ёқасига ёпишиб,— ким товуқ?!

— Э, қулоқ сол, тентак,— деди Мирфаёз хириллаб,— бун маъноси шунақаки...

Отақұзи ҳам маъноси мапа бунақаки, деб туриб унинг қулоғи остига тарсаки солди. Шундан кейин Мирфаёз икки ҳафта маст одамдек гангиб юрди. Кейин дўпписини партага қўйиб ўйлаб кўрса, дадаси ҳақ, «бировга кўнгил очиш — подонлик экан». Шунда дадагинининг «турган-битган ҳикмат»лигига яна бир марта ишонди! Ўша-ўша унинг ғалати одатига тушуниб, кўпчилик бир чеккага суриб, яккалаб қўйди. Энди Мирфаёзнинг гаровга қўядиган «нарсалари»нинг ҳеч кимга кераги бўлмай қолди. Қоппайиб юрадиган папкаси ҳам бозордан қайтган ўша қўйдек бир кунда пучайиб, дафтар-китоб ташийдиган расмана папкага айланди. Шундагина ҳамма Мирфаёзнинг гуноҳларидан кечгандай-ю, Мирфаёз ҳам аввалги Мирфаёзга «айлангандек» бўлди. Аммо... ўша роҳатижон кунларнинг лаззатини сира унутолмасди! Ўйлаб-ўйлаб ойисининг бир марта: «Улинг, товуқ деб хўрозга дон сочиб юрган экансиз», деб дадасига берган танбеҳини эсласа, шундай хулосага келарди: модомики дадасидай одам тухум қиладиган товуқ деб хўрозга дон сочиб юрган экан, вой, эй, мактаб директорининг олдида Отақұзи нима деган одам, у ҳатто жўжахўроз ҳам эмас, пашша-ку! Демак, битта пашшанинг гинғиллашига юрагини шунча ҳовучлаб юриши керакми? Дадаси айтмоқчи: «Ётиб қолгунча отиб қол!», деб ўзига-ўзи тасалли берди-да, ўша мазахўракликларнинг хумори тутиб, яна ширин-ширин тамшана бошлади... Аттанг, боя аравага бемаврид ёпишди, қурт шимган боладек миқ этмай туравермайдими. От-арава, демакки, Холпошша билан бўладиган аввалги яхши-яхши алоқалар, ўз-ўзидан оёғининг тагига юмалаб келган коптокдек шундоққина қўлга кирган эди-я!

— Вой, эй, мунча тез келдинг-а,— деди хаёлини бўлиб Отақұзи,— булоққа бордингми-а?

— Бе,— қўл силкиди Мирфаёз,— Уроз аканинг олдида бордим, шундоқ-шундоқ деган эдим, кулиб-кулиб бочкамга сув солиб берди.

Мирфаёз «кулиб-кулиб», деган гапни ичидан қўшди.

Аслида бошқача эди. Доим кўзига хунук кўриниб юрадиган узун бўйли, ёғочдай ориқ, саратонда ҳам бошига телпак, оёғига қўнжи бир қарич қайрилган керзи этик кийиб юрадиган ўроқчиларнинг бошлиғи Уроз амаки ёнилган тугаб қолганигами, аллакимнинг қирнинг нариги томонида ҳали ҳам ивирсиб юрганигами, ишқилиб бир балога хуноби чиқиб турган экан. Ановининг «қилмишлари»ни эшитиб тутақиб кетди. Бу қанақаси, ишга келганмисанлар ё майнавозчиликками, ҳали қишлоққа борганда ҳаммасини ранс бувага айтаман, деб уришиб-уришиб бочкага сув солиб берган эди.

Мирфаёз шуларни эслаб аравадан тушди. Уёқ-буёққа аланглади. Мутал кўринмади, ичида қувониб қўйди. Болалар бояги-бояги, яна ишга тушиб кетишганди. Мелиқўзи бош кўтармай ишларди. Отақўзи ҳам боягидек ҳазил-ҳузул билан буғдой боғламларини юқорига олиб узатар, фақат ғарам босаётган Холпоншагина хомуш кўришарди. Мирфаёз чодирга кириб бирпас чўзилди... Анавини булоқдан қайтиб келганда ялпайиб ётадиган одати бўлгувчи эди. Буни кўриб Мирфаёз... бочкани бошига қўйиб кептими, деб ичида гижиниб қўярди. Қаёқларда санқиб юрганикин-а, Мирфаёзни ястаниб ётганини у ҳам бир кўрса эди!

Аллакимнинг хахолаб кулган овозидан Мирфаёз ажабланб ташқарига чиққанда, болалар ошхона олдида гурунглашиб туришарди. Холпошша ҳам пастга тушган эди. Пақирни қўлида силкитиб кулаётган Ойша экан.

— Вой, энди нима қиламан-а,— дерди Ойша жусса-сига помуносиб шанғиллаган товуш билан,— шун билсам, боя Муталгинани шўртангина сувидан икки-уч пақир олиб қолмасмидим-а!

— Оббо,— деди Муниса,— Ойша, нима бало, хаёлинг кирди-чиқдироқми, яхшилаб қара.

— Вой, қарадим,— деди Ойша,— кеча кечқурун шу пақир лиқ тўла эди. Устида қоғоз қоп ётганига мен ҳам очиб қарамаган эканман. Боя қозонга туз солай десам... бир кап туз қолмабди.

Шу пайт аллакимнинг аччиқ-аччиқ кулгани эшитилди. Ҳамма орқага ўгирилди-ю, дўшгининг ёнида силкишиб-силкиниб кулаётган Муталга кўзи тушди.

— Ҳа?!— деди Ойша.

— Тузни... мен олдим.

— Нима?!

— Э, қулоғнинг карми, мен олдим, мен.

— Нега?— тушулмади Муниса.

Мутал яна кулди.

— Шунақами?— деб юборди Мирфаёз ва шиддат билан Муталга қараб юрганда:

— Қаёққа?!— деди.— Отақўзи кесатяпти-ку?!

Мирфаёз индамай қолди.

Аммо бир нарса ажабланарли эди: бочкадаги сув унақа-ю, пақирдаги туз бунақа бўлса, демак, биров кечаси пақирдаги тузни бочкага ағдариб қўйган-у, Мутал бечора бундан беҳабар бочкага сув солиб келаверган, ҳа-ҳа, шундай бўлганига шак-шубҳа қолмаган эди. Отақўзи ўша одамни топмоқчи бўлгандай ҳаммага бир-бир сиичиклаб қарай бошлаган эди, уни қарашларига тоб беролмай:

— Э, бор-э,— деб юборди Муниса,— мунча менга олаясан!

Ҳамма шарақлаб кулиб юборди-ю, аммо бу самимий эмас, аллақандай совуқ, заҳарли кулги эди.

— Қўй, Отақўзи,— деди Холпошша,— ким қилган бўлса... виждони бўлса ўзи айтар...

— Бўлмаса-чи?!

Хошпошша бирдан:

— Йўқ, унақа дема, Отақўзи,— деди.

— Э, қўйинглар-э,— деди бирдан Ойша,— мен буни битта-яримта ўчакишиб қилганига сира ҳам ишонмайман. Ҳа-я, ҳазиллашган!

— Унда, ҳой Мирфаёз,— деди Муниса,— сен Муталдан хафа бўлмай қўя қол. У ҳам боя ҳазиллашиб оёғингдан тортди, ҳа!

— Э, ўша ҳазилни сенга қилсин,— Мирфаёзнинг юзлари асабийлашди.

— Вой-вой, нега менга қилади?

— Ҳа?!

— Нима, мен Муталнинг от-аравасига ёпишдимми?

— Мен от-аравани пишириб едимми-а,— деди Мирфаёз,— сенларга бир бочка помакоб эмас, сув олиб келдим, сув!

— Қўйинглар,— деди бирдан Холпошша,— ҳамма нарсани ҳазилга йўявериш яхши эмас.

Ҳамма бўшашиб тарқалди.

Шубҳадан фақат Мутал холи эди. У дўнгнинг орқасига ўтиб, аравадан отни чиқарди. Унинг яғришида ўқлогидек бўртиб турган қамчи изларидан вужуди титраб

кетди. Йўқ, анави суллоҳнинг ўзини шунақа қамчиламагунича сира аламидан чиқмайди. Шўринг қурғур жониворга шунча азоб берадими, бу бечоранинг гуноҳи нима?! Агар Холпошша демаса... Мутал шу тобда ўзини сира тутиб туrolмасди, илмий мудирнинг ўғли тугул ранс буванинг арзандаси бўлганда ҳам ўласи қилиб саваларди. Йўқ, яхшиси шу ерга судраб келиб, отнинг кўз олдида дўппослар эди. Отнинг яғринини силаб-сийпалаб турганда дўнгнинг ёнидан Мирфаёз шошиб чиқиб келди. Афтидан отни бўшатмагани эсига тушган бўлса керак. Муталга кўзи тушиб: «От-арава билан видолаш», деб гижиниб қайтиб кетди. Мутал уни кўрмади. От билан овора эди. Кўп ўтмай Ойша ҳаммани овқатга чақирди. Болалар ҳазил-ҳузул, қий-чув билан ошхонага қараб чопиб кетди. Аммо Мутал бормади. Ҳозир овқат уёқда турсин, томоғидан бир қултум сув ўтмасди. Аташ, ранс бува отнинг қадрига етасан деганда, қувончидан терисига сиғмай кетган эди. Ўтган сафар қирга келганда отнинг тухумдай йилтираб кетганини кўриб: «Ҳа, қир ёқибди, баракалла», деб мамнуи бўлгани сира кўз олдидан кетмасди. Ҳазир отни шу алпозда кўрсанима деган бўларди?!

Кеч кирди. Аммо бу оқшом Холпошшанинг назарида, аллақандай ёқимли, ис-уфорлар аниқиб турган кечаги ҳаяжонли оқшомга сира ўхшамасди. Осмондаги юлдузлар совуққина милтираб кўнглида нохуш ўйлар қўзғарди. Қомбайнларнинг олис-олислардан келаётган овозлари ҳам пойма-пой гупиллаб қулоққа ғалати қадаларди. Чодирнинг ярим очиқ жойидан беўхшов қаққайиб турган анави ясси дўнг шу топда негадир жуда хунук кўринарди. Одамнинг кўнглига қараб ёнвериданги нарсалар ҳам ҳар хил туюлаверар экан-да, бўлмаса шу тепалик кун-кеча қир-адирларнинг тинчини кўриқлаган соқчидек бир мўъжиза бўлиб кўринмаганимиди унга?

Ҳаммаси бир кунда ўзгарди-қолди.

Холпошша бошини қўлларига қўйганча чодирнинг шабадада енгил силкинишига қараб узоқ ётди. Ҳамма аллақачон пишиллаб ухлаб қолган эди. Аммо Холпошшанинг кўзларига уйқу келмасди: бояги нарсаларнинг ҳаммаси Ойша айтмоқчи ҳазилмикан-а? Йўғ-е, Муниса ачиққланганча бор, ҳазил қурсини шунақа бўлса!

Йўқ, у сира Мирфаёзни оқламоқчи эмас эди. Унинг боя ғарамдан думалаб тушганда қўлларини ушлаб

олиб, кўзлари алланечук йилтираб қараганларини эсласа... вой олаймай ўл-е, нега бунақа қаради? Сув-чи? Аммо Мирфаёз ўзининг ғамини еб юрадиган бола бўлганига, ҳеч кимда йўқ сувнинг унда бўлиши ҳам ажабланарли нарса эмас эди. Қолаверса, шунча машмашадан кейин ҳам ҳамманинг ташвишини тортиб сувга бориб келишининг ўзиёқ уни ҳар қанақа шубҳадан холи этардики, мабодо Мирфаёз шу нарсани эплаб келмаса борми, ҳозир одамларнинг аҳволи нима кечишини хаёлига ҳам келтиролмас эди. Унда ким?! Холпошша ўйлаб ўйинга етолмас, ўйлаган сари кўнгли гашланарди, бунинг устига Муталнинг бекорга ер депсиниб, анавининг оёғидан тортганларини эсласа, унинг қилмишлари шу қадар хунук кўринардикки, тавба, наҳот одам одамга қўл кўтарса, эски увададек, ерга булғалаб хўрласа, шу билан аламидан чиқса? Ким?! Мутал-а, Мутал! Нимага? «Аравани менга бер, сув олиб келай», деганигами?! Оламда на тенги-ю, на ўхшаши бўлмаган Мутални хаёлида етти қават осмонга олиб чиқиб қўйиб қанчалик маҳлиё эди-я, унга!

Энди-чи, энди?!

Тўққизинчи боб

Тавба, раис нимага дағдаға қилиб телефон қоқиб юрибди, бирон кўнгилсизлик бўлмаса гўрга эди, деган ўйда Бўрижон ака хаёл суриб борарди. Жимгина анчамунча йўл босишди. Қирнинг қоқ ўртасидаги текис сўқмоққа тушиб олишганда Мирҳалим ака томоқ қириб:

— Аттанг,— деб қўйди,— ўшанда шу нарса хомроқ бўлган эканми-а?

Бўрижон ака унинг гапига жила эътибор бермагандай кўринса ҳам, аммо ўйлаб қолди, дарҳақиқат, шундай бўлдимикин-а?!

Балки...

Ҳар ёз колхоз юмушларига қарашиш болаларга янгилик эмас эди. Аммо бу гал ўримга ўзлари ёлғиз, ўқитувчиларсиз чиқишларини эшитиб, аввал сира ишонимаси мади. Ҳатто Бўрижон ака синфга кирганда ҳам шунақа чувиллашиб саволга кўмиб ташлашдики...

— Хўш, бунинг ҳайрон бўладиган нимаси бор?— деди Бўрижон ака,— мана, Муниса, айт-чи, қизим, эрталаб сени ким уйғотади.

— Ўзим тураман.

— Кейин нима қиласан?

Отақўзи оғзини кафти билан ёпиб кулди.

— Ойисининг кўйлагини кийиб сизгир соғадн.

Бўрижон ака ҳозир ҳазил-ҳузилга бало борми, дегандек ўгирилиб қараб қўйган эди, Муниса:

— Вой, Бўрижон ака, рост айтяпти,— деди,— сизгиримиз ўлгур ойимга ўрганган, бўлмаса пақирни коптокдек тегиб ташлайди.

Орадаги кулги тугаши билан:

— Ҳай, майли, ундай кейин-чи?— деди Бўрижон ака.

Муниса бу парсаларнинг шу топда нима ҳожати бор экан, дегандай довдираб-довдираб, ўқишдан сўнг дарсини қилиб бўлгач, мол-ҳолга қарашидан тортиб уйни йиғиштириши-ю, ҳовли супуриб овқат қилишигача, ҳамма-ҳаммасини қалаштириб ташлади. У гапирган сари Бўрижон ака ҳаяжон билан кафтларини бир-бирига ишқалар, доска олдида уёқдан-буёққа юриб, бош иргаб, маъқуллаб қўярди.

— Ҳа, баракалла!— деди ниҳоят муддаога ўтиб,— шунча юмушни ўзинг қилар экансан, айт-чи, шуларни битта-яримта айтиб турадими?

— Вой, нега энди!

— Бўпти-да!— деди Бўрижон ака болаларга юзланиб,— қирда ҳам биров тепаларингда туриб бу ерга буғдой ўргани келгансизлар, ишланглар, деб ниқталаб туриши керакми? Аммо тез-тез хабар олиб турамиз, бу ҳам сизларга бамисоли синов.

... Болалар қанақа қувонишган эди! Юзларида ғалати бир ифтихор, аллақандай жиддийлик, ўзларига ишонч туйғуси билан кўзлари ажабтовур чақнаган эдики! Йўқ, бунақа болалар бирон ножўя иш-у, бирон қабиҳлик қилишга қодир эмас!..

— Бирон нима дедингизми, Бўрижон,— ўгирилди Мирҳалим ака.

— Йўқ,— деди Бўрижон ака,— бояги айтганларингизга асло қўшилолмаймак, Мирҳалим ака.

Мирҳалим ака унинг тиззасига кафтини беозор қўйиб:

— Ҳар қалай,— деди мулойимлик билан,— ҳар бири ирғишлаган тойки, ниқтаб турилмаса...

Бўрижон ака:

— Текис йўлда-я?— деб қўйди.

Мирҳалим ака ортиқ гапиришни ўринсиз билдими ё бу шартан одам боядан бери икки кўзи йўлда-ю, фик-

ри-экири буларда бўлган Ҳикматилла аканинг олдида бирон оғирроқ гап айтиб қўйишидан чўчидими, гапин дарров бошқа ёққа бурди.

— Иним Ҳикматилла, гап-сўзимизга ажабланманг. Биз, Бўрижон икковимиз, бамисоли ака-укадай бўлиб кетганмиз, кўнгилда не бор, шарт-шарт айтаверамиз, ҳақиқат ўлмасин деймиз, ҳақиқат!

Бўрижон ака бу гапга ғалати бир кулимсираб қўйди. Ҳикматилла ака хижолатомуз:

— Йўғ-е,— деди шошиб.

— Ҳа, шундоқ!— деди Мирҳалим ака отдан тушса ҳам эгардан тушмаган киёфада яна бир бор Ҳикматилла акага ўгирилиб. Аммо ораларида бораётган гап-сўз мазмунидан уларнинг жилла ҳам «ака-укадай» эмасликлари Ҳикматилла акага бир қадар равшанлашган эди.

Кун ботган, қир этакларида осилиб қолган бир парча шафақда олис-олислардаги тоғ чўққилари қирмизи бўлиб кўзга ташланарди. Иссиқнинг дами қайтганига қарамай, янги ўрилган буғдойзорнинг аллақандай иси ҳарорет билан димоққа уриларди. Машина туянинг ўрқачига ўхшаш паст-баландликлардан ўтиб, яна текис сўқмоққа чиққандагина, олисда дўппидай дўппайиб турган ясси дўнглик, унинг атрофида ўтлаб юрган от, шотиси ҳар томонга тарвақайлаб ётган арава кўринди. Машинанинг овозига дўнгда болалар пайдо бўлди. Олисда бирпас қараб туришди-да, сўнг чувиллашиб пастга туша бошлашди.

— Ҳа, қизим?

Холпошша қимтиниб қўйди-ю, индамади.

— Йиғладингми?

— Йўғ-е,— деди Холпошша кўзларини ишқалаб,— чапда шунақа бўлди шекилли.

Бўрижон ака қизининг гапига жилла ишонмаган бўлса ҳам, ортиқ қишани эп кўрмай ўридан турди. Ота-бола чодирдан чиқишганда рандаланмаган қўпол тахтадан ясалган узун стол атрофига ҳамма тўпланган эди. Мирҳалим ака, афтидан, янги ўқитувчини болаларга таништириб бўлган эди. Аммо ҳамманинг диққат-эътибори, негадир, Мирҳалим аканинг гап-сўзида эмас, янги ўқитувчида эди. Мирҳалим ака эса бунга эътибор бермас, қўлидаги таёқчани ўйнатиб, баланд-баланд гапирарди. Муддао айтилиб, яъни раис буванинг ишончларини оқлаш учун бу ерга келишган экан, тўқликқа

шўхлик қилмай ишлашлари лозимлиги обдан уқтириб бўлингач, Мирҳалим ака узун стол бошида дадасининг гапларига ял-ял ёниб ўтирган ўғли ёнига бориб ўтирди. Ота-боланинг чодирдан чиққанини кўриб, ёшига номупосиб бир чаққонлик билан қайта турди-да:

— Мен бу гапларни ҳурматли директоримизнинг номларидан ҳам айтдим,— деди директорнинг «обрўсини» ҳам жойига келтириб. Унинг, айниқса, сўнгги луқмаси Бўрижон аканинг гашига тегди... Аммо бегона одам олдида бир нима дейишни лозим топмай индамай қўя қолди. Отақўзи қўйиб берган яшикчага ўтириб, ҳаммага бир-бир қаради-да;

— Қир ёқибдимми-а?— деди.

Болалар юз-кўзида аллақандай ёқимли жилмайиш пайдо бўлди. Муниса эса ёнидаги Отақўзини туртиб:

— Айниқса сенга!— деган эди секингина, аммо бу гапни ҳамма эшитиб, бирдан кулги кўтарилди. Бўрижон ака ҳам ўзини тутолмай қўшилшиб кулди. Негаки, Отақўзи қирга чиқишларини эшитганда хипчагина бўлиб келарканмиз-да, деб ҳаммадан кўпроқ қувонганидан хабари бор эди.

— Вой, яна икки ҳафтагина белини қайиштириб ишласа борми?— деди Нури,— Отақўзи демаганлар анави Мелиқўзи осилиб қолган синфнинг дарчасидан ҳам қушдай учиб чиқиб кетади.

Мирфаёз ҳам кулаётган эди, дадаси биқнига бир туртди. У ҳам дарров дадасига ўхшаб қовоқ-тумшугини осилтириб олди. Мирҳалим ака ҳассасини дам у қўлига, дам бу қўлига ола-ола аранг ўтирарди. Дам-бадам Ҳикматилла ака томонга ўгирилиб «ана бачканалигу, мана бачканалик», деб бош чайқаб-чайқаб қўярди. Аммо болаларнинг очилиб-сочилиб гаплашишлари, ўзларини бу қадар эркин тутишлари Ҳикматилла аканинг кўнглига хуш келган эди. У ҳам орада бўлаётган беозор ҳазил-ҳузилга ҳузур қилиб кулди. Буни кўриб Мирҳалим аканинг асабий жилмайган салқи юзлари тортишиб кетди: ҳо, ҳалитдан-а, директорга мақом қиялпими, эрта-индин илакишса, қанақа нағма чиқараркин?!

— Модомики кайфиятларинг яхши экан,— деди Бўрижон ака,— демакки, ишларинг ҳам чакки эмас, шундайми?

Орқада кимдир:

— Шундай, Бўрижон ака,— деб қўйди.

Мирҳалим аканинг кўзлари соққасидан чиққудай

олайди. Утирган жойида қўзғалиб қўйди. Ана ахлоқ, ана одоб, болаки бир қарич ёшидан каттани катта ўрнида кўрмай гаплашдимми, бас, бунақалардан қўлни ювиб қўлтиққа ураверган маъқул. Директор-ку, алдагани бола яхши қабилда иш тутиб ҳаммани ўзига ағдариш пайида жўрттага лақиллашиб ўтирипти, аммо бу зумрашалар нечун Мирҳалим акадай одамдан, ҳаттоки, етти ёт бегона кишидан ҳам ҳайиқмайди, ана шу нарса Мирҳалим акани уёқ-буёғидан ўтиб кетиб:

— Ёлғон гапиришни ким ўргатди сенларга!— деб юборди-ю, шундагина столнинг бир бошини эгаллаб ўтирган Мирҳалим ака борлигини эслашди, эслашди-ю, юз-кўзларидан кулги қочди. Негаки, унинг вазоҳати ёмон эди, битта-иккита оқ оралаган ўсиқ қошлари остидаги кўзлари совуқ йилтирдди.

— Яна... директоримизга-я!?

Оқизмай-томизмай ҳаммасини етказибди, дея хаёлдан ўтказди Холпошша ва ер остидан Мирфаёзга қаради. У эса дадасининг вазоҳатидан ҳамманинг ранги ўчиб кетганини кўриб терисига сиғмай ўтирдди:

— Хўш, қани у!

Садо чиқмагач, бир-бир ҳаммага қараб, қидирган одамани топмай:

— Қочган!— деди Мирҳалим ака.

— Бе!— деб юборди аллаким.

— Ким у?.. Чиқ бўёққа!— деди Мирҳалим ака аланглаб. Аллақачон бўлиб ўтган воқеаларнинг ипидан-игна-сигача буларнинг хабари бор. Шу муносабат билан келишгани энди ҳаммага аниқ, аммо қай йўсинда-ю, ким хабар бергани помаълум эди. Мирҳалим аканинг нега бу қадар аччиқланаётгани ҳам, дуч келган болага ўшқиринининг сабабини ҳаммалари билишарди. Отақўзи болаларни ёриб ўтиб, Мирҳалим аканинг олдига чиқди.

— Қани?!

— Ким?— деди тушунмай Отақўзи.

— Безорини сўраяпман!— деди Мирҳалим ака.

Отақўзи индамай тураверган эди, Мирҳалим аканинг зардаси қайнаб кетди:

— Ҳой, нега киптингни қоқасан?

— Кимни сўраяпсиз, Мирҳалим ака?— деди Отақўзи.

Мирҳалим ака орқага қалқиб кетди: ё тавба, билиб туриб яна «кимни» дейди-я! Шундоқ одамни калака қилса-я? Йўқ, афтидан, улуғ машмашани шунчаки юза-

ки эшитган. Ҳақиқий аҳволини унинг сабабчисини ҳали тўла-тўкис билмайди, билсамми... Бўрижон ака гапга аралашди:

— Мутал қани?— деди.

— Эй, Муталми?!— Отақўзи чодирга қараб бораётиб баланд овоз билан деди.— Мутал демайсиноми, Мирҳалим ака, Мутал буёқда!

Кўп ўтмай чодирдан Мутал чиқиб келди.

— Нега бегуноҳ болага тегдинг?— деди қалт-қалт титраб Мирҳалим ака. Хаёлида ҳозир Мутал ўтакаси ёрилиб қочади-ю, жилла бўлмаса шу билан ҳовридан тушмоқчи эди. Аммо Мутал писанд ҳам қилмагандай кўринди-да, Мирҳалим ака яна тутақди.

— Ҳой, нега олаясан?— деди.— Узингдан катта одам гаплашганда ерга қараб тур!

Мутал бошини қуйи солди, буни кўриб Мирҳалим ака бир оз ҳовридан тушгандай бўлди.

— Сенда тил-забон деган нарса борми?

— Нима дегин, дейсиз?

— Айт, айбим бор, деб айт, хўн, гуноҳимдан ўтинглар, деб ёлборсанг тилнинг кесиладими?

Мутал анчагача жим турди-да, кейин ғалати титроқ товуш билан:

— Айбим бор,— деди-ю, нимагадир бирпас тўхтаб қолди. Мирҳалим ака мамнуи қиёфада Бўрижон ака томонга бир қараб олди. Унинг бу қарашинда, мана Бўрижон, озгина пўписа қурғурнинг мўмиё, аслдай зарурияти борки, тойчоқдай ирғишлаган ҳар қанақа бола ҳам мулла мишган эшақдай ювош тортади-қолади. Қаёққа десангиз шуёққа йўрғалайверади, йўқса, мисоли бақатеракка ўхшаб ғўдайиб ўсадники, бир кун келиб эгаман десангиз шаққа синади-ю, нақ устингизга тушиб, бошингизни мажақлаб ташлайди, деган маъно бор эди. Аммо, Бўрижон аканинг кинояли нигоҳи, қўйинг, буларни дарди йўқ кесакка айлантриб нима қиласиз, осилса, темир ҳам синади-ку, дерди. Мутал секин-аста одамлар орасидан ўтиб тепаликка қараб борар экан, Мирҳалим ака яна боягидай сергакланиб қолди. Кўп ўтмай, тепалик орқасидан отни етаклаб чиқиб шу томонга кела бошладн.

— Мана!— деди шундоқ Мирҳалим аканинг рўпарасига олиб келиб,— яғринига бир қаранг!

Мирҳалим ака болаинг муддаосига тушунимай ҳасасини силкитганча отга яқин борди. От ҳуркиб ер те-

пинди. Мирҳалим ўтақаси ёрилгудай бўлиб орқага тиса-рилди.

— Нима демасқчисан?— деди яна боягидай важоҳат билан.— Сенинг безорилигингга бу махлуқнинг нима даҳли бор?

— Бор!— деди Мутал алам билан,— айбим шуки, арзандангизни ерга босиб дўппослашим керак эди!

— Нима?!

Мутал отни қўйиб юборди. От гўё бу машмашаларга тоқати йўқдай бошини силкиганча тепаликка қараб чопа кетди.

— Эшитдингизми?— деди Мирҳалим ака ўгирлиб,— эшитдингиз-а? Бўрижон?

— Эшитдим,— деди Бўрижон ака истар-истамас.

— Ҳали бу безорининг қулогидан судраб улуғимизнинг олдиларига олиб борайки...

— Олиб боринг, майли!— деди Мутал,— мен ҳам отни етаклаб бораман.

Мирҳалим ака боладан бунақа жавобни кутмаган эди: ҳа, ушлади, зумраша, ушлаганда ҳам шундай но-зик жойидан тутдики, бир дақиқа отнинг яғринидаги қамчи изларини кўрган раиснинг важоҳати хаёлига келиб галати бўлиб кетди. Ранс деганда соясига кўрпача соларди-ю, аммо унинг от жинисси эканини хушламасди. От деган махлуқни қамчилангу улуғни юзига тарсаки тортинг, раис учун иккови ҳам баб-баравар эди, йўғ-е, кейингисига чидаса ҳам, олдингисига асло тоқат қилолмасди. Шунн ўйлаб Мирҳалим ака лабини тишладди, гўё хаёлига келган нарсаларни биров сезиб, ҳозир улуғга бориб айтиб қўяётгандай чўчиб, ён-верига аланглаб қўйди.

Отақўзи кўзлари чақнаб, қални лабларини ялаб ўрнидан бир туриб ўтирди. Холпошша эса елкасидан босиб ётган оғир юк қулагандек енгил нафас олди. Ёлғиз Мирфаёзгина ўзини қаерга қўйишни билмай алланечук тиширилаб қолди, наҳот дадаси... «турган-битгани ҳикмат» бўлган дадагинаси анавига лом-мим деёл-маса?!

— Хўп,— деди Мирфаёз аламига чидамай,— хўп, бочкага мен туз солиб қўйганман дея қолайлик, хўш, буни ким кўрди?

Мирфаёз «бопладимми», дегандай дадасига қаради-ю, қувончдан яйраб кетди. Негаки, дадаси қўлидаги таёқчани баланд кўтарганча:

— Ҳа-я,— деб юборди,— хўш, буни ким кўрди-ю, ким ушлади?

Ҳеч бир боладан садо чиқмади. Бу саволга ҳам ҳеч ким жавоб беролмагани ва бирон одам аниқ гап айтолмагани учун Мирфаёзни ҳеч ким бутунлай айблай олмаган эди. Буни кўриб Мирҳалим ака «мана калаванинг у учи бўлмаса бу учи қўлимда», деб бир оз кўнглини тишчтиди-да:

— Хўш?— деди ҳаммага бир-бир қараб,— мана мисол, сен азиз биродарим Абулқосимнинг ўғиллари...

Мелиқўзи ўрнидан турди.

— Уғлим Мелиқўзи, мана сен... ўртоғининг шу номаъқулчиликни қилганини кўрганинг борми?

Мелиқўзи елка учириб:

— Йўқ!— дейиши билан Мирҳалим акага жон кириб:

— Бас!— деб қўлидаги ҳасса билан столи чунюкка урдик, беҳос ўтирган болалар сакраб тушди,— бас, улуғимиз эъзозлаган биродарим Абулқосим акакинг ўғилларига ҳеч кимнинг ишонмай ҳақи йўқ.

Мелиқўзи бу қадар дабдабали айтилган гаплардан негадир ўзини ноқулай сезган бўлса-да, аммо ҳаммакинг олдида Мирҳалим ака дадасини кўкларга кўтаргани хушёқди. Аммо Мирфаёз унинг тирсагидан секин ушлаб маънодор кўз қисиб қўйган эди, ҳозирги илиққина чайқалиб кетган кўнгли музлаб, бенхтиёр Холпошша томонга ўгирилди, ўгирилди-ю:

— Кўриш шарт эканми?— деб юборди унинг қаршига тоб беролмай. Тавба, бу қизнинг кўзида ростдан ҳам бир бало бор, бўлганда ҳам шунақа нарсаки, хоҳласа йиғлатади, хоҳласа кулдиради, хоҳласа одамни қип-қизил жинни қилади дея, хаёлидан ўтказди.

— Не-не, бу қанақа гап?— деди Мирҳалим ака.

— Одамга калла нимага берилган?— деди кимдир,— ўйлаб топса бўлади-ку.

Холпошша, энди бояғидай совуққина эмас, бошқача, илиққина бир жилмайдики, Мелиқўзининг бутун вужуди яйраб кетди. Мирҳалим ака «қозонга юрсанг қораси...» сени ҳам туппа-тузук айнибсан, дегандек ўсиқ қошларини чимириб Мелиқўзига қараб қўйди-да, ортиқ унинг гап-сўзини писанд қилишни истамай жойига келиб ўтирди. Бу машмашаларнинг хулосаси ҳам, ҳукми ҳам, ўзингизга ҳавола, деган маънода Бўрижон акага қаради. Бўрижон ака шу тобда оғир аҳволда қолди. Шартта-шартта гапирай деса, уни билмаса, гапирмай

деса, бунн. Аммо боя Мирҳалим аканинг келишига розилик бергани учун ҳозир ўзини сира-сира кечиролмасди.

У маъюсгина жилмайди-да:

— Уҳ-ҳў, алламаҳал бўлиб қолибди-ку!— деди соатини ойга солиб,— энди ётайлик-а?

Уни «хулосаси» шу бўлди.

Ҳамма бўлиб ўтган аччиқ-чучук гапларга қарамай ички бир енгиллик билан ўрнидан туриб тарқалди. Мирҳалим ака алаmidан ҳасса билан бошига ургандай аҳволда ўтирарди. Анчагина шу зайлда ўтиргач:

— Дада,— деди Мирфаёз секин билангидан ушлаб, шундагина ёнидаги ўғлини пайқаб ҳамма аламини ундан олди.

— Ул «дада!»

— Ҳа?!

— Эшак, нега анавиларга қўшилиб куйдирган калладай ишшайдинг-а?

Мирфаёзнинг рангпар юзи чўзилиб, кўзларидаги нур ўча бошлади, дадасини кўргандаги қувончидан ҳеч бало қолмади. Боя, дадаси келган замон анови Муталнинг тундаги қилмишларини, Холпошша икковн тепанинг орқасига ўтиб аравада алламаҳалгача «ғалати-ғалати» ўтиришларини айтиб берганда дадаси мулойим, мамнун жилмайгандики, Мирфаёз терисига сиғмай кетганди. Ушанда дадасига «бир боплайми-а», деганда:

— Асло! Тентак, ўзинг ярим кечаси уларни пойлаб юрганмидинг дейишса, нима жавоб берасан?— деганига, боя шунча тили қичиса ҳам ўзини аранг босган эди. Бўлмаса-ку, ҳамманинг олдида икковнининг расвосини чиқарарди-я, э, аттанг, ҳозир дадаси ҳам бекорга мана бунақа асабийлашиб ўтирмаган, уни ҳам куйдирган каллага ўхшатмаган бўларди.

Ота-бола ўринларидан туришганда ой ҳаволаниб тиккага келган, қатор чодирларнинг узала тушган соялари ҳам йўқолган эди. Мирҳалим ака бирон нарса дейишига маҳтал ўғлига ҳам ўгирилмай чодирга қараб юрди.

Бўрижон ака бошини адёлга ўраб, аллақачон ухлаб қолган эди. Ҳикматилла ака эса ҳали уйғоқ эди, узала чўзилганча шифтга қараб ётарди.

Мирҳалим ака индамай ечина бошлади. Ҳикматилла акадан садо чиқмаганини кўриб «бетамиз» деб қўйди ичида. Жилла бўлмаса икки оғиз у-бу деб, кўнгил кўта-

риб қўйса, оғзи кира тилайдими? Ё директорнинг эшитиб қолишидан чўчидими, ҳа, шундай бўлса ҳам ажаб эмас!

Шу пайт мудраган қир-адирларни тўлдириб каклик бирам сайраб юборди. Мирҳалим ака унинг хонишига маҳлиё бўлиб қолди. У тўлиб-тошиб нола-фигони билан фалакни ўртагудай бўлиб сайради. Мирҳалим ака бенхтиёр ўғлининг гапларини эслади-ю, аммо одам боласи қушга шунча тақлид қила оладими, йўғ-ё... деб қўйди. Кўп ўтмай чодирнинг оғзидан аллақандай соя лип этиб ўтиб кетди. Хаёлига «ўша», деган фикр келди-ю, бирдан юраги кўкрагини ёриб чиққудай гурсиллаб ура бошлади. Сиз каравотнинг суянчиғига ташлаган шимини қайта олиб, негадир ҳаяжондан қалт-қалт титраганча оёғига тортаркан:

— Мулла Ҳикматилла!— деди оҳиста ва чодирнинг бурчагида бамайлихотир ухлаб ётган Бўрижон акага шубҳали қараб олди. Аммо унинг пишиллаб нафас олишдан кўнгли бир оз тишчиди-да, Ҳикматилла акага «юринг», деган маънода имлаб чодирдан чиқди.

Мирҳалим ака чодир оғзидан Ҳикматилла акани бирпас кутди, у чиқинчи билан «орқамдан юраверинг», деди паст товуш билан ва соясини босганча шипиллаб тепаликка қараб кета бошлади. Ҳикматилла ака ҳеч нарсага тушунмай ажабланганча унга эргашди. Улар олдинма-кетин тепаликка яқин келганда Мирҳалим ака тўхтаб, букчайганча тепалик ёнбағрига кўтарила бошладди-ю, бирдан чўққайганча ўтириб қолди. Орқасига ўғирлиб Ҳикматилла аканинг ҳам ўзи каби эҳтиётлик билан келишини имо-ишора қилиб тушунтирди, кейин бўйшини секин чўзиб дўнглик орқасига қаради. Ҳикматилла ака келиб ёнига чўққайди.

— Қир каклигини ҳам бир кўриб қўйинг!

— Қани?

У шоша-пиша Мирҳалим ака қараган томонга алаңлади, кенг сайҳонда, шотилари тарвақайлаган арава устида икки боланинг қораси кўринди. Бири, ҳа-ҳа, ўғил бола, бочка устида бир оз ёнбошлаб ўтиргани учун уни дарров таниди. Боя отни етаклаб келган бола эди. Бошқаси, бочканинг соясиди юз-кўзи кўринмас, аммо, тиззаларини қучоқлаб олган ингичка қўллари ой ёруғида баралла кўзга ташланарди. Бола энгашиб бир нима деди, шериги секин кулди, кулги қиз боланики эди.

— Танидингиз-а,— деди Мирҳалим ака,— каклик

бўлиб сайраган бояги безори... уни сайроғига йўргалаб келган директоримизнинг қизлари.

Мирҳалим ака «мана аҳвол», деб бошини оғир-оғир чайқаб қўйди. Ҳикматилла ака бирдан ғалати бўлиб кетди: шу тобда ёнидаги одамнинг мулоим жилмайишлари ҳам, донмо ёқимли туюлган овози ҳам жуда хунук кўришиб кетди. Наҳотки кап-катта одам... унинг вужуди бирдан титраб кетди, ўрнидан туриб кетганини ҳам пайқамай қолди.

Улар ётишганда эса анчадан сўнг Мирҳалим ака:

— Кўрдингиз-а?— деб қўйди маънодор қилиб. Ҳикматилла ака индамади. Уни ухлаб қолди деб, Мирҳалим ака сим каравотни ғижирлатиб бошқа ёнига ағдарилди. Йўқ, у ухлай олмади; ўзи нстамаган ҳолда икки порасиданинг покиза сирини ўғирлашга шерик бўлди, ана шунини ўйлаб алламаҳалгача кўз юмолмади!

Унинчи боб

Эртасига Мирҳалим аканинг бунчалик мулоимлашиб турганига Ҳикматилла ака ҳайрон қолди. Яна бунинг устига «одам қурғур бенуқсон бўлмас экан, мулла Ҳикматилла, сиз воқиф бўлган ўша нарса орада қолса», деб чунон афсусланди. Ҳикматилла аканинг кўнгли бирдан юмшаб кетди. Буни кўриб Мирҳалим ака ҳам ўзини енгил сездн-да, шундоқ ҳамманинг кўзи олдида, аввалги Мирҳалим акага айланди-қолди. У ҳаммага мулоим жилмаяр, ширин-ширин гаплар билан кўнглини кўтармоқчи бўларди. «Яхши одатинг бор экан, қизим, Холпошша, барвақт турган одамнинг умри узун бўлади», деб мақтаб қўйди. Ҳамма понуштадан кейин тура бошлаши билан Бўрижон аканинг ёнига сурилди.

— Бўрижон, одам ҳам шунақа бўладими-а?

Бўрижон ака ялт этиб унга қаради.

— Қамина... хўб ноўрин қизишибман, сиз «ҳой», деб қўймабсиз-да!

— Сизга-я?!

— Ия... ия, мен кимман?— деди Мирҳалим ака.— маорифни вакилманмики мендан истиҳола қилсангиз. Ҳар нима бўлганда ҳам мавқенингиз мендан юқорироқ эди, қолаверса...

— Қолаверса,— деди Бўрижон ака кулиб,— бугун шундай ўқинишингизни билиб, атай индамагандим.

— Э, қўйинг-е!— деди Мирҳалим ака,— мен-ку, бирпасда лов этаман, бирпасда... аммо кўнглимда би-

ровга тариқча хусумат деган нарса йўқ, битта-яримтага қаттиқ-қурум гапирсам киройи ачинганимдан гапирман, мени биласиз, Бўрижон, биласиз.

— Биламаи,— деди Бўрижон ака яна кулиб.

— Шундай экан, ҳой, деб қўйиш интилик бурчигиз эди, ҳа, Бўрижон, сиз ҳам хато қилгансиз, хатонигизни бўйинигизга олинг.

— Олдим,— деди ҳазиломуз қўлини кўксига қўйиб, шу билан Мирҳалим аканинг бир қадар тишчлаганини кўриб, Ҳикматилла акага юзланди:— Уроғда бўлганмисиз?

— Йўғ-е.

— Э, унда юринг, буни ҳам гашти бор!

Улар олдинма-кейин бошлашиб теланинг орқасига ўтиб кетишганда, Мирҳалим аканинг юрагини бир нарсачангаллагандай бўлди. Йўқ, шунча маҳалдан бери кўнглини аллалаган ўша ширин-ширин орзулардан асло воз кечмаган эди. Аксинча, ўша орзулар энди олдига қуйруқ бўлиб кўринмасди. Қўл чўзса бас, аммо шунда ҳам шошқалоқлик билан эмас, ҳамма ўйлаганларини обдап қиёмга етказиб чўзмаса, анави директор қўлларини шартта кесиб ташлашдан тоймайдиган одам. Ана шундай хаёллар туни билан ҳаловат бермади унга. Хўш, анави одамни-ку не-не умидлар билан буёққа олиб келди, нечун ўйламай-нетмай уни боғ бериб қўйяпти? Шу тобда кечаги қилмишлари, кўтарган тўс-тўцолон-ю, Ҳикматилла акани тунда эргаштириб юрганлари, ёш боланинг инжиқлигига ўхшаб кетди. Хўш, оқибат-чи, оқибат нима бўлди?! Бас-е, эси борида этагини йиғштириб аввалгидай тадбиркорлиг-у, ўта мулойимлик билан кўнглига ўрмалаб кириб, ширачдай ёпишиб олсами. Уёғини ўзи билади. Бамисоли дарахт устида ўтириб олиб силкитгандай унинг кўнглини истаганча чайқатади, истаган мақомга солади. Ҳақ, мулойимлиг-а, мулойимлиkning садағаси кетсанг арзийди. Унинг олдига момақалдироқдай тасир-тусир қилганларининг қанча-қанчаси таслим бўлмади. Оҳ, бу ҳаётда нималарини кўрмади у... Ҳаммасини ҳам икки қўлини кўксига босиб шу садағанг кеткур мулойимлиkning қудрати билан ё юмшатди, ё балогардон қилди. Бўлмаса улуғ қанақа одам эди; бай-бай, жиловланмаган отдай осмонга сапчир эди. Шундоқ одамни ҳам силаб-сийпаб ювэшига қилиб олгунча озмуича азият чекдимми?! Ҳали ҳам, ёпирай, баъни-баъзида ўша асовляги тутиб жилпанглаб қолади-ю,

ана шунақа кезлари директор билан қамти келиб қолишдан чўчийди, чўчийдигина эмас, бу нарсани бир лаҳзагина хаёлига келтирса товои-товонигача музлаб кетади.

Олдидан шипиллаб ўтиб бораётган ошпаз қиз хаёлини бўлди-да, «бери кел», деб имлади.

— Нима қилмоқчисан, қизим?

— Ош қилсаммикин...— деб гап бошлаган эди қизча, Мирҳалим ака бош чайқади.

— Ҳай-ҳай, шу иссиқда-я?! Қим ош ейди? Шўрва қил, қизим, шўрва! Оҳ шўрва-я, қотган-қутган нонни бўктириб-бўктириб ичилса, оламда шўрвадан мазали овқат борми!

— Хўп.

— Ҳа, балли,— деди Мирҳалим ака,— бизга... меҳмон бор, озроқ димлама қила қоласанми?

— Майли,— деди Нури.

Мирҳалим ака қизчанинг ақл-фаросатидан кўп мамнун бўлиб, бирпасгина оёғини чўзиб чиқай, деб чодирга қараб йўл олди. Боядан бери яна аввалги-аввалгидай куйиб-пишиб ишлаётган Мирфаёзнинг аламини дадасиникидан асло кам эмас эди. Эрталаб турса анави суллоҳ аллақачон аравани мишиб жўнаб қолибди. Алампдан бошини ерга уриб ёргудай бўлди. Ўлганнинг устига тепган, дегандай дадасига айтган эди:

— Арава минмай ўл,— деб койиб берди,— сен девонага қачон ақл битади. Бор, кўзимга кўринма.

Тепанинг бу томонида иш ҳам, ҳазил-ҳузил ҳам авжида эди. Завқи келиб Ҳикматилла ака бир лаҳза қараб қолди. Енглари шимариб, сочларини танғиб олган қизалоқлар болалардан қолишмасди. Ҳали кун унча қизимаса ҳам аксари ўғил болалар майкачан бўлиб олишган, чайир қўлларида бир текис ҳаракат қилаётган ўроқлар офтобда ярқирарди... Отақўзи билан Мелиқўзи ёнма-ён ишларди. Отақўзи юз-кўзларидан маржондек тер оқаётган Мелиқўзига ҳадеб: «Тентак, кўйлагингни ечиб бошингга салла қилиб ол, маза қиласан», деб уқдирарди. Аммо Мелиқўзи сира унинг гапига унамасди. Отақўзи нега унамаётганининг сабабини эсладиди-да:

— Вой, тентак,— деди кулиб,— унақа нарсдан уялиш эмас, фахрланиш керак!

У икки курагининг орасидаги қабариб ётган чандиқ изларидан уяларди. Булардан авваллари ўзи ҳам фахр-

ланиб юрди. Янги қишлоққа келганида эса Мирфаёз уни ким билан таништирмасин дарров шу ҳақда гап очар ва бу изларнинг узундан-узоқ ажойиб-ғаройиб тарихини сўзлашга тушарди. Ана шу излар сабаб Мелиқўзи бургут деган махлуқни, умуман икки қанотли жонивор борки, ҳаммасини ёмон кўрарди, ғазабидан кўзлари қислиб, қалтираб кетарди. Дадасининг ов милтиғи билан осмонда нима учса қийрата бошларди. Улжаси оёғи остига тап-тап тушган сари Мирфаёз мерганлигини мақтаб кўкларга кўтарарди. Бир марта, анани, Нафисанинг бобоси бургутини отиб қўйди. Яхшики, ўқ қанотига теккан экан, бари бир шундай бўлса ҳам «тештак» чол куйиб ётиб қолди. Вой, тавба, битта махлуқнинг қаноти яраланганига-я?! Нафиса учтўрт кун мактабга келмади. Мактаб директори Мелиқўзини олдига чақириб, нега бунақа қилганини суриштира бошлади:

— Бу қушнинг ўша хонадон учун нималигини билсанми?!

Мелиқўзи эшитган эди. Аммо шундай бўлса ҳам Бўрижон аканинг узундан-узоқ айтганлари унча таъсир қилмади. Мактабдан чиқиб уйига яқин қолганда, Нафисалариникидан келаётган Холпошша учраб:

— Ҳой, мерган бола,— деди,— қаёққа?

— Уйга.

— Юр,— деди Холпошша. Бир синфдоши, яна бунинг устига қиз бола уйингга бораман деса, нима ҳам дея оларди, юрсанг юравер, деб Мелиқўзи ҳам уни эргаштириб келаверди. Холпошша ҳовлига кирди-да, уйда ким бор, ким йўқ, суриштириб ўтирмай, тўппа-тўғри айвонга чиқди. Устун қозинидаги милтиқни олиб пастга тушди. То Мелиқўзи бир нима дегунча ёнғоқнинг тапасига чунонам қарсиллатиб урдик, милтиқ икки бўлакка бўлиниб кетди. У синган милтиқни оёғи остига улоқтириб ташлаб чиқаётганда Мелиқўзи жон аччиғида унга ташланди.

— Ҳа, урмоқчимисан? Ур!

Мелиқўзи анграйганча остонада қола қолди. Қизини шу бўлдики, дадаси ҳам буни эшитиб милтиқ синдиргани эмас, Мелиқўзини койиб берди. Яна бунинг устига кўрпа-тўшак қилиб ётган Нафисанинг бобоси олдига бориб, ялиниб-ёлвориб узр ҳам сўраб келди. Бургут қурғур тузалиб учди-ку, Мелиқўзи дакки эшитишдан кутулди. Мана, ҳозир Отақўзининг «бундан фахрланиш

керак» деб эслатганида яна бенхтиёр ўйлаб кетди: тавба, айтишларича, бобоси бетоблиги учун Нафиса қирга келмаган экан. Нима бало, апави махлуқнинг қанотидаги яра очилиб, бобоси яна шунга куйиб, ётиб қолди-микин?! Ҳамманинг қўлида бамисоли чиллакдай енгилгина туюлган ўроқ қурғур бир ботмон тошдай огирлашиб, Мелиқўзининг елкаларини узиб юборай дерди, ҳаммаёғи зирқираб оғрирди. Уроқни дам у қўлига-дам бу қўлига ушлаб чала-чулпа бўлса ҳам бир амаллаб ўраётган эди, Бўрижон ака:

— Қани, ким ўроғини бериб туради,— деб қолди, Мелиқўзи тошдай қотиб қолган бошини кўтарди-ю:

— Мана!— деди ҳовликчиб. Отақўзи, ҳа, айёр, дегандай унга қараб қўйди-да, Мелиқўзи белни ушлай-ушлай чеккага чиқиб ўтириши билан:

— Бўрижон ака!— деди жўрттага ҳаммага эшиттириб,— хайрият-е, орамизда биттагина «одобли» бола бор экан.

— Ким?

— Ким бўларди, Мелиқўзи-да!

— Нега ушқақ дейсан?

— Узидан катта одамнинг сўзини иккита қилмай ўроғини дарров тутқазди-я!

Бу гапга Бўрижон ака кула-кула енгларини шимариб ишга тушиб кетди. Қизиқ одам экан, хаёлидан ўтказди Ҳикматилла ака, болаларга қўшилса ўзи ҳам яйраркан, болаларни ҳам яйратиб юборар экан. Аммо бу иноқлик нима эвазигалигини у кейин билди... Ойша олисдан «овқат совиб қолди», деб икки-уч чақириб кетгандан сўнг, бирин-кетин ошхонага боришаётганда олисда Мутал кўриниб қолди. Энг аввал иссиқдан уришиб қолган Отақўзи лапанглаб югурди. Шовқин-сурон билан ҳамма унга эргашди. Бўрижон ака ҳам араванинг жўмрагидан жилдираган муздай сувдан ҳовучлаб ичар экан:

— Сув ҳам шунақа бўладими-а!— деб қўйди.

Муталнинг овзи қулоғига етиб:

— Ширинбулоқники!— деди. Бу мулойим савол-жавобдан ҳамма, шу жумладан, Муталнинг ўзи ҳам, дадасининг чапиллатиб юз-қўл ювинишга қараб турган Холпошша ҳам кечаги кўнгилсизлик ҳақида ортиқча гапсўз бўлмаслигини сезиб енгил тортди. Аравага яқинлашган Мирфаёз, негадир орқага қайтди-да, алаmidан идишидаги илиб қолган сувни қултиллаб ича бошлади.

Ҳамма овқатга ўтирганда:

— Ҳой!— деди Отақўзи ширин-ширин тамшаниб,—
нима овқат?

— Шўрва!

— Эй, яна шўрвами?

— Ҳа!— деди Нури ва кулиб юборди,— оҳ, шўрва-я,
шўрва, тентак, қотган-қутган нонни тўғраб-тўғраб ич-
санг шўрвадан мазали овқат борми дунёда!

Шу пайт Мирҳалим ака чодирдан чиқиб «буёққа қа-
ранг», деган маънода жилмайиб Бўрижон акани имла-
ди. Ҳеч нарсага тушунмай Бўрижон ака тураётганида
Нури алланимани паналаб чодирга олиб ўтди. Бўрижон
ака қайта жойинга ўтирди. Мирҳалим ака на орқагаю ва
на олдинга юришни билмай чодирнинг олдида тура-тура
қўл ювиш баҳонасида арава томонга кетди. Шўрва тор-
тилгандан кейин «яхшилиқни билмаган» директор ёни-
га келиб ўтирди.

— Ҳм... болалар ёзилиб овқатланганими, деб ўзимиз-
га чодирга жой қилдирган эдим.

— Бе!— деди Бўрижон ака,— сиз билан менн бола-
лар энди кўряптими? Ичкарида димиқиб нима қила-
миз, нима дедингиз, Ҳикматилла?

— Рост айтасиз,— деб қўйди Ҳикматилла ака,— шу
жой маъқул.

Мирҳалим ака ҳам ҳар икковинга бир-бир илжайиб,
ҳа-я, сизлар айтмоқчи шу жой маъқулга ўхшайди, де-
гандай бош силқиди; эсиз-е, пиёзни хитой қоғоздай қи-
либ аччиқ-чучук ҳам тайёрлатиб қўйган эди, ҳай майли,
қовурманинг совуғи ҳам мазали бўлади, ҳали келгача,
эх-ҳе... жазаси икки чойнак кўк чой, деган хаёлда:

— Менинг овқатимни ҳам...— дейишини билади, ана-
ви бетамиз ошхонага эмас, шошганча чодирга кирди.
Мирҳалим аканинг кўзлари олайиб кетди. То ўрнидан
тургунча қизча катта сопол лаганни кўтариб чиқиб,
Мирҳалим аканинг олдига қўйди. Мирҳалим ака бирпас
довдиради-ю, қизча узоқлашиши билан:

— Об-бо, қизча тушмагур-е,— деди бош чайкаб,—
меҳмон бор деб... қани, Бўрижон!

Бўрижон ака бўзрайди. Гўё ҳамма шу томонга ўги-
рилиб қараётгандай Ҳикматилла аканинг пешонасида
муздай тер чиқиб кетди.

...Тўнтарилган яшик устидаги будильник соатининг
бир меъёрдаги чиқиллашига шуурсиз қулоқ солиб ўтир-
ган Ҳикматилла аканинг хаёлига бояғи парса келган
сари ўзини ноқулай сезарди. Ҳар нима қилганда меҳмон

деб, унинг кўнгли учун шу ишни қилдимикин-а?! Наҳотки ақл-фаросати бутун одам шунга қолганда ожизлик қилган бўлса?!

— Бе,— деб юборганини ўзи ҳам пайқамай қолди. Бошини қўлларига қўйганича кўзларини юмиб ётган Бўрижон ака:

— Бир нима дедингизми?— деб қўйди.

— Йўғ-е, уйғотиб юбордимми?

Бўрижон ака унинг гапини эшитмадими ё жавоб бериш малол келдими, индамади. Ҳикматилла ака оёғининг учида ташқарига чиқди. Ҳамма кун қизиб кетганига бирор соат дам олиш мақсадида ўзини ўтовга урган, фақат узун столнинг бошида Мирҳалим ака билан Мирфаёз ўтирарди. Икковлари орқалари ўгириғлиқ бўлганидан Ҳикматилла акани пайқашмади. Ҳар қалай ҳаммадан кейин қолиб бўлса ҳам ота-бола димламани пок-покиза туширишган-у, ҳар иккови гўё ҳеч нарса рўй бермагандай жимгина чойхўрлик қилишарди.

Аллақандай товушдан Ҳикматилла ака ҳушёр тортиб ичкарига кирганда Бўрижон ака бамисоли тиканга ағанагандай бесаранжом ётарди. Унинг юз-кўзларидан шаррос тер оқарди. Қўллари билан ёстиқни чангаллаб олган, тишини-тишига қўйиб ётган бўлса ҳам ўқтин-ўқтин инграётганини ўзи ҳам пайқамасди.

— Бўрижон ака!

Бўрижон ака кўзини очди, унинг кўзлари шу қадар дардли эдики, Ҳикматилла беихтиёр унга энгашди:

— Бирон жойингиз оғрияптими?

Афтидан беҳос инграб чўчитиб юборганини ўзи ҳам билдими, зўрма-зўракай илжайиб «йўғ-е» деб қўйди, аммо анчагача ўша алпозда ёта-ёта секин ёнбошладида, ташқарида шов-шув эшитилиши билан тирсагига таяниб тураркан:

— Қурғурни бир донаси белда қолган,— деди.

Ҳикматилла ака тушунмай:

— Нима?!— деди.

Бўрижон ака маъюс кулди.

— Дайди ўқ-да!— деб қўйди оёғига этик тортиб.

Ҳикматилла аканинг эти жимирлаб кетди.

— Унда... ётнинг, Бўрижон ака, қаёққа бормоқчисиз?!

— Бе!— деди қўлини силтаб Бўрижон ака,— оёғидан чалдирадиган аҳмоқ борми?

Улар бошлашиб чиқишганда ҳамма ошхонанинг олдига тўпланган эди. Мирҳалим ака узоқ гапирган кўри-

нарди. У ингичка, дастаси қаҳрабо таёқча билан ҳавони қамчилагаандай «бас, нонни увоғи ҳам пондир», деб қўйдн айтганларига хулоса ясаб. Аммо болалар ҳам тоза тавбаларига таяниб туришган эканми, Бўрижон акага кўзлари тушиши билан қувониб кетишди. Буни кўриб Мирҳалим ака ичидан зил кетди. Шундай бўлса ҳам дарров ўзини ўнглаб олдида, «қаранг, булар фақат сизга маҳтал», дегандай ясама мулойимлик билан Бўрижон акага қараб жилмайди. Ҳикматилла ака ҳам бораётган эди:

— Ҳикматилла!— деди Мирҳалим ака.

Ҳикматилла ака ўгирилди.

— Бери келинг.

Ҳикматилла ака орқага қайтди. Мирҳалим ака ҳозиргина Нури столга қўйиб кетган пахта гулли хум чойпақни олдига қўйиб шопириб-шопириб қайтарди.

— Кўкчой дамлатдим.

Ҳикматилла ака ночор ўтирди.

— Бунақа жойда кўкчой қурғур жуда кетади-да.

Ҳикматилла ака мийиғида кулди. Мирҳалим ака чойни тиндириб зимдан унга разм солди.

— Хўш, бизнинг Бўрижон қалай?

— Ҳар қалай ёмон одамга ўхшамайди шекилли.

— Нима деярсиз, олтин-а, олтин. Ҳамма ишга ўзи бош!

— Шуниен яхши экан.

— Ие, секинроқ айтасизми?— Мирҳалим ака столга кўкрагини қўйиб жилмайди,— аммо... ўзи болалар олдида бўлса бошқа одамни ёқтирмайди!

Ҳикматилла ака, негадир қизариқираб, ажиндор пешонасини уқалаб қўйди. Шу тобда, ббя, на ёнимга келинг ва на бўлмаса бориб дамиғизни олаверинг, демаганини ўйлаб бир хил бўлиб кетди. Ҳикматилла ака ҳам бирпас одамларнинг ишлашини томоша қилиб турди-да, нима қилишини билмай келиб машинанинг уёқбуёғига ушлаб кетди. Наҳотки «юринг», деб шунчаки тил учнда айтган бўлса, унда қуруқ мулозиматнинг нима ҳожати бор эди? Мирҳалим ака ундаги ўзгаришни пайқаб, фикрини яна бир ишбалаб қўйди.

— Бай-бай, заб чой бўлибдим,— деди қўлидаги писланинг гардинидаги ингичка олтин ҳалга завқ билан қараб,— менинг бирон марта ўша томонга ўтмаганимдан пайқамадингизми?

Ҳа-я, Мирҳалим ака у томонга бирон марта ҳам ўт-

маган эди. Шунча боланинг қанақа ишлаётганини атайлаб кўргани келган одам наҳот қизиқмаса?! Мирҳалим аканинг юз-кўзларида бояги бесаранжомлик сезилмас, аксинча, ички бир хотиржамлик бор эдики, бу нарса Ҳикматилла аканинг кўнглига ғашлик солди.

— Сабаб?!

Мирҳалим ака жавоб беришга жилла ҳам ошиқмай:

— Сабаб?— деб қўйди,— болалар билан пинҳон сирлашишни хуш кўради.

— Шуми?— кулди Ҳикматилла ака.

— Соддасиз, иним, соддасиз,— деди Мирҳалим ака бошини оғир-оғир чайқаб ва бармоғи билан столни «тақ» этиб уриб қўйди,— аммо... шунингизга борман, содда одам бегидир бўлади, менинг айтганларим анча-ийи нарса бўлиб кўринди сизга?

Ҳикматилла ака индамади.

— Оҳ, сиз дарсадаги ҳангомаларни билмайсиз, Ҳикматилла, билмайсиз! Бола уйдан, маҳалла-кўйидан, эй, кўйинг-чи, ҳаммадан-у, ҳаммаёқдан этак-этак гап йиғиб келса, ёпирай, шунча яйраб, нодон боланинг елкасини шунча силайди ва яна камига ишшо баҳона ёздирчб ҳам олади! Имлосини айтмайман, хати ажи-бужни бўлса ҳам кўзини юмиб баҳо қўяди. Йўлдаги гапиши эслаи-а; «иншони бола ўқишга алоқадор бўлмаган нарсдан ёзган маъқул».

Дарҳақиқат, машинада бирга келишаётганда ораларида шунга ўхшаш гап-сўз ўтганини Ҳикматилла ака сағал-пағал эслади. Аммо бунинг тагида шунча нарса бор, деб гумон қилмаган эди. Тавба, наҳотки... э, йўғ-е, шундоқ одам-а?!

— Шундоқ!— деб қўйди Мирҳалим ака чуқур нафас олиб,— қўлида қанча бола ўқиса, Бўрижонни ҳамма жойда шунча қулоғи-ю, шунча кўзи бор. Бора-бора дейман, боланинг ўрганган кўнгли...

— Уртанса қўймаса, дейсиз-да,— деб қўйди Ҳикматилла ака бу нарсанинг нозик томонини ўйлаб.

— Ҳа, отангизга раҳмат!

— Хўш, айтинг-чи, бундан унинг кўзлаган мақсади нима?

Ҳа, деб қўйди ўзича Мирҳалим ака, анойн эмас-ку, йўқ, мен йўлга соламан, бу жумбоқни ўз ақл-фаросатинг билан ўзинг топасан, кўнгилдаги сир-асрорни ҳамманинг олдида дастурхондай ёзиб ташлайвериш нодоннинг иши! У нимагадир шу тобда улуғнинг важоҳат

билан мактабга кириб келганини, иншо дафтарни этигининг қўнжидан олиб юзига тарсаки туширгандай директорнинг олдига ташлаб айтган сўзларини эслади. Ушанда анови пинагини бузмади-я, тавба, бошқа одам бўлсамиз?! Ҳикматилла ака жавоб кутарди. Аммо у — «буёғи менга қоронғи», деган маънода елкасини учириб қўйди-да, чой қуйиб унга узатди. Ҳикматилла ака паршон эди. Ҳозирги гап-сўзларга жилла ишонгиси келмас ҳам аммо кўнглининг бир чеккаси ғашланди-ю, боя, Бўрижон аканинг ҳавасини келтириб ишлагани ҳам, болалар билан апоқ-чапоқ бўлиб юришлари ҳам сохтага ўхшаб кетди. Унда, найнки шу нарсани деб жонини шунча қийнаса-ю, шунча азоб тортса! У ҳам Мирҳалим акага ўхшаб ўтовда салқинлаб ётса, биров бир нима дермиди?

— Ҳар тўқисда бир нуқсон экан-да,— деди афсусланиб Мирҳалим ака,— лекин шу жиҳатлари демасангиз Бўрижон мияли йигит, туғишганимдан аъло кўраман уни!

Энди бу гаплар Ҳикматилла аканинг қулоғига ғалати қадалгандай бўлиб, маъноли жилмайди.

— Унда... ким билан ишлагани олиб келдингиз мени?!

Мирҳалим ака унинг қўлларига пахтадек юмшоқ кафтини қўйиб:

— Э, буёғига кўнглингизни тўқ тутинг,— деди,— аммо, синамаган отнинг сиртидан ўтмай турган маъқулроқмикан, мулла Ҳикматилла!

Ҳикматилла аканинг директор билан бир оз ипоқлашиб қолганига шама эдики, буни у дарров тушунди. Мирҳалим ака иссиқдан зорлана-зорлана бир лаҳза чўзилиб чиқишини мўлжаллаб ўтовга кириб кетганда ҳам ғалати бўлиб ўтирарди. Унинг бу кайфияти кечгача ҳам тарқамади. Бугунги директор билан болаларнинг «сирлашини» шунақа чўзилдики, ҳар куни элбурутдан ошхонада тўпланиб оладиган болаларни ошпаз қизча капгир билан қува-қува аранг олдига солиб, овқатга йигиб кетди. Овқат маҳалда, буни қараанки, Бўрижон ака рўпарасига ўтириб қолди.

— Дурустмисиз?

— Эй, отдакман, Ҳикматилла,— деди Бўрижон ака иштаҳа билан овқатга кўл чўзиб,— қурғур бир эслатиб қўйди-да.

Унинг кайфияти яхши эди. Фақат унда эмас, ҳамма

болаларда ҳам аллақандай кўтаринки руҳ мавжуд эди. Овқат маҳалда ҳам боя далада бошланган ҳазил-ҳузил, ора-чора кулги тинмас эди. Бўрижон ака эса бамисоли тенгқурларининг орасида ўтиргандай бемалол гапга аралашиб кетаверар, Мирҳалтим акага ўхшаб ўзини сипо тутиб ўтирмасди. Баъзан болаларга қўшилиб шу қадар қаҳ-қаҳ уриб юборардики, очигини айтганда, Ҳикматилла ака афтидан тўнгроқ кўринган бу одамнинг юракдан бунақа кула олишга қодир, деб ўйламаган эди. Ҳикматилла ака сеҳрлангандай бўлиб ўтирганда Мирҳалим ака «ана» деб қараб қўйди-ю, негадир уни «шунча яйрайди», деганини беихтиёр эслаб, кўнглига бояги гашлик яна бир кўланка ташлаб ўтди!

Ун биринчи боб

Отақўзи бошини қўлларига қўйиб узоқ ётди. Кўнгли ғалати-ғалати шувиллаб, ўқтин-ўқтин хўрсиниб юборарди. Аммо нега бунақа бўлаётганини ўзи ҳам тушуниб етолмасди. Бўлмаса ҳар куни кечқурунги ўйин-кулгини ҳеч ким Отақўзидек орзиқиб кутмасди. Айниқса Муниса қўлига дутор олганидами... овқат ҳам томоғидан зўрға ўтди, биров қўлтиғидан кўтаргандай, туриб кетганини билмай қолди. Кўнгли бунча бетоқат бўлмаса?! Куни бўйи қанақа яйраган эди-я, бугун Холпошша одамлари билан буёққа ўтган, Мелиқўзини ўрнига қўйиб, Муниса ҳам ўроққа тушган эди. Ҳаш-паш дегунча буёқда Бўрижон акани-ю, уёқда Мунисани орқада қолдириб кетди. Анча-мунча олислаб тўхтади. Юз-кўзларини бошидаги «саллача» билан артиб «иш деган мана бунақа бўлибди-да», дегандай жилмайди. Муниса негадир бошини чайқаб кулди.

— Хайрият-е, шу чопқиллаганча сира тўхтамай қишлоққа етиб оласанми дегандим.

— Ҳа?

— Орқа-ўнгингга қара-е, сочи қайчиланган боланинг бошига ўхшатиб кетибсан ҳаммаёқни!

— Об-бо,— деди Отақўзи,— у ер-бу ердаги яккам-дуккам қолган бошоқларни йиғиштирса бир дўппи дон чиқмайди-ю, шунга шунчами?!

— Ҳой, билсанг нонни увоғи ҳам...— деб Муниса гап бошлаганда Отақўзи ниманидир эслаб кулди-да:

— Нон!— деди бармоғини ҳавога ниқтаб. Орадаги

гап-сўзга жимгина қулоқ солиб ишлаётган Бўрижон ака қараб қўйди. Ажабо, ҳадеб бир нарсани одамнинг қулоғига такрор-такрор қуяверсанг дунёдаги ноёб нарсаси ҳам бора-бора беқадр бўлиб қоларканми-а? Бўлмаса деҳқоннинг боласи шунга шунча бефарқ қарайдими? Отақўзи ўроқнинг дамиги олқиндидай қайроқтошга теккизиб олди-да, шошқалоқлик билан яна ишга шўнғиб кетди. Анча-мунчадав сўнг Бўрижон ака билан Мунисанинг ёнғир-ёнғир товуши эшитилди. Аввалига жилла эйтибор бермади, аммо бора-бора уларнинг гап-сўзи қулоғига ошқора чалина бошлади. Ўроқнинг дастаси Мунисанинг кафтини шилиб юборган экан, дастага латта ўраб келамаи деб чодирга қараб кетди, Отақўзи беихтиёр ишдан тўхтаб:

— Сиз-а?!— деди орқасига қараб,— боғчада мудир... йўғ-е, мудир бўлиб ишлаганмисиз?

Бўрижон ака кулди.

— Эй, уёғини сўрасанг, белимга пешбад боғлаб овқат ҳам пиширганман, агар мен қайпатган бир дошқозон сув-у, ёрма бугдойдан тайёрланган ўша ардобни овқат деб бўлса!

Боғча деганда унинг хаёлига мудирадан тортиб тарбиячигача аёл кишилар келади. Аммо эркак одамнинг, айниқса, Бўрижон аканинг оқ халат кийиб боғчага мудира... йўғ-е, мудирлик қилгани Отақўзига галати туюлиб кетди.

— Бошқа иш йўқмиди?

— Бор эди, Отақўзи, бор эди,— деди Бўрижон ака маънос.

...У жойини боғча дейинса ҳам аслида етимхона эди. Ҳар куни вагон-вагон келаётган одамлар орасида ҳафталаб, ойлаб оч-наҳор йўл босган, жулдур-жулдур кийимли болалар оз эмас эди. Улар иссиқ овқат нима-ю, кўрпа-тўшак нима, унутиб юборишган эди. Вокзалга тумонат тўпланарди. Одамлар тўда-тўда бўлиб келишарди. Йўқ, уларни биров атайлаб йиғмасди. Ўзлари келишарди. Қурбн етгани бир неча болани, почорроғи эса, биронтасини жон-жон деб уйига олиб кетарди-ю, шу билан аламларини бир қадар босгандай бўлишарди. Қолган болаларни эса... қолган болалар шу қадар кўп эдики, шунақа болаларнинг бир гуруҳи Бўрижон акаларининг уйига яқин боғчага жойлашган эди. Атиги икки йил уруш кўриб қўлтиқтаёққа суяниб келган Бўрижон ака ҳар куни ўша боғчанинг эшигидан ўтар эди.

Ўтарди-ю, аламидан лаънати таёқни боғчанинг олдидаги кўктерак танасига уриб-уриб мажақлагиси келарди. Не кўргиликки, одамлар жон олиб-жон бераётганда саноқда бор, сонда йўқ бўлиб ўтирса. Болалиги хўрланган мана шу порасидаларни ҳар куни кўрса-ю, уларнинг аламини ололмаса?! Қиш кунлари бир тутам бўлади, ҳа-ҳу дегунча кеч тушади. Аммо узоқ, зерикарли, диққинафас кечаларнинг ўтиши шу қадар қийин эдики! Ё кўнгиллар доимо ғулғулада бўлганига ўшанда шунақа туюлармиди-а?

Балки...

Аммо Бўрижон ака учун ўша ғарибона тунлардан азоблироқ ҳеч нарса йўқ эди оламда, ёлғиз қолди дегунча боғчанинг эшигида чумчуқдек тизилишиб оладиган масъум гўдакларнинг қиёфаси кўзи олдидан ўтаверарди. Айниқса, биттаси — кўк кўзлари олчанинг данагидай юм-юмалоқ, чиллакдай ориқ, пахмоқ сочли қизча хаёлидан сира кетмасди. Ҳар куни эшик олдидан ўтиб юрганига ўрганиб қолган болалар уни кўришлари билан чувиллашиб ўраб олишарди. У ҳам кўчага чиқиш олдидан туршак, қурт ё даладаги опаси тезроқ мадорга кирасан, деб юборган ярим қоп майиздан бир ҳовучини чўнтакка солиб қўйишни канда қилмасди. «Йўқ, болам, сизнинг совғаларингизга улар жилла муҳтож эмас,— деб қолди бир куни мураббия аллапечук бўлиб,— сизни кўришса... дадаларини, акаларини эслашади. Кечалари ҳам алламаҳалгача пичирлашиб ётишади. Бирн, «кўзимни юмиб қўлтиқтаёқ амакининг овозини эшитсам, дадамни кўраман», деса, бошқаси, «менинг дадамнинг кўзлари ҳам худди уникага ўхшарди», деб қўяди. Ҳаммаси сиздан ниманидир излашади, ўзларига жуда азиз ва қадрдон бўлган бир нимани топишади. Шунда кичик кўнгиллари умид билан талпиниб оламга сиғмай кетганини бир кўрсангиз эди, болам, бир кўрсангиз эди».

Ҳар куни «қачон мени жўнатасиз», деб ҳарбий маъмуриятдагиларни жон-ҳолига қўймай юрган одам... энди боғча эшигини босиб ўтиб кетолмай қолди.

Анави қизча эса ҳамон унинг яқинига йўдамасди. Ҳовлига ҳам кам чиқарди. Фақат, баъзида, ора-чора қора булутлар орасидан қуёш бир йилт этгандагина бирров кўринарди. Ҳовлининг этагидаги аллақачон кесилиб кетган эски ёнғоқ тўнкасида ингичка қўллари билан тиззаларини қучоқлаб, ҳаммага — ҳамма нарсага

лоқайд қараб ўтирарди. Аммо, кеч кириши билан заъфарон юзлари ажабтовур ёришиб, кўзлари аллакимни кўмсаб, бирдан жавдираб кетарди, бунинг сирини кейинроқ пайқади. Ушанда тизза бўйи қор ёққан эди. Ҳовлида юриш қийинлашиб қолди. Бўрижон ака қўлтиқтаёқ билан қўлига курак ололмаса, бу иш кичкина нимжон болалар қўлидан келмаса. Ёшн бир жойга бориб қолган мураббия кампирнинг эса боди қўзиб, оёқлари қақшаб оғрирди, аммо шунга қарамай инқиллаб-сиңқиллаб йўл очди. Унга ачиниб кечки овқатни Бўрижон аканинг ўзи қилди. Печкадаги хўл ўтин ҳам бурқсий-бурқсий хоналарни арағ илитди. Овқатдан кейин болалар ҳам жунжикиб-жунжикиб ухлаб қолишди. Шу кунн ҳаддан ортиқ ҳориб-чарчаганига қарамай кампирнинг кичкина ҳужрасидаги лампа чироғи алламаҳалгача милтираб турди. Бўрижон ака ҳайрон бўлганча бориб дарчадан қаради: қаради-ю, ҳайратда туриб қолди. У қай кўз билан кўрсинки, кампир бошини сочиқ билан ўраб олган, қўлларини ёнларига ташлаб чалқанча ётарди. Ҳеч кимга қўшилмайдиган анави одамови қизча эса дам уёғидан-дам буёғидан тортқилаб кампирни хоҳлаган кўйига солар, аммо кампир миқ этмасди. Бунн кўриб Бўрижон аканинг юраги орқасига тортиб кетди. Эшик бандини ушлагап жойида ичкаридан қизчанинг аччиғланган овози келди.

— Э, бошингизни яна ёстиққа қўйибсиз!

— Ҳа-я, эсим қурсин,— деди кампир ўрнидан туриб, фақат шундагина Бўрижон ака эшик бандини қўйиб яна дарчадан қаради. Кампир ёстиқни четга суриб, бошини тақир полга қўйди. Яна бояғи алпозда чўзилди. Бу гал қизча кампирнинг ётишини маъқул топди шекилли, чўнтагидан шапалоқдай кичкинагина халтача олди-да, халтачанинг оғзини очиб алланарсани полга сочиб юборди, кейин чўққайганча авайлаб биттадан тера бошлади. Социб юборгани — бир ҳовуч буғдой эди. Бўрижон ака дарчадан нари кетолмай қолди. Қизча эса дам алланарсадан чўчиб ёнверига ваҳимали қараб қўярди. Дам тепасида алланарса гумбурлаб кетгандай ингичка бўйинини елкаларининг орасига олиб, узоқ-узоқ ўтириб қоларди. Кейин шоша-пиша яна дон тера бошларди. Ҳаммасини битта қўймай то халтачага йнғиб олгунча кампир тақир полда сабр-тоқат билан чўзилиб ётди. Қизча эса ниҳоят кўзлари ола-кула бўлиб ўрнидан турди, гўё яғир халтачани биров қўлидан юлқиб

тортиб олаётгандай бағрига босди-да, кампирнинг олди-га келиб чўнқайди.

— Ойи! Олиб келдим, ойи!

У, талпиниб, қийқириб кулмоқчи бўлганда, кўзларидан бирдан дув этиб ёш оқиб кетди. Унинг овозини эшитиб илқиллаб-силқиллаб ўрнидан аранг туриб ўтирган «она» ҳам кафти билан хира кўзларини арта-арта, болани бағрига босди. Қизча кампирнинг тиззасига бошини қўйганча жимгина ёта-ёта, шу тобда онасининг илиқ-иссиқ бағрини эсладимн... ширин мудраб кетди... Мураббиянинг айтишича, қизча украинalik экан. Она-бола қишлоқдан қочишаётганда мина портлаб онаси қаттиқ жароҳатланган, аммо, шундай бўлса ҳам жон аччиғида эмаклаб ўрмонга кириб олган-у, она-бола душман қуршовида қолиб кетишган. Уларнинг тирикчилиги ўрмоннинг хайр-эҳсоми билан ўта бошлаган. Аммо бир куни қизча ўрмондан чиқиб аллақачон ўриб кетилган буғдойзордан беш-олтита бошоқ топиб келганда она бечора шунақа қувонганки... Шу-шу буғдойзорга боришни канда қилмаган, бошоқ тополмаганда эса тўкилган доиларни йиққан. Бир куни халтачасини тўлдириб келса ойиси қўлларини икки ёнига ташлаб чалқанча ётибди. Қизчани одамлар мурданинг бағрида ухлаб ётган жойидан топишган-у, кейин буёққа жўнатилган.

— Э, товба!— деди мураббия,— ҳали ҳам онасининг ўлимига ишонмайди-ю, халтачани кўз қорачиғидай авайлайди.

Одатда қизча ухлаб қолиши билан мураббия уни авайлаб жойига ётқизар, албатта, халтачасини ҳам ёстиғи остига яшириб қўярди. Бир куни, э, аттанг, кампир қаттиқ чарчаганми, ўша яғир халтачани жойига қўйишини унутган экан, қизча эрталаб уйғониб қараса, ёстиқ остида халтача йўқ! Жон аччиғида кўйлақчан, оёқ-яланг қор кечиб ҳовли этағида, ошхонада понушта тайёрлаётган мураббиянинг олди-га қараб югурди... Уч кечаю уч кундуз оташ бўлиб ёниб ётди-ю, бечора халтачани чангалидан қўймай... жон берди.

Баҳор келиб илиқ-иссиқ кунлар бошланганда, мураббия аёл йиғлаб-йиғлаб халтачадаги буғдойни қизчанинг қабрига сочиб келди.

...— Ҳа,— деб қўйди Бўрижон ака,— ишлаганман, боғча дейишса ҳам аслида у жой етимхона эди.

Отақўзи чурқ этмай, кўзларини катта очиб Бўрижон

акага анчагача қараб қолди. Бўрижон ака, хўп замонлар бўлган-а, деган маънода маънос кулимсираб қўйдида, яна ўримга тушиб кетди. Отақўзи бўшашганча жойига қайтиб келди. Аммо энди унинг на бояги қувончю ва на ишга бояги ҳафсаласи қолган эди. Гўё ҳаммасини аллақандай дайди шамол учириб кетгандай, кўнгли бирдан ҳувиллаб қолди. Ё эшитган нарсалари шунчалик қаттиқ таъсир қилдимикин? У даврлар одамлар хаёлидан оғир тушдай ўтди-кетди, ҳозир ҳамма нарса, ҳаммаёқ бошқача, дея ўзини чалғитмоқчи бўлиб дарров ишга шўнғиди. Муниса ҳам ўроқнинг бандига латта боғлаб қайтиб келди. Уни кўриб Отақўзининг бир оз кўнгли ёришгандай бўлди, аммо, бари бир аллақандай нохуш шарпа кўнглига соя ташлаб тураверди, хаёлида бугдойзорнинг орасида анави, ҳа-ҳа, чиллакдай ориқ, пахмоқсочли анави қизча бошоқ териб юргандай бўлиб кетди. Отақўзининг этлари жимирлаб бир лаҳзагина ишдан тўхтаб қолди. Кўзлари соқасидан чиққудай олайди. Ҳаммаёққа бир-бир алаанглаб олди. Йўғ-е, бояги гап қурғур кўнглига ширачдай ёпишиб олганига шундай бўлди шекилли. Аммо бу нарса уни шундай банд қилиб олдики, тавба, бора-бора ўша пахмоқсочли қизча билан хаёлан гаплаша бошлаганини ўзи ҳам пайқамай қолди. Буни қаранг, биров кўриб қолишидан чўчиб, қизча бугдойзор орасида чўнқайиб ўтирарди. Қуи қизигида ҳамма ёниб кетяпти-ку, қизча эса эгнига жулдур-жулдур фуфайка кийиб олган эди. Бошида ойисининг эски шол рўмоли, рўмолининг учларини белларига боғлаб олган, оёғида эса бурни тешик каттакоп пийма. Аввалига Отақўзи хаёлан уни шунақа изладик, шунақа изладик, ниҳоят, бугдойпоя орасидан жулдур-жулдур кийимларига кўзи тушиб секин олдига борди. Қизча чўчиб кетди. Ингичка бўйинини елкалари орасига олганча миқ этмай ўтираверди. Кейин Отақўзига ваҳимали қараб қўйган эди, Отақўзи беихтиёр қалқиб кетди. Унинг кўзлари шу қадар даҳшатли эдики...

— Нима қилиб ўтирибсан?— деди Отақўзи довдираб, қизча қўлидаги аллапарсани маҳкам бағрига босиб:

— Ўзим,— деб қўйди.

Отақўзи ёнига чўққайди. Унинг кичкина панжалари орасида бугдой бошоқлари кўрншиб кетди. Отақўзининг кўнгли бузилиб:

— Эй, тентак, буни нима қиласан, ташла!— деди,—

сенга бугдой керак бўлса, юр, бир қопини олиб берай.

Қизчанинг юм-юмалоқ кўзлари бирдан ёшга тўлди.

— Йўқ,— деди сапчиб туриб ва қўлидагини маҳкам чапгаллаганча қоча бошлади, у шу қадар тез чопардики, Отақўзи қувиб етолмади. Ярим йўлда ҳаллослаб қолди, аммо шундай бўлса ҳам орқасидан қува берди.

— Тўхта!— деди,— мен сенга бир қоп бугдой олиб берай!

Қизча бир лаҳза тўхтади-да, яна тезроқ чопишига нимаки халақит бераётган бўлса, ҳаммасини: бошидаги шол рўмоли-ю, эгнидаги жулдур-жулдур фуфайкаси билан оёғидаги тумшуғи тешик пиймасини ҳам ечиб ташлаб оёқланг яна югура бошлади. Кун эса... вой, тавба, бирпаснинг ичида шунақа музлаб кетдики, яна бунинг устига ёмғир аралаш қор шунақа бўралаб ёға бошладикки, ҳеч қаёқни кўриб бўлмай қолди. Отақўзи қизчани йўқотиб қўйди. Совуқдан тишлари тишларига тегмай дир-дир титраганча ҳаммаёққа хаёлан изғиб бориб келди. Аммо қизчанинг изини тополмади. Қор-ёмғир тиниб атроф бир оз ёришгандай бўлди. Фақат шундагина ўрмонга яқин жойда оёғи тойиб узала чўзилиб ётган қизчани кўриб қолди-ю, овозининг борича:

— Тўхта,— деб қичқириб юборди,— нега қочасан?!

Қизча эса орқасига ўгирилишини хаёлига ҳам келтирмасди. Унинг овозини эшитиб, бир қўли билан бошоқларини бағрига босиб, иккинчи қўли билан қор аралаш балчиқни чапгаллаб эмаклаганча ўрмонга кириб ғойиб бўлди. Шунча чопса ҳам, шунча ҳаллослаб югурса ҳам қизчага етолмагани Отақўзига алам қилиб кетиб:

— Тўхта,— деди бирдан йиғламсираб,— нега қочасан, тўхта!

...— Ҳа?!— деди бирдан Нури шундоқ бурнининг тағдида капгирни силкитиб,— нега тўхтаймай-а? Ҳозир туш олдимга! Нима, ҳаммангни биттадан ошхонага қувиб борамми?

Унинг гапига орқада гуриллаб кулги кўтарилди.

... Отақўзи дам уёғига-дам буёғига ағдарила-ағдарила шўхоят ниманидир ўйлаб секни ўридан турди: қизиқ, шу топда Муниса ухлаганмикин-а?

Йўқ, Муниса ухламаган эди. Шунча ухлайман деди, аммо хаёлига ғалати-ғалати нарсалар келавериб кўзини юмолмади. Қизиқ, нега шунақа бўларкин-а? Бўлмаса... Отақўзининг сағал нарсага қизариб-бўзариб кета-

диган одатини ўйлаб уйқуси қочадими? Баъзан бечорани шунақа буйдалаб ташлайдики, унинг ўрнида бошқа бола бўлса... йўқ, Отақўзи ғнинг демайди, кўзларини пирпиратиб тураверади. Бир марта Холпошша «сени ўта ҳурмат қилади», деган эди. Шунинг эслаб секин кулиб қўйди. Нега шунақа деди-а? Вой, товба, «ўта ҳурмат қилади», дегани нимаси? Ё бу гапни анавинақа маънода айтдимикин? Бўлмаса... нега индзмайди? Вой, индаб пима десин? Аммо шу топда унинг кўнгли болаининг бирон нима дейишини жуда-жуда хоҳлар эди. У шунақа нарсаларни топиб гапирсаки, қизча маҳлиё бўлиб қолса, кўнгли мапа шунақа ширин шувиллаб, юраги гурсиллаб уриб келаверса! Ё, тавба, хаёлига нималар келяпти ўзи-я?!

— Мунис...

Қизча чўчиб бош кўтарди. Узоқ қулоқ солди, аллақандай бўлмагур нарсаларни ўйлаганига шундай туюлди шекилли...

— Уйғоқмисан, Муниса?

Бу пичирлаган товуш аниқ эшитилди. Қизча ёнбошлаганча қимир этмай қолди. Аллақимнинг чодир оғзида кўндаланг ётган соясини кўриб юраги боя хаёл қилгандан ҳам беш баттар гурсиллаб кетди. Қим?! Отақўзи-ми? Наҳотки... хаёлидан кечган нарсаларни пайқаб келган бўлса?! Қизчанинг вужудини шунақа титроқ босдики, адёлни устига тортиб бошигача бурканиб олди. Алламаҳалда адёлнинг бир чеккасини очиб мўралади. Бояги соя қимир этмади. Қизчани ваҳима босди. Биров уйғонса ё анани Мирҳалим ака ташқарига чиқиб қолса-я?! У қалт-қалт титраб, аранг ўрнидан турди, оёқ-яланг ташқарига чиқди. Отақўзи чодир арқонига суянганча турар, қизчанинг чиқишига умидвор эмас эди, уни кўриб сакраб тушди.

— Ҳа, нима дейсан?

Отақўзи довдиради.

— Нина билан нининг борми?

— Шу маҳалда нима қиласан?

— Боя қўлимга тикан кирган эди, лўқиллаб кетяпти.

— Вой, ип нимага керак ё ўша тиканни боғлаб тортасанми?

Ой ёруғида қизчанинг оппоқ тишлари кўриниб кетди. Шу маҳалда топиб келган гапини-чи? Бояги хаёллари шу топда шунақа кулгили туюлдими, қаҳ-қаҳ уриб юборишдан аранг ўзини тийди. Юрагининг қинидан

чиққудай гурсиллаб уриши ҳам, вужудидаги бояги титроғи ҳам таққа тўхтади.

— Ҳой, айтадиган гапинг бўлса, айт.

Отақўзи кўзларини пир-пир учириб:

— Айтайми?— деди,— айтайми?

Бола шунақа ҳаяжонда эдики, унинг титроқ товуши қизчанинг ҳозиргина тинган кўнглини яна бирдан ғалати чайқаб юборди-ю, вужуди ширингина жимирлаб кетди.

— Вой, қанақа боласан?— деди оҳиста,— атайлаб айтгани келгандан кейин, айтгин-да.

— Майли,— деди журъат қилиб Отақўзи,— майли...

Мунис!

— Нима?

— Бир нарса сўрайми?

— Сўра.

— Сеп... мушук ютганмисан-а?

Мунисанинг устидан биров муздек сув қуйиб юборгандай:

— Нима?— деди чўчиб,— жишми, нима деб алжираяпсан, нега мен мушук ютарканман!

Отақўзи жавдираб яна алланималар демоқчи бўлиб шошганча оғзини очганда, Муниса ўқрайиб чодирга кириб кетди. Отақўзи бўшашганча узоқ туриб қолди. Бир кўйи яна чақирмоқчи, кўнглидаги дардини яхшироқ тушунтирмоқчи бўлди, аммо бу фикридан дарров қайтди. Муниса чиқиб шанғиллаб берсами, ўтовдаги одамларни оёққа турғизади! Узи ҳам латтадай бўшашган бола экан. Оғзидаги гапини эплаб айтолмади-я. Ҳар болалар борки, қизларнинг олдида бир ечилиб кетсами, қиқир-қиқир кулдиравериб ичагини узади. Бу-чи? Йўқ, ўйлаб кўрса, фақат, Мунисанинг олдида шунақа экан, ҳа, унинг олдида сувга тушган бўлка нондай бўқаркан-қоларкан. Бўлмаса, негадир Мунисани эслаб, бирдан енгил ҳис қилгандай бўлди-да, унга аҳволини айтиб, бамисоли мушук ютганга ўхшайман, ичимни бир нарса тимдалаб ташлаяпти, демоқчи эди. Гап ўлгурни ҳам телва-тескари бошлаб, ҳаммасини расво қилди-қўйди...

Ой ёруғида олам ажабтовур сокингина нафас олар, олисларда, кўкимтир чўққиларини ҳавога савчан баҳайбат тоғлар савлат тўкиб турарди. Унинг кўнгли шу қадар дилгир эдики, шу топда бепоеён қир-адирларга ҳам снғмай қолди. Уша ёқларга бош олиб кетгиси келиб кетди. Утовнинг оғзига борганда орқага қайтди ва

тепаликка қараб юра бошладн. Тепаликка чиққанла эса боя кундузи ўрилган жойларга кўзи тушиб, ўша жойларда аллаким, ҳа-ҳа, аллаким тўкилган-сочилган дошларни, унда-бунда қолган бошоқларни йиғиб юргандай бўлди-ю, негадир хаёлимга лоп этиб яна анави пахлоқсочли қизча келди. Энди бу гал қизча унинг тасавурида жулдур кийимда эмас, оёғидаги учи тешик пиймаси ҳам, бошидаги қўпол шол рўмол ҳам йўқ эди. Эғнида энги калта чит кўйлаг-у, бошига... тавба, анави Муталнинг каттакон похол қалпоғини кийиб олган эди. Қизча уни кўриб чўнқайди. Похол қалпоғининг остига яширилиб олди. Ҳа, айёр, бари бир сени кўриб турибман, деди Отақўзи хаёлан ва ҳеч нарса бўлмагандек секин-аста ёнига бориб, қолган-қутган бошоқларни биттадан тера бошладн. Йўқ, бу гал қизча чўчмади, бояғидай шайтонлаб қочиб қолмади, аксинча, Отақўзи узатган бошоқларни худди гулдаста ясагандай қўлига териб орқасидан келаверди.

— Эй, билсанг, пахлоқ қиз, мен буларни атай қолдирганман,— деди керилиб Отақўзи. Аммо ғирт ёлғон айтаётганидан уялиб кетди. Уялибгина эмас, шундоққина қулоғининг остида Муниса: «Жинни, ёлғонни ҳам ямламай ютаркансан-а», дегандай бўлди-ю, икки бети ловиллаб ёна бошладн...

Ҳар куш Бўрижон ака гира-ширада уйғонарди. Мирҳалим ака «ётсангиз-чи, уйқуни қаймоғи энди бўлади», деса ҳам тонготарининг гашти бўлакча деб, қирнинг олис-олис жойларига бориб айланиб келишдан сира эринмасди. Бугун ҳам одатини тарк этмай тоза юрди. Қайтишда кеча ўрилган жойлар олдидан ўта туриб ҳайратдан тўхтаб қолди: Қизик, Отақўзи ташлаб кетган яккам-дуккам бошоқларнинг биронтаси қолмаган эди!

Нонушта маҳалда Мелиқўзи кўзлари аланг-жалаңг бўлиб:

— Вой,— деди бирдан,— анави... отасини қўзиси қани?

Мирфаёз шанғиллаб кулди.

— Отасини қўзичоғи... бўкиб ухлаб ётибди,— деди овозини баланд қилиб ва Мунисага кўз ташлаб қўйди. Муниса пайқади. Унинг ёқимсиз қараши кўнглини гаш қилди. Авваллари унча эътибор бермас эканми? Бу боланинг гап-сўзи ҳам, қилиғи ҳам мунча совуғ-а? Мелиқўзи «эҳ, шунақами?» деганча ўридан турганда, Бўрижон ака:

— Қўй, уйғотма,— деди.

— Ия, сиз уни билмайсиз, қўйиб берсангиз тўпгача думалаб ётаверадил!

— Майли,— деди кулиб Бўрижон ака,— дамани ола қолсин.

Унинг авзоида ҳам, муомаласида ҳам ғалати кўтаришқиллик бор эдики, бу нарса Мирҳалим аканинг назаридан четда қолмади. Тавба, сўқимдай бола аммасининг уйига келгандай ялпайиб ётса-ю, бу одам беҳад хурсанд бўлса? Мирҳалим ака чўққисоқолини панжаларининг орасига олиб кинояли илжайди-да, пайт пойлаб рўпарасидаги Ҳикматилла акага маъноли нмо қилиб қўйди. Ҳамма тарқаганда:

— Мана, мулла Ҳикматилла,— деди,— кечагининг исботи, қайси бола домига тушса, ҳай-ҳай, маза-маза ўшапқи.

Бу нарса Ҳикматилла акага ҳам ғалати туюлган эди.

Унинг назарида Бўрижон ака «дам олсин», деган бола бошқалардан ортқ ишлагани йўқ, икки-уч ўша томонга ўтганда Бўрижон аканинг ёнидан жилмай бугдой ўраётганини кўрган эди. Аммо ҳамма ишга чиққанда, нечун у думалаб ётиши лозим?! Ана шуларни ўйлаб Мирҳалим аканинг анави гапларида бир оз жон бордай кўриниб кетди: агарки шундай бўлсам, бу одам чипдан ҳам... бошқача эканми-а?!

Ун иккинчи боб

Абулқосим аканинг тўсатдан буёқларга келиб қолиши сира кутилмаган нарса эди-ки, Мирҳалим ака терисига сиғмай кетди. Уни қайта-қайта бағрига босиб кўришаркан, бир чеккада кулимсираб турган Ҳикматилла акани ишлаб чақирди. Мақсади, «яخشилликни билмаган» анови директорга, билиб қўй, шундай суйанган тоғларим бор, деб писанда қилиб қўйиш эди.

— Оҳ, қадрдонларимни бир жойда кўриб,— деди жўрттага баланд товуш билан,— икки бағрим тўлиб қолди.

— Ия, ия,— Бўрижон ака кулди,— бизни дарров қадрдонликдан чиқарибсиз-да.

— Э, суф сизга-е,— деди Мирҳалим ака ва «қадрдонлари»ни қўйиб дарров Бўрижон акани қучоқлади.— Сиз, жигаргўшамсиз, Бўрижон!

Ҳазил-ҳузил тугаб ҳаммалари столга ўтиришганда Абулқосим ака муддаони айтган эди, Бўрижон ака эътироз билдирмади, негаки қирдаги ишлар ҳам тугаёзган эди. То болалар қий-чув билан ўтовларни йиғиштириб, нарсаларни — қозон, самовар, ўрин-кўрпаларни мактабнинг машинасига ортгунча Абулқосим ака тоғда очилган кон, кон билан темир йўлни туташтирадиган янги йўл ҳақида анча-мунча гапириб, ранс бу хайрли нарсага болаларнинг ҳам кўмаги тегиб қолармикан деган ниятда, деди. Мирҳалим ака юмшоқ кўлларини кўксига босиб «улуғимизнинг хоҳишлари бизга ҳам қарз, ҳам фарз, у киши узоқни мўлжаллаб иш тутадилар», деди. Чошгоҳга яқин автобусга тушганда Мирҳалим аканинг кўпчилига қараб Ҳикматилла ака билан Абулқосим ака машинада, қолганлар болалар билан автобусда кетадиган бўлишди. «Истайманки, иниларим бир-бирлари билан тузукроқ тапишиб олишсин-у, сиз, Ҳикматилла Абулқосим акангизнинг ўз сғизларидан у киши билан қадрдонлигимизнинг ажиб ҳикоясини бир билиб қўйинг», деди Мирҳалим ака мулойим жилмайиб. Дарҳақиқат, йўлдаги гап-сўздан Абулқосим ака Мирҳалим ака деганда жонини-жаҳонини ҳам аямайдиган одам кўринарди.

— Шу одам бўлмаса,— деди Абулқосим ака,— доғда ўтармидим.

— Йўф-е,— Ҳикматилла ажабланди.

— Ҳа,— деди Абулқосим ака бир оз жим қолиб,— эр-хотин геологмиз, геолог деганнинг ҳаётини биласиз, Ҳикматилла. На ёз-у, на қиш тиними бор. Ўғлимиз уч-тўрт яшар бўлиши билан онаси ҳам сира шаҳарда қолгиси келмай харҳаша қила бошлади, бунинг устига денг, болани қолдирайликмикан десак на унинг, на менинг бирон яқинимиз бор. Таваккал олиб келдим. Онасига вақтинча енгилгина иш топилиб қолди, кунига бир маҳал одамларнинг иссиқ-совуғига қараб турадиган бўлди. Тоғ ҳавосида бола ҳам яйраб ўса бошлади. Аммо... эсласам, ҳали-ҳали вужудим музлаб кетади Ҳикматилла, музлаб!..

...Қиялама тоғ бағри. Харсангтошлар орасида қуёшга интилган яккам-дуккам, жонсиз арчалар шамолга чайқалиб эгилар, чўққига илиниб қолган қора булут ёйилиб, қуюқлашиб борарди. Фақат жар ёқасида, ҳавога найзадек санчилган қоя устидаги бир гала қузғунлар табиатнинг бу машмашасига бепарво шумшайиб ўти-

рар, ўткир, шафқатсиз кўзлари билан олис-олисларга тикилиб ўлжа қидирарди.

Жарнинг бошқа томонидаги ялангликда ўн чоғли одам эндигина тушликка ўтирган эди. Улар орасида этик, комбинезон кийган уч-тўртта аёл ҳам бор эди. Аёллардан бири аравачадаги қозондан овқат сузиш билан овора экан, ора-чора қуюқлашаётган булутга хавотирланиб қарар, увиллашига зимдан қулоқ тутар, юз-кўзи ташвишли кўринарди. Утлаб юрган отлардан бири негадир ер тепиниб кишнаб юборган эди, каттагина тош кўчиб майда-чуйдаларни жарга судраб кетди. Даҳшатли шарақ-шуруқ, олисдаги момақалдиروқнинг гумбурлашига қўшилиб аёлни чўчитиб юборди.

Овқат кутиб ўтирган одамлардан бири дик этиб ўрнидан турди. Бу Абулқосим ака эди.

У аёлга қараб юрди.

— Сен, бор,— деди,— ухлатганмидинг?

— Ҳа.

— Аттанг, ола кела қолмаган экансан-да, майли, бор, уйғонса, қўрқиб ўтирмасин.

Аёл араванинг шотисидаги сочикқа қўлини шошапиша артди-да, отга қараб чопди.

* * *

Атрофи арчалар билан ўралган кенгликда беш-олти палаткадан бўлак ҳеч нарса йўқдек туюлса ҳам, синчиклаб қараган киши анча-мунча нарсани илғаши мумкин эди. Икки ўтов орасидаги тизимчада ёш боланинг кўйлак, иштон, майкаси осиглиқ. Ўтов олдидаги кичкинагина аравача негадир тўнтарилиб ётарди. Сағал берида сопи синган уч-тўртта болға, белкурак, бир тўп арқон, қизил копток, омонат тахланган яшикларнинг энг юқоридагиси бўш шекилли, шамолга лопиллаб кетди. Шамол бир оз кучайиб тизимчадаги кирларни дам силкитар, дам чирпарак қилиб айлантирарди. Лопиллай-лопиллай жойидан қўзгаган яшик ҳам пастга тушиб қарсиллади. Унинг овозига ўтовдан ёш бола югуриб чиқди. Уйқусираган кўзларини муштрлари билан тўсиб олганига ҳеч нарса кўрмай «ойи»лаб гингший бошлади-ю, аммо ҳеч ким жавоб бермагач чўчиб, ағрайганча туриб қолди.

Шамол бир тўп арқон олдидаги каттакон коптокка ёпиша-ёпиша ахир жойидан қўзғатди-да, пастликка

юмалатиб кетди. Бола ҳайрон эди; копток нега упдан қочяпти?! У коптокка қараб бир қадам ташлади-ю, ўзини ўнглай олмай иккинчи қадамини ҳам ташлашга мажбур бўлди.

Бу «қочиш» ва «қувлаш» шунақа қизиқ кетдики, ҳадемай бола ўтовдан йироқлашиб қолди.

* * *

Қоядаги бир гала қузғунлардан уч-тўрттаси осмонга кўтарилди-ю, биттаси баянлай бошлади, қолганлари ҳафсаласи келмай яна қайтиб жойига қўнди.

* * *

Тоғ бағридаги илонизи йўлдан от ўқдек отилиб келарди.

Аёл отнинг бўйнидан маҳкам қучоқлаб олган, икки кўзи олисда, қатор ўтовларда эди. Нега юраги ғаш?

Тинчликмикан?! Ўзи ҳам кундузи сира ухламайдиган бола чошгоҳга яқин ўтовга кирса доғ қотиб ётибди, уйғотгани кўзи қиймай, овқатни сузиб бераман-у, изимга қайтаман деган хаёлда болани зўрга ёлғиз қолдирган эди; аттанг, ухлаб ётганмикан ё уйғониб уввос солиб йиғлаётганмикан?

* * *

Осмону фалакда оғир-оғир қанот қоқиб юрган қузғуннинг ўткир ва ваҳший кўзлари пастда пилдираб бо-раётган алланарсани илғаб қолди. Ушнинг тепасида айлана-айлана зарб билан яна бир бор осмонга кўтарилди-да, ён-атрофда ҳеч қанақа хавф-хатар сезмай, оғир, баҳайбат қанотларини ёнларига қайириб бирдан пастга шўнғинганда... қоя томондан гумбурлаб ўқ товуши эшитилди.

* * *

Югуриб келаётган от тўхтади. Оёқларини осмонга кўтарганча кишнаб юборди. Аёл орқасига қалқиб бошқини кўтарди-ю, жонсиз қотиб қолди. Бўйнига синдирилиб тушган рўмолини шамол бир ҳамла билан юлиб кетди. Аёл кўзлари олайди-ю, жон-жаҳди билан қичқириб юборди: қузғуннинг ўқдай учиб тушаётганини кўриб қолди!



Аёлнинг овози тоғу тошин титратиб юборди.

Бамайлихотир овқатланиб ўтирган одамлар ҳушёр тортиб, бирдан шовқин-сурон кўтариб пастга югура бошлашди.

Кимдир узала чўзилиб ётган беҳуш аёлга сув пуркар, кимдир ўтовма-ўтов югуриб нимадир изларди. Абулқосим ака эса ўликми, тирикми ўзи ҳам билмаган бир қиёфада болани маҳкам бағрига босганча қаққайиб турар, ҳаммага олазарак бўлиб қарар, аммо ҳеч кимни кўрмас эди!

...Ажойиб-ғаройиб воқеанинг таъсирида бораётган Ҳикматилла ака шу гаплар ростми, дегандай ҳайрат билан бош чайқарди.

— Ушанда,— деди Абулқосим ака,— қузғунни нега ер бағирлаб қолганини билолмай турганимизда аллаким оёғидан судраб келди. Уша, ўзини осмондан ташлагандаёқ кўксидан ўқ еган-у, чалажон бўла туриб ҳам лаънати жон-жаҳди билан болага чапг солган экан.

— Уқ?!— деди Ҳикматилла ака,— ўқ еган экан дегингизми?

— Ҳа.

— Ким, ким отган экан?

Абулқосим ака олдинда бораётган автобусга имо қилди.

— Йўғ-е?!

— Ҳа,— деди Абулқосим ака,— анави Қамбар ота икковлари жар ёқалаб тоғдан қайтишаётган экан, қузғуннинг ниятини пайқаб қолиб, Мирхалим ака олисдан ўқ узган... бу ҳам бўлса меншиг толенм. Аммо тақдирнинг ўйинига туриб-туриб ҳайратда қоламан, Ҳикматилла! Ушанда жарнинг бу томонида бир порасида омон қолса-ю, бошқа томонида қарчиғайдай бир йигит бекорга нобуд бўлса!

— Қаранг-а,— деб юборди Ҳикматилла ака ҳам ачиниб,— шунақа ҳам бемаъни ўлим бўладими?

— Шуни айтнинг,— деди Абулқосим ака,— кейин денг, бу жойлардан ҳеч вақо тополмай жўнаб кетдик. Аммо орадан ўн бир йил ўтиб, яна қайта текширганимизда шунақа кон топилдики, боя айтиб бердим, ҳай, гап бунда эмас, шунча йилдан сўнг қайтиб келганимизда, ўша ҳалок бўлган йигитнинг қизчаси билан ўғлим бир мактабда, бир синфда, яна бир партада ёнма-ён ўтириб қолса-я, ажаблانسизми-йўқми?!

— Дарвоқе!— деди Ҳикматилла.

— Қизча бечора, ўғлимни ҳар кўрганда отаси эсига тушиб анчагина эзилиб юрди чоғи, йўқ, кейинчалик... шунақа, дўстим,— деди Абулқосим ака пича ўйга толиб,— бу одамдан умр бўйи қарздорман, бош эгаман унинг олдида.

Ҳикматилла ака ҳам ҳаяжон билан унинг битта ана шу олижаноблиги олдида барча қусурлари сариқ чақага ҳам арзимас экан, деб хаёлидан ўтказди. Кўнглида аллақандай илиқ бир нарса сездди. Йўқ, аслида бу илиқлик дилида бор эди, ҳа, уни қишлоққа етаклаб келган нарса ҳам шу бўлса ажаб эмас, аммо қирдаги майдачуйда воқеалар-у, анави директорнинг таъсири бўлди-ми, ҳар қалай шу одамдан бирдан совиди; гап-сўзлари ғашига тегиб, қилиқлари бачкана бўлиб кўринди. Йўқ, мана ҳозир мулоҳаза қилиб кўрса...

— Э, аттанг,— деб қўйди афсус билан,— мен ҳам, Абулқосим ака, аслида шу одамни қора тортиб келганман бу жойларга.

— Яхши қилгансиз.

... Машинадаги юк мактаб ҳовлисига туширилиб, хайр-хўшдан сўнг Мирҳалим ака икковлари уйга жўнашди. Ҳикматилла ака ошиқиб борарди. Ўғлини беҳад соғинган эди. У ҳам тик этса эшикка қараб ўтиргандир, мана шу Мирҳалим акага минг раҳмат-е, шу одамнинг болажон хотини бўлмаса бегона бу жойларда ҳоли ни-ма кечарди-ю, болани кимнинг қўлига ташлаб келарди. Э, тавба, яна шундай одамдан ранжиб юрибди-я! Ҳикматилла ака хижолатомуз ёнига қараб олди. Аммо Мирҳалим ака қаҳрабо дастали таёқчасини енгил силкиганча алланарсани хиргойи қилиб борарди, унинг кайфи чоғ эди.

Шу пайт уларнинг олдидан кичкина қопчиғини силкитиб Мирфаёз югурганча ўтиб қолган эди:

— Ҳой,— деди Мирҳалим ака орқасидан,— анави ўртоғингдан суюнчи ол, дадасини кутиб олсин.

— Хўп, дада!— деди Мирфаёз остона ҳатлаб.

Ҳикматилла ака ҳаяжонда эди: мана, ҳозир ўғли, ҳа, ўғли югуриб чиқади-ю, дадасининг бўйнига осилиб... аммо остонада Мирфаёз билан орқама-орқа дийдаси қаттиққина аёл кўринди. Ҳикматилла ака бўшашиб кетди. Аёл саломга алик олиш уёқда турсин, Ҳикматилла акани кўриб бир бобиллаб берди: ҳой, болани ҳам шунақа эрка, шунақа тантиқ ўстирадими киши, каттани-

катта, кичикни-кичик демаса, орқасидан ялиниб борганга эшик очмаса-я?!

— Э, бас,— деди Мирҳалим ака кўзлари олайниб,— бола қани, бола?

— Ким билсин, анови чолникида ётиб юрган эмши.

— Қайси чол?— деди Ҳикматилла ака вужудини муздай тер босиб,— нега уникида ётади?!

— Вой, ўзидан сўранг, айланай, ўзидан, шу ёшданки...

Ҳикматилла ака унинг кейинги сўзларини эшитмади. Югурганича ҳовлиси томон бораркан, хаёлига келган минг бир хил ваҳмадан ўзини йўқотиб қўяёзди: нега ўзи билан ола кетмади-а, нега?!

У ҳовлига юриб эмас, орқасидан биров итариб юборгандай отилиб кирганда шийпонда бамайлихотир ўтирган ўғли билан бегона бир қизча эшикни қарсиллаб очилишидан чўчиб тушди. Бола бир лаҳза ағрайиб қолди-да:

— Дада,— деб юборди,— дадажон!

Ота-бола кўришаётганда ҳовлига Нафисанинг бобоси кириб, мулойим жилмайганча ота-боладан кўз узолмай қолди; у ҳам урушидан қайтаётганда ўғли билан қишлоқ бошида тасодифан учрашиб қолган-у, ота-бола мапа шуларга ўхшаб бир-бирларини ялаб-юлқаб кўришишган эди. Шунча йил бўлибди-я, тавба, вақтни ўтишини... Шу тобда ўғлининг ўша болалиги эсига тушиб, бирам соғиндики, беихтиёр:

— Уринма, болам,— деб юборганини ўзи ҳам пайқамай қолди.

Шундагина Ҳикматилла ака бир чеккада ҳассага суянган одамни пайқаб, боя Мирҳалим аканинг хотини айтган одам шу бўлсами, деган хаёлда у билан кўришди.

— Нима, тоби йўқми?!

— Бир оз...

Аммо Муроднинг қулоғига гап кирмас, нуқул ўзидан-ўзи энтикиб дадасини қайта-қайта қучоқларди «Соғинибди», деб қўйди Ҳикматилла ака.

— Дада,— деб юборди бирдан,— ойимни кўрдим... дада!

Ҳикматилла ака юраги орқасига тортиб кетди.

— Нима?!

— Ойим!..— деб бола ўпкасини босолмай, дадасини яна қучоқлаганча жим қолди... Шийпонда ўтириб эшит-

ганлари, йўлда Абулқосим акадан билганлари Ҳикматилла акага бамисоли тушига ўхшаб кўрнларди. Аммо айни ҳақиқат эканини бир лаҳзагина кўз олдига келтириб, ёқасини ушлаб қолди. Булар, дарҳақиқат, одамни ҳайратга соладиган нарсалар эди. Нафиса банди йўқ қора чарм пақани олиб келди. Суратлар қўлма-қўл ўтди. Бу нарсга ҳамманинг хаёлини олиб қўйганди, ҳеч кимдан садо чиқмасди.

— Ажаб,— деди хаёл билан Ҳикматилла ака,— сенинг болалигинг-а, Нафиса.

Қизча қаршисидаги кишининг кўнгли аяланечук айқаш-уйқаш бўлиб, унинг ўй-хаёллари бу ерда эмас, энди сира-сира қайтиб келмас қадрдон одамнинг болалигида эканини пайқамай:

— Йўқ, амаки,— деб қўйди оҳиста,— бу бошқа Нафиса, мен эмас.

Ҳикматилла аканинг назарида суратдаги қизалоқ, ҳа, ҳа, ўша бирдан товуш бергандан чўчиб бош кўтарди:

— Сени... ҳам отинг Нафисами?!

— Ҳа, амаки.

Вожаб, бу-чи, бу пима, тасодифми, ёки...

— Қизим, отинг... Муроджоннинг ойсиниқидақа экан, уники ҳам шунақа эди.

Чол усиз, эзилиб йиғларди.

— Отаси қўйган,— деди ниҳоят бош кўтариб.

— Отаси?!

— Ҳа, болам, ўғлингиздан билсам...

— Унинг ҳам,— деб юборди тўсатдан Ҳикматилла ака,— отини онаси қўйган эди!

Демак, икковлари болаликдаги беозор дўстликларини умр бўйи унуттишмай, улғайганларида фарзандларини бир-бирларининг номлари билан аташган... ҳа, шундай!

Ҳикматилла ҳаяжонда эди:

— Сиз, сиз... энди Муроджонга бамисоли отасиз!

— Сиз, ҳам,— деди бобоси ўзини тутолмай,— набирани ўз қизингиздай кўринг, болам.

Ҳикматилла аканинг кўзларида беихтиёр ёш айланиб кетди-да, меҳри жўшиб, болаларнинг елкасидан қучиб қўйди: йўқ, энди билса сира етти ёт бегона жойларга келмаган экан. Аммо чолнинг аҳволига...

— Тақдирни қаранг, ота,— деди юраги ачишиб,— учрашмасак, балки ярангиз...

— Йўқ, йўқ, ўғлим, унақа деманг,— деди шошиб бобоси,— кўнглимни ярасига малҳам топгандайман. Болагинамнинг номи билан фарзандини азиз қилган ўша аёлингиздан... миннатдорман, болагинамни болалиги бор экан-ку оламда, ақалли, шу нарса кўнглимга тасалли бермасмикан?! Афсус, аёлингизни болалик чоғларини кўрмаганман, урушда эканман. Аммо, ўғлим... оғзидан қўймасди, қўмсаса, сайхондаги садалар остида узоқ-узоқ ўтириб келарди... Ке, болам, ке... сени бир бағримга босай...

Ундаги оталик меҳри беқиёс-у, соғинч ҳисси ундан ҳам беҳад зиёда эдики, титроқ қўллари билан болани қучди, у марҳум ўғлининг оламга қайта келган болалигини бағрига олгандай бўлди-да, мудрай бошлаган кўнгли яйраб, вужудига шундай битмас-туганмас кучқувват қўйилдики... то шу ёруғ жаҳондан кўз юмгунча болани сира-сира бағридан чиқармаса! Аммо яна ўшандай кўйинчоқлик билан боланинг бетоблигини ўйлаб, бирдан талмовсираб қолди:

— Сен ёт, болам, ёта қол.

Шундагина Ҳикматилла ака боланинг бетоблигини эслаб:

— Нима бўлди, ўғлим?!— деди шошиб.

Бола чор-ночор ўринга ёнбошлади.

Аммо нима бўлганини на у-ю ва на бошқалар айтиб бера оларди. Сабаби ғоят таажжубли эди-ки, Ҳикматилла акадан бўлак ўтирганларнинг ҳаммаси хаёлларидан бир-бир ўтказиб ғалати бўлиб кетишди. Кеча Нафисанинг бобосини мазаси бўлмайдиган турганига икковларни Муродларникидан хабар олгани чиқишганди: тунов кунгидай шўхлиги тутиб Нафиса пилдираганча нарвондан чиқди-да, томга чўнқайиб ўтириб олди. Ой тиккага келиб, чинорнинг баҳайбат кўланкаси ҳовлининг ярмини тўсиб турар, қолган ярмида эса, дов-дарахтларнинг узун-қисқа, соялари шабадада майин мавжланарди. Қизча олис-олисларга қараб, билинар-билимас хўрсинди: аттанг, боролмади, қизиқ, шу топда нима қилишаётган экан-а?! Аммо бунга ўкинмаса ҳам бўларди, ҳа, негаки, қирга келиб қолгандами, унда... йўқ, йўқ, бир кун эмас, бир кун Мурод билан бари бир учрашишарди. Ахир уни ойиси «...ўша садалар уларнинг авлодаждодларини... ҳамон кутармиш», деган экан-ку! Ушанда бола буни айтиб берганда қизча ғалати энтикканча садаларга қараб:

— Кейин-чи?!— деб юборганини ўзи ҳам пайқамай қолди.

Мурод билмай, ҳа, ҳа, билмай (бўлмаса жинни бўптими) қизчанинг қўлларини ушлаб олди: вой тавба, у ҳам... совуқда қолгандай титрар эди.

— Кейин,— деди бола пичирлагандай,— кейин сира... сира ажралашмасмиш.

Шунда юраги қинидан чиққундай бир аҳволда бирон калима сўз айтилмай, «шундайми-а», деб садаларга жавдираб қарар, садалар ҳам буни тасдиқлагандай тепасида сирли шовилларди. Ана... ўша садалар, бир жуфт куббадай олисда қорайиб турибди.

— Ҳой, нега буёққа чиқиб олдинг?!

Бола парвонда турарди.

— Ҳзим.

— Айт.

— Ҳо,— деди қизча жилмайиб ва болани чалғитди,— анови... вой, шафтолинни қара!

Бола қиз ишора қилган томонга қаради. Боғнинг этагида бир туп шафтоли ой шуъласида кумушларди.

Қизча тиззасига бошини қўйганча:

— Шафтоли егим келяптики...— деб қўйди. Буми ё товушидаги эркаланганга ўхшаган оҳангми, боланинг кўнглини ғалати қилиб юборди-ю, бирдан кўзлари чақнаб:

— Олиб берайми,— деди.

Қизча кулди.

— Қўрқмайсанми?

Бола тунов кун ёлғиз кўнгли увушиб мапа шу томда ўтирганига шама қилаётганини пайқади-да, «тап» этиб ерга сакради. Қўрғоннинг бир табақа пастак эшигида боққа чиқди. Ҳаммаёқ, ҳамма нарса жимгина мудрар, фақат, боғнинг этагидаги катта ариқнинг шовиллаши кўнглига аллақандай ваҳима соларди. Шафтоли ўша ариқ ёқасида, демак, анани ишқомдан ўтиб бориш керак! Ишқом поялари қорайиб баралла кўзга ташланар, ичкарисин туби йўқ қоронғи ўрага ўхшарди. Бола бир оз сесканди. Қизчанинг кўнглини топиш истаги этларини совуқ жунжитган, қўрқувни енггандай, оҳиста ичига ўтди, йўқ, жилла ҳам қоронғи эмас экан. Қалин барглар орасида ойнинг пайзадек тушган шуълалари дам у ерда, дам бу ерда пичоқдек ярқираб хирагина ёритарди. Бола бирмунча дадиллашди; қойил-е,

шу юрак билан шафтоли узиб чиқаман деб керилиб юрибсанми, дегандай қизчанинг қиёфаси бир зумгина кўз олдида намоён бўлди-да, шаҳдам қадам ташлади. Оёғининг остидан алланарса штирлаб ўтганда ҳам бир қалқиди-ю, аммо ўзини дарров қўлга олиб, йўлда давом этди. Эҳ-ҳе, фақат шу экаи-у, қаршисидан бамисоли билакдек илон ўрмалаб чиқиб, йўлни тўсганда ҳам орқасига қайтмайдиган важоҳатда борарди. Қизчанинг майин овози ҳамон қулоқларидан нари кетмай, кўнглининг аллақерини қитиқлаб, ширин энтикиб қўярди. Хаёлида у билан ёнма-ён бораётганга ўхшарди. Ишқомни охирлаб қолганда отнинг калласидай кесакка қоқилиб мункиб кетди. Аммо шунда ҳам дарров ўрнидан туриб йўлида давом этмоқчи эди, олисда, шафтоли билан девор оралиғида... нима у ё шундай туюлдими?! Бола аланглади, ҳа, аллакимни ё алланарсани кўзларига ўхшаш совуқ нарса бир йилтирагандай бўлдию девордан ошиб кетди. Вой-эй, икки оёқлаб одамдан бошқа яна нима юролади?! Анави кундаги одамми? Ўша бўлса-я, унинг сочлари саватдай ҳурпайган эди, йўқ, бу бошқа, ҳа, ўзимга келган ё шафтолига, у бўлсам... Бола қалт-қалт титраб бирдан «дод» деб юборганини ўзи ҳам пайқамасди, аммо овози бўғзида қолди. Қизчанинг шафтоли егим келяптики...» деб тиззасига бошларини қўйиб ўтирган кўзига кўриниб кетди-да, ўзини бир оз ушлаб олди. У бехитнёр олдинга бир қадам ташлади, қизик, негадир ойиси айтиб берган ўша «оқ кўнгил» болани эслаб кетди... шафтоли пойлаб ўтирган анави қизча ойиси-ю, ўша бола бунинг ўрнида бўлса... бола нима қиларди, шайтонлаб қочармиди? Йўғ-а, йўқ, деб юборди бирдан ўзининг овозига ўзи ҳам ҳайрон қолиб ва турган жойида ердан кесак олиб дарахтга отди...

Богдан чиққанда эса қизчанинг: «Вой, ростдан олиб келдингми», деб қувшаган кўзларидан бўлак ҳеч нарса ни пайқамас, оёқлари бўғин-бўғинигача бўшашиб, вужуди титрар эди. Бу воқеанинг устига тундаги ҳангома-лар ҳам қўшилиб Ҳикматилла ака:

— Нима гап, ота,— деди ҳайрон бўлиб,— ким бўлдийким кечалари бировларнинг ҳовлиси атрофида ўғри мушукка ўхшаб изғиб юрган?

Чол ҳам таажжубда эди.

— Ким билсан, болам, анови ҳовлининг эгасига тегишли одамми десам, ундай бўлиб чиқмади, раис олди-

га бориб аниқлаб келди, сизда бирон гапи борми деса-сам...

— Унда... нега куппа-кундуз куни кела қолмайди?

— Шунн айтаман-да, болам.

— Ё узумга келган-у...

— Бе, нима деяпсиз, ёшим шунчага келиб бировни узумига одам келганини билмайман. Йўғ-е,— деб қўйди чол,— болам, бир нарса айтсам кўнглингизга малол олмайсизми-а?

— Айтнинг, ота, нега малол олай?

Чол узоқ мулоҳаза қилиб бир тўхтамага келди чоғи:

— Узи шу жойни хосияти йўқми, дейман... бировнинг гийбати эмас-у, аммо гапни пўсткаллеси, эгаси ҳам бефайз одам эди, танийсизми?— деди.

— Йўқ.

— Дарвоқе,— деди чол жавдираб унга юзланиб,— келинг, болам, келинг... шу ҳовлидан кетинг!

Ҳикматилла ака дабдурустан айтилган бу гапга «қаёққа» дегандай ажабланиб қаради.

— Ким уй-жойни ортмоқлаб кетибди?! Ҳайҳотдай ҳовлида бир-биримизга термилиб, ёлғиз ота-бола қолдик, кўчиб чиқинг, болам... сиз ҳам, болалар ҳам... бир-биримизга бегона эмасмиз-ку!

Бу шунчаки айтилган эмас, унинг кўнглидан қуйилиб келган гаплар эди-ки:

— Раҳмат ота,— деб юборди ҳаяжонланиб Ҳикматилла ака.

— Йўқ, йўқ, болам, бунн мен миннатдорчилик эшитай, деб айтаётганим йўқ.

Ҳикматилла ака яна жўшиб, елкасидан оҳиста қучиб қўйди-да:

— Биламан, ота,— деди ва сен нима дейсан, деб ўғлига қараган эди, унинг қувончи ичига сиғмай оғзи қулоғига етиб илжайди. Аммо бир мулоҳаза ўйлатиб қўйди. Бу ишни Мирҳалим ака билан маслаҳатлашмаса, кўнглига оғир олмасмикин, ҳовли-жойни ташлаб чиққанини эшитса, ранс нима деркин?!.. Тавба, Мирҳалим ака орқасидан келиб «ҳой, нима бўлди, нима гап экан», деб хабар ҳам олмади-я?!

Аммо, уни ранжиши ўринсиз эди. Негаки, Ҳикматилла ака югуриб кетгандан кейин эр-хотин дарвоза олдида роса ит-мушук бўлишди. Мирҳалим ака ҳамма режаларининг барбод бўлганига куя-куя, хотинига на дўқ-пўнсаю ва на ялиниб-ёлвориш кор қилишини кў-

риб, хотини ичкарига кириб кетиши ҳамон пешонасига бир урди.

— Эсиз!— деб юборди йиғлагудай.

— Ачинманг,— деди хотини яна эшикдан бош чиқариб,— товуқ деб нуқул хўрозларни семиртириб юрасиз, бу ҳам хўроз, хўроз бўлганда ҳам аповидан беш баттари, даканг хўроз!

— Бас!— деди Мирҳалим ака, қандай қилиб қаҳрабо дастали таёқчасини отиб юборганини ўзи ҳам пайқамай қолди. Таёқча эшикка қарсиллаб тегди-да, бўлганиб кетди. Мирҳалим аканинг аламини минг бўлди, Ҳикматилла аканинг бояги авзон бирдан кўзига кўриниб хабар олмоқчи ва шу баҳона бир йўла хотинининг тентаклигини кўнглидан чиқариб келмоқчи бўлиб кўзғалганида:

— Ундан кўра,— деди хотини эшик орқасидан,— бечора Қамбар отадан хабар олинг.

— Нима қипти?!— деди Мирҳалим ака орқага бурилиб.

— Оғир ётганмиш.

— Қим айтди?

— Жияни.

— Нима, нима дединг?!

Уни Қамбар отанинг оғир ётганидан кўра, аллақандай «жияни» борлиги кўпроқ таажжубда қолдирди-да:

— Ҳой,— деди эшикка яқин келиб,— қанақа жияни?

— Вой, мен қаёқдан билай,— юмшади хотини ҳам эрининг пастроқ тушганини кўриб,— кеча кечаси суқсурдай бир йигит кириб келиб, «қачон келадилар», деб сизни сурштирди. Нима қиласиз, бироқ юмушнингиз бўлса айтиб қўяй, десам, «мен Қамбар отангизнинг жиянлари бўламан, тоғам оғир ётиб қолдилар» деб, кўзига ёш олса, ўзимни ҳам ўпкам тўлиб кетибди.

— Э, бас-ей,— деди Мирҳалим ака тоқати тоқ бўлиб,— мен сендан қанақа одам, шу ерликми-йўқми, деб сўраяпман.

— Йўқ,— деди хотини эшикни қия очиб,— йўғ-с, шу ерлик бўлса билмасмидим.

Мирҳалим ака орқасидан хотини яна аллабарсалар деганини ҳам эшитмай, шошганча Қамбар отаникига жўнади.

Ун учинчи боб

Хушсумбатнинг кўнгли ташвишли, аламли эди. Ушандан бери хом хаёллар билан юрарди: йўқ, ҳовлида бола ёлғиз бўлган, ҳа, ҳа, анави устанинг куёви билан чол бирон ёққа кетган-у, боладан воқеани билиб ҳадемай шаҳарга тушиб келадн ва бор «гап»ни айтиб кўнглини тинчитади: қизиқ, нимани? Ундан яшириб, устанинг куёвини уйига олиб келганиними? Ё бу ерда бошқа бирон гап борми? Бе!.. Ўзини-ўзи овутган сари баттар тутоқарди. Бунинг устига шунча кундан бери «нимонсиз»дан дарак бўлмади. Ишхонада ҳам иш ўлгур ўлда-жўлда эди. У ясаган тишларнинг нимасидир етишмай роса элакдан ўтказишди. Йўқ, «песиғида» бўшаб қўя қолди. Аттанг, бир маҳаллар қанақа гуруллаб кетган эди-я, ишхонага ҳам битта-яримта «мижоз» деб бормаса, кечгача уйда-ю, пул демаган осмондан ёққан лайлакқордай оғзининг остига тўкиларди. Ҳамёнингда жарақ-жарақ пулинг бўлса осмонда учиб юрган қушга ўхшаркансан, кўнглинг тилаганига бир қанот қоқсанг бас. Бўлмаса беш-олтита одамнинг арзимаган тишига деиғ, ҳовлидаги анави машинани олган эди. Бир мижози бор эди, оти қурғур Насимахонимиди, ҳа-ҳа, шунақа эди шекилли; паст бўйли, бақалоқ, бўйни билан танаси туташиб кетган, шу мижози гаплашганда «ё сен севу, ё мен севай» дегандай бошини осма соатнинг капгирига ўхшатиб бир ғалати ликиллатиб турардики... ўша ҳам уч-тўрт кун қатқаб эшигидан оғзини «кулдириб» чиқиб кетди-ю, ҳай-ҳай, орадан бир соат ўтар-ўтмас меҳмонхонадаги анави телевизорни ташлаб кетди. Эсласа... ҳам қувонарди, ҳам аламидан ўша телевизорга бошини уриб ёргудай бўлар эди. Биринчисининг сабаби юқоридагилар-у, бошқаси мушкулроқ эдики, «чакана ишлар» аллақачон ман қилинган-у, тиш қўймоқчи бўлган одамга ҳамма жойда шароит муҳайё эди. Қани ўша кунлар-у, Насимахонимга ўхшаш танти-танти мижозлар, о, кундузи чироқ ёқиб ҳам тополмайди энди, битта-яримта адашганлари ҳам ҳуфния-ю, ҳам бирини иккита тўлаб анойинми? Бу ҳам уни жилла чўчитмасди. Ҳамма бало заргар тоғасидан қолган ўша унча-мунча «мол»нинг аллақачон тугаб қолганида эди. Шунда қанотига тош тегиб осмондан таппа ерга юмалаган қушдай типирчилади-ю, бир маҳаллар тоғаси айтиб берган ажойиб-ғаройиб нарсаларни беихтиёр эслаб, яна ширин-ширин там-

шана бошлади. Аммо, ҳайҳот, у нарса­лар шунақа чигил эдики, баъзан туриб-туриб ўзининг ҳам ақли бовар қил­масди. Шундай бўлса ҳам чўкаётган одамга сомон ҳам мадад бўлиб кўрингандай, ала­мидан «ўшан»га шир­ачдай спишиб олган эди. Ўша «нарса»лар тушида ҳам ти­члик бермасди унга, ўнгиди ҳам. Ўўқ, шунча «мол» қаёқларда ётса-ю... йўқ, бари бир қўймайди, тонадди. Хўш, уёғи-чи? Э, уёғи бир гап бўлар!

Унга кенг шаҳар тор келиб, тор қишлоқ кенг кўри­ни­ди-ю, яна бирдан жўнади. Жўнашдан аввал негадир, сартарошхонага кириб, шундоқ сочини таг-туғи билан олдириб ташлади, бош омон бўлса соч ўсар, деб қўйди ачишган кўнглига тасалли бериб. Аммо «имонсиз» бу­нақа пайрангбозлик қилиб юрган бўлса, олдига яна не­га боряпти-ю, мабода қамти келса нима дейди, ўзи ҳам билмасди!

...— Янги уйлар муборак!

Зум ўтмай, ичкарига саватдай ҳурпайган сочларини устарада олдирган, бошига дўппи кийганига биновдай қишлоқнинг суқсур йигитларига ўхшаб хушсумбат кириб келди. Оёғини уқалаб ўтирган Қамбар ота уни кўриб ҳам ғашланди, ҳам қувонди. Ғашланганининг сабаби, ту­нов кунги воқеа: «сўлоқмондай отининг ўлгини ташлаб қочгани-ю, рансининг келиб қилиб кетган дағдағаси эди. Ўз­ни­ку ўша кундан бери ичига чироқ ёқса ҳам кўнган номозшом бўлиб юрган эди. Уни кўриб яна эслади: ўшанда... очофат заргарининг этини зарбидан туби йўқ ўрага қулаб кетди-ю, овозининг борича «қутқар» деса ҳам лаънати мана­ви хушсумбат тепасида патишини по­ғора қилиб чунон чалдики, ё тавба, бу нимага бўлсай­киш-а?! Борди-ю... бандаси омонат, о, бугун бор эртага йўқ, ўша ўрага ўнгиди қуласа-чи?! Кўзи юмилса... чи­роқчиси ҳам йўқ бу оламда! Унинг эти жуни­жиб кетди. Аммо аповини яна эски ҳовлига бориб юрмай тўғри шу ёққа кела қолганига бир жиҳатдан хурсанд ҳам бўлди. Шундай бўлса ҳам:

— Боракалло!— деди маъноли бош чайқаб.

Хушсумбат инакдек ечилиб келиб шунақа мулойим­лик билан кўришдики, Қамбар отанин­г авзойидаги тунд­лик йўқолиб, чиройи бир оз очилди. У қўлини кўксига қўйиб ўша кунги номаъқулчиликни қайта-қайта бўйинга олар, ўзини минг бир хил ном билан булғалаб, етти пуштини бўралаб сўкарди. Қамбар отанин­г ҳамма айт-

ганлари бамисоли олтин эканини айтиб, бора-бора уни шундай ийдириб юбордики:

— Нима қил дейсиз?— деди Қамбар ота ҳам нолиб,— шуңдоқлиғни... бориб айтиб қўйй десам, оёқ ўлгур бу аҳволда...

Чолнинг сўзларида тариқча ёлғони йўқ, ҳаммаси бор гаплар эди, ўзи тентак, ўзи ҳовлиқма, раҳматли тоғаси шу қилиғинг бир куни ўзингга панд бериб қўймаса, деб бежиз айтмас эди. Ҳа, ўша кунги қилиғи ҳозир ўзига ҳам кулгили эди. Хўш, бугун-чи?! Тавба, омади кетган одам соясидан ҳам ҳуркиб, ҳаммадан, ҳамма нарсадан шубҳаланадиган бўлиб қоларкан. Бўлмаса, қишлоққа келганда секин ундан-бундан суриштирди... Қамбар ота янги ҳовли-жойинга кўчган экан, ҳа, шунини билди туриб, ҳовлиқма, нега эски ҳовлига борди-ю, эшик ўлгур буёқда қолиб боғда нега оралаб юрибди?! Апови кечаси узумхўрлик қилиб юрган бола устанинг набирасини, қойил-е, кўнгли сезгандай сочини таптақир олдириб келганига танимади чоғи, э, нафси қурсини, шу тобда тумонат одамни йиққан бўлса-я?!

Хушсумбатнинг юраги орқасига тортиб кетди, аммо қилмиши ҳақида Қамбар отага ҳозир лом-мим демади, билсамми?!..

Чойдан сўнг:

— Апови... билан қалайсиз,— деб қўйди,— дурустми-сиз?

— Қимни айтяпсиз?

— Ҳовлингизга келган одамни-да!

— Бе, уни ким кўрибди дейсиз, ўша кунёқ Мирҳалим иккови қирга жўнаганча ҳали келгани йўқ, эртага қайтишармиш.

— Шунақами? Уни... кимлигини биласизми?

— Уқитувчи дейишди, шекилли, хотини ўлиб, бир бола билан қолганмиш, Мирҳалим шу ёққа олиб келибди, ўзига тегишли одамми?

— Йўқ, уни сўраётганим йўқ...

Хушсумбат... юраги гупуллаб урар, айтайми, айтмайми, деб ўйлар эди; борди-ю, дабдурустан айтиб қўйса, манавичи юраги ёрилиб ўлиб қолса-я, ҳа-я, билиб бўладими?! Йўқ, гапини узоқдан бошлади. Уша шайтон устанинг авлод-аждодини қидирганини, куёви билан набирасини телганини, бирма-бир айтиб келиб, кейинги воқеаларга ўтганда, дарҳақиқат, чол талмовсираб қолди. Пиёлаини тушириб юборди. Иссиқ чой оёғини куйдирди,

ҳа, бетовфиқ, ўшанда, отнинг ўлганига қарамай шайтонлаб қочганида гап бор экан-да! У тиззасининг кўзини ари чаққандай жизиллашига ҳам эътибор бермай:

— Тавба?!— деб юборди, қалтираган қўллари билан ёқасини ушлаб,— ҳой, шу одам-а?!

Хушсумбат маъноли илжайди.

Ҳар иккови — чол ҳайратдан-у, Хушсумбат уни зиндан кузатганча жим қолишди. Чол ҳамон қулоқларига ишонмасди: ё тавба, ё қудратингдан, шунча йил излагани — шундоққина ҳовлисига кириб келса, тентак, бу дунёни қўйиб, ҳалигача бирои кимса қайтиб келиб бори-йўқлигини айтолмаган у дунёнинг ғам-ғуссасида ўтирса! Чолнинг тўкилай деб турган увоққина вужудида бир куч-қувват пайдо бўлдики, иложини топиб манави сурбетни деразадан коптокдек иргитиб юборишга ҳам тайёр эди. «Балли-ей, Мирҳалим, деб қўйди ичида, гапларнинг олтин экан!»

— Нима дедингиз?

— Ётиб қолгунча отиб қол!— деб юборди чол унинг «ҳикматли» ўша гапларини беихтиёр қайтариб,— энди нима қилмоқчисиз?!

Хушсумбат унинг қиёфасидаги ўзгаришни, калласида айланган ўй-хаёлларини пайқаб, «ошиқма» деб қўйди ичида. Унинг ҳам бояги ипакдек ечилиб ўтиришлари йўқолди-да, важоҳати бошқача тус олди. Қамбар отага унинг чақнаган кўзлари бамисоли заргар тоғасининг оламан-у, олдирмайман деган бешафқат қарашларини эслатди. Боя вужудига қуюлиб келган куч-қувват ўлгур бирдан йўқолиб, ели чиққан пуфакдек яна бўшашиб сўради:

— Мендан нима истайсиз?

— Арзимас нарса,— деди Хушсумбат совуқ кулимсираб,— анови Мирҳалим ака деган билан алоқангизни билмоқчиман, холос.

Қамбар ота буни ўзинча тушунди: сир-асрорларини унга айтган-айтмаганини билмоқчи, деган хаёлда.

— Бу ишларга унинг нима даҳли бор?— деди.— У билан шунчаки, ака-ука тутинганмиз, холос.

«Шундаймикин-а», деган шубҳа билан ўтирган Хушсумбатнинг ёдига беихтиёр тоғасининг «чол илонини ёғини ялаган...» деган гаплари келиб, яна сўради. Унинг авзойидаги аллақандай қаҳр-ғазаб Қамбар отанинг юрагига игнадай қадалиб, ичида совуқ титроқ турди. Хушсумбат яқинроқ силжиб:

— Хўш?!— деди. Йўқ, бу одам унча-мунча билан илакишиб дарров «ака-ука тутуниб» кетадиган анойилардан эмас, деб қўйди ва яна сўроққа тутди. Қамбар ота унинг мақсадини сира тушунолмасди. Бамисоли қирғоқда думалаб ётган балиқдек хансираб нафас олар, Хушсумбат эса авжигга чиқарди. Қамбар ота қасам ичди, у дунё, бу дунёсини ўртага қўйди, тошбағирнинг кўнглини юмшатниш пайида йиғи-сиғи қилган бўлди. Хушсумбат бўш келмади. Унинг тоқати тоқ бўлиб, шунақа бир шиддат билан ирғиб турдики, Қамбар ота юраги торс ёрилгудай бўлиб, ўтирган жойида ўзини таппа ерга ташлади. Хушсумбат оёғи остида мушук боласидай юмаланиб ётган одамга қараб, негадир, заргар тоғасини эслади. Тоғаси... Мирзадўст бир кунда етмиш хил турланадиган одам эди, у ҳам ўлар чоғида жиянига қарам бўлиб қолди-ю, ҳеч вақоим қолган эмас деб, аввал берган ваъдаларини кўп пайсалга солди. Мижозлар беҳисоб, аммо «мол» ўлгур анқонинг уруғи пайтлар эди, пичоқ томоғига тақалди! Ушанда унга ҳам мана шунақа дағдаға қилганда, у бамисоли калтакесакдек судралиб келиб оёқларига бош қўйган, тишининг қавагидаги ўша «нарса»ни олиб берган эди. Шундан кейин бир гурлаб кетди!.. Йўқ, бу нокаса-ку, унақа «нарса» йўғ-а, аммо, қизиқ, наинки етти ёт бегона бир одам буни шунақа бовлаб-тўшласа, иссиқ-совуғига қараса, ҳовли-жойли қилиб қўйса. Бунда кўнгли анчадан бери сезиб юрган бир нарса борки, агар унинг тагига етолса, чолдан кейин ҳам қишлоқдан қадами узилмайди, анавининг куёви шу ерда экан, бу ўлгурни билиши ҳозир шунчалик керакки... у зарб билан чолнинг билагидан силтаб ўрнидан турғазди-да, қўлларини қайириб, тиззаси билан орқасига чунон тепди, чол мункиганча коптокдек учиб бориб уйнинг бурчагига гурсиллаб йиқилди. Шунда ҳам жон олиб жон бераётгандай «ёлғон айтсам имонсиз кетай», деб хириллаб қўйди. Хушсумбат бир оз ҳовридан тушди. Ариқдан ёғлоғида сув олиб келиб чолга сепди. Алламаҳалда чол инграб-инграб кўзларини очганда яна энгашиб еворгудай бўлиб қаради:

— Қимнинг тили боғланган? Уними, ё сизними?

Қамбар ота унинг совуқ йилтираган кўзларидан яна даҳшатга тушиб:

— Уни...— деб юборганини пайқамади. Хушсумбат нафаси оғзига тиқилиб шошиб қолди.

— Хўш?!

Қамбар ота яна латтадай бұшашди-ю:

— Чамаси, ўн йилча аввалмиди, худо биладн, Мир-ҳалим икковимиз тоғдан ов қилиб келаётган эдик...— деб гап бошлади. Хушсумбат қимир этмас, ҳар калима сўзини жоп-жоп деб тинглар, унинг бутун вужуди шу тобда қулоққа айланган эди!

Ҳаяжондан вужудида ширин титроқ туриб, кенг уй бирдан тор келиб, ўзини қаерга қўяриши билмай қолди. Мана, кечагина, ҳа, хаёлида узилай-узилай деб турган ип — чолнинг гапларини эшитган сари бақувват занжирга айланиб бораётганга ўхшарди, йўқ, энди у бу жойлардан ўлса ҳам кетмайди, шу занжирга илашиб олса бас... Еш боладай яна юраги ҳаприқиб кетди. Шу топда унинг қулоғига чолнинг хириллаган товуши эмас, ўша, бошини осма соатнинг капгиридек ажабтовур ликиллатиб турадиган Насимахонимнинг қувпоқ, шўх кулгиси эшитилгандай бўларди. Омад кўнгил чопган нарсадан тап тортмаган одамники, ҳа, тоғаси ҳам «мени дилимни худо сенга берган. Ақлинг етмаган нарсаларни кўнглинг билан топасан», дер эди. У чолни думалаб ётган жойидан даст кўтарди-да, ўрнига келтириб ётқизиб қўйди. Мен бирпас шамоллаб келай, деганча ташқарига чиқиб, анчагача йўқолиб кетди. Қайтиб келганда эса:

— Анави ичингизнинг хотинига бетоблигингизни айтиб келдим,— деб қўйди меҳрибонлик билан.

— Нега?!

— Қизиқсиз-а, мен турсам яна бир кун турарман, хўш кейин ким қарайди сизга?

Унинг «меҳрибончилиги» тагида нима борлигини эртасига Мирҳалим ака қирдан қайтган замони ҳатто уйига ҳам кирмай, тўппа-тўғри олдига келганда билди. Билди-ю, ҳа, лаънати, тоғанг ўлмай ўрнига ўринбой қилиб кетган экан сени, деб қўйди ичида.

Мирҳалим ака уникида узоқ қолиб кетди. Кун ботарга яқин калтак еган мушукдек олазарак бўлиб олдидан чиқди-да, бир амаллаб эшикка етиб олди, орқасидан кузатган йигитга қаради:

— Каминадан... нима истайсиз, ишим?

— Арзимас...

— Хўш?

— Гулдек ҳунарим бор,— деди йигит,— мактаонигизга тиш доктори керакмиш.

Мирҳалим ака ажабланди.

— Шуми?!

Иигит кўксига қўлини қўйиб илжайди.

Мирҳалим ака кўчага чиққанда шундай лоҳас бўлдики, ариқнинг бўйидаги кўк терак танасига суянганча туриб қолди. Биров куч-қувватини сугуриб олгандек, оёқлари қалтираб кетди. Вужуди бирдан оташ бўлиб ёна бошлади; тушими ё ўнгими? Ёши бир жойга борганда бу не кўргиликки аллакимнинг қўлида ўйинчоқ бўлса? Имонсиз, шалағи чиққан буюмдек уни бошқага ошириб юборди-я!! Йўқ, нима бўлганда ҳам бу нарсани ундан сира-сира кутмаганди. Озмунча корига ярадимми, елиб-югурдимми? Ҳаммаси нега-ю, не учун эди? Ҳар гал: «Чол бир қултум сув, қирққа тоқат қилган, қирқ бирига ҳам чидаш керак», деб овунарди. Унинг тузоғига илинганига сира ҳам ич-этнини еб куюнмасди, негаки, бир силкинса... энди-чи?! Кўзини бақрайтириб, оёғини кишаплади, анавининг қўлига топширди.

— Шундаймикин-а?!

У уйига келганда ўлганининг устига кўмган қилиб:

— Ҳой, отам тузукмилар?— деди хотини.

Мирҳалим ака жавоб бермай уйга кириб кетди. Киём-пийими билан ўзини каравотга ташлади. Оғир уҳ тортиб юборди. Алламаҳалда хотини кириб уни раис бува йўқлаганини айтганда ҳам ўша аллозда ёта-ёта:

— Нима,— деб юборди эс-ҳушини тўплаб,— ким дединг?!

— Вой, Қамбар отанинг касаллари ҳушингизни шунчалик олиб қўйдими, раис бува, зудлик билан олдимга келсин, деб айттириб юбориптилар.

Мирҳалим ака ўрнидан туриб, шошганча кўчага чиқди. Нега айтиб юборди экан? Аммо бу нарса ҳозир уни жилла ҳам ташвишга солмас эди. Имонсиз, бўталоқнинг қўнғирогидай, анавини бўйнига илиб қўйди-я, ўлгунча, ҳа-ҳа, энди то ўлгунча жаранглатиб юради-ю, нима-нима, э, йўғ-е... мактабга жойлаб қўйса бас, уёғига аравасини ўзи судрасин! Ахир ўзи ҳам бор-йўқ плтимосим шу, деб тиржайди, э ишшаймай ўл!.. Аммо анави ўжар директор гапини инobatга олармикин? Бир йўғида Қамбар отани мактабга жойлаганига ҳали-ҳали уни бордон-нордон гапларидан қутуллолмай юради. Хўш, раис-чи, ўша орқали айттирса-чи? Бу мулоҳаза маъқул тушди. Баданига ёпишган аллақандай шилимшиқ нарсадан халос бўлгандай енгил ҳис этди-да, ёлғизоёқ йўл-га бурилиб, идорага қараб илдам кета бошлади.

... Шабада еру кўкдан ёқимсиз, иссиқ ҳовурни олиб

кетди. Унда-мунда симёғочларда чироқлар хирагина милтиради. Аллаким олисда хиргойи қилиб ўтди. Унинг баланд-паст товуши олисдан анчагача қулоққа чалиниб турди-да, кейин бирдан эшитилмай қолди.

Улар садаларнинг остида жимгина ўтиришарди. Ҳикматилла ака бир оз кўнглимни ёзай, болалар ҳам овунсин, деб чиққан эди. Айланиб юриб, шу жойга келиб қолишганини ўзлари ҳам пайқашмади. Садалар... майингина шовулларди. Хаёлида, улар гўё ўз эгаларини қўмсаб, авлодларининг бугунги учрашувидан беҳад қувонар, ажиб бир оҳанг билан бир-бирига шивирлагандай эди. Энди на ўзи-ю, на ўғли бу азим туп садалардан йироқлаша олмаслигини, уларни сира ёнлаб ўтолмаслигини пайқаб, Ҳикматилла ака қаршисида ғалати бўлиб узоқ туриб қолди. Сўнги кунларда ҳамманинг оғзидан тушмаган катта йўл яқинидан ўтса-ю, ҳали бир печавонлар қувнатадиган бу садалар ўша йўлга соя ташлаб турса. Шунда, ажаб эмас, остидан ўтганлар шуларни экиб кетган одамлардан дилларида миннатдор бўлиб қўйишса!

Йўлдан машина ўтди. Унинг ўткир чироқлари садаларнинг сайҳонда узала чўзилиб ётган сояларини бирдан олисларга судраб кетди. Машина жилла ҳам узоққа бормай, йўл ёқасида тўхтади.

— Раис бува,— деб қўйди Нафиса.

Ҳикматилла ака «ҳойнахой бизни пайқаб тўхтади-ми», деган ўйда унга қараб юра бошлади, яқинлашганда, дарҳақиқат, машинанинг эшиги очилиб:

— Янги ўқитувчимисиз?— деди раис ўтирган жойида қўл чўзиб,— қани, танишиб қўяйлик, ука... бу дейман, кўчингизни остонадан ташиб кирмай анави одам сизни дарров ишга сопти-да?

«Анави» деганда Ҳикматилла ака нимагадир беихтиёр директорнинг ўшандаги аҳволини ўйлади. Бу одам ҳамма икир-чикир нарсадан ҳам хабардор-а, деб дилдан ўтказиб қўйди-да:

— Йўғ-е,— деди,— бир чеккаси, ўзим ҳам болалар билан танишиш ништиёқида эдим.

— Хўш, қалай?

Ҳикматилла ака болаларнинг қирда қанақа ишлаганларини бир лаҳза кўз олдига келтириб:

— Яхши,— деб қўйди.

— Шундоқ колхознинг болалари, ука, ёмон бўлади-ми-а?!— деди раис ҳам Ҳикматилла аканинг жавоби

ёқиб,— аммо, яхши болага яхши тарбия ҳам лозим, буни унутманг, ука.

Ҳикматилла ака унинг нимага шама қилиб ўпкалаганини тушунмай турганда, раис ўзича алланарсаларни ўйлаб «ҳар тўқисда бир айб» экан-да, деб қўйди. Аммо бу фикр-мулоҳазасини давом эттирмай Ҳикматилла акага юзланди:

— Бу дейман, йўғингиздаги машмашалардан хабардордурсиз?

— Ҳа, эшитдим.

— Қўяверинг,— деди раис,— отни ўлдириб, ҳай отдай беозор жониворни-я, ўлигини ташлаб қочган номардни топаман, ҳа, қўймайман... хўш, жойлашдингизми?

— Раҳмат,— деди Ҳикматилла ака ва негадир боя чолнинг бизникига чиқинг, деб ёлборгандай айтганларини, ўзини ҳам бунга мойиллиги-ю, аммо бу ишни Мирҳалим ака билан раисдан бемаслаҳат қилишга ийманганини эслаб, айтайми-айтмайми, деб хаёлидан ўтказди-да, оҳиста учини чиқарган эди, раис аввалига ҳовли-жой ёқмагами, деган кўнгилга бордими ё бошқа сабаб биланми, бирдан қовоғини солиб тумтайиб олди. Аммо атрофлича мулоҳаза қилиб:

— Балли,— деб қўйди,— балли, ука, яхши ўйлабсиз. Қани ҳамма шу одамдай покиза-ю, заҳматкаш бўлса! Ғам ўлсин, ғам тоғни ҳам қулатаркан. Қанақа одам эди! Шундай одамни ҳам фарзанд доғи букиб қўйди-я... бўлмаса ҳали-бери... аттанг, яна бунинг устига денг, келини ҳам уй-жой қиламан, деб отасиникига кўчиб кетди... мен рози, ука, колхознинг янги битган уйи сизларники, отага айтинг, ҳа, мана кўрасиз, ҳадемай эски-туски жойлардан ном-нишон қолмайди. Унта трактор-у, яна шунча бульдозер вағиллаб кириб келса ишни ўшанда кўринг!

Раис кетишга чоғланди шекилли, эшикнинг тутқичига қўл чўзди:

— Ука, бирои кам-кўстингиз бўлса, мендан иймансангиз, Мирҳалим домлага айтинг, тортинманг, ҳа, Мирҳалим домла хўп баъмани одам. Ўзи ҳам сизни сира-сира оғзидан қўймайди. Уша одамнинг этагидан маҳкам ушланг, кам бўлмайсиз.

— Хўп,— деди Ҳикматилла ака ва негадир Мирҳалим аканинг қирда: «Мен бор, кўнглингизни тўқ қилинг, ука»,— дегани ёдига тушди. Шу топда ласт-баланд йўл-

дан чайқалиб бораётган рансинг хаёлида галати парсалар айланарди. У Мирҳалим аканнинг бу одам ҳақидаги «келажакда битта мактабни эплай оладиган лаёқати бор», деган гапларини эслади. Ҳар қалай муомаласидан юмшоққина одамга ўхшайди. Янги уй-жойни нега шунга эмас, Мирҳалим ака куйиб-пишиб анави сўққабош одамга олдириб берди, ҳа-я, ажабо, битта ака-ука тунганининг оқибати шунчамми-а?!

Эртасига, дарҳақиқат, жимжит қишлоқ кўчасини титратиб ўтган бир печа тракторнинг, кетма-кет етиб келган яна шунча бульдозернинг овози ҳаммаёқни тутиб кетди. Бунга уйлардан югуриб чиққан майда-чуйда болаларнинг шовқин-сурони қўшилди. Хаш-паш дегунча тоғ бағридаги ҳарсангтошлар дам ўнгга, дам чапга думалаб, йўл учун жой ҳозирлана бошлади. Аввал ишни нотекис жойлардан бошланганининг сабаби бор эди. Тоғда очилган конга машина қатнай олмас, кончилар ҳамма нарсаларини, асбоб-ускуналарини ҳам отда олиб ўтишган эди. Аммо шундай бўлса ҳам ҳаммаёқнинг тўс-тўполонини чиқарган тракторларнинг шовқин-сурони рансини шошилтириб қўйди-ю, кўнглидагини айтганда, бу нарса йўл қурувчилар бошлиғига ҳам маъқул тушиб, эртасига битта трактор, битта бульдозер ажратиб берадиган бўлди. То тоғ бағридаги жой очилгунча, бу ердаги юмушлар ҳам жўнашиб кетса ёмонми? Лойиҳа тайёр бўлса, ҳали колхоз ихтиёрида бажарилиши лозим бўлган қанча иш бор! Хуллас, иш қизғин-у, каттаю кичик ҳамма ҳаяжонда; ҳар ким улкан юмушга ўз улушини қўшини иштиёқда яшаётган бир паллада яна бир воқеа содир бўлдики, бу гоят таажжубли эди.

Ун тўртинчи боб

Қамбар ота жон аччиғида билмаганми, биров қопга солиб савалагандек оёқ-қўллари зирқираб, оғир ётиб қолди. Вужудни титраб, дам-бадам алланималар дер, аллақачон бу оламдан ўтиб кетган аллакимларни чақирар, улар билан гаплашар, ёлвориб йиғлар, дўқ қилар, кейин узоқ жим қолиб, яна қайтадан бошларди. У алаҳсирарди, оташ бўлиб ёнарди. Яхшики қўни-қўшини кунига яраб, бири оёқ-қўлини уқалаб, бири доктор чақириб, бошқаси иссиқ-совуғига қараб, шуларнинг соясида уч кун деганда қалт-қалт титраб оёққа араиғ туриб олди. У ҳассасига суяниб, уйни айланар ва дарров

тинкаси қуриб ўрнига чўзиларди. Боши бировникига ўхшарди, пешонасида олхўридек қаварган гурралар лўқиллаб оғрирди. Оёқ-қўлларининг мўматалоқ бўлган жойлари юрса ҳам, ётса ҳам аламга кирарди. Сўраганга «ийқилднм», деб қўя қоларди. Хўш, айтгандай, нима ҳам дея оларди? Содир бўлган нарсаларни ошкор қилиш — ўз бўйинига сиртмоқ солиш эмасми. Анави Мирҳалим... ҳа, унинг ўпкалаб-аразлашга ҳаққи бор... аммо ораларидаги ўша сир-асрорни сира айтмоқчи эмас эди. Ушанда хушсумбат буни нега ковлаштиргани ўзинга ҳам қоронғи эди. Унинг сўнгги илинжици ҳам қузгундай илиб кетди, ҳа, лаънати, илиб кетди-я! Э воҳ, энди бу тирик товоннинг кимга кераги бор? Авваллари унча-мулча Мирҳалимга суюнарди. Энди-чи? Ёпирай, юзлаб, минглаб одамлар ҳузур-ҳаловат топган бу олам унга бамисолли қафасга ўхшаб, бирдан ўзини бу оламга адашиб келиб қолгандек ҳис этди. Шу топда ёлғизлик, ғариблик ҳисси у дунёнинг дўзахидан ҳам беш баттар даҳшатлироқ бўлиб кетди унга!

Кўчадан ўтган бир гала болаларнинг шовқини-сурони чолнинг ҳушини ўзинга қайтарди-да, яна қалт-қалт титраганча, ўрнидан турди. Дераза олдига борди. Борди-ю, талмовсираб қолди: анави очофат устанинг шулар тенги невараси ўз оёғи билан кириб келса-ю... чолнинг тор елкалари бирдан силкиниб кетди. У унсиз йнғлар эди. Йўқ, дард бошқа, ажал бошқа, нанки умрипинг заволи бўлган бу нарсани осонликча бой берса?! Аммо хушсумбатнинг совуқ йилтираган кўзларини эслаб, у яна латтадай бўшашиб кетди. Шу топда, ҳа-ҳа, ўша устанинг набирасини бир кўргиси келдики, бир кўргиси келдики, ҳозир унинг бундан бошқа орзу-умиди қолмагандай эди бу оламда: ўзи қанақа бола экан-а?!

Чолнинг ич-ичидан совуқ титроқ келди-да, секин бо-риб ўрнига чўзилар экан, бирдан ҳаммаёқ, ҳамма нарсаси назарида гир-гир айланаётгандай бўлиб, кўзларини юмиб олди. Шу алпозда ёта-ёта, алламаҳалда кўзларини очди:

— Ё тавба,— деб юборди пичирлаб ўтакаси ёрулгудек. Унинг олдида бола... йўғ-е, у эмас, Мирфаёз экан. У ўзини аранг босиб олди. Мирфаёз боядан бери олдида эти увушиб турар, уни уйғотишини ҳам, уйғотмаслигини ҳам билмас эди. Қетаверай деса, дадаси нега кўзига кўринмай келдинг, деб койиса, тураверай деса, ҳали-вери уйғонадиганга ўхшамаса?!

— Уйғондингизми?— деди Мирфаёз қувониб.

Чол ажабланди.

— Қачон келдинг?

— Анча бўлди.

— Ким юборди?

— Дадам.

— Дадаңг?— қайта сўради қулоқларига ишонмай,— лега... ўзи келмади?

— Сира вақтлари йўқ,— деди Мирфаёз,— эртаю кеч раис билан бирга юрибдилар.

— Шунақами?

Мирфаёз дадасининг ақлига яна бир марта қойил қолди. Буёққа келар экан, дадаси Қамбар ота нима дейди-ю, Мирфаёз нима деб жавоб бериши лозим, бирма-бир айтиб берган эди. Буни қаранг, ҳаммаси тўғри чиқди-я! Дадаси уйни қоронғилатиб ётган жойида бу одамнинг нима сўрашини қаёқдан билдийкин? Қамбар ота эса жим қолиб ҳамон ўйларди: ҳайрият-е, Мирҳалим энди оёғини узиб кетди, деб ўйлаган эди, йўқ, аммо... нечун ўзи келмади? «Анавундан» хавфсирадими, ҳа, шундай бўлса ҳам ажаб эмас, ўғлини юборганининг сабаби эса... вой тавба, ахир Мирҳалимнинг бир оёғи энди «уни»кида бўлгани билан бари бир бир оёғи бўникида эмасми?!

Чолнинг кўнглида яна аллақандай плинжга ўхшаш нарса пайдо бўлиб, жавдиради:

— Болам.

— Нима дейсиз?

— Бир юмушим бор сенга.

— Айтинг,— деди Мирфаёз, негаки, дадаси «Қамбар ота нима деса, нима буюрса, хўп дегин, болам», деб қайта-қайта тайинлаганига боядан бери жойидан жи-юлмаётган эди, бирдан жон кирди.

— Анави... менинг ҳовлимга кўчиб келган одамнинг *ғлини биласанми?

— Йўқ, ота.

— Оҳ, шундоқ болани-я,— деди, бола буваси яшириб қўйган ўша сопи калта дуторни қўлтиқлаб шу топда чолни ҳаммаёқда излаб юргандай... кўнгли ширин шигиллаб кетди. Аммо бу гап Мирфаёзга «дадаңнинг шундоқ ошнасининг ўғлини танимасанг, баракалла-с», деб берган танбеҳга ўхшаб:

— Танимасам танишиб оламан, ота,— деди.

— Ҳа балли... ўшани олдимга олиб келмайсанми,

бир кўрай,— деди-ю, яна унинг кўзига боланинг «қўлти-
ғида» ўша дутор қурғур кўриниб кетди.

Нафиса билан Мурод нокзор ёқасидаги йўлдан уйи-
га қайтишарди. Нафиса бошини чайқаб-чайқаб куларди.
Муроднинг кўзлари ола-кула бўлиб:

— Нима?— деди,— ишонмайсанми?

— Нега ишонмай.

— Бўлмаса нега куласан?

— Вой,— деди қизча бирдан тўхтаб,— йиғлайми?

Мурод бир лаҳза ғалати бўлиб унга қараб қолди-да,
ачингандай:

— Эҳ,— деди,— кўзларидан дув-дув ёш оққанини
кўрсанг эди.

Нафиса тўхтади.

— Сен-чи?

— Нима мен?

— Уша билан ачомлашиб йиғлашмадингми?

— Э, бор-ей,— деди-да, Мурод илдам-илдам кета
бошладди. Нафиса бир лаҳза қараб турди-да, уни поҳақ
хафа қилиб қўйганини пайқаб, орқасидан югурди.

— Оббо, ке қўй, шуни...

У олисда, садалар панасидан чиққан бир гуруҳ
одамларни кўриб тўхтаб қолди. Бола ҳам ўша томонга
аланглади. Одамларнинг орасида Абулқосим ака билан
Мирҳалим ака ҳам кўринди. Ранс бува дам-бадам тўх-
тарди. Қўлидаги похол қалпоғини силкитганча ён-атро-
фига ишора қилар, нималарнидир узоқ-узоқ сўзларди.
Одамлар ҳам у кўрсатган томонга бир-бир қараб, уни
жимгина тинглашарди. Болалар уларни янги йўлга жой
тайёрлаш тараддудида юрганларини билганлари учун
қизиқсиниб қараб туришди-да:

— Э, юр,— деди Нафиса ҳовлиқиб,— қозонни ёпган-
ман-у, сенга югурганман, Бўрижон ака ҳам шу ерда.

— Ким дединг?

— Мактаб директори-чи, ўша!

— Нега келибди?— деди Мурод кўчиб келишган ку-
ни дадасини тўсатдан қирга олиб кетган ўша паст бўй-
ли камгап одамни эслаб.

— Билмасам, дадангда юмуши бор шекилли.

Олдинма-кейин бошлашиб ҳовлига киришганда:

— Баракалла,— деди бошини чайқаб Ҳикматилла
ака,— қаёқларда юрибсан, ўғлим?

Мурод қизарганча остопада туриб қолди. Дарҳақи-
қат, ўша одам сунада дадаси билан қизчанинг бобоси

Ўртасида ўтирар ва ўша кунгидай кулимсираб Муроддан кўз узмасди. Шу топда дадасининг ўша одам олдида танбеҳ бергани болага оғир ботиб:

— Ўзингиз «хўп» дебсиз-ку, дада,— деди.

— Кимга?

— Мирфаёзга.

Бола бир дақиқа саросимада қолди: ё ўша бола шунақа деб алдаган, ё дадаси.. йўғ-е, дадасини сира-сира бунақа одати йўқ, унда, тавба, уни нега лақиллатиб олиб кетди?.. Ош сузилганда ҳам Муроднинг чиройи очилмади. Ош устида катталарнинг гап-сўзлари ҳам ора-чора қулогига кирар, унинг бутун фикри-зикри ўша болада-ю, уни кўрган замон худди маст одамдай гандираклаб остонагача қўлларини чўзиб келган анави одамда эди. Ажабо, у одам юм-юм йиғлаб яқинлашган сари Мурод беихтиёр орқага қалқиб-қалқиб кетар эди.

— Ҳой, мунча,— деди Мирфаёз аччиғланиб,— мунча қочасан, кўриш...

— Ҳа-ҳа,— деди чол ва хаёлида бола бирдан остонада тикка туриб қолган лаънати дуторга айланди-ю, кўзлари соққасидан чиқгудек олайиб кетди.— Ке кўриш... сени жонимни жабборга бериб излайман, қидираман, ке, нега қочасан? Сени деб... Қаёққа?!

Чол шундай даҳшат билан қичқириб юбордики, Мурод жон-пони чиқиб ўқдек отилиб ҳовлига чиқди. Чолнинг бу довдирашидан эса Мирфаёзнинг ҳам кўзлари аллапечук ғилай бўлиб кетди. Остонани тўсиб турган Қамбар отага яқинлашгани ҳайиқди-да, ўзини деразадан ташлаб қочди. Қараса, Мурод аллақачон жуфтакин ростлаб қолибди. У ҳам орқа-ўнгига қарамай, зингиллаганча уйига борар эди. Отанинг эс-ҳуши жойидами? Муродга қараб унақа деса, вой-эй, наҳотки энди ўн уч яримга кирган бир болаши қирқ йил қидирган бўлса?! Унинг гапларини ўйлаган сари оёқлари чалишиб-чалишиб кетарди. Мурод шу югурганча анча-мунча жойга бориб тўхтади-да, орқасидан ҳеч ким қувиб келмаётганига ишонгач, секин-аста кета бошлади. Аммо рангида ранг қолмаган, юрагининг уришини ҳамон босолмасди. Шунда олисда уни қидириб юрган Нафисани кўриб қолди.

...Овқат маҳалида ўтирганларнинг гап-сўзидан шу нарса маълум бўлдики, ранс бува кеча ҳаммаси, шу жумладан Бўрижон ака билан Мирҳалим акаларни ҳам

ндорага тўплабди. Эртага ким нима юмуш билан банд бўлишни айтиб, вазифаларни тақсимлабди. Болаларга топширилган иш қийин эмас эди. Уларга Мирҳалим ака бош бўлди. Атиги бир-икки машина қум-оҳак, гишт келтирса, мактаб ремонтни ҳам ўлда-жўлда қолмайди, деб раис бува бу вазифани «янгини домла» билан Бўрижон акага юкладди.

— Колхоз машинаси эртага банд,— деди Бўрижон ака хижолатомуз.

— Майли,— деди Ҳикматилла ака,— шу билан фойдадан тегса...

— Раҳмат.

Бир оз жимликдан кейин қўшиб қўйди:

— Мирҳалим ака ҳам «улуғнинг топшириғидан мулла Ҳикматилла ҳар хил ўйга бориб, ранжиб, юрмасин», деб қолди... Бу дейман, Ҳикматилла, у киши сиздан бир оз хафами?

Ҳикматилла ака ажабланди.

— Нега?!

— Шу ишни ё мен, ё раис билан маслаҳатлашмай қилди, бормай юрганнинг босини шу, айтиб қўйинг, деди.

— Ана холос!— деб юборди Ҳикматилла ака. Ё Мирҳалим ака буни шунчаки айтган, ё маслаҳатлашгани раиснинг ёдида йўқ. У шундагина боя ўғлини Мирфаёз аллақаяёққа олиб борганини эслаб:

— Ўғлим,— деди,— мен Мирфаёзга нимани хўп дебман?!

Қизча ўзини тутолмай кулиб юборди, кафти билан оғзини ушлаганча хум чойнакни кўтариб ошхонага кетди. Мурод эса, анави ҳовлидаги кўчларни ташиб бўлишганда сўнг яна бирон нарса қолдимкан деб, қайта чиққанда Мирфаёз келиб қолиб, ўзини Мирфаёзлигини танитиб, олиб кетганини айта бошлади. Тунов кунни раиснинг машинасида келишган ҳовлига олиб борганини, деразаларга қоғоз тутилган ним қоронғи уйга киришганда раис бува юзлаштирган анави одамнинг қилиқларини, оғзидан чиққан «ғалати-ғалати» гапларни сўзлаб берди. Дадаси билан Бўрижон ака дам ажабланиб, дам кулимсираб бепарвогина эшитишди. Аммо бобоси бошқаларга қараганда болани эътибор билан тинглар эди. У қулоғинга чалкаш эшитилдимикан дегандай, баъзан уни тўхтатар, анави одамнинг гап-сўзларини қайта сўраб оларди. Бола тугатиши ҳамон ҳаммалари

қотиб кулишди. Бобоси ёшланган кўзларини яхтагининг еши билан арта-арта:

— Э тавба,— деди,— кўзига дутор бўлиб кўринибсан-да?

— Ҳа!

Уша одамнинг довдирашларини ўйлаб:

— Оббо,— деб қўйди,— бу шўринг қурғур ҳали-ҳали шутолмас экан-да.

— Нимани?— деди Бўрижон ака.

— Уша дуторини-да.

— Дуторини?— деди ажабланиб Ҳикматилла ака,— қанақа дуторини?

— Э, сўраманг, бир маҳаллар Оппоқхўжа қишлоқдан бадарга қилинганда, ғалати миш-миш тарқалган эди,— деди-ю, аммо ҳаммани қизиқтириб қўйганини кўриб дам афсуслангандай бош чайқаб, дам аллапарса паша қилгандай кулимсираб, давом этди. У айтган ғалати нарсалар бора-бора ўтирганларнинг хаёлини олиб қўйди-да, сўзини тугаллаганда, анчагача ишонса бўладими-йўқми, деб ҳайратланиб ўтиришди.

— Тавба,— деди Бўрижон ака кула-кула,— анави одамнинг довдираши бежиз эмас, тагида шунча миш-миш бор дег, эшитмаган эканман... ўйлаб қолдингиз, ота?

— Ўйлаганимми босен... тавба... бу одам-чи?! Хўш, бу одам нега «ўша» дуторни яна қўмсаб қолди?.. Оппоқхўжани ўлимидан кейин орқаворотдан кимнинг уйида дутор бор-йўқлигини анчагача сурштирди. Кейин сувга чўккан тошдек тинчиб кетди-ю, ўша хом хаёллардан воз кечгандай колхоз устахонасида, кейинча мактабда қоровулчилик билан тирикчилик қилиб юрди.

— Қариганда, дуторга ишқивоз бўлганми,— кулди Ҳикматилла ака.

— Бе,— қўл силкиди бобоси.

— Хўш?!— деди Бўрижон ака.

— Ё тавба, ўша, девона Оппоқхўжанинг дуторида дарҳақиқат бир гап бор эканми-а?

— Нега шу хаёлга келдингиз?— деди Ҳикматилла ака.

— Анавини довдирашидан кейин тариқдек сочилган миш-мишлар ипга маржондек тизилганга ўхшаб кетди.

Бу гап ўтирганларни яна ҳам қизиқтириб қўйди. Мурод эса анави одамнинг кўзига боя хаёл қилгандек шунчаки эмас, чиндан ҳам аллақандай девонанинг алла-

қандай дутори бўлиб кўринганига этлари жимирлаб, дадасининг ёнига ўтириб олди. Боядан бери ошхонага кириб-чиқиб юрган Нафиса ажабланганича супанинг бир чеккасига чўққайди-да, бошқа қимир этмади.

— Уша, ё фақат Оппоқхўжага маълум бошқа бирон дутор билан унинг яширган дунёси орасида дарҳақиқат бир алоқа борми?!

— Қанақа алоқа дейсиз?— кулди Ҳикматилла ака.

— Қим билсин,— деди бобоси,— яширган жойининг бирон таниқлик белгисини дутор ясатганда ичига ташлаб қўйганми...

Ҳикматилла ака ажабланди.

— Авваламбор, «ўша» дутор қани-ю, ичиди шунақа нарса бўлганми?! Қолаверса, айтинг-чи, наҳотки ўша ўзи яширган жойни тусмоллаб ҳам тополмаган бўлса?!

Бобоси маъноли жилмайди.

— Боя айтганларимни унутманг, Ҳикматилла, у қайтганда қишлоқ мутлақо ўзгариб кетганди, у билган чакалакзорлардан ҳеч бало қолмаган.

— Кўрдингизми?— деди Бўрижон ака Ҳикматилла акага юзланиб.— Демоқчиманки, ўзи ҳам «ўша» жойни бир кун тополмаслигини пайқаб, чўчиб шундай қилган бўлса-чи?!

— Ҳай, сиз айтганча бўла қолсин!— деди Ҳикматилла ака,— аммо манави мулоҳазага нима дейсиз? Атайлаб дутор ясатиб, унга денг, дунёси кўмилган жойнинг фақат ўзига маълум белгилари тушган аллақандай қоғозни яшириб, ҳа, ҳа, дуторга қоғоздан бўлак нима солиш мумкин? Яна дуторни шунча йил қўлтиқлаб юрмай, тавба, ўша «қоғоз» ўлгурни буклаб-буклаб, дейманда, носқовоққа солса-ю, белбоғига қистириб қўя қолса бўлмасмиди?!

— Ҳа,— деди Бўрижон ака шахмат ўйнаб тўсатдан ютқазиб қўйганини пайқамай қолган одамдай,— ҳаммасини чиппакка чиқардингизми?

— Балле!— деди бобоси ҳам,— дуторда ҳеч гап йўғ-у, уни «ёндома» бўлсин деб қизига атай ясатиб келгани чин экан-да! Унда, яна ўша бояги жумбоқ, хўш, бадарғадап қайтганда девона ўзини-ю, бировларнинг дуторини ёриб ичидан нима бало қидирди, ҳай манови одам нега «ўша» дуторни, деб ёш болага ҳам калака бўлиб юрибди?! Бу чигилнинг на бошини тутасан киши, на охирини, тавба, араванинг ғилдирагига ўхшаб айлангани-айланган-а!..

Бўрижон ака билан Ҳикматилла ака тоза кулишди.
— Бу дейман, ота,— деди Ҳикматилла ака,— ўша девонада манави одамнинг шунча йил довдираб юришига арзийдиган дунё қурғур бўлганми ўзи..

— Бўлган, Ҳикматилла, ҳа, ўша укки кўзли заргар ошнасининг гапи биланми ё сувни оқиши бошқача бўлганигами, ҳар қалай, ўшанда, бирдан нчига ўт тушиб, етти қишлоқдаги ер-сувини, минг-минг қўйини, қўйингчи, ҳамма нарсасини арзон-гаров пуллаб, бу пулларни ўша заргар ошниси орқали тиллага айлантириб олганини, боя айтиб эдим, ёдингиздадир, қулоқликка тортилиш арафасида, бойларнинг мол-мулки мусодара қилинаётганда эса тулкилик қилиб, шу ҳовли-жойим, қирқ-эллик таноб ер-сувим, шунга яқин мол-ҳолим, деб қасам ичганида ўзим тепасида эдим. Шунда қанча тафтини қилганимсин, айтганидан ортиқ топилмади. Хўш, ўша беҳисоб тиллаларни қаерларга яширди-ю, яширган жойини ўзи ҳам тополмай, нега анавнига ўхшаганларни довдиратиб кетди?!

— Қизиқ,— деди Бўрижон ака ўйлаб,— айтинг-чи, ота, Оппоқхўжанинг қилмишидан кимлар ўшанда воқиф бўлган, ё буни унча-мунча пайқаган дейсиз!

— Кўпчилик эмас, чоғимда уч киши..

— Кимлар?

— Анави,— деди Қамбар отанинг отини атагиси ҳам келмай,— хўш, заргар ошниси, яна, борди-ю, ўша дундордаги гапларин чин деб билсак, унда шаҳарлик уста Олим деган одам, уни бу нарсадан воқиф бўлмай иложи йўқ.

— Ишма?!— деб юборди бирдан Ҳикматилла ака,— ким дедингиз, ота?!

— Уста Олим,— уни тўсатдан ўзгариб кетганини кўриб:— Танирмидингиз, ўғлим?

Боядан бери жимгина қулоқ солиб ўтирган Мурод ҳам ўзини алланечук сезиб, дадасининг биқинига ёпишиб олди.

Ҳадеганда Ҳикматилла акадан садо чиқмади. У алламаҳалгача ҳуши учиб жимгина ўтирди-да:

— У киши,— деди маъюсгина,— менга қайнота, ўғлимга бува бўладилар.

Бобо ҳайратдан:

— Шунақамн?!— деб юборди.

— Ўзларини кўрган эмасман,— деди Ҳикматилла ака,— аммо хотинимдан, таниш-билешларидан, ошва-

оғайниларидан эшитганим бор. Кўп ҳунарманд, покнза одам эканлар. Уғлимнинг онаси беш-олти яшарида ота устахонада ишлаб ўтириб, дўконларига кириб қолган ўткинчининг бир отим носидан ўзларини ташлаб юборган эканлар.

— Нима, носдан-а?!— деди Бўрижон ака.

— Айтишларича, жуда соғлом, бақувват киши бўлганлар, кўчадаги ариққа қўқон арава тиклиб қолганда, от тортолмаган аравани елкалари билан кўтариб чиқариб берган эканлар. Шундоқ одамнинг тўсатдан шундай бўлишига сира ишонмай табиб топиб келишган, табиб «носда бир гап бўлган», деб гумонсираган экан.

Орага ғалати жимлик чўкди.

— Демак,— деди Бўрижон ака ҳаяжон билан,— дуторнинг мавжудлиги ҳақиқатга ўхшайдики...

— Бояги айтганим, араванинг ғилдираги яна янгитдан айтганди,— деб юборди ниҳоят таъсирланиб бобоси ҳам.

...Ҳикматилла аканинг гапидан сўнг ҳаммалари анчагача хомушланиб ўтиришди-да, бугунги ҳазил-ҳузул, хушчақчақлик билан бошланган оқшом ана шундай оғир хотиралар билан тугади.

Бўрижон ака кетгандан кейин ҳам ўрнига чўзилган Ҳикматилла аканинг кўзларига ҳадеганда уйқу келмади. Осмондаги сон-сапоқсиз милтираган юлдузларнинг дам уёқда, дам буёқда кўз қамаштириб учинидек қисқа, аммо ёрқин хотиралар ҳаяжонга солиб, ғира-шира тоғ отиб қолганини ҳам пайқамади. Бобоси ҳам алланечук аҳволда ёта-ёта ҳаёлига келган нарсадан таажжубда эди: анави одам шунча маҳал, шунча болалар орасида юриб нечун шу болани кўрганда «ўша» дуторни эслади-ю, ҳатто унинг кўзига, тавба, дутор бўлиб «кўрин»ди бу бола?!

Ун бешинчи боб

Раис бува кўзини очганда, шифтдаги қандиллар гир-гир айлангандек бўлиб кетди: нечун ҳамма нарса, ҳаммаёқ бошқача-ю, бамисоли сув бетидagi нарсадай қалқиб турганга ўхшайди?! У яна кўзларини юмиб олди. Қаерда ётганини билолмай алламаҳалгача жим қолди-да, эшикнинг ғирчиллаб очилиши ҳушини бирмунча ўзига қайтаргандай бўлди. Остонада ёшгина ҳамшира кўринди, бир нима сўрамоқчи бўлиб чоғланганда, ҳам-

шира бармоғини оғзига тутиб «жим ётинг», дегандай яна тезгина чиқиб кетди. Шундагина касалхонада эканини, бир қўли, бир оёғи дока билан чандиб ташланганини пайқади. Пайқади-ю, ётган жойида беихтиёр қимирламоқчи бўлган эди, оёқ-қўли шунақа аламга кирдики, кўзлари олайиб, ажиндор кенг пешонасидан муздей тер чиқиб кетди. Қайтиб қимирлагани юраги ҳам дов бермади, тоқати ҳам қолмади. Тавба, нега бу ерга тушиб қолди!.. Содир бўлган нарсалар яна қайтадан хаёлига кела бошлади-ю, бехосдан юрагини биров чангаллагандай инграб юборди.

— Нима бўлди, амаки?

Ҳамшира югуриб кирди.

Ранс бува оғир-оғир нафас оларди.

— Қани?!

Ҳамшира энгашди.

— Нима?!

— Қиз...— деди ранс бува оғир-оғир энтикиб,— қани?

— Қанақа қиз?!

— Холдор қиз...

Ҳамшира шипиллаганча ташқарига чиқиб кетди. Хиёл ўтмай эшик олдида аллакимга «алаҳлаяпти» дегани эшитилди-да, кетма-кет эшик очилди. Афтидан доктор овқатланаётган экан шекилли, алланарсани кавшаб, йўл-йўлакай шошганча халатни елкасига тортқилаб келарди...

Йўқ, ранс бува асло довдирамасди, содир бўлган нарсалар шунчалик кутилмаган, даҳшатли эдики, манман деган одамни ҳам хаёлини тескари қилиб довдиратиб қўярди... Эрталабки хайрли иш тўй-томошадек бошланди. Бир томонда трактор билан бульдозер пастбаланд жойларни текисларди. Сайхондан юз метрча нарида болалар қулаган беш-олти бақатеракнинг шохшаббасини кертиш билан овора эди. Аллаким қучоқ-қучоқ-шохларни машинага келтириб ташларди. Машина устига чиқиб олган Мирфаёз тоғни уриб талқон қилгудек важоҳатда уларни оёғи остига босарди. Унинг кўришини ҳам бошқача эди. Бошини қийиқ билан тапшиган, энги тирсагигача шимарилган оқ кўйлаги устидан камар тақиб, оёғига дадасининг эски керзи этигини кийиб олган эди. У шох-шаббани босиб бўлгач, ҳамманинг ҳавасини келтириб, шофёр ёнига ўтириб олди. То машина паст-баланд йўллардан лапанглаб узоқлашгунча яна олам-жаҳон шох-шабба тўпланиб қолди. Мирҳалим ака

дам болаларнинг олдида пайдо бўлиб қолар, бирпас ишни кузатарди-да, кўзи қиём пиёланинг оғзидек қора ойнак таққан ориққина йнгит билан аллақеёқларга йўқолиб қоларди. Ойнакли йнгит йўлни қаерлардан ўншини қўлидаги шилдироқ қоғозга қараб чамалар, Мирҳалим ака одамларни ўша жойга соларди. Юқорнда, идора яқинидаги юмушлар жилла ҳам қийин бўлмаса-да, аммо сайҳон олдига келишганда, йўлга тушган бақатераклар, нокзорнинг туртиб чиққан анчагина қисми қўлни тутиб қолган эди.

— Шу жой бир оз чатоқ эканми?— деди йнгит қоғозга узоқ тикилиб ва Мирҳалим акага ўгирилди.

— Бажарамиз!— деди Мирҳалим ака шошиб,— улуг не деган бўлсалар, беками кўст бажарамиз.

Йнгит шахмат нусха кўйлаги чўнтагидаги оппоқ қордек рўмолча билан юз-кўзининг сағалкам ярмини тўсиб қўйган ойнакни ҳафсала билан артиб, уни қуёшга солиб узоқ қаради, кейин ясси бурнига илиб, зап ойнагингиз борми, деб илжайган Мирҳалим акага «импортний» деб қўйди. Энди қаёққа борсам экан, деб қўллари белига қўйиб уёқ-буёққа аланглади. Мирҳалим акага «шунқорларингизни бир кўрай-чи», дегандай илжайди-да, болаларга қараб юра бошлади. Мирҳалим ака йнгитнинг дам уёнига, дам буёнига ўтиб алланарсаларни шоша-пиша тушунтириб келаркан, арраларнинг басма-бас ғириллаган овозига тўхтади. Қучоққа синамайдиган бақатерак остига катта ғўла қўйиб Холпошша билан Мурод арра тортарди. Мелиқўзи эса пешонасига тушиб турган бир тутам сочини силкитиб, дам уни тепасига, дам буни тепасига келиб хохолаб куларди.

— Ҳа?— деди Холпошша,— енгилдингми?

Мурод бошини чайқаб ўрнидан турар экан:

— Бало экансан,— деди. Холпошша Мелиқўзига имлаб:

— Сени галинг,— деди. Мелиқўзи кафтларини бир-биринга қарсиллатиб урди-да, бир боплайки, деб аррани ушлади. Аммо кўп ўтмай қўллари толиқди, аррага ёпишиб қолди. Холпошша шунақа кулдики, унинг овози йнгитни ҳам эътиборини тортди-да:

— Қойил-ей!— деди,— иккивурдай ўғил бола қиз болага арра тортдирыпсанларми?

— Э, нима деяпсиз!— деди Мелиқўзи,— буни нима-си қиз бола, ўғил боладан баттар-ку!

— Абулқосим акангизни ўғилларни,— деб қўйди Мирҳалим ака йигитга шипшиб. Шунда анави ажойиб-ғаройиб нарсаларни айтиб, йигитни бир ҳайратда қолдирай деди-ю, аммо мавриди эмаслигини пайқаб, кўп афсусланди. Холпошиша ҳамон боягидай шўхлик билан кула-кула:

— Йўг-ей,— деди,— қизларни ҳадсб чайнайвершиганига қизлар қанақалигини бир кўрсатиб қўйдим-да.

Йигит эса битта қизга бас келолмаган болаларга бошини чайқаб-чайқаб кулиб ўтиб кетди. Мирҳалим акага қиз боланинг бегонадан ҳайиқмай қилган муомаласи унча ўтиришмай «тавба», деб қўйди ичида ва анави «янги» болани директорнинг қизи билан бирпасда шунчалик апоқ-чапоқ бўлиб қолганини кўриб эпаси қотди. Дадасининг ўзи-я, ўртоқ деса Мирфаёздан яхшиси борми? Боя Мирфаёз бояқиш, юр мен билан, машинада маза қиласан, деса унамади. Мирҳалим ака алашгад болалар орасидан ҳовлисига кўчириб олиб чиқиб кетган қизни топди-да, у билан қолган-қутган шох-шаббаларни йиғиштираётган анави «безорни»ни кўриб икковинга еворгудек ўқрайиб қўйди. Бир қараганда шуларнинг бошқа ҳовлига кўчгани яхши баҳона бўлди ҳам. Ўзи Қамбар отаникидан келгандан бери юрагига қил сизмас, ўзини кўярга жой тополмасди. Ҳатто бугун Бўрижон ака билан, вой тавба, анави Ҳикматилла акаларининг йўлига ҳам ичида хурсанд бўлиб «даф бўл-е, икковинг», деб қўйди. Чошгоҳда улуг келмоқчи, қойилмақом ишларни кўриб бир яйрасинки... Толенга улуг Сор экан, ҳали унча-мунча нарса чўт эмас унга! Бульдозернинг шундоқ олдида сапчиб тўхташи хаёлини бўлди.

— Қаёққа ҳайдай, ака!

Бульдозерчи йигит Мирҳалим ака кўрсатган томонга алашгади. Бай-бай, пок ҳам шунақа ўсадими, йўлга тушган поклар чеккада бўлганигами, бақувват шохлари ён-атрофга шунақа қулоч ёйган эдики, унча-мунчага юраги «жиз»ламайдиган йигитни ҳам алланечук қилиб юборди. Ундан нарироқдаги икки туп садани, ҳай, майли, сояси демаса... аммо булар-чи? Йўлга тушгандан кейин... шу эканда. Мирҳалим ака аллақачон бақатеракларни қулатиб бўлган иккита катта одамни бошлаб дам покзорни, дам сайҳон томонни кўрсатиб бир нималарни тунунтириш билан овора эди. Улар арралайди-ю, буль-

дозер қулатиб, қулай жойга судраб чиқади, кейин болалар аридек гувуллаб ёпишсами, ҳаш-паш дегуича шох-похнини тозалаб шип-шийдам қилиб қўяди. Афтидан шуларни тушунтираётган бўлса керак, ҳа, ана, аррачилар ҳам азамат нокларга бирпас ғалати назар ташлаб, бирин-кетин судралишиб сайҳондаги садаларга қараб кетишди. То садалар қулагунча бульдозерчи болалар бўлак-бўлак қилиб қўйган ғўлаларни йўл ёқага ташиб қўйиши керак эди. Бир оз дам олай дедими, ё ташингани ҳафсаласи бўлмадими, тап этиб пастга тушди-да, ариқ бўйига ўтириб папирос тутатаётган эди, нарирокдаги болаларнинг гап-сўзлари қулоғига чалиниб уларга қаради.

— Қара,— деди бола.

— Шундоқ ноклар-а,— ачинди юзида мошдеккина холи бор қизча,— худди жони бордек баргларини силкишини, бирпасдан кейин нима бўлишини билармин-а, эсинз.

Соддагина, болаларча куйинчоқлик билан айтилган сўзлардан, айниқса анави юзида мошдеккина холи бор қизчанин «жони бордек» дегани ғалати таъсир қилди-да, кап-катта бульдозерчи ҳам ажаб бир қизиқиш билан ноклардан анчагача кўз олмади. Аммо шу пайт бошини дуррача билан таңиган чит кўйлакли кўҳликкина бошқа қизалоқ шунақа даҳшат билан қичқириб сайҳонга югурди-ки... нима гаплигини билолмай бульдозерчи сапчиб ўрнидан туриб кетди. У сайҳонга келганда қизча шайтоплаб дам у садага, дам бу садага қараб югурар, дам у садани қучоқлаб, дам бунига юз-кўзларини ишқаб бор овози билан хўнграр эди. Қиз қаққайиб қолган аррачиларга жон-жаҳди билан қичқириб юборди.

— Ким... қўл урса, ўшанинг оти жаллод, эшитяпсинзларми, амакилар, ўшанинг оти жаллод!

Сайҳонга ҳамма тўпланган-у, аммо бирон кимсадан садо чиқмас эди. Қизча икки сада орасида туриб, юз-кўзларини қўллари билан тўсиб олганича ҳамон ўксиб-ўксиб йиғларди. Аллақаёқдан ҳовлиққанча Мирҳалим ака келиб қолди. Боя шох-шабба ортиб кетган юк машина шундоққина сайҳон яқинида тўхтади. Кабиннадан «тап этиб» сакради-да, Мирфаёз одамларга қараб югурди. Мирҳалим ака нима гаплигига тушунолмай гир-гир айланганча ҳаммага бир-бир қараб чиқди. У бирдан алланарсани пайқагандай қизчага қараб юра бошлаган-

да садалар устидан бургутнинг баҳайбат кўлакаси бесаранжом судралиб ўтди.

Қизча шу пайт:

— Мурод!— деб юборди йиғламсираб.

Олисада, шу томонга Мурод елиб-югурарди. У боя аррачилар сайҳонга ўтганда, уларни ҳаммадан олдин пайқаб, бобосига чопган эди. Дарҳақиқат, кўп ҳам ўтмай унинг орасидан бобоси ҳам кўринди. Мурод одамларни ёриб сайҳонга ўтди. Мирҳалим ака билан рўпара келиб, бир-бирларининг ниятларини тушунолмай, қараб қолишди. Бола ҳам қизчадан бешбаттар аҳволда эди. Унинг қўллари, лаблари алланечук титрарди. Жавдирган кўзларидан ёш оқарди! Йўқ, бу садаларга ҳеч ким қўл тегизмайди, ойисини, ойинжонини кўрган, ҳар сафар уйларига борганда ўксиб-ўксиб эслаган Мирҳалим амакисига айтса бас, садаларни кесилиб кетишга нечун рози бўларкан, йўқ, йўл қўймайди!

— Амаки, айтинг, садаларга тегинмасин, жон амакижон, айтинг!

Мирҳалим ака ёқасини ушлаб қолди. Ё тавба, бу бола анави тентакка қўшилишиб нима деб довдираб юрибди? Аммо шу пайт бобосининг қаҳрли овозидан Мирҳалим ака саросимада қолди.

— Бу... садаларни шуларнинг марҳум ота-онаси экан эди, Мирҳалим!

— На чора!— деди Мирҳалим ака ва қўлини ҳавога бигиз қилиб қўшиб қўйди,— йўл-а!.. ҳали анави нокзорнинг бир қисми ҳам кетади.

— Шунақами?— деди бобоси бўшашиб ва нокзор томонга қараб қўйди.

— Йўл солиш савоб, аммо нечун у одам боласининг хотирасини оёқ ости қилиб, ризқ-рўзини босиб ўтишни керак?! Бунақа йўл бехосият бўлади, ука.

Мирҳалим ака титраб кетди.

— Сиз... ёш-ёш болаларнинг олдида нималар деяпсиз?! Хўш, уларни нималарга ўргатяпсиз?

— Сиз-чи?!— деди бобоси,— анави шовуллаган нокзорга қаранг, ҳали ярим аср мева беради шулар... уруш йиллари сизга термилиб турган манавуларнинг ота-оналари экан эди, биласиз, ука, била туриб шуларнинг қўлига болта ушлатасиз, тошбағирлик эмасми?!

Мирҳалим ака гаранг аҳволда тура-тура яна бир нималар демоқчи бўлганда, тили қурғур калинмага келмай

ғўлдираб қолди. Қора кўзойнакли йнгит ҳам жим тура-
веришни ўзига эп кўрмай:

— Сиз ҳам тушунинг, ота,— деб қўйди оҳиста.

Бобоси ажабланиб унга бирпас разм солиб турди-да:

— Болам,— деди маъюсланиб,— ўзингиз бир туп
кўчат экканмисиз?

— Экканмиз, отахон, экканмиз,— деди ва қора ой-
нагини яна ҳафсала билан арта бошлади.

— Тутганми?

— Нима?!

— Ўша экканингиз кўкарганми, болам?

— Унисини билмайман,— деди йнгит кулиб ва узун
беўхшов қўлларини ғалати силкитиб қўйди,— манави
боладек чоқларимда йўл ёқаларига кўчат экасиз, деб
олиб боришгани эсимда. Ўшанда теракми, олчамни, шаф-
толими, толми, ишқилиб, дуч келганини чўқилаб эккан-
миз, аммо мевасини татиб кўрмаганман.

— Ҳа,— деб қўйди бобоси,— унда тушунарли, болам.

Аммо унинг гапларига йнгит тушунмади-да, яна шо-
шиб қўшиб қўйди.

— Шаҳарга соя керак, ота!

— Мева-чи?!

Қора ойнаклик гап тополмай бўзрайди-да:

— Кўпчиликка ҳам қаранг-да, ота,— деди яна.

— Кўпчилик!? Ким, болам, ким?! Раисми, Мирҳа-
лимми... яна ким?— деб аррачиларга юзланди,— ҳой,
сенми, Абдулҳай ё сенми, Мираббос?

Аррачилардан гавдалиги қўлидаги аррани улоқтир-
ди-да, бошини ғалати силкиганча тез-тез юриб чеккага
чиқиб олди. Бобоси гандираклаб олдишга бир қадам
ташлади, аммо икки саданинг танасига чирмашган бола-
нинг аввал қай бирининг олдига боришини билмай тўх-
тади-да:

— Қўй, қизим,— деди титроқ товуш билан,— қўй,
билганларини қилишсин, юр, болам.

Қизчанинг кўзлари ола-кула бўлиб:

— Йўқ, бу ердан ҳеч қаёққа кетмайман!— деб жон
аччиғида қичқириб юборди, бобоси ноилож Муродга
ўгирилди:

— Сен-чи, сен юр болам.

Мурод қучоғидаги садани бир лаҳза қўйиб юбориш-
ни хаёлига ҳам келтирмасди. Шу топда бобоси на бола-
ни онасининг, на қизчани отасининг хотирасидан жудо
қилишга қурби етмаслигини пайқаб, ноилож тура-тура,

намлашган кўзларини кафти билан артиб каловлаб орқага қайтаркан, то унинг қораси кўринмай кетгунча ҳеч кимдан садо чиқмади. Орага оғир жимлик чўкди. Мирҳалим ака даҳшатда эди. Вожаб, бу нима, бу қанақаси, нечун, нечун, бу зумрашалар «домланинг каломни фарз» деган одоб-ахлоқнинг минг йиллик дастур-амалини поймол қилди?! Мапа, анави «қайсар»нинг бола мустақил мушоҳадага ўргансин, деб берган таълим-тарбияси-ю, ўтказган лаънати эркин иншоларининг оқибати!.. Йўқ, дарҳол олдини олмоқ даркорки, то чиллакни кўриб бошқалар ҳам чумак уриб қўймасин. Яхши, бахтига фикр-мулоҳазаларини қувватлайдиган улуғ бор! Ҳали каттанинг сўзини оёқ ости қилган бу чурвақаларнинг калласидаги бемаза ўй-хаёлларни соққадек уриб чиқарсинки!

Олисида ранс буванинг машинасини ҳаммадан аввал у кўрди-ю, ҳаммадан аввал ўша томонга юриб эмас, лапанлаганча елиб кетди. Ранс бува икковлари йўл ёқада туриб апчагача гаплашиб қолишди. Мирҳалим ака ҳаммасини оқизмай-томизмай совунни кўпигидек кўпиртириб етказди шекилли, ранс бува шошилмай, хотиржамлик билан шу томонга кела бошлади, аммо бу хотиржамликнинг остида ётган қаҳр-ғазабни унинг қисилиб бораётган кўзларидан пайқаш мумкин эди. У одамларнинг саломига бош силкибгина қўйди-да, ҳамон садаларга ёпишиб олган қиз билан... тавба, анави шаҳарлик бола бу маш-машаларга нега мошхўрдага қатик бўлиб аралашиб юрибди, дегандай қошларини чимриб, Мирҳалим акага қаради. Мирҳалим ака кўзлари олазарак бўлиб билинар-билинимас елка учириб қўйди.

— Ҳай, майли,— деди ранс, одамлардаги бесаранжомликни пайқаб Мирҳалим акага юзланди,— садалар бир гап бўлар, ишни нокзордан бошланг.

— Хўп, улуғ.

— Бу...— дея ранс атайлаб анави чеккага чиқиб қолган аррачиларга эмас, болаларга мурожаат қилди,— ораларингда арра торта оладиган азаматлар борми?

Бу совуқ гапдан ҳамма алланечук жунжикиб жим қолди. Мирҳалим ака ранснинг биқинига ўтиб, юз-кўзларига бесаранжом бир ифода қалқиб, қўлларини маъполи силкитса ҳам ҳеч кимдан овоз чиқмади. У ранснинг оғир-оғир нафас олиши — яхшилик аломати эмаслигини пайқаб, чўчиб кетди. Аммо бирдан шу толда Мирфаёзнинг овози жонига оро кирди.

— Бор, ранс бува, бор,— деди Мирфаёз ва Мелиқўзига қараб қўшиб кўйди,— мен билан Мелиқўзи!

Ранс бува мамнуи жилмайиб, Мелиқўзи томонга қаради-ю, анавн холдор қизга кўзи тушиб, лаънати ўша кўк дафтарни яна эслади-да, юзлари асабий тортишиб кетди. Гўё ҳаммасига шу сабабчидай тутоқиб бир лаҳза туриб қолди-да, сўнг сайҳонда ётган аррани ўзи бориб олиб Мирфаёз билан Мелиқўзининг қўлига тутқазди! Йўқ, Мелиқўзи агар шу тонда ранс бўлмаса, ўйса ҳам қўлига арра олмас эди. Қолаверса Мирҳалим ака натижа билан... «ўшанинг... эвази шуми?» деяётганга ўхшарди. Мелиқўзи ҳиссиз, шуурсиз аҳволда Мирфаёзга эргашди. Мирфаёз атрофдагиларга ғолибона бир назар ташлади-да, энг чеккадаги баҳайбат нокка арра кўйди.

— Қани, ошна,— деди тантапали қиёфада Мелиқўзига.

Мирҳалим ака ял-ял ёниб, улуғнинг юзига қалқиган мамнуилик ифодасини кўриб, терисига сиғмай кетди. Боядан бери оғзига толқон солгандек жимгина турган кўзойнакли йигит ўзига-ўзи айтгандай:

— Асли шу йўлни бирор юз метр парироқдан олсак бўларканми,— деди оҳиста, негадир ҳамон хаёлида бояги чолнинг аялчи қиёфаси-ю, қулоқларидан садага чирмашиб олган анавн қизчанинг чинқирган овози кетмай. Мирҳалим ака оҳиста бош чайқаб:

— Ука, улуғ бир иш қилсалар олсени кўзлаб қилдилар,— деди. Ранс ҳам ёнига бир қараб олди. Йигитнинг дами ичига тушиб кетди. Ранс бува енгларини шимарди ва битта-битта юриб бульдозерга қараб кетди. Уёққа нега боряпти-ю, нима қилмоқчи, ҳеч ким билмасди. Аммо ечидаги ғазаб шу тобда машинанинг вақиллаган сувидаи ҳам бешбаттар қайнар эди. Унинг кўзларига негадир анавн холдор қиздан бўлак ҳеч ким-у, ҳеч нарса кўринмасди: йўқ, холдор қиз, сиз айтганча ранс бувагиз ҳамма ишлаганда қўл қовуштири-и-и-б ўтирган эмас. Зумраша бир кўриб қўйди, ўша ажи-бажи ёзганларингга минг-минг афсусланиб ор, ҳа, деб, гавдасига номуносиб бир эпчиллик билан бульдозерга сакраб чиқди. Нокининг ярмидан кўпроғи арраланган эди, «қочинлар», деб қўл силкиди-да, болалар чеккага чиқишлари билан ўша томонга қараб ҳайдади. Унинг пиятини пайқаб Мирҳалим ака қувончдан энтикиб кетди: э, аттанг, «шахсий памуна», «шахсий памуна» деб аюҳаннос солгувчи анавн «қайсар» бўлмади-да,

шахсий намуна қанақа бўлишини мапа ҳозир улуғнинг тимсолида бир кўрган бўларди. Тавба, қўлига боланинг ўйинчоғидек ўроқни олиб номига буғдой ўриш ҳам намуна бўптими? Ҳа, майли, ана, «каклик» овозига йўрғалаган қизи бақадек қараб турибди-ку, ҳойнаҳой кечқурун дадасига айтар, эшитса, ичига бир ўт тушсин!

Раис бува бульдозернинг тумшуги билан нок тана-сига бир-икки тегиб кўрди, нок бир силкингандай бўлди-ю, аммо қимир этмади. У орқага тисарилиди-да, бульдозерни тезлатиб келиб зарб билан нокка урди-ки, баҳайбат нок бамисоли маст одамдай бир чайқалди-да, қарсиллаб кетди. Раис, хаёл қилгандек орқага эмас, арраланган жойнинг пўстлоғи кўчиб, юқориси бирдан раис устига оғиб кетди. Раис бува чўчиб алаңлади, алаңлади-ю, бамисоли осмону фалак ёпирилиб тушаётгандай жойида қотиб қолди. Мирҳалим аканинг кўзлари ола-кула бўлди. Мирфаёз дадасининг орқасига биқиниб олди. Ойшакли йигит бўзрайди. Бир лаҳзагина давом этган мудҳиш жимликдан сўнг ҳаммаёқни одамларнинг гала-говури босиб кетди. Аммо қанотларини кенг ёйган баҳайбат бургутдай пастга шитоб билан тушаётган нокни қайси куч ушлаб қоларди-ю, раис бува мабодо қочганда қаёққа ҳам бора олар эди, вақт ўтган эди!

— Қочинг!!!

Раис бува овоз келган томонга ўгирилди. Анави, холдор қизчанинг шу томонга чопаётганини кўриб «қайт орқангга», деб юборди жон аччиғида, аммо қизча бунга хаёлига келтирмасди, раис бува тошдай қотиб қолди. Унинг кўзларига бирдан набираси кўришиб, унинг қўнғироқдек овози қулоқлари остида жаранглагандек бўлди-да, кўзларида беихтиёр ёш айланиб кетди! Одамлар ожизликларини пайқаб, даҳшатдан қўллари билан юз-кўзларини тўсиб олишди. Қизча шундай абжирлик билан бульдозерга сапчиб чиқиб, жон-жаҳди билан раисни итариб юбордики, раис бехосдан бир қалқиди-да, ўзини ўнглай олмай шундоққинна бульдозернинг ёшига йиқилганда нокнинг йўғон тана-си ҳам кетма-кет бульдозер устига қарсиллаб тушди...

Мирҳалим ака даҳшатда қолди, раис билан қизчанинг фалокати-ю, мажақланган бульдозерга ким жавоб беради, ким?!

У тиззалари қалтираб кўкрагидан биров итаргандек орқасига беихтиёр қалқиб-қалқиб бораётганда олисда, нарсаларни ташиб бўлиб, афтидан, болалардан хабар

олгани келәтган Җикматилла ака билан Бүрижон акага күзи тушди.

...Доктор шошганча раис бுவанинг пешанасини ушлаб энгишди:

— Оғриққа кирдимми?

Раис бува индамади, анчагача жим ётди, ярим юмүк күзларидан сизиб чиққан ёш томчуларни чаккаларидан юмалаб оғир хўрсинди, не күргилькки... йўқ-йўқ, асло бўлиши мумкин эмас, ҳа, унинг фақат қўли бир оз лат еган, боя доктор ёнингиздаги хонада ухлаб ётибди, уйғонса олиб кириб кўрсатаман, деди-ку! Ё бу гаплар шунчаки... раис бува даҳшатдан тишларини гичиллатиб юборди: ўша... номни олишдан оғирроқ бошқа нима жазо бор яна бу оламда, нима?! Аммо, доктор уни яна боягидай тиңитиб кетгандан кейини ҳам кўнгли анчагача алғов-далғов бўлиб ётди. Ажаб, нималар бўлди-ю, нечун, нечун бу савдолар бошига тушди? Кимларга суянди-ю, кимларининг овозига қулоқ солди, ҳа-ҳа, овозига қулоқ солди?! У узоқ ўйлади, шунда аллақандай гала-говур овозлар орасидан ажралиб чиққан ёқимли, мулоийим бир товуш қулогига чалнигандай бўлди. Бу товуш кўп йиллардан бери уни сархуш қилиб ёш боладай аллаларди, кўкларга кўтариб эъзозларди, унинг оҳанги кўнглига хуш келиб бамисоли етти қават осмонда юргандай ҳис этарди ўзини... Қизиқ, авваллари-чи, авваллари ҳам шунақамиди, йўқ, йўғ-ей, авваллари уни қапча улуғлаб, қапча маст қилмоқчи бўлса, бу товуш шунча хунуг-у, шунча эриш туюларди унга. Аммо индамасди, қаршилик кўрсатмасди. Бора-бора ўшани эшитмаса носқовоғи йўқолган кашандадек кўзлари алланечук жавдирайдыган бўлиб қолди. Шу-шу бу товушнинг қаёқдан келса... ўша ёққа жавдираб, ўша товушнинг измига тушиб қолди. Уйласа... бу товуш қаерларга бошламади-ю, нималарга ундамади уни?! Йўл! Савоб иш, аммо ўлимдан бошқага чора бўлган жойда нечун шунинг иложини қилолмади? Қурувчилар ҳам бошқача фикр-мулоҳазада эди-ю, ўзи ҳам мойил эди ўшанга! Аммо... яна ўша товуш қургур: «Сиз солган йўл ҳам алифдек тўғри бўлса», деб қапчалар гаранг қилмади. Аммо нега ҳаммасини фақат ўшанга тўнкаш керак? Ўзи-чи, ҳа ўзи?! Анави қизча кўк дафтарга битгандай... вой тавба, нега шунини ўртага солмади? Ким, қайси тентак йўлга қарши?! Одам боласи бир донга чўпини ҳам не-не умид билан экса-ю, ўйламай-нетмай болта кўта-

риш... аттанг... касри бор экаи ми, шуи касрига қолди ми? Эшикнинг оҳи ста очили ши аччи қ хаёллари ни бўли б юборди, остона да пай до бўл ган Мирҳали м ака эс-ҳу ши ни ўнгла гун ча оёғи учи да шипил лаб кели б:

— Улуғ,— деди йнгламси раб,— ўша лаънати мени устимга қула са бўлмас ми ди?

Шу тоб да уни нг гаплари алғов-далғов бўли б чай қа ли б ётган кўнгли га га лати таъсир эти б, тепаси да савол ало мати дек эғил иб турган Мирҳали м ака га «ўтири шг», деди ёни дан жой кўрсати б. Анча-мун ча афсу с на до ма гдан сўн г Мирҳали м ака ки рой и «жигаргўша дай» бир ода мни нг га пи ни ёдла б, уни безов та қил ган ни ни айт ган да ранс ҳамон эши к олди да бо ши ни қуй и сол ган ча, қўл лари ни кўксидан ол май ҳай қал дек турган йнги тга кўзи тушди. «Ким» де ган дай Мирҳали м ака га қа ра га н да, Мирҳали м ака жи лмай ди-да:

— Ҳув бир марта дағи Бўри жон ни га пи ёди нгиз да ми, улуғ,— деди.

Ранс бу ва Бўри жон ака ни нг но ми ни эши ти ши ҳамон бе са ран жом бўли б қол ди.

— Қана қа га пи?!— деди шо ши б.

— Ти ш док то ри ма са ла си да...

— Э, айти нг,— деди ҳов ли қиб,— ол ши глар... ло зи м бўл са уй-жой ҳам бе ра ми з, айти нг.

Асли да Мирҳали м ака бу «бетов фи қи ни» ав вал шун ча ки ранс га бир кўрсата й де ган ха ёл да оли б кел ган эди, аммо муш ку ли осон кўч га ни дан қу во ни б, ёти б қол гу н ча оти б қол, деб кўнгли дан ўт ка зди-ю, хай р-хў ши ни қу ю қ қи ли б а на ви «қай са р» ни нг ол ди га шипил лаб жў на ди: хай ри ят, бу га п ав вал улуғ ни нг ўзи дан чи қди, қа ни эн ди бир ни ма деб ҳам кўрсин-чи?!

Мирҳали м ака ни нг кел га ни дан кўра, Бўри жон ака ни нг ўша га плари ни эс лат га ни ран си нг кўнгли га ху ш кели б ёт га ни да... қиз иқ, уни нг ово зи бир дан боя ги «то ву ш» ни эс лати б ю бор ди! Аммо шу пай т... ёпи рай, боя ёт ган жойи да бе хос қим ир ла га ни га оёқ-қў ли ала мга ки ри б «дод» деб ю бо рай де ган ода м, осто на да қиз ча ни кўри б сапчи б тури б кет ди!

Қиз ча бир қў ли ни бўй ни га осиб ол ган эди. Ерга те га й-те га й деб тур ган узун ха лат ни йнги б яқ ни кел ди-да:

— Ту зу кмис из, ранс бу ва,— деди.

Ка п-кат та ода м ўзи ни ту то лмай, не га дир, ёш бо ла дай тў са тдан ҳўн гра б ю бор ди:

— Бор ми са н... қиз им!!!

Холпошша каравотнинг суянчиғига бош қўйганча очиқ деразадан бемалол кўриниб турган нокзордан кўз узмасди. Ундан нарироқда, сайҳондаги бежирим садаларга ҳаяжон билан боқар, боққан сари шуларни экиб кетганларга ҳаваси келарди. Сағал қолса... йўғ-е, анави Нафисанинг бобоси айтмоқчи, бу садалар ҳали неча-неча авлодларни кўради-ю, ноклар эса қанча-қанча ҳосил беради! Қизиқ, шуларни эккан одамлар ҳозир қаерларда экан? Шу ердами, ё бошқа жойларга кетиб қолишган-у, шовуллаган бу нокзор аллақачон ёдларидан кўтарилганми? Аммо одамлар уларнинг болалигини ҳаяжон билан ҳамон эслашади-я!.. Холпошша кўнгли ширин орзиқиб кетди. Хаёлида садалар-у, нокзор томондан какликнинг сайроғи келгандай бўлди. Унинг овози йўқолиб, эшитилмай қолишидан чўчигандай кўзларини юмганча узоқ ётди. Хув ўша, ширин-ширин туш кўргандай ойдин кечалари аравада ўтирганларини эслади, эслади-ю, бояги каклик яна ҳам яқинда, шундоққина дераза олдида сайраётгандай бўлиб кетди. Йўқ, каклик овози хаёлида эмас, касалхона ҳовлисидан келарди, у сапчиб туриб, деразага борди. Ҳовлида ҳеч зог кўринмас, дарахтлар остидаги жойлар бўм-бўш, кўча эшикка яқин жойда, қоровул водопроводга узун резинка нчакни улаб ҳаммаёққа сув сепарди.

— Холпошша...

— Вой, сенмидинг?!— деб юборди энгашиб. Дераза тағида Мутал бошини силкиб овозсиз кулди-да:

— Тузукмисан?— деди энди дов-дарахтларни ҳафсала билан «чўмилтираётган» қоровулга қараб,— болалар кўчада... зўрға ўтдим.

— Шунақами?— деди Холпошша эшик томонга алашглаб.

— Анча ётасанми?

— Бир ҳафтамиш.

Холпошша пастга, Мутал юқорига қараганча жим қолишди, аттанг, ҳозир қирда бўлишгандами, йўқ, ораларидаги гап-сўзнинг узилиб қолишидан чўчимасди.

— Даданг уришмадими?

Холпошша жилмайиб бош чайқади. Йўқ, дадаси коиймади.

Ҳаммадан аввал у дадасини кўрди. Кўзини очганда,

дадаси уни бағрига, маҳкам босиб олганча, шу ёққа қараб келарди, йўқ, ҳаллослаб югурарди. Дадасини шунча ташвишга қўйганига алланечук бўлиб, нима қилай, дерди унга термилиб кўнглида, дада, дадажон, ўзингиз, юрагингга қулоқ сол, дер эдингиз-ку, мени алдаб қўйдими?!.. Йўқ, дерди назарида дадаси, қизим, мен бунақа деяётганим йўқ! Ўзингиз-чи, дада, ўзингиз, менинг ўрнимда бўлганингизда нима қилган бўлардингиз, дерди яна хаёлан унга жавдираб, дадаси узоқ ўйлаб, ҳа, узоқ ўйлаб, сен нима қилган бўлсанг, шуни қилардим, қизим, деб пичирлагандай бўларди-да, шунда ҳатто қўлининг аламли оғригини ҳам пайқамасди!

Қоровул боғдан чиқиб дарвоза очгани кетди.

— Ким бор?— деди Холпошша яна аланглаб.

— Кўпчилик... Мелиқўзи, Муниса, Отақўзи.

Холпошша яна бир нима сўрамоқчи эди, дарвозадан кириб келаётган болаларга кўзи тушиб, шошганча гашқарига чиқа бошлади. Ораларида Нафиса билан Мурод кўринмасди. Улар эса шу тобда қишлоқ чеккасида, Нафисанинг дадасининг қабри олдидаги каттакон дарахт танасига суянганча чўққайиб ўтиришарди.

Қуюқ соя ташлаб турган дарахтнинг шохларида қушлар тиним билмас, гўё ҳар икковининг кўнглидан бирма-бир ўтаётган ўй-хаёлларни тасдиқлашгандай, алланарсалар деб чуғиллашарди. Ким билсин қизчанинг хаёлидан нималар кечарди? Балки у, садаларнинг ҳамон мавжланиб турганини айтиб, дадасига хаёлан болани таништирармиди, сизни эслаб бунинг исмини ҳам Мурод қўйишган экан, дадажон, дермиди?! Бола ҳам ҳув бир марта бир жуфт саданинг сирли шивирлашига қулоқ тутганини, улар нималар деганини ҳаяжон билан дилида қайтарармиди... Аммо, улар бу ерга яна бир неча бор келишларини, шунда бу мард, покиза одамни бекорга ҳалок бўлмаганини айтиб, унинг руҳини шод этишларини ҳали билишмасди!

Олисада қора бир нуқта кўринди. У борган сари яқинлашиб қуёшни бир зум тўсиб ўтди. Бу бургут эди. Гўё, қачонлардир, буларнинг ота-оналарининг болалик чоғларидаги қувончдан жавдираган нигоҳларини эслагандай, пастлаб ўтди-да, қанотларини оғир-оғир силкиганча олисларга — қорли тоғ чўққиларига қараб мағрур сузиб кетди.

Биринчи қисми тугади



ХИКОЯЛАР



УРИК

Мирқобил яқин орада бунақа зериккан, ёлғиз қолиб бунақа диққинафас бўлган эмас. Негаки, қадрдон ошнаси доимо орқасидан соядек эргашиб юргувчи эди. Бунни қарангки, кунни кеча ўша ошнаси дадаси билан Бўстонлиққа кетган эди, ҳалигача дараги йўқ. Мирқобилни ҳам таклиф қилишган эди. Дадамнинг ўртоғи ҳам кетяпти, қизи лагерда экан, тайёр машина, юр, сен ҳам ўйнаб келасан, деб Асқар ҳовлиқиб чиқди. Аммо Мирқобил бегона одамнинг олдида иймандими, ё ҳафсаласи келмадими, кўнмади. Аттанг, чакки қилган экан. Мирқобил кўчага чиқди, уйга кирди, ўзини қўйгани жой тополмай қолди. Ойиси: «Бекор лақиллаб юрмай у-бу иш қилсанг-чи», деган эди, коптокни қўлтиғига уриб нариги маҳаллага борди. У ерда ўзига ўхшаб зерикиб ўтирган уч-тўрт болани тўплаб ўйинни бошлаган эди, биттаси расво қилди. У тўп ўлгур дарвозага эмас, бировнинг кўчага қараган деразасига қараб учини билан Мирқобил коптокдан ҳам воз кечиб «иссиғида» қочиб қолди. Уйда тоза хуноби чиқиб ўтирган эди, кўча эшик «ғийқ» этиб очилди.

— Мирқобил!

— Бормисан!— қийқириб юборди Мирқобил ўртоғини кўриб.— Қаёқларда қолиб кетдинг. Асқар?

Асқар, э, қўявер, дегандек қўл силтаб, Мирқобил-

нинг ёнига чўккалади, чуқур «уф» тортди, кейин ошнасига қараб:

— Маза қилдинг!— деди.

— Мен-а?

— Ҳа.

— Ол-ла!— деб юборди Мирқобил ва эси жойидами дегандай ошнасининг елкасидан ушлаб кўзларига қаради. Асқарнинг кўзлари жуда-жуда маъюс, худди йиғлайвериб нурсизланиб қолган одамнинг кўзларига ўхшар эди.

— Ҳа, нима гап?

— Э, сўрама,— деди Асқар— тоққа кетаётганимда ёмон бўлмади. Атрофда бодринг, қовун полизлар. Озроқ юргач қир-адирлар бошланиб, олис-олислардаги подаларни кўриб кўзларим жавдираб қолди. Қани энди Мирқобил билан биз ҳам уч ой шаҳарда юрмай, мана шунақа қир-адирларда маза қилиб дам олсак, деб ўйладим. Иккаламиз бир подачилик қилиб, оёғини зўрға судраб юрган илатоз-илатоз қўйларни ҳам уч ойда пуффакдек семиртириб, бўрдоқига айлантириб юборардик-а!— деди Асқар.— Мен тулпор отга миниб яхши-яхши, сер ўт яйловларни топиб келиб сенга айтардим. Сен қўй-қўзиларни ўша яйловларга ҳайдаб кетиб, кечгача тўйдириб келардинг!

Мирқобилнинг энсаси қотди.

— Нима-нима? Сен тулпор отга миниб яхши ўтлоқларни топиб келасан-у, мен пода боқаманми? Қани, айт-чи, умрингда ҳеч от минганмисан?

— Ўзинг-чи, ўзинг?!

Икки ошна тулпор отни ким минади-ю, подани ким боқади, деб тоза талашиб бир оз ҳовурларидан тушиб, ўйлаб қарашса, икковлари умрларида от тугул эшак ҳам минншмаган экан. Эшак магазинда турган велосипед эмаски, дадаларига олдириб мактабга миниб боришса. Қолаверса, тоғда яшайдиган на бирон қариндошлари бор, на чўпонлардан бирон ошна-оғайнилари-ю, на таниш-билишлари бор!

— Э, аттанг,— деди Мирқобил.

— Мен ҳам шунга тоза афсусланаман-да,— Асқарга бир оз жон кириб, ораларига тушай деган ўнғайсизлик совун кўпигидек дарров йўқолди-ю, бояги гапнинг давомига ўта қолди,— энди эшит: лагерга етиб келдиг-у, азоб-уқубатларим бошланди.

— Нима-нима?

— Азоб-уқубатларим, деяпман!

— Бу нима деганинг?

— Буми?— деди Асқар куйиб-пишиб.— Қани дейман, шу топда ёнгинамда сен бўлсанг-у, иккаламиз баб-баравар тортсак, одамга бир оз енгилроқ бўлармикин, дейман!

— Нима дединг?— деди Мирқобил ранги ўчиб.— Яна битта қайтар!

— Э, қўлингни ол,— деди Асқар чўчиб Мирқобилнинг чангалидан аранг қўлини бўшатаркан,— нега бўғасан?

— Ҳа?— деди Мирқобил,— бўлмаса бошингни силайми? Хўш, қилгиликни сен қил-у, азоб-уқубатни барабар тортайликми?

— Э, тентак, мунча ҳовлиқасан, аввал гапни эшитсанг-чи! Мен азоб-уқубат деб дадамнинг аччиқ-аччиқ пичингларини айтяпман, чунки унинг гаплари битта менга эмас, сенга ҳам тегишли!

— Менга-я?!

— Ҳа,— деди Асқар,— чунки дадамнинг гапига қараганда, фирт дангаса эмишмиз! Лагердаги болаларнинг колхоз даласига чиқиб бодринг, помидор теришганини эшитгандан кейин дадам ҳам гапнинг бирида «ана» деб менга маънодор қараб қўйди. Бунинг устига, борган кунимиз ўртоқларининг қизи болалар билан совхоз ўригини қоқиб бергани кетган экан. Буни эшитиб дадам «кўрдингми» деди, яна: «Сенга анави ўртоғинг билан кўчада копток тепиш бўлса бас!» деб қўшиб қўйди. Хуллас, борганим сира татимади.

Мирқобилнинг қовоғидан қор ёғиб кетди. Тавба, дадаси жуда ғалати одам экан. Хўш, бодринг териш, помидор узиш ҳам иш бўптими? Ўрик қоқиш нима деган гап, устига чиқиб бир силкитса бас, дув тўкилади-қўяди. Аттанг, Асқарларнинг ҳовлисида бир тупгина ўрик йўқ-да. Шу топда Мирқобил ўрик қоқиш мана бунақа бўлади дерди-ю, ҳеч кимдан сўрамай шартта тепасига чиқиб, бор кучи билан бир силкитарди, ҳовли билан битта ўрик бўларди!

— Менга қара!— деди Мирқобил,— анови кўчанинг бошидаги Жаннат хола сенга ким бўлади?

— Аммам,— деди Асқар ва орада ўтган шунча машамшаларга Жаннат холанинг нима алоқаси бор экан, деб ҳайрон бўлди.

— Ундай бўлса, тур!

Мирқобил ортиқча гапирмай Жаннат холаникига жўнади. Асқар ҳеч балога тушунмай, унга эргашди. Фақат Жаннат холанинг уйига яқин қолишгандагина тарвақайлаган шохлари кўчага эгилиб турган ўриikka кўзи тушар-тушмас Мирқобилнинг ниятини фаҳмлади. Дарров эшикни очиб ичкари кирди. Боғнинг этагида Жаннат хола оёғини офтобга тоблаб ўтирган экан. Кампирлар бор ҳовли ҳам файзли, ҳам покиза бўлади. Албатта ариқ бўйида беш-олти туп садарайҳон гуркираб ҳаммаёққа муаттар ис таратиб туриши аниқ. Бу ерда ҳам худди шундай эди. Жаннат хола ўрикнинг остига шолча ташлаб, кўрпача ёзди, дарров чой қўйиб, райҳон солинган ярим коса-ярим коса мастава сузиб келди.

— Менга қара,— деди Мирқобил овқатдан кейин,— амманг қари одам, бунинг устига ёлғиз, ҳеч кимми йўғ-а?

— Ҳа!— деди Асқар ва кекса аммасининг ёлғизлигига негадир ачиниб ҳам қўйди. У минг айланиб, минг ўргиладиган аммасиникига бот-бот келиб, оғирини енгил қилишни дилига тугиб қўярди-ю, яна ўйинқароқлик билан ҳаммасини унутиб юборарди.

— Бундоқ қилсак,— деди Мирқобил,— қари одамга ёрдам бериш, дадам айтмоқчи, ҳам қарз, ҳам фарз. Шунинг учун бугун ўрикни қоқиб берсак:

— Қойил бўларди-я!— деди Асқар ва тепага қаради,— ўрик ҳам тоза мева қипти, шохлари эгилиб синай-синай деб турибди.

— Мана кўрасан,— деди Мирқобил,— даданг келганда, ўригимни қоқиб беришди деб, сен билан мени тоза мақтайди, кейин даданг, ўша, лагерда гапирган гапига минг-минг пушаймон бўлади.

— Э, қойил-е!— деди Асқар ва енгил билан шимининг почасини қайириб, ўриikka чиқишга шайланди. Мирқобил уни аранг тўхтатди ва Жаннат хола бир товоқ ўрикни чайиб келганда:

— Хола,— деди.

— Ҳа, болам?

— Ўрик хўп яхши нарса-да!— Мирқобил бир дона ўрикни оғзига солди, кўзларини юмиб бошини чайқайди.— Бай-бай, одам худди новвот шимганга ўхшайди-я!

Бу мақтов Жаннат холага мойдек ёқиб кетиб:

— Ҳали шира киргани йўқ,— деди.— Ҳали яна бир ҳафта турсин, мазасини ана унда кўр!

— Э, э, хола,— деди шошиб Мирқобил,— бир ҳафта

турғизиб нима қиласиз, ҳозир чуғурчуқлар тоза очопат бўлиб кетган, бир ҳафтагача ўрикни қўядими?

Жаннат хола ҳам ўрикнинг осилиб турган каттақон шохидан кўз олмай:

— Ҳа-я, болам, чуғурчуқ ўлгур бунақа нарсага ўч бўлади,— деди ва ҳар кунни ярим пақирча ўрик бекорга нес-нобуд бўлаётганидан шикоят қила кетди.

— Сен,— деди бирдан Асқардан ўпкалаб,— келиб укаларингга олиб кетсанг бўлмайдимми?

Вақтни бой бермай Мирқобил дарров мақсадга ўта қолди.

— Э, ҳўлини нима қилади?

— Ҳа?

— Э, қизиқ экансиз!— деди Мирқобил.— Берсангиз қуритиб туршагидан беринг, қиши билан мактабда маза қилиб туршак шимиб юради.

Бу гап холага маъқул бўлдимми, ё «очопат» чуғурчуқларнинг ҳужумидан ташвишга тушдимми, ҳар қалай, ўрикни қоқишга рози бўлгандек, «аввал билайчи, Баҳрихон уйдаминкин, уйда бўлса, боқишиб юборади, дунё жаҳон ўрикни бир ўзим қандоқ бўйрага ёяман», дея ўрнидан туриб қўшниникига чиқиб кетди.

Мирқобил хурсанд эди.

— Қалай?

— Қойил!— деди Асқар.— Мен чиқиб силкптавераман.

— Майли.

— Сен пақирга йиғаверасан.

— Ие-ие, йиғамиз ҳамми?

— Бўлмаса-чи!

Хуллас, икки ошна шиппакларини ечишди-ю, ҳафсала билан шимларининг почаларини қайириб, чиқиншдан аввал яна ўриқка яхшилаб бир разм солишди. Бай-бай-бай, кичкинагина бир шохининг ўзида беш-олти юз дона ўрик бор-а!

— Демак,— деди Мирқобил,— мана шу кичкина шохдаги ўрик ерга тушса, фақат шунинг ўзини йиғиб олиш учун беш-олти юз марта ерга энгашиш керак бўларкан!

— Йўғ-е!

— Ҳа.

Асқарни ҳазилакам ваҳима босмади.

— Бунақа шохдан ўриқда камида икки юз элликта бордир, демак...

Икки ошна ҳушлари учиб бундоқ қарашса, ўрикни силкитиб ердан териб олиш ҳам жилла осон иш эмас экан. Жаннат холага берадиган ёрдамни ўриклар пишиб, тамом бўлгандан сўнг бошлашни дилларига қатъий тугиб қўйишди-ю, шиппакларини қўлтиқларига қистириб иссиғида жуфтакни уриб қолишди. Жаннат хола қайтиб чиқиб, болаларнинг нега кетиб қолганига ақли етмай кечгача тоза боши қотди!

УМИДАНИНГ НАЙРАНГИ

Ўша, кўчанинг бошидаги нокли ҳовли Мирқобилларники. Азим туп нок бутун ҳовлини эгаллаб олганига ҳовлига тангадек офтоб тушмайди, нокнинг остидаги катта ариқнинг бўйига ўтган йили Мирқобилнинг бобоси сўри қурган, сўрида ўтирган одамга сувнинг салқини уриб турганигами, саратонда ҳам киши иссиқни сезмайди. Шунақа, гаштли жой! Иккаламиз ҳам кўчада герлаб-пишиб ўйнаб келиб, сўрида дам оламиз. Чалқанча чўзиламиз-у, нокнинг тарвақайлаган шохларидан кўз узмай ётамиз. Нок эса ғуж-ғуж, шунақа кўп ҳосил қилганки, камида уч-тўрт арава чиқар, дейман ўзимча чамалаб. Мирқобил бўлса парвосизгина:

— Э, ярмидан кўпи тўкилиб соб бўлди,— дейди.

— Эсиз!— дейман ачиниб,— сотилса-ку...

— Бир қоп пул бўларди-я!— дейди Мирқобил.— Аммо бувам, биласан-ку!

Бобоси бир сўзли, ўжар одам. Биламан, шунга қарамай маҳаллада уни ҳамма яхши кўради, нега, ҳеч сабабини тушунмайман. Аммо мени ёқтирмайди, нега дейсизми, ўзим ҳам билмайман. Ўтган йили нокнинг ярмини тердириб, кўчанинг бошидаги болалар боғчасига олиб бориб топширди. Ия, нега бундай қиляпсиз, десам, соқолини тутамлаб худди мени энди кўраётгандек бошимдан-оёғимгача бир қараб олди:

— Шу нокни экканда ярми кўчаники, деб ният қилганман.

Шу-шу бобоси мени унча хуш кўрмай юради. Нега бунақа қилади деб Мирқобилдан сўрасам, Мирқобил қизариб-бўзариб:

— Ўша гапинг ёқмаган экан,— деди бир куни, индамим. Рост, бировнинг ноки билан нима ишим бор эди. Жим юравермайманми-а. Шу йил лагерда Мирқобил иккаламиз бирга дам олдиғу, ўйлаб қарасак, унга ҳам, менга ҳам битта яхшигина фотоаппарат керак экан.

Дадамга айтсам, аввал мактабда тўгаракка қатнашиб ўрган, деди. Мирқобил ҳам шунга ўхшаш жавоб олган экан-у, дардини ичига ютиб юрган экан. Калламга ажойиб бир фикр келди-ю, лагердан қайтиб келган кунимиз Мирқобилга айтдим. Аввалига Мирқобил ҳайрат билан менга тикилди, сўнг елкамдан маҳкам қучоқлаб олди.

— Қойил!— деди бирдан.— Нега шу нарса менниг калламга келмаган экан-а!

— Ҳайронман,— дедим,— аммо буни зинҳор буванг билмаслиги керак, тушундингми?

— Бўлмаса-чи!— деди Мирқобил,— бувам йўғида қиламиз.

— Ҳа, бу бўлак гап,— дедим мен ҳам кўнглим жойига тушиб. Тунов кун кечқурун қаттиқ шамол бўлди. Мирқобилларникига борсам, нок тоза тўкилибди, ер ҳам нок, кўк ҳам нок. Буvasи йўқ. Далага, катта ўғлининг олдига кетган экан. Иккаламиз айни мавриди дедигу, нокларни саралаб иккита пақирга йиғдик. Энди кўчага чиқиб кетаётган эдик, уйдан Мирқобилнинг синглиси Умида чиқиб қолди.

— Қаёққа?

Мирқобил довдиради.

— Ишинг нима?

— Ия,— деди Умида,— мен билан бормайсанми?

— Қаёққа?

— Ана холос!— деди Умида,— кечаги гап-чи?

— Э-э, керак бўлса ўзинг бор,— деди Мирқобил ва шипиллаб кўчага юрди, мен ҳам унга эргашдим, анча йўлга борганимизда челақни ерга қўйиб, дам олгани ўтирдик. Мирқобилнинг қовоғидан қор ёғарди, ўқтин-ўқтин уйи томонга қараб:

— Тавба!— деб қўйди.

— Ҳа?

— Кўрмайсанми, кеча вожатий «аканг ҳам келсин, қарашиб юборади», деб айттириб юборган экан. Бугун ҳамма болалар мактабга бориб, мактаб ҳовлисини тозалармиш, чала-пулча қолган ремонт ишларига қарашармиш, тавба, қиладиган бошқа ишим йўқ эканми!

— Шун айт!— дедим-у, худди назаримда шу яқин-атрофдан Умида чиқиб келаётгандек ҳовлиқиб ўрнимдан туриб кетдим,— тур, ошна, бозор ўтиб кетмасин.

— Ҳа-я,— деди Мирқобил ва шоша-пиша ўрнидан турди.

Иккаламиз айланма кўчалар билан бозорга боряпмиз. Бозор унча олис эмас, Мирқобилларнинг кўчасидан тўппа-тўғри кесиб ўтса ҳам бўлади, аммо битта-яримта кўриб қолмасин деб атайлаб боғчанинг олдидан айландик. Мирқобилнинг, ё менинг бирор таниш-билишимиз кўриб қолса, «боғча болаларига нок олиб келяпмиз», деймиз-қўямиз. Бозорга етиб олсак бас, одам кўп, ғала-ғовур, юз-икки юз одамнинг ичида ким кўриб ўтирибди дейсиз! Бирпасда пуллаймиз-у, бу галгисига Мирқобилга фотоаппарат оламиз. Келаси сафар...

— Тўхта!

— Ҳа?

— Қара!

Кўчанинг нариги бетида, шохлари эгилиб тушган мажнунтолнинг остида кичкина қизча чўққайиб олиб, кичкина қўллари билан юзини тўсиб секин-секин йиғларди. Раҳиммиз келди. Қўлига битта нок бериб, жўнаб қола қолайлик, деган эдим, Мирқобилнинг кўзлари олайиб кетди!

— Тентак,— деди у бирдан,— одамгарчиллик борми сенда, билайлик, нега йиғлаяпти?

— Ҳой!— деди Мирқобил ва чўккалаб қизга энгашди.— Ҳой, опоқ қиз, қани бошингни кўтар-чи!

«Опоқ қиз» бошини кўтарди, вой тавба, нам бўлмаса ҳам кўзлари қизарган-а, ё йиғлайвериб-йиғлайвериб бечоранинг кўз ёшлари ҳам қуриб кетганмикин, ким билди, ҳар қалай энтикишидан шунақага ўхшаб кўринди-ю, раҳим келиб:

— Ҳа, нима бўлди?— дедим.

Қизча кўзларини пирпиратиб:

— Адашиб... қолдим,— деди.

Қизчанинг узук-юлуқ гапларидан билсак, морожнийга чиққан экан. Орқага қайтаётганда адашиб қолибди, у кўчага кирибди, бу кўчага кирибди, сира ўсининг кўчасига ўхшамабди, ниҳоят ҳолдан тойиб, энди нима қиламан деб юраги ёрилиб ўтирганда бахтига, биз йўлиқибмиз.

— Оббо!— дедим,— хаёлинг қаёқда эди, тентак!

— Морожнийда!— деди қизча қўрқа-писа, биз эса ўзимизни тутолмай хахолаб кулиб юбордик. Қизча кўзлари олайиб, шубҳали назар ташлаб қўйди-ю, яна қўллари билан юзини тўсиб йиғлашга тушган эди, аранг гўхтатдик. Унгдан келганим, чапдан келганим, суршигира бошладик. Бироқ қизча қай томондан келганини

мутлақо билмасди. Қўлига битта нок тутқазиб, бир чеккага ўтирдигу, маслаҳатлаша бошладик. Мирқобил оғзи қулоғига етиб, қулоғимга пичирлади, бирдан ҳиринг-ҳиринг кула бошлади. Мен ҳа ўзимни тутолмай қолдим. Дарҳақиқат, бу қиз шу топда биз учун жуда-жуда зарур эди. Уйлаб қарасам, Мирқобил ҳақ, ким кўп, таниш-билиш кўп, битта-яримта кўриб қолса-я? Яхшиси, кўрайлик, билайлик, маъқул бўлса қизчани алдаб-сулдаб ўзимиз билан бозорга олиб борайлик, икки челак нокнинг тепасига турғизиб қўйиб, соттирайлик, кейин...

— Кейин нима бўларди!— деди Мирқобил шоша-пиша,— уйини топиб олиб бориб берамиз.

— Қойил!— деди хурсанд бўлиб.

Хўш, бу қизчанинг уйини топиб, кейин бозорга олиб борайликми, ё нокимизни соттириб, сўнг уйини қидирайликми? Кейингиси маъқулдек туюлган эди, қизча нокни еб бўлиб, бирдан уввос солиб йиғлай бошлади. Яхши гапирдик, ёмон гапирдик, эсим, яна бир дона сап-сарнқ нок бердик, қани кўнсал!

— Аввал уйини топайлик,— деди Мирқобил,— ҳеч бўлмаса кўчасини кўриб кўнгли тинчисин, нима динг?

— Майли.

Хуллас, суриштира-суриштира бир нарсани аниқлагандек бўлдик. Қизча чапдаги катта кўчадан келган, нега десангиз, ўша томонда морожнийхона бор, бир эмас, иккита, дарҳақиқат, пича юрган эдик, қизчанинг чиройи очилиб, кўзлари жавдирай бошлади. Буни сезиб, Мирқобил мени туртиб қўйди, аммо иккита пақирни кўтариб юравериш жуда толиқтириб юборган эди.

— Менга қара,— дедим,— мен шу ерда турай.

— Нега?

— Қўлим узлиб кетди, сен кўчасини кўрсатиб кела қол.

— Нима деясан,— деди Мирқобил, дарров битта пақирни қўлимдан олиб,— қаерга борсак ҳам бирга борамиз. Хўш, опоқ қиз, келай дедикми!

Олдимизда пилдираб бораётган «опоқ қиз» тўхтади, бошмалдоғини оғзига солиб, бирпас у кўчага, бирпас бу кўчага ағрайиб турди-да, бирдан хўрсиниб бош чайқади. Унинг авзойини кўриб қўлимдаги пақирни тушуриб юборай дедим.

— Ҳа?!

Мирқобил ҳазиллакам бақирмаган эди, қизча қўрқиб,

жонсарак бўлиб қолди, афт-башараси яна ўзгариши билан дарров челақдан битта нок олиб қизчага тутдим, шоша-пиша бошини силаб қўйдим.

— Кўчангга келай дедикми?

Қизча бош чайқади.

— Эсла,— деди Мирқобил паст тушиб,— эсла, опоқ қиз, кўчангда нима бор эди, бирорта ёнғоқми, олмами, шафтолими, хўш?

Қизча бирдан қувониб:

— Ёнғоқ!— деди.

— Ҳа, баракалла,— деди Мирқобил,— энди, ошна, ёнғоқли кўчаши қидирамиз, кўчани топамиз-у, мана бунга кўрсатиб, дарров орқага қайтамиз, хўпми опоқ қиз?

Қизча гапнинг маъносига тушундимни, йўқми, ҳар қалай шоша-пиша бош ирғитди-да:

— Майли,— деди.

Мен эса қизча уйини кўриши билан айнаб қолишидан чўчиб, дарров:

— Биз билан борсанг тўртта мержоний олиб берамиз,— дедим, бу гапим Мирқобилга ёқмади, эҳсаси қотиб, афтини буриштирган эди, қулоғига секин пичирладим.

— Кўявер, иккитаси ўзимизга.

Муюлишда тўхтаб дам олдик. Тоза чўллаган эдик. Сув ичайлик десак, яқин орада ҳеч нарса йўқ. Нок билан чанқовни босиш қийин. Қизча ҳам тоза чўллаган экан, чўккалаб олиб биз билан тоза нокхўрлик қилди. Ҳаш-паш дегунча челақнинг устидаги сап-сарик нокларнинг анча-мунчасини еб қўйибмиз. Ниҳоят, ўрнимиздан туриб, тезроқ қизчанинг уйини топмасак бўлмайди дедиг-у, чапдаги кўчага бурилган эдик, қизча тўхтаб қолди.

— Ҳа?

— Уёқда эмас!

— Ҳа, қаёқда бўлмаса!— деди Мирқобил.

— Кўчани бошида катта ёнғоқ бор эди,— деди ва шоша-пиша орқасига қайилиб, кета бошлади, Мирқобил қизчанинг кетидан югурди, қўлидан ушлаб олди.

— Тўхта!

— Нима?

— Кўчангни топмагунча мендан ажрамайсан,— деди Мирқобил. Қизча жим бўлиб қолди.

— Маҳкам ушла,— дедим Мирқобилнинг қулоғига

пичирлаб ва иккинчи челақни ҳам кўтариб олдим: қизча олисдан кўчасини таниса; биз ҳай-ҳайлағунча, қочиб қолса, бозорда бу нокларни ким сотади?

— Вой!— деб юборди қизча бирдан қичқириб.

— Ҳа!

— Ана!— деди олисни кўрсатиб,— ана ёнғоқ!

Дарҳақиқат, олисда ёнғоқ кўринди. Мен ҳам, Мирқобил ҳам бир оз югурдиг-у, тўхтаб қолдик, нега десангиз, шундоқ ёнғоқнинг нариги ёни мактаб. Ҳамма болалар ўша ерда бўлса, кўриб қолишса нима қиламиз!

— Демак,— деди Мирқобил,— қизча мактабга яқин тураркан. Борсак...

— Менга қара,— дедим,— ке, шу қизчанинг баҳридан ўта қолайлик, бозорга борамиз-у, нархини арзонгаров сўрасак, аридай ғув этиб бирпасда талаб кетишади!

— Бе, эндимиди?

Гапларимда мантиқ бўлса ҳам Мирқобил ўжарлигини қўймади, шунча айтганларим, ялиниб-ёлворганларим бекор кетди. Мирқобил челақни кўтариб, қизчанинг кетидан жўнади, мен ҳам юрагимни ҳовучлаб эргашдим, учаламиз жимгина мактаб томон кета бошладик:

— Эҳтиёт бўл,— дедим Мирқобилга,— кўчанинг оғзига етишимиз билан «шу» деса бас, қўлидан маҳкам ушлаб орқага қайтар.

— Хўп,— дедим-у, аммо энди мактабга бурнлган эдикки, қизча овозининг борича:

— Умида опа!— деб қичқириб юборди. Ҳушимизни йиғиб олгунча мактаб дарвозасидан Умида билан бир гала қиз югуриб чиқди-ю, бизни ўраб олишди. Мирқобил кўзларини катта-катта очиб менга қаради, мен Мирқобилга, муғамбир Умида эса:

— Ҳой қизлар,— деди бирдан,— нега қараб турибсизлар, челақни олинглар, айтмадимми боя, Мирқобил акам ўртоғи билан икки челақ нок олиб келади, маза қилиб еймиз, деб!

Мен ҳангу манг бўлиб қолдим. Мирқобил мендан беш баттар аҳволда эди. Иккаламиз ҳам қўлимиздаги челақларни топширганимиздагина Умиданинг айёрлигини тушундик; Умида паст сипф ўқувчиларидан биттасини авраб боя бозорга кетаётганимизда атайлаб ўша кўчага турғазиб қўйган, қизча эса бизни худди бурнимиздан ип боғлаб тортгандек алдаб-сулдаб мактабга олиб келган.

— Қойилман!— деди секин Мирқобил.
Бу гапни, кимга айтди: ўзимизгами, ё Умидагами?!

СИЗ ИШОНАСИЗМИ!

Буни қаранг, уч ой ичида Мирқобил билан Асқарнинг ўртоқлари бирам билагон, бирам гапга чечан бўлиб кетишибдики, синф раҳбари ҳаяжондан кафтларини ишқаб, «баракалла, ёз бўйи бўйингиз ҳам чўзилибди, ақлингиз ҳам ўсибди», деган сари мунозара қизиб, синф «аҳволини яхшилаш»га қаратилган бир талай таклифлар қалаштириб ташланди. Шунақада одам оғзига толқон солгандай қовушмай ўтирса, партанинг тагига кириб кетгудек бўлар экан!

— Нега «миқ» этмайсан?— деди Асқар секин.

Мирқобил ўзини қўярга жой тополмай ўтирган эди:

— Ўзинг-чи!— деди пичирлаб,— ўзинг!

Асқарнинг ранги ўчиб, ён-атрофга қараб олди. Мирқобилнинг гапини ҳеч ким эшитмаганига ишонч ҳосил қилгач, кўнгли бир оз жойига тушди. Мунча бақиради-я, тавба. Асқарнинг қулоғи кар эмас-ку! Уқитувчи жонажон икки ўртоқнинг аҳволини билибми, ё ораларидан жиндаккина гап қочганини сезибми, уларга ғалати бир қараб қўйган эди, Мирқобил муҳим бир нарса устида жиддий бош қотираётган одамдек қошларини чимириб олди, кўзларини пирпиратди, кафти билан зўр бериб тиришган пешанасини ишқалай бошлади. Асқар кўзларини қаерга яширишни билмай деразадан ҳовлига қаради.

Куз шамоли ҳаммаёқни пайҳон қилган эди; дарахтларнинг уч-учида қолган яккам-дуккам барглари шитирлатиб узар, йўлка, ҳовли юзидаги хазонларни тўзғатар, чўлтоқ супургига ўхшаш шўппайиб қолган тутнинг шохи тунука томнинг четига урилиб қарсилларди. Дарсга эртaroқ келиб қолган икки-уч қизалоқ ҳовлида ўйнаб юрган эди, шамолнинг ваҳимасидан чўчиб, ўзларини панага олишди-ю, яна ҳовли бўшаб қолди. Этакдаги ёнғоққа битта-яримта тош отдими, бир гала қарга «қағиллаб» деразанинг тепасидан учиб ўтди. Кўп ўтмай супурги, қоп кўтариб Зумрад хола кўрипти. Эсинз, ҳали эрта билан чинни-чироқ қилиб қўйган эди, ҳозир ҳовлининг аҳволини кўриб бирпас хомуш қараб турдида, яна ғайратига чиқолмай хазон тўплашга тушди. Битта барг тушса, битта теради, нима зарур-а, товба,

ундан кўра иссиққина хонасига кириб ёнбошлаб ётса бўлмасмикин, уч йил аввал пенсияга чиқиб кетган эди, одам бекор ўтирса, қарилиги билиниб қоларкан деб яна қайтиб келди-ю, жон-жаҳди билан ишга ёпишиб кетди. Синфларни қайта-қайта тозалайди, эринмасдан ойналарни ярақлатиб қоғоз билан ишқалайди, яна бунинг устига вазифасига кирмаса ҳам доскаларни артиб кўяди. Зумрад хола мактабга қайтиб келди-ю, икки ошна синф навбатчилигида бўр, латта тайёрлаб қўйишдек серташвиш ишдан қутулишди. Асқар зимдан уни кузатаркан, хаёлига келган ғалати фикрдан:

— Қойил!— деб юборди-ю, ўзининг овозидан ўзи чўчиб, олазарак бўлиб ҳаммаёққа қараб олди. Ўқитувчи Асқарнинг кўзлари ғалати жавдирай бошлаганини пайқаб:

— Қани, қани?— деди икки ўртоққа ўгирилиб,— Асқар, бир нарса демоқчимисан?

— Бўлмаса-чи?— деди Асқар дангал. Шеригининг кутилмаган бу важоҳати Мирқобилни ҳазилакам чўчи-тиб юбормади: вой тентак, мана ҳозир бир балони бошлаб, Мирқобилни ҳам расво қилади, э аттанг, боя сапчиб турганда, ўпкангни бос, деб оёғи билан туртиб қўйса бўларкан. Аммо энди кечиккан эди. Асқар гердаийб (ҳозиргина партанинг тагига кириб кетай деб ўтирган бола-я) ҳаммага бир-бир қараб олди-ю, оҳиста томоқ кириб:

— Бўлмаса-чи!— деди яна тутилиб.— Биз ҳам Мирқобил иккаламиз ёз бўйи бекор юрганимиз йўқ. Муҳим-муҳим нарсалар устида бош қотириб юрдик.

Ўқитувчи шошиб кўзойнагини олди, рўмолча билан наридан бери артиб, яна бурнининг устига қўлдирар экан:

— Хўш, хўш?— деди Асқардан кўз узмай.

Олдинги қатордаги тартадагилар икки ўртоқ томон ўгирилишди, дарҳақиқат, ҳеч нарсага аралашмай доимо шўппайиб юрадиган бу икки ошнани «ёзи билан муҳим-муҳим нарсалар устида бош қотиргани» ҳаммани ажаблантирган эди. Мирқобил бўлса-ку, худди бир бўлак яхни ютиб юборгандек кўзлари олчанинг данагидек юм-юмалоқ бўлиб кетган эди: э аттанг, ёзда Асқарнинг тилини ари чақиб олган эди, кўз очиб-юмгунча тили оғзига сиғмай осилиб қолганди, ўшанда бечора Мирқобил кечгача олдида ўтириб, Асқарнинг сапча қовоқдек шишиб кетган тилини намоқопга чайқаган эди, чакки

қилган экан. Мирқобилнинг товонигача зирқиратиб юборган мана шу бурро тили ўшанда ё осилиб тушса, ё танглайига ёпишиб қолса бўлмасмиди!

— Мен сизга айтсам,— деди Асқар,— яъни демоқчи-манки, мўнкиллаб қолган шу уборшица Зумрад холани оталиққа олсагу, эртадан бошлаб синф тозалигига ўзимиз қарасак.

Шов-шув қилиб турган синф бирдан сув қуйгандек жимиб қолди-ю, Асқар ножўя гап айтиб қўйдиммикин, деб доврираб қолди. Аммо бу жимликнинг тагида катта маъно бор экан: икки ўртоқ бир оздан сўнг, ҳамма эс-хушини ўнглаб олгандан кейин билишса, эҳ, синфдагилар бунақа антиқа таклифдан ҳайратда қолишган экан. Шундагина Мирқобил бояги ножўя фикридан минг-минг пушаймон еб, партанинг тагидан ошнасининг пахтадек юмшоқ қўлларини сиқиб қўйди. Яна бирдан шов-шув кўтарилиб, икки ўртоқни ҳамма, шу жумладан, ўқитувчи ҳам табриклай бошлади-ю, кимдир «шу ишни икки ошнанинг ўзи бошлаб берса», деган эди, Асқар буёқда қолиб, Мирқобил ҳовлиқиб туриб кетди.

— Бўпти!

Қўнғироқ чалиниб, ҳамма тарқаб, охири синфдан икки ажралмас ошна кайфлари чоғ бўлиб чиқишди-ю, шамол тўхтаб, куз осмонида офтоб чарақлаб турганини кўриб, диллари яна равшан тортиб кетди.

— Оҳ,— деб юборди Асқар бирдан тўхтаб,— ашавини қара!

Мирқобил ҳам дўстининг завқ-шавқидан таъсирланиб, тутнинг қоқ учидаги бир дона олтин баргдан кўз узолмай қолди. Бунини қаранг, шамол минг ҳамла қилса ҳам, офтоб нурида кўз қамаштириб турган ўша бир дона баргни узолмаяпти. Қойил-е! Ўзи-чи, кузнинг ҳам файзи, кўрки бўлакча бўлади. Йўлка, ҳовли юзида сочилиб ётган тилларанг баргларни шитир-шитир босиб юрсанг, аммо Зумрад хола ҳаммаёқни ёғ тушса ялагудек қилиб қўйган экан.

— Йиғиштириб нима қиларкин-а,— деди Асқар афсусланиб,— қара, эринмай хазонни ҳам уюбди.

— Эсиз,— деди Мирқобил,— ҳаммасини ахлатга ташлайди. Ке, олиб чиқиб ташлагунча пича хазонга ёнбошлаб, бояги ширин-ширин гаплардан гаплашайлик.

— Майли,— деди Асқар ва папкани бошига қўйиб, хазонга узала ётиб олди-ю, кўзларини юмди:— Мана

кўрасан, эртага бечора кампир суюнганидан юраги ёрилгудек бўлади. Узи ҳам ҳазилакам нарсани бўйинимизга олганимиз йўқ: пол ювиш-а!

— Ҳа-я,— деди Мирқобил,— аммо ойнани қизларга бера қолайлик, осон иш!

— Майли,— деди Асқар,— сен айтгандай бўла қолсин, пол ювиш шунчаки осондек кўринса ҳам ҳазилакам иш эмас-а!

— Бўлмаса-чи!— деди Мирқобил ва бир марта роса икки кун белини кўтаролмай юрганини эслади. Узоқ йили ойисининг тоби қочиб, уч-тўрт кун касалхонада ётиб қолган эди. Шу баҳона бўлдими, ё дангасалиги тутдими, Мирқобил ора-чора мактабга бормайдиган қилиқ чиқарди, ўқишининг мазаси кетди, ке, ҳадеб кундалигимни бемаза баҳога тўлдиравераманми, биратўла мактабга ойим чиққанда бораман, деб ўқишга бормаи кўйди. Буни эшитиб, синфидаги қизлар «бориб ёрдам берайлик, ўқишдан қолиб кетмасин» деб синглисидан айтдириб юборишган эди, Мирқобил бундоқ қараса, ҳаммаёқ ифлос, кир-чир, ювилмаган косалару чойнак-пиёлалар қалашиб ётибди. Бу ҳам майли, ошхонага олиб чиқиб, устига газета ёпиб қўйса, тагида нима борлигини ким билади дейсиз. Аммо уйнинг аҳволини ҳеч қанақа газета билан яшириб бўлмасди. Мирқобил ботинка билан уйга кираверган экан, полнинг усти бир энлик лой бўлиб кетибди. Синглисини ишга солмоқчи бўлиб тоза ялинди, қани кўнса, хўп дейиш уёқда турсин, «ўзингиз қилгансиз, ўзингиз тозаланг», деб асло кўнмади. Шунда Мирқобил, ке, сен билан ади-бади айтишиб ўтираманми, деб енг шимарди-ю, водопроводдан бир челақ сувни олиб келиб, полни ювишга тушиб кетди. Буёқдан ювса, бирпасдан кейин яна боягидек-боягидек бўлаверди. Шу кунни чалакам-чатти қилиб ҳаммаёқни артиб чиқди-ю, кечга бориб белини кўтаролмай қолди. Пол ювгандан кўра, ўқишга борган минг марта маъқул экан, деган хулосага келибми ё қизлар келиб қолишса шарманда бўлишдан чўчибми, эртасигаёқ папкасини қўлтиқлаб мактабга жўнаб қолди. Яхши ҳам борган экан, қизлар дарсдан кейин уйига келишмоқчи бўлиб туришган экан.

— Ҳа,— деди Асқар,— жим бўлиб қолдинг?

— Эртага бўладиган ишни ўйлаяпман,— деди Мирқобил секин «уф» тортиб,— пол ювиш-а!

— Э-э, ваҳима қилаверма,— деди Асқар,— пол ювиш

ҳам ишми, латтани оласан-у, ҳаммаёқни бирпасда шипиллатиб ювиб ташлайсан!

— Нима?— деди ҳуши учиб Мирқобил,— мен-а?!

— Ҳа — сен!

— Мен пол юваланми?!

— Ҳа, пол ювалан.

— Ҷзинг-чи?

— Мен сув ташиб тураман.

— Бекор айтибсан,— деди Мирқобил қалт-қалт титраб,— мен сув ташийман, сен пол ювалан!

— Ана холос!— деб юборди Асқар,— ҳам сени қутқарай, ҳам пол ювайми, йўқ, ошна, бекор айтибсан!

— Мени-я?

— Ҳа,— деди Асқар бўш келмай,— боя ким партанинг тагига кириб кетгудек бўлиб ўтирган эди. Мен аҳмоқ бошимни шунча қотириб топган нарсани иккаламизнинг исмимиздан таклиф қилиб юрибман-а!

— Э, таклифингни пишириб е!— деб Мирқобил жаҳл билан сапчиб ўрнидан турган эди, ҳаммаёғига ёпишган хазон шундоқ Асқарнинг устига дув тўкилди. Асқар аламга чидаёлмай бир ҳовуч хазонни чапгаллаб, Мирқобилнинг юзига сочиб юборди. Хуллас, не машаққат билан бир ерга уюлган хазон шамол қўзғаб тўзғингандек ҳар томонга сочила бошлади. Ким билади дейсиз, Зумрад хола қоп кўтариб келиб қолмаганида, яна ҳаммаёқ пайхону палак бўлармиди. Икки ошна эс-ҳушини йиғиб олгунича Зумрад хола хазонни қайта бир ерга тўплаб, нидамай қоплай бошлади. Асқар гўё ҳеч нарса бўлмагандек папкасини силкитиб, кетмиш тараддудига тушди. Мирқобил эса ўртоғидан кўз узмай ҳамон бақрайди: вой айёр-е, ҳаммага яхши кўриниб, полни Мирқобилга ювдирмоқчи-я? Сув ташиш ҳам иш эканми. Мирқобил ҳам бир жиддий бош қотирса, калласига шунақа нарсалар келадикки, Асқарнинг бояги гапи гап эканми!

— Оббо!— деди Асқар шеригининг тумшайиб олганини кўриб. Жаҳли чиқса Мирқобилнинг ўжарлиги тутиб, икки оёғини бир этикка тикиб оладиган бола. На дўқ-пўписа билан, на ялиниш-ёлвориш билан бир нарсага кўндириб бўлади уни. Бор-е, деб кетиб қолса-я, тамом, эртага ўлса ҳам келмайди, ҳамма иш Асқарнинг ўзига қолади.

— Оббо,— деди Асқар бир оз ён берган бўлиб,— бўпти, ярим полни сен ювалан, ярмини мен, челақни ҳам бир ёғидан сен кўтарасан, бир ёғидан мен, бўлдимиз?

— Ҳа, бу бошқа гап,— деди Мирқобил шаштидан қайтиб.

Орада рўй берган кўнгилсизлик ҳам унутилиб, икки ошнанинг кайфиятлари яна ўзгарди, юзларига кулги қалқиб, боя синфдагиларни ҳайратда қолдирганликларини қайта-қайта мамнунлик билан эслаб, бугунги кун бекор ўтмаганлигидан кўп хурсанд бўлишиб, бундай қарашса, Зумрад хола аллақачон хазонларни ташиб, қолган-қутганини қоплаётган экан.

— Э, аттанг,— деди Асқар.

— Ҳа?

— Хазонни бўри ерканми, сабр қилса эртага синфни ярқиратиб чиқиб, балки ўзимиз ташиб қўярмидик.

— Рост айтасан-а,— деди Мирқобил ачиниб,— кампир бўлгани билан ғайратига чидолмайди. Эртага биз келгунча синфни чиннидек қилиб қўйса-я, ке, бояги бўлган гапларни ҳозир айтиб, бечорани бир суюнтириб қўййлик.

— Асло! Нима қипти,— деди Асқар,— эртага тозалаб қўйса, биз индинга бошлаймиз, гап пол аргишда эмас, гап бизда шундай олижаноб фикр туғилганида, тушундингми?

— Тушундим,— деди Мирқобил, шундай бўлса ҳам Зумрад холага бир нарса дегиси келиб:— Ҳорманг, хола!— деган эди, кампир бунақа боодоб, бунақа хушфеъл бола ким бўлдийкин, афт-ангорини бир кўрай, дедими ё Мирқобилнинг гапи қопингизни кўтаришиб юборай деган маънода эшитилдим, қайрилиб қарайман деган эди, мункиб кетди. Орқасидан қоп тушиб кетди. Қопга ўтириб қолиб, қариччилик шу-да, дегандек ғалати жилмайиб:

— Саломат бўл, болам,— деган эди, Асқар ўтакаси ёрилиб оёғини қўлига олиб кўчага қочиб чиқиб кетди. Мирқобил шоша-пиша:

— Эртага хурсанд бўласиз, хола, эртага!— деганча ўртоғининг кетидан югурди-ю, аранг ярим йўлда етиб олди. Икки ошна яна бояги синфдаги воқеаларни ўйлаб кетишди. Кампирнинг ғалати жилмайишини ўзларича олдиндан сезилган хурсандлик аломатига йўйиб, эртага ярақ-ярақ қилиб турган синфга кирган болаларнинг ҳайратдан тиллари гапга келмай қолишини кўз олди-ларига келтириб, апоқ-чапоқ уйга қайтишди.

Шу топда биров супуриб-сидирган хазонларингиз яна ўз-ўзидан дарахтларнинг шохларига илиниб қопти деса,

балки Зумрад хола ишонган бўларди-ю, аммо анави икки боланинг эртага синфни тозалаб қўймоқчи бўлганига ҳеч ҳам ақли бовар қилмасди, сиз-чи, сиз ишона-сизми?

«Э, АТТАНГ!»

Шундай қилиб, икки ошна мажлисда синф озодалигини бўйниларига олишди-ю, битталари поллатта, битталари чўлтоқ супурги қўлтиқлаб барвақт мактабга келишди. Қарашса, синф тозалаш ҳазилакам иш эмас экан. Мирқобил бошини қашиб туриб қолди. Асқар бўшашиб, партанинг устига чўққайиб ўтириб олди; бояги тоғни толқон қилгудек вазоҳатларидан асар ҳам қолмади.

— Тавба,— деди Асқар бош чайқаб,— энди пайқабман-а.

— Нимани?

— Синф ҳам шунақа катта бўладими-а?

— Э, ошна,— деди Мирқобил,— шунча деразани нима кераги бор экан-а?

— Бир эмас, олтита-я!— деди Асқар аввал кичкина бўлиб туюлган деразалар шу топда кўзига мактабнинг дарвозасидек катта кўриниб.— Ҳайронман, қоп-қоронғи мадрасаларда ҳам одамлар ўқиган экан, ўшанда ҳам зўр-зўр олимлар чиққан-ку.

— Пол деган нарса ҳам бўлган эмас!

— Ҳа-я,— деди Асқар шеригининг гапини илиб,— бир парча тақир пўстакни ерга ташлаб ўтираверишган, на пол бўлгану на парта!

Асқар ўзининг гапидан ўзи қўрқиб кетди: буни қаранг, синфда қаторлашиб турган ўн бешта партани ҳали ҳисобга олмаган экан!

— Эҳ, ҳали парталарни ҳам артаминми?

— Бўлмаса-чи!

— Ана холос!

— Қамида икки куплик иш бор экан,— деди Мирқобил синфнинг ҳаммаёғига бир-бир назар ташлаб, ўзича чамалаган бўлиб,— тавба, тунов куни Ойша қандоқ қилиб бирпасда тозалаб чиқди экан-а?

— Э, ўша ҳам тозалаш бўлибдими,— деди Асқар энсаси қотиб,— уёғидан кириб, буёғидан чиққандан кўра қўлига латта ушламаган маъқул.

— Тозалаганга яраша шундай тозалаш керакки,—

деди Мирқобил,— синф чўмилтирилган қўғирчоқдек ярақ-ярақ қилиб турса!

— Ҳа-я,— деди Асқар ва яна уф тортди,— мана бу дардисар бўлмаганда-ку...

— Ҳамма гап шунда-да,— деди Асқар шеригининг гапини бўлиб,— дунёда пол ювишдек бемаза иш йўқ, челақ-челақ сув керак!

— Э, бу ҳеч гапмас, пол шунақа наrsaки, ювган саринг бир ёқдан қуриди дегунча чала артилган доскадек, иккинчи ёғи оқариб қолаверади!

— Шуниси одамни эзиб юборади-да,— деди Асқар ва сакраб пастга тушди,— аммо кўз қўрқоқ, қўл ботир, деган гап бор. Қани, бошладик!

Дарҳақиқат, икки ошна ишни бошлаб юборишди. Асқар шоша-пиша енг шимарди ва синфнинг бурчагида ётган поллаттага қараб юрди. Мирқобил кафтларини бир-бирига ишқалаб қўйди. Асқар латтанинг бир учидан кўтарди, унинг ниятини фаҳмлаган Мирқобил дарров челақка ёпишган эди:

— Ҳа, қаёққа?— деди Асқар.

— Сувга!

— Ҳо,— деди Асқар,— ма, латтани ол!

— Бекор айтибсан!— Мирқобил пақирнинг бандидан маҳкам ушлаб эшикка юрган эди, Асқар латтани Мирқобилга ирғитди, латта шундоқ Мирқобилнинг бошига тушди. Юз-кўзини тўсиб қўйди. Мирқобил турган ерида гир-гир айлана бошлади. Асқар вақтни бой бермай дарров пақирга ёпишди, аммо Мирқобил ҳам эпчиллик қилиб бошидаги латтани юлқилаб олди-да, Асқарнинг юзига улоқтирди. Энди югуриб ҳовлига кетаётган эди, Асқар аламига чидолмай Мирқобилни чалиб юборди. Мирқобил гурсиллаб йиқилди, шунда ҳам жон аччиғида пақирга ёпишиб:

— Қўйиб юбор,— деб қичқирди,— сувга мен бораман!

— Ҳо,— деди Асқар Мирқобилнинг қўлидаги пақирга чанг солиб,— бошида нима деб келишган эдик, хўш?

— Бир гал сен-у, бир гал мен!

— Бўпти-да,— деди Асқар,— нега фирромлик қиласан, хўп десанг, майли, мен кафтимга чўп яширай, ким топса, аввал ўша сувга бора қолсин.

Бу одилона таклиф бўлганига Мирқобил ғинг демай кўнди. Ўрнидан туриб ҳар эҳтимолга қарши пақирни четроққа олиб бориб қўйди, кейин Асқарнинг тугилган

муштарига тикилди. Чўп чап қўлидами, ўнг қўлидами, роса боши қотди. Тополмаса-я!

— Э, тўхта!— деб юборди бирдан Мирқобил ҳаяжон билан,— пақирни нима қиламиз, тентак, мана ҳозир кўрасан!— У Асқарни ҳайратда қолдириб, югурганча ҳовлига чиқиб кетди. Кўп ўтмай қоровулхонадан сал кам қирқ метрли резинка ичакни судраб чиқди. Асқар ошнасининг фикрига тушунди-ю, қувончдан деразадан сакраб юборишига оз қолди.

— Қойил!— деди Асқар. Мирқобил резинка ичакнинг учини деразадан аста узатди, иккинчи учини водопроводга улаб, сувни очиб юборди-ю, югурганча синфга кирди. У кирганда Асқар ҳузур қилиб парталарни чўмилтираётганди. Афтидан, парталар ҳам ясалгандан бери бушақа «ювилмаган» бўлса керак. Икки ўртоқ сувни сачратиб, ўқитувчининг духоба қопланган курсисини ҳам бирпасда чиннидек қилиб қўйишиди-ю, деразаларга ўтишди. Синф деворлари ўтган йили оқ мойга бўялган эди. Шунини ҳисобга олиб, ҳар иккови завқ-шавқ билан ишларини бемалол давом эттираверишди. Деразалардан, парталардан тушган анча-мунча сув полга йиғилиб қолди, аммо бу нарса ошналарни асло чўчитмади: авваламбор, пол деган нарсанинг ораси бир энлик очилган бўлади. Йиғилган сув ўша ердан пастга тушиб кетаверади, қолаверса, қолган-қутганларини латта билан сидириб, дарров челакка олишади-ю, ҳовлига сепишади. Латта эсларига тушиб, икки ошнанинг таъби хира бўлди, негаки, икковининг ҳам латта ушлашга сира тоқати йўқ эди. Аммо узоқдан мактабга кириб келган биринчи синф қизларини кўриб, Асқарнинг калласига галати фикр келди-ю:

— Юр,— деди ҳовлиқиб ва югуриб йўлакка чиқди. Мирқобил иккаласи шундоқ қўшни синфнинг рўпарасида тўхташди,— бу нима?

— Эшик!

— Э, эшиклигини кўриб турибман,— деди Асқар,— ана унга қара, ана унга! «Биринчи синф» деб ёзилган тушукачапи чиқариб оламиз-у, ўзимизнинг эшикка шиппа ёпиштирамиз, ўзимизникини эса бу ерга!

— Хўш, ундаи кейин-чи?

— «Кейин»ини кейин биласан,— деди Асқар,— бу ҳаммаси вақтинча, яна жой-жойига қўямиз, тушундингми, э бўл, вақт ўтмасин, мен ҳозир келаман, келгунимча тахт қилиб қўй!

«Нега», «нима учун»ларни Мирқобил аниқлагунча Асқар ҳовлига югурди. Зинадан тушгани ҳам сабри чидамай, пастга сакради. Ҳовлининг ўртасида боя мактабга кириб келган уч қизалоқ турарди. Асқарнинг важоҳатидан чўчиб, танаффусда доим сочларидан тортиб, тинчлик бермайдиган бу ғалати болага қизалоқлар шубҳали назар ташлаб қўйишди. Аммо бирпасдан кейин билишса, бу бола бирам ширинсўз эканки, оғзидан пуқул бол томиб, ҳар гапнинг бирида «сингилжон, сингилжон» деявериб, уларни ийдириб юборди. Уларнинг исмларидан тортиб, ўқишларигача сурштириб чиқди. Билса, қизалоқлардан биттасининг математикадан мазаси йўқ экан. «Э, парво қилма, сингилжон», деди Асқар қизчанинг бошини силаб, «эртага олдимга кирсанг, шундоқ ўргатиб қўяманки, ўқитувчинг иккинчи доскага чиқармайдиган бўлади...» деди. Яна битта қизалоқ расм дарсида отинг расмини солган экан, ўқитувчи «эшакка ўхшаб қопти», деб баҳосини пасайтириб қўйибди. «Э, парво қилма, опоқ қиз», деди Асқар дарров қизчанинг альбом билан қаламинини олиб, «эшак»нинг қулоғини кесиб, оёғини чўзди, ингичка, арқонга ўхшаб орқасида осилиб турган думини чиройли отинг ёлига айлантирди-ю, қизчага тутди. Учинчи қизалоқнинг дарди оғирроқ эканми, кўзларини ғалати лирпиратиб хўрсинди:

— Дангаса эканман,— деди секингина,— шунақа... дедилар.

— Ким?

Қизча жавоб бермади, ерга қараганча миқ этмай тураверди, анани икки шериги эса, худди сирли бир гап айтмоқчи бўлгандек ён-атрофга қараб олиб, олдинмакейин пичирлашди.

— Меҳнат дарсидан уй ишини бажармай келган эдим, ўқитувчимиз «дангаса экансан», деди!

Асқар ёқасини ушлади, ёлғондакам кўзларини каттакатта очиб:

— Йўғ-е...— деди ҳайрат билан.

— Ҳа!

— Вой-вой, шундоқ қизин-я, ҳеч ишонмайман,— Асқар ойнадан қараб турган Мирқобилга ўгирилди,— сен-чи?

— Қизиқмисан!— деди Мирқобил ҳам бош чайқаб.— Кўзларига қара, кўзларига, ғайрат ёғилиб турибди-я, ғайрат! Э, бунақа қизлар меҳнат деса ўзларини томдан ташлайди.

Бу мақтовлар қизалоққа ёқиб кетди, оғзининг тано-би қочиб илжайди. Асқар эса ҳовлиққанича кафтларини бир-бирига ишқаб:

— Мана, ҳозир кўрамиз!— деди ва етаклаб синфга олиб кирди. Шериклари эса дугоналарининг кетидан эргашишди. Қизалоқлар ичкарига киришлари билан ҳангу манг бўлиб остонада туриб қолишди. Нега десангиз, парталардан, деразалардан ҳали ҳам чак-чак сув томар, ҳалқоб бўлиб ётган сувдан полга оёқ қўйиб бўлмасди. Қизалоқлар бу синфда нима бўлганига ақллари етмай анграйиб туришаркан, Асқар вақтни ўтказмай бояги «меҳнат деса ўзини томдан ташлайдиган» қизалоққа дарров поллаттани тутди.

— Қани опоқ қиз,— деди Асқар,— бир ўзингни кўрсат, ўқитувчинг «дангаса» деганига минг-минг пушаймон бўлиб юрсин!

Қизалоқ билмай латтани олишга олиб қўйди-ю, дангасалиги тутиб:

— Вой,— деди бирдан,— ўқитувчи кўрадиган бўлса ўзимизни синфни тозалайман-да!

Асқар мўмин-қобилгина кўринган бу қизалоқнинг айёрлик қилишини кутмаган эди. Юраги шувиллаб Мирқобилга қаради. Мирқобил эса «қўявер, ҳаммасини бошлаб қўйганман», дегандек кўз қисиб, дарров қизалоқларни етаклаб йўлакка олиб чиқди. Қизалоқлар эшикдаги «биринчи синф» деган сўзларни ўқишди-ю, ажабланиб бир-бирларига қарашди, анави «меҳнат деса ўзини томдан ташлайди»гани кўзларига ишонмай, ўзининг синфига бораётган эди, Асқар қўлидан ушлади:

— Қаёққа? Бугундан синфларинг буёққа кўчган, ана эшикка қара!

Қизалоқлар дарҳақиқат, синфлари алмашиб қолганидан ажабланиб, қайтиб киришди. Анави латтани ушлагани худди тиши оғриётган одамдек афтини бужмай-тириб, бирпас турди-да, ўлганининг кунидан зўрға парталарни артишга тушди. Буни кўриб, Асқар ял-ял ёниб кетди. Мирқобил бўлса қизчанинг дам буёғига ўтиб, дам уёғига ўтиб:

— Ишлашини қара-я, машинанинг ўзи,— деди шеригига.— Бай-бай, бу қиз ҳозирдан шунақа бўлса, катта бўлганида қанақа бўларкин-а?

— Анави иккитасини билмадим-у,— деди Асқар,— аммо бу қизча катта бўлганда сағалакам академик бўлади, ҳа!

Аммо қизалоқ парталарни артишга артиб бўлди-ю, полга келганда ҳаллослаб қолди, вақт эса тез ўтиб борарди. Бунақа имиллашда... Э, бўлди. Асқар бир чеккада турган анави икки қизалоқни ҳам имлаб чақирди.

— Хўш,— деди,— синфингизда бир бола қийналиб қолса, нима қилиш керак?

Қизалоқлар ўйлаб ўтирмай:

— Дарров оталиққа олиш керак,— дейишган эди, Асқарнинг оғзи қулоғига етиб, латтани учовига бўлиб берди. «Оталиққа» олган қизалоқлар ўзларини кўрсатмоқчи бўлиб чунонам ишлашдики, кўп ўтмай кийимларига қараб бўлмай қолди. Ҳаш-паш дегунча ҳаммаёқни тозалаб ташлашди. Икки ошна қизалоқларга жавоб бериб юборишди. Резинка ичакни жойига элтиб қўйишди, кейин папкаларини қўлтиқлаб, дарров кўчага чиқишди. Кўп мулоҳазалардан сўнг синфга бир оз кечикиб киришни маъқул топишди. Негаки, аввало синфни тозалаш қанақа бўлишини ўқитувчи ҳам, болалар ҳам бир кўриб қўйишсин, қолаверса...

— Юр,— деди Асқар қўнғироқ чалиниб, ўқитувчи синфга томон ўтиб кетиши билан.

...Синф эшигини очиб, қай кўз билан кўришсинки, ичкарида биринчи синф болалари ўтиришарди. Қаранг-а, шунча нарсага ақллари етган икки ошна боя, шошма-шошарлик билан эшикдаги тунукачани алмаштириб қўйишни унутишган экан-а, э, аттанг!

ҚАЙСИ БОЛА САЙЛАНАРКИ!

...Синф раҳбари дарс тугагач, болаларга жавоб бераркан:

— Эртага дам олиш кунини,— деди,— душанбада мажлис ўтказиб, синфком сайлаймиз. Кимни сайлашни яхшилаб ўйлаб кўринг!

Синфком сайлаш ҳар йили ҳамма ерда бўладиган гап. Шунинг учун ҳамма уйига жўнади-ю, бироқ Асқар негадир типирчилаб қолди. Уёққа қаради, буёққа қаради, ошнани Мирқобил кўринмади. Хўрсиниб: «э, аттанг», деди-ю, бўшашиб кўчага чиқди.

Уйига келди.

Овқатни еб дарсга ўтирган бўлди-ю, бироқ калласи говлаб, хаёлини бир жойга йнғолмади. Ўзини чалғитмоқчи бўлиб ҳовлига чиқди, уйга кирди Юрагига сашлик солиб турган нарса бора-бора ваҳимага айланди-ю, кўчага чиқиб, Мирқобилнинг эшигини тақиллатди.

— Ким?— деди ичкаридан Мирқобил,— эшик очиқ. Асқар эшикни қия очиб, Мирқобилни имлади.

— Бери кел!

Мирқобил кўзларини ишқалаб остонага яқинлашди.

— Қойилман,— деди Асқар,— боя липпа қуён бўлибсан-қолибсан-да.

Мирқобил кўзларини катта-катта очиб:

— Нима гап?— деди,— уйга келиб ухлаб қолибман.

— Шунақами? Қани, юр бизникига!— деди Асқар ва Мирқобилни бошлаб уйга олиб чиқди. Боғ этагидаги супачага ёнма-ён чўққайишгач:

— Боядан бери мана бу еримни мушук тимдалаетганга ўхшайди,— деди кўксига мушт уриб,— биласанми нега?

— Йўқ!

— Шунақа бепарвосан-да,— деди Асқар,— хўш, бу гал ҳам синфкомликка Зуҳра сайланса-чи?!

Буни қаранг, шу нарса ҳеч Мирқобилни хаёлига келмаган экан, ранги ўчиб, кўзлари пирпираб, Асқарга яқинроқ силжиди.

— Бунга йўл қўймаслик керак,— деди шивирлаб.

Мирқобилнинг тили калимага келмай кўз олди қоронғилашиб кетди. Зуҳра ўтган йили икки ўртоқни озмунча қийнадими. Тўпололчи деб газетада ёздирди, ҳар иккисини ора-чора ёмон баҳо олиб тургувчи эди, ота-онасига келиб чақди, бу ҳам майли, ҳар кунни эрта билан икки ўртоқ мактабга келганда «қани, дарс қилдиларингми?» деб ўқитувчидан аввал дафтариини текширадиган бўлди. Эҳ-ҳа, гапираверса Зуҳранинг қилмишларининг охири йўқ. Бир амаллаб ёзги каникулга чиқиб олишди-ю, янги ўқув йилида бошқа синфком бўлса ажаб эмас, ахир синфкомликни унга бир умр боғлаб бериб қўйибдим, деган умидда ўзларини овунтириб юришди. Мана энди...

— Зуҳра уч йилдан бери синфком,— деди Асқар,— етар, энди бошқани сайлашар, ким билади, ё Салим бўлади, ё Мунира — иккови ҳам аълочи. Синфкомликка ё Равшан сайланармикин?

— Э-э, қизиқ экансан,— деди Мирқобил,— ким сайлашни билан нима ишинг бор, қаёқдаги бўлмагур нарсалар билан бош қотириб юрибсан-а!

— Э, тештак,— деб юборди Асқар,— ҳамма гап шунда-да!

— Хўш?

— Уша сайланадиган болаларни олдиндан сезиб, кўнглини олиб қўйиш керак,— деди Асқар маънодор,— кейин анавига ўхшаб ғиринг-пиринг деб юрмайди ё гапим чакким?

Мирқобил бундоқ ўйлаб қараса, Асқарнинг гапида жон бор. Ҳозир дарс тайёрлашдан кўра Асқарнинг таклифи муҳимроқ туюлди-ю, икки ўртоқ режани тузиб, кўчага чиқишди. Тўппа-тўғри Салимнинг эшигини тақиллатишди. Ҳадеганда ҳеч ким жавоб беравермади, энди кетишмоқчи бўлиб туришганда, Салимнинг синглиси кўчага чиқиб қолди.

— Аканг қани?— деди Мирқобил.

Синглиси бир Асқарга, бир Мирқобилга кўзларини мўлтиратиб қараб турди-да, ичкарига кириб анчадан сўнг акасини бошлаб чиқди. Салим уларни кўрибоқ:

— Ўйнаганими?— деди.— Э, аттанг, ишим кўп!

— Вой тентак-е,— деди Асқар,— биз ҳам сеннигина иш деб келганмиз-да, қани бошла!

Салим ишқомдаги узумларга қоғоз ўраётган экан.

— Бисотингдаги бор эски қоғозларни йиғиштириб кел,— деди Асқар.

Салим оғзи қулоғига етиб бир қучоқ эски газета кўтариб чиқди. Икки ошна уй эгасини тоза ишлатиб, ўзлари ўрикнинг тагидаги соя-салқин жойга ўтириб олиб, қоғозларни йиртиб бериб туришди.

— Товба,— деди Мирқобил кўчага чиқилгач.— Салим ҳам зиқнагина экан, чуғурчуқ бир бошини ер, икки бошини ер, шунга шунча даҳмаза-я.

— Ҳа-ҳа,— деб қўйди Асқар.— Хўш, энди қаёққа борамиз.

Мирқобил эса биров елкасига чангал солаётгандек чўчиб ўртоғига қаради.

— Бугун етар,— деди,— иккита қўлимни кўтаролмайман, борнинг келса ўзинг боравер.

— Қойил-е,— деди Асқар ва ярим йўлда қолиб, Зухраларниқига ўтди. Тунов куни кимдандир, Зухранинг ойна касалхонада ётган экан, дадаси ишдан кеч қайтади деб эшитганди. Уч-тўртта укаси бор, бир ўзи тоза қийналаётгандир, ҳозир Асқар эшикдан кириб борса, роса қувонса керак. Ана шундай ширин-ширин хаёллар билан Зухранинг ҳовлисига кирган эди, Зухра укалари билан аймақи узумнинг тагидаги супачада бамайлихотир ўтирган экан.

— Ке,— деди Зуҳра ўрнидан туриб,— ишинг бормиди?

— Қизиксан-а,— деди Асқар,— иши йўқ одам бировнинг ҳовлисига кирадим, укаларингга овқат қилиб бердингми ё оқдан тиришиб, тишининг кирини сўриб юришиптими?

Зуҳра кулди.

— Нечук суриштириб қолдинг?— деди.— Тўғриси айтавер, масала дафтаримни сўрагани келгансан.

— Нима?— деди Асқар кўзларини катта очиб,— масала дафтарингни пишириб е, масала ишласам ўзимнинг каллам йўқми, мен бирон ёрдамга муҳтожмисан, деб келдим.

Зуҳра унинг кўзларига қараб шубҳаланди-да, ҳазиллашиб:

— Яхши эслатдинг,— деди бирдан,— қўшнимиз Малика холанинг катта тўнкаси бор экан, ҳеч ёролмадим, ўтнин тугай деб қолган экан, дадам ёриб берай десалар, вақтлари йўқ.

— Узи уйдаими?

— Ким?

— Э, ўша Малика холанг-да, ким бўларди!

— Йўқ,— деди Зуҳра,— бир қариндошининг невараси касал экан. Уша ёққа кетган, ана, боғнинг деворидан тушсанг бўлади!

— Юр,— деди Асқар енгини шимариб, деворнинг нураган жойидан Малика холаникига ўтди-ю, қучоққа сиғмайдиган тўнкани кўриб кўзи ғилай бўлиб кетди.

— Катта экан,— деди уёқ-буёғига ўтиб,— тўнка яхши нарса, бир ёрсанг қиши билан ёқиб чиқасан. Ниманинг тўнкаси бу?

— Ёнғоқники,— деди Зуҳра зимдан Асқардан кўз узмай,— бултур қуриб қолди, дадам кесиб бердилар, эссиз, жуда яхши ёнғоқ эди-я.

— Даданг ҳам қизик одам экан,— деди Асқар ҳали ҳам ҳушини йиғолмай,— ёнғоқни кичкиналигида кесганда тўнкаси бунақа бесўнақай бўлмасди, катта болта борми?

Зуҳра уйдан болта олиб чиқди.

— Сен боравер,— деди Асқар,— укаларингга қара, мен буни бирпасда саржин қилиб ташлайман, шунақа бесўнақай тўнка бўлганига ўқиниб юрсин.

Зуҳра ҳазиллашяпти, деб укаларининг олдига кетди-ю, икки-уч девордан мўралади. Асқар енгларини ши-

марди, болтани қўлига олиб, тўнканинг бир уёғидан, бир буёғидан мўлжалга олиб гир-гир айлана бошлади-ю, ниҳоят худди суратга тушаётган одамдай болтани ҳавода кўтарганча туриб қолди.

— Зуҳра!— деди овозининг борича,— бери кел!

Зуҳра девордан қаради.

— Ҳа?

— Шундоқ тўнкани ёриш увол,— деди.— Майли, ўтиним йўқ десанг, бирпасда самовар тараша қилиб юбораман-у, аммо шундоқ тўнкага болта ургани ҳеч кўзим қиймаяпти.

— Бўлмаса нима қилади?— сўради Зуҳра.

Асқар болтани бир чеккага прғитиб:

— Шуни ҳам билмайсанми,— деди,— бунақа асл тўнкадан эҳ-ҳе, қанақа нарсалар ясаш мумкин-а. Қийма тахта хўш, шамшод тароқ, ҳеч эшитганмисан, бувимда бор, айтишларига қараганда, етмиш йилдан бери тутарканлар! Оштахта, эҳ-ҳе, санайверса бунинг саноғи йўқ.

— Майли, қўя қол,— деди Зуҳра.

— Ҳа, энди ўзингга келдинг,— деди ва эшикка қараб йўрғалаб қолди,— оғир бўлса айтавер, уялма, кўмаклашиб тураман, хўпми?

— Хўп,— деди Зуҳра, Асқар кўчага чиқиб олди. «Хайрият-е,— деди ўзига-ўзи,— беодоб қиз, биров сени ҳурмат қилиб иш-пишинг борми, ёрдам берайми деб келса, ҳеч бўлмаса ёлғондан, йўқ, раҳмат, ҳар қанча иш бўлса ўзимдан ортмайди, деб ширин муомала қилиш ўрнига қўшнисининг ҳўкиздай тўнкасини рўпара қилади-я!»

Асқар Равшанларникига келди.

Равшан айвонда ёнбошлаб китоб ўқиётган экан. Секин оёғининг учида ичкари кирди-ю, Равшаннинг тепасига келди. Равшан китобга шу қадар берилиб кетган эдики, сезмади ҳам. Бир маҳал пиқ этиб кулди, кейин ўзини тутолмай хахолаб кула бошлади.

— Ҳой, нима гап болам,— Равшаннинг ойсис ошхонанинг деразасидан бош чиқарди,— тинчликми?

— Ҳа, ойи, тинчлик,— деди Равшан кулгидан ёшланган кўзларини артар экан,— жуда қизиқ китоб экан.

— Вой, шунгами?— деди ва Асқарга кўзи тушиб,— ҳой, Равшан, нега ўртоғингга қарамайсан,— деган эди, Равшан ялт этиб ўғирилди-ю, тепасида турган Асқарни кўриб, секин ўрнидан турди.

— Ке,— деди,— индамайсан-а?

Асқар маънодор илжайди. Айвоннинг четига омонатгина ўтириб:

— Зўр китобми дейман?— деди.

— Зўр ҳам гапми, кулгули китобларни ўлгудек яхши кўраман. Шунақа китобни топиб берган одамдан жонимни ҳам аягим келмайди.

Бу гапдан Асқар ял-ял ёниб:

— Сени суюнтирай деб келдим-да,— деди керилиб,— бир китоб ўқидим, бай-бай, кулавериб ичагим узилди. Яرمىгача ўқидим-у, шартта тўхтатдим, олдингга югурдим.

— Раҳмат,— деди Равшан бирдан Асқарнинг қўлларини маҳкам ушлаб,— ҳақиқий ўртоқ экансан, қани ўша китоб?

— Ўртоқ ҳам гапми,— деди Асқар,— бундан буён соянгман, оғайни, хўп десанг, эртага келтириб бераман. Бунақа китоб дунёда битта, ўқисанг бир ҳафта кулиб юрасан. Ичида шунақа гаплар борки, қай бирини айтиб беришга ҳам ҳайронман.

Бу мақтовлардан кейин Равшаннинг қизқишини ортиб кетиб, ҳеч бўлмаса озгина айтиб бер, деб Асқарни жон-ҳолига қўймади. Аммо Асқар нима дейишини билмай довдираб қолди. Нега десангиз, бундан икки йил илгарини кутубхонадан битта китоб олиб ўқигани эсида. Аммо қанақа китоб, нима тўғрисида, ёдида йўқ. Шунинг учун: «Қўй, мен айтиб берсам қизини қолмайди», деб шуича қилса қани Равшан кўнса.

— Ҳа, майли,— деди-ю, Асқар довдираб қолди:— Бир чолнинг икки ўғли бор экан, тўрт қизи бор экан. Ўша чолнинг тўрт қизи-ю, икки ўғли бор экан шу десанг...

Асқар уёғига гап тополмай қорнини чапгаллаганча ёлғондакамига хахолай бошлади. Равшан ҳайрон эди, нимаси кулги экан, Асқар ёлғондакам ёшлаган кўзини кафти билан арта-арта:

— Йўқ, бўлди, уёғини айтиб беролмайман,— дея ўрнидан турди,— уёғи шунақа кулгилики, мана кўрасан, эртага олиб келай, кечаси билан кулиб чиқасан!

Асқар амаллаб кўчага чиқиб олди-ю, пешанасига бир урди. Ҳамма айб ўзида, ўқимаган китобини мақтаб нима кераги бор эди, энди кулгили китобни Равшанга қаердан топиб беради, топиб бермаса Равшан ҳаммининг ичида ёлғончи экансан, деб расво қилиши турган

гап, борди-ю, синфкомликка сайланса-чи, ана холос, бунақа болани алдаб бўлармиди.

Асқар ярим кечагача уйқуси келмади. Синфкомликка ким сайланаркин? Буни қаранг тушига ҳам шу кибриди: ҳамма бирдан синфкомликка Равшанни таклиф қилган экан, эски синфком даст ўрнидан туриб:

— Йўқ,— дебди,— бу гал синфкомликка энг яхши болани сайлаймиз, Малика холанинг тўнкасини ёриб берган, Салимларнинг узумини қоғоз билан ўрашган, Равшанга кулгили китоб топиб берган Асқарни сайлайлик!

Бу гапдан шов-шув кўтарилди.

— Бўлмаган гап,— дебди Зуҳра,— Асқар тўнка ёриб бергани йўқ!

— Ёлғон,— деб гапга аралашибди Салим,— Асқар узум боғлашаман деб ўртоғи билан ярим ишком узумни еб кетди.

— Мени ҳам алдаган,— деб шов-шувга қўшилибди Равшан.

Асқар бундоқ қараса, ҳамма кўзини узмай қараб турганмиш. Секин орқасига тисарила-тисарила ойнадан ҳовлига сакраб тушиб қочмоқчи бўлган экан, қараса, иккала оёғи йўқ бўлиб қолганмиш! Асқар қора терга ботиб уйғонганда кун ёришиб қолган эди. Апил-тапил кийиниб, чойини ичди-ю, папкани силкитиб мактабга жўнади. Кўнгли кечагидан баттар гаш эди: олтинчи «А»нинг синфкомлигига қайси болани сайлашаркин-а!

КИНОГА ОЛЯПМАН

Равшан билан Мунира икки ошнани оталиққа олиб тоза пушаймон бўлишди. Нега десангиз, улар мулойим, мўмин-қобил кўринганлари билан, эҳ-ҳа, ўтакетган дапгаса-ю, ғирт ёлғончи экан, Равшан икковининг ҳам уйига борди. Вақтларинг бекор ўтмасин деб роса гапирди. На униси қулоқ солди, на буниси. Мунира икки ошнани йўлга соламан деб, ҳолдан тойди, бари бир ҳеч натижа чиқара олмади. Бу ҳам майли-я, икки ошна бирор боланинг дилини оғритишса ё битта-яримтанинг кўнглига озор беришса, ўша жабрланган одам дарров: «Анови икки дангасага айтиб қўйларинг, бу нима қилгани», деб Равшан билан Мунирага дакки берадиган бўлди. Бир куни ўқитувчи ҳам: «Баракалла, икки киши бўлатуриб, шуларни йўлга сололмадиларинг-ми?» деб таъна қилди. Хуллас, Равшан билан Мунира бир куни нима қилиш-

ларини билмай бошлари қотиб, дангасаларни оталикка олганликларидан минг-минг пушаймон еб дарсдан кейин мактабдан чиқиб кетишаётган эди. Малика холага дуч келишди. Малика холанинг гапидан, улар ялқов деб юрган икки ошна кўчада ҳам тинч юришмас экан. Яқинда кампир боғдаги қуриган шох-шаббаларни кертиб қўйган экан. Икки ошна ҳовлида ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, шох-шаббаларни ёқиб юборишибди.

— Шу ишми-а, болам?— деди кампир,— бир домласига айтиб таъзирини берай деб кирган эдим-у, сизларни кўриб аҳдимдан қайтдим. Айтинглар, бунақа қилишмасин!

Шу куни Равшан билан Мунира қатъий бир қарорга келишди. Болаларни бир боплаб таъзирларини бериш керак! Уларни меҳнатни қадрлашга ўргатиш керак. Ҳамма гап шунда!

— Хўш, қандай қилиб?— деди Мунира.

— Бўпти!— деди Равшан ва ўйлаб қўйган режасини Мунирага айтган эди, Мунира кулавериб кўзларидан ёш чиқиб кетди.

— Жуда соз!— деди Мунира.— Эртага дам олиш куни-а? Эртадан бошлаймиз!

...Равшан эртасига Мирқобил билан Асқарни Малика холаникига бошлаб келди. Мирқобил ҳам, Асқар ҳам Равшаннинг ниятига тушунолмаётган эди.

— Гап бундоқ, болалар,— деди Равшан,— тарихда қилишни истайсизларми? Ҳаммаёққа номларинг ёйилишни хоҳлайсизларми? Бўпти десанглар, мен нима десам, сизнинг демай қиласизлар.

— Майли,— деди Асқар бўшашиб ва шеригига қаради. Шериги эса унча ёқинқирамай,

— Узинг биласан, Равшан,— деди— биз сенинг оталигингдаги одамлармиз. Нима десанг шуни қилаверамиз!

Равшан Малика холани ҳайратда қолдириб, боғнинг бурчагида ётган бесўнақай тўнкани думалатиб ҳовлининг ўртасига келтирди.

— Ма!— деди Асқарга болта узатиб,— сен бошла.

— Нимани?

— Манавини ёрасан,— деди Равшан,— ҳадемай кино тўгарагидан одам келади, сенларни тоза меҳнатсевар болалар экан, деб кинога олиб кетади.

— Кинога тушамизми?— деди Асқар шеригига қараб.— Нима дейсан?

— Нима дердим?— деди Мирқобил бўшашиб.— Бошлиғимиз Равшан. Равшанки бизларни кинога тушларинг деяётган экан, албатта тушамизда.

— Майли,— деди Асқар болтани Мирқобилга уза-тиб,— ма, бошла!

Болтани олишга олиб қўйди-ю, Мирқобилнинг кўзла-ри олайиб кетди. Энди гап қайтармоқчи бўлиб турган эди, кўча эшик қарсиллаб очилди. Остонада Мунира пайдо бўлди. Қўлида тўгаракнинг кино оладиган аппа-рати, кўриниши жиддий эди. Мунира болаларни кўрар-кўрмас:

— Тўхта!— деди ва аппаратни уларга тўғрилади,— ҳозир суратга оламан, қойил! «Синфимизнинг икки аза-мат ўқувчиси дам олиш кунини Малика холага ёрдам беряпти!» Қалай, бошланиши маъқул-а?

— Жуда соз,— деди Равшан хурсанд бўлиб,— кўра-сан, Мунира, сен олган кино шаҳардаги ҳамма мактаб-ни айланиб чиқади.

Асқар тушунмади.

— Нима-нима?

Мунира шоша-пиша гапира кетди.

— Ўқувчилар дам олиш кунини кимларга ёрдам беряп-ти, деган кино оляпмиз,— деди,— тушундиларингми, кеча Равшан: «Асқар билан Мирқобил Малика холанинг тўнкасини ёриб бермоқчи», деган эди, бошлиғимиз дар-ров мени буёққа жўнатди.

— Мана, кўрасизлар,— деди Равшан,— ишимиз ўнги-дан келса борми, эҳ-ҳе, номларинг ҳаммаёққа тарқаб, бутун ўқувчиларга намуна бўласизлар!

— Биз-а?— деди Мирқобил.

— Ҳа, сенлар-да,— деди Мунира,— ким бўларди, бўл, тўнка ёрадиган бўлсанг, ёр, бўлмаса кетаман шошиб турибман.

Мирқобил билан Асқар бўлаётган нарсаларга ҳеч ишонмай шубҳа билан дам Равшанга, дам Мунирага қарашарди. Муниранинг эса сабри чидамай:

— Нима, бир-биримизга қараб тураверамизми?— деди.— Ё истамайсизларми, ундай бўлса мен, кет-дим.

Мунира кўча эшикка юрди. Икки ошна эс-ҳушларини йиғиб, унинг кетидан югуришди-ю, йўлини тўсишди.

— Тўхта!— деди Асқар.

— Бу қанақаси?— деди Мирқобил.— Биз «намуна» бўлайлик деб, оддих кунини ўлиб-қутулиб бировнинг тўн-

касини ёриб юрибмиз-у, бошқа болани суратга оласанми?

— Йўқ,— деди Асқар,— олсанг бизни оласан!

— Ҳа!— деди Мирқобил.

Мунира бир унга, бир бунга қараб орқага қайтди. Равшан ҳам ялиниб-ёлвориб «икки ўртоқни кинога ол», деб қистагандан сўнг, Мунира «кўнган» бўлди.

— Майли, аммо тез бўлинглар, вақтим зиқ.

— Ҳа, бу бўлак гап,— деди Асқар,— Мирқобил тўнка ёрсин, мен тепасида кўрсатиб турай.

Мирқобилнинг кўзи олайиб кетди.

— Нима, нима?

— Э, тентак,— деди Асқар,— бир одам ёрса, иккинчи одам кўрсатиб туриши керак, шунда тўнка ёриш осон бўлади!

Мирқобил ўйланиб қолди. Сўнг хўрсинди-да:

— Майли, битта тўнка экан,— деди — баҳридан ўтдим. Асқар намуна бўлиб суратга туша қолсин, эсиз, яна битта бўлганда, ким тез ёришга ўйнаб, иккаламиз ҳам кинога тушган бўлардик.

Равшан бу гапдан қувониб, боғ этагидаги иккинчи тўнкани ҳам думалатиб келди. Иккала ўртоқ ҳайрат билан бир-бирларига қараб қолишди. Мунира эса сабр-сизлик билан:

— Ана, тўнка иккита бўлди,— деди,— қани, ишни бошлаларинг, икковингни баравар суратга оламан.

Икки ўртоқ ноилож икки болтани қўлларига олиб, бирин-кетин тўнкага уришди. Мунира болаларнинг дам у томонига, дам бу томонига ўтиб, аппаратни тўғрилаш билан овора эди. Асқар билан Мирқобил ҳаллослаб тўнка ёраркан, Мунирага кўз қирини ташлаб қўйишарди.

— Ҳой,— деди ниҳоят Асқар,— бўлдимми?

— Э, энди аппаратимнинг фокусини тўғриладим-ку, бўлдимми дейди-я!

Мирқобил ишдан тўхтаб, бош кўтарди.

— Нима, ҳали олганинг йўқми?

— Йўқ.

— Қойил-е,— деди Мирқобил ва белини ушлади. Мунира эса аппаратни Мирқобилга тўғрилаб:

— И-е, қимирлама, сени шу ҳолатда ҳам суратга олиб қўяй, керак бўлади,— деган эди. Мирқобил жонҳолатда қўлига болта олди. Асқар ишдан тўхтаб, чўққайиб дам олаётган эди, Мунира унга ўгирилиши билан

Асқар сакраб туриб тўнкага ёпишди. Хуллас, Асқар дам оламан деса унга, Мирқобил белини ушлаб туриб қолса, Мирқобилга аппаратни тўғрилайвериб Мунира икковининг кўзини очирмади.

— Бўлдимми?— деди Асқар.

Мирқобил эса йиғламоқдан бери бўлиб:

— Э, суратга олмасанг олмай қўя қол,— деди,— фақат анави аппаратингни менга тўғриламасанг бас!

Бу гапдан шеригининг ранги ўчиб:

— Ҳа?— деди овозининг борича.— Сенга тўғрилама-са менга тўғриласинми?

Охири икки тўнка тўрт бўлакка бўлинди-ю, икки ошна бирпас дам олгани тўхташди. Мунира ичида: «Майли, иш қилиб ўрганмаган болалар, пича дам олиша қолсин», деди.

— Яхши,— деди бир оздан сўнг,— энди сизларни алоҳида-алоҳида катта планда оламан!

Бу гапдан икки ўртоқ чўчиб тушди. Асқар эса:

— Нима, нима?— деди Муниранинг тепасига келиб. Мунира Равшанга ўгирилди:

— Ҳой, Равшан, буларга тушунтир.

Равшан шоша-пиша икки ўртоққа тушунтира бошлади.

— Э, кино кўрганмисизлар, қаҳрамоннинг башараси, ё кўзи, ё пешанаси бутун экранда кўринса, ўшани катта план дейди.

— Шундай демайсанми,— деди илжайиб Асқар ва Мунирага ўгирилди,— майли, пешанамни ола қол.

Мунира аппаратни тўғрилади-ю, қани бўл, дегандек Асқарга қаради. Асқар ҳеч нарсага тушунмай кўзларини катта-катта очганча ўртада ғўдайиб турарди.

— Бошла!

— Нимани?

— Э, қўлингга болтани ол, ишни бошла!— деди Мунира.

— Ҳой қиз,— деди бирдан ўдағайлаб Асқар,— пешанамни суратга олсанг, болтани нима қиламан?

— Уф-фф,— деб юборди Мунира ва Равшанга ўгирилди.— Ҳой, Равшан, буларга тушунтир.

Равшан икки ўртоқнинг тирсагидан ушлаб, мулойимлик билан тушунтира бошлади.

— Э, қанақасизлар, қуруқ пешаналарингни бошига урадими Мунира! Мунира завқли меҳнат жараёнида, тушуняпсанми, меҳнат жараёнида пешаналарингда пай-

до бўлган тер томчиларини кўрсатиш учун катта планда суратга олмоқчи. Бу кинони энг кульминацион чўққиси, яъни, нима десам экан...

— Ке, Мунира,— деди Асқар юраги шувиллаб,— мен кичикроқ планда туша қолай.

Мирқобил ҳам бир чеккага ўтириб олди.

— Мени ҳам кичикроқ планда ола қол.

— Нега?

— Негаки...— деди гап чайнаб Мирқобил,— негаки, бу тўнкани ёраверсак, ёраверсак, гугурт чўпи қилиб юборамиз-ку, ахир Малика холага жабр бўлади-ку.

— Э, нима деяпсан,— деди Мунира,— нега жабр бўларкан, самовар тараша қилиб берасанлар. Қани, бўларинг, вақтим йўқ.

Аммо иккала ўртоқ эшикни мўлжаллаб туришган эди. Равшан иккаловининг пешанасига тикила-тикила бош чайқади.

— Э, аттанг, аттанг,— деди Асқарга,— пешанангга энди бир томчи тер чиққан экан-а!

Асқар ҳовлиқиб ўрнидан турди ва қўли билан пешанасини ушлаб кўрмоқчи эди, Мунира тўхтатди.

— И-и-и, тегма, кўпайсин, кейин суратга оламан!

— Менда-чи?— деди ҳовлиқиб Мирқобил.

— Сендами?— деди Равшан Мирқобилнинг пешанасига узоқ тикилиб,— бир эмас, иккита.

— Бўл,— деди Мирқобил,— дарров суратга ол!

— Ие-ие,— деди Мунира,— тер деган ҳар бири нўхатдек-нўхатдек бўлиб пешанангдан чак-чак томиб туриши керак. Роса ўн беш томчи бўлганда суратга оламан, ке, фирромлик қилма, кинони кульминацион чўққиси ҳал бўляпти-я!

Мирқобил ўйлаб қолди-ю, секин қўлига болтани олди.

— Гапингда турасанми?

— Бўлмаса-чи!— деди Мунира хурсанд бўлиб ва аппаратни Мирқобилга тўғрилади. Асқар ҳам шеригидан орқада қолгиси келмай тўнкага ёпишди. Равшан эса бекор турмай уларнинг пешанасида пайдо бўлган тер томчиларини санаб турди. Бир маҳал Мирқобил қизариб-бўзариб бошини кўтарди.

— Қара, Равшан, нечта бўпти?

— Бир, икки, тўрт, олтита!— деди Равшан,— бўшашма, оз қолди.

— Менда-чи?— деди ҳаллослаб Асқар.

Равшан уникини санаб чиққан эди, роппа-роса тўқ-қизта бўпти. Икки дангасанинг пешанасида ўн беш дана тер томчиси пайдо бўлиши билан Мунира уларни суратга ола бошлади. Суратга олди-ю, бирдан бўшашиб туриб қолди. Кўзларини катта-катта очиб:

— Э, аттанг,— деб юборди,— боя келаётганимда аппаратга лента солиш эсимдан чиққан экан, мен фирр этиб бориб келаман.

Мунира физиллаб кўчага чиқиб кетди. Икки ўртоқ ҳангу манг бўлиб туриб қолишди. Кейин жанжал кўтаришган эди. Равшан уларни тинчитди.

— Хўш, нима бўпти? Қайтага яхши! Биласанларми, бу репетиция бўлди,— деди.

Икки ўртоқ репетиция нималигига тушунишди-ю, аммо ҳақиқий кинога олиш қанақа бўлишини ўйлаб юраклари шувиллаганча ўтириб қолишди. Равшан эса уларга Мунира олмоқчи бўлган кинонинг мазмунини гапириб берди. Кўп ўтмай Муниранинг ўзи остонада пайдо бўлди.

Икки ўртоқ репетициядан кейин ҳақиқий кинога тушиш учун беихтиёр қўлларига болта олишди.

Мунира аппаратни уларга тўғрилади.

— Бошла!— деди.— Кинога оляпман, кинога!

ҚОРБОНИНГ ТОПШИРИҒИ

Турди билан Асқар арча байрамидан қайтиб келишарди: икковлари хурсанд, кайфлари чоғ, қўлтиқларида қорбобонинг шилдироқ пакетга солиб берган совға-саломни. Таассуротлар шу қадар кўпки, бир-бирларига гал бермай гапиришгани-гапиришган. Айниқса, қорбобо зўр экан, қорқиз Турдига ҳам, Асқарга ҳам унча ёқмади. Ўзлари билан ўқийдиган ўша қақилдоқ Салима экан.

— Товба,— деди Турди,— бошқа қиз қуриб қолган эканми?

— Шуни айт,— деди Асқар,— менимча паканалиги учун қорқизни ўйнатишган.

Аммо қорбобо эҳ-ҳе, бунақаси шаҳарда битта бўлса керак. Овози бир оз танишдай туюлди-ю, аммо кимлигини билишолмади, театрдан чақирилган артистмикин, шуниси қизиқ эдики, қорбобо Турди билан Асқарни яхшигина танир экан. Вой-ей, ораларидан қил ўтмаслигидан тортиб, кейинги пайтларда адабиётдан баҳоларини яхшилаб олганликларигача хабардор экан. Арча агро-

фидаги болаларни шў қадар кулдирдики, Турди билан Асқарнинг ичаги узилаёзди. Ҳар ҳангомаларни гапирди дегн, бунақасини Турди ҳам, Асқар ҳам умрларида эшитмаган эди. Аммо ўйин-кулги билан ўтаётган арча байрами охирлаб қолганда, икки ўртоқнинг қувончи бирдан ташвишга айланди, нега десангиз қорбобо бир маҳал шундоқ Турди билан Асқарнинг олдига келиб:

— Афт-ангорингиздан тузуккина болага ўхшайсиз-у, аммо баъзи қилиқларингиз менга ёқмади,— деб қолди.

— Қайси қилиғимиз, қорбобо?— Турди ҳайрон бўлди.

Қорбобо тиш чёткага ўхшаш қошларини ғалати чимириб, панжалари билан узун оппоқ соқолини тараб, ҳаммага бир-бир қараб чиққач:

— Хўш!— деди чўзиб,— кеча нима қилдинглар?

Икки ўртоқ шошиб қолишди.

— Нима қилибмиз қорбобо, нима қилибмиз?

— Э-э, сенлардан сўраяпман,— деди қорбобо қўлидаги кетмон дастасидек ҳассани полга тақиллатиб уриб,— сенлар жавоб беринглар, мени сўроқ қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ, мен Қорбобоман!

— Хўп, қорбобо, хўп, қорбобо,— деди Турди,— кеча... кеча яхмалак учдик.

— Ундан кейин-чи?

— Кино кўрдик,— деди Асқар.

— Қанақа кино экан?

Бу савол икки ошнани булбулигўё қилиб юборди-ю, ҳамманинг олдида жуда билағонлик қилгилари келиб, бир-бирларига гал бермай кинони таърифлашга тушиб кетишди.

— Зўр!— деди Турди.

— Зўр ҳам гапми,— деди Асқар шеригининг гапини маъқуллаб.

— Одамгарчилиг-у, меҳрибончилик қанақа бўлишини ўша кинодан ўрганиш керак экан.

— Рост, кинони кўрган ҳар қанақа тош юрак ҳам эриб, сув бўлиб оқиб кетади.

— Баракалла,— деди қорбобо ва икки ошнани таъриф-тавсифидан кўп мамнун бўлиб, елкаларига биттадан уриб, эркалаб қўйган бўлди.— Хўш, ана шундоқ кинони кўргандан кейин сизлар кимга яхшилиг-у, кимга ёмонлик қилдинглар?

— Ие, қорбобо,— деди Турди бўш келмай,— бировга ёмонлик қилиб жинни бўпмизми?! Биз ҳам бир яхшилик

қилайлик, деб кўчага югуриб чиқсак, кўчада ҳеч ким йўқ экан.

— Буни қаранг-а,— деди қорбобо соқолини серкиллатиб, ҳахолаб кулди, шунда унинг чап томондаги ўғри тиши кўриниб кетди-ю, Турдиннинг юрагида шубҳа уйғонди,— ҳеч ким йўқ эканми?

— Ҳа, қорбобо,— дейишди икки ошна.

— Анови боғчадан қайтиб келаётган икки қизча-чи?

Бу савол ҳам икки ошнани довдиратиб қўймади, аксинча кўпиртириб юборди.

— Уларга яхшилик қилган бўлмасак ҳам, аммо одамгарчилик нималигини ўргатдик.

— Э, баракалла,— деб юборди қорбобо,— қани, қани, залдаги болаларга айтиб беринглар-чи, қани, қани!

Бу гал Турди билан Асқар ҳазилакам эсанкираб қолишмади. Улар қорбободан бунақа таклифни сира-сира кутишмаган эди. Дарҳақиқат кеча икковлари кинодан жуда таъсирланиб кетиб, ченани судраб кўчага чиқишган эди, буни қаранг, кўчада ҳеч ким кўринмаса, товба, тоғара-тоғара нарса билан илқиллаб-силқиллаб тўй-ҳашамга борувчи кампирлар унча-мунча ўтиб турувчи эди, бугун улар ҳам йўқ.

— Э-э, бунақа ҳавода қайси кампир иссиққина уйдан чиққиси келади,— деди Турди,— чиқса йўл ёмон, тойиб кетади!

— Оҳ-оҳ,— деб юборди Асқар,— оёғидан мен, қўлтиғидан сен кўтарардиг-у, дарров ченага ўтқизиб касалхонага олиб борардик.

Турди олайиб қаради:

— Мен қўлтиғидан-у, сен оёғиданми?

— Ҳа, сен қўлтиғидан-у, мен оёғидан!

— Бекор айтибсан, яхшилик қилсак баб-баравар қилайлик.

— Ие-ие, мен айтган нарсани нимаси «баб-баравар эмас» экан, хўш?

— Қўлтиғидан кўтарган тентак оёғини ҳам судраб кетаверади,— деди Турди,— кинодаги гапга тушунмапсан.

— Мен-а?!

— Ҳа, сен, фирромлик қилма, бир қўлидан сен-у, бир қўлидан мен судрайман.

— Нима-нима,— деди Асқар қизишиб,— хўш, қани айтчи, судрамоқчи бўлган одамнинг ким, хўш?

Турди ўртоғининг гапига унча тушунмаган бўлса ҳам, елкасини қисиб:

— Ким бўларди,— деди гулдираб,— бирорта чол, ё кампир-да!

— Демак бировнинг бувиси ё буваси, шундайми,— деди Асқар.

— Шундай!

— Суф сенга,— деб юборди Асқар,— тентак, бировнинг жондан азиз буважони ченамики, индамай судраб кетасан ошна, сенда одамга нисбатан ҳурмат йўқ экан. Ўзарлик қилмасанг бечоранинг қўлтиғидан сен-у, оёғидан мен кўтариб, дарров ченага ўтказиб, касалхонага элтиб қўйган бўлардик, йўқ ошна, кинога сен тушунмапсан.

— Мен-а?— деди Турди Асқар томон бир қадам ташлаб.

Энди жанжал бошланай деганда кўчанинг бошида иккига қизалоқ кўринди. Ҳали бировга қилинмаган яхшиликни талашаётган икки ошна дарров эс-ҳушларини йиғиб олишди, қизалоқлар афтидан, ҳозиргина арча байрамидан чиқишган бўлса керак, икковининг қўлида шилдироқ қоғоздан тикилган халтача, халтачанинг ичи тўла ҳар хил нарса, печенье конфет, биттадан мандарин ҳам бор эди. Турди тамшанди, Асқарнинг оғзини суви келди.

— Мандарин еганга яраша биратўла ўнта есанг.

— Ҳа-я!— деди Турди қулт этиб ютишиб,— биттани единг нима-ю, емадинг нима. Эртага арчадан чиққанда ўзимни мандаринимни битта-яримтага бериб, бир яхшилик қилай?!

— Шундай қил,— Асқар унинг гапини маъқуллади,— бировга берсанг ўла-ўлгунча сени эслаб юради.

— Мана кўрасан, худди шундай қиламан,— деди Турди шу топда жуда одамгарчилиги тутиб кетиб,— лекин ановилар яхшилик нималигини билармикин!

— Ие, ҳой, қизиқсан-а!— деди Асқар,— билмаса ўргатиш керак, сен билан мен ўргатмасак бақа теракка ўхшаб гўдайиб ўсаверади-да, одамгарчилик нималигини ўргатиш ҳам яхшиликка киради, нима дединг?

— Қойил!— деди Турди хурсанд бўлиб ва қизалоқларни имлаб чақирди. Қизлар боядан бери битта-яримта ўтиб қолса яхшилик қилайлик деб, куннинг совуғига қарамай кўчада ўтирган икки боланинг пиятидан беҳабар бўлишса керак, олазарак бўлиб қолишди. Яқинлашгани

чўчиб, бир-бирларига қарашди. Кичикроғи анча пишиққинна экан, совғасини дарров пальтосининг ичига яширди. Каттароғи эса бир болаларга, бир қўлидаги пакетга қараб, бирдан қочмоқчи бўлиб шайланган эди, ченани кўриб ниятидан қайтди. Бу бегона бола нега имляпти, балки ченага ўтқизиб, уйига олиб бориб қўймоқчиминки!

— Яхшилик нима?— деди Турди дабдурустан. Икки қизча бу кутилмаган саволдан киприк қоқмай туриб қолишди. Ҳа, деганда биронтасидан садо чиқавермагач, Турди қизалоқларга яқинлашди:

— Яхшиликни биласанларми?

Қизлар қўрқа-писа:

— Йўқ,— дейишди баб-баравар,— боғчамизда бунақа бола йўқ.

Турди қорнини, Асқар бошнини чангаллаб чунонап кулди, чунонап кулди, боя совғасини пальтосига яширган пишиққинаси бу гал ҳам пишиқлик қилиб, дарров эс-ҳушини йиғиб олди-ю, орқасига бир қадам ташлаган эди, Турди қўлидан маҳкам ушлади.

— Қаёққа?

Турди билан Асқар иккала қизалоқни турғизиб қўйиб, роса ўн беш минут гапиришди. Боя кўрган киноларидан мисоллар келтириб ташлашди, охири иккала қизалоқ бу болаларнинг мақсадини англагандай бўлишди-ю, бир оз чиройлари очилди. Уларнинг гапидан қизалоқларга шу нарса маълум бўлдики, яхшилик, одамгарчилик деган сўзнинг маъносига етиб, маъзини чақа олган боланинг иши доим беш экан. Ҳамма ҳурмат қилар экан. Битта эмас, бирданига иккита морожний еяр экан. Катта бўлиб мактабга борса, дарс тайёрламаса ҳам, кундалиги нуқул аъло баҳога тўлиб юраркан. Қисқаси, яхшиликни билган кишини ҳамма бошига қўяркан, ана шуниси қизларни ҳайратда қолдирган эди. Иккала қизалоқ ҳам дадаларининг елкаларига миниб, байрамда қизил майдондан ўтишган, аммо бирортасини шу маҳалгача ҳеч ким бошига қўйиб юрмаган эди. Бировни бошида ўтириш қанақа бўларкин-а? Бунақа мўмин-қобил, бунақа дарров гапга кўна қоладиган қизалоқларни Турди билан Асқар биринчи кўришлари эди, яхшилиги-у, одамгарчилик тўғрисидаги ҳамма билган-топганларини айтиб бўлиб, мақсадга ўтишди.

— Мана мисол учун олайлик,— деди Турди олдидаги пишиққина қизнинг қўйнидан пакетни суғуриб,—

сен шу битта мандаринни «енг» деб Асқар акаигга тут-қаздинг, хўш, оппоқ қиз, юрагингда нима сезяпсан, хўш, ачинапсанми, ё суюняпсанми?

Асқар мандариннинг пўстини арчишдан аввал у ёқ-бу ёғнага қараб ҳидлади кўзларини сузиб «бай-бай» деб бош чайқаб қўйди. Қизчанинг ранги ўчди. Кўзларига филт этиб ёш келиб:

— Беринг!— деди.

Турди елкасидан силкитиб:

— Ҳой, тентак,— деди,— одам берган парсани ҳам қайтариб оладими? Юрагингдагини гапир, суюняпсанми, ачинапсанми?

— Вой, ачишиб кетяпман,— деди қизча уввос солиб.

— Бекор айтибсан,— деди Турди қизчанинг эс-ҳушини жойига келтириб қўймоқчи бўлиб елкасидан уч-тўри силкиб,— ачинаётганинг йўқ, юрагингга яхшилаб қулоқ сол, суюниб кетяпсан!

— Шунча гапдан кейин суюнишинг керак!— деди Асқар оғзини тўлатиб мандарин чайнар экан. Қизча унинг қўлидаги бир қисим пўчоқни кўриб, жим бўлиб қолди. Турди бир чеккада жавдираб турган иккинчи қизалоққа қараб:

— Сен-чи?!— деган эди ўшқириб, қизалоқ дағ-дағ титраб пакетигаги мандаринни олиб, Турдига бера қолди.

— Вой, бирам суюниб кетяпман-ей!— деди шошиб,— Турди мандаринни олди, икки ямлаб бир ютди-ю, Асқарга ўгирилди.

— Демак, бу қиз ақллироқ экан, телевизорни кўпроқ кўрса керак,— деб қўйди. Қизалоқлар мандариндан айрилгач, бўлар иш бўлди, энди «одамларнинг бошида ўтириш» қабақа бўлишини кўрайлик, деб ўзларини бир-бирларидан «ақллироқ» кўрсатиш пайига тушиб кетишди. Турди бир йиқилиб оёғи «синган» бўлди, икки қизалоқ Турдини араб кўтаришди, ченага ўтқизишди, кўчанинг бошига беш марта олиб бориб келишди. Асқар ҳам қорга думалаб, «қўлини майиб» қилди ва ченага ўтирди. Хуллас, икки ошна дам қўли, дам оёғи «синиб» тоза «маза» қилишди. Қизлар ҳам чакана эмас экан, Асқар билан Турдини:

— Хўш, чарчаганларинг йўқми?— деб берган саволларига:

— Йўғ-е, қайтага хурсанд бўлиб кетяпмиз,— деб жавоб қайтариб туришди.

Шу пайт кўчадан синфдошлари Мунира билан Салима ўтиб қолди. Улиб-қутулиб чена тортаётган қизалоқларни кўришди-ю, тўхташди.

— Сўқимдай-сўқимдай бўлатуриб, ёш болаларга чена тортиргани уялмайсанларми,— деди Мунира,— ундан кўра мен билан юринглар!

— Қаёққа?

— Кейин биласизлар,— деди Мунира билан Салима ва шипиллаб кета бошлашди. Турди билан Асқар ажабланиб бир-бирига қараб туришди, кейин уларга эргашишди. Аммо «одамнинг бошида ўтириш» қанақа бўлишни билолмай доғда қолган қизалоқлар ҳам бўш келмай дарров икковининг йўлини тўсди.

— Мандаринни қайтариб беринглар!

Турди билан Асқар шунча овутишса ҳам, қани қизлар кўнишса. Пишиқроғи ҳатто овозини баланд қилиб йиғлай бошлади. Асқар миёг-миёг афсус билан «барибир ақлларинг йўқ экан», деб қўйди. Турди мандаринни ўздан кўра, ҳиди яхши бўлади, деб сочилиб ётган пўчоқларни йиғиб, иккаласига бўлиб берди-ю, жуфтакни уриб қолишди. Югура-югура, ахийри Мунира билан Салимага етиб олишди. Кўчанинг бошида Сайфиддин деган синфдошлари турарди. Буни қаранг, уларнинг уйига саксовул тушган экан. Қизлар Турди билан Асқарни ана шуни ташигани бошлаб келган экан.

— Қойил-е,— деди Турди,— шу топда саксовул ташиб зарил кептими!

— Юр, кетдик,— деди Асқар,— ўтинни ёзда олиш керак.

Икки ошна орқага қайтаркан, Мунира билан Салима озгина ёрдам беринглар деб тоза ялинишди. Аммо Турди ҳам, Асқар ҳам парво қилмай жўнаб қолишди. Жўнаганлари ҳам яхши бўлган экан, кеча кўчанинг ўртасига сув селиб қўйишган эди, шунақа музлабдики, худди спорт саройидаги яхнинг ўзи дейсиз!..

... — Хў-ўш!— деди қорбобо жаҳл билан қўлидаги ҳассани ерга уриб,— нега миқ этмайсизлар, ё тилларинг танглайингга ёпишиб қолганми?

Қорбобонинг дўқидан икки ошна қочгани жой тополмай довдирай-довдирай ҳаммасини айтиб беришди. Ёлғиз ўзлари бўлишса ҳам майли-я, залда шу қадар бола кўп эдики, ҳаммаси хахолаб кулди. Қорбобо эса яна панжалари билан узун оппоқ соқолини тараб:

— Яхши иш бўлмапти,— деди бош чайқаб,— мана

тўртта совға, иккитаси сизларга бўлсин, қолган иккитасини ўша боғча қизларига элтиб беринглар-у, дарров Сайфидан хабар олинглар!

Турди шеригига қаради, шериги Турдига қаради, икковидан садо чиқмади. Бу гал қорбобо яна жаҳли чиқиб, қўлидаги ҳассани полга шунақа урдикки, икки ўртоқ сакраб тушди.

— Хўп бўлади, қорбобо,— дейишди,— хўп бўлади.

— Ҳа, бу бўлак гап!— деди қорбобо жаҳлидан тушиб. Икки ошна қутулдик деб совғаларини қўлтиққа уриб, залдан чиқиб кетишаётган эди, қорбобо уларни яна тўхтатди.

— Ҳар аҳтимолга қарши ваъдаларингизни олиб қўйсам,— деди қорбобо,— ким билади, эшикдан чиқиб яна ўйинқароқлик қиласизлар-у, топшириқни унутиб қўясизларми?

— Йўғ-е, қорбобо,— деди Турди икки кўзини эшикдан узмай,— ўлибмизми, айтдикми, қиламиз!

— Чин сўзми?

— Бўлмаса-чи,— деди Асқар, тезроқ қутулиш мақсадда,— чин пионерлик сўзи!

— Баракалла,— деб юборди қорбобо хурсанд бўлиб,— энди ишондим, ҳой, болалар сизлар ҳам эшитдингиз-а?

— Ҳа эшитдик,— дейишди залдаги болалар чуғиллашиб.

Турди билан Асқар ўқдай отилиб ташқарига чиқишди-ю, бирпас бўлса ҳам залдаги ташвишни унутишди. Қўлтиқларидаги пакетни титиб биттадан мандарин олишди, ҳафсала билан пўстини артиб, пўчоғини ҳидлай-ҳидлай чўнтакка солиб қўйишди. Мана энди оғзиларини мандаринга тўлдириб мундоқ ўйлаб кўришса, сўз бериб чакки қилишган экан. Қорбобо эрта-индин кетадиган одам, уч-тўрт кун кўзига кўринмай юришса, балки икки ошнани эсидан ҳам чиқариб юборар. Аммо болалар-чи, ёлғончи экансизлар, деб кейинчалик калака қилиб юришмасмикин?!

— Расво бўлдик,— деди Турди.

— Асли боя тўхтатганда гапига қулоқ солмай чиқиб кетаверсак бўларкан,— деди Асқар,— мен чиқиб кетган эдим-а, сен тўхтаб қолдинг!

— Мен-а?

— Ҳа, сен.

— Бекор айтибсан,— деди Турди,— сен тўхтаб қолдинг.

— Мен-а?!— деди Асқар,— бекоргинани сен айтибсан.

Икки ўртоқ тоза олишиб, яна бундоқ ўйлаб кўришса, энди қорбобога берган ваъдани бажармай ҳеч иложи йўқ экан. Иккита совғани қўлтиқлаб, тўппа-тўғри боғчага боришди.

— Ташлаб чиқ,— деди Турди.

— Бор-е,— деди Асқар,— иккови кўра солиб дод солса-я!

— Э, нега дод солади!— деди Турди,— сен ташлаб чиқ, дод солса кўча эшикни очиб тураман, липпа қочасан!

Икки ўртоқ тортиша-тортиша ичкарига баравар керишадиган бўлишди. Эшикни очиб, бошларини суқинса, қаранг-а, худди кечаги иккита қизалоқ кўчага чиқиб келаётган экан. Пишиқроғи дарров эс-хушини йиғиб, орқага қочди. Шериги ҳам унинг кетидан югурмоқчи эди. Турди қўлидан маҳкам ушлади.

— Вой, суюниб кетяпман,— деди йиғламсираб,— қўйиб юборинг!

Шу пайт олисда боғча опа кўриниб қолди-ю, Турди пакетларни қизалоқнинг иккала қўлтиғига қистириб дарров ташқарига отилди. Кетма-кет Асқар ҳам чиқди.

— Қойил бўлди, нима дейсан?

— Бўлмаса-чи, деди Турди,— аммо-лекин боядан бери ўйлаб ўйимнинг охирига етолмаяпман, ошна, юрагимда шубҳам бор. Қорбобонинг овози таниш-а. Ўзимизнинг мактаб болаларидан эмасмикин? Чамамда, анови олтинчи «а»даги найнов бола бор-ку, Соли, ўшанга ўхшайди-я!

— Э, нима деяпсан,— деди Асқар,— Солнинг оғзидан гапи тушиб кетади-ю, қорбобо бўла оладими?

Икки ўртоқ яна ўйлай-ўйлай бошлари қотди. Солимикин-а, борди-ю, театрдан чақирилган бирор артист бўлса, хўш, унда, ўша артист Турди билан Асқарни кеча чена учганини, Сайфига қарашмаганини қайқдан билақолдйкин?

— Шунга ҳам ақлинг етмайдими,— деди Асқар,— ё Салимадан эшитган, ё Мунирадан.

— Шу ўзимизнинг Салимадан-а,— деди Асқар, шошмай турсин!

Икки ошна ҳаддидан ошган Салима билан Мунирадан

боплаб таъзирини бериб қўйишга аҳд қилишди-ю, Сайфиддинларнинг эшигини тақиллатишди.

— Ким?

— Биз,— деди Турди,— Сайфи, эшикни оч!

Остонада Сайфиддин кўринди. Қўлида теша, бирор иш қилаётган бўлса керак, болаларни кўриб ажабланди, товба, кеча бирпас қарашгани бўйнилари ёр бермаган бу икки ошна нимага кепти?

— Утин қани?!— деди Турди.

— Ташиб бўлдик,— деди Сайфиддин ҳеч нарсага тушунмай,— кеча Мунира билан Салима қарашиб юборди.

— Э, аттанг!— деди Асқар,— шошмасаларинг, биз ҳам ташишиб юборардик.

Сайфиддин хахолаб кулди.

— Ҳа, нега куласан?

— Келишларингни билсак, кутиб турардик, аттанг-е! Ичкаридан Сайфиддиннинг бувиси чақириб қолди.

— Қаёқдасан, болам?

— Нима?

— Тандирга ўтин ёриб бермайсанми, пойлаб ўтирибман.

Сайфиддин ичкарига кириб кетди. Турди билан Асқар нима қилишларини билмай бирпас остонада туришди, қорбобога берган ваъдаларидан воз кечолмай худди биров бўйниларига арқон солиб тортгандай ҳовлига киришди.

— Сайфи!— деди Турди.

Сайфиддин каттакон гўлани ёриш билан овора эди. Бош кўтармай:

— Ҳа, яна нима?— деди.

Турди Сайфиддиннинг қўлидан тешани олиб:

— Сен дам ол,— деди,— кеча чарчагансан. Утинни Асқар ёриб беради

— Э, аттанг, мен ўтин ёришга нўноқроқман,— деди Асқар,— аммо ўтин ташиш бўлса, икки-уч машинасини ҳам шипиллатиб ташиб қўярдим, ўтинни сен ёр, Турди.

Турдининг кўзлари олайиб кетди.

— Сен ёр, мен кўрсатиб турай.

— Йўқ, сен ёр,— деди Асқар,— қорбобо сенга қараб гапирган.

— Бекор айтибсан,— деди Турди,— қорбобо сенга қараб гапирган.

Сайфиддин бундоқ қараса, икки ўртада ўтин ёрил-

май қолиб кетадиган. Тешани олиб ишга киришиб кетди-ю, бир-бири билан тоза жиқиллашаётган ўртоқларига эътибор ҳам қилмади. Шу пайт Сайфиддиннинг бувиси ошхонадан чиқиб келди.

— Ҳой, айланайлар, нима гап?

Турди ҳам, Асқар ҳам нима дейишини билмай довдираб қолишди. Сайфиддин ёрилган ўтинларни тандирнинг олдига тахлаб, ҳовлининг этагидан яна битта катта ғўла судраб келди.

— Э-э, буви, кўяверинг буларни,— деди,— боядан бери иккови жиқиллашгани-жиқиллашган. Турди тешани менга бер дейди, Асқар ўтинни мен ёраман, дейди.

Бувиси бунақа ажойиб, бунақа меҳнатсевар болаларни кўриб, терисига сиғмай кетди-ю, дарров Сайфиддиннинг қўлидан тешани олиб:

— Ўртоқларингни сазасини ўлдирма, болам,— деди,— бир гал Турди ёрсин, бир гал Асқар!

Шу кун Турди билан Асқар кечгача ўтин ёришди. Сайфиддин ҳам тантилиги тутиб кетиб, ҳовлининг этагидаги ҳамма ғўлани икки ўртоғининг олдига уюб ташлади. Икки ошна яқин орада бунақа қаттиқ ишлаб кўришмаган экан, кечга томон зўрға оёқларини судраб, кўчага чиқиб олишди.

— Бувиси ҳам қизиқ экан,— деди Турди,— уйда ивирсиб юрмай кеча тоғора-поғора кўтариб уёқ-буёққа борганда маза қилган бўларди.

— Яхшилик қиламиз деб одам қидирганимизни билмаган-да!— деди Асқар ва Сайфиддиндан ўпкалаб кетди.— Мен туппа-тузук десам, Сайфиддин жуда бетамиз бола экан, ўн йиллик ўтини ёрдириб олди-я! Уйда шунча ўтини бор экан, ёзда ёриб, бир чеккага саржин қилиб қўймайдими, биров ёриб беришини кутиб ўтирадимми?

— Шунга айт,— деди Турди.

— Ҳўш, энди эртага қаёққа борамиз?

— Қаёққа бўларди, яна арча байрамга борамиз.

— Керак бўлса ўзинг бор,— деди Асқар,— кўр ҳасасини бир марта йўқотади.

Турди кўчада ҳеч зоғ кўринмаса ҳам, у ёқ-бу ёққа бир аланглаб:

— Э, тентак,— деди паст товуш билан,— менимча қорбобо ўша олтинчи «а»даги найнов Солининг ўзи, худди ўша, эртага бориб яна аниқлаймиз.

Асқар Турдиннинг тахминига унча ишонқирамай тур-

ган эди, Турди юрагидаги шубҳаларини, калласидаги қатор далилларини кўндаланг қилиб ташлади, Асқар бўшашди.

— Кулганда, курак тишини кўрдингми?

— Кўрдим.

— Бўпти-да,— деди Турди,— худди ўша!

— Наҳотки...

— Уша!

— Уша бўлмаса-чи!

— Нега ишонмайсан,— деди куйиб-пишиб Турди,— эртага бориб яна аниқлаймиз деяпман-ку, агар ўша бўлса...

— Уриб пачақ-пачақ қиламиз,— деди Асқар,— ўшани деб каникулда бировнинг ўтинини ёриб юрибмиз-а.

— Э, қизишма, гапга қулоқ сол,— деди Турди ва ўртоғига тушунтира бошлади. Унинг фикрича, қорбобо ўйин-кулгидан бўшаб коридорнинг бурчагидаги хонага кириб счинади, ахир ёпиштирилган соқол-мўйлов билан кўчага чиқмайди-ку. Турди билан Асқар эшикнинг орқасига ўтиб пойлашади... Агар ўша, Соли найнов бўлса, икки ёқдан баравар ташланишади-ю, дод дейишига қарамай, роса дўппослашади, агар артист бўлса...

— Унда-чи,— деди Асқар.

— Унда «ўртоқ артист, кечаги топшириғингизни баждардик» деб чиқиб кетаверамиз. Сўзининг устида турадиган болалар экан, деб қайтага хурсанд бўлади!

— Маъқул!

Эртасига яна мактабга келишса, бунни қарангки, бахтларига директор болалар совуқда шамоллаб қолмасин деб кийим ечадиган жойни коридорнинг охиридаги ўша хонага кўчиртирган экан. Бу гал икки ошна омадлари келганидан хурсанд бўлиб, дарров пальтолارнинг орқасига яширинишди-ю, кута бошлашди. Залдан қий-қириқ кулги, ашула, чапак овозлари эшитиларди.

— Маза қилишяпти,— деди Асқар уф тортиб,— хўп кулларга қолдик-да, сен билан мен ўғри мушукка ўшаб пальтоларда қолган-қутган куя дорини ҳидлаб ўтирибмиз!

— Қўявер,— деди Турди,— ҳаммасини аламинни биратўла оламиз, чиқсин, залда қанча кулган бўлса, оёғимизнинг тагида шунча додлайди ҳали!

— Сен орқадан келиб маҳкам қўлини ушла!

— Хўп.

— Мен у юзига-бу юзига пақиллатиб уравераман,

— Бўпти,— деди Асқар,— аммо, соқол-мўйловини олгандан кейин ур!

Залда қийқириқ-кулги авжига чиқди-ю, бир алами минг бўлиб ўтирган Турди яна уф тортиб қўйди.

— Э, нима деяпсан, ўша ёлғондакам соқолнига қараб ўтираманми.

— Ҳовлиқма, ошна,— деди Асқар,— ўзини эмас-у, ёпиштириб олган соқоли оппоқ, шуни ҳурмат қилиш керак.

Залдан ашула эшитилди. Болалар қарсак чалди. Қимдир полни гурсиллатиб ўйинга тушиб кетди.

— Чиқсин!— деди Турди,— чиқсин, соқолини кўчириб дарров сенга бераман.

— Майли,— деди Асқар, унинг ярим хаёли залда эди,— дарров бурнимнинг таги билан даҳанимга ёпиштираман-у, қорбобо бўлиб залга кираман, сен қорқиз бўласан.

Турди пальтолар орқасидан сапчиб чиқди.

— Нима, нима?

— Қорқиз бўласан!

— Мен-а?!

— Ҳа,— деди Асқар довдираб,— илгари замонларда хотин-қиз ролини эркаклар ўйнаган экан, қайтага яхши бўлган экан, нима бўпти, Салиманинг кўйлагини кийиб, рўмолини ўрайсан, сени ўғил болалигингни ким билиб ўтирибди.

Турди Асқарнинг ёқасидан ушлади.

— Сенга соқол-мўйловни ким олиб берди, қани айт!

— Э-э, қўйиб юбор,— деди Асқар хириллаб,— сен олиб бердинг, сен!

— Ҳа, баракалла,— Турди жон-жаҳди билан Асқарни силкитди,— мен олиб берган соқол-мўйловни сен ўзингга ёпиштиргин-у, рўмолини мен ўрайми? Йўқ, ошна, соқолни ўзимга ёпиштираман, анавунинг кўйлагини кийиб сен қорқиз бўласан, чапак чалсам олдимга тушиб, дикир-дикир ўйнайсан.

— Мен-а?!

— Ҳа, сен!

— Бекор айтибсан, ойим мени ўғил бола қилиб туққан, ёлғондакам қиз бола бўладиган аҳмоқ йўқ.

Хуллас, сраларидан «қил ўтмас» икки ошнанинг бу галги жанжаллари пальто илинган турма қозиқни йиқилиши билан тугаб, ҳамма қулоқчин-у, ҳамма пальтолар ер билан битта бўлди. Икки ошна ҳушларига келиб, ҳеч

ким йўғида қочиб қолишмоқчи эди, залда ўйин-кулги тугаб, қий-чув. билан ҳамма хонага кириб келди.

— Баракалла!— деди қорбобо бир тўда пальтони қучоқлаб олган икки қадрдон ошнага кўзи тушиб,— одамгарчилик деган бундоқ бўпти, ҳой қизлар, чаққон-чаққон кийининглар!

Оббо, айёр қорбобо-ей, бу гапдан икки ошна ломлим деёлмай елка тутган қизнинг кифтига пальто илиб, ташқарига чиқиб олишди. Энди шипиллаб кета бошлаган эди, кетларидан Сайфиддин чақириб қолди.

— Қойилман,— деди у ҳаяжон билан,— одамгарчиликни ҳам дўндириб ташладинглар-а!

— Кесатма!— деди Турди.

— Э, тештак, нима деяпсан,— деди Сайфиддин,— кетларингдан қорбобонинг оғзидан бол томиб қолди-ю, сенларга дарров топшириқ берди.

— Қанақа топшириқ?— иккови баб-баравар чўчиб тушди.

— Кейин биласанлар,— деди Сайфиддин овозини пасайтириб,— юринглар!

— Бор-е!— деди Асқар ва Сайфиддиннинг ҳай-ҳайлашига қулоқ солмай кета бошлаган эди, Турди арағ етиб олиб, ошнасини тўхтатди.

— Нима дейсан?

— Галга қулоқ сол,— деди Турди ҳовлиқиб,— қорбобо аввал иккаламизни синади, кўрдик, иккаламиз ҳам меҳнат деса чиппа ёпишадиган болалармиз, энди уйига обортириб, ишлатмоқчи, агар Сайфи Соли найновнинг уйига бошлаб борса, демак қорбобо «ўша»!

Бу гап Асқарни ўйлатиб қўйди. Турдининг гапида жон бор. Қорбобонинг кимлигини аниқлашнинг осон, тўғри йўли ҳам шу. Майли, Сайфиддин бошлаб бораверсин, «қорбобо»нинг топшириқларини ёнинг демай бажаришади, ҳаммаси аниқлангандан кейин тўппа-тўғри директорнинг олдига киришади-ю, ўртоқ директор, каникулда дам олиш, ўзингиз айтгандай ҳал қилувчи учинчи чоракка куч йиғиш ўрнига Соли найновнинг уйида мардикор бўлиб ишладик, мабодо яна дарсингиздан оқсаб қолсак хафа бўлиб юрманг, деб дангал айтади.

— Мен тўппа-тўғри «Ленин учқуни»га ёзаман!— деди Турди, шундай қилиб, бири директорга, бири редакцияга маълум қиладиган бўлиб, индамай Сайфиддинга эргашинди. Оббо, Сайфиддин-е, икки ошнани тўппа-тўғри Асқарларнинг уйига бошлаб келса-я. Буни қа-

ранг, ҳар қанча иш деса ўзининг ҳовлисида тўлиб-тошиб ётган экан-ку, Асқар кўрмаган экан. Бу гал қорбобо ҳовли юзидаги гиштларни, майда-чуйда тахталарни бир чеккага йиғштириб қўйишни топширган экан. Шу кун уч ўртоқ чунонан ишлашдики, Асқарнинг ойиси ўғлини таниёлмай ёқасини ушлади.

— Эртага нима қиламиз, Сайфи?— деди Турди чойга ўтиришганда синамоқчи бўлиб.

Сайфиддин маънодор кулди.

— Қорбобо яна нима топширса шуни қиламиз-да.

Қорбобонинг топшириқлари хилма-хил ва жуда кўп эди. Мактабнинг кўчасини курашди. Мунираларникида кўмирнинг майдасини элашди, боғча болаларни ченада учуришди, маҳалладаги уч-тўртта кампирга челақ-челақ сув ташиб беришди. Икки ошна Солини қўлга тушириш мақсадида гинг демай «қорбобо»нинг айтганларини бажаришарди. Аммо «қорбобо» Турди билан Асқардан кўра айёрроқ эканми, бирон марта ўзининг уйидаги ишни қилдирмади-я!

Оббо, қорбобо-е, икки ошнанинг ниятини қаёқдан пайқадийкин-а?!

ҚИЗИЛ ОЛМА

Эргаш биқиниб келди ю, лагерь эшиги олдида турган Мунисага кўзи тушди. У ўжар, бир сўзли бу қизнинг бугун навбатчи эканлигидан хабарсиз эди. Остонадан хатлашга журъат қилолмай турган эди:

— Ҳа,— деди Муниса,— ухламай нега санқиб юрибсан!

Эргаш довдираб қолди. Секин атрофига қаради. Ҳеч ким йўқ. Мунисани туртиб ўтиб кетмоқчи эди, юраги дов бермади. Бу қизга ўчакишиб барака топиб бўлмайдди. Туртиш уёқда турсин, қўли тегиб кетса ҳам бутун лагерни бошига кўтарди. Эргаш ишни яхшиликча битирмоқчи бўлиб қаппайиб турган майкасига қўл солиб, бир дона қизил олма олди.

— Ма!— деди ён-верига аланглаб,— биров кўриб қолмасин!— Муниса олмага қараб ажабланди. Бунча чиройлик. Тавба, бунақасини ҳали у ҳеч кўрган эмас. Ярни қизил, ярни сариқ, одам кўзини узгиси келмайди. Қаердан олдийкин? Важоҳатидан шу яқин орадаги колхознинг боғига тушган, ҳа, аниқ. Бирдан Мунисани тит-

роқ босди. Гўё айбни ўзи қилиб қўйгандек юраги шув этиб:

— Қаердан олдинг?— деди.

— Э,— Эргаш қўл силтади,— суриштириб нима қиласан. Бергандан кейин олавер-да. Аммо туя кўрдингми, йўқ. Тушундингми?

Мунисанинг қичқириғидан Эргашнинг жони чиқиб кетаёзди. У яна уёқ-буёққа аланглаб ҳеч ким эшитмаганига ишонгач, ялинишга ўтди. Бироқ Муниса кўнмади. У Эргашнинг қўлидан маҳкам ушлаб лагерь бошлиғининг хонасига судради. Эргаш бир силтаб унинг қўлидан чиқди. Қўйнидаги олмалар ер билан битта бўлди. Орқасига ҳам ўгирилмай палатага югурди. Ҳамманинг ухлаб ётганидан фойдаланиб, наридан-бери ечиниб ўрнига кирди.

Муниса олмаларга қараб юраги эзилди. Тавба, кимдир йил бўйи меҳнат қилсин-да, бир безори узиб олсин. Шу инсофданми? Ердаги олмаларни териб тўппа-тўғри бошлиқнинг олдига кирмоқчи бўлди-ю, хаёлига келган бир фикрдан тўхтаб қолди: хўп, олмаларни-ку, олиб киради. Бошлиқ шу заҳоти Эргашни кўпчиликнинг ўртасида изза қилади. Бу Эргашнинг буваси Мўминжон аканинг қулоғига етса-чи? У Тошкентдаги институтлардан бирида ишлайди. Ўзи ҳам мана шу атрофга тез-тез чиқиб туради. Мўминжон акани ҳозирги илмий иши боғдорчилик билан боғлиқ. Невараси лагерга чиққандан бери Мўминжон ака беш марта келиб кетди. Икки марта болалар билан боғ ҳақида шунақа ажойиб суҳбат ўтказдики, ҳар бир боланинг юрагида яхши ният билан ҳар йили бир жуфт кўчат ўтқазниш, катта бўлса боғбон бўлиш орзуси туғилиб қолди. Охирги келишидан Мўминжон ака жуда хурсанд эди. Лагерь бошлиғига:

— Мана, кўрасиз,— дерди ҳаяжонланиб,— йиғирма йилдан бери қилаётган меҳнатимнинг натижасини яқинда кўрасиз!

Муниса ўшанда Мўминжон аканинг хурсандлигини, ёш болага ўхшаб нимадандир қаттиқ ҳаяжонланганини ўйлади-ю: «Бу гал Эргашни огоҳлантириб қўяман. Бу қилиқни иккинчи қайтармасин. Бувасининг ҳурмати, шундай қилганим яхши»,— деб қўйди ўзинча.

Муниса бўшашиб орқасига қайтди.

Офтоб тиккада. Лагерь жимжит. Ҳатто эрталабдан базм қурган қушлар ҳам пессикқа тоб беролмай ин-инига кириб кетган. Лагерь этагидаги катта анҳорнинг

бир меъёрдаги шовиллаши, олис-олисида, колхоз даласида тракторнинг тириллашигина қулоққа чалинади, холос. Муниса эса эшик олдидаги курсига ўтириб олиб, Эргаш билан бўладиган суҳбатни ўйларди. Муниса горннинг овозидан чўчиб бошини кўтарди. Бирпасда ҳамма ёқни қий-чув босиб кетди.

Муниса кўзлари билан Эргашни қидирарди. Бироқ у кўринмасди. Овқат маҳалида Муниса пайт пойлаб секингина Эргашнинг ёнига ўтирди-да:

— Сенда гап бор,— деди.

Эргаш Мунисага кўз қирини ташлади.

— Ҳа, нима дейсан?

Муниса индамай ўрнидан турди. Эргаш ҳам шошиб компотини ичди-да, унга эргашди.

— Гап шу,— деди Муниса,— бояги номаъқулчиликни иккинчи қилмайсан. Шунга ҳозир менга сўз бер. Бўлмаса...

Эргашнинг кўзлари ола-кула бўлди.

— Хўш?

— Бўлмаса... бошлиққа айтаман!

У Мунисанинг кўзларига ғалати бир тикилди-да, тиржайди.

— Нимани айтасан?— деди у елкасини учуриб,— бирон гуноҳ қилибманми? Қани, гапир-чи? Ҳа, боягиними, кечикдинг, оппоқ қиз, боягини боя гапириш керак эди. Минг айтганинг билан энди фойдаси йўқ.

Муниса унинг кўзларига тикилиб, «одам ҳам шунақа сурбет бўладими», деб хаёлидан ўтказди. Эргаш эса гўё Мунисанинг тилини қисиб олгандек ўзини бемалол тутиб:

— Айтмайсан!— деди,— айтсанг менга ўчакишиб кун бермаяпти дейман-у, лагердан ғойиб бўламан. Кейин ўзларинг бурнингни тортиб ўлгудек қидирасанлар.

Муниса шартта орқасига бурилиб кетди. У ғазабдан қалтирар, негадир хўрлиги келиб ўзини тутолмасди. Эргашни шунчаки тўполончи деб юрса, бу учига чиққан сурбет бола экан. Тавба, ҳозирдан тухматга ўрганса, катта бўлганда нима бўлади. Йўқ, буни ҳозироқ бошлиққа айтади. Айтмай туролмайди ҳам. Куппа-кундуз куни ўғирлик қиласан-у... тавба, нега ўша заҳоти кетидан палатага кириб олиб чиқмади. Қаёқдаги андишага бориб, Эргашнинг ўғрилигини яшириб кетди.

Шу тобда Муниса ўзини гуноҳкор сезар, негадир, юзлари ҳам худди ўша ерда тўкилиб ётган олмадек қи-

зариб кетган эди. Муниса бўлган воқеани бошлиққа айтишга улгуролмай қолди. Бирдан лагерда шов-шув бошланди, ҳамма лагерь этагидаги ҳовуз томон югурарди. Лагерь бошлиғи билан Муниса ҳам ажабланиб боришди. Кимдир олисдан: «Тезроқ келинглар, Эргаш сувга чўкибди», деб қичқирди. Бу хабардан Муниса бўшашиб кетди. Улар югуриб етиб келишганда сув бетида Эргашнинг дўпписи қалқиб юрар, сузишни биладиган болалар кийимлари билан ҳовузга шўнғишарди.

— Ҳа, нима гап?

Лагерь бошлиғи ўзини жуда йўқотиб қўйган эди. Муниса эса гўё Эргашнинг чўкиб кетишига ўзи айбдордек кўзлари жиққа ёш, нуқул ҳовузнинг атрофида гир айланади.

— Сувда ҳеч ким йўқ,— деди ҳовуздаги болалардан бири,— ҳамма ёқни қараб чиқдик.

Лагерь бошлиғи бир оз ўзига келди-да, бояги болани қидириб топди. Қичқирган бола тутила-тутила Эргашнинг ҳовуз томон югуриб кетганини, йўлда эса унга Мунисанинг дастидан менга кун йўқ, ҳозир ўзимни сувга ташлайман деганини гапириб берди.

— Ўзинг кўрдингми?

— Нимани?

— Эргаш ўзини сувга ташлаганини кўрдингми, деяпман!

Бола кўзларини катта-катта очиб:

— Йўқ, аввалига ишонмадим,— деди,— кейин келсам, ҳовузда Эргашнинг дўпписи сузиб юрибди.

Шунга қарамасдан, болалар яна ҳовузни тинтиб чиқишди. Бироқ Эргашнинг дўпписидан бўлак бирор ному нишон топишолмади. Бутун лагерь оёққа туриб, бошқа ерларни ҳам қидира бошлашди. Унга яқин одам катта кўчага чиқиб кетди. Бир неча бола лагерь атрофини кўздан кечирди. Эшикда турган навбатчи бола минг бир қасам пчиб:

— Эргаш эшикдан чиққани йўқ,— деса ҳам бари бир ишонмай колхознинг боғиғача бориб келишди. Бироқ ҳеч қаердан Эргашни топишолмади. Ҳамма чарчади. Лагерь бошлиғи қидиравериш ҳолдан тойди. Муниса эса жавдираб, одамларга қарар, аммо ҳеч кимни кўрмас эди. Болалардан ийманмаса лагерни бошига кўтариб йиғлашдан ҳам тоймасди. Нега гапирди. Балки ростдан ҳам Мунисага ўчакишиб... йўғ-е, деб қичқириб юборди.

Ешида ўтирган бошлиқ Мунисанинг авзойини кўриб:

— Нима бўлди сенга, қизим?— деди.

Муниса ўзини тутиб туrolмади. Нимадир томоғини қаттиқ қисди. Гапирмоқчи эди, тили гапга келмади ва қўллари билан юзини тўсиб ўкириб юборди.

Қидирув ҳамон давом этарди. Бутун палаткалар, каравотларнинг тагидан тортиб лагерь омборхонасигача қараб чиқишди. Ҳар қаёққа қидириб кетган болалар шалвираб қайтиб келишди. Ҳамманинг юзида ташвиш, қиёфаси жиддий эди. Болалар энди нима қилдик, дегандек бошлиқдан жавоб кутишарди. Бошлиқ индамай ҳовуз томон юрди.

Муниса унга эргашиб бораркан:

— Энди нима қилдик,— деб пичирлар ва умид билан ён-атрофга қарарди. Болалар ҳам елкаларини оғир тош босгандек, бошлиқнинг кетидан жим боришарди.

Ҳовуз бўйида каттакон чинор бор эди. Унинг қуюқ сояси ҳовузнинг ярмини ва бильярд хонани эгаллаб турарди. Ҳаммалари ана шу чинор соясида тўпланишиб, сўзсиз ҳовузга тикилишди, сув бетиде эса Эргашнинг тўпписи ҳамон қалқиб юрар эди.

Шу пайт нимадир тепада қарс этди. Муниса бошини кўтарди-ю, ҳангу манг бўлиб қолди. Чинорнинг тепасида, каттакон шохда Эргаш ўтирарди. Аввалига Муниса кўзларига ишонмай турди, кейин:

— Афтинг қурсин,— деб қичқирди.

Муниса титрар, ҳадеганда гапиролмас, икки кўзини чинордан узмас эди. Ҳамма Муниса қараган томонга ўгирилди. Орага оғир жимлик чўкди. Эргаш эса пастга қарагани журъат этолмай, чинорнинг каттакон шохини маҳкам қучоқлаганча чурқ этмай ўтирарди.

Жимлик бузилди-ю, ҳориб-толган болалар шалолдек кўпириб кетди. Ҳамма олдинма-кейин қичқириб Эргашга таъбеҳ бера бошлади. Баъзилар мушт ҳам кўрсатиб қўйишди.

— Пастга тушсин,— деди кимдир,— боплаб таъзирини берамиз!

Бошлиқ болаларни аранг тинчитди-да, Эргашга ўгирилиб:

— Пастга туш,— деди ҳорғин ва пешанасидаги тер, томчиларини рўмолча билан артаркан, болаларга билдирмай секин хўрсиниб қўйди. Эргаш пастга бир қараб олди-да, сирғалиб туша бошлади. У болалар роса дўппослашса керак, бошлиқ сўкиши турган гап, деб чўчиган эди. Йўқ, пастга тушганда унга ҳеч ким яқинлашмади.

Болалар тарқаб кетишди. Ҳовуз бўйида бошини қуйи солган Эргаш, лагерь бошлиғи ва Муниса қолди, холос.

— Бор,— деди бошлиқ,— овқатингни еб ол.

Бошлиқ оҳиста бурилди-да, битта-битта қадам ташлаб хонасига қараб кетди. У ниҳоятда чарчаган эди. Унинг юрагида нималар кечганини ҳозир ҳеч ким тасаввур қилолмасди. Эшик олдидаги скамейкага ҳорғин чўккалади.

— Нима қиламиз?

Бошлиқнинг қаршисида кўзларини пир-пиратиб Муниса турарди.

— Ҳеч нарса,— деди,— Эргашга бир оғиз ҳам қилган намаъкулчилиги тўғрисида гапирманглар. Ўзи ўйлаб кўрсин, қилмиши ўзига билинсин. Гапириш қочмайди.

Орадан уч кун ўтди.

Эргаш ўкинган бўлиб чекка-чеккадан ҳали ундан, ҳали бундан узр сўраб юрганда лагерь эшигига машина келиб тўхтади. Машинадан тушган похол қалпоқли чўққисоқол киши — болаларга таниш, ажойиб олим Мўминжон ака эди. Болаларнинг қувончи ичига сиғмай кетди, олимнинг қаршисига югурди.

Мўминжон ака невараси Эргашнинг пешанасидан ўпди. Болалар билан илиққина кўришди-ю, бироқ негадир чиройи очилмади. Лагерь бошлиғи олимнинг кайфиятини сўрагандан кейин Мўминжон ака юрагидаги дардни сиғдиrolмай:

— Орзумиз чиппакка чиқди,— деди ва бирдан чуқур хўрсинди,— тажриба учун колхоз ер ажратиб берган эди. Ўша ерга тўрт йил аввал қирқ тўп янги нав олма эккан эдик. Биттаси нишона қилган эди бу йил.

Мўминжон ака жим қолди.

Эргашнинг ранги ўчди. Кўзлари ола-кула бўлди. Талвасага тушиб, бирдан қичқириб юборди ва ўзини Мўминжон аканинг қучоғига отди.

— Бува!

Мўминжон ака Эргашнинг аҳволига ажабланди-да, бошлиққа қаради. Бошлиқ эса гўё кекса олимнинг олдида катта гуноҳ қилиб қўйгандек бошини қуйи солиб индамай турар эди. Муниса секин болаларни бошлаб олиб кетаркан, кўзига ер билан битта бўлиб ётган ўша ярми қизил, ярми сариқ олмалар кўриниб, орқага қарагани ҳам ботинмай югурганча палатага кириб кетди.

Ўша кунини Эргаш лагердан жўнади.

ГУЛДАСТА

Меҳмонларни болалар номидан табриклар гулдаста тақдим қилиш Адҳамга топширилган эди. Табрик сўзини роса бир кун ёзди. Вожатийга кўрсатган эди, «якши, қисқа, мазмундор бўлибди», деди. Эрталаб туриб ёдлади. Наридан-бери чойини ичиб, оқ шойи кўйлагини кийди. Дазмолланган галстугини тақиб мактабга жўнади. Болалар ҳам вақтида етиб келишди. Тўрдаги столга қизил алвон ёзишди. Уртага эса каттакон гулдаста қўйишди. Ташқарида оёқ шарпаси эшитилиши билан кимдир: «Келишяпти», деб юборди. Ҳамма жой-жойига ўтирди. Адҳам галстугини тўғрилар, эшикка қаради.

Ичкарига Вали кирди.

— Ҳм... Қелмайдиган бўлишди...

— Нега?

— Акам касал,— деди у.— Лев амаким... Зарур иш билан районга кетибди.

Ҳамманинг руҳи тушиб кетди. Адҳамнинг йиғлар юборишига оз қолди. Уйлар кўринг ахир: бир ҳафтадан бери орзиқиб кутилган учрашув бирдан йўққа чиқади-ю, хафа бўлмайдими?

Адҳам нима қиламиз дегандек, эшик олдида қўллари чўнтагига гиқиб турган Валига қаради.

— Бошқа кун итказамиз. Шу бугун шартми?— деди Вали болаларга кўз қирини ташлаб.

Адҳам столдаги гулдастани газетага ўраб, Валига тутди.

— Бўлмаса, бизнинг номимиздан акангни сўраб қўй. Менга қара, якшиси уч-тўрт киши бўлиб кўргани бора қолайлик. Нима дейсан, Вали?

— Йўқ... Йўқ...— деди Вали орқага тисарилиб ва Адҳамнинг йўлини тўсмоқчи бўлгандек, эшикнинг гутқичини ушлаб олди:— Акамнинг иситмаси баланд. Мен ўзим... мен ўзим... сўраб қўяман...

Болалар тарқалишди. Адҳам ҳаммадан кейин қолди, қизил алвон билан вазаларни топшириб уйга жўнади. У катта кўчадан ўтиб, муюлишга етганда, бояги гулдастанинг ариқ ичида ётганини кўриб тўхтаб қолди. Бориб олди. Ҳа, боягининг худди ўзи! Адҳамнинг кўзлари чақнаб кетди. Ҳеч нарсага тушунолмади, ариқ бўйидаги катта тошга ўтирди. Вали нега ташлаб кетдикин? Ё уйга олиб боргани уялганмикин! Нимадан уялади? Бу болаларнинг совғаси-ку!

Адҳам ўйлаб-ўйлаб ўйининг охирига етолмагач, эртасига синф раҳбари, она тили ўқитувчиси, Ойша опага бўлган воқеани гапириб берди. Ойша опа олдидаги бир даста дафтарни четга суриб қўйиб сўради:

— Гапинг тўғрими? Балки бошқади.

— Йўғ-е... ўзим ясаган гулдастани ўзим танитайманми?

— Учрашувни ким таклиф қилган эди?

— Ўзи... отряд йиғилишида. Унинг акаси пахта тегиш машинаси ясайдиган заводда ишлайди. Лев амаки ҳам. Яқинда газетада ҳар икковининг расми чиққан. Буни ўзи олиб келиб кўрсатди. Ушанда улар билан учрашув ўтказмаймизми, деган эди, ҳаммамиз кўндик. Буни таклиф қилишни Валининг ўзига топширдик. У эртасигаёқ «акам билан Лев амакини айтиб келдим, шанба куни келадиган бўлишди», деди. Шанба куни бўлса шунақа деб ўтирибди.

— Қизиқ,— деди Ойша опа хаёлга толиб.— Гапирганда ўзини қандай тутди?

— Бирпас довдираб қолди,— деди Адҳам. Лоп этиб хаёлига бир нарса келиб, ўқитувчига қаради. Уқитувчи зимдан Адҳамни кузатиб ўтирган эди, унинг хаёлидан ўтган фикрни сезди шекилли, бошини чайқаб «аниқлаш керак, эҳтимол тўғридир»,— деди.

Бўлиб ўтган бир воқеадан кейин Адҳамнинг шубҳаси тўғри чиқди. Она тили дарси эди. Ойша опа тўсатдан Валини доскага чақириб қолди. Валининг юраги шув этиб кетди.

— Уй вазифасини тайёрлаб келдингми? Қани, бўлмаса эга ва кесимли гап тузиб, доскага ёз-чи?

Вали мисол тополмагач, ўқитувчи болаларга қаради.

— Валига ким ёрдам беради?

— Мен!.

— Қани, Адҳам.

Адҳам ўрнидан турди.

— «Қўрқоқ ёлғон гапиради».

— Яхши... Ия нега ёзмай турибсан, Вали?

Вали Адҳамга бақрайиб турган экан, ўқитувчининг сўзидан бир чўчиб тушди.

— Менимча... Менимча... Маъноси тўғри эмас,— деди ниҳоят ғулдираб у.

— Нега?

— Ёлғон гапирган одамнинг... ҳаммаси қўрқоқ бўлавермайди.

— Ана холос,— деб юборди Ойша опа,— Адҳамга маънодор қараб олиб,— менимча Адҳамнинг фикри тўғри. Ёлғон гапирган одам, албатта қўрқоқ бўлади. Қўрқоқ одам доим ёлғон гапиради.

Валининг кўз ўнги қоронғилашиб кетди...

Эртасига дарс бошланганда, синфга Ойша опа билан Валининг акаси Салим ака кириб келди. Ҳамма Валига қаради.

— Акам касал деб роса лақиллатган экансан-да,— деди Адҳам,— икки баҳоларингни уйдагилар билиб қолишидан қўрққансан-да... Ўзим ҳам шундайдир деб ўйловдим. Фақат ўзинг иқроф бўларсан деб юрган эдим. Қўрқоқ!

— Мен... Мен... қўрқоқ эмасман,— Валининг қалин лаблари титраб кетди,— мен ўзим ҳаммасини акамга айтиб бердим.

МУНДАРИЖА

С. Баруздин. Нозик таъб, хассос ижодкор	3
---------------------------------------------------	---

Қиссалар

Чўққидаги лолалар	7
Бургут олиб қочган бола	160

Ҳикоялар

Урик	: : 325
Умиданинг найранги	330
Сиз ишонасизми?	336
«Э, аттанг!»	342
Қайси бола сайланаркин?	347
Кинога оляпман	353
Қорбобонинг топшириғи	359
Қизил олма	373
Гулдаста	379

Маҳмудов Латиф.

М 32 Бургут олиб қочган бола: Қиссалар ва ҳикоялар.— Т.: Ёш гвардия, 1985.—384 б.

Ёзувчи Латиф Маҳмудовнинг ёътиборингизга ҳавола этилаётган мазкур китоби сиз, азиз китобхонларга манзур бўлган ҳикоялари ва қиссалари асосида тузилди. Адиб ҳаёти ва ижодининг сарҳисоби бўлган бу тўплам болалар ёзувчиси ҳақида сиз, китобхонларга яхши тасаввур беради, деган умиддамиз.

Китобда машҳур совет ёзувчиси Сергей Варуздиннинг автор ҳақидаги сўзлари илова қилинмоқда.

Махмудов Латиф. Мальчик, украденный беркутом: Повести и рассказы.

Уз2

М $\frac{4803010000-120}{356 [04]-86}$ 130—86

© Издательство «Ёш гвардия», 1985

Для детей среднего школьного возраста

На узбекском языке

Латиф Махмудов

МАЛЬЧИК, УКРАДЕННЫЙ БЕРКУТОМ

Повести и рассказы

Ташкент, издательство «Еш гвардия», 1985 г.

Тақризчи Фарҳод Мусажонов.

Редактор С. Сайдалиева, Рассом Ҳ. Раҳматуллаев. Расмлар редактори А. Фуломов. Техн. редактор У. Ким. Корректорлар: Ш. Валиева, М. Таджиева.

ИБ 1683

Босмахонага берилди 6.06 1985 й. Босишга рухсат этилди 23.10.85 й. Формати 84×108¹/₃₂ 1-босма қоғозга «Литературная» гарнитурда юқори босма усулида босилди Шартли босма листи 20,16. Нашр листи 21,08 Шартли кр-отт. 20,58. Тиражи 45000. Буюртма 1286. Шартнома 53—85. Ваҳоси 75 т.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Еш гвардия» нашриёти, Тошкент, 700129, Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26.